



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
MILLYI GWARDIYASI
HARBIY-TEKNIK INSTITUTI**

**ГУМАНИТАР ВА ИЖТИМОЙИ ФАНЛАР
КАФЕДРАСИ**

**ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАЁТИ ВА
МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ДУНЁ ТАЛҚИНИДА
халқаро илмий-амалий конференцияси тўплами
2021 йил 12 феврал**

I-ҚИСМ

**ИЗУЧЕНИЕ ЖИЗНИ И НАСЛЕДИЯ ЗАХИРИДДИНА
МУХАММАДА БАБУРА В МИРОВОЙ
ИНТЕРПРЕТАЦИИ**

**сборник международной научно-практической
конференции
12 февраля 2021 года**

ЧАСТЬ I

**STUDYING THE LIFE AND LEGACY OF ZAHIRIDDIN
MUHAMMAD BABUR IN THE WORLD
INTERPRETATION**

**book of international scientific-practical conference
February 12, 2021**

PART I

Тошкент – 2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ

ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ



ГУМАНИТАР ВА ИЖТИМОИЙ ФАҲЛАР КАФЕДРАСИ

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАЁТИ ВА МЕРОСИНИ ЎРГАНИШИ
ДУНЁ ТАЛҚИНИДА**

**халқаро илмий-амалий конференцияси тўплами
2021 йил 12 феврал**

I-ҚИСМ

**ИЗУЧЕНИЕ ЖИЗНИ И НАСЛЕДИЯ ЗАХИРИДДИНА МУХАММАДА БАБУРА В
МИРОВОЙ ИНТЕРПРЕТАЦИИ**

**сборник международной научно-практической конференции
12 февраля 2021 года**

ЧАСТЬ I

**STUDYING THE LIFE AND LEGACY OF ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BABUR IN
THE WORLD INTERPRETATION**

**book of international scientific-practical conference
February 12, 2021**

PART I

Тошкент – 2021

Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва меросини ўрганиш дунё талқинида // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2021 – 402 б.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2021 йил _____ - сонли баённома).

Масъул муҳаррир: **Р.А.Сайфулов** – Миллий гвардия Марказий девони режалаштириш, мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик бўлими бошлиғи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),

Тахрир ҳайъати: **Ғ.Р.Мирзаев** - Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти катта ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.С. Расулова– Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти доценти, тарих фанлари номзоди, доцент

Х.Д.Хакназаров – Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Й.А.Худойкулов – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти доценти, фалсафа фанлари номзоди, доцент

А.У.Ҳайдаров – Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти катта ўқитувчиси

А.А.Сатторов - Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти ўқитувчиси

Такризчилар: **А.Мадраимов** – Темурийлар тарихи давлат музейи бўлим бошлиғи, тарих фанлари доктори.

С.Б.Гилябоев – Низомий номидаги ТДПУ “Тарих ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди.

Мазкур тўплагга Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти, ҳарбий маҳоратини ўрганиш ва кенг миқёсда тарғиб этиш, илмий ва маънавий мероси, хусусан, “Бобурнома” ва бошқа асарларининг дунё миқёсида ўрганилиши, бобуршуносик йўналишидаги тадқиқотлар, таржимашуносик, Бобур меросининг ХХI аср фани ва маданиятига қўшаётган ҳиссасига бағишланган мақолалар киритилган. Мақолалардаги маълумотлар асосли эканлигига муаллифлар жавобгардирлар.

КИРИШ СЎЗИ

Ассалому алайкум ҳурматли халқаро конференция иштирокчилари!

Азиз меҳмонлар ва тадқиқотчи олимлар!

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида Бобур номли халқаро жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилган **“Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва меросини ўрганиш дунё талқинида”** номли халқаро илмий-амалий конференцияга хуш келибсиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳрида ташкил этилган Адиблар хиёбонига 2020 йил 20 май кунги ташрифи давомида хиёбонни бутун халқимиз, айниқса ёшлар учун том маънода адабиёт, маънавият ва тарбия масканига айлантириш, у ерда ҳайкали ўрнатилган ҳар бир адиб ижодини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш юзасидан муҳим фикрлар билдирилган эди.

Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтига атоқли адиб, ҳам шоҳ ҳам шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш масъулияти топширилган.

Дунё илм-фанида беш асрдан буён Бобур ҳаёти фаолияти, илмий ва маънавий мероси, ҳарбий маҳорати ва жасоратларини ўрганиш қизгин давом этмоқда. Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда **бобуршунос** олимлар гуруҳи, ўзига мактаб шаклланган бўлиб, бугунги авлод уларнинг ишини давом эттирмоқда.

Ўтган қисқа вақт мобайнида Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтида Бобур ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш бўйича комплекс ишлар амалга оширилди. Хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги **кўкрак нишони** ва **махсус стипендияси** таъсис этилди. Институт етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан “Бобур мероси” туркумидан **60 га яқин рисола, ўқув қўлланма, монография** ва **электрон ўқув қўлланмалар** яратилди. Республика миқёсида илмий-амалий анжуманлар ташкил этилди.

Бобур номли халқаро жамоат фонди, “Бобур ва жаҳон маданияти” музейи ва бошқа ташкилотлар билан меморандумлар имзоланиб ҳамкорликдаги ишлар янада кучайтирилмоқда. Яқин кунларда, тўғрироғи икки кундан кейин, яъни 14-февраль – Бобур Мирзонинг туғилган кунида **“Йўлбарс изидан”** номли тарихий ҳужжатли бадиий фильм премьераси кутилмоқда. Бунда институтимиз курсант ва профессор-ўқитувчилари фаол иштирок этганликларини эътироф этиш жоиз. Шу билан бирга ҳозирда **“Йўлбарснинг туғилиши”** номли бадиий филмнинг суратга олиш ишлари якунланаётган бўлиб Наврўз байрами арафасида экранларга чиқиши кутилмоқда.

Бугунги халқаро илмий-амалий конференцияда дунёнинг етакчи мамлакатлари бобуршунос олимлари, хусусан, Россия Федерацияси, Туркия, Ҳиндистон, Япония, Туркменистон, Афғонистон, Озарбайжон ва бошқа бир қатор мамлакатларидан мутахассис тадқиқотчилар, шунингдек, юртимизнинг кўзга кўринган бобуршунос олимлари иштирок этишмоқда.

Бугунги конференцияда Бобур ҳаёти ва фаолияти, ҳарбий маҳорати ва санъати, илмий ва маънавий мероси, хусусан, “Бобурнома” ва бошқа асарларининг дунё миқёсида ўрганилиши, бобуршуносик йўналишидаги янги тадқиқотлар, таржимашунослик, Бобур меросинининг ХХІ аср дунё фани ва маданиятига қўшаётган ҳиссасига бағишланган илмий масалалар муҳокама қилинади.

Фурсатдан фойдаланиб халқаро илмий-амалий конференцияни очик деб эълон қиламан ва анжуман ишига муваффақият тилайман.

Конференция ишида иштирок этаётган хорижлик ва маҳаллий олимларнинг институтимиз билан мунтазам ҳамкорлиги учун, буюк аждодларимизнинг бой меросини ўрганишга қўшган муносиб ҳиссалари учун миннатдорчилик билдираман.

Эътиборингиз учун ташаккур!

Миракулов Мирафзал Миродилович
Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти бошлиғининг биринчи
ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

**ЯЛПИ МАЖЛИС МАЪРУЗАЛАРИ
ПЛЕНАРНЫЕ ДОКЛАДЫ
PLENARY REPORTS**

THE BOOKS ON THE LIFE OF BABUR FROM 19th CENTURY TO PRESENT

Munevver Tekjan (Turkey)

Professor of Kojaeli University, personnel of the Department of Turkish Language and Literature

Since Babur's memoirs *Babur-nāma*, started to be translated into European languages in the 19th century, various biography books and encyclopedia articles have been written on the life of Babur from the century to the present. John Leyden and William Erskine published the first English translation of the *Babur-nāma* in 1826 on the basis of *Babur-nāma*'s manuscript as the primary source material¹. The translations after John Leyden and William Erskine seem to be the combinations of the primary source material and the previous translations treated as the secondary source material. Some translations of the *Babur-nāma* are based solely on the previous translations. Annette Susannah Beveridge was the next translation to be considered the best English translation of the early 20th century². By the end of the 20th century, Wheeler M. Thackston had made another translation combining English, Persian and original Turkic transcripts, called Chaghatai³.

My aim in this study is to examine the major biography books written on Babur's life between 1899 and 1818, in the context of modern biography writing. I have limited these biography books to nine.

As far as biographical works are concerned, in many cases biographical writing has generally stagnated, there has been a reversal of the more familiar hagiographic method of glorifying the dead, similar to the biography of the saints produced in medieval times. A distinction between *mass biography* and *literary biography* began to emerge in the middle of the 19th century, reflecting a gap between highbrow and middlebrow culture. However, the number of biographies in print has grown rapidly, thanks to an increasing number of readers. This revolution in publishing has made books available to a wider audience. In addition, for the first time, affordable paperback editions of popular biographies have been published. Periodicals started to publish the series of biographical sketches.

Lane-pool, a British orientalist and archaeologist, was the first to write a literary biography of Babur, *Babar 1899*, using parts of *Babur-nāma* to the some extend as a source material for character analysis, based on the first English translation by John Leyden and William Erskine, *Bābur (Emperor of Hindustān)*, published in 1826. The quotations, the main facts and the various episodes illustrating the character of Babur were taken directly from his memoirs.

On the other hand, in the second half of the 20th century, new materials and information on the *Babur-nāma* have come to light and the *Babur-nāma* has been reprinted. it is claimed that the English language has been improved or modernized, in such cases the primary source material, the original Turkic manuscript of the *Babur-nāma*, has been used only minimally. This is important

¹ Bābur (Emperor of Hindustān) (1826). *Memoirs of Zehir-Ed-Din Muhammed Baber: emperor of Hindustan*. Longman, Rees, Orme, Brown, and Green. Retrieved 5 October 2011.

² The *Babur-nāma* in English (*Memoirs of Babur*) (1922) Volume 1 by Annette Susannah Beveridge on Internet Archive.

³The *Bābur-nāma: Memoirs of Babur, Prince and Emperor*, Zahir-ud-din Mohammad Babur, Translated, edited and annotated by Wheeler M. Thackston. 2002 Modern Library Palang-faack Edition, New York. ISBN 0-375-76137-3.

because it implies that there is only a minimal link to the original, that *Leydens' manuscript* is no less complete than Beveridge's or Thackston's even though it does not have Beveridge's and Thackston's additions.

In the meantime, at the turn of the 20th century, the sciences of psychology and sociology were on the rise and would have a major impact on the biographies of the new century⁴. Even, we could easily observe that this, followed by the death of the "great man" theory of history, was indicative of an emerging mentality. Human behavior would have been explained by Darwinian theories. "Sociological" biographies constructed of the actions of their subjects as a result of the environment and tended to reduce their individuality. At this time, Edwardes wrote his *Babur: Diarist and Despot* in 1926; the illustration of the character of Babur and the timeline of Babur's Life (1483. February 14th Birth of Babur 1530-December 26th-Death of Babur in Agra) are based almost entirely on Beveridge's English translation of the *Babur-nāma*. It is recorded directly from the original Turkic, reflecting more faithfully the Emperor Babur's style than the earlier translation of Leyden-Erskine, published in four fasciculi by the Royal Asian Society between 1912 and 1921. S. Lane-Poole was also consulted. The quotes, the main facts and the various episodes illustrating the character of Babur are taken directly from Beveridge's work, including his illuminating work.

In 1961, Harold Lamb wrote *Babur the Tiger*, drawn extensively on the memoirs of Babur (and one of his daughters, Gulbadan's *Humayun-nāma*). Lamb quotes extensively from the Babur's memoirs and he adds the dialogues; but the reader cannot tell where the Babur memoirs end and where the author's interpretation begins. The author of the Tiger, the (Timurid) emperor Babur, illustrates an interesting personality. It is an example of the narrative style of popular history writing, which seems to have been largely unfavorable, but a good piece of story line about bringing people and places to life.

Following Lamb, at the end of the 1980s, Jean Paul Roux portrayed the Babur era in his *Babur-Historie Des Grands* (1986); his throne, his wars, and his death, which had a life of defeat, escape, and betrayal in the realms of defeat, and he conveyed this with all sincerity. Describing the nature and geographical features of the place rather than the one he attacked, he conveys the human aspects of Babur's life that seem to be radiant and more difficult as it reaches the top. After conveying the political atmosphere of that period, the author adds further links to the conquest of India following the exciting period of the Principality, and how this ruler played an important role in both political and literary history.

By the time the development of psychoanalysis led to a more penetrating and comprehensive understanding of the biographical subject, and led biographers to place greater emphasis on childhood and adolescence. The conventional concept of heroes and narratives of success vanished from the obsession with the psychological exploration of personality. Like the concise biography of Babur, *The Garden of the Eight Paradises (2004)*, written by Stephen Frederic Dale: it is mainly based on his autobiography and existential verse, a chronicle of the life and career of a Central Asian, Timurid Muslim, who, driven from his homeland of Fargana in 1504, ruled Kabul two decades before the invasion of Hindustan in 1526. The author depicts a revealing portrait of Babur's Persian-Islamic culture, Timurid imperial ambition and turbulent emotional life.

Conclusion

⁴Casper, Scott E. (1999). *Constructing American Lives: Biography and Culture in Nineteenth-Century America*. Chapel Hill: University of North Carolina Press. [ISBN 978-0-8078-4765-7](https://doi.org/10.1215/00141801-2000-0007).

The biographies written on Babur's life from the end of the nineteenth century (between 1899-2018) to the present, based on the primary source of Babur's life, are his own memoirs or comments, *Wakai* or *Tüzük-i-Baburi*; and his translations, such as the English translation of Erskine and Leyden, and the French version of Pavet de Courteille. Obviously, we can easily see sources such as *Babur-nāma*, its translation versions are cited, but not always verbatim. In addition to primary sources, according to the authors of these books, some secondary sources were also used: *Tarih-i-Rashidi* (History of the Mongols in Central Asia, written by Babur's cousin, Mirza Haidar, and completed within seventeen years of Babur's death) to fill the blanks in the Memoirs; *Tabaqāt-i-Baburi* of Shaikh Zain-ad-din; Gulbadan's *Humayun-nāma*, *Shaibani-nāma* of Muhammad Salih; *Akbar-nāma* of Abu-l-Fazl etc.

These authors base their narratives on the Memoirs of Babur, with a great deal of consequence, and have also made excellent use of most of the materials available in their work, such as historical maps, illustrations, miniatures and essays on Babur, which have been published in bibliographical information. Collectively, historians are trying to represent the same real world, albeit from a wide range of perspectives. It's important to know the history of text fragments. (Figure 1.1)




Figure 1.1 Story in history and the novel

See. (Fludernik 2010, 4).




Figure 1.2

References

1. Casper, Scott E. (1999). *Constructing American Lives: Biography and Culture in Nineteenth-Century America*. Chapel Hill: University of North Carolina Press. ISBN 978-0-8078-4765-7.

2. Fludernik, M. (2010). An Introduction to Narratology. (Trans. Patricia Häusler-Greenfield and Monika Fludernik). New York: Routledge.
3. Bābur (Emperor of Hindustān) (1826). Memoirs of Zehir-Ed-Din Muhammed Baber: emperor of Hindustan. Longman, Rees, Orme, Brown, and Green. Retrieved 5 October 2011.
4. The Babur-nāma in English (Memoirs of Babur) (1922) Volume 1 by Annette Susannah Beveridge on Internet Archive.
5. The Bābur-nāma: Memoirs of Babur, Prince and Emperor, Zahir-ud-din Mohammad Babur, Translated, edited and annotated by Wheeler M. Thackston. 2002 Modern Library Palang-faack Edition, New York. ISBN 0-375-76137-3.

БЕСКОНЕЧНАЯ ЛЮБОВЬ К ВЕЛИКОМУ ХУДОЖНИКУ СЛОВА

Рамиз Аскер (Азербайджан)

Профессор Государственного университета Баку

Как известно, знаменитое произведение гениального Бабура «Бабурнаме» переведено на многие языки мира. Есть языки, на которые «Бабурнаме» переведено несколько раз. Это обусловлено культурной и художественной необходимостью, так как одно и то же произведение в разных переводах как бы звучит по-разному. В этом особую роль играет историческое время. Если после первого перевода прошло много времени, произошли определенные изменения в лексике языка и вкусах читателей, то появляется второй перевод. Иногда появление второго перевода зависит от любви переводчика к произведению и его автору. Как раз такое случилось у нас в Азербайджане.

Будучи тогда заведующим кафедры Литературы тюркских народов Бакинского государственного университета, по долгу службы, я всегда думал о путях решения некоторых насущных вопросов, связанных с учебниками и произведениями наших виднейших поэтов и писателей тюркского мира таких как Махмуд Кашгари, Юсуф Баласагуни, Навои, Бабур, Султан Хусаин Байкара, Андалиб, Азади, Махтумкули, Молла Непес, Абдулла Тукай, Токтогул, Тодур Занет и др. Учебники, написанные в старые времена с точки зрения советского литературоведения и метода социалистического реализма, уже устарели и не отвечали требованиям. Произведения поэтов хотя бы на языке оригинала – отсутствовали в библиотеках, а переводов не было.

Начиная с 90-х годов, почти с первых же дней государственной независимости Азербайджана, я занимался переводом самых необходимых книг на родной язык. Первой такой книгой стала «Огузлар» известного огузоведа, профессора Стамбульского университета Фарука Сумера. Ведь в советское время не было возможности изучать свою историю, свое прошлое. За ней последовала книга «Тюркская мифология» профессора Бахаддина Огея. В советское время официальная Москва игнорировала некоторые реалии, тем более мифологию. Одной из важных книг из этой серии была «Кутадгу Билиг», первая тюркская поэма великого мыслителя и государственного деятеля караханидского периода Юсуфа Баласагунского. Чуть позже я занимался изучением этого памятника, написав монографию и диссертацию. Самой вершиной этой деятельности стало появление на азербайджанском языке перевода знаменитой книги «Дивану лугат-ит-тюрк» Махмуда Кашгарского в 4-х томах...

Перед азербайджанской филологии стоял вопрос перевода, составления и издания антологий братских литератур. Первым делом я попросил своего друга, известного

узбекского литературоведа и ученого Бабахана М.Шарифа составить антологию узбекской поэзии XX века. В 2009 году антология увидела свет. В ней были биографии и стихи 50-ти поэтов Узбекистана; начиная от классиков (Чолпан, Элбек, Бату, Гафур Гулам, Максуд Шайхзадо, Зульфия, Рауф Парфи и др.), до современных поэтов (Икбал Мирза, Хуршид Даврон, Хосиет Рустамова и др.). Спустя несколько лет я подготовил такую же антологию по туркменской поэзии, перевел на азербайджанский язык антологию турецкой литературы в 2-х томах.

В повестке дня стоял перевод произведений отдельных поэтов. Среди них особое место занимали представители узбекской литературы. Как известно, узбекская литература одна из самых древних и богатых литератур не только тюркских народов, но и всего мира. И сколько блестящих поэтов, ярких личностей у этого одаренного народа!

Творчество великого Бабура манило меня. Дело в том, что в отличие от гениального Навои, у него не одно произведение не было переведено на наш язык. Первым делом я решил перевести его избранные произведения, (так и назвал книгу: «Seçilmiş əsərləri», Баку, МБМ, 2011, 328 стр.), куда вошли кабульский и индийский диваны поэта, то есть, газели, масневи, рубаи, туюги, кыта и бейты, один из лучших трактатов Бабура «Etiqadiyuə», а так же перевод рисале его учителя и наставника Ходжа Убейдуллоха Ахрора - “Risaleyi-validiyuə”.

Мною было написано обширное, в объеме 20 страниц, предисловие к книге, где была анализирована жизнь, творчество и личность поэта. В конце был включен большой словарь трудных слов, встречающихся в книге.

Научная и литературная общественность Азербайджана первую книгу Бабура встретила с большим одобрением, что вдохновляло меня на перевод другой, не менее важной, книги - «Бабурнаме». Перед началом работы у меня под рукой были «Бабурнаме» на узбекском языке, переводы на турецком, русском и немецком языках. В 2011 году в моем переводе два раза вышла из печати «Бабурнаме». Первое издание в объеме 432 стр.+32 стр. цветных миниатюр осуществил я сам, второе издание без миниатюр издал с готовых диапозитивов Институт Фольклора Академии Наук Азербайджана с моим предисловием, комментариями и примечаниями.

Спустя почти полгода вышел из печати новый перевод «Бабурнаме», сделанный профессором Физули Баятом. Это было явлением бесконечной любви к великому мастеру слова. Сейчас в распоряжении у наших читателей и студентов два разных перевода. На экзаменационных билетах по предмету «История развития тюркской прозы» есть такие вопросы: переводы «Бабурнаме» на языки Европы и Азии, переводы «Бабурнаме» на азербайджанский язык, бабуриды и сафевиды, «Бабурнаме» как исторический источник и т.д.

Свой перевод в двух экземплярах я отправил покойному президенту Узбекистана Исламу Каримову. Как потом стало мне известно, он подарил лишний экземпляр Международному Фонду имени Бабура в Андижане, где была проведена презентация с участием советника президента, известного бабуроведа Хайруддина Султанова. Через некоторое время я был приглашен в Андижан в качестве лауреата международной премии имени Бабура.

Мною было написано несколько статей о великом Бабуре. Например, в Измире в журнале «Ege Güneşi» я издал статью на турецком языке о Бабуре, о его жизни и творчестве. Принял участие на международных симпозиумах в Андижане и Коджаэли (Турция), посвященных Бабуру и «Бабурнаме», читал доклады о гениальном поэте и правителе. Кроме

них, посвятил одну главу Захуриддину Мухаммеду Бабуру в своей книге «Очерки истории тюркских литератур».

Я продолжаю изучать, преподавать и пропагандировать творчество великого Бабура, ибо моя любовь к нему бесконечна.

БОБУР БУЮКЛИГИНИНГ ТУРЛИ ҚИРРАЛАРИ

Янник Линц (Франция)

Лувр Музейи Ислом санъати департаменти директори

Париждаги Лувр Музейи Ислом санъати департаменти директори ва профессори Янник Линц бўламан. Бугун машхур йирик давлат арбоби ва саркарда, тарихий шахс Захириддин Мухаммад Бобур ҳақида фикр-мулоҳаза билдиришдан мамнунман. Бизга маълумки у Фарғона водийсидаги Андижон шахрида таваллуд топган. Шу сабабли биз Бобурни ўзбек деб ҳисоблаймиз. Ислом маданияти тарихи бўйича мутахассис сифатида Бобур билан боғлиқ мен учун қизиқарли бўлган жиҳат шундан иборатки, у ўзининг шахсий ҳаёти ва фаолияти давомида 15 аср охири ва 16 асрнинг бошларида Ўзбекистоннинг қандай муҳим эканлигини эътироф этишидир. Бунинг сабаби шундаки - ҳақиқатдан ҳам Марказий Осиё М.З.Бобурнинг буюк фаолияти бошланғич нуктасидир.

У 12 ёшида Фарғона улусининг ҳокимига айланади. Бошқа ҳукмдорлар сингари ўзининг мавқеини кенгайтириш ва йирик саркардага айланишни истаб Самарқанд тахтини эгаллашга киришиб кетади. Яна бир ўзбек ҳукмдори Шайбонийхон билан жанглар қилади. Бир неча йил давом этган бу кураш натижа бермади унда катта куч билан ҳаракат қилган Шайбонийхоннинг қўли баланд келади ва Бобур Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлади.

Бобур жанубга қараб йўл олади ва Қобул шахрида ўз ҳокимиятини ўрнатади. Бу ҳудуд буюк саркарда учун муҳим бўлиб, тарихдан бизга маълумки Афғонистон бой бўлиб табиий захиралари, жумладан олтин ва бошқа бойликлари билан ном қозонган эди. Шундай қилиб Бобур Қобулнинг бой ҳукмдорига айланади. Гарчи Самарқандни қўлдан қикариб, Ўзбекистон ҳудудида кенг кўламли шухрат қозона олмаган бўлсада, Қобулда кучли ҳокимият ўрнатиб, машхур бўлади.

Шундан сўнг ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида, Ҳиндистонни, хусусан Панжобни қўлга киритиш учун бир неча бор жанглар олиб борди. Бу жанглар у учун муҳим тарихнинг бошланишидир. Дарҳақиқат, Бобур Ҳиндистонда исломга мансуб сулоланинг илк ҳукмдор вакили эди. Биз ҳаммамиз биламизки, унинг даврида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини, Ислом санъати ва маданиятининг олтин асрига қиёслашимиз ҳам мумкин. Шу жиҳатни ҳам алоҳида таъкидламоқчиманки, асли Фарғона ҳукмдори бўлган Бобур эронийлар маданияти ва таълими билан ҳам яхши таниш бўлган. Буларнинг барчаси Ҳиндистонда муҳим ўрин тутадиган сулоланинг бошланғич вакилиги сифатида тарихга кирди.

Бобурнинг ҳаёти оммага кенг маълумдир. У ўзининг расмий таржимаи-холини (автобиография) ёзишни мақсад қилган ва уни амалга оширган илк ҳукмдордир. Ушбу шох асар адабиётга “Бобурнома” номи билан машхурдир. У қимматли расмий тарихий манба ҳисобланиб, Бобурнинг ўғли Акбар ҳукмдорлиги даврида биринчи марта нашр этилган. Биз Бобурномани мутоала қилиб, фақатгина Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмай, балки маданият учун муҳим бўлган жиҳатларни ҳам билиб оламиз. Ушбу асарда

Бобурнинг вафотидан сўнг 2 аср давомида Хиндистон, Эрон, Туркияда жуда кўплаб маротаба чоп этилган миниатюраларни кўришимиз мумкин. Мазкур манбалар орқали унинг қарашлари ва орзу умидларини билиб олишимиз ҳам мумкин.

Лувр музейимиз тўпламларида 16 аср охирига таълуқли бўлган Бобурномада акс этган миниатюралар мавжуд. Масалан, ушбу суръатларда Фарғонадаги жанглар, Самарқандни эгаллаш орзуси ва Қобул томон юришлар тасвирланган.

Хулоса қилиб айтишим мумкинки, французлар ва европа халқлари, хусусан Лувр музейи учун Бобур ва унинг асари тарих учун қимматли ва муҳим бўлган ислом маданияти ва цивилизациясининг шарқий ҳудудлари, Марказий Осиё, Эрон, Хиндистон тўғрисида маълумот олиш учун ажойиб имкониятидир.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ МУНОСИБ ВОРИСИ

Фредерик Брессанд (Франция)

Темурийлар санъати ва тарихини ўрганиш ассоциацияси президенти

Биз Амир Темур ва Мирзо Улуғбек, ва тарихда жуда машхур бўлган Бобурни ҳам яхши биламиз, у буюк саркарда ва ёзувчидир. У ҳукмронлик қилган ҳудудларда илм-марифат яхши ривожланди. У Шимолий Хиндистонда Буюк монголлар империясига асос солди, бундан ташқари у жуда машхур ёзувчи сифатида Бобур номи билан кўплаб машхур асарларни яратди.

Бобур темурийлардан бўлган шох. У 1483 йилда Фарғона водийсида таваллуд топди. У турк ва муғулдирдан келиб чиққан. Ҳақиқатдан у Амир Темурнинг 5-авлоди, Умар Шайхнинг ва мўғул қироличаси ва Чингизхоннинг Чиғатой ўғлининг 15-авлоди Қутлуғ Нигор Хонимнинг ўғлидир.

У отасининг даҳшатли ўлиmidан сўнг 11 ёшида Фарғона ҳокими бўлди. Бу пайт, Темурийлар империясининг таназзулга учраган пайти эди. Айтиш керакки, бу пайтда фақат Ҳиротда, яъни Темурийлар империясининг ўша пайтдаги пойтахтида, Ҳусайн Бойқаро бошчилигида илм-фан ривожланди. Империянинг бошқа ҳудудларида эса тахт учун кураш кетаётган эди. Самарқанд шоҳи Абу Саиднинг ўлиmidан сўнг Бобур ушбу шаҳарга эгалик қилишни режалаштиради. “Дунёда Самарқанддек чиройли шаҳарлар жуда кам”, - деб айтганди Бобур.

У ўзининг амакивачаси Султон Али Мирзо билан иттифоқ тузган ҳолда Самарқандни биринчи марта 1497 йилда ишғол қилди. Бу шаҳарда у темурийлар анъаналарига мувофиқ тахтга ўтиради, лекин унинг ҳукмронлиги 100 кун давом этади ҳолос. Фарғонада кўзғолон бошлангани сабаб у қайтишга мажбур бўлади. Вазият янада ҳам чигаллашади. У ҳукуматни амакивачаси Султон Али Мирзога қолдиришга мажбур бўлади.

Ўша пайтлар Бобур учун жуда қийин давр бўлди. У гоҳ Фарғона гоҳ Тошкентга борар эди. Самарқандга қилинган кейинги юришлар натижа бермайди. Унга катта ҳарбий кучга эга бўлган Шайбонийхон тўсқинлик қилади ва Бобур Самарқандни бутунлай тарк этишга мажбур бўлади.

1511 йилда Бобур Самарқандни учинчи марта ишғол қилишга уринади. Уша пайт Шайбонийхон вафот этган бўлганди. У Самарқандни қайтадан олиш учун Эрон ҳукмдори Исмоил Шоҳ билан иттифоқ тузади. Лекин Шайбонийхоннинг авлодлари Бобурга қаршилик кўрсатиб уни яна енгилди. Шундай қилиб, Самарқанд Бобур учун армон бўлиб қолади. У Қобул ва Ғазни шаҳарларини эгалайди. Бобур Амир Темурнинг Самарқандда барпо этган 14

та боғига хавас қилиб чиройли боғлар барпо этади чунки у боғларни яхши кўрарди. Биринчи боғни у Афғонистоннинг Исталиф шаҳрида курди.

Бобур нафақат кучли қўмондон ва давлат арбоби у шу билан бирга ўлкан ёзувчи ва маданият арбоби ҳам эди. У Темурийлар сулоласи вакиллари ичида фан ва маданиятни Осиё минтақасида ривожлантиришга ҳисса қушган энг буюк инсонлардан эди. Айнан у туфайли Темурийлар сулоласининг маданий мероси бошқа ўлкаларга тарқади. Мисол учун, Ҳиндистондаги мадрасаларни ва ўғли Ҳумоюн мақбарасини қуришида у Хуросоннинг усталарини олиб келган. Усталар Самарқанд ва Фарғонада қурилган бинолар каби бу ерда ҳам шу услубда иншоотларни барпо этишади. Бобур билан келган минатюристлар бир хил сифат ва кўринишдаги буюмларни яратишади. Бобур Ҳиндистонга янги маданиятни олиб келди ва кучли маданий алмашинувларни бошлашга туртки берди. Бу учун Бобурга алоҳида миннатдормиз.

Мен “Темурдан Бобургача” дастурини тузиб, икки саркарда ҳумкронлик қилган шаҳарларни кезиб чиқдим. Сайёҳат чоғида мен бир нарсага амин булдимки, Бобур ва унинг авлодлари, шу жумладан Шохжаҳон Темурийлар сулоласига мансуб бўлган анъанани барча иншоотларда қайтарганлар. Буни биз Гўри Амирдан бошлаб Тож Маҳалгача бўлган кўплаб иншоотларда кўрдик.

Бобурга бўлган ҳурматим чекчиз ва мен у хақида гапиришдан фахрланаман!

LITERARY AND CULTURAL OF UZBEKISTAN IN INDIA

Syed Naqi Abbas (India)

Consultant, Manuscripts National Museum, New Delhi

Khatib-ur-Rahman

HoD, Manuscripts National Museum, New Delhi

A very rare copy of the Emperor Bābur's Turkish lyrical poems, with his own dated endorsement saying 'Ḥarrarah Bābur Dūshanba 15 Rabī' al-Ākhir 935' (written by Bābur, Monday 15th of Rabī' al-Ākhir 935 A.H./6 January 1529 C.E.). Also, he wrote a rubā'ī (quartrian) in Turkish after the endorsement. Furthermore, there is also a marginal correction in his handwriting on folio 4[a]. There are two attestations: (i) the attestation of Bairam Khān (d. 1561 C.E.) dated Rabī' al-Thānī 968 A.H./ January 1561 C.E. in the beginning that says 'it is in the handwriting of Ḥaḍrat Firdaus Makānī (Bābur)' and (ii) the attestation of the Emperor Shāh Jahān, the great-grandson of the Emperor Bābur, at the last folio attesting the authenticity of the Turkish rubā'ī that it is written in the Emperor Bābur's hand-writing. *Dīwān-i Bābur* was first published by E. Denison Ross, with the title 'Dīwān-i Bābur Pādishāh' in the *Journal of Royal Asiatic Society of Bengal*, vol. VI, 1910. The same was re-published in the *Khudā Bakhsh Library Journal*, with the title 'A Collection of Poems by the Emperor Bābur'. Sayyīd Na'īm al-Dīn published 'Some unpublished Verses of Babur' in the *Islamic Culture*, vol.

XXX, issue no. 1, pp. 44-50, January, 1956, based upon the manuscript of *Dīwān-i Bābur* of Istanbul University (no. 3743). Finally, the manuscript of *Dīwān-i Bābur* of the Raza Library collection was published in facsimile form in 2015.

A very beautiful copy of *Dīwān-i Kāmran Mīrzā* (d. 964 A.H./1557 C.E.), the second son of Bābur in Persian and Turkish poetry is preserved in Rampur Raza Library (no. 3372). He was taken prisoner and was blinded by his brother Emperor Humāyūn after a long career of rebellion against him. Likewise, his son Abū al-Qāsim Shaukatī, a poet like his father, was imprisoned and executed

in Agra during the reign of Emperor Akbar. An old copy of *Dīwān-i Kāmṛān Mīrzā* is preserved in the Khudā Bakhsh Oriental Public Library (Patna) and another copy, a transcript of Khudā Bakhsh Library, is available in the Asiatic Society of Bengal (Kolkata). The *Dīwān-i Kāmṛān* was first published by Maḥfuz al-Ḥaqq of Presidency College, Calcutta, in 1929 C.E. in Ma‘ārif, ‘Aḏamgarh, based on the manuscript of the Khudā Bakhsh Library. Later it was published by Maulawī ‘Abd al-Walī with the title ‘The Poems of Prince Kāmṛān’, but the details of the publication could be found. The Raza Library manuscript of *Dīwān-i Kāmṛān* bears the seals of later Bāburid (Mughal) ruler Muḥammad Shāh (reign 1719-1748 C.E.). Also, some lyrical poems of ‘Abd al-‘Azīz Khān ‘Azīzī (d. 956 A.H./ 1549 C.E.) are copied at the margins of some folios.

Dīwān-i Bābur and *Dīwān-i Kāmṛān*, Rampur Raza Library, Rampur;

Tārīkh-i Khāndān-i Tīmūrīya, Khuda Bakhsh Oriental Public Library Patna;

Bābur meeting Khānzāda Begam, Mehr Bānū Begam and others, 8b Artist, Maṣṣūr ;

Bābur in *Chār-bāgh* at Andījān, 14b;

Shīrīm Ṭaghāī leading Bābur to the mosque at Andījān, 15a

Bāqī Chaghānānī paying homage to Bābur, 26b; Artist, Naqī

Bābur meeting Sulṭān ‘Alī Mīrzā at Samarqand, 37a

Defeat of Samarqandis at the hands of Bābur at ‘Ashiq Ghār (Lover’s Cave), 40b Artist, Narsingh

Bābur and his soldiers coming out from the Khwāja Dīdār Fort, Samarqand, 41b Artist, Dhanrāj

Reception of Bābur at Samarqand. He is being led to Bustān Sarāi, 44b

Bābur seriously ill at Samarqand, 51b

Bābur attacking the fort of Mādū which was in the possession of *Khalīl*, 63b

Bābur seated in the citadel of Bustān Palace, Samarqand, 78a

The House of Tīmūr, presenting the founder of the dynasty Amīr Tīmūr in the center of a terrace flanked by his twelve descendants. Painted by Muḥammad Afzal Abū Faqīr al-Lāh Khān during second quarter of the eighteenth century. Acc. No. 35

Early seventeenth century painting of Bābur seated in a garden with his secretary (*munshī*) and two weapon bearers. The ascription *shabīh-i Sulṭān Bābur* (شبيهه سلطان بابر) is written above the picture. Album 4, fol. 4a.

ZAKHIRIDDIN MUHAMMAD BABUR - A GREAT STATESMAN AND COMMANDER

Rasulova N.S. (Uzbekistan)

*Associate professor of Military-technical institute of the National Guard, Candidate of
historical sciences*

The representative of the fifth generation of the descendants of the great Amir Temur, Zakhiriddin Muhammad Babur was a man endowed with many talents: a great commander and statesman who conquered India and Afghanistan, a genius poet, writer, whose works are the best examples of oriental literature, geographer and historian, biologist. According to the President of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev, from the age of twelve this great man, fearing neither enemies nor

trials, strove to preserve the Timurid state, Babur bequeathed to his descendants a great love for the Motherland⁵.

Zakhiriddin Muhammad Babur was born on February 14, 1483 in Andijan in the family of the ruler of Ferghana Umar Shaikh Mirzo. If we turn to the genealogy of Babur, he is the son of Sultan Umar Shaikh Mirzo, son of Sultan Abusaid Mirzo, who was the son of Sultan Muhammad Mirzo, and he was the son of Mirzo Mirshah, son of Amir Temur⁶.

Babur's mother, Kutlug Nigor Khanum, was the daughter of the Khan of Mogolistan and the ruler of Tashkent, Yunus Khan. An educated woman, she actively helped her son in governing the country and accompanied him on military campaigns.

The family of Umar Shaikh Mirzo lived in the capital - in the Arch of Andijan. The ruler spent the summer on the banks of the Syr Darya, in Akhsi, and the rest of the year in Andijan.

Babur's childhood was spent in Andijan. Like all the princes of the Timurid dynasty, under the guidance of teachers, prominent scientists-theologians, he studied military science, jurisprudence (fiqh), Arabic and Persian languages, read historical and literary works, was fond of science and poetry. For bravery and courage in his youth they nicknamed "Babur" ("Lion")⁷.

Indian statesmen and scholars, such as Jawaharlal Nehru, Mahatma Gandhi, recognized the special role of Babur (1483-1530) and the Baburids not only in the history of India, but also in world development. A. Samoilovich was the first Russian scientist - the author of a major study of Babur's literary heritage. He published several poems from Babur's divan and "Baburname" in Old Uzbek writing under the general title "Poems of Emperor Babur". According to him, "it is the duty, honor and happiness for orientologists to publish, translate and study the works of Julius aesar of Central Asia - Zakhiriddin Muhammad Babur"⁸. Babur was a skilled horseman, archer, swordsman and skilled hunter⁹.

Babur always felt responsible for people, for the people. He set himself the task of recreating the former power of the Timurid empire with its capital in Samarkand. However, his wishes did not come true. By the will of fate, he ascended the throne in Kabul, founded the great empire of Baburids in India.

The Baburids, the great representatives of the Timurid dynasty, occupy a worthy place in the history of the Indian people. One of the Western scholars-Baburovologists, English researcher Waldemar Hansen, in his book "The Peacock Crown, or the Fate of the Mughal Empire", published in Delhi in 1986, highly appreciates the 332-year activity of the Baburid dynasty in India: "If India and its 8000-year-old history is a peacock, then the period of the 332-year reign of the Baburid dynasty in this many-thousand-year history is a peacock's crown.

In order to strengthen the state policy in India, unite the fragmented small feudal possessions into a single centralized state, Babur made military campaigns.

In 1525, Babur, having entered into an alliance with Rano Sango, went to war against Ibrahim Lodi in order to conquer northern India. In the late autumn of 1525, Babur took Punjab, and in 1526, in the very first battle near the village of Panipat, Baburshah's army defeated the army of Mahmud Lodi, brother of the Sultan of Delhi, Ibrahim Lodi. Friendly relations were established

⁵ Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelejagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Toshkent: O‘zbekiston, 2017. – B. 8-9.

⁶ Уильям Эрксин. Бобур хукмронлиги давридаги Ҳиндистон тарихи. / Инглиз тилидан Ф.Сотимов таржимаси. Тошкент, 1995. – Б. 9.

⁷ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б. 83-84.

⁸ Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Т.: "Sharq", 2017. – Б. 8.

⁹ Шарма Л.П. Бобурийлар салтанати. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 25.

with the ruler of Bengal, Nusratshah. In the battle of Panipat in April 1526, Babur's 12,000-strong army defeated the 100,000-strong army of his main rival, Sultan of Delhi Ibrahim Lodi. Delhi was captured. In March 1527, at the Battle of Sikri, Babur defeated the Rajput leader Rano Sango and conquered all of northern India.

Zahiriddin Babur, having founded the Baburid empire in India, made significant changes in the field of mail, introduced innovations in the units of time measurement, applied the architectural styles of Maveraunnahr in the construction of buildings, founded the national artillery and the navy.

The period of the Great Empire of the Baburids was not only of historical importance, but also enriched India with majestic architectural monuments, unique literary research. Architectural sites in India that belonged to the Baburid dynasty include the Royal Palace Complex at Fatehpur Sikri, palaces and gardens inside the forts of Agra, Delhi and Lahore. The most striking examples of the gardens created by the Baburids are the Shalimar gardens in Kashmir (1620) and Lahore gardens (1642), the Achabal garden near Anantag, the Chashma Shahi Bagh garden (1632), the Nishat Bagh garden in Kashmir (1633), gardens in Lahore, Delhi, Agra; mausoleums and dozens of gardens in Kabul.

Babur always had a special love for gardening, cultivated new grape varieties in India and Pakistan, one of which is still known - the "Samarkand" variety. To this day, its gardens are called "Boburi Anguri Khudo" - "Babur's Vineyards".

With the conquest of India by Zahiriddin Muhammad Babur, great changes have occurred here, including in many areas of art, architecture and culture. Babur's talent as a historian, geographer, ethnographer, prose writer and poet is widely recognized today by orientologists of the world. More than four centuries have passed since the death of Babur, a historian, a talented master of words, statesman and military leader, but his name lives on today.

India flourished and expanded during the reign of representatives of the Baburid dynasty - Humayun, Akbarshah, Jahangirshah, Shahjahan. In particular, Akbarshah and his grandson Shahjahan took a special place in the soul of the Indian people.

Although Baburshah's heart yearned for his homeland, Andijan, he spent the rest of his life in India, engaging in creative state and administrative activities. The Baburids erected historical monuments that still amaze and delight the whole world.

In conclusion, we note that Babur and Baburids are the great sons of our people. With their multifaceted activities, they have made a worthy contribution to world history and culture.

THE IMPORTANCE OF BOBUR'S WORKS IN EDUCATING YOUNG MILITARY PERSONNEL IN THE PATRIOTIC SPIRIT

Khaknazarov Kh.D (Uzbekistan)

Associate professor of Military-technical institute of the National Guard, Candidate of historical sciences

The importance of studying Babur and his works in educating young military personnel in the spirit of patriotism is worth noting the following features:

- Every quality of Zahiriddin Muhammad Babur for the military - his character, faith, high spirituality, devotion and trust - serves as a unique example for all, especially to help military personnel to be educated to perfection in everyday life;

- Babur has a strong will, which is very important for the military, and many historical events have been recorded in historical sources, which means that in any case, we can see that he had a high level of fighting ability until the last hope;

- Babur is portrayed as a commander or the head of the kingdom, but at the same time he was engaged in science and enlightenment at a time when there was very little time left over from the battles, and the legacy created by him has been studied with interest for many years. There is even a branch of beekeeping, which has become an important field of scientific research in the world, and active research in this area is being conducted in countries around the world. On the other hand, Babur's legacy is encyclopedic, meaning that military personnel should acquire knowledge in addition to their main profession in their daily lives;

- One of the essential features of the daily life of military personnel is the possession of a spirit of victory on a regular basis. Such a character had a high rank in Babur, and he constantly tried to prove it on the battlefield, yet in most cases, whether under siege or in battle, he tried to be with the soldiers. Such a situation helps soldiers strengthen their morale in their daily lives;

- In any case, Babur preferred the criteria of justice in his daily life, and the military can be a worthy example in this regard in his daily life.

In order to constantly inculcate the above aspects in their hearts, the military must thoroughly study the personality of Babur and get acquainted with his works, in particular, "Boburnoma".

As noted, it is known that Babur's presence with the soldiers during the military operations gave the army a fighting spirit. "During the siege, we walked on the fortress wall every night. Sometimes I, sometimes Qosimbek, sometimes the beys and some of the insiders would turn around. From the Feruza Gate to the Prince's Gate, one could ride a horse on the wall. Some walked around. It was early in the morning.

Sources say that Babur had a strong will. In his time, even in the cold days of winter, he faced difficulties on trips for military operations. Babur, on the other hand, proved his bravery even in everyday habits. According to the Boburnoma, "... the weather was so cold that between those two or three days, two or three people died from the cold." I needed a bath. I took a bath in a ditch, the collars of which were covered with thick ice, and the middle of which was not frozen due to the speed of the water. I dived sixteen times. The coldness of the water had a profound effect..

Another aspect that can serve as an example for young military personnel is that in most battles, Babur's army was a minority compared to the enemy army. Despite the additional challenges, it is commendable that Babur managed to win these battles as well. Of course, these victories come with good intentions and perfect preparation. The Boburnoma states that "... in that year the lands of Delhi and India were under his (Ibrahim Lodi Afghan) throne. Now his army was called a lak (one hundred thousand men). The number of elephants in himself and his beys was approaching a thousand. We walked towards him. "But some Indian and foreign historians cite other figures as well. For example, some sources say that the number of Ibrahim Lodhi's army was about forty thousand, and that of Boburniki was about eight thousand".

The importance of the work "Boburnoma" in the study of the spiritual heritage of ancestors in the daily lives of young military personnel is characterized by the fact that it helps military personnel to acquire encyclopedic knowledge. "Boburnoma" deals with historical figures, their genealogies, toponymic names of regions and directions of development, customs and traditions of peoples, army structure, military weapons, combat tactics and mechanisms of their implementation, management and motivation of troops during hostilities. information is available. For almost 500 years, the Boburnoma has been the most valuable source of knowledge in history, geography, ethnography, linguistics, zoology, botany, art history and gardening. This memoir provides

invaluable information on the history, life, customs, social order, religious beliefs, and various other areas of life in Central Asia, Afghanistan, and North India. By reading this work in their daily lives, military personnel will be able to gain important information for their professional activities, as well as learn about the cultures and cities of the peoples of the world.

As a result of research in the field of beekeeping around the world, special scientific directions have emerged in more than fifty countries around the world, and their research is still actively carried out today. In these works, an attempt was made to study in detail all aspects of Babur's personality and the work "Boburnoma", to conduct comparative research where necessary, and to show that Babur was highly recognized. According to one such scholar, "... a person who can withstand any test, who has the will and perseverance, can combine military cunning and courage. He was able to both punish and forgive when needed. He was a talented military man and a commander who knew the eye of the job, who could lead the troops skillfully, and who could earn their trust. Being a cautious statesman, he paid attention to every little thing. This king was not only a conqueror, but also a creator".

In conclusion, it should be noted that military personnel should strive to contribute to the strengthening of the country's security through active study of Babur's life and activities, military skills, scientific and spiritual heritage in their daily lives, to be active, knowledgeable and capable in all areas. Therefore, it is advisable to implement the following suggestions and recommendations to further accelerate the study of the personality of Bobur and the work "Boburnoma" in the daily life of the military:

First of all, to organize their systematic reading of Babur's works and books about him by world scholars, taking into account that Babur's hardships throughout his life, overcoming them with patience and perseverance, will be an example for the military;

secondly, to actively promote Babur's ghazals in the lives of the military, recognizing the influential power of literature and art in finding the way to the hearts of the people and inspiring them to higher goals in today's complex and rapidly changing world;

thirdly, the organization of competitions, intellectual games, master classes among military personnel, especially cadets of military educational institutions, based on the life and work of Babur, the work "Boburnoma";

fourthly, it is necessary to further strengthen the ideas of patriotism and humanity in the minds of young people by actively covering the life and work of Babur in the media.

I-ШЎЪБА. БОБУР ҲАЁТИ ВА МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ БУЮК САРКАРДАЛИК САЛОҲИЯТИ

Рахимов Ж.

*Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Гуманитар ва ижтимоий фанлар
кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди*

Заҳириддин Муҳаммад Бобурни буюк саркардалик шоҳсупасига кўтарган асосий омиллар қуйидагилардан иборат бўлган эди. Аввало, унинг қонида ота ва она томонидан ҳам улўғликка бориб туташадиган чинордек бақувват илдиз мавжуд эди. Катта боболари бўлмиш ота томондан Амир Темур Соҳибқиронга бориб туташса, она тарафдан мустаҳкам томир Чингизхон ва Чингизийларга бориб тақалар эди. Бу этногенез омиллар бўлса, иккинчи тарафдан эса ўн икки ёшдан тож кийиш қисмати Заҳриддин Муҳаммад Бобурни ушбу тожутахтини турли ғанимлар, жумладан ички, шунингдек ташқи майдондаги таҳдид қилувчи кучларга қарши кураш ёш ворисни жанг майдонида қилич серпашга ундади. Бир томондан ўспиринликдан йигитликка қадам қўяр экан Бобур Мирзо улўғ бобоси Соҳибқирон Амир Темурнинг “Тузуқлари”да қайд этилган қўшинни сафлаш, уни жанговар бир ҳолатда ғанимларга қарши жангга олиб кириш ёки мустаҳкам калъа мудофаасини синдириб уни забт этиш сир-саноатларини ўрганишлари маҳим аҳамиятга эга бўлди. Бунда ёш Бобур Мирзо ҳарбий тарих илми, ҳарбий санъат хусусида анча мукамал тушунчаларга эга бўлди. Бирок Бобур ўзи қатнашиб гувоҳ бўлган жангу жадал майдонларида ҳарбий тажрибалари, ҳатто мувоффақиятсизликка сабаб бўлган мағлубиятларидан ҳам сабоқ олиши, иродасини пўлатдек мустаҳкамлаб кейинги юз берадиган жангларга аввалда йўл қўйилган хатоларни тақроламасликка интилишлари бир вақтида ўзининг мағлубияти ва ғанимининг ғолиб келишларини ҳарбий илм нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил этиб чиқарган хулосалари унинг келажакда буюк саркардалар қаторидан ўрин олишади ўзига хос мактаб вазифасини ўтади. Бир сўз билан айтганда Бобур Мирзо учун Ҳарбий академия сабоғини ўтаган жой жанг майдонининг нақ қайноқ нуқтаси бўлди. Аламли мағлубиятлар охир-оқибат уни ўзидан бир нечта ўн баробар ҳарбий устунликдаги кучлар билан жанг қилишга қўшинни ишонч билан жангга олиб кириб, ўлим маърақаси майдонидан ғалаба билан майдондан чиқиб кетиш шарафига эриштиради. Бундай жаҳоншумул ҳарбий зафарларга эришишда Бобуршоҳга замонавий ҳарбий техникани ўз вақтида Осиёда, қолаверса Ҳиндистонда бўладиган даҳшадли жангларда қўллаш олиши, ўзининг марду-майдон жасоратини шахсий доирада қолдирмасдан уни умумқўшин саркардалари, амирлари, қолаверса оддий жангчилари учун ҳам намуна қила олиши, жангни моҳирона салоҳият ва истеъдодини намоён этиб ўрнатиб бўлиши муҳим ўринда туради. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки душманнинг сон-саноксиз қўшини, жанговар филлари еру-қўкни ларзага келтириб тўфондек босиб келаётганда Бобуршоҳ жангчиларининг хавотирга тушиб оёқ қўли бўшашиб ваҳимага берилаётганлигини билиб, дарҳол сўз қудратининг сеҳрли кучини ва ўзининг забардаст нотиклигини ишга солиб, қўшинни ҳал қилувчи жангга отлантира олиши ғалабани таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тўғри, Бобур Мирзода бундай бемисл истеъдод мавжудлигини илоҳийлаштиришдан йироқмиз. Бундай салоҳиятини юқорида таъкидлаганимиздек бир томондан буюк аждод

бобокалонлари қони унинг жисму танида айланишидан қидирилса, иккинчи омил эса асосан ўн икки ёшли боланинг уруш поёнига қадар қўлда қилич билан ғанимларга қарши жанг-жадалларда ўтган ҳаёти тажриба сабоқлари бўлди. У шу жараёнда бир неча бор жанг майдонида йиқилди, мағлуб бўлди. Аммо яна ўрнидан туриб курашни давом қилдиришга куч топди, темир иродасини ишга солиб мақсад йўлида яна олға интилди. Мағлубиятлардан асло эсанкирамади. Бобур Мирзо буюк бобоси Соҳибқирон Амир Темур тарихи ва “Тузуқлари”ни яхши биларди. Машҳур саркардаларнинг жангномаларига мурожаат қилинса, жумладан Амир Темурнинг ҳам барча жанглари фақат ғалабалардан иборат бўлмаган. Жумладан, 1365 йил май ойида Илёсхўжа билан (мўғил хони) бўлган Чиноздаги тарихда “Лой жанги” номи билан тарихга кирган жангда Амир Ҳусайннинг хиёнат билан баробар ҳаракати туфайли Соҳибқирон жангчилари бутунлай қирилиб кетишига бир баҳя қолган эди. Фақат Амир Темурнинг ҳарбий салоҳияти кучи ва жангчиларининг қахрамонона кураши билан фалокат майдонидан қуршовни ёриб чиқиб олишга эришилган эди. Бироқ бу катта талофат эвазига бўлган эди. Шундан сўнг Амир Темур ушбу оғир сабоқдан хулоса чиқариб жанг майдонидан қўшинини мағлублик аламини тотиб жанг майдонини тарк этиб эмас, балки музаффар байроғини мағрур ҳилпиратиб пойтахти Самарқандга ёруғ юз билан кириб борадиган енгилмас қўшин тузилишини ўз олдига қатъий мақсад қилиб, охир оқибат шунга эришган эди. Заҳриддин Миҳаммад Бобурга бу ҳам яхшигина сабоқ бўлди. Шу боис салтанат ва қўшин хусусида гап очилиб ўғли Хумоюнга ва унинг укаларига насихат берар экан, Соҳибқирон Амир Темур фаолияти ва унинг Ҳарбий тактика ва стратегияси, шунингдек бобоси “Тузуқлари”га мурожаат қилиб ибрат тариқасида келтирди. Бу йўриқ ва ибрат ўрнидаги фикрлар “Бобурнома” асарида тез-тез тилга олиб турилганлигига уни мутолаа қилганлар гувоҳ бўладилар.

Бобуршоҳ бобоси Амур Темурнинг ҳарбий тактика ва стратегиясини замон талаблари билан янада бойитди. Қўшин ҳоҳ мудофада, ҳоҳ ҳужумда бўлсин уни ўз ҳарбий тафаккури билан янада ривожлантириб ҳарбий санъатга доир қатор ишончли янгиликлар олиб кирди. Бобуршоҳнинг ҳарбий тактикаси ўзидан сон жиҳатдан жуда катта устунликка эга бўлган ғаним кучларининг даҳшатли ҳужумини тўхтатиб қолишда ва ғаним қўшинини ҳолдан тойдириб сўнгга қарши ҳужум қилишда намоён бўлди.

Ҳасан Хожа Нисорийнинг “Музаққир аҳбоб” асарида Бобурнинг ҳарбий иқтидоридан ташқари инсоний сифатлари орқали унинг ғалабалари омилларидан бири, саркардалар учун камёб маънавий юксаклиги навкарларига ғамхўр, қўли очиклиги, ҳар қандай қийинчиликлар олдида иккиланмаслиги, азоб-уқубатларга бардошлилик хусусиятлари, шунингдек қўшинда мустаҳкам интизомни вужудга келтира олиш иқтидорини келтириб ўтади. Бу сифатлари ҳам даҳшатли ғаним қўшинини мағлуб этишда муҳим ўрин эгаллаганлигини тўғри баҳолайди. “Бобурнома” асарида муаллиф “Ҳинд юриши” хусусида тўхталиб, Тангрига таваккал қилишдан бошлаган эдик, унинг инояти билан кучли қўшинни мағлуб этиб, Хиндистондек кенг мамлакатни забт этдик, бу ўзимизнинг қудратимиздан эмас, балки Тангрининг лутфи шафқатидандир қабилида камтарона тасвирлайди. Ўз қўшинидаги шижоат ва мардлиги қахрамонона олиб борган жанг-жадални эса кейинги ўринда тасвирлайди. Бу билан ҳар қандай воқеа ва ҳодисаларнинг қай тарафга оғиши яратган парвардигор иродаси билан ҳал этилишига ишора қилади ва шу боис кофирлар устидан ислом қўшини ғалабасига изн берганлигини таъкидлайди. Бу Бобуршоҳнинг исломий эътиқодга қатъий амал қилган инсонийлигининг нишонаси эди. Шунингдек унда комил инсонга хос камтарлик хусусиятлари ҳам бисёр бўлган.

Гарчи Бобуршоҳ Панипатда муҳим ғалабани қўлга киритган бўлишига қарамасдан уни Ҳиндистондан бутунлай сиқиб чиқаришга қодир, ҳатто Иброҳим Лўдий кучидан кўра ҳавфли ва даҳшатли кучга эга, ўта тажрибали саркарда Рано Санга лашкарий ўз кучларини тўпламоқда эди. Бу тўғрида хабарга эга бўлган қўшинда хавотир кучайиб, айрим саркарда ва амирлар ҳали Панипат жангидан кейинги катта талофатларнинг ўрни тўлмай туриб навбатдаги қирғин жангда тирик қолмаслигини ва вужудга келаётган ваҳима лашкарий қисмларда жонни қутқариш чораларини кўриш васвасасининг вужудга келишига сабаб бўлаётган эди. Энг ташвишлиси қўшиндаги шу салбий ҳолатни бартараф қилиш Бобуршоҳнинг зиммасидаги оғир вазифа эди.

Гулбаданбегим хотираномасида Рано Санга билан бўладиган даҳшатли жангдан икки кун олдин Бобуршоҳ ва унга ҳамжиҳатлик билдириб тўрт юз йигит шароб ичишни ташлаганлиги ҳамда тилла жом пиёдалар синдирилиб бева-бечораларга тарқатилганлиги маълум қилинган. Бундан ташқари, Бобур буйруғига биноан бож, тамға, закот ва бошқа шунга ўхшаш яна турли солиқ турлари бекор қилинган. Ундан ташқари ҳар хил мажбуриятлар ҳам йўқотилганлиги эълон қилинди.

Шундан кейин воқеалар қуйидаги тарзда тез ривожланганлигини “Бобурнома”да муаллиф қуйидагича тасвирлаб ёзган эди:” Аравалар, ғалтакли учоёқ аравачалар, қурол яроғлар тайёр бўлгач, жумадулохир ойининг охири сешанбада наврўз куни кўчдик. Ўнг қанот, чап қанот ва марказни сафлаб, олдимиздаги арава ва ғалтакли сепоялар билан олдинга ҳаракат қилдик. Устоз Али қулига ўзининг милтиқлари билан аравачалар ортидан, улардан қолиб кетмай сафланиб бўлиб яёв бориш буюрилди. ҳамма сафда ўз жанговар жойини эгаллагандан сўнг, отда илдам бориб, ўнг қанот чап қанотнинг кўнглини кўтариб, ҳар бир қисмининг қаерда туриши ва қай йўсунда юришини белгилаб кўрсатдик. Ушбу тартиб интизом билан биз бир кўрухча йўл босиб тўхтадик.

Ғул (марказнинг) чап томонида: саркардалардан Султон Аловуддин Оламхон бинни Султон Баҳлул Лўдий, шайх Зайни Хавофий, Камолиддин Муҳиб Али, Низомиддин Турдибек, Орайишхон, Шерафган, вазирларнинг буюк вазири Хожа Камолиддин Ҳусайн бошчилигидаги навкарлар жангавор саф олдилар.

Бобуршоҳ ғулини ўнг тарафдан (баронғор) ҳимоя қилган лашкарбошилардан шаҳзода валиаҳд Хумоюн Баҳодир, Қосим Ҳусайн Султон. Низомиддин Аҳмад Юсуф Ўғлоқчи, Жалолиддин Ҳиндубек, Жалолиддин Ҳисрав кўкалдош, Қивомбек Ўрдушоҳ, Вали хозин, Низомиддин Пирқули Сейистоний, Хожа Камолиддин Паҳлавон Бадахший ва бошқа бир неча сардорлар масъул бўлдилар.

Бобур қўшини баранғори ҳимоясида эса ҳинд амирларидан хонлар хони унвонини олган Диловархон, Малиқдод Караний ва Шайх Гуран лашкарлари жангавор сафни эгалладилар.

Бобуршоҳ Канва жангида истеъдодли саркарда сифатида ҳинд ҳукмдори ва лашкарбошчиси Рана Сангонинг қўшинини саросимага солиб, уларни жанг авж палласида оқибат қуршаб олиншини таъминлаган тўлғама ҳарбий тактик усулни ишга солиш учун алоҳида лашкарий қисмларни жанг майдонининг душман кўзини шамғалат қилиб айланиб ғаним қўшинини орқасидан чиқиш учун қулай жойга жойлаштириб тўлғамани ажойиб тарзда амалга оширадиган тажрибали саркардаларини тайинлади. Улар Турди ака, Малик Қосим Бобо Қашқа, Мўмин атка, Низомиддин Султон Муҳаммад ва Рустам туркман сардорлар эдилар. Бобур барча қўшинлари билан жанг давомида изчил боғланиб жангнинг боришини назорат қилмоқ учун тавочи ва ясовулларни шамолдек учувчи тулпорлар билан таъминлади. Жангнинг қандай бошланиб қандай тугаганлигини Бобуршоҳнинг ўзидан кўра яхши

биладиган одам ҳам гувоҳ ҳам йўқ. Ғулни бошқарган Бобур ҳиндларнинг денгизда кўтарилган тўфон мисол ҳужумини биринчи бўлиб лашкари билан қайтаришга киришади. Бир вақтда эса марказ қўшинини ҳам ўнг, ҳам чапдан кўриқлаб ҳимоя қилишга киришган сардорлари ҳолатини зийраклик билан кузатиб уларга тегишли кўрсатмалар бериб турди. Шунингдек, иккинчи тарафдан Баронғор ва жавонғор лашкарий кучлари ҳамда Тўлғама қўшинининг белгиланган вазифаларини амалга оширишга киришиш билан боғлиқ жараёнлар ҳолу-ҳолатларидан хабардор бўлиб турди. Жанг оловининг қоқ марказида туриб жамики қўшинларининг мудофаасини, бир мушт тарзида жипслаштириб, жангчиларни ғалаба сари йўллаб, Канвадаги мислсиз қонли жангнинг ибтидодан то интиҳогача шоҳиди бўлган Бобурдан ўтказиб таърифлаб берадиган лашкарбоши ҳам, шунингдек, тарихчи ҳам топилмаслиги боисидан бу тафсилотни Бош қўмондоннинг ўзидан эшитиш энг маъқулидир: “Қўшин керак яроғи барпо ва муҳайё бўлиб, ҳар бир жангчидан тортиб саркардаларга қадар ўз жойига бориб тургандан сўнг сўзсиз бажарилиши лозим бўлган шарафли фармон содир бўлдики, ҳеч ким буйруқсиз турган ўрнидан кимирламасин (яъни ҳар қандай шароитда орқага бир қадам ҳам чекилмасин) ва рухсатсиз урушга киришмасин”.

Мазкур кундан бир қисми ўтган эди, икки муқобил томон бирбирига яқин келиб, уруш бошланиб кетди. Икки томон ғули (марказ қўшинлари) гўё нур ва зулмат каби, бир-бирларига қарши туриб, баронғор ва жавонғорда шундай зўр уруш бўлдики, ер юзига ғулғула тушди. Кофирлар (ҳинд лашкари)нинг бузуқи жавонғори исломнинг (Бобурнинг қўшини) муборак аскари баронғори томон йўналиб, Ҳисрав Кўкалдош, Бобо Қашқанинг биродари Малик Қосим устига ҳужум қилдилар. Энг азиз ва улуғ биродар Чин Темур Султон буйруқ бўйича уларнинг ёрдамига бориб, мардона уруш бошладики, кофирларни жойидан улоқтириб, қалблари кетигача деярли силкитиб юборди. Ғалаба инъоми у азиз биродарнинг номига бўлди. Замона нодири Мустафо Румий улуғ яратувчининг иноят назарига манзур бўлган, қайтарувчи ва буюрувчи маликнинг лутф карамлари билан ихтисос топган бахтиёр энг азиз фарзандимиз Муҳаммад Хумоюн Баходирнинг ғулидан араваларни олдинга келтириб, кофирларнинг қўшинлари сафларини туфак ва зарбзан билан қалбларидек чил-чил қилди. Худди уруш пайтида азиз ва улуғ биродар Қосим Хусайн Султон, хослар таянчи Низомиддин Аҳмад Юсуф ва Қивомбек фармон олиб, уларнинг ёрдамига бордилар. Кофирларнинг гуруҳлари ўқтин-ўқтин ўз кишилари ёрдамига етиб келардилар.

Биз ҳам мамлакат ишончи Жалолоддин Ҳиндубекни, унинг кетидан хослар таянчи Муҳаммадий Кўкалдош ва Хожаги Асад Жондорни, ундан кейин Олий салтанат таянчи хос ва яқин Жамолиддин Юнус Али, хослар таянчи Комил ихлосли Жалолоддин шоҳ Мансур барлос ва хослар таянчи Шихобиддин Абдулло китобдорни, улар орқасидан хослар таянчи Дўст эшик оға ва Шамсиддин Муҳаммад Халил ахтабегини кўмакка юбордик.

Кофирларнинг баронғори неча мартабадан ислом қўшинини жавонғори томон ҳужум қилиб ўзларини нажот эгалари ғозийларга етказдилар. Ҳар гал азамат ғозийлар баъзиларини зафарли ўқлар билан тамуғга юбориб, бир қисмини қайтардилар. Хослар таянчи Мўмин атка Рустам туркман бадкирдор кофирларнинг зулмат шиор қўшинларининг орқасидан йўналдилар. Навкарлар бошлиғи хослар таянчи, тўғри ихлосли Хожа Маҳмуд Али атка ва ҳазрати Султоннинг яқини, ҳоқоний давлатининг ишончи Низомиддин Али Халифани ўшалар кўмагига юбодик. Азиз ва улуғ биродар Муҳаммад Султон Мирзо, салтанат эгаси Одил Султон, мамлакат ишончи Муизиддин Абдулазиз Мирохўр, Жалолоддин Қутлук Қадам қаровул ва Шамсиддин Муҳаммад Али жанг- жанг ва хослар таянчи Шоҳ Хусайний Боракий мўғул ғончи маҳкам туриб, уруш қилдилар. Эл аро буюк вазирлар Хожа Камолиддин Хусайнни девон кишилари гуруҳи билан уларнинг кўмагига юбордим. Барча

жангчилар тўлиқ саъй ва ғайрат билан урушга рағбат кўрсатиб, “Айт икки эзгуликдан бошқа бирор нарсани биздан кутадиларми?” деган оятни назари эътибора олдилар ва жон бериш юришини қилиб, жон олиш байроғини кўтардилар. Уруш ўлдириш узокқа чўзилиб охири кўринмас бўлгандан кейин, ижроси мажбурий фармон етишдики, занжирланган шердек арава кетидан турган подшоҳга хос аскарлардан жанговар йигитлар якдиллик ўрмонида ётар арслонлар ғулнинг ўнг ва сўлидан чиқиб, туфакчилар (тўпчилар) нинг жойини ўртада қолдириб, икки томондан жанг қилсинлар. Улар уфқ пардасида кўринган тонг ёруғидек, ароба кетидан чиқиб ҳужум қилдилар. Манхус кофирларнинг шафақ тусли қонларини фалак гумбазига ўхшаган маърака майдонида тўкиб, кўпчилик саркашларнинг бошларини тан фалагидан юлдуздек маҳв қилдилар. Замона нодири Устод Алиқули ўз кишилари билан ғулнинг олдида туриб, мардоналик кўрсатиб, темир кўрғондек кофирлар сафига шундай катта жуссали тошларни отардики, агар у тошни амаллар тарозисининг палласига солсалар, эгаси “Кимнинг тоши оғир келса, у яхши турмушда яшайди” деган ном олади ва агар қаттиқ тоққа ва баланд тепага отсалар, таралган юнгдай тит-пит қилиб юборади. Мана шундай тош, туфак ва зарбзан отиш билан кўпчилик кофирларни кулатди.

Подшоҳ ғулининг туфакандозлар, (тўпчилари) буйруқ бўйича, аравадан майдон ўртасига келиб, ҳар бирлари кофирлардан кўпига ўлим захарларини ичирдилар. Пиёдалар зўр хатарли ўйинга кириб, ўз номларини ўрмон шерлари ва мардлик майдонининг ботирлари ўртасида машхур қилдилар.

Шуни қайд қилиш лозимки, ўша илоҳийдан келган хушхабар Маҳдуми Хусайн Хоразмийнинг ботинига юзланганлиги муносабати билан Бобурга пиридан йўналтирилаётган ғалаба башорати эди. Пири Хусайн Хоразмий энг оғир, чорасиз қолган дамларда у юборган ҳассасини ёнида кўйиб илтижо қилиш лозимлигини мактуб орқали йўллаган эди. Бобурнинг ўзи юқорида қайд этган жанг зўридан еру осмон ларзага келган, ундан асаблар руҳий зўриқишга учраб бардош беролмайдиган даражадаги ҳолат содир бўлганда Пири Маҳдуми Хусайн Хоразмийдан илтижо қилиб мадад сўрайди. Бобур шу саъй-ҳаракати билан буюк бобоси Соҳибқирон Амир Темурнинг 1391 йил 19 июнь кунги Тўхтамишхон билан қилган жангининг энг оғир кунида Саид Пир Баракадан ғалаба дуосини ўкиб қўллаб юборишини сўраган эдики, у ҳам Канва жангининг уруш олови осмон сари ўрлаб, даҳшатли қон тўкиш палласиги айланиб кетганда Пиридан нажот кутиб зафар истагини сўраган эди. Пири унинг бу илоҳий-руҳий йўллаган истагини қабул қилиб орзусини амалга оширди. Шундан сўнг: “Икки намоз орасида уруш шундай гурриладики, машъаллардан фалакларга байроқ кўтариларди. Ислом лашкарларининг баронғор ва жавонғорлари кофирларнинг баронғор ва жавонғорларини ғул билан бирликда бир ерга тўплади. ”Яъни Бобур кўшинлари дастлаб кучли мудофаада жанг олиб бориб ғаним кўшинларининг тинқасини қуритди. Замбарак ва милтиқлардан аёвсиз ўққа тутилиб душман ўликларидан тепаликлар ҳосил бўлди. Натижада Рано Санганинг кўшинида парокандалик рўй бериб бундан фойдаланган Бобуршоҳ жамики кўшини марказ, баронғор ва жавонғор ҳамда тўлғама лашкарий кучларини ёппасига қарши ҳужумга ташлади.

Натижада орқадан душманга шиддатли ҳужум уюштирган тўлғама лашкарий қисмлар ғаним кўшинларига катта талофат етказиб, баронғор ва жавонғор кўшинлар халқасимон бирлашиб, Рано Санганинг марказ, баронғор ва жавонғор кўшинларини батамом бўғма илон ўлжасини чирмаб олгандек қуршов доирасига олдилар. Рано Санганинг лашкари энди қуршов қозонидан чиқиб кетиши амри маҳол эди. Қуршаб олинган кўшиннинг аҳволи мағлубият ва ўлим демак эди.

Бу ҳолатнинг якунини ғаним лашкари бошига ўнглаб бўлмас кулфат солишга кўшинни ундаб, сўнгги якуний зарба беришга йўллаган Олий Бош кўмондон Бобуршоҳнинг таърифитавсифидан эшитамиз: «Номдор жангчиларимиз ғалабаси асарлари ва ислом байроғининг юқори кўтарилиши зоҳир бўла боргани сари, у малъун кофирлар ва ярамас динсизлар бир муддат ўз ҳолларига ҳайрон бўлиб турдилар. Охирида жонларидан кўнгил узиб, ғулнинг ўнг ва сўлида ҳужумга ўтдилар. Сўл томонда кўпроқ ҳужум қилиб, ўзларини яқин етказдилар. Аммо шижоатли ғозийлар (Бобур аскарлари) савобни кўзда тутиб, ўк кўчатини ҳар бирларининг кўкраклари заминига ўтказдилар ва ҳаммаларини ўзларининг қора бахтлари каби орқага қайтардилар. Бу ҳолат нусрат ва иқбол шабадаларини қутлуқ наввоблик давлатимиз чаманига эстирди. Ва «Хақиқатан, биз сенга ёрқин ғалаба эшигини очдик“муждасини етказди.Фатҳ гўзалининг оламга аро берувчи жамоли ”Оллоҳ сенга улуғ нусрат билан кўмак беради» кокили билан безалиб, парда ортида яшириниб турган иқбол саодати ёрдам бериб, бу ҳолнинг гувоҳи бўлди.

Ҳозирги кунда ҳам Самарқанд шаҳрида Регистон майдонининг шаркида Хусайн Хоразмийдан қолган ёдгорлик жойлар мавжуд. Бу жойлар Бобурнинг пирларидан бири Махдуми Хоразмий гузари деб номланади. Бобур юборган маблағга сотиб олинган бино шу ерда жойлашиб, Хусайн Хоразмий гузари номини олганлиги табиий бир ҳол. Негаки, ўрта асрларда бирор улуғ бир инсон яшаб ўтган жойни ўша инсон номи билан аташ урф-одатга айланган. Шунингдек мазкур жойлар бугунги кунда ҳам муқаддас қадамжолардан ҳисобланади.

Шу ҳақдаги фикрлар «Мифтоҳ ут-толибин» («Толиблар калити») асари ва В.В.Бартольд (дунёга машҳур шарқшунос рус тарихчиси) ҳамда Элёр Каримовнинг илмий тадқиқот ишларида ҳам қайд этилгандир.

Шунингдек, «Жодат ул-ошиқин» асарида яна шу каби муҳим маълумот бериб ўтилади. Унда ёзилишича, Махдуми Хусайн Хоразмийга бўлган ҳурмат-эҳтиром фақат Бобур билан чекланиб қолмайди, балки бундай муносабат унинг ворис фарзандлари томонидан давом қилдирилганлиги таъкидлаб ўтилади. Унда ёзилишига қараганда Хусайн Хоразмий Байтуллоҳ зиёратига кетаётиб бухоролик Жўйбор мавзесида истиқомат қилаётган машҳур шайхларнинг ҳовлисига тушиб меҳмон бўлади. (Улар Жўйбор хўжалари авлодларидан эди.) Ана шу ерда турганида Бобурнинг фарзандлари номидан бир мактуб етиб келади. Мактубда шайх сафарини Ҳиндистон орқали амалга оширишини, пирга барча шарт-шароитлар яратиб берилиши айтилади.

Ўша даврларда ёзилган асарлар энг ишончли манбалар ҳисобланиб, Бобур ўзи билан замондош бўлган маънавиятнинг юлдузлари ҳисобланган учта тариқат — Нақшбандия, Яссавия ва Кубровия тариқати вакилларидан Махдуми Аъзам Даҳбедий, шайх Худойдод Валий ва Хусайн Хоразмий каби машҳур вакиллари билан ботиний, рухий-маънавий мулоқотда бўлган. Қайси тариқатга мансуб бўлмасин, ҳаммаларининг ҳурмат-иззатини ўрнига қўйиб, уларнинг дуосидан баҳраманд бўлган. Улар билан масофа узоқлигига қарамай, мактублашиб турган. Улардан маънавий, рухий, ботиний, илоҳий кучларидан озуқа олган. Натижада энг мураккаб вазиятларда ҳам улар ботинига мурожаат қилиб, оғир ҳолатлардан йўл топиб чиқиб кета олган ва улардан абадул – абад миннатдорлигини билдиради. Бугунги кун ҳам ана шундай Пир Саид Барака, Шайхул Валитарош, Баҳоуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Хожа Аҳрор Валий ва Хусайн Хоразмийдек вали инсонларга эҳтиёжи жуда катта. Уларнинг ҳаётлари халқ учун ахлоқ ва тарбияда педагогика академияларидан-да устун мавқесни эгаллаган.

Хулоса шуки, Бобур катта сиёсий, ҳарбий арбоб, етук олим бўлиши билан фан, маданият, маънавият соҳасининг ва унинг кўзга кўринган илм соҳибларини доимо қўллаб-қувватлаб шу соҳалар тараққиётига ҳар жиҳатдан катта ҳисса қўша олган, ғамхўрлик қилганлигига далилдир. У ана шундай олижаноб ғоялар ва эзгу ишлар тарафдори, уйғониш даврининг энг улуғ арбобларидан эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2008.
2. Темур тузуклари. Т.: “Шодлик”. 2018.
3. Сотимов Ғ. Бобурийзодалар. Т.: “Маънавият”. 2003.
4. Низомиддинов Н.З. Буюк бобурийлар тарихи. Монография. Т.: Фан ва технология. 2012.
5. Шарма Л.М. Бобурийлар салтанати. Ингзил тилидан таржима. Т.: “Маънавият”. 1998.
6. Годен Р. Гулбаданбегим. Инглиз тилидан Х.Сўфиева таржимаси. Т. “Шарқ”. 2007.
7. Гулбаданбегим. Хумоюннома. Т.: “Ўзбекистон”. 2016.
8. Рахимов Ж. Буюк саркардаларимизнинг жаҳон ҳарбий санъатида тутган ўрни. Ўқув қўлланма. Бобурнинг сиёсий-ҳарбий фаолияти. III-жилд. Т.: Komplex-print. 2020.\

БОБУРШУНОСЛИК ВА БОБУР НОМЛИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

Машрабов З.

Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси

Мамасолиев Р.

Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси ўринбосари

Мана беш асрдирки, жаҳон аҳли Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсиятига жуда катта кизиқиш билан қараб келмоқда. Буюк шоир ва қомусий олим, забардаст давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Бобурийлар томонидан қолдирилган мерос, бой маънавий сарчашмалар бутун жаҳон халқларини ҳайратга чулғаетгани сир эмас. Чиндан ҳам улуғ бобомиз, беназир шоир фаолияти бир уммон. Ундан баҳраманд бўлиш эса саодатдир.

Франциялик олим Жан Пол Ру: “Энг буюк тарихий сиймолардан бири Бобур тарихда из қолдирган шахсларнинг энг барҳаётларидандир” деганида улуғ ватандошимизнинг ижодий мероси асрдан-асрга ўтиб, дунё халқларининг маънавиятига ҳали ҳануз хизмат қилиб келаётганини кўзда тутгани табиий.

Шу ўринда айтиш жоизки, дунёнинг айрим мамлакатларида Бобур ва Бобурийларни мўғулларга нисбат бериш каби нотўғри ёндашув мавжуд. Холис фикр юритувчи атоқли хорижий бобуршунослар бу масалага ўз вақтида илмий аниқлик киритганлар. Масалан, европалик таниқли адиба, "Тож кийган дарвеш" асарининг муаллифи Флора Анна Стил “Бобур – Ҳиндистон императори, қомусий олим, шоир, паҳлавон аскар, очик кўнгилли, ростгўй инсон. Биз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни “буюк мўғул” деб янглиш айтиб келганмиз” дея эътироф этгани яхши маълум.

Биз эса Флора Анна Стилнинг фикрларига қўшимча қилиб: Андижонда таваллуд топган, бутун башарият тарихида ўчмас из қолдирган, ўзбек миллатининг шон-шухратини дунё миқёсига олиб чиққан Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқимиз учун ғурур ва фахр тимсолидир дейишимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон мустақиллиги шарофати билан таъсис этилган Бобур номли халқаро жамоат фонди кўхна тарихимизни тиклаш, маънавиятимизни янада юксалтириш, Бобур ва Бобурийлар яратган бой илмий-маданий мерос намуналарини ватанга олиб келиб, илмий истеъмолга киритиш, заминимиздан етишиб чиқиб, тақдир тақозоси билан хорижда умргузаронлик қилган буюк аждодларимиз қабрларини зиёратгоҳларга айлантириш каби эзгу ва хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Мана шундай буюк ватандошимиз номи билан аталувчи халқаро жамоат фонди ва илмий экспедициясининг Андижонда ташкил этилганига салкам 30 йил бўлди.

Ўтган вақт давомида Бобур изидан 40 дан зиёд мамлакатлар бўйлаб автомашинада қарийб 400 минг километр йўл босилди, илмий сафарларда бўлиб, муҳим янгиликлар топилди, ўзимизда йўқ манбалар қўлга киритилди ва Андижон шаҳридаги “Бобур ва жаҳон маданияти” музейида мужассамлаштирилди. Ҳозирда музейда 500 дан зиёд ноёб қўлёзма асарлар ва нодир китоблар, қимматли манбалар мавжуд. Жумладан, “Бобурнома”нинг “Саларжанг” музейида сақланаётган Ҳайдаробод нусхаси, Бобур мирзо кашф этган алифбо – “Хатти Бобурий”да кўчирилган Қуръони карим нусхаси, “Бобур куллиёти”нинг Эрон нусхасидан кўчирма ҳамда “Бобурнома”нинг турли тилларга таржима қилинган 20 дан ортиқ нусхалари энг қимматли экспонатлар сифатида музейдан жой олган.

Олиб келинган манбаларнинг 50 га яқини фонд томонидан таржима ва табдил қилдирилиб, чоп этирилди: жумладан, Харольд Лэмбнинг «Бобур – йўлбарс», Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий», Румер Годеннинг «Гулбадан», Уильям Рашбрукнинг «Ўн олтинчи аср бунёдкори», Хондамирнинг «Буюклик хислати», «Ҳабиб ус-сияр», Фриц Вюртленинг «Бобур – йўлбарс» (Андижон шаҳзодаси), Самюэл Беркнинг «Акбар – бобурийларнинг энг буюги», Исматуллоҳ Мўъжизийнинг «Таворихи мусиқиюн», Ирож Амийнинг «Кўҳинур – Бобурнинг олмоси», Махдуми Аъзам Даҳбедийнинг “Рисолаи Бобурийя”, «Бобурнома»нинг замонавий ўзбек тилига табдили, «Бобурнома миниатюралари» шулар жумласидандир.

Ўзбек бобуршуносларининг кейинги йиллардаги изланишлари натижасида юзага келган “Бобур ва Юлий Цезарь”, “Бобур ҳақида ўйлар”, “Асрларни бўйлаган Бобур”, “Бобурийнома”, “Буюклар изидан”, “Бобурийлардан бири”, “Ҳинд сориға”, “Андижондан Даккагача”, “Андижондан Бағдодгача”, “Хорижда бобуршунослик”, “Бобурнома учун қискача изохли луғат”, “Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида Бобурийлар даври”, “Сўзга айланган қилич”, “Буюк соҳибқирон изидан”, “Бобур абадияти”, “Таърихларда Темурийлар сиймоси” ва бошқа қатор асарлар бевосита фондимиз ҳомийлигида нашр қилинди. Бу китоблардан республикамиздаги кутубхоналар, олий ўқув юртлари, коллеж, академик лицей ҳамда умумтаълим мактабларига имкон қадар беғараз етказиб бериб келинмоқда.

Халқаро илмий экспедицияларимиз давомида бир қатор буюк аждодларимиз мангу макон топган масканларини излаб топишга муваффақ бўлинди. Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, мавлоно Лутфий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Хисрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Али Қўшчи, Камолиддин Бехзод, Бобораҳим Машраб ва бошқа кўплаб улуғ зотларнинг сўнгги манзиллари зиёрат қилинди ва уларнинг ҳолати ўрганилди. Натижада қаровсиз қолиб, деярли харобага айланган мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод каби буюкларимиз қабр-мақбаралари шарқона лойиҳалар асосида, бугунги кун талаби даражасида ободонлаштирилиб, зиёратгоҳларга айлантирилди.

Салкам 30 йил давомида амалга оширилган халқаро илмий экспедиция сафарларига бағишланган 30 га яқин ҳужжатли фильмлар тайёрланиб, республика ва маҳаллий

телеканалларда намоёиш қилинди, ўндан зиёд илмий-оммабоп китоблар, юзлаб мақолалар чоп этилди.

Фонд ўз Низомида белгиланган вазифаларни бажариши жараёнида ғарб ва шарқ бобуршуносларининг алоқалари мустаҳкамланиб, Қирғизистон, Озарбайжон, Германия, Туркия, Афғонистон, Россия, Япония, Миср, Ҳиндистон, Покистон каби ўндан зиёд давлатларда бўлимларини очди. Уларнинг ёрдами билан Бобур ва Бобурийларга тегишли бўлган ноёб қўлёзма ва манбаларни Ўзбекистонга олиб келиш имконияти кенгайди. Шунингдек, сўнгги йилларда Фарғона вилояти, Сўх туманининг Хушёр қишлоғида, Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманида ва Швеция давлатида ҳам Фонднинг янги бўлимлари ташкил қилинди.

Хорижда ва Ўзбекистонда бобуршуносликнинг ривожланишига ҳисса қўшаётган олим ва ижодкорларни рағбатлантириш мақсадида Фонд томонидан Бобур халқаро мукофоти таъсис этилди. Бугунгача ушбу мукофотга 40 дан зиёд бобуршунослар сазовор бўлдилар. Улар орасида япониялик таниқли олим Эйжи Мано, америкалик бобуршунос Уилер Текстон, академикларимиз Азиз Қаюмов, Абдулла Аъзамов, профессорлар Саидбек Ҳасанов, Сайфиддин Жалилов ва бошқалар бор.

Олимларимизнинг бобуршуносликни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари салмоқли бўлмоқда.

Бобур таваллудининг 530 йиллиги муносабати билан 2013 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда 20 дан ортиқ хорижий мамлакатлардан қатнашган олимлар томонидан ўтган йиллар давомида фондимиз билан Ўзбекистон ва жаҳон бобуршунослари ҳамкорлигида олиб борилган изланишлари юқори баҳоланиб, **жаҳон бобуршунослигининг маркази Ўзбекистонга, пойтахт Тошкентга ва Бобур мирзонинг туғилиб ўсган юрти Андижонга кўчганлиги эътироф** этилди.

2015 йили тажрибали, ўз ишининг устаси бўлган бобуршунослар иштирокида, шунингдек, таниқли олим, академик Абдулла Аъзамнинг бош муҳаррирлигида Ўзбекистонда илк бора шахс фаолиятига бағишланган қомус – “Бобур энциклопедияси” яратилди. Энциклопедия нашр этилганидан сўнг ҳам изланишларимиз давом эттирилди. Бобуршунослик тобора ривожланиб, янги-янги илмий тадқиқотлар юзага келмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, «Бобур энциклопедияси»нинг тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи наشري тайёрланиб, 2017 йилда “Шарқ” нашриётида босмадан чиқди.

Айни пайтда адабиётшунос олим Ҳамидулла Болтабоев бошчилигидаги Бобуршунос олимлардан иборат ишчи гуруҳ “Бобур энциклопедияси”нинг учинчи нашини тайёрлаш, шунингдек, энциклопедиянинг инглиз ва рус тилларидаги нусхаларини яратиш бўйича Андижон Давлат университети мутахассислари ва хорижий таржимон олимлар билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб борилмоқда. 2021-2022 йилларда “Бобур энциклопедияси”нинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги учинчи нашини чоп қилишни режалаштирганмиз.

Фондимизнинг охириги йилларда амалга оширган муҳим ишларидан яна бири – 2015 йили Россия Фанлар Академияси Туркология институти ҳамда Бобур халқаро фонди ҳамкорлигида таниқли турколог олима Анна Владимировна Дыбо ва арабшунос олим Шокирхон Рустамхўжаевлар томонидан "Захириддин Мухаммад Бабур. Бабуриды. Библиография" китоби нашрга тайёрланиб чоп этилди.

Россия Фанлар Академияси Туркология институти билан ҳамкорлигимиз давом этиб, 2019 йилда “Захириддин Мухаммад Бабур. Бабуриды. Собрание энциклопедических, научных и научно-популярных материалов” 4 жилдлик салмоқли тўпламнинг 1-жилдини нашрдан

чиқаришга муваффақ бўлинди. Қолган жилдларини ҳам 2022 йилга қадар нашрдан чиқаришни режалаштирганмиз. Шак шубҳасиз бу китоблар жаҳон бобуршунослигида ҳам, Бобур Мирзонинг ҳаёти ва ижоди билан қизиқадиган барча инсонлар учун ҳам, муҳим манба ва қимматли қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Бобур асарларини тадқиқ қилиш даражаси мазмун-моҳияти жиҳатдан ҳам ўси. Айниқса, унинг диний йўналишдаги “Мубаййин” асари ҳамда Хўжа Аҳрор Валийнинг “Рисолаи волидийя” асарига ёзган назмий шарҳи юзасидан олимларимиз алоҳида тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Филология фанлари доктори, профессор Саидбек Ҳасан ва фан номзоди Ҳамидбек Ҳасанов “Мубаййин” асарининг замонавий табдилини амалга оширган бўлсалар, таниқли шоир, исломшунос олим Мирзо Кенжабек “Заҳириддин Муҳаммад Бобур хазиналари” рукнида “Мубайян ва насрий баёни”, “Рисолаи Волидийя” назмий таржимаси ва шарҳи” асарларини яратди.

Бу китоблар ўқувчига Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ислом дини арконларини нечоғлик яхши билгани ва исломшунос олим сифатида диний қарашларни чуқур таҳлил қила олганлигини яққол намоён этади. Ушбу ноёб асарларни ҳар томонлама ўрганиш, айниқса, ёш авлодга ислом дини моҳиятини англаштида, уларни диний экстремизм хавфидан сақлаб, баркамол инсон қилиб тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

Яна бир қимматли қўлланма – таниқли олим Мирзо Кенжабек томонидан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тўла асарлари тўплами “Куллиёт” ҳам тайёрланиб, нашр этишга киришилди.

2017 йилда Андижонда ўтказилган «Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро конференцияда жаҳон бобуршунослари тавсиясига кўра бугунгача жаҳон илмий - адабий жараёнида Бобур ва Бобурийларга нисбатан хато қўлланиб келинаётган “Буюк мўғул” атамасини қўлламаслик ҳамда Бобур ижод қилган тилга нисбатан янглиш “чиғатой тили” атамаси ўрнига “туркий тил” (мумтоз тили) атамасини илмий истеъмолга киритиш юзасидан конференция қарори қабул қилинган бўлиб, албатта, бу воқеани ҳам бобуршуносликнинг улкан ютуқларидан бири деб айтишимиз мумкин.

Маълумки, сўнгги 25 йил давомида Бобур номли халқаро жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти билан ҳамкорликда Бобур Мирзо туғилган Андижоннинг шаҳарсозлик маданияти тарихини ўрганиш борасида илмий қидирув ишлари олиб борилиб, ушбу шаҳарнинг 2500 йиллик ёшини исботловчи археологик ва тарихий ашёвий далиллар аниқланди. Улар асосида “Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи” музейи барпо этилиб, “Древний и средневековый Андижан” ва “Андижон тарихи” китоблари чоп этилди. Андижоннинг 2500 йиллик юбилейини ўтказиш юзасидан зарурий ҳужжатлар тайёрланиб, ЮНЕСКО ташкилотига тақдим қилинди. Ишонамизки, яқин йиллар ичида ушбу санани катта тантана сифатида нишонлаймиз.

Мамлакатимиз раҳбари Андижонга қилган ташрифида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Бобурийлар ижодини янада чуқурроқ ўрганиш, кенг тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида Андижонда “2017 йил – Заҳириддин Муҳаммад Бобур йили” деб эълон қилган эди. Шу муносабат билан Фонд муассислиги ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида “Бобур ва дунё” журнали таъсис этилди. Албатта, ушбу нашр ҳам ўзбек матбуотида ўзига хос ўрнини топиб келмоқда.

Бобур номли халқаро жамоат фонди тасарруфидаги маданият ва истироҳат боғи ҳукуматимиз қарори билан халқаро туризм маршрутига киритилган бўлиб, у ерда Бобур

Мирзонинг рамзий қабри ва ҳайкали, “Бобур ва жаҳон маданияти”, “Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи” музейлари, обсерватория, кутубхона, маънавий маркази, спорт комплекслари барпо этилган. Ушбу боғ маҳаллий ва хорижий сайёҳлар, водий аҳолисининг сеvimли масканига айлантирилиб, доимий равишда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Худуднинг юқори қисмида табиий шароитга мослаштирилган зайтун, ёнғоқ, бодом, pista ва бошқа дарахтзорлар барпо этилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Бобур боғига ташриф буюриб, “Бобур ва жаҳон маданияти” музейи билан батафсил танишиб, уни кенгайтириш, жаҳон андозалари даражасида қайта таъмирлаш, шоирнинг рамзий қабр-мақбарасини янада обод қилиш юзасидан берган топшириқларига кўра бугунга келиб, Бобур боғида янги музей биноси, зиёратчилар учун мухташам масжид барпо қилиниб, Бобур рамзий мақбараси қайта таъмирланди.

Ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишлар натижасида буюк ҳамюртимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур она юрти – зоди буди Андижонга жисман қайта олмаган бўлсада, руҳан ва маънан қайтди, десак асло муболаға бўлмайди.

Ўтган йиллар давомида амалга оширган ишларни сарҳисоб қила туриб, Бобур Мирзо асарлари етиб борган, аммо биз етиб боролмаган манзиллар ҳали борлигига амин бўлмоқдамиз. Бу улуғ зотнинг қолдирган ижодий меросини ўрганиш борасида анча ишлар қилишимиз керак. У “Бобурнома” асарини 12 ёшидан бошлаб умрининг охиригача ёзган бўлса-да, асарда 18 йиллик воқеалар акс этган саҳифалар йўқолган бўлиб, улар ҳанузгача бизга маълум эмас. Шунингдек, “Ҳарб иши”, “Мусиқа сирлари”, “Қофия” асарлари, Гулбаданбегим томонидан ёзилган “Хумоюннома” асарининг бир қисми топилмаган. Балки бу ноёб қўлёзмалар ўша биз етиб боролмаган манзилларда қайсидир музей ёки кутубхонада, шахсий коллекцияларда сақланаётгандир. Бу нодир маънавий бойликни топиб, “Бобур ва жаҳон маданияти” музейига олиб келиш энг муҳим вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Бунинг учун аввало мамлакатимиз ва чет эл фондларида сақланаётган, буюк аждодларимизга мансуб қўлёзма ва ноёб китобларнинг мукамал библиографиясини яратишимиз зарур. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йилнинг 24 майида қабул қилинган “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асос бўлиб хизмат қилишига, улуғ боболаримиз қолдирган илмий-ижодий мерос намуналарининг асли ёки нусхаларини Ватанимизга олиб келиш кўлами ортишига ишонамиз.

Бобур номли халқаро жамоат фонди хорижда умргузаронлик қилган буюк аждодларимиз қабрларини ободонлаштириш ишларини давом эттириб, афғонистонлик ҳамкорлар билан Бобораҳим Машрабнинг Ишкамишдаги, буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг Ғазнидаги қабрларини зиёратгоҳларга айлантириш ҳақида келишиб олган.

Айни вақтда буюк олим Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг Ҳиндистоннинг Кашмир вилоятидаги, улуғ аллома Али Қушчининг Туркиянинг Истамбул шаҳридаги, Абу Носир Фаробийнинг Дамашқдаги қабрларини ҳам қайтадан тиклаб, обод этишни режалаштирганмиз.

Дарҳақиқат, буюк ва бетакрор шахс Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди бамисоли чексиз бир уммон бўлиб, уни ҳар қанча ўргансангиз, шунча оз. Демак, дунё бобуршунослари олдида ҳали жуда кўп илмий изланишлар турибди. Мана шундай ғоят зарур, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган ишларни амалга ошириш улуғ боболаримизнинг биз каби авлодларига, қолаверса, дунё маърифат аҳлига насиб этаверсин.

ЗАҲИРИДДИН БОБУРНИНГ ТЕМУРИЙЛАР ТАХТИ УЧУН КУРАШИ (1510-1512)

Бўриев О.

ЎзР ФА Шарқишунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори

Ушбу мақола Заҳириддин Бобурнинг Кобулда подшоҳ бўлиб турганида Темурийлар тахтини эгаллаш учун Мовароуннаҳрга юриш қилгани воқеалари таҳлилига бағишланган. Бу ҳақда маълумотлар Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида анча батафсил берилган. Энди 12 ёшга тўлган Мирзо Ҳайдарни Бобур ўзи билан бирга олиб кетади ва у юз берган воқеалар шоҳиди бўлади.

“Тарихи Рашидий” да келтирилишича, 916 йил рамазон ойининг бошида (1510 йил, декабрь боши) Мирзохондан [1] Кобулга Заҳириддин Бобур ҳузурига чопар хат келтиради. Мактубда Шоҳ Исмоил Марвда Шоҳибекхон [3]. устидан ғалаба қозонгани, шайбонийлар Аму сувининг нариги (ўнг) соҳилига ўтиб кетгани ёзилган эди [4. С.315].

Заҳириддин Бобур мазкур мактубни олгач, қиш бўлишига қарамай, сафарга отланади, рамазон ҳайитини (916 йил 1-шаввол/1511 йил 1-январь) Бомиёнда ўтказиб, шаввол ойининг бошида (1511 йил, январь) Қундузга етиб боради ва бу вилоят Бобур ихтиёрига ўтади.

Қундузга Шоҳ Исмоилдан ўзаро дўстлик ва ҳарбий жиҳатдан ёрдам бериш ваъдалари билан элчи келади. Сабаби, Мовароуннаҳрни эгаллаб олган шайбонийлар кучли рақибга айланаётганини сезган Шоҳ Исмоил бунинг олдини олиш учун Бобур билан ҳарбий иттифок тузишни режалаштирган эди. Бобур эса, қўл остидаги қўшинларнинг камлигини ва шайбонийлар сон жиҳатдан анча кўп эканлигини ҳисобга олиб, Шоҳ Исмоилнинг таклифига рози бўлади, унинг асосий мақсади, қандай бўлмасин, шайбонийларни қувлаб, Мовароуннаҳрда Темурийлар тахтини эгаллаш эди. Ўз томонидан Мирзохонни элчи қилиб юборади ва бу 1511 йили Бобур давлатидан Сафавийлар давлатига юборилган биринчи элчи эди. Ушбу ҳарбий битимдан сўнг, Мовароуннаҳрда Темурийлар тахти учун курашда учта давлат – Бобур давлати, Шайбонийлар давлати ва Сафавийлар давлати манфаатлари тўқнаш келганини кўрамиз. Тез орада сафавийлар ҳарбий қўшинлари Бобурга кўмак бериш учун етиб келади.

Шайбонийхоннинг ўлими ва Заҳириддин Бобурнинг юриши Мовароуннаҳрда шайбонийларга қарши кучларни бош кўтаришга ундади. Чунончи тарихчи Мирзо Ҳайдарнинг амакиси Сайид Муҳаммад мирзо ўзига қарашли мўғуллар ва андижонликларга бош бўлиб, шайбонийларни Фарғона вилоятидан қувлаб чиқаради. Бу ҳақда Қундузда турган Бобурга Қоратегин орқали чопар жўнатади ва ёрдам сўрайди. Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида келтиришича, Бобур 917 йил сафар ойининг ўн тўртида (1511 йил 13 май) қўл остида хизмат қилаётган Султон Саидхонни [5] юборади ва у 917 йил, ражаб ойида (1511. IX-X) Андижонда тахтга ўтириб [4. С.162], қисқа вақт Фарғона вилоятини бошқаради; ҳокимият қайта Шайбонийларга ўтгач, Қашқарни эгаллаб (920 йил, ражаб ойи /1514. V-VI), ўша ерда ҳукмронлик қилади [4. С.318-319].

Қундуз билан боғлиқ яна бир тарихий воқеа, бу мўғуллар миграциясига тегишли. Мўғулистон хонлари дастлаб Юнусхон (1415 – 1487 йй.) 1485 йилдан, сўнгра унинг ўғли Султон Маҳмудхон (1487 – 1502 йй.) 1487-1503 йилларда Тошкент шаҳрини салтанат пойтахти қилиб олганликлари тарихдан маълум. Султон Маҳмудхон ва Мўғулистондан унга ёрдамга келган укаси Султон Аҳмадхон 1503 йили Шайбонийхон билан Аҳси ёнида бўлган жангда мағлуб бўлиб, асир олинадилар. Шайбонийхон Тошкентни эгаллагандан сўнг, хонларни озод қилиб юртларига жўнатади [6]. Лекин уларга тегишли лашкардан ўттиз минг

мўғулни асир олиб, ўз лашкарига кўшади [4. С.197, 205]. Шайбонийхон, давлат хавфсизлигини назарда тутиб, уларни ўз хонларидан ва юрти Мўғулистондан узокрокда бўлсин, деб, Хуросонга жўнатади. Мазкур мўғуллар Марв йўналишида Амударёнинг сўл соҳили бўйлаб жойлаштирилган эди. Шайбонийхон ўлдирилгач, улар ёппасига кўчиб, Мўғулистон томонни мўлжаллаб Қундузга келишди [4. С.315].

Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида ёзилганларга кўра, 1511 йилнинг май ойида Султон Саидхонни Андижонга кузатгач, Мирзохон бошчилигида Шоҳ Исмоил юборган кўшинлар етиб келади. Шундан сўнг Бобур Ҳисор томонга юриш бошлайди. Шайбонийлар ҳам асосий кучларни ҳужумга ташлайдилар ва Хатлон вилоятида Пули Сангин яқинидаги Обдара деган жойда томонлар ўртасида қаттиқ жанг бўлади. “Бобурнома”да 899/1494 йил воқеалари баёнида: “Мен Ҳамза Султон бошлиқ султонларни Хатлон вилоятида босиб, Ҳисорни олғонда” [7. Б.38],- деган эслатма ҳам бор.

Хуросондан Қундузга келган мўғулларнинг бир қисми бевосита Бобурга ва яна бир қисми Мирзо Ҳайдарга мулозим бўлиб мардоналик намойиш этгани жанг тақдирини ҳал қилди. Мазкур мўғуллар, уларнинг хони Султон Маҳмудхоннинг Шайбонийхон фармони билан қатл этилгани учун ҳам ўч олишга ташна эдилар: Шайбоний султонлардан Ҳамза султон, Маҳди султон ва Мумоқ султон асир олиниб ўлдирилади [4. С.320-322].

Шайбонийлардан бир қисми Убайдуллахон бошчилигида Қарши кўрғонида жойлашади, катта қисми Самарқандда эди. Бобур лашкари Қарши шаҳрини қолдириб Бухорога йўл олади. Бундан воқиф бўлган Убайдуллахон ҳам Бухорога чекинади. Бобур лашкари Бухорога етиб борганда шайбонийлар у ердан Туркистон даштларига қочади ва Самарқанддаги шайбонийлар ҳам уларнинг ортидан кетади.

Заҳириддин Бобур Бухорога етиб боргандан сўнг, ёрдамга келган Шоҳ Исмоил аскарларига эҳтиром кўрсатиб, қайтишларига руҳсат беради [4. С.322-323]. Ўзи эса, Самарқандга йўл олади. Мирзо Ҳайдарнинг ёзишича, Мовароуннаҳр, айниқса пойтахт Самарқанд аҳолиси Бобурнинг келишини катта хайрихоҳлик билан қабул қилганлар ва у 917 йил ражаб ойининг ўртасида (1511 йил, декабрнинг биринчи ярми) шаҳарга кирган [4. С.334]. У билан бирга Шоҳ Исмоил аскарларидан туркман қизилбошлардан бир қисми ҳам Самарқандга келган эдилар. Шаҳар аҳолиси шиа мазҳабидаги бу тоифани, уларнинг ўзбошимчалигини ўта ёмон кўрдилар, расмиятчилик юзасидан вақтинча шиалар услубида кийиниб олган Бобурга нисбатан ҳам муомалалари яхши бўлмаган.

Умуман олганда Заҳириддин Бобур Мовароуннаҳрни саккиз ой давомида эгаллаб турди ва ўлкани бошқариш учун маълум маъмурий-ҳудудий тадбирларни амалга оширди. Фарғона вилояти, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Бобур ихтиёрига ўтган эди ва уни Андижонда Султон Саидхон бошқарарди. Тошкент вилояти бошқарувини амир Аҳмад Қосим куҳбарга топширди, Сайрам ҳокимлигига эса, унинг укаси Каттабекни тайинлади. Бобур давлати билан қозоқ хони Қосимхон давлати ўртасидаги чегара Сайрам билан Тароз ўртасидан белгиланган. Заҳириддин Бобур Мовароуннаҳрни тарқ этиши билан Тошкент шаҳри ва вилоятининг бошқаруви яна Шайбонийларга ўтади [4. С.347].

Шимол томонда Бобур давлатини Шайбонийлар давлатидан Сирдарё ажратиб турган, ғарбий чегараси Хоразмгача ястанган бўлган. Агар мазкур давлатнинг жанубий чегараси Синд (Ҳинд) дарёсигача эканлиги ҳисобга олинса, у ҳолда Мовароуннаҳрга охириги юриш пайтида Бобур давлати кўлами унинг тарихидаги энг кенгайган даври бўлганлиги кўринади.

Бобур 918 йилнинг сафар ойида (1512 йил апрель-май) Кўли Маликда Убайдуллахон лашкари билан жангда мағлубиятга учрайди ва қайтиб кетишга мажбур бўлади. Ваҳоланки

Убайдуллахоннинг лашкари уч минг киши ва Бобурнинг лашкари қирқ мингта эди, деб ёзади Мирзо Ҳайдар бу ҳақда [4. С.335].

Бобур Ҳисорда Шоҳ Исмоилга кетма-кет элчилар юбориб янгидан ёрдам сўрайди. У таниқли саркардаси (амир ул-умаро) Мир Нажми Соний бошчилигида олтмиш минг аскарни жўнатади, улар Ҳисорга етиб келгач [4. С.344, 355].

Бобур киш аввалида юриш бошлайди. Қарши қўрғонини қамал қилиб эгаллайдилар ва шаҳарда қирғин уюштирадилар, лекин Гиждувонда бўлган кейинги жангда шайбонийлардан узил-кесил енгилдилар, Мир Нажми Соний ҳам шу жангда ўлдирилади. Бобур охириги умиди узилиб, Ҳисорга ва у ердан Қундуз орқали Кобулга қайтади [4. С.339]. Мовароуннаҳр яна Шайбонийлар ҳукми остига ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, Заҳириддин Бобурнинг сон жиҳатдан анча ортиқ лашкар билан Кўли Малик ва Гиждувондаги муҳим жангларда мағлубиятга учрагани шайбонийларнинг жанг тактикаси жиҳатдан устунлигини кўрсатди.

Иқтибослар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Мирзохон (Султон (У)вайс мирзо; Хонмирзо; 1485, Ҳисор – 1521, Бадахшон) – Султон Маҳмуд мирзонинг ўғли, Бобур билан бирга Кобулга борган; 1508 йил Бадахшонга бориб, ҳокимиятни эгаллаган. Шайбонийхон ўлиmidан сўнг Бобурни Самарқандга юриш қилишга ундаган. Бобур уни Исмоил Сафавий ҳузурига элчи қилиб жўнатган. Умрининг охиригача Бадахшонда ҳукмронлик қилган [2. Б.420].

Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси (қайта ишланган иккинчи нашр) / Таҳрир ҳайъати: А. Қаюмов ва бошқ. Бош муҳаррир: А. Аъзамов. – Т.: «Sharq» НМАК Бош таҳририяти, 2017. – 688 б. (40 бет иллюстрациялар). (О.Бўриев ҳаммуаллиф ва таҳририят аъзоси).

Мирзо Ҳайдар “Тарихи Рашидий” асарида Шайбонийхоннинг исмини шу шаклда ёзган [4].

4. Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р. П. Джалиловой, Л. М. Епифановой. примечания и указатели Р. П. Джалиловой, Л. М. Епифановой. Т., «Фан», 1996.

5. Султон Саидхон (1486 – 1533) - Бобурнинг тоғаси Султон Аҳмадхоннинг ўғли. Кобулга келиб, уч йил Мандировар туманини бошқарган. 1511 йили Бобур Султон Саидхонни Андижонга хон қилиб юборади. Бобур Кобулга қайтганда Султон Саидхон Андижонни тарк этади ва Кошғарни эгаллаб мустақил давлат тузади.

6. “Тарихи Рашидий”да ёзилишича, 1509 йили Султон Маҳмудхон Шайбонийхонни орқа қилиб, яна Мовароуннаҳрга келади. Ба пайтда Хуросоннинг Тус яқинидаги Родгон ўлангида турган Шайбонийхоннинг жўнатган фармони асосида, Хўжанд яқинида хон ва унинг бешта норасида фарзандлари қатл қилинади (4. С. 149, 200).

7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзоев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов. Тошкент “Шарқ”, 2002.

УРАТЮБИНСКИЙ ПЕРИОД БОРЬБЫ ЗАХИРИДДИНА БАБУРА ЗА ТИМУРИДСКИЙ ПРЕСТОЛ

Рахимов Н.Т.

*Худжандский государственный университет имени академика Б.Г.Гафурова,
профессор.*

Политическая история Средней Азии в конце XV-начале XVI веков является очень сложной и насыщенной военными действиями. В это период разразилась между тимуридами развернулась междоусобная война за трон. В 1498-1499 году в борьбу за трон в государстве тимуридов активно вмешивается Мухаммад Шейбаниха, хан кочевых узбекских племён Дашти Кипчака.

Разобщённые потомки великого Тимура не имели политической воли для объединения и защиты территории своего государства. Только молодой тимурид, сын правителя Ферганского удела Умар Шейха - Захириддин Мухаммад Бабур (1483-1530) попытался создать коалицию против Шейбанидов. Однако ему это не удалось. Обращение к другим Тимуридам с предложением о союзе и совместной борьбе оказалось не удачной. Мухаммад Шейбанихан в 1499-1501 гг. неоднократно вторгнулся в Мавераннахр. В 1501 году он окончательно овладел Самаркандом и сделал его столицей своего государства [4, 108-109]. В многолетней борьбе с Шейбаниханом (с 1499 до 1504 г.) за владение столицей Тимуридов - Самаркандом, опорной базой для Захириддина Бабура становится Уратюбинское владение.

Эта территория - раннесредневековая историко-культурная область Уструшана в XV веке была частью Тимуридского государства. В конце XV века династия Тимуридов приходит в упадок. Территория некогда единого государства была разделена на многочисленные владения и уделы, правители которых, в целях расширения границ вели между собой кровопролитные войны. Наиболее влиятельными среди Тимуридов были правители Самарканда, Ташкента и Ферганы. Округ Уратюбе (уратюбинский туман) расположенный как раз на стыке этих трёх владений, не раз становился ареной столкновений и предметом военных конфликтов. Каждый из дома Тимуридов стремился закрепиться в этом богатом и благоприятном во всех отношениях районе и в зависимости от быстро менявшейся политической ситуации Уратюбе часто переходил из рук в руки. К середине 90-х годов XV века Уратюбе был в составе Ферганского удела Тимуридов, правителем которого был Умар Шейх..

В 1494 г. начался очередной раунд междоусобной войны. Султан Махмудхон, правитель Моголистана и Султан Ахмадхон, правитель Самарканда заключив союз, начали войну против Умар Шейха. При наступлении на Фергану летом 1494 года Уратюбе был захвачен союзниками.

В это время политическая ситуация в Фергане резко изменилась - Умар Шейх неожиданно умер и правителем Ферганы стал его сын молодой Захириддин Мухаммад Бабур. Молодой правитель Ферганы, пользуясь политической нестабильностью в столице Тимуридов, стал укреплять свои владения и возвращать утраченные отцом территории. После подавления волнений среди племени чограк, взятия Исфары и присоединения Худжанда, Захириддин Бабур направился к Уратюбе. Султан Али Мирза, владевший Уратюбе, не собирался возвращать владение Захириддину Бабуру. Однако, услышав весть о движении Захириддина Бабура из Худжанда в Уратюбе, Султан Али Мирза отступил в Кухиستان (горную область Фальгар). В Уратюбе остался воспитатель Султан Али Мирзы -

Шейх Зуннун. Ещё не достигнув города, Бабур направил в Уратюбе в качестве посла своего помощника Низомиддина Али Халифу с предложением сдать Уратюбе. Шейх Зуннун не согласился сдавать без боя хорошо укрепленную крепость. Он приказал схватить посла и казнить его. Халифе удалось избежать казни и чудом вырвавшись из вражеского плена, через 2-3 дня он вернулся в лагерь Захириддина Бабура. Расположившись вокруг крепости, Бабур осадил Уратюбе. Крепость могла выдержать длительную осаду, в то время как войска ферганцев начали испытывать нужду в фураже. Такое положение дел не устраивало Захириддина Бабура, поэтому он снял осаду Уратюбе и вернулся в Андижан [3, 592].

Воспользовавшись удобным случаем (отсутствие Султан Али Мирзы, ослабление гарнизона крепости долгой осадой Бабура и т.п.), правитель Ташкента Султан Махмудхон направил войска в Уратюбе. Шейх Зуннун не устоял и оставив город ташкентцам, сам со своими приближенными и дружиной ушел в Фальгар. Султан Махмудхон отдал Уратюбе и его округ эмиру Мухаммад Хусейн Гургону.

Всё это время, несмотря на внешнюю угрозу и потерю государства, представители дома Тимуридов продолжали междоусобную борьбу за самаркандский престол. Включившись в эту борьбу молодой Захириддин Бабур потерпел поражение. Потерпевший поражение в Самарканде Захириддин Бабур провёл весенние месяцы 1498 года в Худжанде. Задумав новый поход в Самарканд, Бабур попросил помощи у правителя Ташкента Султан Махмудхона, приходящемся ему дядей. Хан, и сам претендующий на верховенство среди Тимуридов и трон в Самарканде, согласился на предложение племянника и использовать его для достижений своей цели. Именно поэтому, Султан Махмудхон назначил в поход своего сына Султан Мухаммад Хонике и эмира Ахмадбека, выделив им 4-5 тысяч воинов. В начале лета 1498 г. союзники встретились в Уратюбе и затем двинулись в направлении Самарканда, однако, известие о нападении Шейбанихана на окрестности Ширази вынудило прервать начавшийся так удачно поход: Султан Мухаммад и Ахмадбек повернули обратно в Ташкент, Захириддину Бабуру ничего не оставалось как тоже вернуться в Худжанд.

Последующие попытки Захириддина Бабура вернуть Самарканд не имели успеха [1, 38]. Поздней осенью 1498 года в Уратюбе пришли послы Бабура. Захириддин Мухаммад Бабур попросил Мухаммад Хусейн Дуглата разрешить ему провести зиму в окрестностях Пешагира, одного из недавно присоединенных к Уратюбе селений Яр-Яйлакского тумана. Таким образом, Захириддин Бабур хотел находиться как можно ближе к Самарканду перед началом очередного похода. Мухаммад Хусейн дал на это согласие.

В период зимних месяцев, проведённых в Уратюбинском уделе, Бабур овладел несколькими крепостями Шавдарского тумана. Попытка захватить центр тумана - крепость Работи Ходжа не удалась. После ряда неудач Бабур вернулся в Худжанд [2, 75].

Летом 1499 года Захириддин Бабур проводил на тучных предгорных пастбищах к югу от Уратюбе. Но пробыл он там недолго - обстоятельства вынудили отправиться с дружиной в Андижан. Захириддин Бабур не оставлял надежды на самаркандский престол и в июне 1500 года он вновь выступил в поход [2, 93]. По пути следования Захириддин Бабур остановился в Уратюбе и здесь получил известие о том, что Шейбанихан, разбив Боки тархана у крепости Дабусия, двигается в направлении к Бухаре. Бабур спешно выступил из Уратюбе. Крепость Санзар сдалась без боя, однако Бабур опоздал - Самарканд уже был захвачен Шейбаниханом. Захириддин Бабур со своими воинами ушел через Кеш и Хиссар в горный Фальгар и лишь спустя некоторое время, спустившись вниз по р.Зарафшан, взял Самарканд. Шейбанихан вновь осадил город. Осада длилась долго. Поздней осенью 1500 года Захириддин Бабур оставил Самарканд и через Джизак направился в Уратюбе [5, 88].

С разрешения даруга (правителя) Уратюбе Мухаммад Хусейна Захириддин Бабур решил перезимовать в Дахкате, одном из предгорных селений уратюбинского тумана [2, 113]. Оставив домочадцев в селении, Бабур съездил в Ташкент к дяде с просьбой дать ему какую-нибудь область. Султан Махмудхон обещал ему передать Уратюбе, Но Мухаммад Хусейн не согласился на это.

В середине зимы 1501 года Шейбанихан, перейдя по льду Сырдарью, разграбил окрестности Шахрухии и Бишкента. Несмотря на малочисленность дружины, Бабур выступил к Сырдарье, но, не достигнув отступившего Шейбанихана, вернулся в Уратюбе.

Ранней весной 1502 года уже многочисленные отряды Шейбанихана двинулись к Уратюбе. Учитывая явное превосходство войска Шейбанихана Бабур решил отступить и через перевал Оббурдон ушёл в Горную Матчу. Шейбанихан, разграбив окрестности Уратюбе, осадил город. Оставив в Матче своих домочадцев, Бабур спустился по перевалу в долину и решил напасть внезапно на войско Шейбанихана. Но этот манёвр не удался - Шейбанихан поспешно отступил и Бабур снова вернулся в Матчу. Несколько позже, узурпировавший власть в Андижане Султан Ахмад Тамбал решил воспользоваться удобным моментом и захватить обескровленный нашествием кочевых узбеков Шейбанихан крепость Уратюбе. На помощь Мухаммад Хусейну гургону пришли из Ташкента отряды Султан Махмудхона и крепость удалось отстоять [2, 117].

Однако, в январе 1503 года Султан Махмудхон, узнав о намерении Шейбанихана идти походом на Фергану, приказал даруге Уратюбе Мухаммад Хусейну укрепить крепость и готовиться к борьбе. Но, военные действия начались в марте. Шейбанихан вторгся в пределы тумана и, разграбив окрестности Уратюбе, двинулся в сторону Ферганы. После завоевания Ферганы, на обратном пути в Самарканд Шейбанихан подчинил Уратюбе и пожаловал его своему эмиру Ходже Гозибеку. Фергана, удел Тимуридов которым владели Бабур и его отец, вошла в состав формирующегося государства Шейбанихана.

Захириддин Бабур, потомок Тимура, правитель ферганского удела Тимуридов, отступил на юг. С 1504 года начинается новый этап в политической карьере Захириддина Бабура. В дальнейшем, продолжая борьбу с Шейбанидами, Бабур захватил Кабульское владение, а позже - завоевал северную часть Индии и основал свое государство Бабуридов (ставшее известным как Империя великих моголов).

Таким образом, Уратюбинское владение на несколько лет стало опорной базой для тимурида Захириддина Бабура в период борьбы за тимуридский трон, объединение Мавераннахра и отпора кочевникам Дашти Кипчака. Выбор Уратюбе Захириддином Бабуром в качестве плацдарма для военных манёвров был обусловлен рядом обстоятельств:

- стратегически выгодным расположением на стыке трех владение - Самарканда, Ташкента и Ферганы.
- максимально близким при относительной безопасности, расположением к цели Бабура - Самарканду.
- равно удалённостью от центров сил воздействия (как других Тимуридов, так и общего противника - Шейбанихана)
- удобные коммуникационные каналы
- возможностью своевременно пополнять ресурсы (людские, продовольствие, фураж и т.д.)
- возможности безопасного отхода в сложных ситуациях. С одной стороны, Уратюбе входил в пределы Ферганы. С другой стороны, на юге к Уратюбе располагались высокие горы, куда всегда можно было отступить при неблагоприятных условиях.

Таким образом, рассмотрение отдельного эпизода борьбы Захириддина Бабур с вторгшимся в Мавераннахр противников - Шейбаниханом, показывает не дюжие способности молодого тимурида (в эти годы ему было 16-20 лет), широкие познания и умения в стратегии и тактике ведения боевых действий и большой талант руководителя и организатора, умение мыслить масштабно и перспективно. Именно эти качества и способности позволили молодому тимуриду выдержать длительную борьбу за родные владения с многократно превосходящими силами завоевателей, и, несмотря на отступление, устоять и не потерять себя, и более того, в конце концов, создать свое государство в Северной Индии - Империю великих моголов.

Литература

1. Азимходжаева С.А. Государство Бабура в Кабуле и Индии. - М., 1977. - 176 с.
2. Бабур Захириддин. Бабурнаме. Перевод М.А.Салье. - Ташкент, 1958.; Бабур-наме: Записки Бабура / Перевод М. А. Салье. Общ. ред. и доработка С. А. Азимджановой. Институт востоковедения Академии наук Республики Узбекистан. — Изд. 2-е, доработанное. — Ташкент: Главная редакция энциклопедий, 1993. — 464 с.
3. Древняя Уструшана: города, их локализация и хронология. - Душанбе, 2003. - 778 с.
4. Камол Х. История вторжения кочевых племён Дашт-и Кипчака в Мавераннахр и Хорасан (XVI в.). - Душанбе, 2012. - 408 с.
5. Рахимов Н.Т. Очерки средневековой истории Вагката-Уратюбе в X-XVI вв. - Худжанд, 2004. - 124 с.

ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР АВЛОДЛАРИ КАШМИРДА

Хайитов Ш.А.

*Бухоро давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси профессори,
тарих фанлари доктори.*

Амир Темур авлодларидан бўлган моҳир саркарда, давлат арбоби, шоир ва тарихчи Захриддин Муҳаммад Бобур (1483 – 1530 йй) илк бор Ҳиндистонга 1507 – йил қўшин тортган. Адабиётшунос олим Эргаш Очиловнинг ёзишича, Бобур Самарқанддан иккинчи марта ажралиб, бунинг устига Андижондан ҳам маҳрум бўлиб, Ўратепанинг Даҳкат кентигаги Масчо (Мастгоҳ) деган тоғли жойида юрганида бир хонадонда 111 яшар кекса онахон билан суҳбатлашиб қолади. Унинг қариндошларидан бири Амир Темур билан бирга Ҳиндистон сафарида бўлган экан... ушбу суҳбат туфайли бу афсонавий мамлакатнинг мўъжизакор табиати ёш шахзода кўнглида Ҳиндистонга ҳавас уйғотган бўлса ажаб эмас(1).

Захриддин Муҳаммад Бобур 1519 йилга қадар 4 – 5 бор Ҳиндистон юришини уюштириб, мувоффақият қозона олмаган. Ниҳоят, 1526 йилда бўлиб ўтган Понипат жангида З. М. Бобур 12 минг навқари билан Иброҳим Лўдийнинг 100 минг кишилиқ қўшини устидан ғалабага эришди. Кейинчалик асосий рақибларидан бири бўлган ҳинд саркардаси Рано Сангони енгиб, Ҳиндистондаги Лоҳур Дехли, Агра шаҳарларини тўла эгаллайди. Шимолий Ҳиндистонда пойтахти Агра бўлган бобурийлар давлатига асос солинди ва темурийларнинг Ҳиндистондаги давлати 332 йил (1526 – 1858 йй) яшади. З.М. Бобур улуғ бобоқалони Амир Темурдан 127 йилдан сўнг (трихдан маълумки Амир Темур 1399 йилда Дехлини забт этганди. Ш.Хайитов) Дехлини фатҳ этди.

3. М. Бобур Ҳиндистон шимолидаги вилоятларни бирин – кетин бўйсундириб борар экан, унинг ортидан Мавароуннахрнинг турли шаҳар ва вилоятларидан Қобулга келиб қолган фуқаролар ҳам эргашишган. Улар 3. М. Бобур Қобул давлатида (1504 – 1524 йй) ҳукумронлик (шу ерда ҳукумдор ўзини темурийлардан биринчи бўлиб “подишоҳ” деб эълон қилган, унгача темурийлар “Мирзо” номи билан тахтга ўтиришган Ш. Ҳайитов) қилган йилларда Ўрта Осиёдан қочиб келиб жойлашганлар эди. 3. М. Бобур ушбу инсонларни Ҳиндистон вилоят ва музофотларига жойлаштирган.

Марҳум тарихчи олим, профессор Г. А. Ҳидоятлов билан шахсий мулоқотларимиздан бирида 3. М. Бобур 200 минг сонли фарғоналикларни табиий шарт – шароитлари ва об – ҳавоси Ўрта Осиёга мос келган. Панжоб ва Кашмир вилоятларига жойлаштирилганини ҳикоя қилганди. Бироқ ушбу ҳудудларда туркий халқлар узок асрлардан буён яшаб келганлиги ҳақида Абу Райхон Беруний (973-1048) “Ҳиндистон” номли китобида, Маҳмуд Қошғарий (XI аср) “Девони луғотит турк” китобида Панжоб ва Кашмир вилоятларида яшаганлигини хабар қилишади. Ҳатто Абу Али Ибн Сино (980-1037) “Тиб қонунлари”да бу ўлкалардаги туркий халқ вакиллари билан Мавароуннахр ва Бухорога юқумли касалликлар келганлигини қайд этади.

Бобур ўзининг шоҳ асари “Бобурнома” нинг учинчи қисмида (мазкур асар уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми 1494 – 1504 йилларни, иккинчи қисми 1504 – 1524 йилларни ўз ичига қамраб олади. Тарихий – географик мемуар асарнинг учинчи қисми Ҳиндистонга бағишланган бўлиб, 1525 – 1530 йиллардаги воқеалар тафсилотлари баёнига қаратилган Ш.Ҳайитов.) Ҳиндистон шимолида жойлашган Кашмир вилояти ва шаҳри ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади.

“Шимолдаги тоғким, мазкур бўлди, Синд (Ҳинд) дарёсидан ўтгач бу тоғда Кашмир Тавобеи вилоятлардур... чун бу тоғда мўътабар шаҳр Кашмирдур, балки Кашмирдин ўзга бу тоғда шаҳре эшитилмайдур. Бу жиҳатдин бўла олурким, Кашмир демиш бўлғайлар(2)” – деб ёзган эди 3. М. Бобур. Юқоридаги таърифдан кўришиб турибдики, Кашмир Ҳиндистон шимолидаги энг муҳим стратегик ва ижтимоий – иқтисодий мавқега эга бўлган ҳудудда жойлашган. Кашмирликларнинг қиёфаси, қадди – қоматида Ўрта Осиёликларга хос кўпгина белгилар мавжуд. Қолаверса, уларнинг тили урду тили бўлиб, сўзлашувларида туркийча иборалар ҳам кўп ишлатилади. Ўзбекистон Республикаси Миллий Архивидаги муҳожир ўзбеклар тарихига оид бирламчи манбаларни ўрганиш жараёнида Покистон Республикасидан 1997 йил 16 январиди Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган, аждодлари асли ўзбекистонлик бўлган ватандошларимиз Ахлак Аҳмад билан қилинган суҳбатлар баёнига дуч келдик.

Покистон Республикасида ўн минглаб ўзбек миллати вакиллари истиқомат қиладилар. Улар орасида бобурий – (мўғуллар) сулоласи вакиллари бўлган Барлос ва Чигатой авлодлари ҳам анчагина. Темурий ва бобурийлар ўзига хос тарих, кечмиш ва урф – одатларга эга. Улар Покистон Республикаси ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнайдилар.

Ахлак Аҳмаднинг таъкидлашича, пойтахти Музаффаробод шаҳри бўлган Озод Кашмир вилояти (провинцияси) да уч миллион аҳоли истиқомат қилиб, уларнинг 300 минг сонлиси Мўғуллар (Темурийлар - жанубда шимолдан ҳужум қилганларни “Мўғул” деб аташ расм бўлган Ш. Ҳайитов) авлодларига мансубдир(3).

Озод Кашмир провинцияси ўзининг ҳукуматида эга бўлиб, унинг премер – министри Покистон миллий партияси раҳбари Султон Маҳмуд Чоудри ҳисобланади(4).

Аҳмад Ахлак темурийларнинг авлодлари Чоудри ҳукуматида муҳим, юқори мартабали мансабларда фаолият юритганликларига эътиборни қаратади. Жумладан, Сардор Қамар

Замон Хон – Озод Кашмирнинг таълим вазири, Сардор Амжед Юсуф Хон – Озод Кашмир Премьер – министрининг бош маслаҳатчиси, Миён Ғулом Расул – Озод Кашмирнинг қишлоқ хўжалиги вазири, Сардор Аскар Афанди Хон – Озод Кашмирнинг соғлиқни сақлаш вазири, Али Хон Чигатой - Озод Кашмир парламенти аъзоси бўлишган(5).

Таъкидлаш жоизки, Ахлак Аҳмад билан бирга Ўзбекистонга бир ой муддатга саёҳат қилиш учун 1997 йил 16 январиди Ахлак Расул ҳам ташриф буюрганди. У Озод Кашмирнинг ўша пайтда қишлоқ хўжалик вазири Миён Ғулом Расулнинг ўғли бўлиб, отасининг маслаҳати билан узоқ ўтмишдаги қариндошларини, ватанини кўриш ниятида келганди. Покистонлик З.М. Бобур авлоди Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро Андижон шаҳарларида, Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида бўлди(6).

Архив ҳужжатларидан аниқ бўладики, 1996 йилда “Озод Кашмир мўғуллари (темурийлар ва бобурийларни бу мамлакатда шундай номлашади. Ш. Ҳайитов) авлодларига таълим бериш ва уларнинг келиб чиқишини ўрганиш жамияти (MESAK MFAK Ш. Ҳайитов)” тузилган. Бу жамият ўзининг биносига, муҳрига, маблағига, кутубхонасига эга бўлиб, Ўзбекистондаги бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирган(7). Жумладан, 1992 – 1998 йилларда фаолият юритган Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий – маърифий алоқалар ассоциацияси (ЎЗРХАМА)га ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш билан боғлиқ расмий мурожаат хатини топширишган. Бу йўналишда ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганлиги билан боғлиқ маълумотлар афеуски бизда мавжуд эмас. Ушбу тшкилот ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси таркибида бўлим сифатида фаолият юритмоқда.

Нима бўлганда ҳам Покистон Республикасининг Озод Кашмир вилоятида бобурийларнинг бугунги авлодлари истиқомат қилиб келмоқда. Улар узоқ асрлардан буён авлодий давомийликни сақлаб келмоқдалар. Шунингдек, улар ўзларининг аجدодлари тарихини аждод ва авлодлар ўртасидаги ўзаро узвий ҳаётий боғлиқлик, давомийликни сақлаб келаётганликлари эътиборга моликдир.

Шажаравий жиҳатдан Темурийлар шажарасига мансуб бўлган айрим кишиларнинг (12 – 15 авлод бўлсада) сизнинг мамлакатингизда ҳам бобурийлар шажарасига мансуб инсонлар борми? – мазмунидаги ўқтин – ўқтин бериб туриладиган саволлари бизни ногаҳон ноқулай аҳволга солиб қўяди. Назаримизда хориждаги ватандошлар тажрибасидан келиб чиқиб, истиқболда шажаралар давомийлиги масаласига, шажарашунослик илмига алоҳида эътибор қаратилса фойдадан холи бўлмайди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

Очилов Э. Бобур (Рисола). – Т.: “ABV MATBVOT - KONSALT” нашриёти 2011. 25 бет (Б. 11)

Бобур Заҳриддин Муҳаммад. Бобурнома / [Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев: Мухаррир А. Ўктам] / - Т.: Юлдузча, 1990. 25 бет (Б.26)

Ўзбекистон Миллий Архиви (ЎМА), М – 2 – фонд, 1 – рўйхат, 229 – йиғма жилд, 1 – варақ.

ЎМА, М – 2 – фонд, 1 – рўйхат, 229 – йиғма жилд, 2-3-варақлар.

ЎМА, М – 2 – фонд, 1 – рўйхат, 229 – йиғма жилд, 6- варақ.

ЎМА, М – 2 – фонд, 1 – рўйхат, 229 – йиғма жилд, 4-5-варақлар.

ЎМА, М – 2 – фонд, 1 – рўйхат, 229 – йиғма жилд, 7-варақ, 7-варақнинг орқа томони.

КАМЕННЫЕ КНИГИ» МИРЗО БАБУРА

Шарипов Ш.

к.и.н., доцент кафедры Отечественной истории и археологии Худжандского государственного университета имени академика Бободжона Гафурова

Абдукаримов Дж.

старший преподаватель общеуниверситетской кафедры истории таджикского народа Худжандского государственного университета имени академика Бободжона Гафурова (Таджикистан)

В истории борьбы против кочевых узбекских племен Дашти Кипчака, вторгшихся под руководством основателя династии Шейбанидов (1499-1599 гг.) Мухаммада Шейбанихана (1451-1510 гг.) в пределы Средней Азии, особое место занимает долгая и ожесточённая борьба известного государственного деятеля, поэта, ученого, мемуариста, основателя государства Великих моголов Захируддина Мухаммада Бабура (1483-1530 гг.) – сына правителя Ферганы Умаршайха (1455-1494 гг.) и внука Амир Темура (1336-1405 гг.) за престол своих предков и восстановление власти и трона Темуридов в Средней Азии. Бесстрашный, честолюбивый и ревнивый юный властелин Бабур трижды захватывал столицу государства Темуридов – город Самарканд. В августе 1512 года Мирзо Бабуром была предпринята четвертая попытка захвата Самарканда [8]. После долгой ожесточённой борьбы и ряда военных неудач в течении двух с лишним лет Бабур укрывался в окрестностях Ура-тюбе (Истаравшан) и труднотупных ущельях Верхнего Зеравшана.

Мирзо Бабур оставил ценное литературное и научное наследие. Он являлся прекрасным поэтом, литератором, ученым, мемуаристом. Его перу принадлежат знаменитая книга «Бабурнаме», содержательные трактаты по музыке, рифме, просодии, военному искусству [3,3]. Среди научного наследия Бабура особое значение имеет его трактат о просодии – «Трактат об арузе». Бабур был искусным знатоком таджикско-персидской и узбекской классической литературы и обогатил теорию просодии своими новыми взглядами, положениями и обобщениями [3,3].

«Бабурнаме» («Записки Бабура») является оригинальным и уникальным примером жанра мемуаристики. Книга состоит из трех частей. В первой части Бабур дает ценные сведения о родословии своих предков – династии Темуридов, о событиях, которые происходили в Маверауннахре. Вторая часть мемуаров Бабура посвящена событиям Афганистана (Кабула), в третьей части книги речь идет о хрониках, которые происходили в Индии [4,6].

Описывая свою борьбу против Шейбанихана в своих мемуарах Бабур сообщает: «По весне пришла весть: «Шейбанихан идет на Ура-Тепу» так как Дихкет лежит в равнине то, мы перешли через перевал Аб-и Бурдан в горную область Масча. Самое нижнее селение в Масче- Аб-и Бурдан. Ниже Аб-и Бурдана есть источник, у источника стоит мазар. Местность выше источника относится к Масче, местность ниже принадлежит к Палгару. У начала этого источника, на прибрежном камне, я вырезал такие три стиха, которых сам сочинил: [2, 115].

Шунидам, ки Чамшеди фаррухсириит,

Ба сарчаиша бар ба санге навиит.

“Барин чаиша чун мо баса дам заданд,

Бирифтанд, то чаиш бархам заданд.

Гирифтем олам ба мардиву зӯр,

Валекин набурдем бо худ ба зӯр”.

Ҳарраҳу Бобур, 917

В переводе эти стихи выглядеть так:

Слышал я, что Джамшид, блаженный по природе,

Написал на камне у начала источника:

“У этого источника многие, как мы, одышали,

И ушли, чтобы (навек) смежить свои очи,

Захвалили мы мир мужеством и силой,

Но не унесли (его) с собой в могилу”.

Написал Бабур, 917 [7, 85]. Это двустишие отражают очень точное тогдашнее положение и настроение самого Мирзо Бабура. Когда-то сильный, бесстрашный и гордый властелин, один из влиятельных повелителей империи Темуридов и претендентов трона Темура - Мирзо Бабур по воле судьбы был вынужден скитаться и искать убежище в труднодоступных горах и ущельях горной Матчы от преследования своих врагов.

После четвертой неудачной попытки захвата темуридского престола в Самарканде, Мирзо Бабур навсегда оставив Мавераннахр убежал в Кабул [10]. Позже он начал поход против Индии, разгромив правителя (султана) Дели Ибрагима Луди, Бабур захватил Северную Индию и обосновал там империю Великих моголов (империя Темуридов Индии), которая просуществовала 332 года (1526-1858 гг.).

Уникальная надпись на камне, вырезанная самим Мирзо Бабуром была найдена 1953 году известным таджикским историком, крупным знатоком восточных рукописей, признанным специалистом истории средневековой Центральной Азии, основателем таджикской научной школы эпиграфики, дипломатики, академиком Национальной академии наук Таджикистана Ахромом Мухтаровым.

Ахром Мухтаров – ученик известного востоковеда, великолепного знатока и ценителя рукописных книг, академика Академии наук Таджикистана и Узбекистана А.А. Семенова писал диссертацию по истории Ура-тюбинского владения во второй половине XIX века. Наряду с другими источниками по средневековой истории Ура - тюбе он ознакомился с мемуарами Мирзо Бабура. Нужно отметить, что многие ученые – историки, филологи, географы и другие читали и использовали воспоминания Бабура как уникального источника, но никто не обращал внимание на это сообщение - вырезки стихов на камне.

Академик А. Мухтаров об этом пишет: «Заинтересовавшись этим сообщением Бабура, весной 1953 года мы направились в кишлак Оббурдон. У родника под названием «Озухак», расположенного примерно в 500 метр к юго-западу от Оббурдонского мазара (знаменитая колона, которого относится к IX-X вв. и хранится в Ташкентском музей искусств), по левую сторону от дороги, идущей из Фалгара в Матчу, лежал камень, на котором была вырезана надпись» [7, 85-86].

Надпись на камне вырезанная Бабуром является единственным автографом т.е. написанным его почерком. «Каменная книга» Бабура имеет округлую форму, вес более 50 кг, размер: высота 51 см, длина 45 см, толщина 16 см. На одной стороне этого камня, отшлифованного в результате воздействия природных сил (ветры, дожди, колебания температуры) вырезаны разными авторами еще семь надписей, шест из которых датированы. Две из них вырезаны ранее надписи Бабура в 856 г.х. (1452 г.) и 913 г.х. (1507-1508 гг.). Вероятно, поэтому Бабур провел кривую линию на камне и тем самым отделил свою надпись от остальных [7, 86].



«Каменная книга» Бабура

Камень с надписями был доставлен из Матчи в Ура-тюбе, затем в город Душанбе. Это было действительно уникальным открытием тогда еще молодого ученого А. Мухтарова. Когда надпись увидел научный руководитель А. Мухтарова профессор А.А. Семенов, по привычке выкручивая свои красивые (как буденовские) усы с радостью поздравил своего ученика с удачной и оригинальной находкой и сказал: «Этот камень (надпись) может украшать самых знаменитых музеев мира. Помню когда-то англичане объявили конкурс для находки надпись Бабура и обещали большую сумму. К счастью её нашли мы- таджикские ученые» [12]. Профессор А.А. Семенов предлагал своему ученику заниматься эпиграфическими памятниками. Действительно надпись Бабура сыграла решающую роль в научной судьбе А. Мухтарова, и он вплотную занялся сбором и исследованием эпиграфических памятников. Эпиграфика стала новым направлением для А. Мухтарова, и он стал первооткрывателем многих уникальных находок, признанным специалистом в этой области, основателем таджикской научной школы эпиграфики. В результате было собрано более 1000 надписей на придорожных камнях, скалах и эпитафии. На основе этих материалов А. Мухтаров 1971 году защитил докторскую диссертацию на тему «Эпиграфические памятники XI-XIX вв. из Кухистана – как источник по истории народов Средней Азии».

Итоги длительных научных изысканий археографического отряда Института истории, археологии и этнографии имени А. Дониша НАН Таджикистан под руководством А. Мухтарова обобщены в капитальной монографии ученого «Эпиграфические памятники Кухистана. (XI-XIX)» в двух книгах. [7; 8].

Надпись Бабура принесла его открывателю А. Мухтарову признанную научную славу. На XXV Международном конгрессе востоковедов, проходивший 1960 году в Москве А. Мухтаров выступил с научным докладом «Надписи с именем Бабура в верховьях Зеравшана» и камень с надписью был установлен в выставочном зале Московского государственного университета имени М.В. Ломоносова, где проходил конгресс. В 1985 году надпись Бабура была выставлена в выставочном зале Государственного Эрмитажа в Санкт-Петербурге [9, 50-51]. В настоящее время надпись Бабура хранится в Музее древностей Таджикистана в г. Душанбе.

Нужно отметить, что все три бейта или двустушия, вырезанные на камне принадлежать не самому Бабуру, а великому поэту таджикско-персидской классической литературы Шейх Муслихиддину Саади Шерази (1200-1292 гг.). Текст «Бабурнаме» показывает, что Бабур не сочинил эти стихи, а только вырезал известные ему стихи великого поэта Востока Саади из

его книги «Бустон» на камне [11, 21]. Однако в русском переводе «Бабурнаме» изданном 1948 и 1958 гг., авторство этих стихов приписано самому Бабуру. Автор перевода М. Салье в тексте от имени Бабура добавляет слова «сам сочинил», а на самом деле в «Бабурнаме» нет такого слова.

Часть этих известных стихов из знаменитого «Гулистана» Саади была использована также основоположником русской классической литературы А.С. Пушкиным (1799-1837 гг.), в эпитафии к поэме «Бахчисарайскому фонтане» (1823) и в последней главе романа «Евгений Онегин» (1824 г.).

Многие, также, как и я,
посещали сей фонтан,
Но и них уж нет,
другие странствуют далече,
Я строфы первые читал...
и них уж нет, а те далече,
Как Саади некогда сказал.

Здесь А.С. Пушкин в своих произведениях использовал стихи Саади не в дословном, а смысловом переводе [7, 87].

Археографический отряд под руководством А. Мухтарова находил еще несколько надписей на камне на территории кишлаков Оббурдана, Вешаб и Шамтича. По хронологии, подписи и почерка возможно они тоже принадлежать Мирзо Бабуру, считает А. Мухтаров. Мирзо Бабур находился в этих местах не однажды, а дважды 907 хиджри (1501-1502 гг.) и 917 хиджри (1511-1512 гг.) О втором поезде Бабура свидетельствует выше приведенная надпись и дата (917 г.х.- 1511-1512 гг.).

Академик А. Мухтаров отмечает, что Бабур при датировки оставленного им надписа у мазара кишлака Оббурдон в своих мемуарах допустил ошибку. Надпись на камне была вырезана не 907 г.х. (1501-1502 гг.), а 917 г.х. (1511-1512 гг.), после третьей неудачной попытки Бабура овладеть Самаркандом, когда он через верховья Зеравшана ушёл в Гиссар. Причины ошибки Бабура возможно заключается в том, что – считает А. Мухтаров, - свои воспоминание он писал позже в Индии, после того как Бабур навсегда оставил Мавереннахр и перебрался в эту страну. Бабур не вел дневник и поэтому не смог определить точную дату всех переживших им событий [9, 50].

Автор «Дневника Искандаркульской экспедиции» («Рӯзномаи сафари Искандаркӯл») Абдурахман Мустажир сообщает о нескольких надписях на камнях и скалах, связанных с именем Бабура, которые были вырезаны на территории между Матчи и Фалгаром (современный Айнийский р-н Таджикистана) [1].

Известно, что начальник Зеравшанского округа генерал-майор А.К. Абрамов с целью включения Кухистан в состав Российской империи в 1870 году организовал военную экспедицию. Для скрытия основной цели экспедиции в её состав были выключены ученые разных профессий, и она была объявлена научной. В состав экспедиции входили: востоковед А.Л. Кун (руководитель научной экспедиции), ученый-естествовед А.П. Федченко, А.Д. Гребенкин, знающий таджикский язык и арабскую графику, инженер-геолог Д.К. Мишенков, топограф А.М. Скасси. Все участвовавшие исследователи оставили ценные заметки, статьи и научные труды об этой экспедиции.

Автор «Дневника» Мирзо Мулло Абдурахман ибн Мухаммад Латиф, судя об его псевдониму «Мустаджир» (точир-торговец) принадлежал к самаркандскому торговому сословию, возможно совершил поездку в российские города и имел торговые, деловые и

дружеские отношения с русскими и поэтому в состав Искандаркульской экспедиции он был исключен в качестве путевода и переводчика. Дневник написан на таджикском (самаркандском диалекте) языке и в нем отражены путь экспедиции и все события, связанные с ней с 25 апреля по 29 июня 1870 года [1, 8]. Записки Абдурахман Мустажир являются ценными сведениями об истории, этнографии, культуры, географии, природы, климата Кухистана (верховья Зеравшана).

Абдурахман Мустажир сообщает о надписе вырезанной на одной скале между кишлаками Вешаб и Шамтич:

Фи айёми салтанати Бобурхон халладаха Оллох мулка

Сана 907

Перевод:

В дни правления Бабур-хана, да увековечить Аллах его царствование.

Год 907

Другая надпись о котором сообщает автор «Дневника» вырезана на камне в одном из кладбищ кишлака Шамтич:

Кофаро, мардумшикоро, як замон оҳистатар,

К-оҳуи бечораро бо тири пайкон кор нест.

Катибаи мирам Бобурхон халлада мулка султонух.

Перевод:

О, неверный, охотящийся за людьми, (будь) на время осторожным,

Ведь бедной дикой козле нет дела до острия стрела.

Написан это мой Мир Бабур-хан, да увековечить Аллах его царствования и власти [7, 88].

Первооткрыватель надписи Бабура в кишлаке Оббурдон академик А. Мухтаров пишет, что во время экспедиции археографического отряда в 1954 году первую надпись Бабура, о котором сообщает Абдурахман Мустажир обнаружить не удалось. Но на одном из кладбищ расположенном на западной окраине кишлака Шамтич, на берегу Зеравшана на огромном песчанике отряд обнаружил надпись Бабура, которое имеют некоторое существенное отличия с текстом, приведенным автором «Дневника Искандаркульской экспедиции». На красном песчанике вырезана надпись:

Фи айёми салтанат Бобур халада Оллах мулк.

Перевод:

В дни правления Бабурхана, да увековечить (Аллах) его царствования.

Несколько ниже этой надписи тем же почерком вырезана двустигшие известного таджикского-персидского классического поэта Хафиза Шерази:

Кофаро, мардумшикоро, як замон оҳистатар,

К-оҳуи бечораро бо тири туркон тоб нест.

Камина мирам сана 907.

О, неверный, охотящийся за людьми, (будь) на время осторожным,

Так как джейрану нет терпения до стрелы (выпущенной) турками.

Кроме вышеназванных были обнаружены еще три надписи, связанные с именем Бабура. На скале между кишлаками Вешаб и Шамтич вырезаны следующие двустигшие Хофиза Шерази:

Дило маош чунон кун, ки гар билағжад пой,

Фариштаат ба ду дасти дуо нигоҳ дорад.

Рақам ал-фақир мирам сана 907.

Перевод:

О сердце, живи так, что если бы поскользнулась (твоя) нога,
Твой ангел (хранитель), мог бы сохранить (тебя) двумя (своими) благословит нами
руками.

Начертания бедного мирам, дата 907 г.х. [5, 90].

На другой надписи вырезаны следующие бейти (стихи):

Ба ҳеч ёр мадеҳ хотиру ба ҳеч диёр,
Ки бару баҳр фароғ асту одами бисёр.
Гарат ҳазор бадеъ-ул-замон пеш ояд,
Бубину бигзару хотир ба ҳеч кас магзор.

Катабаху мирам 907.

Перевод:

Не привязывайся ни к кому другу и ни к какой стране,
Ибо суша и море просторных, а человечество многочисленно.
И если тысячи красавиц придут к тебе,
Ты посмотри (на все это) и проходи, но сердце никому не отдавай.

Написал мой Мир, 907 [5, 90-91].

В 1965 году археографическим отрядом Института истории, археологии и этнографии имени А. Дониша АН Таджикистана между кишлаками Вешаб и Шамтич на большом частичном разбитом придорожном камне была вырезана следующая надпись:

Дареғи умр, ки бе рӯи дӯстон гузарад,
Хуш даме, ки бо ёрони меҳрубон гузарад.

Ал-фақир мирам, сана 907.

Перевод:

Жаль жизни, которая прошла без встречи с друзьями,
Отраднa минута, которая проходит вместе с добрыми друзьями.

Бедный Мирам, год 907 хиджри [7,92].

Таким образом, надписи Бабура на придорожных камнях, скалах являются уникальными источниками, добавлением к его воспоминаниям, они уточняют некоторые события, не отраженные в “Бабурнаме”.

“Каменные книги” Бабура не только обогащают его ценное наследие, но и проливают свет на некоторые неизвестные страницы жизни этой исторической личности и свидетельствуют о том, что даже в трудные и тревожные моменты жизни он владел собою, не смотря на превратности судьбы не терял себя, верил в себя, остался мудрым государственным деятелем, бестрашным воином, талантливым полководцем, человеком высокой культуры, верным науке, литературе, поэзии, изящного искусстве. Иначе бы Бабур хотя потерял власти и трон своих предков в Мавераннахре, не смог бы одержать очередную победу, вновь подняться на высоту политической власти и создать великую империю Темуридов Индии, которая сыграла и занимала достойное место в истории, культуры и цивилизации не только Востока, но и во всем мире.

Литература:

1. Абдурахмон Мустачир. Рӯзномаи сафари Искандаркӯл.- Душанбе: Ирфон, 1989.- с. 176 с.

2. Бабур-наме (Записки Бабура).- Ташкент: Изд-во Академии наук Узбекской ССР, 1958.- 530 с.
3. Бабур. Избранное. Кн.1. Лирика. Трактат об арузе.- Ташкент: Изд-во ЦК Компартии Узбекистана, 1982.- 112 с.
4. Бабур. Кн.2. Бабур-наме. (Записки Бабура).- Ташкент: Изд-во ЦК Компартии Узбекистана, 1982.- 256 с.
4. Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Урта ёшдаги мактаб болалар учун.- Тошкент: Юлдузча, 1990.- 368 б.
5. Мухтаров А. Надписи с именем Бабура в верховье Зеравшана. - М.: Изд-во вост. лит., 1960. - 10 с.
6. Мухтаров А. Эпиграфические памятники Кухистана (XI-XIX вв.). Кн. 1. - Душанбе: Дониш, 1978. - 306 с.
7. Мухтаров А. Эпиграфические памятники Кухистана (XI-XIX вв.). Кн. 2. - Душанбе: Дониш, 1979. - 150 с.
8. Мухторов А. Санг хам диле дорад.- Душанбе: Ирфон, 1986.- 112 с.
9. Мухтаров А. Была ли четверная попытка захвата Самарканда Бабуром?// Извест. АН Тадж. ССР. Сер.: Востоковедения, история, филология. - 1990. - № 3. - С. 23-27.
10. Саъдии Шерозӣ. Бӯстон.- Душанбе: Маориф, 1988.- 160 с.
11. Қосимов Н., Шарифов Ш. Фидоии роҳи илм. Дар ҳошияи захматҳои донишманди шинохта, академик Аҳрор Мухторов, ки имсол ба синни мубораки 70 қадам ниҳоданд// Чумхурият.- 1994.- 26 окт.
12. Шарифов Ш. Саади, Бабур и Пушкин// Ленинабадская правда.- 1999.- 17 апр.

БОБУР ЛИРИКАСИДАГИ АНТОНОМАЗИЯЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Саидов Ё.С.

Бухоро давлат университети профессори, филология фанлари доктори

Салимова Д.Ф.

Бухоро давлат университети магистранти

Амир Темурга бешинчи авлод Захириддин Мухаммад ибн Умаршайх Мирзо – Бобур (1483-1530), биринчидан, давлат арбоби, мохир саркарда, бобурийлар сулоласи асосчиси сифатида жаҳон тарихида ўзига хос ўринга эга бўлса, иккинчидан, нафақат туркий, балки жаҳон халқларининг маънавияти ва адабиёти тараққиётига ҳам катта таъсир этган буюк мутафаккирдир. Унинг лирик мероси ўз даврида, яъни 1519 йилда “Қобул девони”га, шунингдек, 1528-29 йилларда “Ҳинд девони”га жамланган. Шоир ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, фард, маснавий каби жанрларда асарлар яратган. Шеърларининг мавзуси ошиқона, таълимий, тасаввуфий, ҳасби ҳол каби турлардан ташкил топган. У ўзининг ноёб истеъдоди билан ўзбек мумтоз шеъриятини юксак даражага олиб чиқди. Бобуршунос И.В.Стеблева бу хусусда қуйидагиларни ёзади: “Бобурнинг шоирлик маҳорати Ўрта Осиё мумтоз шеъриятининг тараққиёт йўлидаги юксак бир чўккидир” [4, 6]. Адиб ва олим Пиримкул Қодиров эса Бобур ижодини мумтоз адабиётимиз тараққиёти йўлидаги янги юксакликка олиб чиққан хусусият сифатида шундай фикрни айтади: “Бобур Мирзо Алишер Навоий даҳоси билан мумтозлик даражасига кўтарилган адабиётимиз ва адабий тилимизнинг бой тажрибасини астойидил ўзлаштирди ва ўз ижодига самарали татбиқ этди” [6, 205].

Бобур лирик асарларида анъанавий тарзда қўлланишда бўлган кўчимлар – метафора, ўхшатиш кабилардан маҳорат билан фойдаланиб, улар воситасида шеъриятини турли бадиий санъатлар билан бойитди. Шундай бадиий санъатлардан бири талмихдир. Аёнки, мазкур

санъат Европа тилшунослигида антономазия термини билан аталади. У бадий асар ёки нутқда машхур тарихий воқеа ва шахслар, афсоналар, адабий асарлар ёки мақолларга ишора қилиш усулидир. Антропоцентрик парадигма йўналишидаги тадқиқотларда эса ушбу тушунча аллюзия ёки прецедент номлар терминлари билан юритилмоқда. “Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати”да аллюзия ва прецедент номларга қуйидагича тавсиф берилган: 1) “Аллюзия (лот. ишора, ҳазил) муайян тил бирлиги воситасида бирор адабий ёки ижтимоий-тарихий фактга ишора қилишдан иборат услубий фигурадир. Лингвокультурологияда аллюзия икки маданий-семиотик майдоннинг ўзаро муносабати нуктаи назаридан ўрганилади” [5, 20]; 2) “Прецедент номлар машхур матнлар ёки вазиятлар билан боғлиқ бўлган номлар, шунингдек, муайян сифатларнинг намунавий йиғиндисига ишора қилувчи рамзий номлардир. Масалан, Алпомиш, Мажнун, Суқрот, Ҳотам, Напалеон, Рим, Самарқанд, Ғирот, Колумбия” [5, 35]. Ўзбек тилшунослигида талмих бадий санъатига асос бўлувчи бирликлар лингвопоэтика ва антропоцентрик йўналишларда ономастик бирлик, ономастик метафора, прецедент ном, аллюзив ном ва “сўзловчи” номлар каби атамалар остида ўрганилиб келинмоқда [1, 11].

Англашиладики, мазкур терминлар изоҳида баъзи айирмалар бўлса-да, мазмун-моҳиятида умумий бир хиллик мавжуд. Уларнинг барчасида ягона устувор фикр мужассамлашган, яъни асар ёки нутқда машхур тарихий воқеа ва шахслар, афсоналар, адабий асарлар ёки мақолларга ишора қилиш мазмуни сингдирилган. Илмий манбаларда қайд этилишича, талмих бошқа бадий санъатлар, чунончи, ташбих, тамсил, ирсол ул-масал, лафф ва нашр кабилар билан бирга ўхшатиш асосидаги санъатлар туркумига киради. У шеърда оз сўз билан кўп маънони ифодалаш санъати бўлиб, унда маълум, машхур адабий ва тарихий асарларга мурожаат этилади. Талмих хусусида Атоулоҳ Ҳусайний, Ё.Исҳоқов, Т.Бобоев, А.Ҳожиаҳмедов каби олимларнинг тадқиқотларида, шунингдек, адабиётшунослик терминлари луғатларида, адабиёт назариясига оид бир қатор қўлланмаларда маълумот ва тавсифлар мавжуд [қар.: 7, 3, 2, 8].

Талмих шундай бадий санъатки, унда айтиш лозим бўлган фикр бошидан охиригача тўлиқ айтилмайди, воқеа-ҳодиса, ҳолат батафсил тасвирланмайди, ўша фикр ёки воқеа-ҳодисага мос келадиган бошқа бирор бадий ёки тарихий фактга ишора қилиш орқали катта натижага эришиш, бир сўз билан кўп тушунча ифодалаш имкони юзага келади. Талмих санъатининг асосий шартларидан бири шундаки, унда ишора қилинаётган тарихий ёки бадий фактнинг машхур, яъни кўпчиликка маълум бўлиши керак. Ҳозирги давр нуктаи назаридан Бобур қўллаган талмихларнинг аксариятини ўқиганда ёки эшитгандаёқ фахмлаш, қайси фактга ишора, мурожаат этилётганини тезда англаш мумкин. Унинг лирик асарларида қўлланган антономазияларнинг асосий қисмини бадий асарлардаги образ, пайғамбар ва тарихий шахслар номи ташкил этади. Шунга кўра уларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1) Бадий асарлардаги образлар таъсирида шакллантирилган талмихлар. Бобур лирикасида бундай хусусиятли антономазиялардан Лайли, Мажнун, Фарҳод, Ширин кабиларни мисол сифатида айтиб ўтиш мумкин. Масалан:

Қани Ширин била Лайлики сендин ноз ўрганса,
Қани Фарҳоду Мажнунким, аларға ишқ ўргатсам.

Англашиладики, мазкур байтда Ширин, Лайли, Фарҳод, Мажнун талмихлари қўлланилган бўлиб, шоир бу билан бадий адабиётда машхур ва маълум образларга ишора қилади. Аёнки, “Лайли ва Мажнун” “Фарҳод ва Ширин” мавзусида Шарқ халқлари адабиётида кўплаб қиссалар яратилган. Айниқса, “Лайли ва Мажнун” мавзусидаги қиссалар ўзининг қадимийлиги ва кўплиги билан алоҳида ажралиб туради. Мазкур ишқий қиссанинг

келиб чиқиш манбаи қадимги араблар ҳаёти билан боғлиқ воқеаларга бориб тақалиши илмий-тарихий манбаларда келтириб ўтилган. Шундай манбалардан бири Ибн Қутайбанинг “Китобу-ш-шеър ва-ш-шуаро” асаридир. Унда келтирилишича, Мажнун тарихий шахс бўлиб, Шимолий Арабистондаги Бани Омир қабиласига мансуб бўлган. У ўз қабиладоши Лайли исмли қизни севиб қолади ва унга бағишлаб шеърлар тўқийди. Мажнуннинг шеърлари мазмунли ва таъсирли бўлганлиги боис унинг шеърлари қабиладошлари орасида кенг тарқалган ҳамда ёд олинган.

Бироқ айрим тадқиқотчилар Мажнуннинг тарихий шахс эмаслигини айтишади, унинг номи мажозий маънода қўлланган, Мажнунга нисбат берилган шеърлар эса амакисининг кизини севиб қолган умавий бир йигитнинг шеърларидир, у шеърларида Мажнун тахаллусини қўллаган, деб уқтирадилар. Мажнуннинг тарихий шахс ёки тарихий шахс эмаслиги масаласи ҳозирга қадар баҳсли масалалардан бири бўлиб турибди. Аниқлангани шуки, VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб араб шеърлятида Мажнун тахаллуси билан ишқий мавзудаги шеърлар пайдо бўлган. Форс адабиётининг буюк намояндаси Низомий Ганжавий мазкур қиссани илк бор дoston тарзида яратди. Ундан кейин Амир Хусрав Деҳлавий, Ашраф Мароғий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий каби шоирлар мазкур дostonга жавоб ёздилар. Бобур юқоридаги байтида мазкур ижодкорларнинг асарларидаги машҳур образларнинг илоҳий, беғубор ва самимий севгисига ишора этган;

2) пайғамбарлар номи асосида юзага келган талмиҳлар. Бундай талмиҳларга диний-афсонавий, мифологик қаҳрамонлар номи асос бўлиб хизмат қилади. Тилшуносликда бундай номлар *агионим* (юн. *муқаддас, илоҳий ном*)лар деб юритилади ва унда муқаддас деб билинадиган объект номлари ўрганилади. Бундай хусусиятли антономазиялардан Бобур асарларида *Хизр, Айюб* каби пайғамбарлар номи қўлланилган. Масалан:

Хати лабиға туташ бўлса, эй кўнгул, не ажаб,
Ки Хизр чашмайи ҳайвонға раҳнамоедур.

Байтда қўлланилган Хизр пайғамбарнинг номи талмиҳ бўлиб, у араб тилида *ям-яшил* луғавий маънони англатади. Хизр пайғамбарнинг каромати шундайки, у қуриб, сарғайиб қолган ўт-ўланларнинг устига ўтирганида улар ям-яшил тусга кирган, қаерда намоз ўқиса, унинг атрофи ям-яшил бўлиб қолган. Шунга кўра ушбу пайғамбар Хизр деб аталган. Мазкур байтда шоир *Хизр* пайғамбар номи билан *чашмайи ҳайвон* бирикмасини ҳам қўллайдики, бу Хизр пайғамбар номининг мажозий маъносини яна ҳам ёрқинроқ ифодалашда муҳим омил бўлган. Маълумки, *чашмайи ҳайвон* бирикмаси *тириклик булоғи* луғавий маъносини билдиради;

3) тарихий шахслар номи асосида яратилган талмиҳлар. Бу каби талмиҳларга *Абдуссамади Тархон, Носир шахзода, Хондамир* кабиларни мисол сифатида қайд этиш мумкин. Бундай антономазиялар реал, яъни ҳаётий шахслар номидан иборат бўлади. Масалан:

Шайху мулло Шихобу Хондамир,
Келинг уч-уч, ики-ики, бир-бир.

Бобур шеърда келтирилган Хондамир (1473-1534) машҳур тарихчи бўлиб, отаси теурийлардан Султон Махмуд мирзонинг вазири бўлган. Хондамир ўн ёшида Алишер Навоийнинг кутубхонасида кутубхоначи, сўнг мудир вазифасида фаолият юритган. Кейинчалик Бобур ҳузурига хизматга борган. Унинг вафотидан сўнг Хондамир Хумоюн билан ҳарбий юришларда иштирок этган. Унга бағишлаб “Хумоюннома” асарини ёзган. Бобур мазкур байтида ана шу машҳур тарихчига ишора этган. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, Бобур томонидан қўлланилган айрим тарихий шахсларнинг номи ҳозирги ўзбек китобхони

учун нисбатан маълум эмас (масалан, *Носир шаҳзода*). Бундан ташқари, уларнинг баъзилари талмиҳ санъатини воқелантириш учун ҳам қўлланилган эмас, мажозий маъно ифодаламайди. Бундай номлар шоир лирик асарлари тилида нисбатан оз учрайди.

Жаҳон адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Бобур лирик асарларида антономазиялар алоҳида тизим сифатида шаклланиган бўлиб, улар асар қаҳрамонларининг маънавий ва жисмоний хусусиятларини аниқ, ёрқин ва таъсирли ифодалашда шоир учун муҳим кўчим турларидан бири бўлиб хизмат қилган. Шоир поэтик асарларидаги антономазиялар, асосан, от сўз туркумидаги сўзлар асосида шакллантирилган. Уларнинг кўпчилиги араб тилидан ўзлашган атоқли отлардир. Адиб асарларида қўлланган жуда кўплаб антономазиялар ҳозирги ўзбек бадиий адабиётида анъанавий тарзда ҳозир ҳам фаол қўлланишда давом этмоқда. Уларнинг лингвистик моҳиятини очиб бериш, илмий-назарий тавсифини бериш, изоҳлаш, лингвопоэтик ва услубий хусусиятларини тадқиқ этиш ўзбек тилшунослиги учун ҳамиша долзарб масалалардан бири бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Анданиёзова Д. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: филол. фан. б. фалс. док. дисс. автор. –Т.: 2017. -27 б.
2. Бобоев Т. Шеър илми таълими. Т.: Ўқитувчи, 1996. -142 б.
3. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. -Т.: Зарқалам, 2006. -125 б.
4. Стеблева В.В. Бобур ғазаллари семантикаси. –М.: 1962.
5. Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Т.: Турон замин зиё, 2015. -40 б.
6. Қодиров П. Тил ва эл. –Т.: Маънавият, 2010. -294 б.
7. Ҳусайний. А. Бадойиъ-ус-санойиъ. -Т.: Ғ. Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. - 400 б.
8. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. -Т.: Шарқ, 1998. -128 б.

ЎЗБЕКИСТОНДА БОБУРШУНОСЛИК СОҲАСИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

Маҳмудов И.А.

Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти бошлиғи ўринбосари,

Ўзбекистонда ижодкор зиёлиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида ташкил этилган Адиблар хиёбонидаги 20 дан зиёд атоқли шоир ва адибларларнинг ҳайкалларида иборат меъморий ансамблда қад кўтарган Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосининг эътирофи асарлар давомида абадиятга дахлдор бўлиб келмоқда.

Ўзбекистонда бобуршунослик соҳасидаги тадқиқотлар Абдурауф Фитрат томонидан бошлаб берилган дейиш мумкин.

Ўзбекистонда бобуршуносликка дастлабки йирик қадам XX аср ўрталарида “Бобурнома”нинг оммавий адаб билан нашр этилиши билан қўйилди. С.Азимжонованинг “К истории Ферганы второй половины XV века” номли йирик тадқиқоти эълон қилинди. Асарнинг “Умаршайх ҳукмронлиги” деб аталган биринчи бобида Хожа Аҳрорнинг Султон

Абусаидга тахтни эгаллашда мадад бергани, Султон Абусаиднинг Юнусхонга Мўғулистон тахтини олишда ёрдамлашгани, Юнусхоннинг нуфузли амирларидан Шерҳожибекнинг қизи эсандавлат Бегимга уйланиши, уларнинг қизи Қутлуғнигор Хонимга Умаршайхнинг уйлантирилиши, бу никоҳдан Бобурнинг туғилиши, Юнусхон ўғиллари билан Султон Абусаид ўғиллари, яъни мўғул хонлари билан темурийзодаларнинг ўзаро келишув, низо ва тўқнашувлари, Бобурнинг темурийлар давлатини тиклаш учун кураши, ўша даврдаги мафкуравий тазйиқларга қарамай, анча илмий холислик билан ёритилди.

Шарқшунос Шорасул Зуннун томонидан усмонли туркчадан ўзбекчага таржима қилинган Туркия адмиралли Сейди Али Раиснинг “Миръотул-мамолик” (“Мамлакатлар кўзгуси”) асари бобуршунослик учун алоҳида аҳамиятга молик. Сабаби унда Бобур вафотидан сўнг Ҳумоюн ҳукмдорлиги даврида бўлган муҳим тарихий воқеалар уларнинг бевосита шохиди томонидан ёритилган. Таржимага муҳаррирлик қилган ва сўз боши ёзган С.Азимжонованинг таъкидлашича, асар муаллифи Туркия, Яқин Шарқ, эрон, Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистондаги сиёсий вазиятни яхши билган, денгиз ва қуруқликдаги жангларда қатнашган, Султон Сулаймон томонидан Ҳумоюн ҳузурига элчи қилиб юборилган, Ҳиндистоннинг Португалия истилочиларига қарши курашида ҳарбий ва дипломатик вазифаларни бажарган.

С.Азимжонова Гулбадан Бегимнинг “Ҳумоюннома” асарини форсчадан ўзбек тилига ўгириб, муфассал сўз боши билан нашр этиши ҳам Ўзбекистонда бобуршуносликка қўшилган муҳим ҳисса бўлди. Таржимон сўз бошида Бобур вафотидан сўнг ўғиллари Комрон, Аскарӣ ва Ҳиндолнинг ўзига берилган вилоятларга қаноат қилмай, тахт вориси Ҳумоюндан марказий ҳокимиятни тортиб олишга уринишлари, уларнинг Бадахшон, Балх, Кобулга қилган ҳужумларининг даф этилиши ва бошқа воқеаларга баҳо берилган.

Ҳиндистон Бош вазири Жавоҳарлаъл Неру Ўзбекистонга ташрифида сўзлаган нутқида, “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” китобида, 1968 йилда Ўзбекистонга раҳбарлик қилган Н.А.Муҳиддиновнинг “Тулистон” журналида эълон қилинган мақолада Бобурнинг тарихда тутган ўрни эътироф этилиши ва унинг шахсига юксак баҳо берилиши Ўзбекистонда бобуршуносликни бирмунча жонлантирди.

“Ўзбек адабиёти намуналари”, “Навоий замондошлари” тўпламлари, “Ўзбек поэзиясининг антологияси”да Бобур шеърлари ва унинг ижоди ҳақида айрим фикрлар босилди.

1958-1959 йилларда “Фан” ва “Ўздавнашр” нашриётларида Бобурнинг “Танланган асарлар”и чоп этилди.

1960 йилда “Бобурнома” айрим тузатишлар билан В.Зоҳидов сўз боши асосида қайта нашр этилди. В.Зоҳидов Ўзбекистонда Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишга йўлни кенгайтиришга муваффақ бўлди. Унинг “Бобур ҳақида теран тадқиқот” мақоласи Москвада нашр этилди ҳамда “Огни истории” китобида эълон қилинди. Шу даврда М.Сале таржимасида “Бобурнома” рус тилида босилиб чиқди. Шундан кейин М.Салъе таржимаси бир неча марта қайта нашр этилди.

С.Азимжонова Ҳиндистон миллий музейида сақланаётган, Бобур дастхатида битилган, сарлавҳалари олтин суви билан зийнатланган 38 саҳифали “Девон”нинг фотонусхасини тадқиқ этиб, 1966 йилда “Индийский диван Бабура” китобини нашр этди. Нашрда ғазалларда қайси тарихий воқеалар акс этгани шарҳланган. Адабиётшунос олим Ҳ.Сулаймонов ташаббуси билан 1970 йилда “Фан” нашриётида Акбар даврида Абдурахимхон форсчага таржима қилган “Бобурнома” қўлёзмасига ишланган миниатюралар босилиб чиқди. С.Азимжонова 1977 йилда Москвада, “Наука” нашриётида “Государство Бабура в Кабуле и в

Инди” китобини нашр этди. 1981–1983 йилларда Бобур таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда бобуршунослик янги, юқори босқичга кўтарилди.

1982 йилда А.Қаюмов ва С.Ҳасанов “Шарқ классиклари меросидан” туркумида “Бобур шеърляти” китобини нашр этишди. С.Ҳасанов сўз бошисида Бобур шеърлятининг бадий хусусиятлари таҳлил этилган. Бобурнинг замондоши, шоир Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асари нашр этилди.

Ўша вақтларда Амир Темур, Бобур, Шайбонийхон ва умуман феодал давлат арбоблари ҳақида ёзилган асарларни тадқиқ этиш ва босиб чиқариш қаттиқ назорат қилинган боис, бу нашрга Ойбек, Ғафур Ғулом, В.Зоҳидов, Ҳоди Зариф, Ғ.Каримов, Ҳ.Сулаймонов, П.Шамсиев, А.Қаюмов каби нуфузли фан ва маданият арбобларидан иборат хайъат тузилган эди.

Ҳиндшунос олим И.Низомиддиновнинг “Маданий ҳамкорли-гимиз тарихидан” рисоласида XVII асрда Ҳиндистон фан ва маданияти тараққиётига Ўрта Осиё олимлари ва шоирларининг қўшган ҳиссаси Беруний, Авфий, Саъдий, Хусрав Дехлавий, Бобур ва унинг авлодлари ижодий мероси ҳақида муҳим манбалар тадқиқ этилди. Услуг ва тарихий даврни бутун мураккаблиги билан ёритилиши жиҳатидан “Бобурнома”га тақлидан ёзилган Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асари А.Ўринбоев, Р.Жалилова, Л.Епифанова таржимасида рус тилида нашр этилди.

1982 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий жамоаси (С.Азимжонова, М.Хайруллаев ва бошқалар) тайёрлаган Бобур асарларининг 2 жилдлиги ўзбек ва рус тилларида босиб чиқарилди.

Ҳ.Ҳасанов “Сайёҳ олимлар” китобида Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Зайд Балхий, Маҳмуд Кошғарий, Ёқут Хамавий, Авфий каби географ ва тарихчилар қаторида Бобур, Муҳаммад Ҳайдар Мирзо ва Гулбадан Бегимга алоҳида ўрин ажратган.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган, бошқа кўплаб тарихий арбоблар қаторида Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишга ҳам кенг йўл очилди. Ҳозирга қадар тўлиқ ёки қисман бу мавзунинг ўз ичига олган юзлаб китоб ва минглаб мақола эълон қилинган.

Бобуршунослик соҳасида В.Зоҳидов, Ҳ.Сулаймонов, С.Азимжонова бошлаб берган тадқиқотлар А.Ўринбоев, Т.Файзиев, А.Абдуғафуров, И.Низомиддинов, О.Шоматов, С.Ғаниева, И.Ҳошимов, Н.Комилов, С.Жалилов, С.Ҳасанов, А.Мадраимов, А.Иброҳимов ва бошқалар томонидан давом эттирилди.

Ҳ.Сулаймонов Парижга илмий сафари вақтида Э.Блоше каталогига кўрсатилган, Париж миллий кутубхонасида 1308 рақам билан сақланаётган Бобурнинг аруз илмига доир асари қўлёзмасининг микрофилмини олиб келди. И.Ҳошимовнинг “Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи салтанати” китобининг бир бўлими Бобур, Ҳумоюн, Акбар, Жаҳонгиршоҳ, Шоҳжаҳон ва Аврангзеб ҳаёти ва фаолиятини ёритишга бағишланди.

Бобурнинг ислом фарзларига бағишланган “Мубаййин” асари А.Рустамов илмий муҳаррирлигида С.Ҳасанов ва Ҳ.Ҳасан томонидан нашр этилди. Комрон Мирзо “Девон”и ўрганилиб, нашр этилиши ҳам бобуршуносликда янги қадам бўлди.

А.Қаюмов “Асарлар”ининг 10-жилдида “Ҳумоюн”, “Ҳиндол”, “Аскарый”, “Мирзо Абулқосим ибн Комрон”, “Гулбадан Бегим”, “Гулрух Бегим”, “Бобур ва Хожа Калон ўртасида ёзишмалар” ва бошқа мақолалар ўрин олган.

С.Жалилов “Бобурнинг Фарғона давлати”, “Бобур ва Юлий Сезар”, “Бобур ҳақида ўйлар” китоблари ва қатор мақолалари билан Бобурнинг тарихий ва ижодий меросини

тарғиб қилишга ҳисса қўшди. С.Ҳасанов ва Ш.Рустамхўжаевнинг “Бобурнома” нашрларидаги арабий иқтибослар таҳлили” рисоласида “Бобурнома” матнидаги “Қуръон” оятлари, ҳадислар, фикҳга оид сўз ва иборалар изоҳланиб, бу борада йўл қўйиб келинган камчиликларни бартараф этишга замин яратди.

Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан Бобур ва унинг даври билан боғлиқ, хориж кутубхона ва музейларида сақланаётган ўта ноёб манбаларнинг нусхаларини олиб келиб, илмий истифодага киритиш, илмий ва бадий асарларни ҳозирги ўзбек тилига таржима ёки таъдил қилдириб, нашрга тайёрлаш, илмий анжуманлар уюштириш, энг фаол бобуршуносларнинг тадқиқотларини рағбатлантириш борасидаги ишлари Ўзбекистонда бобуршунослик ривожланишига самарали туртки бермоқда.

Сўнгги йилларда Бобур ва унинг авлодлари ҳақида хорижда ёзилган бир қатор илмий ва бадий асарлар ҳинд, инглиз, франсуз, форс тилларидан ўзбекчага таржима қилиб, нашр этилди. Қайта ва қайта нашр этилаётган Бобур асарларига ёзилган сўз бошиларда Бобурнинг илмий, адабий ва маънавий меросини ўрганиш, бобуршуносликка оид бошқа масалалар ҳақида фикр юритилишини ҳам қайд этиш лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг шафелигида Олий ва ўрта махсус таълим ва Маданият ишлари вазирликлари, Фанлар академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан Бобур таваллудининг 530 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни” халқаро илмий анжумани Ўзбекистон жаҳон миқёсида бобуршунослик марказига айланганини қайд этди.

Мухтасар қилиб айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ҳаёт йўлини ўрганиш орқали ёшларда унинг шахсий сифатларидан бўлган ватанпарварлик, инсонпарварлик, масъулият ҳиссини синдириш, ҳарбийларда қаҳрамонлик, ирода каби сифатларни оширишдан иборат. Бугунги ва келгуси авлодларга Бобурнинг бой илмий ва адабий меросини етказиш, кенг тарғибот ишларини олиб бориш муҳим зарурият саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бобур мемуари. Чигатой тилидан француз тилига Паве де Куртейл томонидан таржима қилинган. Париж, 1871. – 164 б.
2. Жалилов С. Бобур ҳақида ўйлар. Тошкент: Sharq, 2006. - 116 б.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Ўқитувчи, 2008. - 287 б.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Тошкент: Sharq, 2007. - 688 б.
5. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. Тошкент: Sharq, 2010. - 719 б.
6. Неру Дж. Взгляд на всемирную историю. Москва, 1976. - 678 с.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАЁТ ЙЎЛИНИ ЎРГАНИШДА ТАРИХИЙ МАНБАЛАРНИНГ РОЛИ

Убайдуллаев Н.

*Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ ҳузуридаги ДТИЮАЎ ва МОМ Самарқанд
вилояти ҳудудий бўлинмаси ўқитувчиси*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам шоҳ, ҳам шоирдир. Луғатларда «Бобур» сўзи арабча сўздан олингани ва унинг маъноси «шер» эканлиги ҳақида айтилади. Унинг туғилиши темурийлар салтанатини емирилиш даврига тўғри келди. Машаққатлар ва қийинчиликларни бошидан кечирган Бобур юртига сиғмай Ҳиндистон сари юзланади. У ўз

юртига қайтишга кўп уринади, бироқ имкони бўлмайди. Шоир зибу зийнатлар ўлкасига келганини қуйидагича изоҳлайди:

*Толеъ йўқи жонимга балолиг бўлди.
Ҳар ишники айладим, хатолиг бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди.*

Шоир рубоийларида Ватан соғинчи, она диёрни кўмсаш каби мавзулар устунлик қилади. Унингча, қайси ишга қўл урмай, барчаси «хатолик» бўлди, дейди. Аммо ҳеч нарса шоирни мақсадидан қайтара олмади. У Ҳинд ўлкасини адолат билан бошқарди. Жуда кўп қонунларга, урф-одатларга ўзгартиришлар киритди. Халқ меҳрини қозона олди.

Шоирнинг ҳаёт йўлини ёритишда бир қанча тарихий манбаларга таянилса, мақсадга мувофиқ бўлади. «Мажолис ун-нафоис» асарининг изоҳ ва таржималар қисмида: «Хусайн Бойқаро вафотидан кейин Хондамир Шимолий Афғонистоннинг Башт деган қишлоғида яшаб ижод қилади. 1528 йил Ҳиндистонга Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурига жўнайди. Бобурдан сўнг Ҳумоюн хизматида қолади. Бу пайтларда Хондамир «Ҳумоюннома» деган асар ёзгани ҳақида маълумотлар бор»[1, Навоий, 160-161].

Хондамир ижоди ҳақида ўз фикрларини Д.Юсупова баён этар экан, 1534 йилда вафот этган Хондамир Деҳлидаги машҳур Низомиддин Авлиё ва Хусрав Деҳлавий қабристонга дафн этилган, дея таъкидлайди[2, Юсупова].

Тарихчи ёшлигидан то Навоий вафотигача унинг хизматида бўлганлигини, Ҳиротдаги катта китобхонасини бошқарганлигини ўз асарларида айтиб ўтади. Хусайн Бойқарони вафот этиши Хондамир ҳаётига туб бурилиш ясайди. Бобур – буюк подшоҳ, мумтоз шоир, назарийчи, адабиётшунос, фақиҳ, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони эди. Буни билган Хондамир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурига боради. У ердан паноҳ топган тарихчи умрининг охирига қадар Бобурийлар сулоласига хизмат қилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур қайда бўлмасин ўзининг она тилини унутмади. Тарихчи олим Аҳмадали Асқаров ўзининг «Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи» китобида шундай ёзади: «...Мовароуннаҳрда яшаган халқнинг аксарият кўпчилиги туркий тилда, озроқ қисми форсийда сўзлашганлар. Ўрта Осиё туркий тилли аҳолисининг тили Дашти Қипчоқ ўзбекларининг тили билан бир бўлиб, фақат улар турк тилининг турли лаҳжаларида сўзлашганлар. Мовароуннаҳр турклари ва унинг туркийлашган сартлари ўзларини турк ёки Урганжий, Фарғоний, Самарқандий, Андижоний, Шоший, Термизий ва бошқалар деб билганлар. Масалан, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Хусайн Бойқаро, Заҳириддин Бобурлар ўзларини турк деб атаганлар»[3, Асқаров, 482].

Шоир ўз ижодига талабчан бўлган. Яратган асарларини деярли ҳаммасини туркий тилда ёзишга интилди. Ўша даврларда форс-тожик тилида ижод қилиш урф бўлган бўлишига қарамай, ғазал ва рубоийларини ўз она-Ватани тилида ёзди. Навоий ва Бобур ижодидан сўнг туркий тилда гўзал ва сермазмун асарлар яратиш жонланди, десак хато бўлмайди.

Адабиётшунос олим Ботир Валихўжаевнинг «Ўзбек адабиётшунослиги тарихи» кўлланмасида Бобурнинг адабий-танқидий қарашлари ҳақида фикр юритаётиб қуйидагиларни баён қилади: «Ўзбек адабиёти тарихига улкан ҳисса қўшган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг адабий-танқидий қарашлари «Бобурнома» ва «Аруз рисоласи» номли асарларида кенг ифода этилган. Заҳириддин Бобурнинг XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларидаги турли ходиса-воқеалар ичида яшаши, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни Бобур – шоир ва адабиётшунос сифатидаги дунёқарашининг шаклланишига ҳам таъсир қилмай

қолмади. Бобурнинг дунёқарашида борлиққа, ҳаёт ва унинг гўзалликларига, инсон ва унинг фазилатларига қизиқиш асосий ўринни эгаллайди. Унинг шеърляти, «Бобурнома»си, «Аруз рисоласи» ва уларда ифода этилган адабий-танқидий қарашлари ҳам ана шундай дунёқарашга асосланади.

Бобурнинг шеърлятида шеър ва ундаги мазмун, адабий мунозара-шеър баҳсининг мавқеи ҳамда мумтоз адабий меросга доир қарашлари маълум даражада ифода этилган»[4, Валихўжаев, 128].

Бобурнинг «Аруз рисоласи»да арузнинг сир-асрорлари ҳақида фикр юритади. Рисолада 21 баҳр ва 537 вазнга тавсиф беради. Шуниси эътиборлики, бошқа манбаларда, жумладан Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон», Сайфий Бухорийнинг «Мезон ул-ашъор»ларида аруз ва 19 баҳр ҳақида маълумотлар келтирилган. Аммо Бобурнинг аруз рисоласида ариз ва амиқ баҳрлари тавил, мадид ва басит баҳрлари каторида муталифа доирасига мансуб, деб топилган.

«Маънавият» нашриёти томонидан 2006 йилда Абдурауф Фитратнинг танланган асарлари чоп этилди. Ундан олимнинг дарслик, ўқув кўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлари ўрин олган. Мунақид ўзининг тадқиқотларида Бобурнинг айрим аруз вазнида ёзилган ғазал ва рубоийларини таҳлилга тортади. «Ўзбек-чиғатой тизимларида араб-форс арузидан олинган ўлчов сўзлари – аруз усуллари шулардир:

<i>Мафъулун-мафъийлун</i>	<i>Муфтаъилун-муфтаъилун</i>
<i>Фаъулун</i>	<i>Фоилун</i>
<i>Мафъулу</i>	<i>Фаъилотун</i>
<i>Мафойилун</i>	<i>Фаул</i>
<i>Мафойилу</i>	<i>Фаълу</i>
<i>Фаал</i>	<i>Фойлоту</i>
<i>Фойлотун</i>	<i>Фаъ-фоъ</i>
<i>Фаилун-фаълун-фаилун</i>	<i>Мустафъилун</i>
<i>Мустафъийлун</i>	

Буларнинг маънолари йўқдир. Ёлғузгина «ўлчов» сўзларидир. Бир тизимни ўлчаганда шулардан бир қанчасини қаторлаб кўюб ўлчайдирлар. Мисол учун Бобурнинг шу байтини ўлчаб кўрайлик:

Вазни: Мафойилун, мафойилун, фаъулун

Сени кўрмай йироқдин зор бўлдим,

Бир оз ёд эт йироқдин зорларни.

Ўлчаш йўли: *Сени кўрмай – мафойилун: йироқдин зо – мафойилун – р бўлдум – фаъулун.*

Бир оз ёд эт – мафойилун: йироқдан зо – мафойилун: – рларни – фаъулун.

Арузчилар юқорида кўрганимиз ўлчов сўзларидан турларини турли тартибда бирлаштириб, аруз «баҳр»лари тузганлар. Аруз истилоҳида *баҳр* вазн туркуми демақдир. Ҳар баҳрда бир-бирига яқин кўб вазнлар бордир»[5, Фитрат, 30].

Бобурнинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ этишда, тарихий манбаларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Шоирнинг замондошлари ва тарихчиларнинг фикрларидан ташқари ўзининг «Бобурнома» асаридан ҳам кўпгина маълумотлар олишимиз мумкин.

Бобур ўз асарларида Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида атрофлича тўхталиб ўтган. У Навоий билан шахсан танишмаганлигини, фақатгина, хат орқали бир-бирларига ёзишганликларни таъкидлайди. У шундай ёзади: «Мен Самарқанд олғонда ўн тўққиз ёшда эдим... Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда Алишербек тирик эди. Бир

навбат менга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим, жавоб келгунча тафриқа ва ғавғо бўлди»[6, Валихўжаев, 133].

Заҳириддин Бобур 1506 йилнинг ноябрь ойида Ҳирот шаҳрига борганда, Алишер Навоийнинг уйида бир муддат яшайди. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай ёзади: «Аввал менга Боғи Навда (янги боғ) кўнимжой тайин қилган эдилар. Эртаси эрталаб келиб Боғи Навда тушдим. Боғи Навда бир кеча бўлдим. Уни муносиб кўрмай, Алишербекнинг уйларини тайин қилдилар. Ҳиротдан кетгунча Алишербекнинг уйларида эдим» [7, Бобур, 145].

Адабиётшунос олим Ваҳоб Раҳмонов «Бобурнома» тарихий-мемуар асарига сўзбоши ёзар экан, куйидагиларни қайд қилиб ўтади: «Буюк тарихий сиймо сифатида Бобур шахси Европа ва АҚШ шарқшунос тарихчи олимлари диққат-эътиборини ўзига жалб этган. Инглиз тарихчиси Эдуард Ҳолден, аввало, Бобурни машҳур Юлий Цезар билан қиёслашни лозим топади: «Бобур феъл-атворига кўра Цезарга қараганда севишга арзигуликдир. Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган». Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг болалик ва ўсмирлик йиллари ҳақида роман ёзган «Бобурнома»нинг инглиз таржимони Уилям Эрскин Бобурни Осиё подшоҳларига қиёсан шундай баҳолайди: «Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жихатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди»[8,Бобурнома,4].

Дарҳақиқат, Бобур илм-фанга, санъатга, маданиятга кўшган хиссаси беқиёсдир. Унинг бизга қолдирган маданий-маърифий бой мероси тарихни ўрганишда аст қотади. Мозийдан бизгача етиб келган тарихий манбалар шундан далолат берадики, ҳали бери шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг асарлари юзасидан кўплаб тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Навоий. Мажолис ун-нафоис. //www.ziyouz.com кутубхонаси//. 160-161-бетлар.
2. Юсупова Д. Хондамир ижоди. Шарқшунослик –1 тўплами. –Т.: «Фан», 1990.
3. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. –Т.: «Ўзбекистон», 2019. –Б.482.
4. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. –Т.: «Ўзбекистон», 1993. —Б.128.
5. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар//Адабиёт қоидалари. –Т.: «Маънавият», 2006. – Б.30.
6. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. –Т.: «Ўзбекистон», 1993. —Б.133.
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т.: «Ўқитувчи», 2008. –Б.145.

“БЎЛСА ЮЗ НАВРЎЗУ БАЙРАМЛАР...”

ёхуд Алишер Навоий ва Бобур Мирзонинг бир мавзудаги икки газали тўғрисида

Жабборов Р.

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ғазаллари хронологияси навоийшуносликда тўла ўрганилмаган масалалардан саналади. Шарқ мумтоз адабиётида кичик жанрдаги асарларнинг аниқ санасини белгилаш анъанаси мавжуд бўлмаган. Фақат, йирик эпик асарлар, дostonлар хотимасида бу ҳақда очик ёки таърих усулида маълум бериб ўтилган.

Жумладан, “Фавойид ул-кибар” девонидан ўрин олган:

*Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар наврўз ила байрам,
Чаман сарви яшил хилқат, менинг сарви равоним ҳам, [1.422]*

-деб бошланувчи ғазал мазмунидан келиб чиқиб, у Наврўз ва ҳайит байрамлари бирига мувофиқ келгани муносабати билан битилганини англаш мумкин. Ғазалда чамандаги сарв дарахтининг баҳор чоғидаги таровати ва ошиқни ром этган сарвқомат дилбарнинг ҳайит байрамидаги малоҳати ўзаро таққосланади:

*Чаман сарви қолиб бевар, менинг сарвим бўлуб дилбар,
Ани ел айлабон музтар, бу елдин секретиб адҳам.*

Яъни чамандаги сарв мевасизлигидан афсусланиб, шамолда музтар тебранади, шоирнинг сарвқомат маҳбубаси эса дилларни ром этиб, елдек учқур тулпорни сакратади.

Одатда ҳижрий қамарий йил, жумладан ундаги икки ҳайит байрами шамсий тақвимга нисбатан ҳар йил 10-11 кунга “илгарилаб” бораверишини яхши биламиз. Масалан, 2019 йилда Рамазон ҳайити 4 июнь куни нишонланган бўлса, 2020 йилда бу сана 24 майга тўғри келганди.

Рамазон ҳайити ва Наврўз кунларининг бир-бирига яқин келиши ҳар 32-33 йилда такрорланадиган ҳодиса. Бундай ҳолат охир марта 1993 йилда юз берган. Ўша йили Наврўз байрами – 21 март Рамазон ойининг 28 кунига тўғри келган. Яъни рамазон ҳайити Наврўздан икки кун кейин нишонланган.

Астрономик жадвалларга мурожаат қиладиган бўлсак, Навоийнинг юқоридаги ғазалида 1472 йилдаги мувофиқлик назарда тутилгани равшанлашади. Худди шу йили Наврўз байрамининг 1 куни (21 март) Рамазон ҳайитининг 2 куни (Шавволнинг 2-куни)га тўғри келган. [3.]

Орадан 32 йил ўтиб, 1404 йилнинг Наврўз байрами ҳам Рамазон ҳайитига яқин келади. Худди шу воқеа ўзбек адабиётининг яна бир улуғ вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида ўз аксини топади.

“Бобурнома”да 909/1404-1405 йиллар воқеаларини қаламга оларкан, Бобур ўша йили Наврўз ва рамазон ҳайитини Афғонистон ва Покистондан оқиб ўтувчи Гумал дарёси соҳилида нишонлаганини ёзади:

“...Ийди фитр эди... Ийд намозини Гумал рудининг ёқасида ўталди. Наврўз ул ийдқа ёвуқ келиб эрди. Тафовут бир-иқи кун эди. Ул тақриб била бу ғазални айтиб эрдим:

*Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шод байрамлар,
Манга юзи қошидан айру байрам ойида ғамлар,
Юзи наврўзю васли ийдини, Бобур, ганимат тут —
Ки, мундин яхши бўлмас бўлса юз наврўзу байрамлар.[2.136]*

(Мазмуни: одамларнинг янги ой (Шаввол ойининг 1-кунида кўринадиган байрам ойи) ва ёрнинг юзини кўриб байрам қиласалар, мен ёрнинг юзи ва қоши висолида ҳатто байрам ойида ҳам ғамгинман.)

Маълумки, “Бобурнома”да муаллиф Алишер Навоий шахси ва ижодига жуда катта эҳтиром билан ёндошгани яққол кўринади. Бобур Наврўз ва ҳайит кунларига оид ғазалидан парча келтираркан, бундан 30 йиллар илгари Навоий ҳам шу мазмунда ғазал битганини эсга олмаса-да, ҳар икки ғазал ўртасида бир қатор ўхшашликлар кўзга ташаланади.

Биринчидан, ҳар икки ғазал туркий адабиётда кенг тарқалган бир хил вазнда – Ҳазажи мусаммани солимда битилган. Ҳар икки ғазал 7 байтдан таркиб топган. Қофия ҳам, қофиядош сўзлар ҳам ўхшаш. Ҳатто ғазаллардаги бадий санъатларда ҳам ўхшашликлар кўзга ташланади. Масалан. Навоийда ўқиймиз:

Бу бог ичра май, эй, соқийки бормен асру муштоқи —

Ки, анда сарв ҳам боқий эмас, гул аҳди ҳам маҳкам.

(Мен бу боғ ичида майга жуда муштокман эй соқий, чунки боғдаги сарв ҳам, гулнинг аҳду паймони ҳам доимий эмас)

Бобур:

Мену кунжи гаму, оху фиғону ашки хунолуд,

Не хушдур гўшаи холи, майи софию ҳамдамлар.[4]

(Мен ғамнинг бир бурчагида оху фиғон, қонли кўз ёши билан овораман, тинч бир гўшада тоза май ва ҳамдамлар билан вақтни хуш ўтказиш қандай яхши)

Ёки бошқа бир мисол. Навоийда:

Кўнуб ул сарв уза булбул, чекиб гул шавқидан гулгул,

Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам.

Бу сарв устида булбул кўниб, гулнинг шавқидан нола қилмоқда,

Бобурда:

Очилди зулфию ҳайлар намудор ўлди юзида,

Гул узра чун бўлур пайдо, кеча очилса шабнамлар.

Куйидаги байтларда ҳам ўхшаш ташбеҳлар, истиоралар учрайди. Навоийда:

Қилиб оҳим сари парво, бу ён майл этмадинг қатъо,

Сабодин, эй, қади раъно, бўлур ҳам сарв гаҳ-гаҳ хам.

Бобурда:

Ҳавога дуди оҳин титратур ишқ аҳли гайратдин,

Сабо таҳрикидин ҳар гаҳ паришон бўлса парчамлар.

Демак, 32 йил тафовут билан битилган икки ғазалда ҳам айнаи бир хил табиий жараён – хайит ва Наврўзнинг бир-бирига яқин келиши ёки устма-уст нишонланиши турли ташбеҳлар ёрдамида тавсиф этилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Фавойидул кибар. МАТ, 20 жилдлик, Т.6. – Тошкент. Фан, 1990. – Б.422.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 136.
3. <https://namaz.today/date-converter>
4. <http://bilimnur.zn.uz/maktabimiz-fotolavhalari/bobur-devoni/>

BOBUR BUYUK SARKARDA

Abdullayev H.G‘.

Milliy gvardiya Harbiy-texnik Instituti vuzod komandiri

О‘zbek mumtoz adabiyotining yirik vakili, buyuk shoir, tarixchi, geograf, davlat arbobi, iste’dodli sarkarda, boburiylar sulolasi asoschisi, temuriy shahzoda Zahiriddin Muhammad Bobur (1483.14.2, Andijon 1530.26.12, Agra) millatimizning eng yorqin vakillaridan biridir [2, 96.]. Turkiy adabiyotning eng mashhur vakillaridan, o‘zining ijobiy faoliyati va kuchli siyosati bilan dunyo tarixida o‘chmas nom qoldirgan buyuk shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Bobur Amir Temurning munosib vorislaridan bo‘ldi. Uning avlodlari esa ko‘p yillar davomida dunyo siyosatiga katta ta’sir ko‘rsata oldilar. Shu tariqa Bobur ulkan sulola asoschisi sifatida tarixda qoldi. 1494-

yilda Umarshayx Mirzoga qarshi uning o'z akasi Samarqand hokimi Sulton Ahmad Mirzo hamda qaynog'asi Toshkent hokimi Mahmudxon o'zaro til biriktirgan holda qo'shin tortib, Farg'onaga yurish qiladilar. Nihoyatda qaltis vaziyat vujudga keladi. Buning ustiga kutilmagan falokat yuz beradi: Andijonning g'arb tomonidagi jar yoqasida bino bo'lgan Aysi qo'rg'onida turgan Umarshayx Mirzo kabutarxonasi bilan jarga qulab, halok bo'ladi. Umarshayxdan uch o'g'il va besh qiz qolgandi. O'g'illarining kattasi Bobur 12 yoshida otasi o'rniga Farg'ona ulusi hokimi bo'ldi [3, 3.]. O'ratepa, Xo'jand va Marg'ilonni qo'lga olib Quvaga kirgan Sulton Ahmad qo'shini shaharni kesib o'tuvchi Qorasuv ko'prigida toshqinga uchrab, tuya va otlari botqoq suvga cho'kib, ko'pi nobud bo'ladi. Ustiga-ustak o'lat tarqaladi. Qo'shin vahimaga tushadi. Sulton Ahmad sulh tuzib ortga qaytadi va yo'lda vafot etadi. Sulton Mahmud ham Axsini bir muddat qamal qilib ololmay, ketishga majbur bo'ladi. Sharoitdan foydalanib qolmoqchi bo'lgan Koshg'ar va Xo'tan hokimi Abu Bakr Do'g'latning ham O'zgand yaqinidagi harakatlariga chek qo'yiladi. «Boburnoma» ning aynan shu voqealarga ishora qilib «Tengri taoloning inoyati...» so'zlari bilan boshlanishi bejiz emasdi. Bobur 1497- yili 15 yoshida sohibqiron Amir Temur poytaxt qilgan Samarqand shahrini egallaydi. Lekin moddiy tanqislik, qaltis siyosiy vaziyat tufayli bu shahri azimni tashlab chiqishga majbur bo'ladi. Andijonda xiyonat yuz bergandi. Bobur ishongan beklar taxtga ukasi Jahongir Mirzoni o'tqizmoqchi bo'ladilar. Ikki yil sargardonlikdan so'ng katta mashaqqatlar bilan Andijon qaytarib olinadi. 1500-yilda Bobur Samarqandni jangsiz osonlik bilan qo'lga kiritadi. Lekin Shayboniyxon yaqinlashib kelayotganligi uchun kuch to'plash maqsadida Shahrisabzga jo'naydi. Shunda Shayboniyxon Sulton Ali Mirzoning onasi Zuhrebegimni unga uylanish va'dasi bilan aldab, shaharni egallaydi. 1501- yili Bobur 240 nafar navkari bilan yetti mingga yaqin qo'shini bo'lgan tajribali shoh Shayboniydan Samarqandni tortib olishga muvaffaq bo'ladi [2, 97.].

Ko'po'tmay Shayboniyxon shaharni qamal qildi va u uzoq davom etdi. Bir tomondan shahar ichidagi ochlik, ikkinchi tomondan qarindoshlari bo'lmish boshqa temuriylardan madad kelmagani yosh hukmdorni og'ir bo'lsa-da bir qarorga kelishga undadi. U yana Samarqandni tashlab ketishga, nafaqat Samarqandni, jondan aziz Vatanini ham butunlay tark etishga majbur bo'ldi. Ikki yilga yaqin sarson-sargardonlikdan so'ng 1503- yilda Kobulga yo'l oladi. Kobul va G'aznani jangsiz egallaydi va o'zini shoh deb e'lon qiladi. 1507- yildan Hindistonni zabt etish harakatiga tushgan Bobur 1526- yili o'z maqsadiga yetadi. Shu yilning 21- aprelida Panipat jangida Boburning 12 minglik qo'shini hind sultoni Ibrohim Lo'diyning 100 ming kishilik askari bilan to'qnashadi. Ajdodlaridan meros jang sirlari, yillar davomida to'plagan tajribasi hamda taqdirning bergan achchiq saboqlari qo'l keldi. Bobur hind yerida Yevropada keyinchalik «Buyuk mo'g'ul imperiyasi» deb atalgan ulkan saltanatga asos soldi.

Bobur va boburiylarning hukmdorligi Hindiston tarixida juda katta ijobiy ahamiyat kasb etdi. Bobur Hindistondagi din-mazhab janjallarini oldini olishga, mamlakatda osoyishtalik qaror toptirishga urindi. Adolatli qonunlar chiqardi, g'ayridinlik solig'i (juz'ya) ni bekor qildi, o'lgan erning tirik xotinini murda bilan birga yoqishni taqiqladi. Mamlakatda obodonchilik ishlarini yo'lga qo'ydi. Kanallar qazirdi, binolar qurdirdi. Atrofiga olim-u fozillarni to'pladi. Shuningdek, hind yerida hali hech bo'lmagan bog'lar bino qildi. Movarounnahrning shirin-sharbat mevalarini ektirdi. Lekin jang-u jadallar, saltanat tashvishlari, ayniqsa, Vatan sog'inchi nozik qalb egasi bo'lgan shoirning sog'ligiga salbiy ta'sir qildi.

Begona bir yurtni zabt etish hech qachon oson kechmagan. 1526- yilning 21- dekabrda Bobur dushmanlari tomonidan zaharlanib, tasodif tufayligina omon qoladi. Biroq bu ahvol yigirma besh-yigirma olti kun davom etadi xolos. Bobur 1530- yilning 26- dekabrda Agrada vafot etadi. Keyin uning xoki, vasiyatiga muvofiq, Kobulga ko'chiriladi. Ijodiy merosi. Bobur xalqimizning har jihatdan yetuk, g'oyat iste'dodli farzandi edi. U o'ta notinch, sargardonlikda kechgan umrini zo'r

salohiyati tufayli jozibali qila oldi. Uning hayoti faqat janglar bilangina emas, ijodiy onlar bilan ham to'la edi. U yigirma yoshida yangi bir yozuv «Xatti Boburiy»ni kashf qildi. Umr bo'yi ajoyib she'rlar yozdi, devon tartib qildi. Musiqa bilan shug'ullanib, «Chorgoh» maqomiga «Savt»lar bitdi. 1521- yilda she'riy yo'lda soliq ishlarini tartibga soluvchi «Mubayyin al-zakot» («Zakot bayoni») asarini yozdi. Sharqdagi uyg'onish davrining buyuk namoyandalari orasida Zahiriddin Muhammad Bobur siymosi alo'hida ajralib turadi. Boburning ijodiy faoliyatiga baho berish chog'ida shoir faoliyatining keng tarmoqli ekaniga ahamiyat qaratish zarur. Bu toifaga mansub ijodkorlar sharq adabiyotida unchalik ko'p emas. Boburning hayot yo'li esa nihoyatda murakkab, ziddiyatlar va sinovlarga to'la.

Zahiriddin Muhammad Bobur ijodi va faoliyati o'z zamonasining qarama-qarshiliklari negizida shakllangan. Aytish mumkinki, u ham barcha ijodkorlar singari o'z davrining farzandi. Shuning uchun ham Bobur she'rlaridagi kayfiyatga qarab shoir yashagan davrni tasavvur etish mumkin. Uning adabiy merosida adabiyot uchun hech qachon eskirmaydigan va o'zining badiiy ahamiyatini yo'qotmaydigan g'oyalar bor.

Zahiriddin Muhammad Bobur o'z she'riyati bilan inson yuragining sohir manzaralarini kashf eta olgan. Shoir she'rlarida goh tole yo'qligidan shikoyat qiladi, gohida bahor chog'idagi go'zalliklarni yoshlikka qiyoslaydi va bu qiyoslardan o'zi ham zavq oladi. Ta'bir joiz bo'lsa, Bobur ijodida baxt va kulfat, ishq va nafrat, visol va ayriliq, najot va ilojsizlik yonma-yon yuradi. Shoir o'z ijodi vositasida o'zaro qarama-qarshi bo'lgan bu tuyg'ularning betakror mutanosibligiga erisha olgan.

Bobur o'zidan oldin yashab o'tgan shoirlardan farqli tarzda ijodida xalq tili bilan adabiy til o'rtasidagi o'rtamiyona bir uslubni tanlab oladi. Uning adabiyotda erishgan muvaffaqiyatlari ham ijodining mazkur fazilati bilan chambarchas bog'liqdir.

Ma'lumki, Alisher Navoiy ijodiy faoliyati davomida shakl va mazmun uyg'unligiga erishish yo'lida juda ko'p ezgu ishlarni amalga oshirdi. Keyinchalik Navoiyning ma'naviy shogirdi bo'lgan Zahiriddin Muhammad Bobur ham ustozini izidan bordi. Shoirning dilbar g'azallari, ruboiylari, ilmiy asarlari badiiy tafakkurning noyob gavharlariga aylandi.

Bobur o'zbek she'riyatiga o'ziga xos yangicha ruhni olib kirdi. She'rlaridagi sodda va barchaga birdek tushunarli bo'lgan ifodalar, samimiy dil izhorlari, dardning dilkash ohanglari ila ko'ngillarni zabt etdi.

Bobur so'zning badiiy kuchi bilan bir qatorda o'zining shoirlik iste'dodidan ham unumli foydalana olgan. Ushbu misralarga diqqat qiling:

*Har nechuk tavr qil, bu javr etma,
Har nechuk javr qil, bu tavr etma...
Forig' erdim, qanoatim bor edi,
Qone' erdim, farog'atim bor edi.*

Bu misralarga e'tibor bergan o'quvchi ulardagi musiqiylikni, so'zlar ohangi bir-biriga yaqin ekanini anglaydi. Masnaviy usulida bitilgan bu misralar shoirning o'ziga xos tarjimai holidir. Aytish mumkinki, Bobur mumtoz adabiyotimizdagi qator she'riy san'atlarni qo'llagan holda betakror asarlar yaratgan.

1523-1525- yillarda aruz vazni haqida «Muxtasar» nomli risola bitdi. Boburning «Harb ishi». «Musiqa ilmi» nomli asarlari hozirgacha topilgan emas. U tarjima bilan shug'ullanib, Xo'ja Ahrorning «Volidiya» asarini she'riy yo'l bilan o'zbekchaga o'giradi. Uning «Boburnoma» asari nafaqat o'zbek adabiyoti, balki jahon adabiyotining nodir namunasi sanaladi.

Bu memuar (esdalik) asarida Bobur o'n ikki yoshida Taxtga chiqishidan boshlab o'zining oxirigacha boshidan o'tkazganlarini, ko'rgan-kechirganlari, guvohi bo'lgan voqealarni siyosatchi, davlat arbobi, olim, sayyoh va shoir nigohi bilan tahlil etadi. Shuning uchun bu asar tarix, etnografiya, geografiya, tilshunoslik, adabiyotshunoslik va boshqa tillar uchun birday manba bo'la oladi. «Boburnoma»ning o'zbek nasri taraqqiyotidagi o'rni beqiyosdir [1, 336.]. Bobur she'riyati. Bobur o'zbek va fors tillarida ijod etgan. U ona tilida yozgan she'rlarini to'plab, 1519- yilda Kobulda, 1528-1529- yillarda Hindistonda devonlar tuzgan. Bu ikki to'plam o'sha joylar nomi bilan «Kobul devoni „Hind devoni“ deb ataladi [1, 13.]. Kobul devoni topilgan emas Mutaxassislarning fikricha, saqlanib qolgan she'rlarining soni to'rt yuzdau ortiq. Shundan 119 tasi g'azal. 231 tasi ruboiy. Shuningdek, shoir devonidan tuyuq, fard, masnaviy, qit'a, muammo kabi janrlar ham joy olgan. Bobur devonining katta qismi g'azallardan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. /Таҳрир ҳайъати: А.Абдуғаффоров ва бошқ. Масъул муҳаррир: В.Раҳмонов. – Т.: «Sharq» НМАК Бош таҳририяти, 2002. – 336 б.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси (қайта ишланган иккинчи нашр) /Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқ. Бош муҳаррир: А.Аъзамов. – Т.: «Sharq» НМАК Бош таҳририяти, 2017. – 688 б.
3. Xotamov Sh.N., Qo'ng'irov I.H. Bobur ma'naviyati. Risola. – Т.: O'zR MG HTI, 2020. – 32 б.

BOBURIYLAR DAVLATI BOSHQARUVIDA DINNING AHAMIYATI

Boltaboyev M.

Farg'ona davlat universiteti o'qituvchisi

Yusupova X.

Farg'ona davlat universiteti talabasi

Din tarixiga oid adabiyotlarni varaqlar ekanmiz, qadimdan insonlar o'rtasidagi ziddiyat va kelishmovchiliklar sababi jamiyat a'zolaridan biri o'zining hammadan ustun ekanini isbotlashga uringanini, boshqalardan yuqoriroq mavqeini boshqalar tan olishlarini talab etganini, bu hol esa, oxir-oqibatda o'sha jamiyat osoyishtaligidagi muvozanatning buzilishiga olib kelganini ko'ramiz. Agar bu holning oldi olinmasa, ya'ni, noshukr bandaning nafsiga va ehtiroslariga erk berib qo'yilsa, u hatto xudolikni da'vo qilishdan ham toymasligi mumkinligiga ishonch hosil qilamiz. Din osiy bandaning haddan oshishga bo'lgan ana shunday intilishlarining oldini oluvchi eng ta'sirchan omil hisoblanadi. "Din bandalarni Haq taolo oldida mas'uliyatli ekanini tushunishlariga, Allohdan qo'rqib, jamiyatning boshqa a'zolari bilan bahamjihat yashashga da'vat etadi. Hech shubha yo'qki, mamlakat boshqaruvida din eng yaxshi tayanch vositasi bo'lib, bandalarni insof-u tavfiqqa, atrofidagi mo'minlarga nisbatan samimiy munosabatda bo'lishga, Allohdan qo'rqib yashashga, Yaratganga maqbul bo'lmaydigan ishlarni qilishdan o'zini tiyishga, o'zidan ojizlarga rahm-shafqat ko'zi bilan qarashga, Allohning yerdagi soyasi bo'lmish hukmdorga esa, hurmat-e'tiqod nazari bilan qarab, uning hukmlariga itoatgo'ylik ruhida tarbiyalashga xizmat qiladi." [1]

Boburiy podshohlar hukmdorligi davrida Hindistonda musulmon dinining turli mazhablari tarqalgan bo'lib, ularning vakillari boshqa din va mazhablar bilan doimiy raqobatda bo'lar edilar. Albatta, bu raqobatni bartaraf qilish borasida hukmdorlar tomonidan ko'p ijobiy harakatlar bo'lar edi-yu, biroq mutassib qarashdagi kimsalarni ishontirshga har doim ham muvaffaq bo'linavermasdi.

Bu davrda Hindistonda islomning shia, sunniy mazhablaridan tashqari, yana bir qancha oqimlar mavjud bo'lib, ularning hammasi ham hukmdorga ta'sirini o'tkazishga intilardi. Ular orasida mahdaviylar va muhaddislar harakati, shuningdek naqshbandiya va sodiriya tariqati tarafdorlari kabi diniy oqimlar harakati alohida ko'zga tashlanadi. XV asrning boshlarida mamlakatning shimoliy qismida mahdaviylar harakati keng tarqaldi. Bu oqim sardori Said Muhammad Jopuriy bo'lib, u Islom dinini o'zining dastlabki soflik holatiga qaytarishga intilgan. Bu nazariya o'sha vaqtda keng tarqalgan "Majolisi Hazrat Bandagi Miyon Mustafu Gujarati" deb nomlangan risola tamoyillariga asoslangan edi. Ta'limotlariga ko'ra, to'rt mazhab orasidagi farqlarga barham berilib, ularning barchasini birdamlikka va yakka Allohning o'zigagina sig'inishga va faqat Muhammad (s.a.v.) ilgari surgan g'oyalargagina sodiqlikka targ'ib etishardi. Bu harakat Sind, Gujarat, Biyona, Kolpi kabi viloyatlarga keng tarqaldi va asosan dehqonchilik bilan band bo'lgan aholini qamrab oldi. Yana bir katta oqim muhaddislar (hadisshunoslar) harakatidir. Maqsadlari Payg'ambar alayhissalomning o'git va nasihatlarini to'nash va ularning mohiyat va mazmunini osiy bandaga sodda til bilan bayon qilib, Payg'ambarimizning (s.a.v.) turmush tarzlarini tashviq etish bilan bandalarni Alloh irodasiga itoat ettirishdan iborat edi. Bu harakatning tepasida Shayx Ali Mutgaqiy ismli ulamo turgan. Asosiy g'oyasi barcha musulmonlarni shariat talablariga to'la itoat qilishlariga va bu talablarning sof holda saqlanishiga erishish edi. Naqshbandiya tariqati Boburshoh hukmdorligi davrida keng yoyilgan oqimlardan bo'lib, bu oqimning Hindistondagi sardori Ziyu Ahmad ismli shaxs edi. Ular ham shariatning sofligi uchun kurashishgan va bu borada sezilarli natijalarga ham erishishgan. Humoyun o'zi shattariya tariqatiga moyil bo'lgani uchun bu harakatni qo'llab, oqimdagi ayollar o'rtasida katta obro' qozondi. So'fiylikni isloh qilishdan tashqari, Hindiston musulmonlariga mahalliy kofirlardan o'tib qolgan urf-odatlariga ham qarshi kurashishardi. Shu tarzda ular cheshtiya tariqati tarafdorlarining musulmonlar bilan hinduizm vakillari jamoalarini o'zaro yaqinlashtirish va ular o'rtasida samimiy do'stlik rishtalarini o'rnatish borasidagi harakatlarini puchga chiqarish yo'lida ancha harakat qilib, ko'pgina muvaffaqiyatlarga ham erishgan edilar. Bu borada Shoh Jahonning to'ng'ich o'g'li Doro Shukuhning xizmatlari katta bo'ldi. U qiyosiy dinshunoslik asosida yaratgan o'z ta'limotida barcha diniy e'tiqodlar oxir-oqibatda bitta Xudoga olib borishini ta'kidlab, barcha din va mazhablarni umumlashtirish g'oyasini ilgari surgan edi. So'fiylikning yana bir ko'rinishi bo'lmish qodiriya tariqati ham Akbarshoh hukmronligi davrida Arabistondan Hindistonning Surat va Kambayot shaharlariga tijorat ishlari bilan qatnaydigan savdogarlar tomonidan keltirilgan edi. Bu silsilani mamlakat uzra targ'ib qilishda Shayx Abdulhaq Dehlaviyning xizmatlari ko'p bo'lgan. Uning ishini izdoshlari Miyon Mir Lohuriy va Kashmirlik Mullashoh Badaxshoniylar davom etshrdilar. Qodiriya ta'limoti Doro Shukuh va uning opasi Jahonoro Begimning diniy e'tiqodining shakllanishiga ham katta ta'sir o'tkazgan. Ular bu tariqatni 1639-yili qabul qilishgan. Biroq Avrangzeb hukmronligi davrida barcha diniy oqimlarga barham berilib, davlat ishlarini faqat Islom asosida boshqarishga o'tdi va har qanday chekinishlarga nisbatan murosasizlik qila boshladi.

Albatta, davlat boshqaruvida hukmdorning diniy e'tiqodi vijdonan ham, raiyat nazarida ham muhim ahamiyat kasb etadi. Zero, boburiy podshohlarning barchasi ham imon-e'tiqodi butun, insof tavfiq hamda adolatli bo'lganliklari bilan mamlakat aholisi nazarida yuksak e'tibor qozonganlar va hozirgacha shunday. Ushbu saltanatning asoschisi bo'lmish mohir sarkarda va davlat arbobi Zahiriddin Muhammad Bobur Podshohi G'oziy ham diniy e'tiqodi mustahkam, imoni butun hukmdor bo'lib, sunniy edi. Umrining kattagina qismi yangi jadallarga to'la holda o'tgan bo'lsa ham, u hamisha pok va halol yurishga intilar, besh vaqt namozini kanda qilmas, zakovatining beqiyosligi va diniy-ilohiy bilimlarning teranligi bilan olim-u ulamolar hamda din peshvolari o'rtasida katta obro' qozongan edi. Dindoshlariga va din ulamolariga hamisha hurmat-e'tibor bilan

qarab, ularning izzatini joyiga qo'yardi. O'sha davrning yirik ulamolalaridan bo'lmish Xo'ja Ubaydulloxonni piri sifatida e'zozlashi va uning "Risolai volidiya" asarini turkiyga tarjima qilishi va musulmonchilik «qoidalari va farzlarining bayoniga bag'ishlangan "Mubayyin" deb atalmish masnaviylar to'plamini yaratishi uning yuksak e'tiqod egasi ekanidan dalolat beradi.

"Humoyunshox, davri Diniy mazxablarga va Islomdan boshqa dinlarga nisbatan xolisona va beg'araz siyosat olib borilgani Boburshoxning valiahdi Nosiruddin Xumoyunshoxning hukmdorlik paytida ham yaqqol ko'rinadi. E'tiqodiga ko'ra, Xumoyunshox so'ng bo'lgan, juda taqvodor musulmon edi. Ayni chog'da, boshqa mazhablarni ham hurmat qilar, ularga oq ko'ngillik va samimiylik bilan muomala qilar edi. Buning yorqin misoli sifatida uning shia mazhabidagi Mir Bobo Do'stning qizi Jamilabonuga uylanishini, shuningdek, shia mazhabidagi Bayramxonni o'ziga bosh vazir etib tayinlashini, shu mazhabdagi Eron shohi Shoh Taxmasp bilan davlat munosabatlari borasida tutgan yo'lini ko'rsatsa bo'ladi"[2, 45]. Ana shunday ulug' martaba egasi bo'lishiga qaramay, Akbarshox nihoyatda kamtar edi. Ba'zilar uni o'zlariga pir bo'lishini so'rab murojaat qilishganida, u kamtarlik bilan: "Men o'zim pirga muxtojlik sezib turganim bir paytda qanday qilib sizlarga pir bo'la olaman", deya javob berar ekan. Otasi umrining oxirigacha kamtar, xudojo'y inson va sodiq, musulmonligicha qolganini uning valiahdi Jahongirshox ham o'zining "Tuzuki Jaxongiriy" deb atalgan xotiranomasida alohida ta'kidlab yozgan. Aytishicha, Akbarshox tabiatda bo'shliq, joyning o'zi bo'lishi mumkin emas, Alloh har joyda hozir-u nozirdir. Yaratuvchi Alloh bilan yaralmish banda o'rtasida til bilan izohlab bo'lmaydigan bog'liqlik rishtalari mavjuddir", deya ta'kidlab turar ekan.

"Mahalliy aholiga ko'rsatilgan ishonch va e'tibor raiyat nazarida Akbarshohning hurmat e'tiborini oshirib yuborgan edi. Asrlar bo'yi musulmonlarga qarshi kurashib kelgan rajputlar podshoh siyosatidan mamnun bo'lib, uning xizmatiga kirib, unga sadoqat bilan xizmat qilishga intila boshladilar. Bu hol saltanat negizini mustahkamlashga omil bo'lar edi. Harbiy yurishlar davomida hind mansabdorlari eng og'ir va mas'uliyatli joylarga yuborilar va o'zlariga bildirilgan ishonchdan g'ururlangan rajputlar jang maydonlarida jon-jahd bilan jangga kirib, qahramonlik va sadoqat namunalari ko'rsatishar edi"[3, 67]. Musulmonlar va mahalliy raiyat vakillari o'rtasidagi o'zaro hurmat munosabaglarini tiklash va tinch-totuv yashashlarini ta'minlash maqsadida amalga oshirilgan bu tadbir choralar Akbarshoh saltanatining tobora hududan kengayishiga va saltanat negizining har tomonlama mustahkamlanishiga, mamlakatning gullab-yashnashiga, hukmdorning esa, "Buyuk Akbar", "Xalq, podshohi" "Milliy qahramon" kabi oliy unvonlarga sazovor bo'lishiga olib keldi. Hind tarixnavisi R.P.Tripatining ta'biri bilan aytganda, Akbarshoh "...o'z davrining ham bolasi, ham otasi edi".

Albatta, siyosiy vaziyat talab qilgan harbiy yurish va jang paytlarida buddachilar yoki nasroniylarning ibodatxonalarini vayron qildirgan hollar ham bo'lgan, biroq, tinchlik davrida diniy e'tiqodi uchun fuqaroning ta'qib etilishiga sira yo'l qo'ymas va barcha dinlar davlat tomonidan baravar himoya qilinar edi. Kashmir vohasidagi Rajuriy shtatida butparast hindlar musulmon ayollarga uylanib olgach, xotinlarini hinduizmni qabul etishga majbur qilganlaridan xabar topgach, Jaxongirshoh ularni qattiq jazoga mahkum etgan edi. Shoh Jahonning diniy e'tiqodi va umuman boshqa dinlarga bo'lgan munosabatiga kelsak, albatta, unda bobosi va otasiga nisbatan musulmonlikka ko'proq berilgani sezilib turadi. Biroq, nasroniylik va hinduizmni xam ta'qiqlamaydi. Bobosi va otasining diniy siyosatiga sodiq qolgani uchun mahalliy hindlar unga katta hurmat nazari bilan qaraydilar. Avrangzeb Olamgir davri Boburiy podshohlar hukmronligi tarixida hukmdorning dinga munosabati borasida Avrangzeb Olamgir davri alohida ahamiyat kasb etdi. Avrangzeb yoshligidanoq, o'ta xudojo'y, taqvodor musulmon, kamtar inson edi. Shariat qoidalariga va Qur'oni Karim talablariga qat'iy rioya qilardi. Yeydigan taomlari va kiyadigan liboslari ham

juda sodda bo'lib, ortiqcha hasham va zeb-u ziynatlarni yoqtirmas edi. Umrida biron marta ham kayf qiladigan ichkilig-u giyohni totib ko'rmagan taqvodor inson edi. Shuning uchun bo'lsa kerak, ayollar bilan bo'ladigan ishratlardan ham o'zini chetda tutardi. Uning xotinlari bir vaqtning o'zida to'rttadan ortmagan. Bor-yo'g'i bittagina kanizak saqlar edi. Uning musulmonlikka e'tiqodi shunchalik kuchli ediki, L.P.Sharmaning guvohlik berishicha, Markaziy Osiyo o'lkalariga qilingan harbiy yurishlar davomida bo'lib o'tgan shiddatli janglardan birida, jang keskin tusda davom etib turgan paytda otdan tushib peshin namozini o'qigan, so'ng yana jangga kirib ketgan ekan. Yoshligidanoq, muqaddas Qur'oni Karim oyatlarini mukammal, ularni tahlil qila oladigan darajada o'rgandi. U qurol ishlatish va jang olib borish san'atini ham yaxshi egallagan bo'lib, harbiy yurishlarda katta muvaffaqiyatlarga erishdi. Markaziy Osiyoga va Kandahorga qilingan yurishlarida, shuningdek, Gujarat hamda Dekkon o'lkasining to'rtta viloyatida hokimlik qilib turgan paytlarida katta tajriba to'plagan bo'lib, bu tajribalari taxtga da'vogarlik qilgan aka-ukalariga qarshi olib borilgan shiddatli janglarda juda qo'l keldi. Avrangzeb taxtga chiqqan kundan e'tiboran o'z oldiga mamlakatni odilona idora qilish bilan bir qatorda Islom dinini, ayniqsa uning sunniy mazhabi aqidalarini himoya qilishni va uning ta'sir doirasini yanada kengaytirishni eng asosiy maqsad qilib qo'ygan edi. Uning hukmdorlik nazariyasining asosiy shiori "Dorul harb" bo'lmish Hindistonni "Dorul Islom"ga aylantirish edi. Ellik yillik hukmdorlik faoliyati davomida Avrangzeb ana shu aqidaga sodiq qoldi va bu e'tiqodidan bir daqiqa ham voz kechmadi. Zarb qilinadigan tanga pullarga Qur'oni Karim oyatlarini o'yib yozish uning davrida ta'qiqlandi. Shundan so'ng va sozandalar saroydan quvib chiqarildi. Mamlakat hududida mayparastlik va giyohvandlik hamda qimor o'ynash qat'iy qat'iy taqiqlandi. Ersiz ayollarga erga tegish, aks holda, mamlakat hududidan chiqib ketish talabi qo'yildi. G'ayridinlarning marosimlarini saroyda nishonlashga barham berildi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Sotimov G'. "Boburiylar davlati boshqaruvida din". Toshkent, 2012 y. Hidoyat// N 2 ,3
2. Nizomidinov I.G'. XVI-XVIII asrlarda O'rta Osiyo–Hindiston munosabatlari T.:1996.
3. Erskin U. Hindistonda Bobur davlati (ingliz tilidan Sotimov G' tarjimasi) T.:1997
4. Mashrabov Z., Shokarimov S. Asrlarni bo'ylagan Bobur. T.:1997
5. Voxidov R. Biz bilgan va bilmagan Bobur. T.: 2000
6. N.Xamayev. O'zbekiston tarixi. Ma'ruzalar matni. FarDU, 2009 y.

BOBUR SHE'RIY ASARLARIDAGI FITOMORF METAFORALARNING SEMANTIK XUSUSIYATLARI

Muqimova G.R.

Buxoro viloyat XTXQTMOHM o'qituvchisi

Biz buyuk sarkarda shoh va shor Zahiriddin Muhammad Bobur asarlari haqida so'z yuritar ekanmiz, bu dilbar shaxs qalamiga mansub har bir asar bizni mushohadaga chorlaydi. Shoirning qalamiga mansub kichik she'riy asarlar hajmi va shakli jihatidan katta emas. Ularning umumiy soni besh yuzga yaqin bo'lib, g'azal (120), ruboiy (208), tuyuq (14), qit'a (13), kichik masnaviy (8), muammo (53), fard (65) kabi janr namunalaridan iborat. SHuningdek, ilmi fiqhga (islom qonunshunosligiga) doir besh risoladan tarkib topuvchi («E'tiqodiyya», «Kitobus-savmaa», «Kitobus-salot», «Kitobuz-zakot», «Kitobul-haj») «Mubayyin» (sharhlangan, izohlangan, talqin berilgan), Xoja Ahror Valiyning nasrda bitilgan «Volidiya» (ota-ona haqida) asarining nazmdagi

badiiy tarjimasi ham ulug‘ adib, sarkarda va davlat arbobining she‘riy asarlari sirasiga kiradi. Zikri o‘tgan silsilada Bobur Mirzoning beshta masnu‘ to‘rtligi ham mavjud. Turkiy she‘riyat mulkinging arsloni (Bobur so‘zining o‘zagi babr — yo‘lbars) maqomida faoliyat ko‘rsatgan bu notakror SHaxs va iste‘dod sohibi o‘zining o‘ttiz olti yillik umrini jangu jadallar, iztirobu kurashlarda o‘tkazgan bo‘lishiga qaramay, adabiyot mulkidagi bir qator noyob hodisalarga munosabat bildirish uchun vaqt ham topa oldi.

Ayniqsa shoir ijodida fitonimlar alohida hamiyat kasb etadi. Bobur tabiat mo‘jizalariga har doim hayrat bilan nazar tashlaydi va ularni o‘z asarlarida keltiradi. Ayniqsa mashuqani gul obrazida keltirib gazallarida san‘at asarlarini yaratadi.

Sen gulsenu, men haqir bulbuldurmen,
Sen shu‘lasenu, ul shu‘lag‘a men kuldurmen,
Nisbat yo‘qtur deb ijtinob aylamakim,
SHahmen elga, vale sanga quldurmen,

deb yozgan edi. Ruboiydagi Gulu Bulbul, SHu‘layu Parvona, SHohu Gadolarga yuzaki qarab, hayotiy oshiqu ma‘shuqalarning o‘xshatilmishlari sifatida sharhlash mumkin. Aslida mazkur majoziy timsollar tasavvuf mulkidir.

Fig‘onim oshti bulbuldin, g‘ami yo‘q zarra bu quldin,
Base, Bobur, o‘shal guldin ko‘ngulda xor-xorim bor.

Bulbul — oshiq, *Gul* ma‘shuqa ramzi bo‘lib kelmoqda. Gul va tikon hayotda ham, badiiy adabiyotda ham yonma-yon turadi. Bobur Mirzo talqinida «xor-xor» iyhom moddasi (xor-xor — tikan va tikan; xor-xor — ko‘chma ma‘noda, tirnash, achishtirishdir) vazifasida kelmoqda. Alqissa, baytda tanosub, mubolag‘a, tashbeh o‘xshatish, iyhom, kichraytirish, tamsil kabi she‘riy san‘atlar qorishiq kelib, uning nafosatini ko‘tarishda xizmat qiladi.

Uning bunday she‘rlari shunchaki san‘atpardozlik namunasi bo‘lmay, muayyan g‘oyani yuzaga chiqarish, ma‘shuqaning siyratiga mos suratini chizish, she‘r ixlosmandi qalbida go‘zallikka nisbatan yuksak shavqu zavq uyg‘otish, misralarning ta‘sir quvvati va uzoq esda saqlanishini ta‘minlash kabi ulug‘vor maqsadlar yo‘lida xizmat qiladi:

Tishing dur, labing marjon, xading gul, xating rayhon,
Yuzung hur, soching anbar, so‘zung mul, menging meynon.
Meynon menging, so‘zung mul, anbar soching, yuzung hur,
Rayhon xating, xading gul, marjon labing, tishing dur.

Oshiq nigohida ma‘shuqa noyob mo‘jiza. SHundan ona — tabiatdagi eng oliy ashyo va mavjudotlar uning qiyosi uchun tanlanadi. Ma‘shuqaning mitti-mitti va did bilan saflangan tishchalari - dur. Ummon tubida, sadaf bag‘rida voyaga etgan durning bahosi bironbir zamonda ham arzon bo‘lmagan va uning misqoli yuksak Kadrlangan. SHuning uchun ayni safda turishda ma‘shuqa tishining haddi sig‘adi. Mahbuba labining marjonga muqoyasa qilinishi zohiran g‘ayri tabiiyday tuyulishi aniq. Biroq masalaga tanosub san‘ati va yuqoridagi ta‘kidimiz talabidan qarasak, fikrimiz ijobiy tomonga o‘zgaradi. Bobur hazratlari tashbeh qo‘llashda zinhor ma‘shuqaning har qanday bolni ham dog‘da qoldiradigan, yurakka o‘t tashlashga qodir labini emas, balki uning ustiga ibodan hosil bo‘lgan va *gul yaproqchalari* tepasida makon tutgan shudring tomchilarini eslatuvchi terni nazarda tutmoqda. CHindan-da o‘sha quyosh nurida yilt-yilt shu‘la uyg‘otuvchi tomchilar marjon donalaridir. Ma‘shuqaning yonog‘i (xad) ochilgan *gul kosachasining yaproqchasiga* qiyoslangan; xat — ma‘shuqaning ustki labidagi mayin va nafis tukchalar. Yo‘q, ular *rayhonday xushbo‘y* va *uning ildizchalari kabi mayindir*. Marjon ham anoyi emas, uning donachalari ana

o‘shunday nafasat bog‘idan makon topadi. SHoir tashbeh qo‘llashda topqirlik ko‘rsatadi va mahbubaning suratu siyrati mutanosib badiiy tasvirini chizishda tug‘ma iste‘dod sohibi ekanligini namoyish qiladi. Bobur Mirzo so‘z dodini berib, uni yuksak maqomga ko‘tarishga mahorat ko‘rsatgan, oz va soz she‘riyati bilan mumtoz adabiyotimiz xazinasiga bebaho durdonalar qo‘shgan ulug‘ iste‘dod sohibi sifatida qadrlidir.

Guli ro‘yat, ki zohir gashta rangi yosamin o‘ro,
Chi boshad k-az man gulrang sozy otashin o‘ro.
Namedonam zi may shud surx chashmi kofirat yoxud
Libosi ol po‘shondy ba katli ahli din o‘ro.
Maro ham g‘unchai dil bishkufad chun on dahan hargah
Zi xay shabnam chu binshinad ba gulzori jabin o‘ro.

Misralarda go‘yo gul haqida gap ketadi. Aslida, gul mahbubaning sifatlovchisi. Gul gul hajrida yosaminga o‘xshab qolgan. Ya‘ni rangi za‘faron. YAsharish, yashnashdan ko‘ra xazon, so‘lish mayli balandroq. Ammo hali umid uchqunlari so‘nib bitmagan. Gul — ma‘shuq jismiga harorat olib kirishning iloji bor. Gulrang — qizil may uning uchun «obi hayot» vazifasini o‘tay oladi. Shunday qilinganda, maygun lablardan sharob (bo‘sa) hadya etilganda, yosamin rangli chehraning «otashin» (shu‘la rangli, qizil) qiyofaga kirishi hech gap emas.

Shunday gapni ikkinchi va uchinchi baytlar o‘rtasidagi uzviylik misolida ham aytish mumkin. Yana o‘sha rang - qizil bilan bog‘liq jarayonlar o‘zgacha jiloda uchinchi baytga ko‘chadi. Dil - gul g‘unchasi, nim ochilgan g‘uncha — ma‘shuqaning mitti og‘izchasi, gulzor — uning dilkash chehrasi, yal-yal tovlanuvchi yanoqlari. SHularning barchasi bir baytdagi manzara. Ularning har qaysisi o‘z joyini topgan va mantiqiy-hayotiy muvozanat talablariga to‘la mos bo‘lib tushadi. Tahlil qilinayotgan baytda gulzor hamda ma‘shuqa jismining yuz qismidagi o‘zgarishlar tasviri yonmayon davom qiladi. G‘uncha o‘z-o‘zicha ochilmaydi. Tabiiy ta‘sir - issiqlik, tong saharda tushgan mayin shudring o‘sha jarayonni tezlashtiradi. Oshiq joni qasdiga qilich qayragan ma‘shuqa chehrasidagi ruhiy jilolar ham ta‘sirsiz o‘zgarishlarga uchramaydi. Oshiqning jismida hijron va jamol iztiroblari tufayli vujudga kelgan holat *-gulzordagi shabnamning g‘unchaga ta‘siriga qiyoslanadi*. O‘shalar ma‘shuqaning chehrasida nim tabassum indiradi va og‘izcha nim ochilganday bo‘ladi.

Buyuk so‘z san‘atkori Boburmirzo ijodi hamisha bizni hayratlantirib kelgan. Biz uning g‘azallarini tahlil qilar ekanmiz har doim yangi bir qirrasini ochgan bo‘lamiz. Mohirona qo‘llangan tabiat inomlaridan metafora usulida qo‘llangan g‘azal parchalari bizni hayratlantiradi va yana qayta murojaat qilishga undaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Bobur Zahiriddin Muhammad. Boburnoma. T. Sharq, 2007.
2. Bobur Zahiriddin Muhammad. Devon. T. Fan, 1994.
3. Bobur. Sochining savdosi tushti. T. Sharq, 2007.
4. Bobur. G‘aribing andijoniydur. T. Sharq, 2008.

TARIXIY SHAXSLAR VA VORISLIK AN'ANALARI

Karimov I.Y.

Farg'ona davlat universiteti Maktabgacha ta'lim kafedrası o'qituvchisi

Asrlar davomida ulug' ajdodlarimiz tarixiy taraqqiyotning ichki mantig'ini tushunishga va shu asosda insoniyatning iqtisodiy, siyosiy va ma'naviy rivojlanishi muammolarini ijobiy hal etib, jamiyatni boshqarishning eng maqbul, adolatli usullarini joriy qilishga intildilar.

Amir Temur o'z davlatini qonunlar asosida barpo etmasa, bunday davlatning nufuzi, salohiyati, obro'siga putur yetar va uning hukmdori ham yuqori darajada tan olinmasdi.

Zahiriddin Muhammad Bobur ham Hindiston va Afg'onistonni o'z ichiga olgan ulkan saltanatga asos solar ekan, ham iqtisodiy, ham siyosiy omillarni hisobga olgan holda, aholining diniy-dunyoviy holati, ma'naviy-ruhiy ahvolini nazardan qochirmasdan, tegishli qonun-qoidalar ishlab chiqishga bel bog'lagan. Shu bilan birga, o'z davrining siyosiy-huquqiy an'alariga tayangan holda faoliyat olib borgan.

Chunki X-XII asrlarda Movarounnahrda ilm-fan gurkirab rivojlangan, jamiyat taraqqiyoti uchun islom huquqiga amal qilish ijtimoiy zaruriyatga aylangan, ko'plab fiqh olimlari adolatli qonunlar majmualarini yaratgan edilar. Jumladan, Burhoniddin Marg'iloniy nafaqat hukmdorlar, allomalar, balki oddiy xalq orasida ham «hidoyat yo'lining sarboni» sifatida katta obro'-e'tibor topdi. Ul zotning «Hidoya» asari musulmon huquqshunoslari orasida katta shuhrat topdi.

Huquqshunoslikka oid bunday asarlardan mukammal xabardor bo'lgan Amir Temur va Bobur chingiziylarning «Yaso» singari davlat ahamiyatiga ega bo'lgan hujjatlarini ham sinchiklab o'rganganlar. Shuning uchun ham ular shavkatli hukmdorlar sifatida o'z davlatiga adolatli qonun va qoidalar, hukmlar to'plami – tuzuklarni, “Mubayyin” singari majmualarni berdilar.

Ibn Arabshoh «Amir Temur tarixi» kitobida shunday yozadi: «Temur tarix kitoblari, payg'ambarlar qissalarini, podsholar siyratlari va o'tgan salaflar haqidagi hikoyalarni doimo o'qitib, qunt bilan tinglar edi. U shu darajaga borib etgandiki, agar o'qiyotgan kishi biror xatoga yo'l qo'ysa, Temur uning xatosini tuzatib, savolga tutar edi». Tuzuklarning Amir Temur devonida turkiy tilda yozilganligi haqida xulosa qilishga mashhur tarixchi Sharaffuddin Ali Yazdiyning quyidagi fikrlari asos bo'la oladi: «...shu tartibda ul hazrat hayotining ulug' voqealari va kechinmalarini o'z ichiga olgan turkiy manzuma va forsiy asar, alohida -alohida nazm va (nasr) tarzida tuzulgan edi». Yaqinda to'la holda nashr etilgan «Qissai Temur»da «amr etdimki, ul maktub suratini voqealarim daftarida sabt etgaylar», – deb Temurning o'z qo'li bilan yozilgan so'zlarning manbada uchrashi ham shunday xulosaga kelishmizga sabab bo'ladi.

«Ushbu asar yozilayotganda, – deyiladi akademik I.Mo'minovning risolasida, – uning boblarini Temur necha martalab o'qib chiqqan, ba'zi joylarini tuzatgan, tahrir etgan, qo'shimcha dalillar zarur bo'lib qolganda, o'sha voqea sodir bo'lgan joylarga odam yuborib, aniqlashtirgan, voqealarning doimo to'g'ri, tarixiy haqiqatga mos ravishda yoritilishini talab qilgan».

Zahiriddin Muhammad Bobur ham har bir eshitgan voqea-hodisani o'z ko'zi bilan ko'rib, tekshirmaguncha “Boburnoma”ga kiritmagan, tekshirib ko'rish imkoni bo'lmagan taqdirdagina “Val uhdatu alar roviy” (yolg'on bo'lsa gunohi aytgan odamning bo'yniga) degan ibora bilan yozishga majbur bo'lgan. Bu esa “Tuzuklar” va “Boburnoma” mualliflarining pozitsiyalarini belgilovchi asosiy omillardan hisoblanadi.

Jamiyat o'zining zaruriy qonuniyatlariga egadir. O'sha zaruriy qonuniyatlar tarkib topmas ekan, jamiyatda turli tengsizliklar kelib chiqishi hamda bu bilan davlatning rivoj topishiga putur etishi muqarrar. Shu bois ham Amir Temurning, 27 davlatni birlashtirgan markazlashgan ulkan

saltanati, tabiiyki, qonunlar to‘plamlari asosida yaratilgan va unga qat’iy amal qilish yo‘lga qo‘yilgan bo‘lishi kerak edi.

Shu ma’noda Zahiriddin Muhammad Bobur ham “Boburnoma”dan tashqari yana islomiy-shar’iy qonun-qoidalar, soliq va zakot tizimi haqidagi qonunlarni she’riy yo‘l bilan bayon qilgani va “Mubayyin” nomi bilan meros qoldirgani Amir Temur an’alarining muayyan ko‘rinishdagi davomi edi, deyish mumkin.

Amir Temur turmush tajribalari asosida ishlab chiqqan va uning hukmi bilan qonun darajasiga ko‘tarilgan qoidalar majmui bor ediki, ularni to‘plam holiga keltirib, o‘zidan keyingi vorislariga ham qonunlar tizimi, ham turmush tajribasi va maslahatlar tarzida qo‘llanma qilib qoldirishi lozim edi. Ana shu to‘plam tarixiy asarlarda va turli tildagi tarjimalarga mos holda «Temur tuzuklari», «Tuzukot Temuriy», «Temurning aytganlari» va «Voqeoti Temuriy» – «Temurning boshidan kechirganlari», «Qissai Temur», «Malfuzoti Temuriy», «Temur qissasi», nomlari bilan mashhurdir.

“Boburnoma” ham uning muallifi tomonidan “Vaqoe” tarzida nomlanishi, Bobur vafotidan so‘ng “Voqeoti Boburiy” sifatida shuhrat qozonganligi, keyinroq esa “Boburnoma” shaklida jahon keza boshlaganligi ma’lum. Bu esa, birinchidan, Boburning “Tuzuklar” bilan yaqindan tanish bo‘lganligini ko‘rsatsa, ikkinchi tomondan, “Boburnoma” muallifi Temur an’alarini izchil davom ettirganligidan dalolatdir. Har ikki asardagi lo‘nda ifoda, qat’iy xulosalar, mantiqiy mustahkam qarorlar ham mualliflar pozitsiyasidagi mushtaraklikni belgilaydi.

Amir Temur o‘z “Tuzuklar”ida o‘tmishda yashab o‘tgan, ijtimoiy taraqqiyotda sezilarli iz qoldirgan zotlar haqida zamondoshlariga ibrat va o‘rnak bo‘ladigan rivoyat, hikoyat yoki tarixiy ma’lumotlarni keltirib o‘tadi. Masalan, Sharq ijtimoiy-siyosiy, madaniy-ma’rifiy hayotida katta rol o‘ynagan, siyosatchi va adib, jamoat arbobi va alloma Nizomulmulkning nomi bir necha joylarda tilga olinadi. “Buzuqi, qora ko‘ngilli, zoti past odam vazirlik qilsa, davlatu saltanat tez orada qulaydi. Masalan, Malikshoh Saljuqiy ¹⁰o‘z vaziri Nizomulmulkni martabasidan tushirdi. Vazir boshdan-oyoq yaxshi sifatlariga o‘ralgan edi. Uning o‘rniga zoti past, yomon bir kishini vazir qilib tayinladi. Bu shumqadam vazirning qabih ishlari, zulm-sitami va nafi buzugligi kasofatidan saltanat binosi buzila boshladi...”

Yana bir qiziqarli misol: “Temur tuzuklari”da quyidagilarni o‘qiyimiz: “Mening eshitishimcha, Nizomulmulkning yomon qilmishlari kam bo‘lib, xayrli ishlari ko‘proq edi. U hajga bormoqchi bo‘lib turganida avliyolardan biri unga debdi: saroyda turib, amalga oshiryotgan xayrli ishlaring va Tangi taoloning bandalariga etkazib turgan yordaming haj qilish bilan barobardir”.¹¹

Amir Temurning bu qaydlari Alisher Navoiy hayotida ham shunday voqea bo‘lganligini, odamlar shoir va arbobning mamlakat osoyishtaligi va obodligi yo‘lida qilayotgan ishlari haj savobidan kam emasligini uqtirib, uni qaytarganliklarini yodimizga soladi. Zahiriddin Muhammad Bobur ham Navoiyning ko‘p jihatlarini Nizomulmulk bilan tenglashtirib, quyidagilarni yozadi: “Yana Alisherbek Navoiy edi, (Husayn Boyqaroning) begi emas edi, balki musohibi (eng yaqin kishisi) edi... Ahli fazl va ahli hunarg‘a Alisherbekcha murabbiy va muqavviy ma’lum emaskim, hargiz paydo bo‘lmish bo‘lg‘ay... Muncha binoyi xayrkim, ul qildi, kam kishi mundoqqa muvofiq bo‘lg‘ay. Mirzodin nima olmas, balki yilda Mirzog‘a kulliy mablag‘lar peshkash qilur edi...”¹²

Ko‘rinadiki, Amir Temur ham, uning zurriyodlaridan bo‘lgan shavkatli shoh va shoir Bobur ham o‘z zamonasi talablari, tarixiy muhit taqozosidan kelib chiqib, ijtimoiy-siyosiy hayotni muayyan tartiblar asosida boshqarish, qonun-qoidalarni yangilash yo‘lidan borganlar. Bu borada

¹⁰ Маликшоҳ Салжуқий – Маликшоҳ Жалолиддин, салжуқийлар сулоласидан (1072 – 1092)

¹¹ Темур тузуклари. Т.: 1991. 77-бет.

¹² Бобурнома. Т.: 1989. 154-бет

ularning keng dunyoqarashi, izchil pozitsiyasi, xolislik va adolatli munosabatlari, uzoqni ko‘ra bilishlari muhim ahamiyatga ega bo‘lgan.

ADABIYOTLAR

- 1.Mamatov X.T. Amir Temur tuzuklarida davlat va huquq masalalari. – T.: Yangi asr avlodi, 2001.
- 2.Bobur Zahiriddin Muhammad. “Boburnoma”. T.: 1990.
3. Bobur. Asarlar. T.: 1965.
4. Bobur Zahiriddin Muhammad. Devon. T.: 1994.
5. Boburnoma jahon kezadi. T.: 1984.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BABUR - WARLORD, POLITICIAN AND POET

Vokhidova S.H.

TESOL Certified English Teacher Bukhara region in-service and retraining center of public educators

Uzbekistan has lots of great heroes and their heritage from ancient time till nowadays. One of such heroes is Zahiriddin Muhammad Babur. The name of Zahiriddin Muhammad Babur in the history of Uzbekistan is on a par with such political figures and military leaders as Jaloliddin Manguberdi, Amir Timur, Ulugbek and Alisher Navoi. A direct descendant of Timur, Babur created an empire of Baburids in India it is also known as Mughal Empire in the western sources and was a loyal son of his country and the rest of his life he was fighting for its welfare and prosperity.

Babur was the son of the Timurid prince Umarsheykh, the ruler of the Fergana region. He was born in 1483. At the age of 12 years, resulting in the tragic death of his father, he became the new ruler and started a brutal struggle for power in Mawarannahr. During 1494-1496, while still a teenager, Babur participated in the battles of Samarkand, where he first met on the battlefield with his most powerful enemy, Sheybani Khan, who had an enormous impact on the fate of Babur.

Most of his life Babur spent in military campaigns and battles. He tried unsuccessfully to unite the separated regions of Mawarannahr and create a new great state of Temurids. His dream was realized in India, where he went with his troops in 1526. Babur succeeded in laying the basis for the Great Mughal Dynasty in India, which had existed for about 300 years. His ideas preached the establishment of harmony among the peoples and spread of education among the general population.

Along with his military and political activities Babur was a great poet, whose rubais (lyric quatrains) delight and inspire many people even today. He wrote one of the most famous oriental works in world literature: “Baburnama”.

"Baburnama" is personal letters of Babur, which he has kept throughout life and collected in one work. "Baburnama" is not only a description of the personal life of the author, but also a valuable source for studying the history, culture and life of the peoples, flora and fauna of various areas visited by Babur.

Babur was one of the greatest men of his time. Creating one of the most powerful empires in the history of the East, he, nevertheless, remained an ardent patriot of his country at heart and the rest of his life tried to establish diplomatic and friendly ties with his native city of Andijan.

Today Andijan people proudly pronounce the name of Zahiriddin Muhammad Babur and honor his memory. The town has a monument to Babur, as well as the House of Babur, which has been preserved to our time.

The name of Zahiriddin Muhammad Babur is still in the heart of people both of Uzbekistan and India. They are grateful to Babur for development which he did at that time and rich cultural heritage which he and his descendants left. Even several poets and writers devoted their poems and novels to Babur. One of such great works is the poem "India shining" by Hitendra Mehta.

India Shining

India, my motherland best as any mother
To me, at par with best world over
India's invention of Zero and Decimal
Critical to scientific calculation, invention
Rich ancient culture of Harappan civilisation
Alexander, Babur, too could not resist invasion
Founder of Diverse religions,
Hinduism, Buddhism, Jainism, Sikhism
Himalayas, abode of Saints, spiritual Mantra
Holy rivers Ganga, Yamuna, Bhramaputra
Multi-culture, cuisine, languages - local, foreign
Muslim, Christian, Zoroaster, secular terrain
For centuries borne Moghuls, British slavery
Now successful largest Democracy
Greats - Gandhi, Vivekananda, Mahavir, Buddha
Sacred texts - Vedas, Puranas, Epics - Ramayana, Mahabhart, Gita
Taj Mahal, Khajurao, Ajanta, Ellora – mausoleum, temples, caves
India's Wonders of World, UNESCO World Heritage Sites
Deployed for Peace, Nuclear Power
World's second largest Army but invaded never
Founder Member of UN, Non-aligned Movement
India's standpoint significant in any world's event
India, leading force in South Asia Region
Global force to reckon with in any international forum
Every third Indian in world's intellectual work force
Medicine or Software, India has best human resource
World's second fastest developing economy
India, future Super Power, can't stop any.

The descendants of Zahiriddin Muhammad Babur are still existed in India and they keep connection with Uzbekistan as they participated several cultural events in Uzbekistan as guests.

The life of Zahiriddin Muhammad Babur was full of braveness, fights and science. As mentioned above, about his life were taken several films and written many poems, novels and articles. For instance:

Gordon, Stewart. When Asia was the World: Traveling Merchants, Scholars, Warriors, and Monks who created the "Riches of the East" Da Capo Press, Perseus Books, 2008. ISBN 0-306-81556-7.

Hasan, Mohibbul (1985). Babur: Founder of the Mughal Empire in India. New Delhi: Manohar Publications.

Irvine, William The Army of the Indian Moghuls. (London) 1902. (Last revised 1985)
Jackson, Peter The Delhi Sultanate. A Political and Military History (Cambridge) 1999
Richards, John F. The Mughal Empire (Cambridge) 1993

All these works were written by famous scholars and novelists of different countries and centuries. And it means that Zahiriddin Muhammad Babur is not only Uzbekistan's national hero, but also he is the hero of the whole world.

The list of used literature:

1. Bobur Zahiriddin Muhammad. Boburnoma. T. Sharq, 2007.
2. Bobur Zahiriddin Muhammad. Devon. T. Fan, 1994.
3. Bobur. Sochining savdosi tushti. T. Sharq, 2007.
4. Bobur. G'aribing andijoniydur. T. Sharq, 2008.

BOBURSHUNOSLIK YO'NALISHLARINI ILMIIY VA TARIXIY TADQIQ ETISH MASALALARI

Ubaydullayeva Sh.A.

O'ROHABYU "Ijtimoiy-iqtisodiy va gumanitar fanlar" kafedrasida katta o'qituvchisi

Zahiriddin Muhammad Boburning ijodi insonni komillikka chorlovchi ulkan ma'naviy merosdir. Buyuk bobokalonimizning serqirra ijodi juda katta tarixiy va ilmiy ahamiyatga ega. Ayniqsa, adabiyot, tarix, tilshunoslik, huquqshunoslik, musiqa va geografiyaga oid asarlari bizga tariximiz haqida juda ko'p ma'lumotlar berish bilan birga, o'sha davr yozma manbalarini o'rganishimizda muhim manba bo'lib xizmat qiladi. O'zbekiston va jahon olimlari sa'y-harakatlari, zahmatli ko'p asrlik mehnatlari tufayli Zahiriddin Muhammad Bobur shaxsi butun barkamolligi bilan tarixiy va adabiy siymo sifatida baralla qad ko'tardi. Fanda boburshunoslik va «Boburnoma»shunoslik yo'nalishlari yaqqol sezilib qoldi. XX asrgacha o'zbek tarixchi va tazkirachilari asarlarida Bobur haqida ma'lumotlar berildi¹³.

O'zbekistonda Bobur hayoti va ijodini o'rganish, asarlarining ilmiy akademik va ommaviy nashrlarini e'lon qilish asosan XX asrning 40- yillaridan boshlandi¹⁴. Ushbu xayrli ish boshlanishiga muayyan ma'noda Alisher Navoiy tavalludi tantanalarining rejalashtirilishi va o'tkazilishi ham turtki bo'lgan, degan fikrlar bor. Boburning O'zbekistonda tanilishi va o'rganilishida olimlardan Abdurauq Fitrat, Maqsud Shayxzoda, Homil Yoqubov, Oybek, Olim Sharofiddinov, Porso Shamsiyev, Sodiq Mirzayev, Aziz Qayumov, Vohid Abdullayev, Natan Mallayev, Botirxon Valixo'jayev, Xosiyat Nazarova, Hamidulla Hasanov, Said Aliyev, Aleksandr Samoylovich, Iya Stebleva, Mixail Sale, Sabohat Azimjonova, Saidbek Hasanov, Abdurashid Abdug'afurov, Yoqubjon Ishoqov, Ibrohim Haqqul, Turg'un Fayziyev, Fozila Sulaymonova, Fathiddin Ishoqov, Hasanjon Quadratillayev, Ismoil Bekjon, Begali Qosimov, G'aybulla Salomov, Ne'matulla Otajonov, Anzoriddin Ibrohimov, Rahim Vohidov, Hamidulla Boltaboyev, Iqboloy Adizova, G'afurjon Sotimov, Zokirjon Mashrabov, Sayfiddin Jalilov, adiblardan Pirimqul Qodirov, Xayriddin Sultonov, Qamchibek Kenjaning xizmatlari qayd etgulikdir¹⁵.

¹³ *Жаҳон адабиёти* "журнали, 2005 йил, 2-сон

¹⁴ Vohidov R., Eshonqulov H. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. -Toshkent: Yangi asr, 2006.

¹⁵ Adizova I. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. (XVI-XIX asr I yarmi) -Toshkent, Fan, 2006. -240 b.

Har nima bo'lganda ham shoh va shoir Bobur asarlarining o'zbek poeziyasi antologiyasiga, o'rta maktab darsliklariga kiritilishi, 40- yillardayoq «Boburnoma»ning ikki kitob holida nashr etilishi, rus tiliga Mixail Sale tomonidan tarjima qilinishi va shu tarjima orqali boshqa tillarga o'g'irilishi; Bobur davri, hayoti va ijodi haqida tarix, adabiyot fanlaridan nomzodlik va doktorlik dissertatsiyalarining yozilishi, Bobur asarlari uchun lug'atlar tuzilishi, adabiyot va san'atda Bobur obrazining yaratilishi, O'zbekistonda shoir nomining abadiylashtirilishi kabilar XX asrga mansubdir. Bunda 80- yillari Boburga nisbatan mafkuraviy xurujlar uyushtirilganini ham inobatga olmoq kerak bo'ladi, albatta. 60- yillardayoq Sabohat Azimjonova va Aziz Qayumov Bobur asarlarining uch jildligini e'lon qilganliklari; Porso Shamsiev va Sodiq Mirzaev «Boburnoma»ning ilmiy-tanqidiy matnga yaqinlashtirilgan mukammal nusxasini nashr etganliklari, Saidbek Hasanov Boburning «Mufassal» nomli yirik aruz tadqiqotini «Muxtasar» nomi ostida aslining fotofaksimil nusxasini va matni kirill harflarida nashrga tayyorlab chop ettirgani, Iya Steblevaning «Bobur g'azallari semantikasi» tadqiqotining yaratilgani, Salohiddin Jamolovning «Boburnoma»ning badiiy xususiyatlari», Xosiyat Nazarovanning «Zahiriddin Muhammad Bobur asarlari uchun qisqacha lug'at», Sabohat Azimjonovanning «Boburning Kobul va Hindistondagi davlati», G'aybulla Salomov va Ne'matulloh Otajonning «Boburnoma jahon kezadi» kitoblarining olam yuzini ko'rgani boburshunoslikka qo'shilgan ilmiy hissalar bo'ldi¹⁶.

Buyuk istiqlol shoh va shoir Bobur bo'y-bastini o'z eliga baralla namoyish qilishning yangi-yangi imkoniyatlarini yaratdi. Mustaqillik va milliy g'oya olimlarga boburshunoslikda o'ziga xos qanot berdi, deyish mumkin. Ushbu yillarda Bobur va boburiy ijodkorlar asarlarini katta tirajlarda nashr qilish jadal sur'atlarda davom etdi.

Istiqlol yillari davomida Bobur va boburiylar haqidagi kitoblarning ko'plab yaratilganini alohida qayd etishga to'g'ri keladi; yuzlab maqolalar, o'nlab risola va monografiyalar buning yorqin dalilidir. Hasanjon Quدراتillaevning «Bobur armoni», Rahim Vohidovning «Biz bilgan va bilmagan Bobur», Iqboloy Adizovanning «So'zumni ko'rub anglag'aysan o'zumni...», Ansoriddin Ibrohimovning «Boburnoma» — buyuk asar», «Boburnoma»dagi hindcha so'zlar», G'afurjon Sotimovning «Boburiyzodalar», «Markaziy Osiyo va Hinduston tarixida boburiylarning o'rni», Sayfiddin Jalilovning «Bobur va Yuliy Sezar», «Bobur haqida o'ylar», Fathiddin Ishaqovning «Boburnoma» uchun qisqachaizohli lug'at», Zokirjon Mashrabov va S. Shokarimovning «Asrlarni bo'ylagan Bobur», Aziz Qayumov va Saidbek Hasanovning «Bobur ijodiyoti», Qamar Raisning «Bobur shaxsi va she'riyati», Shafiqa Yorqinning «Bobur devoni. Takmila»; Komron «Devon»i (ilmiy-tanqidiy matn), «Gulbadan Begim «Humoyunnoma», Rumer Godenning «Gulbadan» romani, Pirimqul Qodirovning «Bobur», «Avlodlar dovoni» romanlari, Xayriddin Sultonovning «Boburning tushlari», «Saodat sohili», «Boburiynoma» qissalari va ma'rifiy romani, Qamchibek Kenjaning «Hind sorig'a», «Buyuklar izidan», «Andijondan Dakkagacha», «Andijondan Bag'dodgacha» safarnomalari shular jumlasidandir¹⁷.

Xulosa qilib aytganga, har bir xalqning tarixiy, madaniy-milliy qiyofasini aniq belgilovchi ulug' shohlari, buyuk olimlari, yirik adib va shoirlari bo'ladi. Insoniyatning abadiyatga mansub ana shunday buyuk farzandlari safida Zahiriddin Muhammad Bobur ham o'z o'rniga ega. Kishilik tarixida Boburchalik shaxsiy imkon, iqtidor va fazilatlar beqiyos kishilar juda kam uchraydi. Bobur — buyuk podshoh, mumtoz shoir, nazariyotchi adabiyotshunos, faqih, tilshunos, san'atshunos, etnograf, hayvonot va nabotot olamining bilimdoni sifatida ko'pqirrali faoliyat va ijod sohibi edi. Birgina «Boburnoma» uning yigirmadan ortiq sohalarga qiziqqanligiga yaqqol misoldir.

¹⁶ Valixo'jaev B., Tohirov Q. O'zbek adabiyoti tarixi. XVI asr. — Sam.: SamDU nashri, 2002.

¹⁷ Abdug'afurov A. Bobur she'riyati. Bobur. Devon. —T.: Fan, 1994, 3-14 —betlar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Vohidov R., Eshonqulov H. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. -Toshkent: Yangi asr, 2006.
2. O'zbek adabiyoti tarixi. 5 tomlik. 3-tom. - T.: Fan, 1978.
3. Valixo'jaev B., Tohirov Q. O'zbek adabiyoti tarixi. XVI asr. – Sam.: SamDU nashri, 2002.
4. Abdug'afurov A. Bobur she'riyati. Bobur. Devon. –T.: Fan, 1994, 3-14 –betlar.
5. Adizova I. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. (XVI-XIX asr I yarmi) -Toshkent, Fan, 2006. - 240 b.
6. Zahiriddin Muhammad Bobur. Devon. -T.: Fan, 1994.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR HAYOTI, IJODI VA ADABIY MEROSI

Yunusov B.A., Ro'ziyev Sh.Sh.

*Chirchiq oliy tank qo'mondonlik muhandislik bilim yurti, umumtexnika fanlari kafedrasini
katta o'qituvchilari*

Zahiriddin Muhammad Boburning hayoti, faoliyati va merosini o'rganish XVI asrning avvalidan boshlangan edi. Boshqacha qilib aytganda, bu qutlug' ishni Boburning o'zi "Boburnoma"da boshlab bergan edi. Shundan so'ng Movarounnahr, Afg'oniston va Hindistonda yozilgan tazkira va tarixiy asarlarda Bobur haqida ma'lumot berish kuzatiladi. Bu jihatdan Boburning qizi Gulbadanbeginning "Humoyunnoma", Muhammad Haydarning "Tarixi Rashidiy" kabi asarlari, ayniqsa, diqqatga sazovordir. Chunki bu mualliflar Bobur bilan bevosita muloqotda bo'lib, uning faoliyati, shaxsiyati va fazilatlarini to'g'risida qimmatli ma'lumotlarni keltirganlar. Bunday ma'lumotlar shu asrda Buxoroda Hasanxoja Nisoriy tomonidan yozilgan "Muzakkiri ahbob" da ham bor. Hindistonda Akbarshoh, Jahongirshoh, Shoh Jahon hukmdorligi davrida yaratilgan tarixiy asarlar va tazkiralarda Bobur haqida ham ma'lumotlar keltirilgan ("Akbarнома" va boshqalar).

Keyinchalik, xususan, XVIII asrdan boshlab, Bobur hayoti, faoliyati va merosi bilan qiziqish Yevropada ham jonlanib ketdi. Uning "Boburnoma"sig'a bo'lgan ehtirom tufayli XIX asrda u ingliz (Elfinston, Erskin, Beveridj), fransuz (Pave de Kurteyl) tillariga tarjima qilinib bosildi. Rus olimi N. Ilminskiy esa "Boburnoma"ning asl nusxasini nashr ettirdi. Bunday hol XX asrda ham davom etdi. Jumladan, fransuz adibi Fernand Grenard "Bobur", Amerikalik yozuvchi Harold Lamb "Bobursher" asarlarini yaratdilar. Fernand Grenardning asari keyinchalik nemis (1931 y.) va turk tillariga (1970 y.) tarjima qilinib, nashr ettirildi. "Boburnoma"ning bevosita o'zbek tilidan fransuz (Bakye Grammon, 1980 y.) va ingliz (V.M.Sekston, 1996 y.) tillariga yangi tarjimalari maydonga keldi [1].

Afg'onistonlik olimi Shafiqa Yorqin Bobur she'riy merosining nisbatan to'liq nusxasini tuzib, katta tadqiqot bilan birga 1983 yilda "Devoni Zahiriddin Bobur" nomi bilan Kobulda nashr ettirdi. Rus olimasi I.V. Stebleva Bobur she'riyati (g'azallari) ga oid risolasini yaratdi.

XX asrning 20-80 yillari orasida mamlakatimiz O'zbekistonda ham Bobur hayoti, faoliyati va merosini o'rganish sohasida ma'lum ishlar amalga oshirildi: uch jildlik asarlari nashr ettirildi, tadqiqotlar yaratildi.

Hayot faoliyati, adabiy merosi.

Zahiriddin Muhammad Bobur 1483 yil 14 fevralda Farg'ona viloyatining hokimi temuriyozda Umarshayx mirzo oilasida dunyoga keldi. Bu vaqtda Umarshayx mirzoning poytaxti Axi (qadimiy Axsikat) edi. Umarshayx mirzo (tav.-1455-Samarqand-vaf. 1494-Axi) Movarounnahr va Xuroson podshosi Abu Said Mirzoning o'g'li bo'lib, Boburning yozishicha, "Ravon savodi bor edi. Xamsatayn va masnaviy kitoblarni o'qub edi. Aksar "Shohnoma" o'qur edi. Tab'i nazmi bor edi,

vale she'rg'a parvo qilmas edi». Shunday bo'lsa-da, Boburning ta'kidiga ko'ra, Umarshayx mirzoda "mulkgirlik dag'dag'asi" kuchli edi.

Boburning onasi Qutlug' Nigor xonim bo'lib, u Yunusxonning qizi edi. Bobur Umarshayx mirzo oilasidagi sakkizta farzandning (uch o'g'il va besh qiz) kattasi bo'lib, temuriyzodalarning o'sha davrdagi udumiga ko'ra tarbiyalandi, Andijonda tahsil oldi. Shuning uchun otasi 1494 yilda Axsida fojiali tarzda olamdan o'tganda Bobur Andijonda edi. Bobur yozadi: "Umarshayx mirzog'a bu voqea (ya'ni, fojiali o'lim) dast berganda men Andijonda chahorbog'da edim" (Boburnoma, 72-bet).

1494 yilda 12 yoshida Farg'ona viloyati taxtiga o'tirgan Bobur umrining oxirgacha (1530) viloyatdorlik (Farg'ona), mamlakatdorlik (Kobul) hamda saltanatdorlik (Agra-Hindiston) bilan mashg'ul bo'lib, Hindistonda boburiylar saltanatiga (1526-1858) asos soldi.

Albatta, bunday davlatdorlik ishlari o'z-o'zicha bo'lgan emas: turli xildagi ixtiloflar, ba'zan suiqasd uyushtirishlar, gohida g'alaba nash'asi, gohida esa mag'lubiyat o'kinchilari; uni tushunmasliklar va boshqalar ham sodir bo'lgan edi. Bunday hollarni "Boburnoma"ni sinchiklab mutolaa qilgan har bir kishi aniq tasavvur eta oladi. Bobur bularning hammasini mustahkam irodasi va ezgulikka erishish uchun chin ko'ngildan va g'ayrat bilan harakat qilgani tufayli engib o'tdi. Natijada Bobur yirik va qobiliyatli davlat arbobi sifatida tinchlik-osoyishtalik, bahamjihatlik, adolatni o'rnatish, obodonchilik, madaniyat, ilm va adabiyotni rivojlantirish uchun o'zining nodir qobiliyatini va tashabbuskorligini safarbar etdi [2].

Shuning uchun Boburning davlat arbobi sifatidagi ulug' ishlari XVI asrning o'zidayoq Faxriy Hirotiy ("Ravzat us-salotin"), Abulfayz Allomiy ("Akbarнома"), Gulbadanbegim ("Humoyunnoma")lar tomonidan yuqori baholandi. XX asr zabardast jamoat arbobi, Hindistonning bosh vaziri Javohirla'l Neru ham Boburning faoliyatini yuksak darajada taqdirlab, o'zining "Jahon tarixiga bir nazar asarida" shunday yozadi: "Boburning 1526 yilda Dehlida g'alaba qozonishi bilan Hindistonda yangi bir davr maydonga kelib, yangi bir saltanat tashkil bo'ldi...

Zahiriddin Muhammad Bobur Afg'oniston va Hindistonda obodonchilik ishlarini shunchalik rivojlantirdiki, natijada Kobul va uning atrofida ko'pgina shinam bog'lar, Agrada esa go'zal qasr va imoratlar maydonga keldi. Ammo Hindistonda to'rt yilgina (1526-1530) umr kechirdi. Zahiriddin Muhammad Bobur 1530 yil 26 dekabrda Agrada vafot etgach, vasiyatiga ko'ra uning jasadini Kobulga keltirib, o'zi yaxshi ko'radigan bog'da dafn etdilar.

Boburning o'g'illaridan Humoyun, Hindol, Askariy va Komron mirzolar, qizi Gulbadanbegimlar o'z faoliyatlari bilan donishmand otalarining an'analarini davom ettirib, adabiyot sohasida ham o'zlaridan she'riy va nasriy asarlar qoldirdilar

Zahiriddin Muhammad Bobur taniqli davlat arbobi bo'lish bilan birga, nihoyatda qobiliyatli va sermahsul ijodkor - Shoir, yozuvchi, faylasuf, adabiyotshunos, tarix va boshqa fanlarning ham etuk allomasi edi. Bobur hammasi bo'lib, 47 yil umr ko'rgan bo'lsa-da, ammo u qoldirgan ilmiy-adabiy meros o'z salohiyati va ahamiyati jihatidan shunchalik buyukki, ana shu buyuklik Boburning jahoniy shuhrati va abadiyatini ta'minladi [3].

Zahiriddin Muhammad Boburdan bizgacha yetib kelgan ilmiy-badiiy asarlar quyidagilardan iborat: 1. Devon; 2. Boburnoma; 3. Aruz risolasi; 4. Mubayyin; 5. Volidiya; 6. Xatti Boburiy.

"Boburnoma" asarining tarixiy va ilmiy ahamiyati.

Qadimiy Movarounnahr va undagi xalqlar xayoti haqida jonli guvohlik beruvchi asarlar orasida "Boburnoma" alohida ajralib turadi. Ajoyib lirik shoir, o'zbek adibi Zahiriddin Muhammad Bobur tomonidan yaratilgan bu asar ijtimoiy – tarixiy, ilmiy – tabiiy va adabiy- lingvistik ma'lumotlar xazinasidir. Unda 1494-yildan 1530-yilgacha O'rta Osiyo, Afg'oniston va Hindistonda kechgan voqealar bayon etilgan. Bobur tarixiy faktlarni Shunchaki qayd etish, jangu jadallar,

yurishlar haqida xronologik axborot berish bilangina kifoyalanmay, voqealarni jonli tilda qiziqarli hikoya qilad, manzara chizadi, tabiatni, etnografik xolatlarni tasvirleydi, davrni, uning xususiyatlarini gavdalantiradi. Shoir o'z xotiralarini badiiy naql uslubda sodda va ravon bayon etadi. O'nlab tarixiy shaxslarning aniq xarakterini yaratadi. Tabiat manzaralarini suratini chizadi, kitobni har xil syujetlar, ishqiy sarguzashtlar, she'riy parchalar bilan bezaydi. Tilga olingan shaxslarning portreti kiyinishini, tashqi ko'rinishini, fe'l atvorini, odatlari, o'tmishi, avlod-ajdodi, birma bir ta'rif etiladi.

Sharqning ilg'or ziyolilari turkiyda (eski o'zbek tilida) yaratilgan adabiyotning katta nufuzga ega ekanligini ko'rib ilm ahlini bu tilni o'rganishga da'vat eta boshlaydilar. Navoiy va Boburning ajoyib asarlarni tarjima qilib, forsiydonlarni baxramand etishni muhim vazifa deb biladilar. Chunonchi, "Majolis un-nafoyis"ni 1521-yilda Forschaga o'g'irgan Sulton Muhammad Faxriy Xirotiy yozadi: "Ba'zi e'tiborli va xurmatli kishilar turkey iborasi (tili)dan behabar bo'lganlari sababli bu go'zal so'zlarning mavjidan va bu san'atlar dengizining duru gavharlaridan bebahradirlar. Ingliz sharqshunosi L. King bergan ma'lumotiga qaraganda, "Boburnoma" o'z asarida yana ikki marta Muhammadquli va Zayniddin Xavofiy tomonidan fors tiliga tarjima qilingan. Biroq bu tarjima qo'lyozmalarining qqyerda saqlanishini olim aytmaydi. Abdurahimxon tarjimasi Britaniya muzeyida va Maskvadagi Sharq qo'lyozmalari fondida saqlanadi. U. Erskinning J. Layden bilan hamkorlikdagi tarjimasi 1826-yilda bosilib chiqdi. Tarjimonlar asarning o'zbekcha va forscha nusxalarini asos qilib oldilar. J. Layden va U. Erskin tarjimasi 1921-yili Oksford unversiteti nasgriyoti tomonidan ko'p jildli qilib, ikkinchi marta chop etildi. Bu nashrda Dublin unversitetining professori L. Kivt so'zboshi yozib, "Boburnoma" nashrlari, uning jahon qo'lyozma fondlaridagi nushalari, tarjimalari haqida ma'lumot beradi, inglizcha variantni qayta taxrirdan chiqaradi. Ingliz sharqshunoslaridan A. Beverij xonim1902-yili "Boburnoma" ning Xaydarobotd nusxasini faksimile xolida chop ettiradi. (U 1971-yili Londonda qayta nashr etildi.) [4]

Mazkur nashr asarning yana kengroq ommalashuviga sabab bo'ldi. Asarning M. Sale bajargan ruscha tarjimasi hamda 1960-yili P. Shamsiyev va S. Mirzayev tayyorlagan o'zbekcha nashri ana shu A. Beverij xonim nashriga asoslangan. "Boburnoma" P. M. Kaldekot tomonidan ingliz tiliga qisqartirib tarjima qilindi. XX asr oxirlarida F. J. Talbot ham asarni tarjima qilib, suratlar bilan nashr ettiradi. Shuningdek, Bobur asarlarining Turkiyada tarqalishiga atoqli olim Rashot Raxmon Oratning xizmati katta. Ingliz tilida Bobur hatyoti va ijodini o'rganishga talay maxsus monografiyalar yaratildi. Len Poolning "Bobur" (Oksford 1899-yil) va Xarold Lembning "Bobur yo'lbars" (Nyu-York 1961-yil) nomli kitoblari shular jumlasidandir. Ayniqsa, keying kitob qiziqarli adabiy tarixiy ocherk uslubida yozilgan. Buni kitobning ichki bo'limlariga qo'yilgan "Vodiydagi voqealar", "Samarqanddan quvilish", "Qobuldagi saltanat", "Hirotda xiyofat", "Bobur va uning eli", "Hindiston sari yurish", "Panipat va Kanvand", "Buyuk mo'g'ullar imperiyasi", kabi sarlavhalardan ham bilish mumkin. X. Lemb Boburning adabiy merosidan ilmiy ma'lumot sifatida keng foydalangan, ko'proq "Boburnoma" ga murojat etib, undan talay parchalar tarjimasini ham keltirgan. Bundan tashqari, u Mirzo Bobur yurgan yo'llarning ot va tuyada kezib chiqqan [5]

Rossiyada "Boburnoma" ancha ilgari paydo bo'lgan edi. Sharqshunos N. Ilminskiy 1857-yili asarni asl xolid Qozon shahrida chop etilgan. XIX asr oxirlarida "Boburnoma" dan ayrim qismlar I. Pantusov, S. Polyakov, V. Vyatkin tarjimasida rus kitobxonlariga qisman taqdim etilgan bo'lsada, yaxlit ruscha tarjimasi amalga oshirilmagan edi. Bu sharafli va xayrli ish mohir tarjimon va olim M. Sale tomonidan bajarildi va asar 1958-yili Toshkentda bosmadan chiqarildi. M. Sale tarjima ustida o'n yildan ko'proq vaqt mehnat qildi, asar tilini chuqur o'rgandi. Behad ko'p atamalar, ibora va nomlar transkripsiyasini berish, shuningdek, Bobur qalamining "Mardona uslubini" saqlashga muvaffaq bo'ldi. Shunga qaramay, M. Sale tarjimasida xamon talay noaniqliklar mavjud.

“Boburnoma”dagi bir qancha nomlar noto‘g‘ri berilgan. Chunonchi, Axmad Mirzo sevgilisi Qutluqbegim “Katak begim” bo‘lib ketgan, “buqalamun”, “mucha” kabi ba’zi so‘z va iboralar tarjimasiz va izoxsiz keltirilgani sababli rus kitobxoniga tushunarsiz bo‘lib qolgan. Boburning bir necha qizlari bo‘lib, ularning tug‘ilganligi haqida haqida ma’lumot saqlanib qolmagan. Ularning ba’zilari saroy amaldorlariga turmushga chiqqanligi haqida ma’lumotlar saqlangan [6].

Zahiriddin Muhammad Bobur o‘rta asr Sharq madaniyati, adabiyoti va she’riyatida o‘ziga xos o‘rin egallagan adib, shoir, olim bo‘lish bilan birga yirik davlat arbobi va sarkarda hamdir. Bobur keng dunyoqarashi va mukammal aql-zakovati bilan Hindistonda Boburiylar sulolasiga asos solib, bu mamlakat tarixida davlat arbobi sifatida nomi qolgan bo‘lsa, serjilo o‘zbek tilida yozilgan “Boburnoma” asari bilan jahonning mashhur tarixnavis olimlari qatoridan ham joy oldi. Uning nafis g‘azal va ruboiylari turkiy she’riyatining eng nodir durdonalari bo‘lib, “Mubayyin” (“Bayon etilgan”), “Xatti Boburiy”, “Harb ishi”, Aruz haqidagi risolalasi esa islom qonunshunosligi, she’riyat va til nazariyasi sohalariga munosib hissa bo‘lib qo‘shildi.

“Boburnoma” – o‘zbek nasrining go‘zal namunasi. Ungacha Yusuf xos Hojibning “Qutadg‘u bilig” asari muqaddimasida, Rabg‘uziy ijodida nasr namunalari uchrar edi. Alisher Navoiy uni yuqori pog‘onaga olib chiqdi. Biroq “Boburnoma” bu borada o‘zbek nasrining o‘ziga xos kashfiyoti sifatida yuz ko‘rsatdi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Vohidov R., Eshonqulov H. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi. -Toshkent: Yangi asr, 2006.
2. O‘zbek adabiyoti tarixi. 5 tomlik. 3-tom. - T.: Fan, 1978.
3. Valixo‘jaev B., Tohirov Q. O‘zbek adabiyoti tarixi. XVI asr. – Sam.: SamDU nashri, 2002.
4. Abdug‘afurov A. Bobur she’riyati. Bobur. Devon. –T.: Fan, 1994, 3-14 –betlar.
5. Adizova I. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi. (XVI-XIXasr I yarmi) -Toshkent, Fan, 2006. - 240 b.
6. Zahiriddin Muhammad Bobur. Devon. -T.: Fan, 1994.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ASARLARIDA TABIIY YASHASH MUHITLARING TAHLILI

Alimova G. A.,

*O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti o‘qituvchisi
iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD),*

Burxonov A. S.

O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti kursant

Bobur - lirik she’rlar(ruboiylar va g‘azallar), musulmon qonunshunosligi (Mubayyin)ga oid asarlar, musiqa, harbiy ishlar to‘g‘risidagi risolalar yozgan va “Xatti Boburiy” maxsus alifbosini yaratgan. Boburning ilmiy-adabiy merosining yuqori cho‘qqisi, unga jahon shuhratini keltirgan ijod, shubhasiz, XV asr oxiri- XVI asr boshlarida O‘rta Osiyo, Afg‘oniston va Hindiston xalqlari tarixi va hayoti, iqtisodiyoti, tabiati va geografiyasi haqidagi ma’lumotlarni aks ettirgan “Boburnoma”(Boburning eslatmalari) noyob avtobiografiya kitobidir. [7]

Boburning “Boburnoma”da tasvirlangan tarjimayi holi ko‘plab zamonaviy olimlar tomonidan keng e’tirof etilgan. Genri Beveridjdan iqtibos keltirgan Stenli Lanepool shunday yozadi: “Uning tarjimayi holi har doim mavjud bo‘lgan hamda Avliyo Avgustin va Russo asarlari, shuningdek Gibbon va Nyutonning xotiralari bilan bir qatorga qo‘yishga loyiq bo‘lgan bebaho yozuvlardan biridir”. [6]

Bobur Hindistonga kelgan vaqti haqida gapirar ekan, tarixchi Bamber Gaskoyne quyidagicha izoh beradi: “Keyin u butun hayoti davomida yozgan yozuvlarini qo‘pol kundalik singari bayonot shaklida kiritib qo‘ydi, ammo u yana yangi: Hindiston haqida ajoyib va qirq sahifali maqola yozishga kirishdi”.[2]

Bobur chuqur hududiy tadqiqot ishlarini olib bordi. Masalan, u beshta to‘tiqush turini tasvirlab berdi, bananlarni qanday yetishtirishni tushuntirdi va ajoyib ilmiy kuzatuv bilan karkidon har qanday boshqa hayvondan ko‘ra ko‘proq otga o‘xshashligini tushuntirib berdi. Hozirgi kunda “Perisodactyla”lar turi faqat ikkita saqlanib qolgan guruhga ega, birinchisi karkidon, ikkinchisi esa ot. Shuningdek, u kitobning boshqa qismlarida turli xil narsalardan, masalan, ufqdagi g‘ozlar surusining o‘zgaruvchan ranglari yoki olma daraxtidagi chiroyli barglardan qanday xursand bo‘lganligini tasvirlab berdi [1].

Gullardan Bobur Gvaliorning pushti dafna qizil gulini eslatib, uni Agraga olib kelib Zarafshon bog‘iga ko‘chirishni buyurdi. U “Boburnoma”da batafsil bayon etilgan nilufar guliga ham e‘tibor qaratadi. Ayniqsa, aleander va jasmin xususiyatlarini qayd etadi. Jasmin haqida u bu gulning katta ekanligini va uning hidi Markaziy Osiyodagi jasmindan kuchliroq ekanini yozadi [8].

“Boburnoma”da hududlarning iqlimiy xususiyatlarini tasvirlab bergan. Shunday qilib, asarda nafaqat O‘zbekistonning iqlimi, balki boshqa mamlakatlardagi shaharlarning iqlimi to‘g‘risida ham ma‘lumotlar keltirilgan. “G‘azna va Xorazm sovuqligi bilan ikki Iroq va Ozarbayjonda Sultoniya va Tabriz singari tanilgan” – deb yozilgan ma‘lumot kitobni yanada muhim va qimmatli qiladi.

Albatta, qishda O‘zbekistonning eng sovuq hududi Xorazmdir. G‘azna sovuq shamollar tez-tez esib turadigan tekislikda joylashgan bo‘lib, Sultoniya Eronning sharqiy qismida, tog‘ etagida, dengiz sathidan 1800 metr balandlikda joylashgan bo‘lib, u yerda qish ham sovuq va yoz juda issiq. Boburda bunday ma‘lumotlar bo‘lgan, shuning uchun u shaharlar va mamlakatlarning ob-havosini bir-biri bilan taqqoslaydi.

Bobur “Boburnoma”da turli tog‘ tizmalari(Gorynijrau, Lamganata, Bajaura va Sawada)da ko‘plab qarag‘ay, archa, eman, zaytun daraxti borligini, Anderab, Xost va Badaxshariya tog‘lari buloqlarga boy ekanligi, tog‘larda, tepaliklarda va vodiylarda o‘tlar bir xil ekanligini, eng muhimi, “Bute-kah” o‘tlari borligini, u tog‘larda bo‘lgani kabi o‘tlar ham qalin va baland emasligini, lekin bu foydasiz o‘t ekanini, u otlar va qo‘ylar uchun mos emasligini tasvirlaydi. Kobul g‘arbida joylashgan tog‘ tizmasi - Dara-Izandana tog‘lari, Garzavana va Garchiston ham Bobur asarida keltirib o‘tilgan: “Yaylovlar, tog‘lar va tepaliklarda o‘tlar shimoliy tog‘larda bo‘lgani kabi emas. Bunday qalin daraxtlar va o‘tlar yo‘q, lekin ular otlar va qo‘ylar uchun foydalidir. Bu tog‘larning yuzasi otga minish uchun qulaydir, bu kabi joylar vodiylarda joylashgan”.[4]

Samarqand va uning tumanlari haqida katta mehr bilan yozadi. Uning so‘zlariga ko‘ra, “yerning yashash qismida Samarqand kabi yoqimli shaharlar kam”. U Ulug‘bek rasadxonasining ta‘rifini e‘tiborsiz qoldira olmadi, bu inshoot mukammalligini va o‘ziga xosligini ta‘kidlaydi.

nafaqat Hindistonga, balki Markaziy Osiyoga olib boradigan karvon yo‘llarining ta‘rifi, eng muhim o‘tish joylariga qo‘yilgan tog‘ yo‘llarining xarakteristikasi bilan XIX asrning topografik tavsiflari to‘liq mos keladi. Shuning uchun 1882-yilda Kobulga tashrif buyurgan A.Vornas Bobur maqbarasini tekshirgandan so‘ng, Bobur xotirasiga chuqur hurmat ko‘rsatib, “Boburnoma”ning qiziqarli yozuvlarini o‘qiganidan buyon yanada unga nisbatan qiziqishi ortadi [8].

Shuni ham ta‘kidlashni istardimki, Bobur o‘z asarlarida jarayonlar va hodisalarning iqtisodiy va geografik tahlilini o‘tkazgan [5].

Boburiylar sulolasining iqtisodiyoti qishloq xo‘jaligi, savdo va boshqa sohalarga bog‘liq edi. Qishloq xo‘jaligi har doim Hindiston iqtisodiyotining asosi bo‘ldi. Shunday qilib, qishloq xo‘jaligi milliy daromadning asosiy manbayi bo‘lib, Bobur hukmronligi davrida aholining aksariyati qishloq

xo‘jaligiga bog‘liq edi. Hozirgi vaqtda ham yetishtiriladigan asosiy ekinlar bu - bug‘doy, yog‘, don, shakarqamish, paxta va boshqalar. Bobur Hindistonda bir nechta Osiyo mevasini yetishtirishni qo‘llab-quvvatladi. U, birinchi navbatda, Hindistonda mavjud mevalar xususiyatlarini qayd etadi. Misol uchun, Hindistonda xurmo sharbati va palma sharbatini(tari) ishlab chiqarish usuli(Markaziy Osiyoda noma‘lum edi)ni, unga katta taassurot qoldirgan mangoning ajoyib mevasini ham tasvirlaydi.[8]

Hindiston geografiyasiga oid ma‘lumotlarini tahlil qilish uning uchta havzani aniq ajratib turishini ko‘rsatadi: Ind daryosi havzasi, Gang va Ganga daryosining irmoqlari, Hindistonning shimolida joylashgan. Tog‘larni hindular “Salavak Parbat” deb atashadi, hindlarning tilida: sava-chorak, lak-yuz ming, parabat-tog‘. Bundan kelib chiqadiki “chorak va yuz ming tog‘lar”, ya‘ni “yigirma besh ming tog‘lar”. “Kobulda tog‘lar Hindukush deb ataladi va bu tog‘lar janubga bir oz tushib, sharqqa cho‘ziladi. Bu tog‘larning janubida Hindiston bor”,- deb yozadi Bobur.

Bobur Hindistonni batafsil tasvirlab, bu mamlakatning turli xususiyatlarini Markaziy

Osiyo bilan taqqoslaydi: “Bu ajoyib mamlakat bizning yerlarimiz bilan taqqoslanganda, bu - boshqa dunyo. Tog‘lar, daryolar, o‘rmonlar, shaharlar, hududlar, hayvonlar, o‘simliklar, odamlar, yomg‘irlar, shamollar, til – barcha narsa boshqa-boshqa. Qovoqqa ulashgan issiq joylar Hindistonga o‘xshash bo‘lsa-da, boshqa jihatlarda ular bir xil emas”. [1]

“Boburnoma”da etnografiya bo‘yicha yetarli ma‘lumotlar mavjud: hindlarning kasta tizimi, urf-odatlarini, turli xil kiyimlari, oddiy odamlarning turmush tarzi va feodal zodagonlari. Masalan, Bobur ushbu asarda hindlarning erkak kiyimlari joti, ayollarniki esa langut deb atalishi va ularning kiyinish usulini batafsil bayon qiladi [3].

Boburning foydali qazilmalar haqidagi ma‘lumotlari juda qimmatli. “Boburnoma”da foydali qazilmalar bo‘yicha to‘liq ma‘lumotlar bilan birga ularning mamlakat xo‘jaligida tutgan o‘rni va samarali foydalanish yo‘llarini keltirib o‘tadi [3].

Xulosa qilib aytganda, Bobur Hindistonning iqtisodiy geografik jihatlarini hisobga olgan holda mintaqaviy iqtisodiyoti va boshqa tarmoqlarini rivojlantira oldi, xususan, savdo, melioratsiya, hunarmandchilik, chorvachilik, soliq islohoti, jang taktikasi, me‘morchilik(kutubxonalar va karvon-saroylarni qurish). Bobur o‘z vataniga kabi Afg‘oniston va Hindistonga cheksiz muhabbatini o‘z faoliyatida namoyon qildi. U har doim uyga qaytish umidida yashadi. Javaharlal Neru: “Hindistonda yashab, Bobur Shimoliy tog‘larning qor va muzliklarini, go‘shli ovqatlarini, Farg‘onaning gullari va mevalarini sog‘inishini, shu bilan birga Hindiston ham ajoyib mamlakat ekanini” aytadi [7].

Foydanilgan adabiyotlar

1. Berensten W. The Mughal Empire. Moscow: Publishing house AST: Astrel; 2005. p. 23
2. Hasanov EL. About Comparative Research of Poems “Treasury of Mysteries” and “Iskandernama” on the Basis of Manuscript Sources as the Multiculturalism Samples. International Journal of Environmental and Science Education, 2016;11(16):9136–9143
3. Savory R. Iran under the Safavids. Cambridge University Press. 2007 Dale SF. The garden of the eight paradises: Babur and the culture of Empire in Central Asia, Afghanistan and India (1483–1530). Leiden, Boston: Koninklijke Brill NV; 2004. p. 23
4. Институт востоковедения Академии наук Республики Узбекистан. Бабур-наме.-Т.: Ташкент, 464 с.
5. Хидояттов Г.А. Заря нашего великого духовного наследия. <http://asiaforum.uz/>, <http://goga-hidoyatov.narod.ru/zarya.htm>
6. Хошимова, Д. М. Problems of the philosophical comparative academic description of «Baburnama» // Новые идеи в философии : материалы IV Междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, июль 2018 г.). - Санкт-Петербург: Свое издательство, 2018- С. 20-23.

ВНУТРЕННЯЯ И ВНЕШНЯЯ ПОЛИТИКА БАБУРА И БОБУРИДОВ В ИНДИИ

Икрамов А. А.

преподаватель Военно-технического института Национальной гвардии РУ

Нематов Ж.А.

курсант Национальной гвардии РУ

Несмотря на очень краткое по времени правление в Индии (1526-1530 гг.), Бабур сумел в некоторой степени объединить феодально-раздробленную страну и провести в жизнь такие важные мероприятия, как упорядочение земельно-водных отношений и налоговой системы. [2]

По его приказу благоустраивались мечети, сооружались здания различного назначения, строились бани, рылись колодцы и т.д. В крупных городах Индии – Дели, Агре, Лахоре, Девалпуре – Бабуром были заложены сады и парки с декоративными растениями. Характерно то, что при планировке садов Бабур применял среднеазиатскую систему чарбаг. Из «Бабур-наме» становится известно, что в 1526 году в Панипате Бабуром в честь победы над Ибрахимом Лоди был разбит большой сад, именуемый Кабул-бахтом, который, по-видимому, был первым его сооружением на территории Индии. В садах, разбитых в Индии, Бабур впервые применил опыт по выращиванию среднеазиатских дынь и винограда (в Индии до сих пор выращивается сорт винограда под названием ангури самарканди, т.е. самаркандский виноград).

Однако не только взаимопроникновение и взаимовлияние двух культур - Средней Азии и Индии - характерно для времени правления в Индии Бабура, также известна трансформация некоторых феодальных институтов, присущих обеим странам в средние века (например, институты Тархан, Суюргал и др.). Все это хорошо отражено в «Бабур-наме». [1]

В Индии Бабур постоянно стремился укрепить торгово-экономические связи со Средней Азией, Афганистаном и Ираном, которые были прерваны после поражения Бабура в 1511 году в битве с Убайдуллаханом у Кули Малик, неподалеку от Бухары. Специальный фирман (указ) Бабура об измерении расстояния между Агроей и Кабулом, о благоустройстве караван-сараев, постройке специальных колодцев на торговых магистралях, заготовке фуража и съестных припасов для путников был издан с целью подъема товарооборота страны, нормализации системы внешних отношений с другими странами.

Завоевание Индии

Завоевание Бабуром в конце XV века Индии положило начало династии, которая правила страной до середины XIX века. Столь длительное влияние чуждой индийцам культуры принесло значительные перемены в историческом, религиозном и культурном укладе страны.

Нужно отметить, что именно в «Бабур-наме» нашли свое наиболее подробное описание проведенные Бабуром битвы. Так, к примеру, Бабур описал битву в Сикри с Рано Санграм Синхом, которая произошла 13 марта 1527 г. Рано Санграм и его союзники: Хасан хан Мевати - правитель Дунгарпура, Равал Уди Санг Багари, Рай Чандрабан Чаухан, сын правителя Чандари - Бхупат Рао, и многие другие не смогли устоять перед военной тактикой Бабура. Удачно исполненный им маневр тулгана, т.е. внезапный удар с тыла и флангов противника, и артиллерийский удар, решили судьбу сражения при Сикри. Описывая это сражение, Бабур объективно анализирует слабые и сильные стороны своего противника, не

забывая при этом отдать должное храбрости и мужеству своего врага, Рано Санграм Синха. [3]

Как известно, сравнительно стабильным в политическом отношении стало положение в Индии после третьего сражения Бабура при Гогре, которое произошло 6 мая 1529 г. и завершилось полной победой Бабура и крупным поражением афганских и бенгальских феодалов. Битва при Гогре была третьей и последней победой, которая сделала Бабура полным хозяином Северной Индии. Весьма ценны его данные о независимых княжествах Гуджарата, Мальвы, Мевара, Бенгалии, Декана и Биджанагара. О Кашмире и Синде Бабур упоминает вскользь. Бабур, находясь в Индии, имел хорошую возможность общаться с коренным населением страны. Его полномочия и власть были распространены от Кабула до Бихара, охватывая большинство густонаселенных земледельческих оазисов Северной Индии.

Завладев Индией, Бабур способствовал развитию страны, городов и торговли, мелиорации, поощрял посадку деревьев и садов, строительство библиотек и караван-сараев.

Он обладал выдающимися способностями воина и правителя. На рубеже XV–XVI веков, особенно в первой четверти XVI века, в Северной Индии полностью дестабилизировалась государственная налоговая система, в результате чего резко ухудшилось положение народных масс. Отсутствие земельно-налогового законодательства и некоторые другие социально-экономические факторы натолкнули Бабура на идею написать сочинение, где были бы изложены основные нормы мусульманского закона. Так появился его труд под названием «Мубайин» (1521 г.), написанный в стихах на тюркском языке.

Несмотря на короткое время правления в Индии (1526-1530 гг.), Бабур сумел в некоторой степени объединить феодально-раздробленную страну и провести в жизнь такие важные мероприятия, как упорядочение земельно-водных отношений и налоговой системы. По его приказу благоустраивались мечети, сооружались здания различного назначения, строились бани, рылись колодцы и т.д. В крупных городах Индии - Дели, Агре, Лахоре, Девалпуре - Бабуром были заложены сады и парки с декоративными растениями.

В садах, разбитых в Индии, Бабур впервые применил опыт по выращиванию среднеазиатских дынь и винограда (в Индии до сих пор выращивается сорт винограда под названием ангури самарканди, т.е. самаркандский виноград).

Бабур в своей деятельности постоянно преследовал цель благоустройства подвластных ему крупных городов Индии. Планировка и архитектура общественных и частных построек, их внешнее оформление и интерьер, имея очень много сходства со среднеазиатским стилем, органично сочетались в то же время с индийской формой и стилем, что привело к соприкосновению двух культур - индийской и среднеазиатской.

Список использованной литературы

1. Aliyev A. Relations of Muhammad Babur: Zahiriddin Muhammad Babur in the history of world culture // Materials of the International conference. – Tashkent, 2013. – P. 83–85.
2. Berensten W. The Mughal Empire. Moscow: Publishing house AST: Astrel; 2005.
3. <http://www.allbest.ru>.

BOBUR - O‘ZBEK ADABIYOTINING YORQIN NAMOYONDASI

Oripova M.Q.

BVXTXQTMOHM “Ijtimoiy-iqtisodiy fanlar metodikasi” kafedrasi katta o‘qituvchisi

Buyuk ajdodlar merosi avlodlar yo‘lini yorituvchi mangu chiroqdir. Bugungi kunda yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ular qalbidagi ajdodlarga munosib bo‘lish tuyg‘usini kuchaytirish,

navqiron avlod ongu shuurini milliy madaniyatimizga zid bo'lgan yot g'oyalardan himoya qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Davlatimiz rahbari 2020-yil 29-dekabrda Oliy Majlisga Murojaatnomasida ta'kidlaganidek, "Agar katta avlodning bilimi va tajribasini, uzoqni ko'ra olish fazilatlarini, yoshlarimizdagi g'ayrat-shijoat, mardlik va fidoyilik bilan birlashtira olsak, ko'zlagan marralarga, albatta, etamiz. Biz o'z oldimizga mamlakatimizda Uchinchi Renessans poydevorini barpo etishdek ulug' maqsadni qo'ygan ekanmiz, buning uchun yangi Xorazmiylar, Beruniylar, Ibn Sinolar, Ulug'beklar, Navoiy va Boburlarni tarbiyalab beradigan muhit va sharoitlarni yaratishimiz kerak". [1,5-b]

Zero, har bir xalqning tarixiy, madaniy-milliy qiyofasini aniq belgilovchi ulug' shohlari, buyuk olimlari, yirik adib va shoirlari bo'ladi. Insoniyatning abadiyatga mansub ana shunday buyuk farzandlari safida Zahiriddin Muhammad Bobur ham o'z o'rniga ega. Kishilik tarixida Boburchalik shaxsiy imkon, iqtidor va fazilatlarini beqiyos kishilar juda kam uchraydi.

Zahiriddin Muhammad Bobur XVI asr o'zbek adabiyotining yorqin namoyondasi, o'rta asr Sharq madaniyati, adabiyoti va she'riyatida o'ziga xos o'rin egallagan adib, mumtoz shoir, olim bo'lish bilan birga yirik davlat arbobi va sarkarda, iste'dodli yozuvchi, tarjimon, tarixchi, musiqashunos, etnograf, hayvonot va nabotot olamining bilimdoni sifatida ko'p qirrali faoliyat va ijod sohibi edi. Birgina «Boburnoma» uning yigirmadan ortiq sohalarga qiziqqanligiga yaqqol misoldir.

«Boburnoma»ning kotibi Boburning ulug' podshohlarga xos sakkiz shaxsiy fazilatini qayd etgan: «Va maholdurkim, ul podshohi qobilning yaxshilig'larini aytgan bilan va bitigan bilan tugangay. Lekin mujammal bukim, sekkiz sifati asil aning zotig'a muttassil edi: birisi bukim, najhati baland edi; ikkimchisi, himmati arjumand edi; uchimchisi, viloyat olmog'; to'rtumchisi, viloyat saxlamog'; beshumchisi, ma'murlug'; oltimchisi, rafohiyat niyati Tengri taolo bandalarig'a; ettimchisi, cherikni ko'ngli(ni) qo'lg'a olmoq; sekkizimchisi, adolat qilmoq».

(Matn tabdili: «U qudratli podshohning yaxshiliklarini aytgan bilan va yozgan bilan tugatish maholdir. Lekin qisqasi buki, sakkiz asl sifat uning zotiga xos edi: biri bukim - iqboli baland edi; ikkinchisi - himmati yuksak edi; uchinchisi - viloyat olmoq; to'rtinchisi - viloyat saqlamoq; beshinchisi - ma'murlik; oltinchisi - Olloh bandalariga farovonlik niyati; ettinchisi - lashkar ko'nglini qo'lg'a olmoq; sakkizinchisi - adolat qilmoq».)

«Boburnoma» ning ingliz tarjimoni U. Erskin Zahiriddin Muhammad Bobur haqida o'z fikrini shunday bayon qiladi: «Bobur xarakterining eng mislsiz belgisi uning boshqa hukmdorlarnikiga mos kelmasligidadir. Osiyo tojkorlaridagi mahobatli, sun'iy xarakter o'rniga bizning ko'z oldimizda Boburning xarakteri tabiiy, hayotiy, sevuvchi, samimiy bo'lib gavdalanadi. Bobur taxtga o'tirganiga qaramay, oddiy turmushning eng yaxshi tuyg'ularini va ishtiyoqini o'zida saqlab qoldi. Biz Osiyodagi hukmdorlar ichidan Bobur singari daho va talantli kishilarni kamdan-kam uchratamiz... Aqlining faolligi va teranligi, xushchaqchaq sovuqqonlik va bevafo taqdirning nayranglarini pisand qilmay, ruhini tetik tutishi, podshohlar orasida kamdan-kam uchraydigan saxovatlilik, mardligi, talantlilik; fanga, san'atga muhabbati va ular bilan muvaffaqiyatli shug'ullanishi jihatidan olib qaraganda, Osiyodagi podshohlar orasidan Boburga teng keladigan bironta ham podshoh topolmaymiz».

Buyuk tarixiy siymo sifatida Bobur shaxsi Yevropa va AQSh sharqshunos-tarixchi olimlari diqqat-e'tiborini o'ziga jalb etgan. Ingliz tarixchisi Eduard Holden, avvalo, Boburni mashhur Yuliy Sezar bilan qiyoslashni lozim topadi: «Bobur fe'l-atvoriga ko'ra Sezarga qaraganda sevishta arzigulikdir. Uning manglayiga yuksak fazilatli inson deb bitib qo'yilgan».

Zahiriddin Muhammad Boburning bolalik va o'smirlik yillari haqida roman yozgan

«Boburnoma»ning ingliz tarjimoni Uilyam Erskin Boburni Osiyo podshohlariga qiyosan shunday baholaydi: «Saxovati va mardligi, iste'dodi, ilm-fan, san'atga muhabbati va ular bilan muvaffaqiyatli shug'ullanishi jihatidan Osiyodagi podshohlar orasida Boburga teng keladigan birorta podshoh topilmaydi».

Javoharla'l Neru aytganidek: «Bobur dilbar shaxs edi. Uyg'onish davrining ajoyib sultoni, kuchli, tadbirkor kishi bo'lib, san'atni, adabiyotni, go'zallikni sevardi». Bobur keng dunyoqarashi va mukammal aql-zakovati bilan Hindistonda Boburiylar sulolasiga asos solib, bu mamlakat tarixida davlat arbobi sifatida nomi qolgan bo'lsa, serjilo o'zbek tilida yozilgan «Boburnoma» asari bilan jahonning mashhur tarixnavis olimlari qatoridan ham joy oldi. Asarda o'zining 12 yoshida taxtga o'tirganidan to Hindistonga podshoh bo'lganigacha yuz bergan jami voqealarini bayon etgan. Odil shoh, mard sarkarda Bobur umrining so'ngi kunigacha Vatan sog'inchi bilan yashadi. O'z Vatanini tashlab, Hindistonga bosh olib ketganini katta baxtsizlik hisoblab, afsuslanadi. Ruboiy:

Tole yo'qi jonimg'a balolig' bo'ldi,
Har ishni kim ayladim, xatolig' bo'ldi.
O'z yerni qo'yib, Hind sori yuzlandim,
Yorab, netayin, ne yuz qarolig' bo'ldi?!

Uning nafis g'azal va ruboiylari turkiy she'riyatining eng nodir durdonalari bo'lib, «Mubayyin» («Bayon etilgan»), «Xatti Boburiy», «Harb ishi», Aruz haqidagi risolalasi esa islom qonunshunosligi, she'riyat va til nazariyasi sohalariga munosib hissa bo'lib qo'shildi. Tarixchi Muhammad Haydarning yozishicha, «Bobur o'z zamonasining yirik lashkarboshisi, siyosatchisi bo'lish bilan birga turkiy she'riyatda A.Navoiydan keyingi o'rinda turar edi: U sof va nafosatli turkiyda devon tartib etib, «Mubayyin» atalmish asarini yaratish bilan huquqshunoslik ta'limoti muallifi bo'ldi».

Bobur shuningdek, turkiydagi aruz vazni haqida benazir risola yozib, «Risolaiy volidiya»ni she'rga soldi. Uning «Voqei yoki tarixi turkiy» asari shuningdek, musiqa va boshqa san'at asarlari arab harflarini isloh qilib, «Xatti Boburiy» alifbosini tuzishga olib keldi. Yangi alifboda ko'chirilgan «Qur'on» nusxasini Makkaga jo'natdi.

Bobur xalqimizning har jihatdan yetuk, g'oyat iste'dodli farzandi edi. U o'z lirik she'rlarida har doim odamlarni yaxshilikka, adolat, insonparvarlikka, yuksak insoniy tuyg'ularni qadrlashga chaqirdi:

Har kimki vafo qilsa, vafo topqusidur,
Har kimki jafo qilsa, jafo topqusidur.
Yaxshi kishi ko'rmag'ay yomonlig' hargiz,
Har kimki yamon bo'lsa, jazo topqusidur.

Bobur she'riyatida ona Vatan mavzusi ham alohida o'rin egallaydi. Uning she'rlarida, ayniqsa to'rtliklari Vataniga bo'lgan sog'inch va cheksiz muhabbati ta'sirchan ifodalangan.

G'urbat tug'i yopqon ruhi zardimnimu dey?
Yo hajr chiqargon ohi sardimnimu dey?
Holing nedurur? Bilurmusen dardimni?
Holingai so'raymu, yo'qsa dardimnimu dey?!

Sharqda otalar hamisha farzandlari oldidagi mas'uliyatini chuqur his qilgan. Boburmirzo hayotlik chog'idayoq taxtni o'g'liga topshirgan dunyodagi yakkayu yagona Shoh. U ota sifatida Humoyunning saltanatni qanday boshqarishini ko'rishni, unga bu borada yaqin ko'makchi, maslahatchi bo'lishni istagan. Boburmirzoning bebaho insoniy fazilatlarini ichida oila a'zolariga, qarindosh-urug'lari, do'stlariga mehru oqibat ko'rsatishi, sadoqati asarlarida ayniqsa,

“Boburnoma”da yaqqol namoyon bo‘ladi. Bu mehribonligi farzandlariga alohida edi. O‘g‘illar tarbiyasida o‘ziga xos qoidalari va yondashuvlari bor ediki, mana shu jihatlari hali-hanuz bashariyatni lol qilib kelmoqda. Boburmirzo qaerda bo‘lishidan qat’i nazar, farzandlari haqida har doim qayg‘urgan, ularning bir-biriga mehribon, oqibatli, do‘st bo‘lishini istagan. Buni farzandlariga yozgan qator maktublarida ko‘rish mumkin. Humoyunmirzoga yozgan xatini eslaylik: “Ukalaringga mehribon bo‘l, xato qilsa kechir, aslo o‘zingdan uzoqlashtirma”, - deydi. Uning ishini farzandlari, nevara, chevaralari davom ettirdi. “Boburnoma”-“Xumoyunnoma” -“Akbarнома” asarlari yuzaga keldi.

Bobur she‘riyatida, shuningdek, insonning axloqi va diniy mukammalligi masalalari ko‘tarilgan. Shoir insonni yuqorilarga ko‘tarib, unga ulkan hurmat ila munosabatda bo‘ladi, inson qadr-qimmatini baland qo‘yadi. Bu g‘oyalarga zid bo‘lga barcha narsaga qarshi chiqadi. Boburning fikricha, xudbinlik, hurmattalablik, qizg‘anchig‘lik, manmanlik – noqobil sifatlardir. Shoir odamlarga samimiy maslahatlar beradi. O‘zining ruboiylarida inson qanday qilib o‘zini ma‘nan tarbiyalashi kerakligi haqida gapiradi. Mazkur mavzuga yuzlanar ekan, insonning hayotdagi eng asosiy vazifasini shoir yaxshilik, bag‘rikenglik va haqiqatda ko‘radi. Do‘stlik – insonning eng asosiy jihati va dushman bilan kurashda ulkan kuch deb hisoblaydi.

Bobur asarlaridagi adabiy til haqida so‘z borar ekan, undagi soddalik, hammaboplik, ravon va qisqaligini aytish lozim. Shoir balandparvoz gaplarni va mukammal iboralarni yoqtirmagan. Boburning soddaliq tili o‘quvchiga asarlarini, boy ifodalari va kechinmalarini aniq o‘zlashtirishda yordam beradi.

Bobur ma‘nosiz gap-so‘zlardan qo‘chishga, o‘z fikrlarini qisqa, ravon va oddiy bayon etishga, inson o‘zi tushunmaydigan so‘zlardan foydalanmaslikka chaqiradi. Xususan, u shunday ta‘kidlaydi: “Ravshan va toza gaplar yordamida, soddaroq yoz: va senga ham, seni xatingni o‘qiganga ham oson bo‘ladi”[3]

Bobur hazratlari, “inson nomi yozilgan kitoblarda, qurilgan imoratlarda, ekilgan daraxtlar va komil farzandlarda abadiy qoladi” degan edilar. Bu hayotiy haqiqatni bugun mamlakatimiz hayotiga qiyoslasak, mustaqil yurtimizning umri abadiy ekaniga amin bo‘lamiz. Chunki, yurtimizda ko‘plab kitoblar yozilyapti, ko‘rkam obidalar, muhtasham binolar ko‘kka bo‘y cho‘zyapti, bog‘u rog‘lar barpo etilib, komil farzandlar tarbiya topmoqda.

Bobur asarlaridagi ezgu g‘oyalarning yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularda Vatanga sadoqat, milliy qadriyatlarimizga ehtirom, yurt taraqqiyotiga daxldorlik hissini shakllantirishda, navqiron avlodni yuksak salohiyatli, dunyoqarashi keng, iymoni butun, irodasi baquvvat qilib tarbiyalashdagi ahamiyati cheksizdir.

Muhtaram Prezidentimiz raisligida 2021-yil 19-yanvarda ma‘naviy-ma‘rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish, bu borada davlat va jamoat tashkilotlarining hamkorligini kuchaytirish masalalari bo‘yicha o‘tkazilgan videoselektor yig‘ilishida yoshlarimizni vatanparvarlik, milliy iftixor ruhida tarbiyalashda xalqimiz tarixi muhim o‘rin tutishi va bu yo‘nalishda ilmiy tadqiqotlar natijadorligini kuchaytirish kerakligi ta‘kidlandi. “Milliy tarixni milliy ruh bilan yaratish kerak. Aks holda, uning tarbiyaviy ta‘siri bo‘lmaydi. Biz yoshlarimizni tarixdan saboq olish, xulosa chiqarishga o‘rgatishimiz, ularni tarix ilmi, tarixiy tafakkur bilan qurollantirishimiz zarur”[2.] - dedi davlatimiz rahbari. Bugungi kunda o‘zbek davlatchiligi tarixida Zahiriddin Muhammad Bobur adabiy merosining o‘rni va yoshlar ma‘naviyatidagi ibratli jihatlari, Boburiylar sulola vakillarining jahon adabiyoti va san‘atiga qo‘shgan hissalari o‘zbek olimlari tomonidan o‘rganilayotgani bilan ahamiyatlidir.

Besh yuz yildan ortiq vaqt o‘tibdiki, buyuk ajdodimiz Zahiriddin Muhammad Boburning ma‘naviyatga asoslangan karvoni zavol bilmasdan olg‘a intilmoqda. Yillar o‘tadi, avlodlar

almashadi. Katta hayot yo'lida buyuk ajdodimizdan qolgan ma'naviy meros har birimizga yo'lchi yulduz vazifasini o'taydi.

Foydalanadigan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2020-yil 29-dekabr.
2. Mirziyoyev Sh.M. Ma'naviy-ma'rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish, bu borada davlat va jamoat tashkilotlarining hamkorligini kuchaytirish masalalari bo'yicha o'tkazilgan videoselektor yig'ilishidagi nutqi. 2021-yil 19-yanvar.
3. Umirova Adiba «Asrlarni bo'ylagan Bobur» «Xalq so'zi» gazetasi, 2020-yil 15- yanvar, №11.

БОБУРШУНОСЛИКДАГИ ЙИРИК ТАДҚИҚОТ ХУСУСИДА

Ахмедова Ш.Н.

Бухоро давлат университети профессори, ф.ф.доктори

XX аср бобуршунослиги тарихида филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳомил Ёқубов тадқиқотлари катта ўрин тутди. XX асрнинг 40-йилларидан мумтоз адабиёт масалаларини, унинг атоқли вакиллари ижодини илмий тадқиқ этиш диққат марказига кўча бошлаган олим ўз ижодида ўзбек адабиёти тарихини ўрганишга катта эътибор қаратган. Унинг ўша даврда тадқиқот объекти тобора кенгайиб, илмий савияси чуқурлашиб борганига ишонч ҳосил қилиш учун Бобурга бағишланган тадқиқотларини кўриб чиқиш кифоя.

XX асрнинг 20 - йиларидан бошлаб, Бобур ижодига қизиқиш бошланиб, 40-йилларга келиб, анча жонландики, бунда адабиётшунос олим Ҳ.Ёқубовнинг ўрни алоҳида, у 1940 йилдан бошлаб, Бобур ижодига бағишлаб қатор мақолалар эълон қила бошлади. 1941 йилда унинг “Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди” номли китоби чоп этилди. “Бу иш тадқиқотчининг ўзбек адабиёти тарихи бўйича биринчи йирик илмий кашфиёти эканлигидан ва ҳозирга қадар шундай бўлиб қолганлигидан гувоҳлик беради. Унинг бу йирик тадқиқоти ўша йиллардаёқ юксак баҳоланган эди (“Бобур ҳақида яхши китоб” номли тақризда китобга юксак баҳо берилган)”[2.12].

“Муаллиф Бобир ҳаёти ва ижодининг 40-йилларгача ўрганилиш тарихини қисқача баён қилиб, ўзбек адабиётшунослигида биринчи бўлиб монографик планда асар яратди” [3.43]. Бу мулоҳазалардан кўринадики, Бобур ҳақидаги йирик тадқиқот биринчи марта Ҳ.Ёқубов томонидан амалга оширилгани унинг илмий-назарий қимматини белгилаб беришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг дастлабки қисмларида бобуршунослик ҳақида маълумот берилади, аммо ўша давр чекловларидан келиб чиқиб, 20 - йилларда яратилган ишларга танқидий муносабат билдирилади. “Бобирнинг турмуши”, “Бобирнома”, “Бобирнинг лирикаси” деб номланган уч қисмдан иборат тадқиқотда олим шоҳ ва шоир ҳаётини тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қилган.

Олим Бобурнинг ҳаёти, Самарқанд учун бўлган курашлар, мағлубият азоблари, Афғонистонга, кейин Ҳиндистонга юришлар, саркардалиқ маҳорати ҳақида фикр юритар экан, кўпроқ “Бобурнома”га таянганини кўрамиз: ”Бобир ўз атрофига олим ва шоирларни тўплади.Ҳинд олимларидан Шайхоро деган кишини ўзига вазир ва кенгашчи қилиб тайинлади. Машҳур тарихчи “Ҳабибус-сияр”, “Хулосатул-ахбор”, “Дастурил-анвар” ва

“Макоримул-ахлоқ” китобларининг муаллифи Хондамир ҳам Ҳусайн Бойқаро ўлиmidан кейин Бобир саройида яшади. Ундан ташқари, ўз саройига кўп олим ва шоирларни тўплаб, уларга ҳомийлик қилди” [1.287]. “Бобурнома” ҳақида фикр юритганда, жаҳон миқёсида асарнинг нашрлари, чоп этилиши билан боғлиқ қимматли далилларни ўртага ташлайди. “Бобурнома” қандай асар типига кириши: оддий йилнома ёки бадий асарми деган саволни ўз олдига қўйиб, унга ўзи жавоб беради ва асарнинг жанрини тўғри белгилаб беради: “Мемуар асар бадий адабиётга, хусусан, тарихий беллетеристика турларига яқинлашиб келса ҳам, лекин у воқеликнинг белгили соҳаларини аниқ, “ўзидай” акс эттириш, “кўчириш”га интилиши билан улардан фарқ қилади...” “Бобурнома” худди шундай мураккаб мемуарлар жумласига киради” [1.293]. Шу билан бирга асар “баёнотнинг объективлиги ва раволиги” билан шарқ тарихчиларининг историографиясидан ажралиб туришини ҳам исботлаб беради. Унда бадийлик унсурларининг кучли эканлиги, адиб гўзал қалами билан эпизодик шахслар характерини “моҳир рассомдай” чизиб беришини мисоллар орқали кўрсатар экан, Бобур образига ҳам тўғри баҳо беради: “Бобурнома”ни ўқиганда китобхоннинг кўз олдида ўша даврнинг улкан бир шахси, сиёсий арбоби гавдаланади. Унда Бобир жонли одамдай, ўзининг ғалаба ва мағлубиятлари, кураш ва фароғатлари, силжиш ва чекинишлари, шодлик ва аламлари, зулм ва марҳаматлари, қувноқлик ва умидсизлиги ва бошқа кишилиқ хислатлари билан бирга равшан кўринади” [1.303].

Олимнинг жасорати шундаки, тадқиқот ёзилган, Амир Темур ҳақида ижобий фикр юритиш қийин бўлган бир даврда Бобурнинг Темурга муносабати: Темур қилиб кетган ишларга ҳаваси келиши, Темур қурдирган иморат ва иншоотларни макташи, унинг зафарларини, улуғ подшоҳлигини тан олишини асардан мисоллар келтириш орқали ёритади. Олим Лане Пооле (француз), Элпинстон (инглиз), В.В.Бартольд(рус), Г.Вамбери (венгер) кабиларнинг Бобир ҳақидаги мулоҳазалари орқали унинг жаҳон маданиятида тутган ўрнини очиб беради.

Бобур лирикасини тадқиқ этишдан олдин унинг турли жанрдаги асарлари ҳақида маълумот берилади, шоир шеъриятининг кўзга ташланиб турадиган муҳим хусусияти унинг бадий соддалигидир деб ҳисоблайди. Олимнинг қуйидаги фикри шоҳ ва шоир назмига берилган юксак баҳодир:” Бобур лирикасида катта ўрин тутган ватан образи ҳам “ёр” тарзида қуйланади. У ватанни кўпинча энг севимли “ёр” образидай тасвирлайди ва тескарисича, севган ёри маконини ҳаминиша туғилиб ўсган юрти қўйнида тасаввур ва хаёл қилади. Шоир доимо ўз юртини кўнглига яқин тутди” [1.325]. Бу мулоҳазаларини далиллаш учун ижодкор шоирнинг ғазал, рубоий ва туюқларини чуқур таҳлил этади. Тўғри, тадқиқотда ёзилган даври мафқураси билан боғлиқ қарашлар йўқ эмас. Аммо муҳими шундаки, Беруний номидаги Республика давлат мукофоти совриндори, йирик олим Ҳ.Ёқубов А.Фитрат бошлаб берган XX аср бобуршунослигини янги маълумотлар билан тўлдирди, уни бойитди, биринчи марта илм-фанни, санъат ва шеъриятни чин юракдан севган шоҳ ва шоир шахсияти (“кўп қиррали ва кўркама эди”), асарлари, яшаган даври ҳақида монографик тадқиқот яратиш йўналишини бошлаб бергани билан ўзбек адабиётшунослиги тарихида чуқур из қолдирди, Ўзбекистондаги адабиёт илми равнақиға муносиб ҳисса қўшган, бобуршуносликда ҳам ўз сўзини айта олган забардаст олим сифатида қолади.

Адабиётлар

1. Ёқубов Ҳ. Адабий мақолалар. Тошкент. 1970.
2. Қулжонов А. Илм ва ижод оламида. Тошкент. 1980.
3. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 3-том. Тошкент. 1978.

БОБУР ВА УНИНГ МАЪНАВИЙ МЕЪРОСИ

Азимов У.

ФарПИ ўқитувчиси

Рафиқова Д.

ФарДУ ўқитувчиси

Захириддин Муҳаммад Бобур номи Ўзбекистон тарихида Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий сингари буюк тарихий шахслар билан бир қаторда туради.

Сохибқирон Амир Темурнинг авлоди бўлган Бобур Ҳиндистонда Бобурийлар империясини яратди (ғарбий манбаларда у Мўғул империяси деб номланади) ва ўз мамлакатининг содиқ ўғли эди. У бутун умри давомида мамлакатининг фаровонлиги ва равнақи учун курашган.

Бобур Темурийзода Умаршайхнинг ўғли бўлиб, 1483 йилда туғилган. 12 ёшида отасининг фожиали ўлиmidан сўнг у янги ҳукмдорга айланди ва Маворауннаҳрда ҳокимият учун курашни бошлади.

1494-1496 йилларда, ҳаттоки ўспирин пайтларида Бобур Самарқанддаги жангларда қатнашган ва у ерда биринчи бўлиб тақдирига улкан таъсир кўрсатган энг кучли душмани Шайбонийхон билан жанг майдонида учрашган. Бобур умрининг кўп қисмини ҳарбий юришлар ва жангларда ўтказган. У Маворауннаҳрнинг ажратилган ҳудудларини бирлаштириш ва Темурийларнинг янги буюк давлатини яратишга муваффақ бўлмади. Унинг орзуси Ҳиндистонда амалга оширилди. Унинг ғоялари халқлар ўртасида тотувликни ўрнатишни ва кенг аҳоли ўртасида таълимни тарқатишни тарғиб қилди.

Бобурнинг жисмоний қиёфаси ҳақида фақат Акбар даврида тайёрланган "Бобурнома" таржимасидаги расмлардан бошқа ҳеч қандай таъриф йўқ. Ўзининг таржимаи ҳолида Бобур ўзини кучли ва жисмонан соғлом деб ҳисоблаган ва у дуч келган ҳар бир катта дарёда, шу жумладан Шимолий Ҳиндистондаги Ганг дарёсида икки марта сузиб ўтганлигини таъкидлаган. «Бобурнома» ўзбек (чиғатой) тилида ёзилган (тахм. 1518/19—1530). «Бобурия», «Воқеоти Бобур», «Воқеанома», «Тузуки Бобурий», «Табақоти Бобурий», «Таворихи Бобурий» каби номлар б-н ҳам маълум.[1] «Бобурнома»да воқеа-ҳодисалар кунма-кун, йилма-йил тадрижий тартибда берилиб, Бобур тахтга чиққанидан умрининг охиригача (1494-1530) бўлган даврни ўз ичига олади. Асарни ўқиганда воқеа-ҳодисалар силсиласининг гоҳо узилиб қолганига дуч келамиз. Масалан: 908 йилнинг охиридан 909 йилнинг охиригача (1503-1504), 914 йилдан 925 йилгача (1508-1519), 926 йилдан 932 йилгача (1519- 1525) ва 936 йилдан 937 йилгача (1529-1530). «Бобурнома» энциклопедик асардир. Унда тарихий воқеалар билан бирга табиёт, география, топография, адабиётшунослик, тилшунослик, этнография, педагогика ва фаннинг бошқа соҳаларига доир жуда қимматли факт ва маълумотлар берилган. Бобур мероси ҳар томонлама ва чуқур илмий текширишни талаб этади. Албатта, бу борада бирмунча ишлар қилинган, лекин буларнинг ҳаммаси ҳам бобуршуносликнинг ибтидосидир. «Бобурнома»ни ўрганишнинг илмий-маърифий ва тарбиявий аҳамияти ҳам каттадир. Европалик шарқшунос олимлар ва таржимонлар У. Эрскин, П. де Куртейл бу йиллар воқеаларининг баёнини Бобурнинг ўзи ташлаб кетган, чунки мавжуд ҳамма қўлёзмаларда шу йиллар воқеаларининг тафсилоти берилмаган, деган хулосага келдилар. Лекин бу ҳақда бошқача мулоҳазалар ҳам бор. Адабиётшунос олим Н. М. Маллаевнинг ёзишича, айрим майда воқеаларга, кичик деталларга қадар иншо этишга интилган Бобур бир неча йиллик тарихий воқеаларни четлаб ўтмаган, албатта.

«Бобурнома» саҳифаларидан маълумки, бир куни Бобур Ҳиндистонда ўз ижодхонасида ишлаб ўтирганида жуда кучли шамол бўлиб, қўл- ёзмаларининг бир қисмини учириб кетади,- «Ушбу охшом таровихдин сўнгра бир пос ва беш гирий бўлуб эдиким, пашкол булутлари қайнаб, бир замоннинг ичида андоқ тўфон бўлуб, қаттиқ ел кўптиким, йиқилмағон чодир камқолди. Мен хиргоҳ ичида китобат қиладур эдим, қоғаз ва ажзони йиғиштирғунча фурсат бўлмади, хиргоҳни пешхона била- ўқ менинг бошимға йиқти. Хиргоҳ

тунглуби реза-реза бўлди. Тенгри сахлади, осебе етмади. Китоб ва ажзо ғарқ бўлди. Ташвиш била йиғиштирулди. Сақарлот кат зайлучасиға чирмаб, кат остиға қуюб, устиға гилемларни ёптук. Икки гирийдин сўнг таскин топти. Тўшакхона чодирин тиктуруб, шамъ ёқтурди. Машаккат била ўт ёндуруб, тонг отғунча ухламай, авроқ ва ажзонинг қурутмоғига машғул эдук».

Эҳтимол ана шу тушириб қолдирилган йиллар баёни шунда йўқолгандир. «Бобурнома» бебаҳо асардир. Бу асар Ўрта Осиё, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларининг тарихи, маданияти, этнографияси, турмуш тарзи ҳақида ғоят муҳим маълумотлар беради. Шунингдек, шарқ ҳукмдорларининг давлатни бошқариш усули ва сиёсати ҳақида китобхон аниқ тасаввурга эга бўлади. «Бобурнома» фаннинг бир қанча соҳалари бўйича қимматли материалларга бой шарқ халқлари тарихини, адабиёт ва санъат тарихини ўрганишга ёрдам беради.

Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурида ўша даврнинг илғор ва зехни ўткир олимлари, шоирлари, мусикашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукамал бир маънавий-руҳий муҳит вужудга келди. Бобурийлар давлатидаги маданий муҳитнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида Жавахарлаъл Неру шундай ёзган эди: «Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига туташиб кетди».

Маълумки, Бобурнинг тарихий, илмий ва адабий меросини ўрганиш ва оммалаштиришда Ўзбекистон, Тожикистон, Россия олимларининг фаолиятлари ҳам диққатга сазовордир. XIX-XX асрлар давомида Георг Кер, Н. Ильминский, О. Сенковский, М. Салье, Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев, В. Зоҳидов, Я. Ғуломов, Р. Набиев, С. Азимжонова, А. Қаюмов каби олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан «Бобурнома» бир неча бор рус ва ўзбек тилларида чоп этилди, уларга сўзбоши ёзилди ва кенг китобхонлар оммасининг маънавий мулкига айлантирилди, унинг шеърлари ҳам бир неча бор нашр этилди. Бобур-буюк подшоҳ, мумтоз шоир, назарийчи адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва набобот оламининг билимдони сифатида кўпқиррали фаолият ва ижод соҳиби эди. «Бобурнома» унинг йигирмадан ортиқ соҳаларга қизикқанлигига яққол мисолдир.[2]

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Б ҳарфи. 435 -бет.
2. «Бобурнома». Ўқитувчи нашриёти. Т.2008 йил. 3- бет
3. Жавахарлаъл Неру. «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобидан.
4. Жалилов.С «Бобур ҳақида ўйлар».Т.Шарқ.2006 йил.

БОБУР ИЖОДИДА ТАРБИЯ МАСАЛАСИ

Холиқулова Г.Ё.

Филология фанлари номзоди, СамДУ докторанти

Ўз даврининг йирик давлат арбоби ва саркардаси, ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст ижодкори, хассос шоир, таржимон ва етук олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзидан башариятга бой адабий ва илмий мерос қолдирди. Бу мерос асрлар давомида Шарқу Ғарбда тарихнавислик, адабиётшунослик, тилшунослик, элшунослик, табиатшунослик, инсоншунослик, ахлоқшунослик нуқтаи назаридан ўрганилиб келинмоқда. Шу нуқтаи назардан тарбия масаласига Бобур ўз адабий меросида алоҳида урғу берган. Инсон камолоти, унинг тарбияси, хусусан, фарзанд тарбияси ҳар доим ижодкорнинг диққат марказида бўлган. Бобур фарзандларини, айниқса, ўғилларини давлат бошқарув, ҳарб ва закот соҳасидаги ишларга тайёрлаш мақсадида уларга оғзаки насихатлар бериб, алоҳида «Мубаййин» номли рисола битган. «Бобурнома»да ҳам мазкур масалага алоҳида урғу берган ижодкор ҳатто

фарзандларига мактублар йўллаб, насиҳатлар қилган. Ана шу мактублардан иккитаси 1992 йил Бобур меросини ўрганиш, рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Андижон шаҳрида тузилган Бобур номидаги Халқаро жамғарма фаолияти натижасида аниқланган. Мактублардан бири Бобурнинг катта ўғли Насириддин Муҳаммад Ҳумоюнга ва иккинчи ўғли Комрон Мирзоларга йўллаб ёзилган. Мазкур мактублар “Бобурнома”га кирмаган.

Бобурнинг Ҳумоюнга ёзган мухтасар мактуби “махфий васиятнома” характерида бўлиб, тарбиявий-дидактик мазмунга эга. У 1529 йил 11 январда (ҳижрий 935 йил жумодиулаввал ойининг биринчи куни), Агра шаҳри ёнидаги “Нилуфар” боғида дам олаётган пайтида Бобур томонидан ёзилиб, Ҳумоюнга юборилган. Бобур ўғлига васиятида ўз ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб, ҳар бир масалада улуғ бобоси Амир Темурнинг ҳукмдорлик услубидан, ҳарб соҳасидаги иқтидоридан андоза олишни, адолатли бўлишни таъкидлаб “Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг иш юритишлари доимо ёдинда бўлсин. Шунда давлатнинг маъмур ва пухта бўлади” дейди. [2, 331]

Муаллиф ҳар бир мактубида унинг ёзилган вақти ва қайси жой билан боғлиқлигига катта эътибор қаратади. Жумладан, Ҳумоюннинг Ҳиндистон билан боғлиқ фаолиятини назарда тутиб, ўғлига насиҳат қилар экан ижтимоий-сиёсий қарашлар, давлат бошқариш усуллари, диний мазҳаб ва эътиқодларга, урф-одатларга бўлган муносабатларда одиллик билан ҳукм чиқариш ҳақида қуйидагиларни баён этади: “...ҳар бир мазҳабга пок қалб билан қарагин, ҳар бир мазҳаб ва тариқатга адолатли бўл. Хусусан, сигирни қурбон қилишда сақлангинки, бу Ҳиндистон қалбининг қалб ардоғи ва бу вилоят аҳли подшога яхши назар билан боғланади. Подшоҳ фармонида бўйсунган халқни хароб қилмагин. Адолатни ихтиёр қилгин. Шунда шоҳ раиятдин, раият шоҳдин хотиржам бўлади. Турли эътиқоддаги халқларни тенг тутгинки, шунда салтанат турли ташвишлардан холи бўлади”. [2, 331]

Бобур подшоҳ ва раият ўртасидаги нозик жиҳат – уларнинг эътиқоди билан боғлиқ масалага алоҳида урғу беради. Бунга сабаб Бобур турли дин ва эътиқоддаги халқни демократик бошқарув орқали бирлаштириш, уларнинг иноқлигини таъминлаш мумкинлигини чуқур англайди. У инсон ҳаётига тажаввуз қилувчи турли хурофотларга (масалан, хотин кишини марҳум турмуш ўртоғи жасадига қўшиб ёқиш) тиш-тирноғи билан қарши бўлса-да, лекин диний эътиқод нуқтаи назаридан қадрланадиган тушунчалар (масалан, ҳиндларнинг сигирни муқаддас деб билишлари)ни инкор этмайди. Бу билан миллатлараро тотувликни таъминлайди, адолатни “подшоҳ ва раият” ўртасида қўприк деб билади.

Бобур мактубларида фарзандига меҳр-муҳаббатли отанинг сиймоси гавдаланади. Буни, айниқса, иккинчи ўғли Комрон Мирзога йўллаган “Насиҳатномаи Бобур ба фарзанди худ” (“Бобурнинг ўз фарзандига насиҳатномаси”) деб номланувчи мактубидаги “Доно, қадрли ва саодатли фарзанд Муҳаммад Комрон баҳодирга” каби эътирофлардан сезиш мумкин. [2,332] Мактубда жимжимадор, мақтов мазмунидаги лутфлар йўқ эмас. Улар баландпарвоз руҳиятни эмас, балки Бобурнинг фарзандларига муҳаббатини намоён этади. Бундай лутф ва жумлалар орқали огоҳлик ва огоҳликка даъват, таҳсил, панд-насиҳат, ота-онага ҳурмат, ҳақиқатга тик боқа билиш, дўст танлашда адашмаслик, элга дилхоҳлик, амир-бекларни тўғри танлай билиш, халққа (хусусан, Мовароуннаҳр халқига) ишонч, уламо ва фузалоларни ҳурматини жойига қўйиш кабилар хусусида насиҳат қилинади. Бу насиҳатларнинг айримлари фарзандлик бурчининг эслатмасидир. Бобур фарзанднинг ота-онага ҳурмати улар оламдан ўтгандан кейин ҳам давом этиши лозимлигига урғу беради: “Турк улусидин ота-онаси қўл очган, онаси тўй бошлаган тартиб-интизомли кишилар борким, уларнинг оталари ота-онамизга хизмат қилиб, жон нисор айлаб, иссиқ-совуқ, сафар ва ўтроқда бирга бўлиб, бир

лахза ҳам бизни ташлаб кетишмаган. Уларнинг хизмати шойиста, панд-насихатлари жўялик. Улар орасидан сўраб-суруштириб, даргоҳингга йўл бериб, ўзингга яқин олиб юр, ғофил бўлмагайсен ” [2, 332-333].

Ота-онага муносиб фарзанд улар оламдан ўтгач, уларга дўст ва яқин бўлган, ёрдам берган кишилар билан яқин бўлиши, улардан хабар олиши, уларга ёрдам қўлини чўзиши, улар ҳолидан хабар олиши лозим. Бу ҳақда ҳадислар ҳам мавжуд. Бобурнинг юқоридаги эътирофи зимнида ҳам ана шу мазмунни англаш мумкин. Дарҳақиқат, Бобур таъкидлаганидек, бундай инсонларни ўзига яқин тутган киши тўғри дўст танлай билади. Чунки унинг ёнида “ота-онамизга хизмат қилиб, жон нисор айлаган” кимсалар борки, доимо тўғри йўлга бошлайдилар.

Бобур Комрон Мирзога йўллаган мактубида Хожа Ҳофиз, Шайх Саъдий, Мавлоно Жомийнинг форсий байтларидан, халқ мақолларидан унумли фойдаланган. Масалан, Бобур Комрон Мирзо атрофида муносиб инсонлар жой олмоғи кераклигини назарда тутиб, шундай ёзади: “Элга яхши сўз айтиб, дилхоҳ бўлиб, истеъдоди мукамал инсонлар билан ҳамдам бўлгайсен. Тагин: ножинс, зоти паст кимсаларга ҳар қанча ёқимтой ва қобилиятли бўлсалар, ҳам тарбият қилиб, мамлакатни идора қилишга имдод бермагайсенким... Ҳазрати Мавлоно Жомийдин бу қитъа шоён бўлубтур.

Ҳарки нокас бувад дар аслу сиришт,
Мунқалиб натавон кардан, эй жигар.
Сагмагасро агар куни мақлуб,
Қалбе у ғайре сагмагас нашавад.

Фикримизча, Бобур Комрон Мирзога хат ёзар экан унинг адабиётга қизиқиши ва нодир қобилиятини назарда тутиб, улуғ ижодкорларга мурожаат этади, бунинг натижасида насихатларнинг таъсир кучини оширади. Бобурнинг бошқа асарларидаги каби ўз фарзандларига йўллаган мухтасар мактубларида ҳам муаллиф маънавий дунёсининг теранлиги, шунингдек, меҳрибон ва ғамхўр ота қалби, кучли давлат арбоби, бобоси Темурга муносиб авлод қиёфаси намоён бўлган. Бир сўз билан айтганда, инглиз тарихчиси Эдуард Холден эътироф этганидек “У (Бобур)нинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган” [5,67] ва бу Бобур адабий-илмий меросида, мактубларида ҳам ўз тасдиқини топган.

Фойдаланлган адабиётлар

1. Бобур Заҳириддин Муҳаммад . Бобурнома. - Тошкент: Шарқ, 2002. – 366 б.
2. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. -Тошкент: “O‘qituvchi”, 2012.-288 б.
3. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. –Тошкент: “Sharq”, 2010. -720 б.
4. Қаюмов А. Асарлар. 10 жилдлик, 10-жилд, Ҳинд адабий сарзаминлари. – Тошкент: “Mumtoz so‘z”, 2010. -304 б.
5. Низомиддинов Н. Буюк бобурийлар тарихи. –Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2012. - 516 б.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR HAYOTI VA SHAXSIY FAZILATLARINING E’TIROFI

Kandaxarov A.X.

Navoiy davlat pedagogika instituti dotsenti, tarix fanlari bo‘yicha falsaf doktori (PhD)

Zahiriddin Muhammad Bobur (“Bobur” arabcha “arslon, yo‘lbars, sarkarda” ma’nolarida) 1486 yilning 14 fevralida Farg‘ona viloyatining poytaxti Andijonda tug‘ildi. Boburning otasi

Umarshayx Mirzo Amir Temurning nabirasi Sulton Abusaid Mirzoning katta o'g'li bo'lib, Farg'ona viloyatining hokimi edi. Onasi Qutlug' Nigorxonim Toshkent hokimi Yunusxonning qizi bo'lgan. Zahiriddin Muhammad Bobur atoqli davlat arbobi, sarkarda, shu bilan birga, iste'dodli shoir, adib, donishmand tarixchi, zakovatli olim va tarjimon va milliy ma'naviyatimizning fidoiysidir.

1494 yilda Umarshayx Mirzo bevaqt vafot etgach, 12 yoshli Bobur taxtga o'tiradi va mamlakatni boshqara boshlaydi. O'sha davrlarda Amir Temur yaratgan saltanat tanazzulga yuz tuta boshlagani bois, Bobur Amir Temur davlatini qayta tiklash maqsadida Samarqandga bir necha bor yurish qiladi va dastlab 1495-1496 yillarda uni ishg'ol qiladi, lekin ukasi Jahongir Mirzo va tog'asi Ali Do'st Andijonga fitna uyushtirishi munosabati bilan orqaga qaytishga majbur bo'ladi.

Ikkinchi marta 1499-1500 yillarda Samarqandga yurish qiladi, lekin SHayboniyxondan engilib Toshkentga chekinadi. 1504 yildagi Samarqandga qilgan so'ngi yurishi ham muvaffaqiyatsizlikka uchragach, yuzaga kelgan ziddiyatli siyosiy vaziyat tufayli Vatanni tashlab ketishga majbur bo'ldi va Afg'oniston tomon yo'l oladi. Bobur 1504 yilda Qobulni egallab, u erda o'z hokimiyatini mustahkamlashga erishadi va davlat ishlari bilan bir qatorda ijod bilan ham shug'ullana boshlaydi. Uning o'z Vataniga qaytish orzusi ushalavermagach, Hindistonga yurish qilib bir necha urinishlardan so'ng nihoyat 1526 yilda Dehli va Agra shaharlarini egallaydi va Hindistonda Boburiylar sulolasiga asos soladi. Bobur feodallar bilan aloqani yaxshilashga, diniy nizolarni bartaraf etib, madaniy-memoriy ishlarni rivojlantirishga astoidil kirishadi. Ammo, tinimsiz urushlarda toliqqan Boburning jangu jadallarda egan azoblari, Qandahor yo'lida qaxraton qishning qor bo'ronlarida qolishi, Xo'ja Kalon kabi yaqin kishilarining Hindistonni tashlab ketishi, ona Vatan sog'inchi, o'g'lining xastaligi natijasida chekkan ruhiy azoblar va nihoyat shafqatsiz o'lim jahongashda sarkardani qirq etti yoshida, yani 1530 yilning 26 dekabrda vafot etdi.

Bobur Hindistonni zabt etgan bo'lsa-da, yerli xalq urf-odati va an'analarini ehtirom etgan, ularning dini e'tiqodiga tajovuz qilmagan. U vafotidan oldingi vorisi – o'g'li Humoyunga vasiyat qilarkan, zinhor hindlar ibodatxonalari, budparastlikka oid obidalariga shikast yetkazmaslik, xalqning diniy, mazhabiy e'tiqodiga ehtirom ila qarashni alohida ta'kidlagan. Boburning buyuk davlatdorlik siyosati hind xalqi va ilm ahli tomonidan munosib baholangan. Masalan mashhur hind tarixchisi S. R. SHarma shunday yozadi: “Boburning hind ibodatxonalarini buzgani yoki hindlarni ularning diniy e'tiqodiga ko'ra ta'qib qilinganining hech qanday ma'lumotlari ko'rinmaydi”[1; 380.].

Bobur islom dini bilan bog'liq qadriyatlarni, voqea hodisalarni umr bo'yi mulohaza etib, idrok qilib, hayotiy tajribalariga tayanib, teran e'tiqod bilan turli mo'jizalar haqida muayyan xulosalar chiqaradi. U G'azni shahridagi bir chashma bilan qiziqadi va bu haqda tugal fikr aytishdan oldin G'aznini aylanib chiqqach, “bu chashmalardin hech kim nishon bermadi”, deydi. Chashmaning mo'jizakorligiga ishonmagan Bobur u haqdagi bayonini “kitoblarda bitublarkim...”, deya boshlaydi. Ko'rinib turibdiki, Bobur xalq orasida tarqalgan turlicha afsonalarga yo'g'irilgan sirli hosilarga aql mezoni bilan yondashib, ularni obdon tekshirgan va shundan keyingina xulosa chiqargan.

Shuningdek, “Boburnoma”ni ingliz tiliga tarjima qilgan Uilyam Erskin Osiyodagi podshohlar ichida saxovatligi, mardligi, iste'dodi, fanga, san'atga muhabbati, Vatanni sevishi jihatidan Bobur Mirzoga teng keladigan podshohni topib bo'lmaydi deydi

Bobur Hindistonga o'zi bilan yangicha hayot tarzini, islomiy sivilizatsiyani olib keldi. Bu davrda ijtimoiy-iqtisodiy hayot, maorif, ilm-fan, adabiyot, umuman madaniyat va ma'rifat rivojlandi. Hindiston Bobur va boburiylar hukmronligi davrlarida qudratli saltanatga aylandi. Shu boisdan ham unga yevropaning dengiz orqali xavf solishi bir necha asrlar keyinga surildi.

Bobur musulmoni komil, dindor shaxs bo'lsa-da, hech vaqt jaholotparastlik bilan ko'r-ko'rona islom dini aqidalarini pesh qilib ish tutgan emas. Bu masalada ham u izchil mulohazali, ziyrak aql egasi sifatida ish ko'rgani bois yana bir karra qalbimizda mehr uyg'otadi.

Bobur yirik madaniyat arbobidir. U mamlakatdagi o'zaro feodal kurashlarga va o'zining ko'p urushlarda bo'lganligiga qaramay, bolalik chog'laridayoq fors va arab tillarini mukammal o'rganadi, adabiyot, tarix, tilshunoslik, adabiyotshunoslik, muzika va boshqa sohalar bilan shug'ullanadi. Har tomonlama keng va chuqur bilimga ega bo'lgan madaniyatli va ma'rifatparvar bir kishi bo'lib etishadi. Bobur adabiyotimiz tarixidagi takrorlanmas siymolardan biridir. U faqat yirik adib, buyuk tarixchi, ulkan olimgina emas, balki mohir sarkarda va buyuk davlat arbobi ham edi. Uning ijodi mana shu sohalarning barchasi bilan chambarchas bog'liq holda yuzaga keldi.

Yagona maqsadi yirik va mustahkam markazlashgan davlat tuzishdan iborat bo'lgan. Bu maqsad amalga oshdi. Biroq u o'zi tug'ilib o'sgan yurtda emas, balki undan ancha olisda – hindistonda amalga oshdi. Adibning o'zi bu hodisadan doimo iztirobda bo'lganligi asarlarida juda yorqin tarzda aks etgan.

Bugungi kun ba'zi olimlarining tadqiqotlarida Boburning Karmana va Raboti Malikda bo'lgan yoki bo'lmaligi to'g'risida turli xil bahs-munozaralar bo'lib o'tmoqda. Ushbu masalaga ham biro oydinlik kiritib o'tish lozim. Zahridin Muhammad Boburning ikki marta Karmanada va uning qo'rg'oni Raboti Malikda to'xtab o'tganligi tarixiy manbalarda qayd etib o'tilgan. Misol uchun, Shayboniyxonning jiyani Ubaydullaxon 1512 yil 28 aprelda Buxoro vohasidagi Cho'li Malik(bugungi Navoiy viloyati Karmana tumanidagi) degan joyda Bobur qo'shinlari ustidan g'alaba qozonadi. Bobur va Ubaydullaxon o'rtasidagi bu jang Karmana yaqinidagi Raboti Malik atrofida bo'lgan [2; 97.]. Bu voqea "Abdullanoma"da quyidagicha hikoya qilinadi: "Bobur podshoh qirq ming askar bilan Buxoro tomonga yo'naldi va Buxoroning g'arbiy tomonida joylashgan Ko'li Malik degan joyida Ubaydullaxonga muqobil bo'ldi. Shundan so'ng har ikki tarafning pahlavonlari bir-birlarining qarshisida saf tortdilar va Ubaydullaxon g'olib kelib Bobur podshoh yengildi"[3; 60.]. Bu o'rinda "Ko'li Malik" joy nomini muallif Buxoroning g'arbiy qismida deb keltiradi. G.Vemberi tadqiqotlarida esa Ko'li Malikni Buxoroning shimoliy tomonida joylashgan Hayrabort qishlog'i yonida bo'lgan [4; 34.] degan fikrni keltiradi. Karmana atroflarida ham bugungi kungacha Hayrabort, Xomrabort nomlari bilan bog'liq joy atamaları saqlanib qolgan. Tarixiy ma'lumotlarda Buxoro xonligidagi "Malik" atamasi bilan bog'liq (Cho'li Malik, Raboti Malik) joy nomlari asosan Buxoroning shimoliy-sharqiy taraflari, ya'ni Karmana atroflarida joylashgan. Shuningdek, Boburning harbiy janglari yo'nalishi nuqtai nazaridan kelib chiqib, ya'ni Bobur Mirzo Samarqand tarafdan yurish qilishiga e'tibor qaratsak, Ko'li Malikda deyilgan ushbu jang aslida Karmana atrofida Cho'li Malik nazarda tutilgan deb xulosa qilishimizga asos bo'ladi va Mirzo Boburni Karmanada bo'lganligini aniqlashtiradi. Bunga yana bir misol tariqasida Arab Qatag'onning asarida keltirilgan quyidagi voqeani ham keltirishimiz mumkin: "Bobur Mirzo Samarqanddan tashqari chiqib, muholiflarni oradan ko'tarib tashlamoq uchun yurdi. Buxoro atroflariga kelgach, shu atrofda berkinib yotgan Muhammad Temurxon, Ubaydulloh sulton, Jonibek sulton zafar belgili dovyuraklar bilan birga jasurlar safini hosil qilgancha, ul sahroda o'z qorasini ko'rsatib qolishdi. SHunday qilib, Hayrobod tumaniga qarashli Ko'li Malik mavzesida taraflar to'qnashuvi yuz berdi"[5; 135.]. Bu ma'lumotlardagi "ul sahro" so'ziga ahamiyat beradigan bo'lsak, bu yerda "Qizilqum" sahrosi, ya'ni Cho'li Malik nazarda tutilgan. Qizilqumda esa shu davrda muhim strategik mavqeiga ega bo'lgan Raboti Malik karvonsaroyi bo'lib, u Karmana viloyatiga tegishli bo'lgan. Shuning uchun ham Mirzo Bobur "Boburnoma" asarida bu joyni: "Buxoro va Samarqand o'rtasida joylashgan Karmana viloyati juda xushmanzara" deb ta'riflaydi[6; 85.].

Bobur qisqa umr koʻrgan boʻlsada, jaxonga mashhur boʻlgan «Boburnoma», «Mubayyin», «Harb ishi», «Xatti Boburiy», «Aruz risolasi» kabi asarlarini yaratib, kelajak avlodlar uchun katta meros qoldirishga ulgirdi.

Bobur maʼnaviyati haqida soʻz ketganda uning adabiy merosi haqida soʻz yuritmaslikning aslo iloji yoʻq. Birgina Boburning “Boburnoma” asari adabiy manba sifatida tarixiy voqealar tasviri, jonli sahnalarga shu qadar boyki, undan olinadigan saboqlar sarhadlarini belgilash amri mahol. Asarni mutolaa qilgan sari olam va odamni yangidan kashf etasan kishi. Muallifning hayotni qanchalik yaxshi koʻrgani, vafoli oshiq misoli yonib kuylagani, oʻtayotgan umrni imkon qadar ijod, yaratish, yangiliklar quvonchi bilan bezashga intilganini koʻramiz.

“Boburnoma” 30 ga yaqin fan sohalari boʻyicha aniq, ilmiy maʼlumotlar beruvchi moʻtabar manba. Unda muallifning hayoti, dunyoqarashi, yashash tarzi ham chiroyli dalil va boʻyoqlarda berilgan. Asardan joy olgan Boburning hayotga muhabbati, undan lazzatlanish, tabiat moʻjizalaridan hayratlanishdek jihatlari koʻpchilik diqqatini oʻziga tortadi.

Zahiriddin Boburning kuzatuvchanligi, atrofdagi barcha oʻzgarishlar, tabiatning nodir voqealari, jumboq va moʻjizalarini oʻrganmagunga qadar izlanavergani kishini hayratga soladi. Ehtimol, Boburning ana shu xislati va qarashlari “Boburnoma”ga dunyoviy shuhrat keltirgan va bu asar hozir ham olimlar diqqat markazida.

“Bobur Mirzo temuriylar sulolasini halokatdan qutqarib, asrdan-asrga, mamlakatdan-mamlakatga olib oʻtgan, bu ulugʻ sulola Hind zaminida uch yuz yildan ortiq davr surgan”[7;4.] va dunyoda Buyuk oʻzbek (adabiyotlarda hozirgacha Buyuk moʻgʻul imperiyasi” deb kelingan) imperiyani tashkil qilgan chinakam buyuk siymodir.

Bobur Mirzoga J.Neru yuksak baho bergan: “Bobur beqiyos daraja madaniy, dilbar shaxslardan biri edi. U mazhabparastlikka xos mahdudlik va diniy mutaassiblikdan yiroq edi, vayrongarchilik bilan shugʻullanmadi. Bobur sanʼat va adabiyotga qiziqar, oʻzi turkiy va fors tilida sheʼrlar bitar edi. U gullar va bogʻlarni sevar va jazirama Hindistonda Oʻrta osiyodagi Vatanini tez-tez eslab turardi: “...binafshasi bisyor latif boʻlur qalin lola va gullar ochilur” deb xotiralaydi u esdaliklarida”[8; 81.].

Zahiriddin Muhammad Bobur ijodi bugun ham dunyo olimlari, tadqiqotchilari diqqatini tortib kelayapti. Xususan, 2014 yil 15-16 mayda Samarqand shahrida oʻtkazilgan “Oʻrta asrlar Sharq allomalari va mutafakkirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojida roli va ahamiyati” mavzusidagi Xalqaro konferensiyaningochilishi marosimidagi nutqida Qohira universiteti professori, turk filoligi va adabiyoti boʻyicha taniqli olim Magida Mahluf xonim “Boburnoma”ni arab tiliga tarjima qilish boʻyicha uzoq yillik ishini yakuniga yetkazdi va unda oʻzining chuqur sharhlari va avvalgi tadqiqotlarga doir tanqidiy tahlillarni bayon etdi. Eng muhimi, bizning buyuk ajdodimiz Zahiriddin Muhammad Boburning shoh asari bilan ingliz, fors va boshqa koʻplab tillar qatorida endilikda arab tilida ham tanishish imkoni paydo boʻldi”[9; 95.], -deb alohida taʼkidlab oʻtdi.

Bobur kabi shaxslar bizni Vatanni, tariximizni qadrlashga, kelajakka ishonch bilan qarashga oʻrgatadi. Bobur oʻgʻitlari, ijodi tarbiya maktabi boʻlib, barkamol avlodni tarbiyalashda muhim hazina sifatida hizmat qilib kelmoqda.

ADABAIYOTLAR:

1. Qudratullayev H. Bobur armoni. T., “Sharq”. 2005.
2. Oʻzbekiston Milliy ensiklopediyasi. 5 t. T.: “Oʻzbekiston Milliy ensiklopediyasi” Davlat nashriyoti, 2003. –B. 425. Yana qarang: Axmedov B. Amir Temur darslari. T.: 2001.
3. Hofiz Tanish al-Buxoriy. Abdullanoma. Birinchi kitob. T.: SHarq, 1999.

4. Vemberi G. Istoriya Buxaragi (Buxaragi) ili Transoksanii s drevneyshix vremen do nastoyashego. SP.: 1883.
5. Muhammadyoribn Arab Qatag'on. Musahhir al-bilod. Fors tilidan Sh.Vohidov va D.Sangirova tarjimasii. T.: Yangi asr avlodi, 2009.
6. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. T.: Yangi asr avlodi, 2015.
7. Qodirov P. Yulduzli tunlar; Bobur: Tarixiy roman. – To'ldirilgan Yangi nashri. T.: "O'zbekiston", 1999.
8. Neru J. Dunyo tarixiga nazar. – Jahon adabiyoti, 1997.
9. Karimov I.A. "O'rta asrlar Sharq allomalari va mutafakkirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojidadagi roli va ahamiyati" mavzusidagi Xalqaro konferensiyaning ochilishi marosimida so'zlagan nutqi. Xalq so'zi, 2014 yil 16 may. № 95-son.

БОБУР ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ТАРҒИБ ЭТИШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚ КАНАЛЛАРИ ВА ГУРУҲЛАРИНИНГ РОЛИ

Холиқов Ш.А.

Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти АКТ кафедраси бошлиғи ўринбосари

Ҳаётимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, уларни ёшларнинг ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда. Айниқса ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилаётган маълумотлар бугунги кунда тезкор ахборот олишнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро бугунги кунда аҳолининг кўпчилиги катлами, айниқса ёшлар босма ахборот воситаларидан эмас, балки электрон ахборот воситаларидан фаол фойдаланаётган бўлиб унда асосий хусусиятлардан бири сифатида уларга сифатли маҳсулот етказиб беришдан иборат бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, охириги йилларда мамлакатимизда катта аудиторияга эга бўлган қарийб 290 та хусусий ва идоравий Интернет нашрлари ташкил этилди. Улар бошқа материаллар қаторида энг муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида тарқатмоқда¹⁸.

Бугунги техника ва технологиялар ривожланган замонда китоб ўқиш маданияти билан боғлиқ жараёнлар ҳам ёшлар орасида янгича инновацион аҳамият касб этмоқда. Хусусан ёшларнинг айрим қисми (15 %) мобил-электрон вариантдагисини ўқишни маъқул кўришмоқда. Бу борада ёшлар манбанинг арзонлигини, ихчамлигини ва тегишли вақтда жойда қулайлигини келтириб ўтишяпти. Аммо ёшларнинг катта қисми китобнинг босма вариантини ўқиш айти муддао деган фикрда (85 %) қолишган. Мазкур статистика бундан икки йил олдин ўрганилган сўров таҳлилидан иборат бўлиб, мазкур кўрсаткич ўтган вақт давомида янада ўзгарган.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ёшлар кундалик ҳаётида ўзига хос ахборот олиш маданияти вужудга келди. Тадқиқотимизда ёшларнинг ярмидан кўпи (52,1%) ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни интернет манбаларидан олишини таъкидлаган эдик. Ёшлар интернетни аввало янгиликлар излаш воситаси, ахборот макони (55,8 %) деб

¹⁸ Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. Т.: Ўзбекистон НМИУ. Б.437.

билишар экан. Шунингдек уларнинг катта қисми (35,9%) уни дунёқарашни кенгайтирадиган билим ва маълумотлар базаси деб ҳисоблашади. Ёшлар интернет воситасида ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланишади. Бу борада уларнинг аксарияти telegram ижтимоий тармоғи аъзоси ҳисобланишади. Ёшларга интернет биринчи навбатда янгиликлардан хабардор бўлиш (33,0 %), дўст ва яқинлар билан алоқа қилиш (29,3 %) ва хориждаги қариндош-уруғ ва яқинлар билан мулоқот, маълумот алмашиш (16,7 %) учун зарур.

Ёшларнинг 33,3 %и бир кунда камида бир, 22,2 %и икки, 10,6 %и уч, 6,0 %и тўрт, 2,8 %и беш ва ундан кўпроқ соат вақтини интернетга сарфлайди. Натижаларга кўра фақатгина 0,9 % ёшларгина интернетдан деярли фойдаланмайди. Тадқиқот натижаларига кўра ахборот ва янгиликларга (51,2 %), илмий ва илмий-тадқиқот ишларига (27,6 %), маънавий-маърифий соҳаларга оид сайтлар ёшлар учун фойдалироқ саналар экан.

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, аждодлар меросини қулай ва сифатли, асосли ва илмий исботланган тарзда ижтимоий тармоқларда тарқатиш ва ёшларга мазкур маълумотларни ўргатиш айтиш муддао саналади. Ижтимоий тармоқларда Буюк давлат арбоби, географ ва санъатшунос Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ижтимоий тармоқ ва мессенжерларда муҳокама этилиб ғазаллари ва рубоий (асарларини) иқтибос этишлар кенг тарқалмоқда телеграмм мессенжеридан каналлар мавжуд шулардан Zaxiriddin Muhammad Bobur (https://t.me/Zaxiriddin_Muhammad_Bobur), Zahiriddin Muhammad Bobur (https://t.me/zahiriddin_muhammad_bobur_ruboiy) ва бошқа каналлар ва гуруҳлар мавжуд. Мазкур тармоқларни аниқ кўпайтириш ва сифат даражаларини ошириш мақсадга мувофиқ.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини тарғиб этишда ижтимоий тармоқ каналлари ва гуруҳларининг ролини оширишда қуйидаги хусусиятларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, ёшларни Бобур ҳаёти ва ижодига доир маълумотларни қисқа ва лўнда, қизиқарли тартибда бериш орқали фойдаланувчилар учун жозибadorлигини таъминлаш муҳим аҳамаиятга эга;

иккинчидан ижтимоий тармоқларда Бобур ҳаёти ва фаолиятини турли тилларда ёритиш керак, боиси дунё илм-фанида беш асрдан буён Бобур ҳаёти фаолияти, илмий ва маънавий мероси, ҳарбий маҳорати ва жасоратларини ўрганиш қизгин давом этмоқда. Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда бобуршунос олимлар гуруҳи, ўзига мактаб шаклланган бўлиб, бугунги авлод уларнинг ишини давом эттирмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда ўзаро маълумотлар алмашишда ва амалга оширилаётган вазифаларни тушунишда мазкур масала юқори ўрин тутаяди;

учинчидан, бобуршунослик йўналишида амалга оширилаётган дунё миқёсидаги тадқиқотларни ижтимоий тармоқлар орқали тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш керак. Масалан, Европада бобуршунослик йўналишида амалга оширилган фаол тадқиқотларда немис олимлари – А.Кайзер, А.Шиммел, Ф.Вюртле, В.Стамлернинг, французлардан – А.Клапрот, Ф.Берне, Пер Ларусс, Паве де Куртейл, Г.Фернан, Ф.Гренан, Л.Гамби, Б.Грамон, Луи Базен кабиларнинг ҳиссаси аҳамиятлидир. Шарқа мамлакатларида эса, эронлик олим З.Мансурий, япониялик шарқшунос Э.Мано ва бошқаларнинг амалга оширган ишларининг энг “қаймоқ” маълумотларини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ёшларда фахр-ғурур, Ватанга садоқат туйғуларинининг мустаҳкамланишига олиб келади.

тўртинчидан, Бобурнинг саркардалик фаолияти ва жаҳон ҳарбий санъатига қўшган ҳиссасини ижтимоий тармоқ каналлари ва гуруҳларида тобора кенгроқ ёритиш мумкин. Бунда ёшларнинг қизиқиш доирасидан келиб чиққан ҳолда ёндашув талаб этилади. Захириддин Муҳаммад Бобур моҳир саркарда ва адолатли ҳқумдор ҳисобланади. Бобур машҳур “Панипат жанги” “Пароло жанги”, “Канва жанги” ва “Гагра жанги” каби жангларда мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатиб, улкан салтанат пойдеворини яратган. Бобур жангларда “Тўлғама”, “Савқул жаиш”, “Шибба”, “Султоний жанг”, “Тўқсовул”, “Ноғора ҳийласи”, “Уруши ангизи”, “Зарб уруши”, “Бажид уруш”, “Усманийлар жанги” каби усуллардан фаол фойдаланган. Ана шу усул ва воситаларни ёшларга қизиқарли тарзда ўрганишнинг энг муҳим воситаларидан бири айнан ижтимоий тармоқдаги каналлар ва гуруҳларда маълумотларни тарқатишдан иборат бўлади.

бешинчидан, бобур асарларини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш, шу билан бирга уларни ёшлар ўқишлари учун қатор дастурлардан фойдаланган ҳолда шарт-шароит яратиш лозим. Боиси ёшлар унинг электрон нусхасини мустақил равишда ўқишлари учун ҳар доим ҳам вақт ва иштиёқ бўлмайди. Шу боисдан ҳам Бобур асарлари ўқиш ва тарғиб қилиш бўйича ёшларни қизиқтириш мақсадида ижтимоий тармоқларнинг Бобур ҳақидаги каналлари ва гуруҳлари фойдаланувчилари ва обуначилари иштирокида совринли ўйинлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бунда Бобур асарларини ўқиш учун ҳар куни маълум бир бет материални каналга ёки гуруҳга жойлаштириш ҳамда унинг ўқилганлиги бўйича савол-жавоблар, турли танлов ва интерактив ўйинлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

олтинчидан, ёшлар орасида Бобур ҳақидаги каналлар ва гуруҳларни рекламаларини кучайтириш керак. Чунки уларнинг ҳаммаси ҳам ана шундай канал ва гуруҳларнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотга эга бўлмаслиги мумкин.

Глобаллашув шароитидаги хавф-хатарлар ва мафкуравий хуружлар ҳақида гап борар экан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърифатпарвар аллома Абдурауф Фитратнинг “Бу дунё кураш майдонидир. Соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ бу майдоннинг қуролидир” деган фикрларини алоҳида таъкидлаганларини эътироф этиш керак¹⁹]. Буни инобатга олган ҳолда Президент таклифи асосида ёшлар аудиториясига йўналтирилган теле ва радиоканаллар, босма нашрларни бирлаштириб, “Ёшлар медиа холдинги” ташкил этиш соҳа ривожига амалга оширилаётган муҳим натижалардан саналади.

Ёшлар ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш жараёнида медиахавфсизликка амал қилишлари лозим. Медиахавфсизлик муаммоларини таълим воситалари орқали бартараф этишнинг асосий сабаблари сифатида турли ёш даврларида – болалик, ўсмирлик ва ёшлик босқичларида медиаоламнинг таъсир даражаси ўлароқ белгиланади. Вояга етмаганларнинг медиахавфсизликка риоя қилмасликлари, унинг мезонларидан тегишли даражада хабардор бўлмасликлари, тўғрироғи тушунмаслиги, унинг қонуний асослари ва жавобгарлигидан беҳабарлиги натижасида турли ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир бўлиб, айрим ҳолларда мазкур ҳолатлар жиноий жавобгарлик, ўз жонига қасд қилиш даражасига етиб бораётганлиги ҳам сир эмас. Биргина 2019 йилда мамлакат бўйича жиноят содир этган 47 мингдан ортиқ шахснинг 12 минг нафари ёки 25 фоизини ёшлар ташкил этади²⁰. Табиийки бу жараёнда ёшлар орасида медиахавфсизликка доир жиноятлар ҳам учрайди. Шу боисдан ҳам мазкур нозик масалаларда ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш лозим.

¹⁹ Ёшларга оид давлат сиёсатида бурилиш даври бошланмоқда. Халқ сўзи. 2019 йил 28 декабрь.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи. 2020 йил 22 январь

Бобур ҳақидаги маълумотларни ижтимоий тармоқларга жойлаштирганда аввало уларнинг асослилиги ва қизиқарлилигига эътибор қаратиш керак. Масалан Бобур “Бобурнома”да қовун ҳақида бир қатор маълумотлар келтириб ўтган бўлиб, шунга ўхшаш мавзуларни имкон қадар торроқ доирада, лекин қизиқарли қилиб етказиш лозим бўлади. “Бобурнома”да қовун ўндан зиёд марта тилга олинган, унинг “миртемурий”, “исмоил шайхӣ”, “хусравӣ” каби навлари таърифланган. “Бухоро қовунча кўб ва хўб қовун бўлмас. Вале Бухорода ҳар жинс қовундин кўб бўлур ва яхши бўлур”²¹. Шунингдек, Бобур қовун ва узумни ҳалол емиш сифатида таърифлайди. Бобур қовундан бошқа экин ва мевалар билан солиштиришда ҳам ишлатган. Масалан, турунж (грейпфрут) ҳақида материалларда ҳам қовунга оид маълумотлар учрайди. Бу “Бобурнома”да 10 мартадан зиёд тилга олинган, хусусан, “турунжнинг улуғлиғи Хусравӣ қовунча бўлғай. Пўсти қўтур-пўтур ноҳамвордур... ранги норанж (апельсин) рангидек сариғроқдур. ... Дарахти таналиқ дарахт бўлмас,.. бута-бута бўладур” дея таърифланган. Шу каби маълумотларни ижтимоий тармоқларда жойлаштириш орқали ёшларда Бобур асарларига қизиқишни ошириш мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда ёшларни аждодларимиз меросидан муносиб баҳраманд бўлишлари учун илм-фан ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан фойдаланган ҳолда ёндашув замон талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. Т.: Ўзбекистон НМИУ. Б.437.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: “Ўқитувчи” 2008. 287 б.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Ўз ФА. 1960. 509 б.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т.: “Sharq”, 2007. 688 б.
5. Жалилов С. Бобур ҳақида ўйлар. Т.: “Sharq”, 2006. 116 б.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

Тўраева Д.Р.

ИИВ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ҳар бир халқнинг тарихий, маданий-миллий қиёфасини аниқ белгиловчи улуғ шоҳлари, буюк олимлари, йирик адиб ва шоирлари бўлади. Чунончи, Искандари Макдунӣ, Сукрот, Арасту, Букрот, Еврипид, Ҳомер номларини эслаганимизда, буюк эллин маданияти улуғворлиги ва нафосати билан кўз ўнгимизда намоён бўлади. Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Шайбонӣхон, Абулғози Баҳодирхон, Амир Умархон, Муҳаммад Раҳимхон Феруз сингари шоҳ, хон ва амирлар; Муҳаммад ал-Хоразмӣ, Абу Наср Форобӣ, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарӣ, Абу Мансур ас-Саолибий, Маҳмуд Замахшарӣ сингари дунёвий: ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар алломалари; Имом Исмоил ал-Бухорӣ, Имом Мотуридӣ, Абу Зайд Дабусий, Хожа Аҳмад Яссавӣ, Баҳовуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор каби ҳадис, калом, дин ва тасаввуф илми уламолари; Юсуф Хос Ҳожиб, Ҳофиз Хоразмӣ, Мавлоно Лutfий Шоший, Алишер Навоӣ, Муҳаммад Ризо Огаҳӣ, Моҳларойим Нодира, Жаҳон отин Увайсий, Зокиржон Фурқат ва уларнинг сафдошлари бўлган сўз санъаткорлари эса Ватанимиз ўтмиши қиёфасини тасаввуримизда

²¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: “Ўқитувчи” 2008. Б.48.

жонлантиради. Уларнинг мероси Ўзбекистон халқлари умуминсоний кадриятларининг равнақи ва бойишига хизмат қилиб келган эди ва бундан буён ҳам хизмат қилади.

Инсониятнинг абадиятга мансуб буюк фарзандлари сафида бу йил таваллудининг 538 йиллиги нишонланаётган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз ўрнига эга. Кишилиқ тарихида Бобурчалиқ шахсий имкон, иқтидор ва фазилатлари беқиёс кишилар жуда кам учрайди. **Бобур — буюк подшоҳ, мумтоз шоир, назарийетчи адабиётшунос, фақих, тилишунос, санъатишунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони** сифатида кўпқиррали фаолият ва ижод соҳиби эди. Биргина — Бобурномадан маълум бўладики, унинг йигирмадан ортиқ соҳаларга қизиққанлигига яққол мисолдир. **Бобур, биринчи навбатда, шоҳ, бобурийлар сулоласининг асосчиси.** Балки, бобурийлар жаҳон тарихида энг узоқ йиллар (332 йил) ҳукмронлик қилган сулола бўлиб чиқар... У подшоҳ сифатида лашкар тортиб шоҳларга хос мағлубиятларнинг аччиқ аламларию зафарларнинг улуғвор нашидаларини суришни кўп маротаба ўз бошидан кечирди. Отаси сингари улуғ ҳимматли ва олий мақсадли шахс бўлганлигидан Фарғона вилоятини кичик жой деб ҳисоблаб, Самарқандга интилди. У ерда Шайбонийхондан енгилб, Кобулга келди ва кейин Ҳиндистондек бепоён йирик мамлакат ҳукмдорига айланди.

Буюк шоҳ Бобур Ҳиндистонда темурийларга хос улуғ бунёдкорлик анъаналарини давом эттирди: мухташам қасрлар тиклаш, ариқ-каналлар қазил, боғ-роғлар бунёд этиш, адабиёт, илм-фан ривожига ҳомийлик қилиш, элни адолат билан бошқариш сингари фазилатлар кейинчалиқ Ҳиндистоннинг буюк фарзандлари томонидан чинакам ижобий баҳоланди.

Заҳириддин, барча Темурий шаҳзодалар каби бу илмларнинг асосини отаси саройида, етук устозлар раҳбарлигида эгаллади. Бироқ унинг беташвиш ёшлиги узоққа чўзилмади. 1494 йили отадан етим қолди. 12 ёшида отаси ўрнига Фарғона улусининг ҳокими этиб кўтарилган Бобур қаламни қиличга алмаштириб, Андижон тахти учун укаси Жаҳонгир Мирзо, амакиси Султон Аҳмад Мирзо, тоғаси Султон Маҳмудхон ва бошқа рақибларга қарши курашишга мажбур бўлди. Бобур укаси Жаҳонгир Мирзо билан муросага келиш учун унга ён беришга — Фарғона улусини иккига тақсимлаб, ярмини укасига топширишга қарор қилди ва ўзи Самарқанд учун олиб борилаётган ку-рашга киришиб кетди. Бир неча йил давом этган бу кураш қирғин-баротдан бошқа бирор натижа бермади: унда катта ҳарбий куч билан аралашган Шайбонийхоннинг қўли баланд келди ва Бобур Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлди. 1504 йили Шайбонийхон Андижонни ҳам қўлга киритгандан сўнг, Бобур жанубга қараб йўл олди ва Кобул улусида ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1505-1515 йилларда у Марказий Осиёга қайтишга бир неча бор уриниб кўрди. Аммо бу уринишлардан ҳеч қандай натижа чиқмади. Сўнг ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида, 1519-1525 йиллар давомида Ҳиндистонни қўлга киритиш учун бир неча бор жанглар олиб борди. 1526 йил апрел ойида Панипатда Ҳиндистон султони Иброҳим Лўди билан ва 1527 йили март ойида Читора ҳокими Рано Санго билан бўлган жангларда Бобурнинг қўли баланд келди. Тарихий маълумотларнинг баён қилишича, Бобурнинг Ҳиндистонга юришида Деҳли ҳукмдори Иброҳим Султон сиёсатидан норози бўлган Панжоб ҳокимлари ҳам Бобурни қўллаганлар ва Сикри жангидаги бу ғалаба Бобурга Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини узил-кесил ўрнатиш ва Бобурийлар сулоласини барпо этиш имкониятини берди. Оврўпо тарихчилигида «Буюк мўғуллар» номи билан «ғаллати машҳур» бўлган, аслида «Бобурийлар сулоласи» Ҳиндистонда 300 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилди. Бобур бу ғалабадан кейин узоқ яшамади — 1530 йил декабр ойида, Агра шаҳрида вафот этди ва кейинроқ унинг васиятига кўра фарзандлари унинг хокини Кобулга олиб келиб дафн этдилар.

Бироқ қисқа бир вақт ичида Бобур Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, Ҳиндистон ерларини бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотик масалаларини тўғри йўлга қўйиш боғроғлар яратиш ишларига ҳомийлик қилди. Ҳиндистонни ободонлаштириш, унда ҳозиргача машҳур бўлган меъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдириш, айниқса, унинг ўғиллари ва авлодлари даврида кенг миқёсга ёйилди. Ҳиндистон санъати ва меъморчилигига Марказий Осиё услубининг кириб келиши сезила бошлади. Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурда ўша даврнинг илғор ва зеҳни ўткир олимлари, шоирлари, муси-қашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукаммал бир маънавий-руҳий муҳит вужудга келди. Бобурийлар давлатидаги маданий муҳи гнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида Жаваҳарлал Неру шундай ёзган эди: «Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катга силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига туташиб кетди».

Инглиз тарихчи олими Уильям Эрскин «Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди» деган эди.

Амир Темурдан сўнг темурий шаҳзодалар ичида мукаммал давлатчилик сиёсатини олиб борган, буюк Соҳибқиронга ҳар томонлама муносиб издош бўла олган авлодларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир.

Бошқа шаҳзодалардан фарқли равишда Бобур даври энг мураккаб бир пайтга тўғри келди ва унга ўз юртида ҳукмронлик қилиш насиб этмади. Аммо мустаҳкам ирода, сабр-бардош, юксак ақл ва идрок, бекиёс жасорат ва матонатга эга Бобур ўзга юртда бўлса-да, ўз салтанатига асос солди. Бу салтанат тарқоқ мамлакатнинг сиёсий бирлигини таъминлади, унинг гуллаб-яшнаши учун асрлар оша ижобий таъсир кўрсатди.

Хўш, у бунга қандай эришди? Тарихчи ва сиёсатчилар бунинг асосий сабабларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз салтанатида маъмурий бошқарув тизимини тўғри йўлга қўйгани, ишларнинг тартибли ва ўзаро маслаҳат билан амалга оширилганида деб ҳисоблашади.

Бобур ва бобурийлар давлатида салтанат ишлари қуйидаги вазирлик ва идоралар орқали бошқарилган:

Молия вазири (ҳазинабон) ва у раҳбарлик қиладиган солиқлар бўлими. Бу идора бошлиғи “Девони аъло” деб аталган.

Салтанат ички ишлари иш бошқаруви идораси. Бу идора “Хони замон” ёки бош доруға томонидан бошқарилар эди.

Ҳарбий молия ишлари бошқармаси. Бу бошқарма ҳарбий лавозим эгаларига маош тўлаш ва ушбу тизимнинг сарф-харажатларини ҳисоб-китоб қилиш билан шуғулланган.

Адлия ишлари идораси. Бу идора фуқаролик ва жиноий ишларнинг ҳал этилишини назорат қилган, у “қози ул-қуззот”, яъни бош қози назорати остида иш олиб борган.

Хайрия ишлари бўлими. Бу бўлим диний ташкилотларга тушадиган қиримлар, яъни хайрия ва эҳсонлар ҳисобини олиб борган. Бу ишлар учун “Садр ус-судур”, яъни бош садр мутасадди этиб белгиланган.

Маънавият бўлими. Бу идорага бош мухтасиб раҳбарлик қилиб, унинг жамоаси фуқароларнинг ахлоқ қоидаларига, эътиқодга амал қилиши каби ҳолатларни кузатиб борган.

Ҳарбий артиллерия (тўпхона) бўлими. Бу идора ҳарбий қурол-аслаҳа захираси билан шуғулланар эди. Унинг раҳбари эса “Мири отиш” ёхуд “Доруғаи тўпхона” деб аталган.

Ахборот ва хуфия хабарлар бўлими. Бўлим бошлиғи “Доруғаи дарак шавқи” деб аталиб, у мамлакатда бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисалардан подшоҳни хабардор қилиб туриш учун масъул бўлган.

Пул зарб қилиш бошқармаси. Бу идорага ҳам махсус доруға раҳбарлик қилган.

Аҳамиятли томони, ўз давридаги бошқа ҳукмдорлардан фарқли равишда, Бобур салтанатида бу бўлимларнинг ҳар бири давлат ишларида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган. Уларга ўз тизимидаги барча ишлар учун жавобгарлик ва масъулият юклатилиши билан бир қаторда, маълум бир қарор олдидан ҳар бирининг фикри тингланиб, энг мақбул таклифлар инобатга олинган.

БОБУР ИЖОДИ ВА КИТОБАТ САНЪАТИ

Амонова З.Қ.

БухДУ, Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, ф.ф.н.

Ахророва З.Р.

БухДУ талабаси

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек мумтоз адабиётида Алишер Навоийдан кейинги буюк сиймо саналади. Унинг лирик ва насрий мероси ҳозирги замон адабиётшунослиги учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шоир ижодида Шарқ мумтоз адабиёти анъаналари ўзининг бадиий ифодасини топган. Қолаверса, Бобур анъаналар қобиғида қолиб кетмай, ўз новаторлигини ҳам намоён этган. Шоир девонида ғазал, рубоий, туюқ, маснавий, қитъа, фард, муаммо каби жанрларда ижод этган шеърлари жамланган. Айниқса, ғазал ва рубоий шеърини шаклларида баракали ижод этган. З.М.Бобур ўз лирик меросида бир қатор бадиий санъатлар намуналаридан маҳорат билан фойдаланган. Ана шулардан бири китобат санъатидир. Араб алифбосидаги ҳарфларнинг шаклий кўринишларини асос сифатида белгилайдиган бадиий санъат тури китобатдир. Таъкидлаш жоизки, араб ҳарфларининг ботиний маъноларини кашф айлагувчи ва унинг ички маъноларига ишора қилувчи ҳуруфийлик тариқати ҳам мавжуд. Мазкур тариқатда ҳам араб ҳарфлари алоҳида мавқе эгаллайди. Ҳуруфийлар инсон юзидаги аъзоларнинг шаклига мос ҳолда ҳарф танлашган. Жумладан, бурун – **алиф** (ا), тор ва кичкина оғиз – **мим** (م), кўз – **сод** (ص), ёки **айн** (ع), соч кокиллари ҳамда зулф – **дол** (د), қош – **нун** (ن), ёки Алиф устига чизилган маддадир. Улар инсон юзида асосан Оллоҳ ва Муҳаммад (с.а.в) сўзларидаги ҳарфлар ифодаланганлигини эътироф этадилар. Яна шунингдек, инсоннинг яратилиш шакли Муҳаммад исмининг ҳарфларига ўхшашлиги билан боғлиқ фикрлар ҳам мавжуд: “Инсоннинг боши “**мим**”; икки кўли “**ҳо**”; қорни “**мим**”; икки оёғи “**дол**” кабидир” [3,41]. Сўзаро шуни таъкидлаш жоизки, наът характерида яратилган шеърларда “**алиф**” – Ҳазрати пайғамбарнинг бўйига, “**лом**” – сочига, “**мим**” – оғзига ўхшатишган.

Шарқ шеърлятида маъшуқанинг чиройли қайрилма қоши, жон олғувчи қоп-қора кўзлари, тор ва кичкина оғзи, ошиқ кўксига ўқ бўлиб қадалувчи киприклари, мафтункор холи азалдан анъанавий услубда мадҳ этиб келинган. Бунда араб ҳарфлари ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга. Ҳуруфийларнинг инсонни улуғлаб, уни илоҳийлаштиришига сабаб ҳам ана шу қуръоний илҳомдир. Ушбу тариқатда юзага келган бундай ўхшатишлар аста-секинлик билан лирикада ўзига хос бир санъатнинг юзага келишига сабаб бўлган. Ўзбек мумтоз адабиётида ҳам маъшуқанинг бўй, соч, қош, кўз, оғиз каби гўзаллик унсурлари учун араб алифбосидаги

айрим ҳарфлар ташбеҳ унсури сифатида ишлатилган. Жумладан, “алиф” ёрнинг чиройли тик қомастига, “сод” ёрнинг кўзларига, “нун” қошларига ўхшатиш.

Демак, ҳарфий санъатларнинг ўзбек мумтоз шеърятидан кенг ўрин эгаллашида ҳуруфийлик тариқатининг муайян таъсири борлигини инкор қилиш қийин. Аммо китобат санъати қўлланилган ҳамма байтларни ҳам ҳуруфийлик нуқтаи назаридан таҳлил этиб бўлмайди. Зеро, ҳуруфийлик ғоялари ифодаланган байтларда ҳарфлар билан биргаликда тасаввуфий маъно ва тимсоллардан ҳам моҳирлик билан фойдаланилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, айрим адабиётларда араб ҳарфларининг XIII-XIV асрлардан бери мумтоз шоирларимиз томонидан лирик ва эпик тимсоллар яратишда кенг қўлланилганлиги ҳақида фикр юритилган [4,57]. Ваҳоланки, ўзбек адабиёти тарихининг XV асргача бўлган асарларида араб ҳарфлари санъат воситаси сифатида қўлланилган матнлар деярли учрамайди. Бу ҳодиса мумтоз адабиётимизда XV асрдан бошлаб тараққий этди. Хуллас, араб ҳарфларининг ёзма адабиётда маълум бир бадиий санъат сифатида шаклланиши ҳуруфийлик тариқатининг таъсири билан боғлиқ.

Бобур Мирзо ижодида ҳам китобат санъатининг нодир намуналарини кўриш мумкин:

Қаддинг “алиф”у, қошинг эрур “ё”,
Десам не ажаб, агар сени ой?[1, 139]

Мумтоз адабиётимизда кўп ҳолларда маъшуканинг чиройли тик қомасти “алиф” ҳарфига ташбеҳ қилинади. Бунда мазкур ҳарфнинг шаклий кўриниши (ا) тик бўлганлиги асос саналади. Шунингдек, ғазалларда ёр қошининг “ё” ҳарфига ўхшатилишини ҳам учратамиз. Бобур Мирзо ана шу анъанани ўзига хос тарзда давом эттириб, шакл ва мазмун мутаносиблигига ҳам эътибор қаратган. Чунки биринчи мисрада ташбеҳга асос бўлган “алиф” ва “ё” ҳарфлари иккинчи мисрада “ой” сўзининг ёзилишини келтириб чиқаришига ишора берган. Ҳам маъшуканинг “ой”га ўхшатилиши, ҳам “алиф” ва “ё” ҳарфларининг бирикувидан ҳосил бўлувчи сўз “ой” келтирилган. Шоирнинг маҳорати ва ўзига хос новаторлиги шундаги маъшуқа гўзаллигидан таъсирланиб, тажохулу ориф санъати асосида “Десам не ажаб, агар сени ой?” дея зикр этади. “Бобур Мирзо шеърятда ёрқин намоён бўлиб турувчи фазилатлардан бири шундаки, шоир сўзларнинг турли маъно кирраларидан маҳорат билан фойдаланилади” [2,461]. Худди шундай мулоҳазаларни шоир навбатдаги байтда ҳам давом эттиради:

Ул алиф бўйлук ойнинг ишқи
Мени олам аро алам қилди[1, 142].

Маъшуқа қаддининг тиклиги “алиф” га ташбеҳ қилинар экан, шоир истиора асосида (ойнинг ишқи) фикрларини янада таъсирли ифодалашга ҳаракат қилади. “Алиф бўйлук ойнинг (маъшуканинг) ишқи” ошиқни олам аро “алам” (байроқ, машхур) қилади. Зеро, ошиқ машхурлигига сабаб “Алиф бўйлук ойнинг ишқи”, шунингдек, “алам”(машхурлик) сўзининг ўзи ҳам “алиф” билан ёзилади. Кўринадики, Бобур Мирзо китобат санъатидан шаклий ўхшатиш учунгина фойдаланмайди, балки шу ҳарфлар асосида байт мазмунига мос сўз ясашига ҳам эътибор қаратган. Айни мана шу жиҳат шоирнинг китобат санъатидан фойдаланишдаги ўзига хосликни намоён этади.

Демак, маъшуканинг гўзаллик узвлари ифодаси учун араб алифбосидаги ҳарфлар асосий ўрин эгаллайди. Шунингдек, ҳижрон ва айрилик туфайли ошиқ ҳолати ифодасида ҳам араб ҳарфлари муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, ошиқона ғазалларда ҳижрон таъсирида ошиқ қомастининг эгик ҳолати “дол” (د) ҳарфига ташбеҳ қилинади:

Кўнглума дард келгали ҳам бўлди қомагим,

Қаддим магарки “дард” ёнидаги “дол” эрур[1, 41].

Мазкур байтда ҳам анъанавий ташбеҳ (ошиқ қоматининг “дол”га ташбеҳ қилиниши) қўлланилган. Шоир айна анъанани ўз бадий иختироти билан бойитган. Яъни ҳижрон ошиққа “дард” олиб келади. “Дард” сўзи дол ҳарфи билан ёзилади. Шунинг учун ошиқ қадди “дард” ёнидаги “дол” га ташбеҳ қилинади.

Демак, Бобур Мирзо лирик меросида фикр таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида китобат санъатидан унумли фойдаланганлигини кўриш мумкин. Шоир Шарқ мумтоз адабиёти анъаналарининг давомчиси сифатида араб ҳарфларининг шаклий кўринишларини инобатга олиб чиройли, таъсирчан мисралар яратди. Айниқса, маъшуқа қомати тасвирида “алиф” ҳарфи, айрилиқ изтироблари таъсирида ошиқ қоматининг “дол” янглиғ бўлиши ифодалари билан боғлиқ мулоҳазаларда ўзига хос новаторликни ҳам намоён этди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобур З.М. Ғарибинг андижонийдур. Т.: Шарқ. 2008й.
2. Vohidov R.J., Eshonqulov H.P. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi. T: O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg‘armasi nashriyoti. 2006y.
3. Хожа Бектоши Валий. Мақолот. – Т: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000й.
4. Ҳожиаҳмедов А. Огаҳий даҳосининг олмос қирралари. – Т: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999й.

БОБУР ВА ТАСАВВУФ МАСАЛАСИ

Жуманиёзова Д.

*Қамолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти
доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) буюк Темур авлодининг энг иқтидорли ва дилбар сиймоси. Барча бобуршунос олимлар уни ўз даврининг етук шахси ва ижодкори сифатида бир овоздан эътироф этганлар. Бобур шахсининг шаклланишида Шарқ маънавиятининг ўзакларидан бири-тасаввуф таълимотининг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд. Чунки унинг отаси Умаршайх Мирзонинг “Ҳазрати Хожа Убайдулло(Аҳрор Валий)га иродати бор эди, суҳбатлариға бисёр мушарраф бўлиб эдилар.” Ҳазрати хожа ҳам (Умаршайх Мирзони) фарзанд деб эдилар” [1.10б.] Филология фанлари доктори, профессор И.Ҳаққул Бобур ва тасаввуф масаласи ҳақида ёзади: “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тасаввуф таълимотига муносабати илмда махсус текширилмаган. Бобурни тасаввуф жиддий кизиқтирганми, йўқми? Бобур диққатини тасаввуфга жалб этган сабаблар борми? Бор бўлса, улар нималар...” [2.162б.] Биз Бобурни мутасаввуф шахс сифатида тақдим қилиш фикридан йироқмиз. Бобур тасаввуф ривожланган бир жамятда яшаб ўтди ва бу таълимотнинг унга ғоявий таъсир қилиши табиий ҳол эди. Бобурни тасаввуфдаги ҳурфикрлик кўпроқ кизиқтирган бўлиши мумкин.

Албатта, Бобур ва тасаввуф масаласини илмий тадқиқ этиш учун бу масалага доир манбалар характеристикасини бериш, уларда илгари сурилган фикрларни таҳлил этиб ўтиш жоиз бўлади.

Бобур ва тасаввуф масаласига доир ёрқин маълумотлар берувчи асосий манба унинг ўз асари “Бобурнома”дир. Унда бизни кизиқтирган масалага доир етарлича маълумотлар берилган.

Чунки Бобур 12 ёшдан бошлаб давлат ишлари ва ташвишлари билан машғул бўлгани ҳолда, қачон ва қай даражада тасаввуф ғоялари билан танишди, деган масала биз учун кизиқарлидир. Бу ўринда, таъкидлаб ўтиш лозимки, “Бобурнома”нинг нисбатан мукамал нашрлари амалга оширилган, биз эса охириги тажрибаларга таяниб зукко олим Порсо Шамсиев томонидан 1989 йили Тошкентда амалга оширилган манбага асосландик. Негаки, 1996 йили Токиода нашр этилган “Бобурнома”нинг илмий-танқидий матнида ҳам жиддий камчиликлар бор.

Бобурнинг тасаввуф ва тасаввуф вакилларига муносабати тўғрисида унинг замондошлари ҳам ёзиб қолдирганлар. Ана шундай манбалардан бири Бобурнинг кизи Гулбаданбегим (XVI аср) томонидан ёзилган “Хумоюннома” асаридир. Гулбаданбегим ўз асарида отасининг нафис-атвори, фаолияти ва характери ҳақида кўп маълумотлар беради. Шунингдек, Бобурнинг зукко уламоларини ва машойихларни азиз тутиб, ҳамиша Хожа Аҳрор Валий руҳларига таважжуҳ билан яшаганлигини ёзади. Демак, Бобур оиласида, саройда ва давлат ишлари билан машғул чоғларида тасаввуф вакилларига нисбатан ўз муносабатини ошқора тарзда намоён қилган. Ёш бўлишига қарамасдан Гулбаданбегим ҳам бунга эътибор қилган ва шундай эзгу хулқ-атвор соҳиби бўлган отаси билан фахрланишини яширмаган. [3.48б.] Бобурнинг машойихларга бўлган эътиқоди уни юмшоқ кўнгил, одил ва зукко бўлишига таъсир этган, назаримизда.

Бобурнинг тасаввуфга боғлиқ жиҳатлари ҳақида маълумот берувчи манбалардан яна бири мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг (XVI) “Тарихи Рашидий” асаридир. Мирзо Ҳайдар Бобурнинг она томонидан бўлавакчаси бўлиб, Бобурни кўрган, хизматида бўлган ва тасаввуфдан яхши хабардор кишидир. Унинг хабар беришича, улуғ ихлоси бўлган Умаршайх Мирзо Хожа Аҳрор Валийдан ўғлига исм қўйиб беришни сўрайди ва у зот “Заҳириддин Муҳаммад” деб исм қўйяди. Уни Бобур деб атаёт бошлашади. Кейинчалик Бобур Мирзо “Заҳириддин Муҳаммад Бобур” деб имзо чека бошлайди. Аркони давлат эса “Бобур подшоҳ дер эдилар.” [4.212б.] Демак шу сабаб ҳам Бобур Хожа Аҳрор Валийга эҳтироми биланд бўлганлигини кўрсатади. Демак, унинг исмини Хожа Аҳрор Валий қўйган экан.

Ҳайдар Мирзо Бобурнинг эзгу хулқ-атвори ва дин олимларига нисбатан яхши муносабати ҳақида сўзлар экан, дейди: “Мен Шоҳибекхон (Шайбонихон- Д.Ж.) босқинчилигидан қочиб, Кобулга (1505 йили- Д.Ж) Бобур подшоҳ хузурига бордим. У мени эҳтиром билан кутиб олди ва сўради: “Сенинг бу ерга келишингга ким йўлдошлик қилди? Мен дедим: “Менинг устозим Мавлоно Муҳаммад Садр”. Бобур подшоҳ дарҳол уни чорлашни буюрдилар Мавлоно Муҳаммад Садр киргач, бориб у ҳазратни қучдилар ва илик сўзлар билан алқадилар. [4.306б.] Мирзо Ҳайдар бунда Бобурнинг улуғ ихлос соҳиби эканлигини эътироф этиб: “Бобур подшоҳнинг қалбидаги самовий нур оламини ёритур эди”- дейди. [4.307б] Бобурнинг Шайх бобо Самарқандийни (XVI) эҳтиром билан ёнида олиб юрганлигини ва иккинчи маротаба Самарқандни қўлга киритганида, шаҳарни бошқаришни унга топширганлигини ёзади. . [4.307б.] Демак, Бобурни тасаввуф вакиллариини салтанат ишларига жалб қилишга ҳам уринган. Чунки тасаввуф шайхларининг бош шоири адалатпарварлик. Бунга уларнинг дунё мол-мулкига беписанд қарашлиги сабаб бўларди. Шайх Бобони Самарқандга масъул қилаётганида Бобур бу томонларни албатта ҳисобга олган. Айни пайтда Бобур шайхларнинг маслаҳати билан ўзига сотқинлик қилган кўп саркарда ва бекларнинг гуноҳидан кечган. [4.308б.] Шундай қилиб, Мирзо Ҳайдар Бобурни энг ёшлик йилларидан бошлаб тасаввуф вакиллари дуосини олган бир киши сифатида тақдим қилади. Бобурнинг улуғ подшолигини у азизларга бўлган ҳурматидан ва азиз-авлиёлар насихатини олганлигида кўради.

Бобур ва тасаввуф масаласига доир ёрқин маълумот беурвчи манбалардан яна бири Ҳасанхожа Нисорийнинг (1516-1597) “Музаққири аҳбоб” (1566 йили ёзилган) асаридир. Нисорийнинг бу борада берган маълумотлари ҳам қимматлидир. Чунки, Ҳасанхожа Нисорийнинг Бобурни муъазиз тутиб сўзларини ва унинг фарзандлари Ҳумоюн Мирзо, Камрон Мирзо, Аскарӣ Мирзо ва Ҳиндол Мирзолар ҳақида ҳам ихлос билан ёзганлигини қайд этиш лозим.[5.51б]

Негаки, Бобур ва унинг авлоди Ҳасанхўжа Нисорий мансуб бўлган Хожагон – нақшбандийлик тариқатининг ихлосмандларидан эдилар.

Ҳасанхўжа Нисорий Бобур ҳақида дейди: “Чиғатой султонларининг(ўша давр ибораси. Яъни темурийларнинг – Д.Ж.) энг сараси ва шижоатлиси эди.” [5.52б] Шундан сўнг у Бобурнинг Мовароуннаҳрда иши юришмагач Ҳиндистонда давлат тузганлигини нафис услубда сўзлайди ва бу байтни ёзади:

Ҳумоюнфол Бобур подшоҳ шоҳу жаҳон бўлди,

Ки хинд олиб, муҳолиф аскарига камрон бўлди. [5.52б]

Бу байтда Бобурнинг ўғиллари исми ҳам зикр этилган. Ҳасанхўжа Нисорий фикрича, Бобур Ҳиндистонни олгач, “Дарё мисол қўли билан саховат оламига эркинлик берди.” [5.52б] Нисорий биринчилардан бўлиб, шу тариқа Бобурни адолатпарвар шоҳ сифатида тақдим этади ва биз учун муҳим бўлган ушбу маълумотни беради: “Подшоҳнинг нақшбандия олий хонадонига иродат нисбати бор эди. Юқори шон-шавкатли бобоси (яъни Султон Абусаид Мирзо- Д.Ж.) ва салтанат нишонли отасининг ҳазрати Ҳожа Аҳрорга иродати бўлган Бобур подшоҳ ҳам бу улуғлар хонадонига нисбатан иззат-икромни соатма-соат оширар ва бирон дақиқа бу ишни қанда қилиб, ғафлатда қолмас эди. Барча дарвешлар лутф эшигини очиб, ниёзмандлик юмушини бажо келтирарди. Ҳазрати Маҳдумий мулло Ҳожагий Косонийга – сирлари муқаддас бўлсин – бирбўлак олтин қуймасини ниёз тариқасида юбориб, ёнида ўзининг ушбу китъасини ҳам қўшибди. Қитъа:

Дар ҳавоий нафси гумроҳ умр зоя карадем,

Пеши аҳлуллоҳ аз атворин худ шармандаем.

Як назар афкан бо мухлисони хаста дил фармо, ки мо,

Ҳожагийро мондаему, ҳожагиро бандаем.

(Адашган нафсимиз ҳаваси билан уларни зое қилдик,

Худонинг бандалари олдида бу қилмишимиздан уятлимиз.

Биз томонга ҳам ҳеч бўлмаса бир назар қилинг

Ҳожалик(шоҳлик)ни қўйиб, ҳожага бандамиз.) [5.53б таржима асар таржимони И.Бегжонники]

“Иродат” – тасаввуфда кўнгилни пир иродасига боғлашдир. Демак, Бобур кўнглини ота-боболари қаторида Хожагон-нақшбандийлик тариқат пешволари томон йўналтирилганди. Бу ўринда унинг XVI аср Хожагон-нақшбандия тариқати пешвоси Маҳдуми Аъзам Даҳбедийга нисбатан ихлоснинг очиқ кўрсатилиши ва унинг “дарвешларга лутф эшигин очганлиги” жиддий маълумотлар бўлиб, шоҳ ва шоирнинг ҳамиша тасаввуф сирларини билишга интилганлигини кўрсатади. Биз шу ўринда профессор И.Ҳаққулнинг ушбу фикрига қўшилаемиз: “Бобурнинг дарвешлиги – сийрат дарвешлигидир”. [2.164б] Чунки, Ҳасанхожа Нисорий ҳам Бобурнинг бирор – бир конкрет пир қошида тариқат қоидаларини адо этганлиги ҳақида сўзламайди. Юқорида таъкидланганидек, Мирзо Ҳайдар ҳам, Нисорий ҳам унинг Хожагон-нақшбандийлик тариқатига бўлган улуғ ихлоси ҳақида гапиришган, холос.

Бобур ва тасаввуф масаласида “Бобрунома”нинг номаълум котиби ҳам ишоралар қилган. Аввало унинг ёзишича, Бобур саройида Шайх Зайниддин Хавофийнинг (XV аср)набираси Шайх Зайн Садр (XVI аср) ва бўлавакчаси Шайх Абдулвоҳид Фориғийлар (XVI аср) фаолиятда бўлганлар.[1.357б.]Бу ҳол Мирзо Ҳайдар, Ҳасанхожа Нисорийлар томонидан таъкидланган Бобурнинг тасаввуф аҳлига бўлган ихлоси тўғрисида фикрни яна бир бор тасдиқлайди. Демак, Бобур тасаввуф шайхларининг салтанат даргоҳида яшашларини истаган. Айти пайтда, номаълум котиб Бобурнинг феъл-атвориға оид саккиз фазилатни келтирадики, бу инсоний хислатлар ҳақиқатан ҳам Бобурнинг дарвешона қалб соҳиби бўлганлигини кўрсатади. Мана улар: Нажҳати баланд (серғайрат, огоҳ киши), Ҳиммати аржуманд (улуғ химматли), Вилоят олмоғ (мард, жаҳонгир, мулк олиш қудрати), Вилоят сахламоғ (оқил раҳбар), Маъмурлиғ(дунё молиға беписан), Миллат рифоҳи (меҳрибон), Аскарни шод қилмоқ, уларни табоҳликдан сақлаш (Моҳир саркарда), Адолат қилмоқ (адолатпарвар);

Афтидан Бобур бутун умри давомида кўнгил бутунлигига ва онглиликка интилиб яшаган. Шу сабабли у тасаввуф шайхларига кўнгилни берган. Номаълум котиб келтирган фазилатлар бизнинг кўз олдимизда тирик кўнгил бир сиймони гавдалантиради. Бобур Ҳусайн Бойқародан (XVаср) кейин “дарвешваш шоҳ” кўринишинининг типик тимолидир.

Бобур ва тасаввуф масаласига аниқлик киритиш учун энг яхши манба унинг шоҳ асари “Бобурнома”дир. Профессор И.Ҳаққул ёзади: “Бобурнинг Шариат, Тариқат, Маърифат шартларинигина эмас, яхлит ҳолда, тасаввуф моҳиятини ҳам теран тушунганлигига тўла ишонч пайдо қилади.”[2.163б.] Ҳақиқатдан ҳам “Бобурнома”да Бобурнинг тасаввуфга муносабатига доир етарлича далиллар бор.

Шундай қилиб, таъкидлаганларимиздан маълум бўладики, Бобур тасаввуфга қизиққан ва бунга сабаблар етарли. Бобурнинг нақшбандийлик тариқати пешволарига ихлос бўлган темурий мирзолар хонадонида тарбия топгани; тасаввуфдан чексиз адолатпарварлик ва улуғ маънавиятни кўрганлигида ҳам исботини топади.

Бобур ижодини ўрганиш кўплаб тадқиқотларга асос бўлиши, шоҳ ва шоирнинг маънавий мероси халқимиз тафаккур хазинасининг ноёб дурдоналари қаторида авлодлар томонидан ардоқланиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома.-Т.:Юлдузча, 1989.
2. Ҳаққулов И.Тасаввуф ва шеърят.-Т.,1991.
3. Гулбаданбегим. Ҳумоюннома.-Т.:1959.
4. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашиди. Перевод с персидкого А.Уринбоев и другие

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАЁТИ ВА МЕРОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ

Мамаюсупов М.А.

Миллий гвардия режалаштириши ва жанговар қўллаш бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳрида ташкил этилган Адиблар хиббонига 2020 йил 20 май кунги ташрифи давомида хиббонни бутун халқимиз, айниқса ёшлар учун том маънода адабиёт, маънавият ва тарбия масканига

айлантириш, у ерда ҳайкали ўрнатилган ҳар бир адиб ижодини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш юзасидан муҳим топшириқлар берилган эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ҳаёт йўлини ўрганиш орқали ёшларда унинг шахсий сифатларидан бўлган ватанпарварлик, инсонпарварлик, масъулият ҳиссини сингдириш, ҳарбийларда қаҳрамонлик, ирода каби сифатларни оширишдан иборат. Бугунги ва келгуси авлодларга Бобурнинг бой илмий ва адабий меросини етказиш, кенг тарғибот ишларини олиб бориш муҳим зарурият саналади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг фаолияти комусий аҳамиятга эга бўлиб, унинг мероси фаннинг бир қатор соҳаларига тааллуқли бўлиши билан бирга унинг ҳарбий санъат тарихига қўшган ҳиссаси ҳам салмоқлидир. Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили ҳисобланадиган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеърининг энг нодир дурдоналари саналади. Бобурнинг “Бобурнома” асарида темурийлар тарихи, буюк бобурийлар салтанатининг яратилиши, “Мубаййин” китобида ислом шариатининг беш устуни, “Мубаййину-л-закоат” асарида солиқ сиёсати баён этилган. “Ҳарб иши”, “Муסיқа илми”, “Аруз ҳақида рисола” китоблари ҳам Бобур қаламига мансуб. Бобур араб графикаси асосланган “Хатти Бобурий” алифбосини тузган. Ушбу хат асосида Қуръон ҳамда Бобурнинг шахсий асарлари қайта ёзилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур моҳир саркарда ва адолатли ҳукмдор ҳисобланади. Бобур машҳур “Панипат жанги” “Пароло жанги”, “Канва жанги” ва “Гагра жанги” каби жангларда мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатиб, улкан салтанат пойдеворини яратган.

Бобур жангларда “Тўлғама”, “Савқул жаиш”, “Шиба”, “Султоний жанг”, “Тўқсовул”, “Ноғора ҳийласи”, “Уруши ангизи”, “Зарб уруши”, “Бажид уруш”, “Усмонийлар жанги” каби усуллардан фаол фойдаланган.

Тарих фани нуқтаи-назаридан Бобур ҳаёти ва ижоди, ҳарбий маҳорати ва илмий мероси фаол ўрганилган. Бу борада Европалик қатор олимлар, япон тадқиқотчилари, шунингдек, ҳинд, афғон муаллифларининг изланишлари натижасида кўплаб материаллар чоп этилган. Аммо яқдил хулоса чиқаришга эҳтиёж мавжуд бўлган масалалар мавжудки, келгусидаги тадқиқотлар мазкур жиҳатларни қамраб олган ҳолда хулоса чиқаришга хизмат қилиши керак. Бунда амалга ошириладиган фундаментал тадқиқотлар орқали Бобурнинг динга муносабати, васияти, Шайбонийхон билан алоқалари, Қобулга дафн этилишига доир, шунингдек Ҳиндистонда барпо этилган империяга доир, “Бобурнома”да келтирилган айрим фактларнинг бошқа тарихий асарлар билан номувофиқлигига оид айрим масалалар ўз ечимини топиши керак. Шу билан бирга тарихнинг манбашунослик, тарихшунослик, этнография ва бошқа йўналишларидаги тадқиқотларда ҳам айна масалага долзарб аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги масалаларни коакомплекс ўрганиш мақсадида дунё илм-фанида беш асрдан буён Бобур ҳаёти фаолияти, илмий ва маънавий мероси, ҳарбий маҳорати ва жасоратларини ўрганиш қизгин давом этмоқда. Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларида бобуршунос олимлар гуруҳи, ўзига мактаб шаклланган бўлиб, бугунги авлод уларнинг ишини давом эттирмоқда.

Дунё олимларининг Бобурга муносабати, асосан, тўрт йўналишда намоён бўлгани кузатилади:

- 1) Бобурнинг давлат арбоби сифатидаги сиёсий фаолияти;
- 2) “Бобурнома” асарини комусий маълумотлар тўплами сифатида ифода этиб, унинг муаллифига тарихчи сифатида қараш;

- 3) Бобурни буюк шоир ва адиб сифатида эътироф этиш;
- 4) Бобурга ўзига хос буюк тарихий шахс сифатида қараш.

Маънавий маърифий соҳада Бобур томонидан амалга оширилган ишлар ҳам салмоқли бўлиб, бунда унинг бунёдкорлиги ҳақида алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Бобур бунёд этган масканлар, кутубхоналар, шаҳарлар бугунги кунгача мавжуд. Масалан, 1526 йил 21 апрелда тарихий Панипат жангида ғалаба қилганидан сўнг Бобур дарҳол ғалаба шаънига боғ барпо қилишга буйруқ берди. Бу ўша давргача кўрилмаган тарихий воқеалардан бири эди. Бобурийларга қадар Ҳиндистонда боғ яратиш санъати умуман бўлмаган. Бобур боғ яратишда ҳам, меъморчилик санъатида ҳам янги давр бошлаб берди. Агра, Дехли ва бошқа шаҳарларда у ажойиб боғ-гулзорлар яратди.

Устод Али Аҳмади Кўҳзод фикрларига кўра, Кобулда Бобурнинг эзгу ниятлари амалга ошди ва Кобулга меҳр-муҳаббати тушди, шу нуқтаи назардан бу масканни обод, кўркем бўлишига ҳеч қандай меҳнат ва маблағларни аямади. Шунинг учун пойтахтни ва ўз қўли билан яратган боғни ҳеч қайси бир фарзандига мерос сифатида қолдирмади, шаҳар ва боғ абадий унинг тасарруфида эканлигини такрор-такрор таъкидлаб кетди.

Дунё олим ва арбоблари, хусусан, ҳинд арбоби Жавоҳарлаъл Нерунинг таъкидлашича, саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди.

Неру ўз фикрини давом эттириб, Бобур ўз фаолиятида турли диний қарама-қаршилиқларга мутлақо йўл қўймади ва ноҳақ қон тўкишларни олдини олди деб таъкидлайди. Ҳиндистон тадқиқотчилари топган янги бир ҳужжатга кўра, Бобур ўлиmidан тўрт ой илгари ҳинд ва мусулмонлар ўртасидаги диний тафовутга барҳам бериш мақсадида янги тартибларни жорий қилган. Бу – ўша давр шароити учун ўта муҳим тадбир эди.

Бобур махсус кутубхона барпо этишни орзу қилган аммо жанг-у жадаллар билан тўла ҳаёт ташвишлари бунинг амалга ошишига ҳалал берган. У бутун сафарлари давомида, жанг-у жадаллар вақтида ҳам кўплаб китобларни ўзи билан олиб юрган. Дехли ва Амритсар шаҳарларида кутубхона учун махсус хоналар барпо этиб, махсус жарчилар орқали китоблар сотиб олган. Ушбу шаҳарларда кутубхоналарда китоблар илмий йўналиши ва тили жиҳатдан махсус жавонларга жойлаштирган.

Кутубхонада катта бир рўйхат – дафтар бўлиб, жами китоблар унга алифбо тартибида қайд этилган. Яна бир янгилик шундан иборат бўлдики, китоблар тили ва фан соҳаси бўйича жойлаштирилишидан ташқари яна энциклопедик жиҳатдан ҳам алоҳида рўйхат тузилган эди.

Ёки Эдуард Холденнинг таърифини олайлик. У айтганки, Бобур феъл-атворида кўра Цезарга қараганда севишга арзигуликдир. Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган. Бобур инсонлар ичида энг ботиридир.

Бобур меросини ўрганишда халқаро жамоатчилик билан кенг ҳамкорлик тизимини йўлга қўйиш асосий заруриятлардан саналади. Боиси Бобур ҳаёти ва фаолиятига доир дунё олимлари томонидан яратилган асарларни ўзбек тилига таржима қилиш, Бобур меросининг факсимиле нусхаларини мамлакатга олиб келиш, “Бобурнома”нинг хорижий тиллардаги таржима нусхаларини ўрганиш керак. Мазкур масалаларни халқаро миқёсда амалга ошириш учун қўшма дастурлар ишлаб чиқиш, ҳамкорлик меморандумларини тузиш ва йўлга қўйиш, халқаро форум ва конференцияларни ташкил қилиш ҳам мақсадга мувофиқ. Шу боисдан ҳам тадқиқотларни ўзаро мувофиқлаштириш масалани мукамал ўрганиш сари муҳим кадам ҳисобланади.

Ёшлар, хусусан талаба ва ўқувчилар, курсантларда Бобур меросини ўргатиш орқали уларда ватанпарварлик туйғуларини янада камол топтириш устивор аҳамиятли вазифалардан саналади. Ушбу мақсадларни инобатга олган ҳолда ёшлар, хусусан курсантлар ва бошқа ҳарбий хизматчилар орасида Бобур ҳаёти ва фаолияти, унинг илмий ва маънавий мероси, ҳарбий маҳоратини билиш даражасини аниқлаш керак бўлади. Бунда улар орасида социологик тадқиқотларни фаол равишда амалга ошириш лозим. Бу орқали Бобур шахсияти, унга эътибор даражаси, меросидан хабардорлик, ўзбек миллий давлатчилигига қўшган ҳиссаси, жаҳон миқёсида эътироф этилиши, темурийлар салтанатининг меросхўри сифатидаги амалга оширган ишлари ҳақида ёшларнинг билиш даражасига ойдинлик киритиш мумкин бўлади. Мазкур натижалар қўлга киритилгандан сўнггина уларга Бобур меросини ўргатишнинг усул ва воситалари, босқичларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Бир қарашда Бобур ҳаёти ва фаолияти илмий жиҳатдан яхши ўрганилган бўлсада, айрим ҳолларда ҳаттоки хорижий мамлакатлардаг тадқиқотлар салмоғи маҳаллий изланишлардан анча юқори эканлиги кўзга ташланади. Масалан, Европа мамлакатларида Бобур шахсини ўрганиш муҳим илмий тадқиқотлар сифати эътироф этилади. Хусусан, Францияда А.Жюль Клапротнинг “Бобурнома ҳақида қайдлар ёки Султон Бобур тарихи”, Ф.Гренаннинг “Бобур”, Германияда тасаввуфшунос олима А.Шиммелнинг “Бобуршоҳ истеъдоди ва Бобурийлар сулоласи ҳақида”, Фриц Вюртленнинг “Бобур – йўлбарс” асарларида Бобур ҳаёти фа фаолиятининг турли қирралари синчиклаб ўрганилган. Бунда тарихнинг айрим даврларида тузум эътибори билан турли тўсиқлар мавжудлиги, материалларни эълон қилишдаги қийинчиликлар натижасида тадқиқотлар анча кеч бошланганини инобатга олиб, маҳаллий олимларнинг Бобур ва Бобурийлар мавзусига доир ишларини илмий-тадқиқотлар юзасидан фаоллаштириш зарурияти вужудга келганлигини эътиборга олиш даркор.

Хулоса ўрнида таъкидлаш ўринлики, Бобур меросини ўрганиш ва ўргатишда замонавий усул ва воситалардан фаол фойдаланиш, бу борада инновацион ёндашувларга эга бўлиш муҳим хусусиятлардан саналади. Зеро, бугунги глобаллшув ва модернизацияларни инобатга олган ҳолда ажодлар меросини, муқаддас кадриятларни сақлаб қолиш ва келгуси авлодларга тўла-тўқис етказиш, тарғиботнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва амлиётга жорий қилиш орқали миллий давлатчилигимиз, бой тарихимизда дунё миқёсида эътироф этилишига эриши мумкин.

Шундай экан ажодларнинг буюк меросидан барчанинг бирдай баҳраманд бўлиши, ундан фойдаланиш пировардида аниқ натижадорликка эришиш учун янги тадқиқотларни амалга ошириш бугунги авлоднинг муқаддас вазифасидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ватанимиз олтин остонаси Тошкент тобора чирой очмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 20 май кунидаги Адиблар хиёбониغا ташрифидаги нуткидан. Халқ сўзи 2020 йил 21 май.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Атоқли адиблар ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг тарғиб қилиш ҳамда Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2020 йил 24 август. № 502. www.lex.uz
3. Бобур мемуари. Чиғатой тилидан француз тилига Паве де Куртейл томонидан таржима қилинган. Париж. 1871. Б. 8-9.
4. Жалилов С. Бобур ҳақида ўйлар. Т.: “Sharq”, 2006. 116 б.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: “Ўқитувчи” 2008. 287 б.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР - ЎРТА АСР ШАРҚИНИНГ ГЕРОДОТИ

Бойбутаев Ж.Ж.

*Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти АТФ кафедраси бошлиғи, х.ф.ф.д. (PhD),
доцент*

Асримизнинг буюк кишиларидан атоқли давлат арбоби, Ҳиндистон Бош вазири, марҳум Жавоҳарлаъл Неру бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида ана шундай деб ёзган эди: “Бобур дилбар шахс, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севар эди...”. Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳамда жаҳоннинг бир қанча мамлакатларида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мураккаб шахси ва ижодий мероси устида олиб борилган илмий тадқиқотлар кўлами кенгайиб, натижада шу нарса равшанлашдики, андижонлик Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўрта аср Шарқда энг атоқли маданий ва сиёсий арбоблардан бири, шунингдек у ажойиб тарихчи, забардаст шоир, синчков табиатшунос олим, сайёҳ-географ, истеъдодли саркарда, машшоқ ва тилшунос, миришкор боғбон ва ҳатто соҳибкор, ирригатор ҳам бўлганлиги эътироф этилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси ва фаолиятининг ҳар бир қирраси чуқур илмий тадқиқот учун муҳим мавзу бўлади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқлар ўртасидаги буюк дўстликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган шахс сифатида тарихда ўчмас ном қолдирган. Чунончи, Калькутта дорилфунунининг профессорлари Синҳа ва Банерхийлар ўз асарида Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистон билан Ўрта Осиёнинг бир-бирига боғловчи шахс эди, деб таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, ватандошимиз икки мамлакат ўртасида мустақилликка қадам қўйган давримизда ривожланиб бораётган дўстона муносабатларнинг илк куртак отишида катта улуш қўшган, десак хато бўлмаса керак. Жаҳонгашта сайёҳ олим, марҳум профессор Ҳамидулла Ҳасановнинг айтишича, Ҳиндистоннинг Жайпур вилоятида деярли беш юз йилдан буён “Жалолхон” номли оғзаки дoston халқ орасида оғиздан-оғизга кўчиб юраркан. Унинг мазмунига кўра, Жалолхон исмли бир ўзбек йигити ёшлигида Ҳиндистонга келиб қолиб, шу ерда ўсиб улғайган ва Бубна номли ҳинд қизини севиб қолган. Уларнинг боқира муҳаббати қиссасини тўйларда, хонадонларда қўшиқ қилиб куйлашар экан. Ўзбек йигити ва ҳинд қизи ҳақидаги бу дoston икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларининг ёрқин тимсоли эмасми?!

“Бобурнома”ни синчковлик билан ўқиган ҳар бир киши Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз юрти, элига нақадар муҳаббати ортиқ эканини сезади. Бобур чекка-жанубдаги теурийлар мулкидан бўлмиш Қобул вилоятини эгаллайди. Аммо четдан туриб бўлса ҳам Шайбонийларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳаракатини диққат билан кўзатиб туради. Унинг подшолик мақсади - қулай фурсат бўлиши биланоқ Ватанга қайтиб келиш ва ота мерос Фарғонанинг мустақиллигини тиклаш бўлган. Аммо “Бобурнома”ни ўқиган киши уни подшоҳ ёзганига ҳайрон қолади. Қобулнинг туманлари, халқи, урф-одатлари, ҳайвоноти-ю, ўсимлик дунёси ҳақида “Бобурнома”дан бошқа бирон манбада бунчалик ишончли маълумотни тадқиқотчилар тополмаган. Аммо, шу билан бирга ўз руҳий кайфиятини ҳам изҳор қилишни унутмаган, жумладан ушбу рубойида уни ҳис қилса бўлади:

Толеъ йўқки жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники, айладим - хатолиғ бўлди.
Ўз ерни кўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди, -

деганини ўқиб, бобомиз Бобурнинг ўз тақдирдан рози бўлмаган подшолигини ҳам эсга оламиз. “Бобурнома”да шундай сатрлар, таълимий ҳикоялар борки, муаллифнинг тарихга, айрим халқлар одатларига бўлган меҳр-муҳаббатига ўқувчида нисбатан ғоятда чуқур ихлос ва ҳурмат ҳисларини уйғотади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистондаги барча майда ҳоким-рожаларни ягона давлатга бирлаштиради. Жавоҳарлаъл Неру “Жаҳон тарихига назар” («Взгляд на всемирную историю») номли машҳур асарида Ҳиндистон тарихининг XVI асрда кечган воқеаларини сарҳисоб қилар экан, Бобур ва бобурийларга алоҳида баҳо берган. Нерунинг ёзишича, бу давр буюк мўғуллар империясининг довуғи бутун Оврупога тарқалган қудрат ва шон-шуҳрат даври бўлган эди деб таъкидлайди. Бобур ўзигача ўтган ҳокимларнинг энг маърифатпарвари ва энг дилбаридир. “Италияда ва умуман Оврупода уйғониш даврида адабиётни ва санъатни севган “авантюрист подшолар” кўп ўтган - деб ёзади Ж.Неру. - Аммо улар принципсиз, ифвога майли бор ҳукмронлар эди, душманларига қарши курашда заҳар солинган қадах ва ханжар ишлатувчи мустабидлар эди. Рицар табиатли Бобурни бу ҳокимча-султонлар қаторига қўшиш ҳақиқатга зид бўлур эди”. («Взгляд на всемирную историю», М., 1976, 36-бет.) Нерунинг бу гапларида Заҳириддин Муҳаммад Бобурни тарихчи сифатида ҳинд халқи тарихига, унинг бой урф-одатига ўта ҳурмат билан қарагани назарда тутилган.

Нерунинг юқоридаги фикрини тасдиқловчи қуйидаги далил диққатга сазовордир: 1973 йили Андижонни зиёрат қилиш учун келган ҳинд меҳмонининг айтишича, Гужарат штатидаги дорилфунун тарихчилари Бобурнинг ҳиндистонликларнинг ирқи на диний мазҳабидан қатъий назар, бир хил ҳуқуққа эгаллигини тасдиқловчи фармонини топишган. Ушбу фармонга кўра, Бобур подшоҳ мусулмон бўлмаган халқлардан ундриладиган анъанавий жузья солиғини бекор қилдирган. “Бобур, - деб давом этади Неру, - гулни, боғларни жуда севарди, жазирама Ҳиндистонда тез-тез ўз Ватанини ўйларди”.

Ҳинд олими М.Рандҳаванинг жаҳон боғлари ҳақидаги китобида Ҳиндистонда барпо этилган Бобур боғларининг тафсири кенг ёритиб берилган. Агар уша йилларнинг Бобур ҳаётидаги сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан нақадар танг йиллар эканлигини назарга олсак, унинг ота табиатга муҳаббатидан ҳайратга тушмай иложимиз йўқ албатта. Худди шундай мисолларни Геродотда ҳам учратиш мумкин. Тарихда ўтган истилочилар бирон вилоят, мамлакатни эгалласалар, қаршилиқ кўрсатган аҳолини қириб, жойларини вайрон қилганликлари деярли барча тарихий манбаларда баён этилган. Масалан, римликлар буюк Карфаген шаҳрини эгаллаб, омоч билан ҳайдаб, аҳолини кул қилиб сотганлар. Бундай воқеалардан ҳам Геродот кўп мисоллар келтиради. Бобур эса, бундай йўлдан бормади - вайронгарчилик қилмади ва унга йўл қўймади. Бу ҳақда ҳам “Бобурнома”дан кўплаб мисоллар топиш мумкин. У 1526 йил апрелидаги машҳур Панипат жангида Дехли Султони Иброҳим Лўдий устидан ғалаба қилгач, ўтган буюк жаҳонгирлар одатидан воз кечиб, шаҳарда бу тарихий ғалаба шаънига катта боғ қуришни буюрди. Боғ битгунча ўзи ҳам Панипатдан кетмаган ва янги боғда биринчилардан бўлиб ўзи истироҳат қилиб, сўнг пойтахт томон жўнаган. Боққа кириш дарвозаси ёнига: “Панипат жанги Ҳиндистон тарихида буюк бурилиш ясади” деган мазмунда ҳинд ва инглиз тилларида ёзув - панно ўрнатилган. Бобурнинг ғалаба шаънига боғ яратиш одати кечган воқеаларнинг тарихий моҳиятини тушунганидан эди. Бу ҳақда “Бобурнома”да ёрқин саҳифалар бор. Бу боғларнинг барчаси Бобурдан тарихий ёдгорлик бўлиб, ҳамон сақланади ва унинг улуғ тарихнавис шахс эканига ишора қилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур қолдирган тарихий ва адабий мерос мавзуи жиҳатидан сермазмун ва илмий аҳамияти жиҳатидан жуда қимматли ёдгорликлардир. Ундан ўнга яқин

йирик асарлар қолди. Улар ичида, шубҳасиз, биринчи ўринда машхур “Бобурнома” туради. Муаллиф ушбу асарида давлат арбоби ва тарихчи, ажойиб шоир ва ҳарбий саркарда, географик олим ва овчи сифатида гавдаланади. Эски ўзбек тилида ёзилган ушбу асар моҳияти ва мундарижаси жиҳатидан Геродот асари каби ўзига хос бир инсоний ҳужжатдир. Бундан ташқари, “Бобурнома”, таъкидланганидек, муаллифнинг ўзи иштирок қилган, ёки эшитган тарихий воқеаларни ўта ҳалоллик билан акс эттирувчи бебаҳо йилнома ҳамдир. Бобурни эса худди мана шу сифати жиҳати билан жаҳонда “тарих отаси” ҳисобланмиш Геродотга қиёслагимиз келади.

Бобур ўз бошидан кечирган воқеаларнинг тарихийлигини ҳис қилиши унинг асарида алоҳида сезилиб туради. У Фарғонадан чиқиб кетаётиб, Ўратепа, Ҳисор, Қундуз томонларда тоғ оралаб юрган йўлларида тошларга Шайх Саъдийдан ўз ҳис-туйғуларини ифода қилувчи шеърӣ лавҳалар ёзиб қолдирган. Ҳозирда булар ёдгорлик сифатида ўрганилмоқда.

Ундан ташқари, тарихнавис Бобурдан ёдгорлик тарзида шеърлар тўплами ҳам қолган. Тўпланда 121 та ғазал, 200 дан ортиқ рубоӣ ва маснавийлар бор. Бобур ғазаллари шундан далолат берадики, тарих ёзишда Геродот қаторида турса, ғазалнависликда ўз даврининг Навоӣси қаторида турадиган атоқли лирик шоир бўлган. Унинг “Мубаййин” номли бошқа бир асари ҳам шеърӣ шаклда ёзилган ва иқтисодий-ижтимоӣ тартиб қоидаларга бағишланган бўлиб, у ҳам ўзига хос қимматли тарихий асардир.

Бобурнинг “Мухтасар” номли яна бир асари ўзбек ва бошқа туркий халқларнинг шеърӣят назарияси ҳамда тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Булардан ташқари, унинг давлатни идора қилишга, ҳарбий санъатга, мусиқа илмига бағишланган асарлари ҳам борки, уларнинг айримларини излаб топиш ва илмий ўрганиш бобуршуносликнинг келажакдаги вазифалариландир.

BOBUR MENING QALBIMDADIR

Kamalova Z.O.

Quvasoy shahar 1-IDUM ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

Beqaydmen-u xarobi siym ermasmen,
Ham mol yig'ishtirur laim ermasmen.
Kobulda iqomat qildi Bobur dersiz,
Andoq demangizlarki, muqim ermasmen.

Bobur asrlar qa'ridan turib.” VATAN! VATAN! VATAN!..”,- deya takrorlayotganday tuyuladi, go'yo. Butun umri davomida o'z ona yurti sog'inchida yashagan shoirning qalb faryodidek eshitiladi bu ruboiy.

Zahiriddin Muhammad Bobur ayni vodiyning Andijonidan. U paytlar Andijon Farg'ona viloyatining poytaxti edi. Otasi shu viloyatning hokimi Umarshayx Mizo Amir Temurga evara bo'lgan. Onasi o'zbeklashgan mo'g'ul urug'idan bo'lib, o'n ikki avlod bilan Chingizxonga tutashgan, deb xabar beradi tarixchilar. Unga Muhammad Bobur deb ism qo'ydilar. Keyinchalik ulug'larga, shoh va shahzodalarga qo'shib aytiladigan ismi sharif sifatida “Zahiriddin ” ilova etildi.

Ular oilada uch o'g'il va besh qiz edilar. Bobur o'g'illarning eng kattasi va opasi Xonzodabegim bilan bir onaning farzandlari edilar.

Umarshayx Mirzoning dushmanlari ko'p bo'lganligi sababli ular yashayotgan Aysi (hozirgi Namangan viloyatidagi Shaxand qishlog'ida xarobalari saqlangan) ga Boburning tog'asi va amakisi birlashib, qo'shin tortadilar. Buni qarangi, shu paytda Boburning otasi jar yoqasida turgan

xobxona-yu xosxonasi bilan pastga qulab, halok bo‘ladi. Taqdir taqazosi bilan Bobur Mirzo 12 yoshida Farg‘ona viloyati hokimi bo‘ladi. Ammo hokimlik Boburga juda qimmatga tushadi, ya‘ni shu kundan boshlab, u uchun tahlikali kunlar, sotqinliklar, quvg‘inlar, sarsonliklar boshlanadi. Bir necha bor Samarqand qo‘ldan ketadi, Andijon beklari xiyonat qiladilar. “...Aksar yalangoyoq yurur erdim, yalangoyoq ko‘p yurgandin oyoqlarim andoq bo‘lub erdikim, tog‘ va tosh tafovut qilmas edi”, - deya yozgan edi u “Boburnomada”. Ana shunday kunlarda ko‘nglidan o‘tgan hislarni g‘am-alam bilan quyidagicha bayon etadi:

Yod etmas emish kishini g‘urbanda kishi,
Shod etmas emish ko‘ngulni mehnatda kishi,
Ko‘nglum bu g‘ariblikda shod o‘lmadi, oh
G‘urbanda sevunmas emish, albatta, kishi.

Darhaqiqat, omad qo‘ldan ketib, bosh egilgan paytda hatto eng yaqin insonlar ham yoningizga yo‘lamasligi mumkin...

Boburning 47 yillik qisqagina umri jang-u jadallar bilan o‘tdi. Ammo qiyinchiliklar uning pok qalbi, she‘riyatga oshno yuragini loyqalata olamadi.

Sen gulsen-u men haqir bulbuldurmen,
Sen shu‘lasen, ul shu‘lag‘a men kuldurmen.
Nisbat yo‘qtur deb ijtinob aylamakim,
Shahmen elga, vale senga quldurmen.

Bobur Navoiyni ko‘rishni juda orzu qilgan edi, chunki hijriy 880-890-yillarda g‘azal mulkining sultoni shuhrati juda ko‘p joylarga tarqalgan edi. lekin bu orzuligicha qolaverdi. Buyuk Navoiy temuriyzodalarni sinchiklab kuzatib brogan bo‘lsa kerakki, 15 yoshli yosh yigit – Boburga maktub yo‘lladi. Shunday buyuk shaxsdan maktub olmoqlik baxtiga muyassar bo‘lishning o‘zi bir baxt emasmi?

“...Alisherbek naziri yo‘q kishi edi. Turkiy til bila she‘r aytibdurlar, hech kim oncha ko‘p va xo‘b aytqon emas”. “... Yasna musiqada yaxshi nimalar bo‘g‘labdur. Yaxshi naqshlari va peshravlari bordur,” - deb yozadi u.

Zahiriddin Muhammad Bobur haqida fikr yuritar ekanmiz, uning aruz vaznining ustasi, ruboiylar bitganda qalami to‘xtab qolmagan nozikta‘b shoir sifatida ulug‘laymiz. Hattoki Navoiyning ba‘zi asarlari haqida ayrim tanqidiy fikrlariga ham guvoh bo‘lamiz:

“ Yana “Mezon ul-avzon” otliq aruz bitibtur... 24 ruboiy vaznida 4 vaznda g‘alat qilibtur. Ba‘zi buhurning avzonida ham yangilibtur, aruzg‘a mutavajjih bo‘lg‘onkishig‘a ma‘lum bo‘lg‘usidur”.

Boburning yozgan har bir g‘azali yoki ruboiysi o‘z tarixiga ega. Qahraton qishda tog‘lar orasida oz sonli navkarlari bilan qolgan payti deysizmi, sotqin beklardan kuygan paytlarini deysizmi, o‘z yorini qiyin kunlarda tashlab ketgan turmush o‘rtog‘ining bevafoqligini aytasizmi...

Charxning men ko‘rmagan jabr-u jafosi qoldimu?
Xasta ko‘nglum chekmagan dard-u balosi qoldimu?

Ammo har qanday qiyinchiliklarga qaramay, u shoirlikdan, ko‘ngil kechinmalaridan, go‘zallikni betakror tarzda ifodalab berishdan charchamadi.

Sochiniing savdosi tushti boshima boshdin yana,
Tira bo‘ldi ro‘zgorim ul qaro qoshdin yana.

Bobur Mirzo nafaqat g‘azal, ruboiylari bilan mashhur, balki musiqa (“Chorgoh” savtini bog‘ladi), geografiya (“Boburnoma”), pedagogika, etnografiya, topografiya, adabiyotshunoslik, tilshunoslik, tibbiyot kabi fanning boshqa sohalariga ham o‘z hissasini qo‘shgan, har tomonlama

bilimli inson bo'lgan. U hattoki alifbo yaratishda ham o'zini sinab ko'rgan ulug' mutafakkirdir. 1503-1504-yillarda "Ushbu mahallarda "Boburiy xat"ni ixtiro qildim,"- deb yozadi.

"Boburnoma" asari Bobur kezgan yurtlar haqidagi o'ziga xos qomusdir. Asardan turli fanlarga oid ma'lumotlardan tashqari go'zal ijodiy kuzatishlar,

chiroyli badiiy lavhalar ham o'rin olgan. Bu asar o'zbek nasri taraqqiyotiga ham juda katta ta'sir ko'rsatdi va buyuk qomusiy asar sifatida avlodlari tomonidan tan olindi. Bu asarni o'rganishning ilmiy-ma'rifiy va tarbiyaviy ahamiyati kattadir. Boburdan keyin ko'p shoirlar nasrda ijod qilishni boshladilar.

Biz o'qituvchi sifatida o'quvchilarga Mirzo Bobur haqida dars o'tar ekanmiz, bu "dilbar shaxs"dan sabr-qanoatni, latiflik-u yumshoqlikni, ota-onaga bo'lgan tuganmas hurmat-ehtiromlar va mehri, opa-ukalarga nisbatan iliq his-tuyg'uda bo'lishni, yorga vafodorlikni, Vatanga, do'stga sodiqlikni, Yurtning bir kaft tuprog'ini jon-dilimiz bilan asrash kerak ekanligini o'rgatamiz. Qani, hamma ham Boburdek Vatavparvar bo'lsa... Boburdek shijoatli, aqlli, o'z xalqini qalbining tub-tubidan sevuvchi chin ma'nodagi inson bo'lsa...

Shoir, olim, shoh, iqtidorli sarkarda Bobur Mirzoning hayotiy faoliyati, ijodi, insoniylik qirralari, pok qalbi, do'stona ruhiyati o'zining nozik xususiyatlari bilan hali hanuz avlodlar dilidan ketmaydi, tilidan tushmaydi, doimo ardoqdadir.

ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ 538 ЙИЛЛИГИГА

Мухитдинов Б.Р.

Чирчиқ олий танк қўмондинлик мухандислик билим юрти Қурол-аслаха ва отиш кафедраси катта ўқитувчиси,

Темиров Б.Б.,

Чирчиқ олий танк қўмондинлик мухандислик билим юрти Қурол-аслаха ва отиш кафедраси катта ўқитувчиси,

Ўзбекистон халқи хақли равишда уз авлоди, буюк давлат арбоби, қумондон, олим, ажойиб шоир, наср ва таржимон – Захириддин Муҳаммад Бобур билан фахрланса муболаға бўлмайди. Бобурнинг ижодий мероси дунё адабиёти ва маданияти олтин фондига кириб, халқимизнинг миллий фаҳри ва мулки бўлиб келмоқда.

Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо атоқли давлат арбоби, буюк саркарда, шу билан бирга истеъдодли шоир, тарихчи, серкирра ва заковатли олим, нафис санъаткор.

Мовароуннаҳр тарихида чуқур из қолдирган, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихида эса асрларга татиғулик улкан бурилиш ясаган Бобур инқирозга юз тутган Темурийлар давлатини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда марказлашган йирик давлат вужудга келтириш учун узоқ ва қаттиқ кураш олиб борган.

Захириддин Муҳаммад Бобур узининг қисқа умри билан тарихда фақат саркарда, улуг' Бобурийлар давлати асосчиси эмас, балки олим, шоирдек ҳам катта ижодий мерос қолдириб кетди. Унинг қаламига мансуб оригинал лирик ғазаллар, «Бобурнома» асари, "Аруз рисоласи" рубоилари, мусулмон ҳуқуқшунослик буйича "Мубаййин" рисоалари, шунунгдек, мусиқа, ҳарбий саънат ҳақида маълумотлар мансуб [3].

Бобур инсоният маданий ҳаёти тарихида ҳам чуқур из қолдирди. Унинг фаолияти, ҳарбий юришлари, ҳамда, маданий меросини ўрганишда турли соҳа олимлари ва изланувчилари – тарихчилар, филологлар, сиёсатчилар, археологлар катта натижаларга эришдилар. Унинг асарлари нашр этилди, тадқиқотлар, илмий ва оммабоп асарлар яратилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг унинг адабий ва тарихий меросини ўрганишга катта эътибор берилиб, кенг йўллар очиб берилди ва ҳануз изчил давом этмоқда [1].

Тарихий маълумотларнинг баён қилишича, Бобурнинг Ҳиндистонга юришида Дехли ҳукмдори Иброҳим Султон сиёсатидан норози бўлган Панжоб ҳокимлари Бобурни қўллаганлар ва Сикри жангидаги бу ғалаба Бобурга Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини узил-кесил ўрнатиш ва Бобурийлар сулоласини барпо этиш имкониятини берган. Оврўпо тарихчилигида «Буюк мўғуллар» номи билан «ғалати машҳур» бўлган, аслида «Бобурийлар сулоласи» Ҳиндистонда 300 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилди.

Бобур Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, Ҳиндистон ерларини бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотик масалаларини тўғри йўлга қўйиш, боғ-роғлар яратиш ишларига ҳомийлик қилди. Ҳиндистонни ободонлаштириш, унда ҳозиргача машҳур бўлган меъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар курдириш, айниқса, унинг ўғиллари ва авлодлари даврида кенг миқёсга ёйилди. Ҳиндистон санъати ва меъморчилигига Марказий Осиё услубининг кириб келиши сезила бошлади.

Бобур асос солган давлат Ҳиндистоннинг Англия томонидан босиб олинишига қадар яшади ва гуллади. Бобурийлар сулоласи Ҳиндистоннинг сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш, маданиятини ривожлантиришда катта ижобий рол уйнади [2].

Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурида ўша даврнинг илғор ва зеҳни ўткир олимлари, шоирлари, мусиқашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукамал бир маънавий-руҳий муҳит вужудга келди. Бобурийлар давлатидаги маданий муҳитнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида Жаваҳарлаъл Неру шундай ёзган эди: «Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига туташиб кетди».

Бобур Ҳиндистонда катта ҳажмдаги давлат ишлари билан бир қаторда ўзининг адабий-бадий фаолиятини ҳам давом эттирди ва буюк асарларини яратди. Бобурнинг Ҳиндистон тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди.

Бобурнинг бутун жаҳон оммасига машҳур бўлган шоҳ асари «Бобурнома»дир. Маълумки, унда Бобур яшаган давр оралиғида Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон халқлари тарихи ёритилган. Асар асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми — XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда рўй берган воқеаларни; иккинчи қисми — XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Кобул улуси, яъни Афғонистонда рўй берган воқеаларни; учинчи қисми — XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихига бағишланган. «Бобурнома»да ўша даврнинг сиёсий воқеалари мукамал баён қилинар экан, ўз юрти Фарғона вилоятининг сиёсий-иқтисодий аҳволи, унинг пойтахти Андижон шаҳри, Марказий Осиёнинг йирик шаҳарлари: Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Ўш, Урганч, Ўратепа, Термиз ва бошқа шаҳарлар ҳақида ниҳоятда нодир маълумотлар келтирилган. Унда Кобул улусининг йирик шаҳарлари Кобул, Ғазна ва улар ихтиёридаги кўпдан-кўп туманлар, вилоятлар, Шимолий Ҳиндистон ҳақида маълумотларни учратиш мумкин.

«Бобурнома»ни варақлар эканмиз, кўз олдимизда Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларига хос бўлган фазилат ва нуқсонлар, уларнинг тафаккур оламини кенглиги ва мураккаблиги билан бирга, ўша даврдаги ҳаёт муаммолари, Бобур давлатидаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг тўлиқ манзараси намоён бўлади. «Бобурнома»да келтирилган

бу тарздаги маълумотлар Бобур даврида ёзилган бошқа тарихий манбалар: Мирхонд, Хондамир, Муҳаммад Солих, Биноий, Муҳаммад Ҳайдар, Фаришта, Абул-Фазл Алломий ва бошқа тарихчиларнинг асарларида бу даражада аниқ ва мукаммал ёритилган эмас. Муаллиф «Бобурнома»да Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Беҳзод, Мирзо Улуғбек ва бошқа алломалар ҳақида ўзининг энг юқори фикр ва мулоҳазаларини билдиради.

«Бобурнома» — Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон халқларининг XV аср охири — XVI асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўзида акс эгирган бўлса ҳам, шу билан бирга жуда кўп долзарб иқтисодий, ижтимоий масалалар, юқорида номлари келтирилган вилоятларнинг ўзаро сиёсий-иқтисодий ва савдо муносабатлари, жуғрофий мавқеи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғлари, дарёлари, халқлари, қабила ва элатлари ва уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, муҳим тарихий иншоотлари — хиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дафн маросимлари ҳақида ниҳоятда нодир маълумотларни ўзида қамраб олган шоҳ асардир. Шу боис «Бобурнома» тарихий ва адабий мерос сифатида дунё олимларини ҳайратда қолдириб келмоқда.

Узоқ йиллар давомида Ғарб ва Шарқнинг машҳур шарқшунос олимлари «Бобурнома» мазмунини жаҳон жамоатчилигига етказиш борасида катта фаолият кўрсатдилар.

XVIII асрдан бошлаб европа маданияти «Бобурнома»га қизиқиш уйғота бошлади. Биричи бўлиб «Бобурнома»ни 1705 йилда Голландияда Витсент таржима қилди. 1714 йилда Бухорода Тимур Пулат томонидан сотиб олинган руйхатлар буйича И. Ильминский томонидан Россияда 1857 йилда чоп этилди. Хозирги вақтда адабий мерос дунёнинг 31 тилларига таржима қилинган. Масалан, англиялик олимлар Ж. Лейден, В. Эрскин, Р. Колдекот, А. Беверез, Т. Албот, германиялик Ю. Клайнрат ва А. Кейзер, франциялик Паве де Куртейл, хиндистонлик Мирзо Насриддин Ҳайдар Ризви, бизнинг давримиздаги франциялик олим Бакке Громон, афғонистонлик олим Абулҳай Ҳабибий, покистонлик олимлар Рашид Ахтар, Надви ва Шоҳ Олам Мавлиёт шулар жумласидандир. Маълумки, Бобурнинг тарихий, илмий ва адабий меросини ўрганиш ва оммалаштиришда Ўзбекистон олимларининг фаолиятлари ҳам диққатга сазовордир. XIX-XX асрлар давомида бир неча олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан «Бобурнома» рус ва ўзбек тилларида чоп этилди, уларга сўзбоши ёзилди ва кенг китобхонлар оммасининг маънавий мулкига айлантирилди, унинг шеърлари ҳам бир неча бор нашр этилди. Бобур ўзбек адабиётида ўзининг нозик лирик асарлари билан ҳам машҳурдир. Унинг ҳаёти ва адабий фаолияти Мовароуннаҳрда сиёсий ҳаёт ниҳоят мураккаблашган феодал гуруҳларнинг бош-бошдоқлик ҳаракатлари авжига чиққан ва Темурийлар давлатининг инкирози давом этаётган бир даврга тўғри келган эди. Бундай мураккабликлар инъикосини «Бобурнома»да кўрган бўлсак, шоир руҳиятида қандай акс этгани эса, унинг шеърларида намоён бўлади. Мовароуннаҳрни бирлаштиришга уринишлари натижа бермагач, Бобур руҳан қийналган, амалдорларнинг хиёнатлари таъсирида умидсизликка тушган кезлардаги кайфияти шеърларида акс этган. Кейинчалик ўз юртини тарк этиб, Афғонистон ва Ҳиндистонга юз тутганда Бобур шеърлятида Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, унга қайтиш умиди мавж ура бошлади.

Бобур лирик шеърлари ва тарихий «Бобурнома»сидан ташқари, ислом қонуншунослиги ва бошқа соҳаларда ҳам асарлар яратган.

1522 йилда ўғли Ҳумоюнга атаб ёзган «Мубаййин» номли асарида ўша замон солиқ тизимини, солиқ йиғишнинг қонун-қоидаларини, шариат бўйича қимдан қанча солиқ олинishi ва бошқа масалаларни назмда изоҳлаб берган. "Мубаййин" маснавий тарзида ёзилган, ислом ҳуқуқшунослиги ва шариат ақидаларига бағишланган бу асарда

Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонга оид ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳаёти бўйича қизиқарли маълумотлар ҳам жамланган. Валиаҳд Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга дастуруламал сифатида мўлжалланган «Мубаййин»да, айни замонда, намоз, закот ва ҳаж зиёрати тўғрисида ҳам шаръий мезонлар баён қилинган. Шу йилларда Бобур Шарқ шеъриятининг асосий масалаларидан бири – аруз вазни, унинг назарияси ва амалиётига оид илмий рисоласини яқунлайди.

Бобурнинг юқорида келтирилган асарларидан ташқари, «Хатти Бобурий», шунингдек, мусиқа санъати ва ҳарб ишларига махсус бағишланган қатор рисоалари ҳам бўлган. Аммо кейинги икки асарнинг матни ҳануз топилган эмас. «Хатти Бобурий»да муаллиф араб алифбосини таҳрир этиб, ёзувни соддалаштириш ва осонлаштириш мақсадида уни туркий тил ва талаффуз мезонларига мослаштирган.

«Хатти Бобурий» деб аталган рисоласида араб алифбосини туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили нуқтаи назаридан бирмунча соддалаштириб беришга ҳаракат қилган. У, тажриба сифатида «Хатти Бобурий» алифбосида Қуръони Каримни кўчирган. Бобурнинг аруз вазни ва қофия масалаларига бағишланган «Муфассал» номли асари ҳам бўлганлиги маълум. Бироқ бу асар бизгача етиб келмаган.

1527 йилда Бобур яна ҳасталикка учрагач, умрининг охирига қолганини ҳис этади. Шунда Бобур ўзи эътиқод қўйган Хожа Аҳрор Валий руҳидан нажот тилаб, ихлос билан унинг насрда битилган «Волидия» асарини шеърий таржима қилади. Бобурнинг моҳир таржимон сифатидаги қобилияти намоён бўлган 243 байтли бу асар катта ижодий илҳом билан жуда қисқа муддатда яқунланган. Бобурнинг ўз эътирофича, таржима тугаши ҳамонқо батамом соғайиб кетган. Бу йилларда у «Бобурнома» фасллари устида ишлашни давом эттирди, янги-янги ғазал, рубоийлар яратди, ўз ибораси билан айтганда, «Ҳиндистонга келгали айтқон ашъорни» тартибга солиб, шунингдек, «Волидия» таржимасини, «Хатти Бобурий» билан битилган намуна ва қитъаларни Мовароуннаҳр ва Афғонистонга, Ҳумоюн, Хожа Калон, Ҳиндол ва б.га юборди. Ҳумоюн Мирзога аталган ижтимоий-ахлоқий масалаларни таҳлил этувчи машҳур мактуби ҳам Бобур ижодий фаолиятининг ёрқин қирраларидан бири бўлди.

Бобур ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан тарихнавис адиб, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимига ўз ҳиссасини қўшган олим сифатида халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллайди [3].

Бобур буюк давлат арбоби, буюк шоир, адабиётшунос танқидчи, тилшунос, санъатшунос, этнограф, хайвонот ва ўсимлик дунёсининг яратувчиси, кўплаб ижодий асарларнинг муалифи эди. Биргина «Бобурнома»си унинг йигирмадан ортиқ соҳага қизиқишини мисол қила олади.

Ўзбекистонда Бобур номида театр, кутубхона, миллий боғ («Боғи Бобур») бор. Бобур миллий боғи мажмуасида «Бобур ва жаҳон маданияти» музейи, шоирнинг рамзий қабр-мақбараси бунёд этилган. Андижон шаҳар марказида ва Бобур боғидаги ёдгорлик мажмуида шоирга ҳайкал ўрнатилди. Андижондаги марказий кўчалардан бирига, шунингдек Тошкентдаги истироҳат боғи ва кўчага, Андижон вилояти, Хонобод шаҳридаги истироҳат боғига Бобур номи берилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Бобур номидаги медали таъсис этилди. Халқаро Бобур жамғармаси ташкил этилди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. М.Нуриддинов. Бобурийлар сулоласи.Т. «Фан»Н.1994.б.3.
2. У.Эрскин. Бобур Ҳиндистонда.Т. «Чулпон»Н.1995. б.3,4.

3. Халлиева, Г. И. Российское бабуроведение XX века. Чита: Изд. Молодой ученый, 2011. С.29-31. URL: <https://moluch.ru/conf/phil/archive>.
4. <http://e-tarix.uz/> сайти.
5. e-adabiyot.uz. Адулахад Муҳаммаджонов, Абдурашид Абдуғафуров.

БОБУР МИРЗОНИНГ САРКАРДАЛИК ШИЖОАТИ ВА ШОИРЛИКДАГИ ИЖОБИЙ ФАОЛИЯТИ

Ғаниев А.С.

*Ўзбекистон Республикаси Қурулли Қучлар Академияси Гуманитар фанлар кафедраси
профессори*

*“Ўзлигимизни англаб, буюк тарихимизни ёшларга тушунтирсак,
илм-маърифатни ривожлантирсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз”.*

Шавкат Мирзиёев

*“Биз Бобур Мирзони улкан давлат арбоби сифатида эмас, қомусий аллома, мумтоз
шоир сифатида ҳам чексиз қадрлаймиз. Бобур ўзбек халқининг буюк фарзанди, миллий
гуруридир”.*

Ислом Каримов

Ўзбек халқи тарихида Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби ватанпарвар, мард фарзандлари кўп, уларнинг ҳар бири ўзига хос инсоний фазилатлари билан халқимизнинг камол топиб бораётган ёшлари учун ватан ҳимоячиси ва унинг равнақи учун садоқатли хизмат қиладиган фанзандлар бўлиб етишишларида ўзларнинг юксак жиҳатлари билан намуналари бўладилар.

Бобур Мирзо ёшлигидаёқ жуда мураккаб вазиятда, отасидан мерос қолган ҳукмдорлик қилишдек оғир масъулиятли вазифани ўз зиммасига олишга мажбур бўлган эди. Унинг тенги ёшлар ҳали мадрасаларда ҳукмдорлик вазифасини бошқаришга оид илмларни ўрганиб, қалам ўйнаб юрган вақтларида, у атрофида тўлиб-тошган душманлар қуршовида қўлида қилич билан сулоласини ва юрт тинчлигини ҳимоя қилишга киришган эди.

«... улуғ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни олайлик. Бу зот ўн икки ёшидан бошлаб Темурийлар давлатини сақлаб қолиш учун ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам урди, ҳеч қандай душмандан ҳам, синовдан ҳам қўрқмади. Қирқ етти йиллик умри давомида бир зум ҳам ҳаловат билмасдан ўтди. Ўз авлодларига Ватанга бўлган буюк муҳаббатни, эзгу фазилатларни мерос қилиб қолдирди» [1].

Бобур Мирзо ёшлигидан маънавий соғлом инсон бўлиб етишган эди, бунда онаси Қутлуғ Нигорхоним ва бувиси Эсон Давлат Бегимнинг хизматлари катталигини эътироф этишимиз керак. Онаси унинг тарбияси, илм эгаллаш борасида жуда катта таъсир кўрсатган бўлса, бувиси Эсон Давлат Бегимни ёш ҳукмдори ҳар бир босадиган қадамини ва қабул қиладиган қарорларини синчиковлик билан кузатиб бориши билан у кундан кунга ҳукмдор, саркарда сифатида балоғатга етиб, улғайиб борган эди.

Бобур Мирзо ва унинг авлодлари даврида, ҳатто уларнинг бевосита ҳомийлиги асосида Ҳиндистонда кенг тарқалган ва катта мавқега эга бўлган маънавий-маърифий ва ахлоқий меросларини, унинг илдизлари ва ижтимоий тафаккурга таъсири масалаларини ўрганиш ва ўзлаштириб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Баркамол авлод тарбияси учун Бобур Мирзо каби улуғ аждодимизнинг ҳаётий тажрибаси ҳамда кўпқиррали ҳарбий ва ижодий меросини ўрганиш олдимизда турган долзарб вазифалардандир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур деганда ўзбек адабиётининг Алишер Навоидан кейинги энг буюк намоёндаси, Ҳиндистонда 332 йил (1526-1858) ҳукм сурган буюк бобурийлар салтанатига асос солган қудратли давлат арбоби, кўплаб зафарли юришларни амалга оширган жасур ва мард, моҳир стратег, жаҳон мемуар адабиётининг нодир дурдоналаридан бўлмиш «Бобурнома» сингари асарни яратган билимдон ва ҳақиқатгўй муаррих, бастакор, гўзал ҳусниҳат соҳиби, серқирра фаолият ва истеъдод эгаси бўлган баркамол, ватанпарварлик намунаси сифатидаги давлат арбоби, шоир ва саркарда кўз ўнгимизда гавдаланади. Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарида таъкидланишича, «Бола ёшлигиданоқ сон-саноксиз яхши фазилатларга эга эди, довюрак ва одамийликда ҳаммадан ажралиб турарди».

Ёшлигидан Бобур жуда зийрак ва хотираси кучли талаба бўлиб, ўз устозига жуда кўп саволлар бериб уни қийнаб турар эди. Унинг отаси Умаршайх Ж.Румийнинг ихлосманди бўлгани Бобурга ўз таъсирини кўрсатган эди. Умаршайх Мирзо ўғлининг онгига бобомерос Самарқандни эгаллаш режасини ёшлигидан сингдиришга уринарди.

Бобур саройдаги энг моҳир чавандоз ва камонбозларга шогирд қилиб берилиб жанг санъатига тайёрланса-да, қўлидан асло китобларни қўймас эди.

Ўспирин Бобур ҳар қандай хавф олдида ўзини йўқотмаслиги, оиладаги заифларни ўз ҳимояси остига олиши, уй-жойларни душмандан ҳимоя қилиш туйғуси, шунингдек тарқоқ халқни бир жойга тўплаб, уларга етакчилик қилиш қобилияти кучли ривожланиб борган эди. Буларнинг барчаси онасининг уруғлари бўлмиш мўғуллардан унга ўтган эди.

«Чиғатойхоннинг авлодлари ҳукмдорликни тахтда ўтириб эмас, балки от устида, яъни эгарда ўтириб амалга оширишарди. Режалари ноаниқ, кўпинча таваккалчилик асосида иш юритишар, уларнинг ёзма адабиёти ҳам йўқ эди. Улар ўзаро зиддиятлар қамровида қолган эдилар» [2]. Мана шундай шароитларда Чиғатойхон сулоласидан бўлган Юнусхон Мўғулистоннинг ва Тошкент мулкининг ҳукмдори эди. Унинг набираси бўлган Бобур Мирзо ҳукмдор бўлиб тарих саҳнасига чиққан вақтида Амир Темур салтанатида чингизийлар «ясоқ»лари ўз аҳамиятини йўқотиб бораётган эди, унинг ўрнида ислом шариати қонун-қоидалари устунлиги яққол кўзга ташланар эди. Мўғул ҳукмдорларининг кўпчилиги ислом динини қабул қилишганди. Бобир Мирзо ҳарбий жиҳатдан дашт ва чўлларда асосан мўғуллар стратегияси асосида ҳаракат қилса, ўтроқ аҳолига ва шаҳарликларга нисбатан Амир Темур бобоси йўлидан борар эди.

Бобур Мирзо тарихдан Искандар Мақидуний ҳақида билар эди. Искандарнинг Иссага 400 000 та пиёда ва 100 000 отлик қўшин билан кириб келаётган Доро III га қарши ўзининг 40 000 пиёда ва 6 000 отлиқлари билан Пинар дарси бўйидаги 333 йил 12 ноябрда урушна кириб, тарихда бўлмаган катта ғалабага эришгани уни лол қодирган бўлса керак. Унинг бу тарихий тажрибаси кўп саркардалар учун намуна эди. Искандар Мақидуний тарихи ҳақида маълумотларга эга бўлгани учун унинг бир қатор жанг тажрибаларига амал қилишга ҳаракат қиларди. Искандар уч марта Эрон шоҳи Доро III нинг ўзига қарананда жуда кўп қўшинларига қарши Иссадаги жангда ҳам 50 минг кишилиқ қўшини билан, Гавгамелда ҳам 50 минг атрофидаги қўшини билан 1 миллиондан зиёд пиёда қўшинлари, 40 минг отлик, 200 ғилдиракларига ўткир ўроқлар мустаҳкамланган жанговар аравалари ва 15 та жинговар филларини тўплаганида унга қутилмаганда ва қутилмаган тактик ҳамлалар ва жанг вақтида кескин маневрлар ўтказиб туриши билан уни мағлубиятга учратиб, унинг салтанатини

барбод қилиб, жаҳоннинг энг буюк саркардасига ва биринчи марта ўзининг македон салтанатини барпо этишган эришган енгилмас саркарда ва давлат арбоби бўлиб тарихдан ўзига муносиб ўрин эгаллагани ёш Бобур Мирзони жасоратга, шижоатга ундар эди.

Искандарнинг бу ғалабаларида кўрсатган жасорати ёш Бобур Мирзони 13 ёшида 1500 йилда Самарқандни эгаллашига руҳлантирган бўлса керак.

Искандар Мақидунийга 340 йилда, у 16 ёшидалигида отаси Филипп Перинфга юришга отланганида Пеллига келиб, давлатни бошқаришни қўлига олишга буйруқ беради. Унинг ҳарбий фаолиятида отасининг кўпгина ғалабаларини таъминлашда алоҳида хизматлари бўлган саркарда Парменионнинг хизмати катта, аммо Парменион ҳар бир имконият бўлиб қолиши билан уни йўқотишга ҳозир эди. Искандар эса буларни яхши биларди ва шунга яраша доимо зийрак бўлиб иш тутарди.

Бобурни ёшлиги жангавор ҳаракатларга ўргатган устозларидан бири Ҳасан Ёқуббек бўлиб унга от устида, эгарда ўтириб тиззаси ва оёқларининг товони билан отнинг биқинига ниқтаб жанг майдонига ундаш ва хавфли вазиятларда жанг майдонидан қандай усталик билан чиқиб кетиш усулларини ўргатар эди. “Агар ҳаракатларингиз суст бўлса, мақсадга етишишингиз мушкул бўлади”, деб турарди. Аммо вазият ўзгарганида Ҳасан Ёқуббек Бобир Мурзога фитна уюштириб унинг ўрнига укаси Жаҳонгир Мирзони тахтга ўтказиб, ўзи юртни бошқариш ниятида эди.

Бобур Мирзонинг учинчи марта Самарқандда ҳукмронлик қилиш борсидаги барча саъй-ҳаракатлари рўёбга чиқишидан умиди узилгач, ўзининг янги салтанатини барпо этиш мақсадида яшади ва кураш олиб борди. Мазкур мақсад йўлида қилган саъй-ҳаракатлари асосида Ҳиндистондек катта давлатдаги тарқоқликка ва зиддиятли ўзаро урушларга чек қўйиб ягона марказлашган салтанат барпо этишга эришди. Бобурнинг ҳинд халқи тарихида ижобий ўрин тутганини ҳинд халқининг буюк фарзанди Ж.Неру, “Бобур дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор сиймо бўлган” [3], деб уни юксак даражада баҳолаган эди. Унинг “Бобурнома”сини инглиз тилига таржима қилган У.Эрскин ёзади: “Бобур сиймосининг мислсиз белгиси – унинг табиийлиги, ҳаётий ва самимийлигидир. Осиё тождорлари орасида Бобур сингари даҳо даражасидаги истеъдодли кишилар камдан – кам учрайди” [4].

Бобир Мирзо ўзининг ижодидан ҳарбий масқадларда ҳам ўринли фойдаланган. 1526 йили Секри деган жойда Рано Санграм Синх билан бўладиган жангда рақиб қўшини сони етти маротаба кўп эди. Яна уларнинг жанговар филлари ҳам бор эди. Бобур қўшини таркибида ваҳима бошланди ва бир қанчалари Рано Синхга бориб қўшилади. Бунинг устига Бобурнинг мунажжими осмондаги юлдузларга қараб: “Митррих ёғий томондадур, осмондаги юлдузлар бизнинг мағлубиятимиздан дарак бермокда”, деб гап тарқатади. Бобур Мирзо бу таҳликали вазиятга бағишлаб қуйидаги шеърларини битиб:

Жазм айлаб эдим ўзни шаҳид ўлмокқа,
Алминнати лиллоҳки, ғози бўлдум.

Бу фоний дунёга келган ҳар бир киши ундан кетади,
Абадий қолувчи ёлғиз Худодур,
Яхши ном қолдириб ўлиш раводир.

Бобур Мирзонинг оташин нутқи барча қўшинга жуда кучли таъсир этади ва улар бу жанги шараф билан ғалаба қозонадилар.

Бобур Мирзонинг кўпқиррали олим сифатида яратган автобиографик асари “Бобурнома” 1921 йилнинг ўзида 8 мамлакатнинг 14 та шаҳрида босилиб чиққан. XX аср 80 йилларида Францияда Бакке Грамон таржимасида нашр этилган “Бобурнома” ЮНЕСКОнинг фахрий мукофотига сазовор бўлган.

Бобур Мирзо ўзбек шеърлятида рубойчиликда А.Навоийдан кўра кўпроқ ижод қилгани билан мумтоз шеърлятимизни яна бир поғона юксакликка кўтарганида кўрамыз. У ўзининг ҳаёти давомида бошидан ўтказган кечинмаларини қуйидаги рубойларида изҳор этган эди.

Толё йўқи бошимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қоралиғ бўлди.

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдим,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдим.
Ҳар ким бу вақойеъини ўқир, билгайким,
Не ранжу, не машаққату, не ғамлар кўрдим.

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму,
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму.

Кўнгли тилаган муродиға етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши.
Гар бу иккиси муяссар ўлмаса оламда,
Бошини олиб бир сориға кетса киши.

Бобур Мирзо келажак авлодлари учун кераклигини ҳис қилгани учун қуйидагиларни ёзиб қолдиргани билан биз учун янада азиздир.

Ҳар вақтки кўргайсен менинг сўзимни,
Сўзимни ўқуб соғингайсен ўзумни

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳартомонлама ижодкор сифатида ўздан қуйидаги илмий ва бадий асарларни мерос қилиб қолдирган: Қобул девони,. Ҳинд девони, Техрон девони, «Бобурнома», «Мубаййин», «Мухтасар», «Волидия», «Хатти Бобурий», «Рисолаи кофия», «Ҳарб иши», «Муסיқа илми» кабиларнинг барчаси ёшларимизни комил инсон ва ватанправар бўлиб етишишларига хизмат қилади.

Бобур Мирзонинг ҳаётида хатарли жанглар, орқасидан пичоқ урадиган хиёнатчилар, овқатига заҳар қўшиб берган Малика Байда сингари яширин суиқасдчилар кўп бўлганини “Бобурнома” ўқисак билиб оламиз. Уни ҳар қандай бало-қазолардан ўзидаги инсоний фазилатлар сақлаб қолган. Чунки Бобур Мирзодаги камтаринлик, хушёрлик, мактовларга учмаслик, яштини ёмондан, ростни ёлғондан донишмандларча фарқ қила билиш каби ҳаётий тажрибаси ўғли Камронга ёзган хатида: “Гарчи Хуросон эли табъи ёқимли элдурлар, лаёқатларига шубҳа йўқдир, локин мазҳаб ва миллатларида танг (торлик) бор. Уларнинг ширин гапларига маҳлиё бўлиб, хушёрликни бой бермагин. Турк улусидин тартиб-интизомли кишилар борким, уларнинг оталари ота-онамизга хизмат қилиб, жон нисор айлаб, иссиқ-совуқда, сафар ва ўтроқда бирга бўлиб, энг ёмон кунларимизда ҳам бизни ташлаб

кетмаганлар. Уларни сўраб-суриштириб, даргоҳингга йўл бериб, ўзингга яқин олиб юр. Хушомадгўйларнинг ширин гапларига учмагин, давлатшоҳлар аҳволини кўриб-билиб, рост гапни юзингга қаттиғ айтсалар, аччи-ланмагайсен. Агарчи юзингга дафъатан қаттғ кўринур, оқибати хайрли бўлур.

Масалдурким, дўст йиғлатур, душман кулдура айтур. Дўсту душманни топиб, бу мазмун била амал қилгайсен:

Жое гул – гул бош,

Жое хор – хор бош. ”кўрамиз [5].

Бобур Мирзо сингари ҳам ҳукмдорликдан, ҳам жондан кечиб фарзандини бир ўлимдан сақлаб қолган ота тарихда бўлмаган. Бунинг ўзи ҳар бир ўзбек фарзандлари учун катта фидойилик намунадир.

Зероки биринчи Президентимиз Ислон Каримов «Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг доврўғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади» [6]. деб таъкидлагани бежиз эмас эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1 Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: «Ўзбекистон». 2017. -8-9-бетлар.

2. Ламб, Ҳарольд Бобур – Йўлбарс: Буюк Бобурийларнинг биринчиси. – Т.: «O‘zbekiston», 2015. - 11 б.

3. Джавохирлал Неру. Открытие Индии. –М.: Госиздательства. 1955 г. - 271 с.

4. Пиримқул Қодиров Тил ва эл. – Т.: «Маънавият». 2010. - 189 б.

5. Пиримқул Қодиров Тил ва эл. – Т.: «Маънавият». 2010. - 202 б.

6. Каримов И.А. Андижон вилояти сайловчиларининг Президентлик сайлов олди учрашувидаги нутқи. 2015 йил Халқ сўзи 17 ноябрь.

ШЕЪРИЙ МАТНДАГИ БОТИНИЙ СЕМАЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАДҚИҚИ

(Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ватанпарварлик руҳида яратилган рубоийлари мисолида)

Дедаханова М.А.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таянч докторант (PhD)

Мумтоз асарларни англаш китобхондан кучли билим ва чуқур тафаккур талаб қилади. Бу борада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижодий меросидан ўрин олган рубоийлар гарчи халқона, соддалиги билан ажралиб турса-да, ўзига хослиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бадиий маҳорат бобида бирор шоҳ ва шоир Бобур билан беллаша олмайди. Бобур буюк подшоҳ, мумтоз шоир, назариётчи адабиётшунос, тилшунос, фақиҳ, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони сифатида кўпқиррали фаолият ва ижод соҳиби эди. Шеърят учун хос бўлган бир неча заруратлар: нуктапардозлик (янги фикрлар айта олиш маҳорати), жозибали бадиий санъатлардан меъёрида усталик билан фойдаланиш сеҳри ва эҳтирос жўшиб турган рангин туйғулар талқини бобурога самимий шеърят фазилатларидир. Шеърларида инсон тафаккурининг иккинчи қатламига таъсир этувчи маънолар маржонини тузганки, уни англаб етган инсон прагматик жиҳатдан безанади. Фалсафий ва тасаввуфий рубоийчиликда Умар Хайём форс адабиётида пешво бўлганидек,

Бобур ўзбек адабиёти рубойчилигида икки жиҳатдан: рубойларининг кўплиги ва таржимаи ҳолга доир деталларни сингдиргани билан бошқа мумтоз шоирларимиздан устун туради [3].

Авваллари, бедилхонлик, машрабхонлик кечалари уюштириб, бадиий матн шарҳига эътибор қаратилган бўлса, XX асрнинг охириги чорагидан бери матн лингвистикасининг шаклланиши ва унинг ўзига хос қирралари таҳлилини ўрганиш махсус фан даражасига кўтарилиб, эндиликда ривожланиш чўққисида марказий масалага айланмоқда. Хусусан, бадиий матн таҳлили юзасидан ҳозирги кунда айнан антропололингвистиканинг йўналишлари деб эътироф этилаётган лингвопоэтика ва лингвопрагматика долзарб масалалар билан шуғулланиб, айрим чалкашликларга ойдинлик киритмоқда. Фанда матнни тушуниш турлича бўлиб, уларни семантик ва лингвистик ёндашув асосида талқин этиш матннинг кўп қирраларини очилишида энг маъқул омил ҳисобланади. Бадиий матн тадқиқида уч асосий элементга: инсон, олам, тилга эътибор бериш зарур. Инсон мураккаб тушунча бўлиб, бу тушунча остида, айниқса, бадиий матнда уни яратувчи ижодкор ва ўқиётган китобхон ёки тингловчи тушунилади. Ижодкор ҳамда китобхон ёинки тингловчи ўртасидаги коммуникатив алоқани тикловчи канал бадиий матн ёки матндаги вербал ёки новербал воситалардир. Бадиий матн ижодкорнинг умумий илм хазинасидаги билимлари, прагматик онги, дунёқараши, миллати, яшаш тарзи, яшаш муҳити, ёши, жинси, касб-кори каби қирраларига мос ҳолда шаклланади. Шунинг учун ҳар қандай матнда ижодкорнинг ғоялари талқин этилади. Бу талқинни тушуниш учун ўқувчида когнитив тафаккур шаклланган бўлиши керак. Асар яратувчи ва ўқувчи ўртасидаги ботиний муносабат юзага келади. Бундай муносабатнинг қайси даражадаги жипс алоқаси, бир-бирини тушуниши алоқа канали бўлган матн орқали амалга ошади ва бир-бирини англаш эса прагматик тафаккур орқали юзага чиқади. Инсонларнинг прагматик тафаккури бир хил эмас. Шу сабабли кўпчилик бадиий матндаги ишоравий маъноларни англамай қолиши мумкин. Ёки зоҳирий маънони тушуниб, ботиний маънони тушунмай қолади. Масалан:

Ҳижрон қафасида жон қуши дам қиладур,
Гурбат бу азиз умрни кам қиладур.
Не нав битай фироқу гурбат шарҳин,
Ким кўз ёши номанинг юзин нам қиладур [1].

Агар зоҳирий маънода тушунсак, қафасдаги қуш ҳолатига ачиниш акс этган, дея осонгина англагандек бўламиз. Бироқ унинг ботиний жиҳатини ҳис қилмоқ учун, аввало, архаик сўзлар луғати тузиб, метафорик ифодалар замиридаги яширин маъно моҳиятини очиб олишимиз керак бўлади. Ушбу байтдаги *ҳижрон* – бу айрилик, *фироқ* эса айрилик натижасидаги азоб демакдир. *Жон қуши* – кўнгил, *дам қилмоқ* – бўғилмоқ, нафаси қайтиб кетмоқ, нафас ололмай қолмоқ, *гурбат* арабча сўз бўлиб, ватандан узоқда яшаш; мусофирлик, ғариблик маъноларини ифода этади [5]. Демак, лирик қахрамон ватандан йироқда соғинч ҳиссини туяр экан, тақдир ҳукмига кўра қафасдаги қушдек ожиз ҳолда ортга қайтолмай “жон қуши” “ҳижрон қафаси”да бўғилгани ҳолда гурбат “азиз умрни” дақиқа сайин кемираётгандек бўлади. Кўринадики, шеърини матнда кўп қаватли маънолар силсиласи яширинган бўлади. Бундай ботиний маъноларни тилнинг конотатив вазифаси, лингвистик бирликларнинг бадиий-эстетик вазифаларини ўрганувчи тилшуносликдаги йўналиш лингвопоэтика деб номланади [2] ва когнитив тадқиқ йўлидан боради. Ҳозирги кунда кўплаб ижодкорлар яратган бадиий матнларни когнитив тадқиқ этиш кучайди. Натижада ижодкорларнинг ҳам бадиий, ҳам поэтик, ҳам лингвистик қирраларига баҳо берилмоқда.

Бобур рубойларининг кўпчилиги Ватан ҳақида. Улар Ватандан жудолик азоби, унга етишолмаслик изтиробларини ифодалайди. Таржимаи ҳолнинг шеърятга дахлдорлиги бадий матнга хужжатлилик бахш этади; хужжатлилик эса умумийликдан кўра таъсирчанликда устунлик қилади. Чунки китобхон лирик қаҳрамондан кўра Бобурнинг ўзини юракка яқинроқ олади. Шуниси диққатга сазоворки, муайян рубойда, юзаки қараганда, таржимаи ҳолга доир ҳеч қандай белги кўринмайди. Агар биз унга адабиётшуноснинг ўткир нигоҳи билан боқиб, тадқиқ эта бошласак, у рубойининг кимга аталгани ва унинг исботини ҳам аниқлашимиз мумкин:

Ҳажрингда бу тун кўнгулда қайғу эрди,
Васлингга етишмадим, жиҳат бу эрди:
Оҳим тутуни бирла кўзумнинг ёшидин
Йўл балчиқ эди, кеча қоронғу эрди [1].

Лирик қаҳрамоннинг кўнгли бу кеча жуда қайғули. Чунки ёрига етиша олмади. Нега етиша олмагани фожиаси сабабини эса кейинги икки сатрда шоирона ҳазил билан прагматик маънода очиб берилади: кеча қоронғу, йўл балчиқ бўлгани учун у ёр, яъни Ватан васлига ета олмади. Қизиғи шундаки, йўлнинг балчиқлиги шоирнинг “кўз ёши”дан, кечанинг қоронғулиги эса фарёди, “оҳи”, “тутуни”дан эди. У шу қадар кўп кўз ёш тўкканки, ҳамма ёк хўлликдан балчиқ бўлиб кетган. Лирик қаҳрамон шунчалар ўтли фиғон ичида оҳ тортганки, оғзидан чиққан тутун ҳамма ёқни қоронғи қилиб юборган. “Кўнгулда қайғу эрди” ва “Оҳим тутуни бирла кўзумнинг ёшидин Йўл балчиқ эди, кеча қоронғу эрди” жумлаларидаги зохирий ҳамда ботиний маъно структурасида прагматик синонимия юзага келган. Шоир маҳорати туфайли бу ерда когнитив тамойил юзага келиб, жумлаларнинг прагматик маъноси инсонни ўйлашга, тафаккур қилишга ундайди.

Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, тармоқлашган фанлардан элликка яқин соҳасига алоқадор қомусий асар “Бобурнома” ҳаётий воқеалар баёни бўлса, рубойлар ўша воқеалар иштирокчиси Бобурнинг ҳис-туйғулари ғалаёни ифодаси, ана шу қомусий асарнинг ўзига хос иловасидир.

Хулоса қилиб айтганда, Мирзо Бобур ижодий мероси нафақат ўзбеку ҳинд диёри, балки бутун дунё аҳли учун бебаҳо дурдона, эскирмас обидалар қаторидан жой олиши бежиз эмас. Зеро, у ватанпарварлик, маънавий-маърифий, дидактик жиҳатдан ниҳоятда эътиборга лойиқ. Гарчи “Ҳарб иши” асари ҳозирга қадар топилган бўлса-да, Бобур саргузаштларининг воқеий тарихий лавҳаларидан иборат мемуар асар “Вақоеъ” (“Бобурнома”) ҳарбий салоҳиятни юксалтириш борасида ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Зеро, Румер Годен айтганидек: “Бобур бунёд этган давлат гарчи боболариники сингари бепоён минтақаларга ёйилмаган бўлса-да, у ўз салтанатининг султони, буюк императори даражасига кўтарилди. Ўз мулкида бошқарув тизимини маҳкам тутиб, уни моҳирлик билан идора қилди. Бу ўлкани 332 йил давомида маҳорат билан бошқарган буюк сулолага асос солди” [4].

Ўзбек миллати ва давлатини шоҳ асари “Бобурнома” билан дунёга танитган шоҳ ва шоир Бобур таваллудининг бу йил 538 йиллиги тантаналари мактаблар, маърифий даргоҳлардагина эмас, балки кўп миллатли халқларимиз кўнгилларида ҳам акс-садо бермоқда. Бобур ҳаёти ва ижоди билан жаҳон олимлари мунтазам шуғулланмоқдалар. Қолаверса, Бобур номли халқаро жамоат фонди олиб бораётган жонбозликлар, Андижонда ўзига хос Бобур академияси барпо этилиши илм-фан ривожини ва ёшлар орасида ватанпарварлик руҳини янада шакллантириш борасида, шунингдек, ўзбек миллатининг жаҳон миқёсида муносиб ўрин эгаллаши йўлида катта аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Рубоийлар тўплами. – baxtiyor.uz
2. Маджидова Р.У., Мухитдинова Х.С., Султонова Ш.М. “Умумий тилшунослик” фанидан маърузалар матни. – Тошкент, 2006.
3. Раҳмонов Ваҳоб. Бобуршоҳ: шоир ва адиб // “Марифат” газетаси, 2008. – www.ziyouz.com Кутубхонаси.
4. Сулаймон Исроил. “Гулбадан” асарида Бобур шахсияти. 27.02.2018. – http://uzbekistonovozi.uz/uz/articles/index.php?ELEMENT_ID=52759
5. Ўзбек тилининг изохли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 5 жилдлик, 2006.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР - ТАБИАТШУНОС ОЛИМ

Худойкулов Й.А.

Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Гуманитар ва ижтимоий фанлар кафедраси доценти, ф.ф.н.

Мамараҳимов Қ.Х.

Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти катта ўқитувчиси

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодининг серқирралиги энг аввало унинг фалсафий-мемуар асари “Бобурнома” ўз аксини топади. Ушбу асарнинг серқирралиги шундан иборатки, у фақат тарихий асар эмас, балки ўзида ўша даврдаги бир қатор фанлар(география, ботаник, зоология, этнография, ҳарбий фан) нинг илмий ютуқлари ҳам ўз ифодасини топган. Бобур тоғ ва даралар, кўл ва дарёлар, хилма-хил ўсимликлар ва ҳайвонлар, турли ҳудуд ва минтақаларнинг ер ости ва ер усти бойликлари, у ерларда яшайдиган халқларнинг урф-одати ва тили, адабиёти ва санъати, айрим сўзларнинг келиб чиқиши каби масалалар билан астойдил қизиқади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг фалсафий ва табиий-илмий қарашлари унинг фалсафий-мемуар асари ҳисобланган “Бобурнома”да ўз аксини топган. Мазкур асарда Бобурнинг табиатшунослик илми ёки натурфалсафий қарашларини учратиш мумкин. Бобурнинг табиатшунос олим сифатида ўзи яшаган Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистон иқлимининг наботот олами, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳақида батафсил маълумот бериб ўтади. Ўша давр учун бу каби маълумотлар ғоят қимматли аҳамиятга эга бўлган.

“Бобурнома”да хилма-хил маълумотлар шу даражада кўп учрайдики, илм-фаннинг деярли деярли барча соҳаларидаги мутахассислар бу асардан баҳрамад бўла олади. Бу далилларнинг ҳаққонийлиги туфайли тарихчи ўша даврдаги Ўрта Осиё, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихига тегишли муҳим маълумотларга эга бўлса, табиатшунос мазкур ўлкаларнинг топографияси оид маълумотларга, ҳайвонот олами билан шуғулланувчилар эса шу мамлакатлардаги ҳайвонот оламига таалукли билим ва тасаввурларга эга бўлади; ўсимликшунос шу ҳудудларнинг ўсимликлар дунёси билан танишади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг табиатшунослик ҳақидаги тадқиқотларини алоҳида ўрганган олимлардан бири немис шаршуноси Ингеборг Ҳауеншилд ҳисобланиб, у “Бобурнома”ни ўрганган ҳолда алоҳида рисола[Hauenschild, I. Botanica und Zoologica im Babur-name. Eine lexikologische und kulturhistorische Untersuchung/Turkologica. Herausgegeben von Lars Johanson. Band 66. Harrassowitz Verlag – Wiesbaden. 2006.144 s.] ёзган[1;-Б.171].

Мазкур рисола муқаддима, ўсимлик ва мева номлари, ҳайвонлар номлари, қисқартмалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида Бобурнинг Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистонда наботот ва ҳайвонот олами ҳақида маълумотлар тўғрисида фикр юритилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Фарғона вилояти ҳудуди ва табиати ҳақида қуйидаги маълумотларни бериб ўтади: “Фарғона вилояти бешинчи иқлимдадир. Шарқи Қошғар, ғарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг чегараси - тоғлар, шимолда илгарилар Олмолик, Олмоту ва Янги сингари шаҳарлар бўлган экан, уни китобларда Ўтрор деб ёзадилар, мўғул ва ўзбеклар юришлари туфайли туфайли ҳозирги пайтда бузилиб кетган, асло ободонлик нишонаси қолмаган.

Кичик вилоятдир, ғалла ва меваси фаровон. Теварак-атрофи тоғлар билан ўралган ” [2;- Б.57]. Албатта, бир неча аср олдин берилган бу илмий маълумотлар ўз навбатида “Бобурнома”ни ўқиган кишида Фарғона вилояти тўғрисида табиий-илмий манзарасини тасаввур эта олади.

Шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Самарқандга алоҳида тўхталиб ўтади: “Ер юзининг аҳоли яшайдиган қисмида Самарқандча латиф шаҳар камроқдир. Бешинчи иқлимдандир. Узунлиги 99 рамзи нужумий даража (градус), 56 дақиқа, эни 40 даража(градус) ва дақиқадир. Шаҳри – Самарқанд, вилоятини Мовароуннаҳр дейдилар” [2;- Б.104].

Бобур Самарқанднинг географик жойлашуви ва иқлими ҳақида қуйидагиларни келтириб ўтади: “Самарқанд маъмура (ободонлик)нинг чеккараоғида бунёд топган бўлиб, шарқи Фарғона ва Қошғар, ғарби Бухоро ва Хоразм, шимоли Тошканд ва Шохрухияки, Шош ва Банокат деб ёзадилар, жануби Балх ва Термиз. Кўҳак(Зарафшон дарёси) шимолидан оқади, у Самарқанддан икки курўх келади” [2;-Б.105]. Албатта, бу маълумотлар бир неча аср олдин Бобур томонидан Самарқандга берилган

Ҳусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Афғонистоннинг бир қатор вилоятлари ҳақида маълумот берганда Қобулнинг табиатига алоҳида тўхталади: “Ёзлар Қобулда шимолий ели кам эсадур. Аркта шимол сари даричалик уйлар ҳушҳаводур... Бисёр латиф ҳавоси бор. Қобул ҳавосидек ҳаволик ер оламда маълум эмаским бўлғай. Ёзларда кечалари пўстинсиз ётиб бўлмас. Қишлар агарчи қори аксар улуғ тушар, вале муфрит совуғи йўқтур. Самарқанд ва Табриз ҳам ҳушҳаволикқа машҳурдур, вале муфрит совуқлари бордур(“Б.”,130а)” [1;- Б.291].

Шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистон табиати ҳақида ҳам маълумотларни бериб ўтади: “Ҳиндистон биринчи, иккинчи ва учинчи иқлимда жойлашгандир. У тўртинчи иқлимга кирмайди. Жуда ажойиб мамлакатдир. Бизнинг ерларга солиштирганда мутлақо ўзга бир олам. Тоғ ва дарёлари, ўрмон ва саҳролари, шаҳар ва вилоятлари, ҳайвон ва ўсимликлари, одамлари ва тили, ёмғири ва шамоли – ҳаммаси бошқача, бизникига ўхшамайди” [2;-Б.378]. Албатта, Ҳиндистоннинг иқлими ва табиатини Мовароуннаҳр иқлимидан фарқ қилишини Бобур бир неча таъкидлаб ўтсада, унинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг нақадар ранг-баранг эканлигини тилга олади.

Бобур Ҳиндистоннинг ҳайвонот дунёсини вухуш – қуруқликда яшовчи ҳайвонлар, туйур – қушлар ва сув ҳайвонлари гуруҳларига ажратгани таъкидланади[1;-Б.171]. Бобурнинг бу фикрлари бугунги кунда фан сифатида мавжуд бўлган зоология фани учун манбаа бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур табиатшунос олим сифатида Қуёш ва Ой тутилиши каби табиат ҳодисаларини ҳам кузатган. Бобур 1527-1828 йй. ҳар икки ҳодисани

хам кузатган: Мен кема била-ўқ билтурғи Чавса тўғрисидаги офтоб тутулғон ва рўза (рамазон ойи) тутулғон юртни сайр қилдим”(“Б.”,365а) [1;-Б.621].

Хулоса сифатида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижоди кенг қамровли бўлиб, айниқса, унинг фалсафий-мемуар асари ҳисобланган “Бобурнома” асари табиий-илмий қарашлар манбаи ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. –Тошкент. “Шарқ”. 2014. 744 б.
2. Bobur Zahiriddin Muhammad. Boburnoma. – Tashkent “NMIU”, 2018. 528 b.

BOBUR - YUKSAK INSONIY FAZILATLARI SHAKLLANGAN BUYUK SHAXS

Karimova B.N.

Milliy gvardiya Harbiy-texnik instituti Psixologiya va pedagogika kafedrasi o‘qituvchisi

To‘raboyev B.N.

Milliy gvardiya Qo‘riqlash bosh boshqarmasi katta inspektori

Tarix zarvaraqlarini ko‘zdan kechirar ekanmiz, bir asrda insoniyat solnomasida alohida iz qoldirgan, keyingi avlodlarga o‘zining jamiyatdagi mavqei, yaratgan ilmiy, badiiy merosi hamda sarkardalik qobiliyati bilan ibrat namunasi bo‘la oladigan ajdodlarimiz yashab o‘tganligi bilan faxrlanamiz. XV asrning ikkinchi yari va XVI asrning o‘rtalarida bashariyat tarixning ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-madaniy sohalarida salmoqli o‘rin tutgan siymolardan biri buyuk vatandoshimiz Zahiriddin Muhammad Boburni bemalol ana shunday shaxslar sirasiga kiritish mumkin.

Zahiriddin Boburni umrining o‘z avlodlariga ibrat namunasidir. U 47 yoshli qisqa, ammo ijodiy barakali, barkamol hayotida yuz yil yashab ham uddalab bo‘lmaydigan ishlarni ado etdi.

Bobur o‘z davrining shoh va shoirligidan tashqari, ulkan tarixchisi, etnografi, o‘lkashunosi, biolog, geograf, dinshunos olimi sifatida ham dovrug‘ topgan. Shariat ahkomlarini mukammal bilgan va bu borada ham risola yozgan. Arab alifbosining murakkab, o‘rganish og‘ir bo‘lganligi bois, yangi “Xatti Boburiy” alifbosini yaratgan. Davlatchilikda vaqt me‘yorlarini qayta ishlab chiqqan, pochta tizimiga qulay tartib bergan va qanchadan-qancha islohotlarni amalga oshirgan. Borgan erida obodonchilik, bog‘-rog‘ barpo etgan, Movarounnahr tsivilizatsiyasini Sharqda tarqatgan buyuk shaxsdir [2].

Shoh va shoir, qomusiy olim, mutafakkir Zaxriddin Muhammad Boburning ilmiy-adabiy, tarixiy merosini o‘rganish hamda o‘sib kelayotgan yosh avlodga etkazish ulkan ma‘naviy, tarbiyaviy ahamiyatga ega. Chunki, biz kimlarning avlodi ekanimizni anglash yoshlarda g‘urur va istiqloldan fahrlanish tuyg‘usini uyg‘otadi. Qolaversa, Bobur va u qoldirgan meros nafaqat uning vatandoshlari, balki butun dunyo ahlining e‘tiborini o‘ziga jalb etmoqda. Bu xol esa shubhasiz bizlarni quvontiradi.

O‘zbek adabiyotining yorqin siymolaridan biri Alisher Navoiydan so‘ng mumtoz adabiyotimizni nasr, nazm, adabiyotshunoslikning nodir namunalari bilan boyitgan Zahiriddin Muhammad Boburning umri tahlikali, vatandan yiroqda o‘tdi. Bobur unga zamondosh bo‘lgan temuriy shahzodalar, beku a‘yonlar, muxoliflari va dushmani Shayboniyxonning ko‘rsatgan jabrlari, hiyonat va xusumatlari bois ko‘p aziyatlarga duchor bo‘lgan. Ammo uning metin irodasi, eng yuksak orzusi – katta bobosi Amir Temur saltanatini qayta tiklash, uning sarhadlari bo‘ylab birlashtirish shahdi har qanday qarshiliklarga bardosh berib bo‘lsa ham uni maqsad sari etakladi, g‘olib keldi, armonlari ushaldi, ammo ushalmagan bir qator orzulari qoldiki, ularning ulug‘i kindik qoni to‘kilgan Movarounnahrga qaytib saltanat qilish edi.

“Qadriyatimiz xazinasiga taalluqli, Hazrat Bobur tomonidan qoldirilgan bebaho adabiy, tarixiy va adabiyotshunoslik, islom aqidlariga oid asarlar, ayniqsa uning “Boburnoma”si adib vafotidan hayal o‘tmasdan fors tiliga, 1826 yili Leyden-Erskin tarjimasida Londonda ingliz tilida, keyinroq 1828 yilda nemis tilida, 1871 yilda frantsuz tilida, 1921 yilda yana ingliz tilida va ko‘plab marta shu va boshqa tillarda nashr etildi” [2].

“Boburnoma”da kishini sehrlaydigan, har galgi mutolaadan so‘ng insonni albatta hayratga soladigan, oldingi mutolaada sezilmagan, tasavvuringizda bo‘lmagan mo‘jizaviy faktlar va raqamlarga ko‘zingiz tushadi. Boshqa bironta tarixiy, nasriy asarlarda ko‘zga tashlanmaydigan misollar – hayotiy, kundalik turmushda sodir bo‘ladigan voqealar tasviri kishini hayratga soladi, lol qoldiradi.

Boburning o‘lmas sarguzasht, ilmiy, safarnoma asari “Boburnoma”dagi 30 dan ortiq fanlar fanlar haqidagi ilmiy, hayotiy, qiziqarli fakt raqamlar, o‘z davri adabiyotidagina emas, bugungi kunda ham muallifning hayotiy tasvirlari kim haqida so‘z bormasin faqat rost so‘zni aytishga ahd qilingani va bu ishni, bu zahmatni sharaf bilan uddalagani muallifning beqiyos obro‘cini belgilaydi. Shoir Boburning dilbar g‘azallarida ishq, oshiq va ma‘shuqa dardidan ko‘ra hayot lazzati va gashti, uning go‘zalligidan bahramand bo‘lish, aziz umrni aziz tutish, do‘st qidirish va uni ardoqlashga intilish kuylanadi.

Bu benazir shaxs 47 yilgina yashab avlodlarga hayot qancha umrguzaronlik qilishda emas, balki insoniyatga nechog‘li foydamiz tegishida, ular uchun nimani meros qoldirishda ekanligini anglatgani bilan e‘tiborlidir. Uning asarlaridagi yuksak san‘atkorlik, go‘zal badiiyat, inson sha‘nini ulug‘lash kabi jihatlari bilan Boburni ardoqlashimizni anglab etganday bo‘lamiz.

“Boburnoma” asarini mutolaa etib, xayolan Bobur shuhratining asl zaminiga etmagandek, bu buyuk shaxs haqida ahli ilm, uning muxlislari bilan bo‘lgan suhbatlariga quloq solamiz va bu sirni topgandek bo‘lamiz. Bobur zamondoshlaridan mehr ko‘rmay ham ularga mehr bergan inson ekanligini anglab etamiz.

Bobur barcha temuriyzodalar ichida bobosi Amir Temurning yagona saltanatini qayta tiklash, mustahkam davlatchilikka ega saltanat uchun kurashni maqsad etganlarning birinchi davogari bo‘lgan. Albatta, bu jang-jadallar, yurt olish va berish qurboliksiz bo‘lmagani aniq. Biroq uning shaxsiyatidagi yuksak insoniy fazilatlar, ayol zotiga bo‘lgan ehtirom, atrofda qilargalarga mehr va shafqatda bo‘lish, odamlar uchun saxovat eshigini ochish uning umr mazmuniga aylangan. Bu bilan u boshqa saltanat egalaridan farq qiladi. Shuning uchun ham Boburni biz ehtirom bilan ardoqlaymiz.

Ingliz tarixchisi Eduard Holden “uning manglayida yuksak fazilatli inson deb bitib qo‘yilgan” deydi. Agar Boburga nisbatan bu baholarni G‘arb olimlari bildirayotganligiga e‘tibor bersak, uning teran insoniy xususiyatlarining olamiga kirib borish, bugungi avlodga, ayniqsa yoshlarga bu dilbar shaxs haqida yanada kengroq ma‘lumot berish lozimligi o‘z-o‘zidan ayon bo‘ladi.

Shaxsning ruhiyati va xarakterida mavjud xususiyatlar irsiyat orqali ko‘proq namoyon bo‘lishini allaqachon ilm isbotlab bergan. Zahiriddin Boburdagi muruvvat va sahovandmandlik xislati otasi Umarshayx mirzodan o‘tgan. Boburning nazarida Umarshayx yaxshi sarkarda, davlat arbobi bo‘lmasa ham, pok siyratli musulmon, birovning haqqiga hiyonat etmaydigan saxovatpesha shaxs bo‘lgan.

Boburning odam zotiga muruvvat va shafqati shunchalik kengki, uning sarhadini belgilash amrimahol. Ayniqsa uning ota sifatida o‘z farzandlari, farzand sifatida ota-onasi, sarkarda sifatida o‘z lashkari, beklari, oddiy fuqarosi, hatto shoh sifatida o‘z dushmanlariga ko‘rsatgan muruvvati bu bag‘ri keng insonning yuksak odamiyligidan dalolat beradi.

Boburning Samarqandni egallashiga bo'lgan dastlabki yurishlari payti u 15 yoshda bo'lgan. Bu shahri azimni egallar ekan, g'alabadan keyin qo'l ostidagilariga in'omlar beradi, qo'l ostidagilarning vazifalarini ko'taradi, shu orqali u o'z atrofiga kuch yig'adi, ularning ishonchiga kirishga harakat qiladi. Ana shularning orasida andijonlik bek Ahmad Tanbal ham bo'lgan. Bobur bu raqibning nokasligini bilsa-da, "yomonga yaxshilik bilan bor" maqoliga amal qilib Tanbalga qilich sovg'a qiladi. Vaqti kelganda esa, aynan shu qilich bilan Ahmad Tanbal Boburning boshiga zarba tushiradi. Yosh, o'spirin shaxzoda Bobur bu xatosini keyinroq tushunib etadi va afsus bilan tilga oladi. Ammo uning qonida bo'lgan insonlarga bo'lgan yordam qo'lini tutish fazilati umrining oxirigacha bardavom qolgan. Bunga esa misollar bisyor. Hatto Boburga bir emas, o'n bir marta hiyonat qilgan beki Boqi Chag'onoyoniyni ham kechiradi. Katta enasi Shohbegim Boburga qarshi Qobulda isyon ko'targanida ham unga nisbatan zug'um qilmaydi.

Saroydagi munajjim Muhammad Sharif elni vahimaga solib, hozir Boburning jangga kirishini sayyoralar joylashuvi ma'qul ko'rmayapti, deb davo qiladi. Bobur alamini ichiga yutib urushga o'tlanadi, g'alaba bilan kelib ham munajjimga tanbeh berish bilan kifoyalanadi. Aksincha etarlicha boylik berib saroyida qolishiga ruhsat bergani va yana boshqa ko'plab misollarda uning kishilarga nisbatan mehr dunyosining naqadar kengligi, himmati balandligini ko'ramiz.

Boburning farzandi Humoyun mirzoning to'satdan qattiq kasal bo'lgani, Boburning uning atorfidan parvona bo'lib, dardini o'ziga olishini allohdan istagani haqida olimlarimiz tomonidan ko'plab fikrlar bildirilgan. Bu "Boburnomada" ham keng ochib berilgan.

"Bobur Hindiston xaritasida qadimiy tog' dovonlari osha Qobul va Kashmirni Panjob daryolariga va Gang vohasiga qo'shib, ulkan saltanat barpo etdi. Shu bilan birga Ibrohim Lo'diy, afg'on sultonlari va rajput shahzodalarning bu hududlardagi hukmronligiga chek qo'ydi va mamlakatda diniy bag'rikenglikka katta yo'l ochib berdi. Hindiston tarixida anchadan buyon qo'llanmagan – mamlakatni bir markazdan turib boshqarish tamoyilini yo'lga qo'ydi. Uning qo'l ostidagi o'lkalar endi o'tmishga emas. Balki kelajakka umid bilan ko'z tikadigan bo'ldi. Mahalliy an'ana va udumlar, iqtisodiyot, ishlab chiqarish usullari va munosabatlari saqlanib qoldi....Ko'pincha tarixchilar Boburni Evropa tarixi sahnasida qattiqqo'l, zolim hukmdorlar paydo bo'lishidan yuz yil avval paydo bo'lgan, deya baholaydilar. Har holda, bu xislatlar uning o'zigagina xos bo'lgan fazilatlaridir" [3]- deb yozadi taniqli amerikalik sharqshunos va biografik asarlar muallifi Harold Albert Lamb o'zining "Bobur-Yo'lbars" nomli asarida.

Xulosa o'rnida shuni aytib o'tish lozimki, milliy adabiyotni rivojlantirish, mumtoz va zamonaviy adabiyotimiz durdonalarini, beqiyos ilmiy va ma'naviy meros qoldirgan buyuk adiblar ijodini chuqur o'rganish va keng targ'ib etishga, bugun shiddat bilan o'zgarayotgan murakkab zamonda odamlarning qalbiga yo'l topish va ularni yuksak maqsadlar sari ilhomlantirishda adabiyotning ta'sirchan kuchidan samarali foydalanish davrning muhim talabiga aylandi. Holbuki, hozirgi axborot makonidagi qarama-qarshilik, odamlar, ayniqsa yosh avlodning ongi va qalbi uchun kurash kuchaygan sharoitda harbiy-vatanparvarlik ruhidagi tarbiyaning o'zni va ahamiyati tobora ortib borayotgan vaqtda ularning ongini bunyodkor g'oyalar asosida to'ldirish lozimligini zamonning o'zi ko'rsatib turibdi [1].

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Xavfsizlik kengashining kengaytirilgan yig'ilishidagi nutqi. 2020 yil 10 yanvar. Xalq so'zi. 2020 yil 11 yanvar.
2. Qudratillaev H. Boburning davlatchilik siyosati va diplomatiyasi. T.: 2011y. 5-bet
3. Lamb Harold. Bobur-Yo'lbars. T.: 2018 y. 287-bet.

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН БОБУР...

Атамирзаев И.Х.

*Наманган давлат университети Юридик факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича
декан ўринбосари*

Эргашев Б.Х.

Наманган давлат университети талабаси

Ўзбек халқи буюк аждодлари ва буюк алломалари билан ҳам дунёга танилганлигини барчамиз яхши биламиз. Тарихда шундай ноёб, улуғ шахслар борки, нафақат уларнинг номи балки келиб чиқиши жиҳатидан ҳам алоҳида бир буюкликни ташкил қилади. Мана шундай ўта камадан-кам учрайдиган келиб чиқиши жиҳатидан ҳам ўзининг номи жиҳатидан ҳам куррайи заминда ўз сўзини айта олган ҳам шох, ҳам шоир, ҳам меҳрибон ота, ўзга юртда ўтган ҳар лаҳзаси асрлардек чўзилган фироқ-у андуҳда яшаган, умрининг сўнг лаҳзаларида ҳам Ватан дийдори билан жон таслим қилган Захириддин Муҳаммад Бобурдир.

Азалнинг илоҳий ҳукми билан Бобур башарият тарихининг икки буюк сулола асосчиси ота томондан Соҳибқиронга, она томондан Темурчинга бориб тақалади. Бироқ тарихнинг бундай қимматли инъомига лойиқ бўлишни ҳам ҳамма кўтара олмайди.

Захириддан бу юкни туғилиши ила буйнига олган. Ўша шарафли ва масъулиятли номга муносиб ва собир тура олган. Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир.

Гарчи Бобур кўп вақтини жанг жадалларда сарсон саргардонликда ўтказган бўлса ҳам лекин аллоҳнинг инояти, яратганнинг ўз суйган бандасига берадиган ижодий руҳияти бир лаҳза бўлса ҳам тарк етмаган.

Тарихий китобларда Захириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳлик, саркардалик ва олимлик истеъдодидан ташқари фикҳ илмини мукамал билгани ҳам келтирилади. Жумладан, Нисорийнинг «Музаққир аҳбоб» (Севимли зотлар ёдномаси) асарида Бобур ҳақида бундай сўзлар бор: «Фикҳ масалаларини яна бир рисолада мубаййан қилганки, ёзувчиси донишмандлигидан нишонадир.

Туркий ва форсийда яхши шеърлари бордир. Ўшал фикҳ рисоласининг номи «Мубаййин»дир».

Бобур Мирзо «Мубаййин»да энг муҳим исломий илмларни саралаб, ўзининг дин олими, фақиҳ эканини ҳам кўрсатган.

Советлар даврида «Мубаййин» асари халқдан яширилди, фақат истиқлол йиллари изоҳлар билан нашр этилди.

«Мубаййин» Ҳиндистон юришлари даврида, ҳижрий 928 (мил. 1521) йили шеърй йўлда тасниф этилган. Асарда аҳли суннат вал жамоат ақоиди равшан баён қилинган. Бобур бу асарни фарзандларига бағишлаган ва бутун китобхонларга етказишни орзу қилган.

«Мубаййин» асари «Ҳамд» – Аллоҳ таолога ҳамду сано, «Наът» – Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таърифлари, «Китоб назмининг сабаби» каби кириш қисмларидан ва «Эътиқодия», «Китобус салот» (Намоз китоби), «Китобуз закот», «Китобус савм» (Рўза китоби), «Китобул ҳаж» каби беш рукнга доир боблар ҳамда «Китоб хотимаси» бўлимидан иборат. Бобур ҳамда давом этиб: «Инсоннинг жисмида неча тук бўлса, улар сенинг ва бошқа барча инсонларнинг танида тил бўлиб, ҳаммаси Аллоҳнинг ҳамдини айтиб, Уни зикр қилса, ойлари йиллар Унга ҳамду сано айтса, барчаларининг сўзи бир бўлади:

хаммалари ўз ожизлигига иқрор бўлади, холос», дейди. Яъни, ягона ва қудратли Зотнинг наздида ҳамма ўз ажзига иқрордир. Бу таърифлар Бобур маърифатининг мумтоз намуналаридир.

Бобур Мирзо назм тили билан: «Йўлчисиз, йўлбошчисиз ким йўлда бора олар эди? Борса ҳам, биринчи қадамдаёқ қолиб кетади. Лекин кимнинг ҳазрат Муҳаммад (соллаллоху алайҳи ва саллам) каби йўлбошчиси, кузатувчи нигоҳбони бўлса, йўлда юз хавф учраса, не парвойи бор – у зотнинг йўлидан юриб, суннатига амал қилдими, бас, албатта, яхшилиққа эришади», дейди.

«Эътиқодия» бўлимида Бобур аҳли суннат вал жамоат ақидасининг муҳим қоидаларини баён этади. Жумладан, имом ёки бошлиққа бўйсунуш ҳақида бундай ёзилади:

Халқ аро кимки подшоҳдурур,
Тоатин қилмасанг гуноҳдурур.

«Ишорат тўрт имомғаким, муқтадойи дину пешвойи аҳли таъйинлар» деган бобда Бобур аҳли суннат вал жамоат фикҳининг тўрт имоми барҳақ, эргашиладиган зотлар эканини таъкидлайди:

Билки, бу тўрт имом барҳақдурур,
Ким алардин бу динга равнақдурур.
Бу имомеки, шаръ адосидурур,
Дин ила шаръ муқтадосидурур.

Сўнг имомлар номини санаб: «Бириси Абу Ҳанифаи Нўъмон (ибн Собит)дур, яна бири Шофиъийи пурдондур, яна бири (Имом) Молику яна (Имом) Аҳмад (ибн Ҳанбал), қилдилар жаҳд шаръ аро беҳад», деб уларнинг фазилатини билдиради. Буларнинг ҳар бирига эргашиб, изидан борган киши яхши даражалар ва нажот топишини таъкидлайди:

Тенгридин бизга латифадурур,
Муқтадомиз Абу Ҳанифадурур.
Тенгрига шукрлар дейинг яксон,
Қилди бизларга ишни ул осон.

Бу сўзлар Соҳибқирон Амир Темурдан бошлаб барча темурийларнинг соф эътиқоди ифодаси. Аини вақтда, Бобур Мирзо шаънига айтилган баъзи тухматларга ҳам раддиядир.

Бобур Мирзо «Мубаййин» хотимасида: «Эй Бобур, бу китоб таснифида агарчи ранж чеккан бўлсам-да, қўлимга шундай бир ганж-ҳазина кирди, ҳар қандай ганжни харж этиш билан камаяди, аммо бу маънавий ганж – бу илм хазинаси харж этган сари тобора ортиб боради», дейди:

Бобур, эмди, агарчи чекдим ранж,
Келди илгимга ушбуянглиғ ганж.
Ганж нуқсонға харждин тортар,
Харж қилғон сойи бу ганж ортар.

Бобур Мирзо китобни яқунлар экан, бу илмларга амал қилишга ўзи ва китобхон учун ҳам Аллоҳдан тавфиқ – ёрдам сўрайди. Сўнг китоб номи ҳақида сўзлаб: «Ғайрат, шижоат кўрсатиб, жидду жаҳд қилиб тамомлаган бу китобимда шариат масалаларини очиқ баён этганим учун, уни «Мубаййин» (Очиқ баён этувчи) деб номлаган бўлсам, не ажаб!» дейди.

Қиёслаб кўрилса, «Мубаййин» ҳукмлари асосан ҳанафий фикҳининг мўътабар китоблари – «Ҳидоя»и шариф ва «Мухтасари виқоя»га мувофиқ экани маълум бўлади.

Бобур Мирзо асар сўнгида айтади:
Уламодин будур менинг тилагим,

Кўлдағайлар бу иш аро билагим.
То бу иштин савобтопқайлар,
Авф зайлини мангаёпқайлар.

Бу ифодадан улуғ шоҳ ва саркарда, қомусий аллома Бобур Мирзонинг нақадар камтарин, гўзал хулқли ориф ва ҳалим зот бўлгани ҳам англашилади.

Бобур кенг дунёқараши ва мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеърятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, «Мубаййин» («Баён этилган»), «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши», Аруз ҳақидаги рисолалари эса ислом қонуншунослиги, шеърят ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мубаййин. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2000. – 150 б.
2. Ислом тасаввуфи манбалари / Тузувчи, сўзбоши ва шарҳлар муаллифи: Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 400 б.
3. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидийя. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 145 б.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR SHE'RIYATIDA HIJRON TIMSOLI

Xolmurodov D.B.

Milliy gvardiya harbiy texnik instituti Guruh komandiri

Har bir shoir o'z his hayajoni va kechinmalarini jonli va yorqin tarzda aks ettirish uchun ranglarga ham asoslanadi. Talantli shoir ta'bir joiz bo'lsa, ranglarni gapirtiradi aytmoqchi bo'lgan fikr boshqacha manzara kasb etadi. Ma'lumki, Sharq she'riyatida ishq mavzui ko'p hollarda bevosita hijron va ayriliq motivi orqali tasvirlanadi. Bu holat Bobur she'riyati uchun ham xosdir. Bobur faqat an'anaviy oshiqlikda emas, inson va shohlikda ham hijron shoiri. Uning ko'nglida yordan judolik hislari bilan elu yurtдан ayriliq his tuyg'ulari uyg'unlashib ketgan. Shuning uchun uning g'azal va ruboiylarda Hijron poetik obraz darajasiga ko'tarilgan. Hatto shahslantirilgan.

“Boburning hasbi holidan puxta xabardor bo'laman degan kishi avvalo shoirning hijron va g'urbat xususidagi she'rlarni atroflicha mushohada qilmog'i kerak. Boburning asosiy g'animi va uni doimiy ravishda qiynovchi shafqatsiz muxolifi hijron.

*Hijron g'amidin zaif jonim so'ldi
G'urbat alami birla ichim qon bo'ldi.*”^[22]

Yordan judolik, yaqinlardan, molu davlatdan ayrilish albatta og'ir. Biroq hijronning eng azobli, eng og'irlisi vatandan yiroqlik. Bunda xususan yurtga qayta olmaslik tuyg'usi chinakam qiynoqqa aylanadi. Shu boisdan shoir olis Hindistonda turib ayriliq azoblarini tortar ekan, tassavvurida “jon qushi” Hijron qafasida bo'g'ilib, g'urbat “aziz umrni” soat sayin kemirayotganday bo'ladi.

*Hijron qafasida jon qushi ram qiladur,
G'urbat bu aziz umrni kam qiladur.*

²² Zahiriddin Muhammad Bobur. Har kimki vafo qilsa. Yangi asr avloidi. Toshkent – 2019. B.148.

*Ne nav' bitay firoqu g'urbat sharhin —
Kim, ko'z yoshi nomaning yuzin nam qiladur.*

Haqiqatda ham “firoqu g'urbat”ni sharhlash, sharhlaganda ham uni nihoyasiga yetkazish mumkin emas. Mana shunda shoirga go'yo rang yordamga keladi. U o'zining holini sarg'aygan xazon yaprog'idan farqlamay qoladi.

*Xazon yaprog'i yanglig' gul yuzung hajrida sarg'ardim,
Ko'rub rahm aylagil, ey lola rux, bu chehrai zardim...*

Adabiyotshunos Ibrohim Haqqul ushbu matla' bilan boshlanadigan g'azalni – manzara g'azal, unda go'yo ikki yaratuvchi-ikki suvratkash ishtirok qiladi: biri – tabiat, ikkinchisi – shoir, deydi. Chindan ham shunday. Bu “Xazon yaprog'i” iborasi alohida olinganda ham lirik qahramon ahvolini sharhlaydi. Zotan, hijron dardi u tufayli uning chehrasi sarg'ayganki, qismati ham “xazon yaprog'i”ga o'xshash. Ayni paytda buni yorning gul yuzi, lola kabi gulgun chehrasi bo'rttirib namoyon etadi. Bu o'rinda boshqa bir jihatni ham e'tibordan chetda qoldirmaslik kerak. Chunki Boburda kuz fasli, ayniqsa, xazonrezlik manzaralariga qandaydir bir oshuftalik bo'lgan.

“Boburnoma”da ushbu fikrni tasdiqlaydigan ko'plab qayd va ifodalar mavjud. Masalan: “Bog'i Vafog'a se bargazor, anor daraxtlari sap-sarig' xushrang xazon bo'lubtur”; “Dushanba kuni xazon sayrig'a Istalifg'a borildi”; “...Istarg'achda bir yaxshi xazonliq bog'da tushub, suhbat tutuldi” va hakazo. Demak, xazon va sariq rangning Bobur she'rlaridan keng o'rin egallashiga tabiat ham ta'sir ko'rsatgan. G'azalning navbatdagi baytini o'qiymiz:

*Sen, ey gul, qo'ymading sarkashligingni sarvdek hargiz,
Ayog'ingg'a tushub bargi xazondek muncha yolvordim.*

“Xazon yaprog'i—daraxtdan uzilgan yaprog'. Ma'shuqa gulga o'xshasa—da, uning “sarkashligi” qaddi raso sarv kabidir. Oshiq sarv daraxti tagiga tushgan bargdek yor oyog'iga bosh urib yolvoradi. Bu holat ham sariq rang yordamida yoritib berilgan. Gul va xazon yaprog'i tazodi navbatdagi baytda davom ettiriladi:

*Latofat gulshanida gul kibi sen sabzu xurram qol,
Men archi dahr bog'idin xazon yaprog'idek bordim.*^[23]

Bu gapni yor bilan xayrlashuv deb tushunish ham mumkin, jonajon diyor bilan vidolashmoq deb qabul qilsa ham bo'ladi. Lekin “Latofat gulshani” – go'zallik gulshani. Yor ana shu bo'stonning guli. O'zini xazon yaprog'i kabi his qilgan lirik qahramon yorga oldin yolvorgan bo'lsa, endi uning umri hech zavol ko'rmasligini tilaydi. Negaki uning qismati aniq: “bu dahr bog'idin xazon yaprog'i yanglig'” ketish. Xo'sh el ulus nima deydi? Mana shoirning javobi:

*Xazondek qon yoshim, sorig' yuzumdin el tanaffurda,
Bahar range, bihamdilloh, ulusdin o'zni qutqordim.*

Tilimizda “qon yosh” iborasi bor, lekin “qon yoshning” xazondek bo'lishi va uni “sorig' yuz”da aks etishi yangicha ifoda. Bahar range turli rang degani. Va u ulusdin o'zni qutqazishdagi qiyinchilik chekishni ta'kidlaydi. Rangshunoslikda sariq rang ruhning kuch quvvatga to'lishini ifodalaydi, degan fikr aytilgan. Bobur she'rlaridagi sariq rang sirtidan qaralganda mahzunlik, g'am anduh, shikastalik kabi holat va kayfiyatlarni aks ettirayotganday tuyulsa—da, aslida ular dunyoning ko'pdan ko'p azobu uqubatlariga bardosh bera olgan. Ruhning kuchi, tolmas harakatini ifodalaydi. Shuning uchun Bobur she'rlarini o'qigan kishi hech qachon tushkunlik va so'lg'inlikka berilmaydi. Bobur oddiy tuyulgan tushuncha va detallardan katta ma'no va umumlashmalar, xulosalar

²³ Zahiriddin Muhammad Bobur. Har kimki vafo qilsa. Yangi asr avlodi. Toshkent – 2019. B.152.

chiqarishga g'oyatda mohirdir. Shoir hech bir fikrni shunchaki aytmaydi, hech bir misrani shunchaki bitmaydi. Yuqorida ko'rganimiz, shoir she'rlarida tuyg'ularini, kechinmalarini, iztirob, turli xil xolatlarni ifodalashda ranglardan foydalangan.

Zahiriddin Muhammad Boburning boy va rang-barang ijodiy merosining katta qismini uning lirikasi tashkil etadi. Bobur devonidagi she'rlarning asosiy qismini g'azal va ruboiylardan iborat. G'azalning tasvir imkoniyatlari nihoyatda boy, unda har qanday his-tuyg'u, mushohada, katta-kichik fikrni ifodalash qulay. Ruboiy esa shoirning axloqiy hamda falsafiy g'oyalarni yoritishiga hamisha qo'l keladi.

«Boburnoma»dagi qaydlardan ayonki, Bobur aksari ruboiylarini alohida tayyorgarliksiz, yo'l-yo'lakay badiha tarzida yaratgan. Shoirning g'azal va ruboiylarida aniq bir mavzu tevaragida so'z boradi va mantiqiy izchillikka qat'iy amal qilinadi. Natijada ular kompozitsion puxtalik kasb etgan. Konkret bir mavzuga bag'ishlangan yoki bir obrazni yoki muayyan bir ahvolni yorituvchi g'azal va ruboiylar, alohida-alohida fikrlar aytilgan, badiiy yetuk baytlardan tarkib topgan g'azallar, ya'ni maqtu' she'rlar ham shu tamoyil asosida bitilgan.

G'azal va ruboiylar katta qismni tashkil etar ekan, Boburning shoirlik kuchi va mahorati ham, tabiiyki, ularda namoyon bo'lgan. Har bir g'azal va ruboiyda muayyan bir mavzu doirasida so'zlashga harakat qilish, g'oya chizig'idan chiqmaslikka intilish, ma'lum bir obrazni yoritish shoir she'rlarining tahsinga loyiq sifatidir. Bu sifat Navoiy she'riyatida barqaror edi. Bu an'anani Bobur davom ettirdi. «Bobur g'azallari hayot, koinot, inson, jamiyat muammolari haqidagi ma'no ufqi nihoyatda keng, badiiyligi hayratomuz g'azallardir». Ma'lumki, chinakam san'atkor shoirlar badiiylikni obraz va obrazlilik zaminida yuzaga chiqarishga doimo alohida ahamiyat berganlar.

Bobur she'riyatimizdagi an'anaviy badiiy obrazlar qatoriga yangi obrazlar qo'shdiki, uning ijodidagi ana shu jihatlarni yoritish hammavaqt dolzarblik kasb etadi. Shoh va qul, vatan va sog'inch, saltanat va faqirlik, g'oliblik va mag'lublik, yaxshilik va xurramlik kabi poetik obrazlar Bobur ijodida yuksak darajada ifodalangan obraz hamda tushunchalardir. Garchi Boburgacha bu obraz va timsollarning elementar ko'rinishlari mavjud bo'lgan bo'lsa-da, Bobur ularni xaddi a'losiga yetkazdi. U adabiyotimizga real va konkret Vatan obrazini olib kirdi. To'g'ri, o'zbek she'riyatida Boburgacha ham Vatan timsoli bor edi. Biroq agar salaflar ijodida Vatan tushunchasi umuman tiriklik, istiqomat qilish, ro'zgor tushunchalarini ifodalagan bo'lsa, Bobur vatan deganda, faqat Samarqand yoki Andijonni emas, umuman Turkistonni tushundi. O'z asarlarida uning portretini suratladi, pirovard natijada, Vatanning badiiy obrazini yaratdi.

*Yod etmas emish kishini g'urbatta kishi,
Shod etmas emish ko'ngulni mehnatta kishi.
Ko'nglum bu g'ariblikda shod o'lmadi, oh,
G'urbatta sevunmas emish, albatta, kishi,–* deydi Bobur.

Bobur idrokida diyoru yor tushunchalari o'zaro qorishib ketadi:

*Ko'pdin berikim, yoru diyorum yo'qtur,
Bir lahzayu bir nafas qarorim yo'qtur.*

Vatandan judo bo'lgach, uning obrazi endi shoir she'rlarida sog'inch mazmuni orqali o'z ifodasini topadi:

*Kabutar, eltasen xattim, ne bo'lg'ay gar qabul etsang,
Ko'ngulni bog'lasam ul noma yanglig' parru bolingg'a.*

Yoki:

*Qovun birla uzumning hajrida ko'nglumda g'am har su,
Oqar suvning firoqidin ko'zumdin har dam oqar suv.*

Shoir vatandan judolikka chiday olmaydi, ko'nika olmaydi, bir kuni yana vatanga qaytishiga ishonadi.

O'z yerni qo'yib Hind sori yuzlandim,
Yo rab, netayin, ne yuz qarolig' bo'ldi.

«Boburnoma» asaridagi o'nlab qaydlarda ham Vatan timsoli gavdalanadi:

Bormoqqa ne maskan muyassar,
Turmoqqa ne davlat muqarrar.

“Hassos qalb sohibining o'tli nidosi bu. Shoirning ayrim ruboiylari dilning dilga izhori, ko'ngilning ko'ngilga talpinishi va chorlovi sifatida yaratilgandir. Ulardagi so'z va iboralar aynan yurakdan chiqqanday taassurot qoldiradi. Quyidagi ruboiydagi «ahbob», «farog'at tutungiz», «g'animat tutungiz» singari so'z va iboralar inson umrining omonat va g'animatliginigina emas, balki shu omonatlik va o'tkinchilikda odam bir-birini qadrlay olishi zarurligini ham chuqur ta'kidlashga xizmat qiladi:

Ahbob, yig'ilmoqni farog'at tutungiz!
Jam'iyatingiz borini davlat tutungiz!
Chun gardishi charx bu durur, tangri uchun,
Bir-birni necha kun g'animat tutungiz!»^[24]

To'g'ri, she'rda «vatan», «yurt» degan so'zlar yo'q va lekin bu nasihatimiz gaplar vatanning qadri o'tilganidan, vatan sog'inchidan tug'ilganligi shubxasiz.

Bobur ruboiylarida vatan obrazi, ayniqsa, bo'rtib ko'rinadi. «Yod etmas emish kishini g'urbatda kishi», «Azm ayla, sabo, ul guli xandoning'a», «Beqayd menu xarobi siym ermasmen» satrlari bilan boshlanuvchi ruboiylar ham shu ruhda bitilgan. Shoir qalbida Vatan timsoli, uning sog'inchi hammasidan ustun keladi, shunda u nadomat bilan yozadi: Bu Hind yeri hosilidin ko'p ko'ngul oldim, Ne sudki, bu yer meni dilgir qilibtur. Ruboiylarining birida shunday satrlar bor:

Gar xotiring istasa yiborgil savg'ot:
Ma'junu sharobu obi noranju nabot.

«Obi noranj» – shoirning she'riyatiga yangi detal, yangi timsol bo'lib kirdi. «Obi noranj» o'zbek adabiyoti uchun ham yangi detal, yangi timsol edi. Biz kishining dardu alamdan za'faronday yoxud somon, yohud behiday sarg'ayishini bilar edik. Bobur buning yangicha talqinini yaratadi:

Noranj yibordi sengaki, bilgaysen,
Ya'niki, bu nav' sarg'aribdur Bobur.

Bobur mirzoning yozgan misralarida o'zi mansub bo'lgan muhitning ta'sirini sezamiz:

Manga oson durur bo'lsa agar yuz ming tuman dushman,
Vale bo'lmoq jahonda, ey ko'ngul, beyor mushkildur.

Boburning ko'pni ko'rib, ko'p voqea hodisalarni boshdan kechirganiga yana bir dalil. Masnaviylaridan birida shunday shohbayt borki, bu xil baytni Boburgacha hech kim aytmagan:

Tama' uzgil bu eski dunyodin,
Xotiringdin chiqar bu dun yodin.

«Dun» so'zining past, pastkash, tuban kabi lug'aviy ma'nolarini hisobga olsak, bu yanglig' keskin fikr faqat Bobur she'riyatida uchraydi. «Davron» (zamon) timsoli talqin etilgan quyidagi ruboiy biografik asosga molik. Unda muallifning armonli hasrati bo'rtib turibdi:

²⁴ <https://tafakkur.net/ahbob-yigilmoqni-farogat-tutungiz/zahiriddin-muhammad-bobur.uz>

Davron meni o'tkardi saru somondin,
Oyirdi meni bir yo'li xonumondin,
Gah boshima toj, gah baloyi ta'na,
Nelarki, boshimg'a kelmadi davrondin.

«Besabrmenu besaru somondurmen» misrasi bilan boshlanuvchi ruboiy yuqoridagi ruboiyga hamohang. «Ey qo'rg'on eli, qoldimu darmonlaringiz», «She'ring eshitur fikrini Bobur qildi» satrlari bilan boshlanuvchi ruboiylar ham biografik xarakterda. Yana bir biografik xarakterdagi ruboiysi quyidagi baytlardan iborat:

Bu olam aro ajab alamlar ko'rdum,
Olam elidin turfa sitamlar ko'rdum.
Har kim bu «Vaqoe'»ni o'qur, bilgaykim,
Ne ranju ne mehnatu ne g'amlar ko'rdum.

Bu yerda «Vaqoe'» deb muallif o'zining «Boburnoma» memuarini nazarda tutadi. Bobur Mirzo ushbu ruboiysida: «Bu olam aro ajab alamlar ko'rdim», «Olam elidan turfa sitamlar ko'rdim», - deydi. Olam, ahli olam va ulardan yetgan sitam, qayg'u va g'amlarni Bobur ruboiyotida rost hamda tabiiy tarzda yozib qoldirgan. Ularda inson qalbidagi dard va qayg'u, hasrat va nadomat, iztirob va orzu-umidlar butun ko'lami, barcha noziklik hamda latifliklari bilan tasvirlab berilgan.

Bobur ananaviy timsollarni yangicha talqin etdi, ayni chog'da she'riyatda yangi poetik obrazlar ham olib kirdi. Piri nokomil, yaxshilik ana shunday obrazlar sirasiga kiradi. Komillikning qadriga yetmay, she'rni ta'qiqlagan piri nokomil xususida shunday deydi:

Shayx she'rim man' etar, yetmay balog'at lutfig'a,
Naylagay, yo rab, kishi bu piri nobolig' bila?!

«Dunyoyi farsuda» haqida quyidagi xayyomona fikrni aytadi:

O'zungni shod tutqil, g'am yema dunyo uchun zinhor,
Ki, bir dam g'am yemakka arzimas dunyoyi farsuda.

«Yaxshilig'» radifli she'rida bir-biriga qarama-qarshi kayfiyatni, bir-biriga qarama-qarshi ikki xil holatni, ikki xil fikrni ko'ramiz. Bir tomondan, shoir alamzadalik bilan «Kim ko'rubdur, ey ko'ngul, ahli jahondin yaxshilig'? Kimki, ondin yaxshi yo'q, ko'z tutma ondin yaxshilig'!» — desa, «Bori elga yaxshilig' qilg'ilki, mundin yaxshi yo'q, Kim, degaylar dahr aro qoldi falondin yaxshilig'!» – deya yaxshilikni barcha a'mollardan a'lo biladi.

«Bobur mirzoning barcha asarlari tarix qavatlarida qolib ketsa-yu, shu birgina matni ko'chirilgan she'ri avlodlar qo'liga yetganida ham, uning beqiyos salohiyatidan darak berardi», - deydi yuqoridagi misralar haqida adabiyotshunos R. Vohidov. Ijodkorning uslubini, uning shaxsi, shaxsiy fazilat va xususiyatlaridan ajratib bo'lmaganidek, hayotga munosabati, voqelikka yaqin yoki yiroq turishi, davr va zamon muammolarini mushohada etish malakasidan ham ajratib bo'lmaydi.

Bobur xayoldan reallik yaratishni emas, reallikdan xayolot olamiga ko'tarilish, taxayyul kuchini voqelik sirlarini ochishga bag'ishlashni xush ko'rgan. Shuning uchun uning she'rlari odamni hayotdan uzilish yoki chetlashishga emas, dildan unga bog'lanish, hayot zarbalarini

mardona turib yengish, har qanday vaziyatda ham ma'naviy kuchsizlikka yon bermaslikka rag'batlantiradi.

Ayrim mutasavviflar, ayniqsa, Imom G'azzoliy insonning zohiriy tashqi ko'ziga muqobil bir botiniy ichki ko'zi ham bor bo'lib, unga "qalb ko'zi", "ma'naviy ko'z" deyiladi, degan fikrni bayon etgan". Ko'z so'zini o'zi keng ma'noda tushina bilish mumkin, "ko'ngil ko'zi", "qalb ko'zi", "ruh ko'zir", "basirat ko'zi", "ma'naviy ko'z".

Sharq mumtoz adabiyotining zabardast vakillari Jaloliddin Rumiy, Alisher Navoiy, Abdurahmon Jomiy "ko'z", "ko'z yoshi", "qonli ko'z yoshi" kabi so'z va iboralaridan nazmda ko'p o'rinda unumli foydalanganlar. Mavlono Rumiy "Ko'zni yumgil ko'zga aylansin ko'ngil" desa, Hazrat Jomiy "Qon to'kar yosh o'rniga shu chashmi giryonim mening," deb yozadi. Hazrati Alisher Navoiy "Lisonut tayr"da arab yozuvidagi ko'z so'zining yozish shakliga ishora qilib ko'z so'zidagi birgina nuqtani olib qo'yilsa ko'rga aylanadi deydi. Bundan ko'zning ma'naviy ochiqligi inson shaxsidagi asosiy jixatligini tushunish mumkin.

"Musofir bo'lmaguncha, kishi musulmon bo'lmas". Vatanda turib uni tasavvur qilish, his etish, uning timsolini mukammal ko'ra bilish, tuyish dargumon. Zahiriddin Muhammad Bobur vatandan olisda, musofirlikda uning timsolini yaxlit tasavvur etdi, ko'rdi, uning mehrini, qadrini teran his etib idrok qildi. Vatan, diyor, yor hajrida, sog'inch dardida ko'z yosh to'kkan bo'lsa kerakki bu holat uning she'rlarida yaqqol namoyon bo'lgan. Bobur she'rlarida "ko'z yoshi" so'zini ko'p ishlatadi, bu so'zga bog'liq xolda "qon" so'zidan ham ko'p o'rinda foydalanadi. Bu e'tiborga loyiq hol. Bobur ko'p iztirob chekib ko'z yosh to'kkan, ko'p qonli xodisalarning guvohi bo'lgan shaxs.

Ko'z yoshi shoir she'rlarida goh "ashk", goh "giryon", "sirishk", shakllarida uchraydi. Ma'lumki, yosh ko'zining mahsuloti, uni ko'z ijro etadi. Ko'z yosh his tuyg'u, iztirob ifodasi, buning ijrochisi ko'zning bir xislati: u o'zgalarni ko'radi yu, o'zini esa ko'ra olmaydi. Ko'z va ko'z yoshi bilan shoirning tashbehlari e'tiborli:

Ko'zumdin yoshunub, ey bahri altof,
Ko'zumning yoshini daryo qilibsen.

Qonli ko'z yoshini ifoda etishda qon so'zini turli xil yozadi "xunbor", "chashmi xunfishon", "ashki xunolud" tarzida. Ko'z yoshi mantiqiy ravishda qon bilan bog'lanib ketadi: Ol yuzi ko'z yoshimni qon qildi. Yuzning qizilligi, qonning ko'rinishidagi o'xshashlikni ham shoir bu o'rinda nazardan qochirmagan. Mantiqiy talablarga amal qilganki, bu barcha buyuk ijodkorlarga xos xislat. Yana bir misol:

Ko'z hajrida, yuzi yodida, so'zi shavqida
Xotirim afgoru jismim zoru ko'z xunbordur...

Nutqimizda "qon yig'lash" iborasi, achchiq yig'i, sho'r ko'z yoshi bor, shoir xunbor so'zidan (qon yig'lovchi) foydalanadi. Bobur bu xil iztirobni boshidan kechirgan va ayni paytda xalq iboralaridan ham boxabar bo'lgan. Menu kunji g'amu ohu fig'onu ashki xunolud. Bunda "ashki xunolud" ko'z yoshim qonga bulangan deydi.

Yuzida ul labi xandon ko'runur,
Sutga ko'p boqsa, bale, qon ko'runur.

"Sutga ko'p boqsa, bale, qon ko'runur" xalq orasida yurgan hikmat. Ma'shuqaning yuzi albatta, oppoq, xandaga ochilgan labi qizil. Ichki mustahkam mantiqiy bog'lanish.

Chog'ir bag'ir qonidur barcha ishq ahlig'a,
Zihi alarki, bu maydin dame oyilmishlar.

Ishq ahli uchun may bag'ir qonidur demoqda shoir. Bag'ir qonisiz esa yashab bo'lmaydi.
Ohu vovaylo surudum, dardu g'am hasuhbatim
Boda ashkim qoni, kim ko'rdi muningdek bazmi xos...

«Boburnoma»da o'zbek va fors tillaridagi o'nlab she'riy parchalar mavjud. Ular bayt yoki ruboiy, yoki qit'a shaklida keltirilgan. Bu she'riy parchalarni keyingi taqdiriga qarab ikki qismga ajratamiz:

1)shunday she'riy parchalar borki, ular keyinchalik tahrir qilinib shoirning devoniga kiritilgan;

2)faqat «Boburnoma»dangina o'rin olgan nazmiy parchalar.

Odatda, har bir asarning o'ziga yarasha tug'ilish jarayoni va tarjimai holi bo'ladi. Shu jihatdan ham bu she'riy parchalar diqqatga sazovordir va ular Bobur muxlislari qalbida rag'bat uyg'otadi.

Adabiyotshunoslikning ham, adabiyot tarixining ham, adabiy tanqidning ham tub maqsadi adabiyot ravnaqiga, yozuvchining ijodiy kamolotiga xizmat qilish ekan, muayyan asar tarixini o'rganish qanchalar ahamiyatli ekanligi yaqqol ayon bo'ladi.

Buyuk bobomiz haqiqiy Navoiy bobomiz izdoshi desak maqsadga muvofiq bo'ladi, buni biz ajdodimizning sheriy shoh asarlarlari buning isbotidir. Bobur poetikasi ham muallifni tasavvurimizda gavdalantirish mumkin bo'lgan, uni anglashimizdagi asosiy manbadir. O'z tariximizni o'rganishimizda ham she'riyatning o'rni katta, tarixda haqiqatdan ko'ra yolg'onlar ko'p uchraydi. She'rda esa shoir his-tuyg'usini boricha izhor etadi va mana shu tuyg'ularni insoniyatga singdiradi. Shuning uchun shoirlar ijodiyoti har bir davrning ko'zgusi. She'riyat yordamida bimalol muallif tarjimai holi tadrijini va hayot yo'li xaritasini chizish mumkin. Bobur har nafasda, har qadamda tafakkur qilishga majbur edi. U yashayotgan va faoliyat ko'rsatayotgan muhit va voqelik shuni taqozo etar edi. Har kuni, har soatda turli-tuman kishilar bilan muloqot-muomalada bo'lgan. U olam va odam, odamning olam ichra tutgan o'rni, besh kunlik foni dunyoda qanday yashab o'tmoq borasida muayyan to'xtamga kelishga, bu to'xtamlarning umumlashtirishga ehtiyoj sezgan.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Махкамов Қ.

Намангар давлат университети доценти

Вахабова Т.

НамДУ Ижтимоий ишйўналиши талабаси

Ўрта аср шарқ маданияти тарихида чуқур из қолдирган Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, шоир, йирик давлат арбоби, истеъдодли саркарда ва бобурийлар сулоласи асосчисидир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483-йилнинг 14-февралда Фарғона вилояти ҳокими Умаршайх Мирзо оиласида дунёга келди.

Унинг болалик даври Мовароуннаҳр ва Хуросонда бобоси Амир Темур томонидан тузилган йирик давлатга эгалик қилиш учун турли ҳокилар, қон-қариндошлар ўртасида ҳокимият кураш ниҳоят кескинлашган бир даврга тўғри келди. Отаси Умаршайх Мирзонинг 1494-йили фожеали тарзда вафот этиши, 12 ёшли Бобур Мирзога катта маъсулият юклади. Фарғона ҳукмдори бўлган Бобурга онаси Қутлуғнигорхоним ҳокимиятни бошқариш

ишларида яқиндан кўмак берди. Унинг ҳарбий юришларида ҳам ҳамроҳлик қилади. “Қутлуғ Нигорхоним эди, Юнусхоннинг иккинчи қизи... Юнусхон Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойхоннинг наслидандур.” [1,10]

Бобур ёшлигидан адабиёт, нафис санъат, табиат гўзаллигига меҳр қўйган ва барча Темурий шахзодалари каби бу илмларининг асосини отаси саройида, етук устозлар раҳбарлигида ўрганган ва отаси йўлидан бориб, машҳур суфий- Хожа Ахрорга ихлос қўяди ва унинг тариқати руҳида вояга етади. У умрининг охирига қадар шу эътиқодга содиқ қолади. Лекин тожу-тахт учун кураш, мамлакатни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш каби давлат аҳамиятидаги муаммолар Бобурни қўлидаги қаламини қиличга алмаштиришга мажбур қилди, у Андижон тахти учун укаси Жаҳонгир мирзо, амакиси Султон Аҳмад Мирзо, тоғаси Султон Маҳмудхон ва бошқа рақибларига қарши курашишига мажбур бўлади. Бобур укаси Жаҳонгир Мирзо билан мурасага келиши учун унга ён берди ва Фарғона вилоятини икки қисмга тақсимлаб, бир қисмини укасига топширишга қарор қилди, ўзи Самарқанд тахти учун олиб борилаётган курашга киришиб кетди. Бир неча йил давом этган бу кураш қирғин - баротдан бошқа бирор натижа бермагач, у Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Шайбонийхон 1504-йилда Андижонни ҳам қўлга киритгандан сўнг Бобур жанубга қараб йўл олади. “Унинг 200-300 навқари Ҳисор тоғлари орқали Афғонистонга ўтади ва у ердаги ички низолардан фойдаланиб Ғазни ва Кобулни эгаллайди.”[2] Қобул вилоятида ўз ҳокимиятин ўрнатади. 1505 – 1515 йилларда у Марказий Осиёга қайтишга бир неча бор уруниб кўради, аммо бу урунишлардан ҳеч қандай натижа чиқмайди. Сўнг ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадига, 1519 – 1529 йиллар давомида Ҳиндистонни қўлга киритиш учун бр неча бор жанглар олиб боради. 1526 йил апрель ойида Панипатда Ҳиндистон султони Иброҳим Лўди билан ва 1527 йил март ойида Читора ҳокими Рано Санго билан бўлган жангларда Бобурнинг қўли баланд келди. Тарихий маълумотларнинг баён қилишича Бобурнинг Ҳиндистонга юришида Дехли ҳукмдори Иброҳим султон сиёсатидан норози бўлган Панжоб ҳокимлари ҳам Бобурни қўллаганлар ва Сикри жангидаги бу ғалаба Бобурга Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини узул-кесил ўрнатиш ва Бобурийлар сулоласини барпо этиш имкониятини беради. Оврўпо тарихчилигида бу сулола “Буюк мўғуллар” империяси номи билан машҳур бўлган сулола Ҳиндистонда 300 йилдан ортиқ вақт давомида ҳукмронлик қилди.

Мирзо Бобур қисқа вақт ичида Ҳиндистон сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, ерларини бирлаштириш, шаҳарларини ободонлаштириш, савдо-сотик масалаларини тўғри йўлга қўйиш, боғлар яратиш ишларига ҳомийлик қилади. Ҳиндистонни ободонлаштириш ишларида ҳозиргача машҳур бўлган меъморий ёдгорликлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдириш, айниқса унинг ўғиллари ва авлодлари даврда кенг миқёсга амалга оширилди. Ҳиндистон санъати ва меъморчилигига Марказий Осиё услуби кириб келди. Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурида ўша даврнинг илғор ва зехни ўткир олимлари, шоирлари, мусиқашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукамал бир маънавий муҳит вужудга келади.

Бобурийлар давлатидаги маданий муҳитнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида Жаваҳарлаъл Неру шундай ёзган эди: “Бобур Ҳиндистонга келганидан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тозза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир – бирларига туташиб кетди.”[3,46] Албатта бу ишлар улкан машаққатлар, ранжлар эвазига эришилган ғалабанинг қимматини Бобур тарихий маълумотлар билан қиёслаб кўрсатиб беради. Тарихий манбаларда келтирилишича Ҳиндистонни забт этишга учта ҳукмдор муяссар бўлган булар: Султон Маҳмуд Ғозий, Султон Шаҳобиддин Ғурий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Шу билан бирга,

“Бобурнома” да Ҳинд элининг ўз мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилганини кўрсатувчи чизгилар ҳам учрайди. Бобур баъзи ҳудудларни осон киритган бўлса, айрим жойларни катта талофатлар, машаққатли жанглар эвазига олган. Айниқса, Чандирийни олишда ҳиндларнинг ватан ва озодлик учун кўрсатган жасоратлари ҳайратланарли. Улар аҳли аёллари ва ўзларининг ҳам ғаним қўли томонига тириклай тушишга орланишган. Уларнинг жасоратларида Муқанна каби тарихий қаҳрамонлар жасоратини кўришимиз мумкин.

Ҳиндистоннинг юксалиши, маданиятининг тараққий этилишида Бобур ва бобурийларнинг ўрни бекиёсдир. Бобур Ҳиндистого дастлаб кириб борганида, унинг сувларсиз, боғларсиз, тароватсиз, саҳроваш бир ўлкалигидан дили вайрон бўлади. Аммо, кўп ўтмай у ерни ҳам ўз она ватани каби сайлгоҳ, сўлим гўшага айлантиради. Ҳовузлар, боғлар, ҳамом ва ҳашаматли иморатлар қурдиради. Бобур Ҳиндистонда хунармандларнинг кўплиги хунарларнинг қадимлигидан мамнун бўлиб, у ерларни боғу-бўстонга айлантиришда, муҳташам шаҳарлар барпо этишда Ҳинд халқининг хунарманду меҳнатқашлилиги қўл келади. Бобур ўзининг бунёдкорлик ишларини бобокалони Амир Темурнинг фаолияти билан қиёслаб, унинг миқёси қимматини баҳолайди. “Зафарнома” маълумотларига кўра Темурнинг “Масжиди сангин” иморатини қуришда 200 киши ишлаган бўлса, Бобур эътирофича у бунёд этган иншоотларда Аграда 680 киши, бошқа ҳудудларда 1491 киши меҳнат қилган. Бобур Ҳиндистонда мустаҳкам бир давлатни майдонга олиб чиқади. У давлатни ташкил этиш ва бошқаришда Темур тажрибаларидан моҳирона фойдаланади.

Европада “Буюк мўғуллар империяси” ном билан шуҳрат қозонган бобурийлар сулоласи XIX аср ўрталаригача яхни инглизлар истелосига қадар Ҳиндистонда давлатни бошқарадилар. Бобур ҳаётининг сўнгги йилларида Ҳиндистондан кечади. У Ҳиндистон келажаги ва равнақи йўлида катта хизмат қилади. Бироқ қисқа бир вақт ичида Бобур Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, ерларни бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотиқ масалаларини тўғри йўлга қўйиш боғроғлар яратиш ишларига ҳомийлик қилди. Шунингдек, Ҳиндистонда катта ҳажмдаги давлат ишлари билан бир қаторда ўзининг адабий-бадий фаолиятини ҳам давом эттирди ва юқорида зикр этилган асарларини яратди.

Ражив Ганди сўзларида ана шу яқинликнинг ифодасини кўриш мумкин “Фарғоналик мард, нозик дид Бобур Ганг текисликларига асос солиб, ўзни ҳинд деб билган эди”. Бобур Ҳиндистондаги тарқоқ вилоятларни марказлаштиради, давлат ишларини адолат билан бошқаради, ғайридинлик солиқларини бекор қилади, вафот этган эрни тирик хотини билан куйдуришни ман этади. Кийиниш маданиятини такоммиллаштиради, адабий муҳит ташкил этади. Ижодкорлар аҳлига раҳнамолик қилади. Ҳиндистон элининг ўзга хос урф – удумларига, кадриятларига ҳурмат билан қарайди. Ютуқларини ўрганади, кенг тадбиқ қилади, камчиликларни бартараф этади. Захириддин Муҳаммад Бобур 1530 йил декабрь ойида Агра шаҳрида вафот этади, онаси Қутлуғ Нигорхоним (1505-йил вафот этади ва Қобулда дафн этилади), Бобур ўзини онасининг ёнида дафн этилишини истади, шунинг учун васиятига кўра олти ойдан сўнг фарзандлари унинг хокини Қобулга олиб келиб дафн этадилар. Бобур дафн этилган жой Қобулда “Боғи Бобур” деб номланган ва шаҳар аҳолиси Наврўз сайлини айнан шу боғда нишонлайди. Бу Афғон халқининг Мирзо Бобурга бўлган эътибори, эъзози ва эҳтироми рамзидир. Жавоҳарлаъл Неру томонидан берилган ушбу “Бобур дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган” баҳо унинг шахс сифатидаги қиёфасини мукаммал кўрсатиб беради. Бобур шоҳ сифатида ҳам ижодкор сифатида ҳам такрорланмас шахсдир. Бобур ўз фаолияти, ҳаёт йўли билан одамзоднинг сабр-тоқатига ҳайкал қўйган жасоратли инсондир. Унинг ҳаёти

харакатчанликнинг, меҳнаткашликнинг, изланувчанликнинг ноёб намунаси. Шунинг учун ҳам у сарсон- саргардорликда, ватандан йироқда кечган машаққатли қисматдан ғолиб келди. Шоҳ сифатида ҳамма ҳукмдорга ҳам насиб этавермайдиган буюк империя тузди. Ижодкор сифатида эса ўзининг нодир салоҳият ва иқтидор соҳиби эканлигини намойиш эта олди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бобурнома. Тошкент.: Юлдузча. 1990. – 368 б.
2. <http://e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/1122-maqola.html>
3. Жавоҳарлаъл Неру. Ҳиндистоннинг кашф этилиши. “Шарқ юлдузи” 1990, №10. 46-бет

MILLATLARARO MUNOSABATLARNI MUSTAHKAMLASHDA DAVLAT VA NODAVLAT TASHKILOTLARINING O‘RNI

Fayziyev Z.

Respublika tashxis markazi xodimi

Yurtimiz azal-azaldan ko‘p millatli, mehmondo‘st va bag‘rikeng xalq sifatida ma‘lum va mashhurdir. Jamiyatda millatlararo totuvlik va bag‘rikenglikni ta‘minlash, do‘stlik muhitini va yoshlarda ko‘p millatli katta yagona oila tuyg‘usini shakllantirish, ularni Vatanga sadoqat, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalash, xorijiy mamlakatlar bilan madaniy-ma‘rifiy aloqalarni mustahkamlash va bu boradagi ishlarni amalga oshirish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biridir.

Ma‘lumki, mamlakatimizda so‘nggi yillarda barcha sohalarda keng ko‘lamli islohotlar xalq bilan muloqot asosida amalga oshirilmoqda. Bu esa, o‘z navbatida xalqaro hamkorlikni va xorij mamlakatlari bilan do‘stona aloqalarni rivojlantirish, xorijdagi vatandoshlarimizni qo‘llab-quvvatlash O‘zbekistonning jahon maydonidagi obro‘-e‘tiborini yanada oshiradi.

Siyosatimiz yurtimizda millatlararo munosabatlarni mustahkamlash, mamlakat hududida va undan tashqaridagi fuqarolarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish, avvalo, eng buyuk ne‘mat bo‘lmish tinchlikni saqlash, mamlakatda millatlararo tinchlik va totuvlikni qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan. Uni amalga oshirishda davlat va nodavlat tashkilotlarining o‘rni va roli alohida ahamiyat kasb etadi.

Mamlakatimizdagi mavjud har bir davlat va nodavlat tashkilotlari o‘z navbatida ham o‘zimizga, ham xorijiy mamlakatlar bilan munosabatlarga kirishishimizga muhim poydevor bo‘layotgani barchamizga ma‘lum. Biroq, bu boradagi islohotlarni amaliyotda yanada chuqurroq tadbiq etish, xususan, nodavlat tashkilotlar faoliyatini yanada takomillashtirish uchun imkoniyatlar yaratib berish muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Millatlararo munosabatlarni uyg‘unlashtirish, jamiyatda do‘stlik, o‘zaro hamjihatlik, jipslik, insonparvarlik va bag‘rikenglik madaniyatini mustahkamlash maqsadida xalqaro hamkorlikni va xorijiy mamlakatlar bilan do‘stlik aloqalarini rivojlantirish uchun keng ko‘lamda ishlar olib borilmoqda. Ayniqsa, mustaqillik yillarida bu sohaga alohida e‘tibor qaratila boshladi. Qomusimizda bag‘rikenglik va insonparvarlik madaniyatini rivojlantirish, millatlararo hamjihatlikni, jamiyatda fuqarolar totuvligini mustahkamlash, barcha fuqarolarga millati va diniy e‘tiqodidan qat‘iy nazar, tenghuquqlilik, imkoniyatlarning yaratilganligi buning yaqqol ifodasidir.

“Kuchli davlatdan – kuchli fuqarolik jamiyati sari” tamoyilini hayotga tatbiq etish uchun O‘zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi asosida demokratik talablarga javob beradigan, fuqarolik

jamiyati institutlarining erkin rivojlanishini ta'minlashga qaratilgan 250 dan ortiq qonun hujjatini mujassam etgan mustahkam huquqiy baza yaratilgani millatlararo munosabatlarni mustahkamlash va bu borada davlat va nodavlat tashkilotlarning erkin faoliyat yuritishi uchun zamin yaratdi desak mubolag'a bo'lmaydi. Keyingi yillarda qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlar davlat va nodavlat notijorat tashkilotlarini ro'yxatga olish, ularning faoliyatini tashkil etish tartibini tubdan soddalashtirdi. Natijada bugungi kunda mamlakatimizda jamiyat hayotining turli sohalarida ko'plab davlat tashkilotlari bilan bir qatorda 9478 mingdan ortiq nodavlat notijorat tashkilotlari faoliyat yuritib kelmoqda.(1) Fuqarolik jamiyati institutlarining ijtimoiy ahamiyatga molik loyihalari davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanayotgani ular faoliyatini kengaytirish va moliyaviy barqarorligini ta'minlashda muhim omil bo'lmoqda.

Statistik ma'lumotlarga ko'ra, hozirda O'zbekiston aholisining 20 milliondan ortiq fuqarosi nodavlat-notijorat tashkilotlar a'zosi sifatida mehnat qilmoqda.(2) Ushbu davlat va nodavlat-notijorat tashkilotlari faoliyat yuritishi uchun endilikda barcha shart-sharoit yaratilmoqda. Natijada esa ularning soni yildan-yilga ortib, faoliyat ko'rsatish sohalari ham kengaymoqda. Ko'rsatkichlar faqat sonda emas, balki sifat darajasining o'sishida ham yaqqol ko'zga tashlanmoqda.

Yurtimizda 1991-yilda mamlakatda 100 ga yaqin nodavlat tashkilot bo'lgan bo'lsa, hozirda 9 478 tani tashkil etmoqda. Shuningdek, adliya organlarida 16 ta diniy konfessiyaga mansub 2 mingdan ortiq diniy tashkilot va 235 ta doimiy faoliyat ko'rsatuvchi hakamluk sudlari ro'yxatdan o'tkazilgan bo'lib, ular tarkibida 715 ta sudya faoliyat yuritmoqda. Davlat tashkilotlari ham yildan-yilga o'sish ko'rsatgichi yuqorilab bormoqda. Yangi tuzilgan davlat tashkilotlari ham bundan mustasno emas. Xo'sh, bu tashkilotlar qaysi sohalarni qamrab olmoqda? Hozirda mavjud bo'lgan va ayni damda faoliyat yuritayotgan davlat va nodavlat tashkilotlar ijtimoiy-iqtisodiy, san'at, madaniy-ma'rifiy sohaning turli yo'nalishlarida, xususan, tadbirkorlik, sportni rivojlantirish, ekologiyani asrash, imkoniyati cheklangan shaxslarni ijtimoiy qo'llab-quvvatlash kabi turli sohalarni qamrab olmoqda.

Nodavlat tashkilotlarni siyosiy partiyalar, "Yoshlar ittifoqi", diniy tashkilotlar, mehribonlik uylari, keksalar va nogironlarni qo'llab-quvvatlovchi "Muruvvat" nodavlat tashkilotlari, "Do'stlik" jamiyati, "Yoshlik" jismoniy tarbiya va sport jamiyati, xorij mamlakatlarining O'zbekistondagi OTM maskanlari hamda xususiy va oilaviy maktabgacha ta'lim muassasalari tashkil etmoqda. Bularning safi anchagina keng bo'lib, har biri maqsadi, vazifasiga ko'ra jamiyatning turli qismlarini o'z ichida oladi. Shuningdek, 20 milliondan ortiq fuqaro turli nodavlat notijorat tashkilotlar a'zolari hisoblanadi. Misol uchun, O'zbekiston yoshlar ittifoqining 10 milliondan ortiq a'zolari bo'lsa, "Yoshlik" jismoniy tarbiya va sport jamiyatida 3 milliondan ziyod, O'zbekiston agrosanoat majmui xodimlari kasaba uyushmasining qariyb 2 millionga yaqin a'zosi bor. Bularning asosiy qismini ayniqsa, yoshlar tashkil etishi quvonarli holat.

Yuqorida nomi sanab o'tilgan tashkilotlar jamiyatda do'stlik va ahillik, tinchlik va barqarorlik muhitini mustahkamlash ijtimoiy, siyosiy, huquqiy, iqtisodiy, gumanitar va ma'naviy sohalarda islohotlarni izchil amalga oshirish, xalqaro maydonda mamlakatimiz nufuzini yanada oshirishning muhim omili va zarur sharti hisoblanadi. Garchi nodavlat tashkilotlar davlat aralashuvidan holi bo'lsalarda, davlat tashkilotlari singari qonun oldida tengdirlar.

Respublikamizda qabul qilanayotgan qonunlar, qarorlar va prezident farmonlari bu sohada islohatlarni amalga oshirishda turtki bo'lmoqda. O'zbekiston Respublikasining "Nodavlat notijorat tashkilotlari to'g'risida"gi qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni, O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasida Jamoat birlashmalari to'g'risida"gi Qonuni, siyoyiy partiyalar va mehr-muruvvat markazlari

to'g'risidagi qator qaror va qonunlar mazkur tashkilotlar faoliyatini nazoratga solib turadi. Respublikamizda faol "xalq diplomatiyasi" asosida xorijiy mamlakatlar bilan do'stona munosabatlarni va madaniy-ma'rifiy aloqalarni mustahkamlash maqsadida chet eldagi vatandoshlarimiz bilan muntazam va o'zaro foydali munosabatlarni ham yo'lga qo'yilgan.

O'zbek xalqi azaldan mehmondo'st, san'atsevar, ijodkor xalqdir. Qadim-qadimdan shakllanib kelgan milliy urf-odatlarimiz, qadriyatlarimiz, madaniy-ma'rifiy sohadagi ijod namunalari o'zining ko'p yillik tarixiga ega. Yillar davomida shakllanib, davrlar sinovidan o'tib kelayotgan an'ana va tajribalar asosida vujudga kelgan o'zbek xalqining san'ati va madaniyatini bugun dunyo tan olgani sir emas. Shu bilan bir qatorda yurtimiz hududida istiqomat qilib kelayotgan turli millat va elatlarga mansub aholining ham o'z milliy an'analari, urf-odat va qadriyatlarining hurmat qilishi, ularga munosib sharoitlar mavjudligi erksevar xalqimizga xos chin insoniy fazilatlardan sanaladi. O'zbekistonda yashab kelayotgan barcha millat va elatlarning tarixi, madaniyati, ma'naviy qadriyatlari, milliy an'analari va urf-odatlarini saqlash hamda har tomonlama rivojlantirish uchun tashkil etilgan Baynanminal madaniyat markazi buning yaqqol ifodasidir.

Baynanminal madaniyat markazi va uning faoliyatining bosh mezoni millatlararo munosabatlarni mustahkamlashga qaratilgan. Hozirgi kunda respublikamizda 138 ta milliy madaniy markazlar, O'zbekiston xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik va madaniy-ma'rifiy aloqalar jamiyatlari kengashi, shuningdek, 34 ta do'stlik jamiyati samarali faoliyat yuritib kelmoqda.(3) Madaniyat va san'at sohasi bu markaz faoliyatining asosini tashkil etsa, millatlararo munosabatlarni yo'lga qo'yish va mustahkamlash mazkur markazning ustuvor yo'nalishi hisoblanadi.

Respublika baynalmilal madaniyat markazi O'zbekistondagi barcha millatlar va elatlarning tarixi, madaniyati, ma'naviy qadriyatlari, an'ana hamda urf-odatlarini asrash va har tomonlama rivojlantirish, millatlararo munosabatlarni uyg'unlashtirish, jamiyat va davlatni barqaror rivojlantirishda muhim o'rin tutadi. Bugungi kunda O'zbekistonda 130 dan ortiq millat va elat vakillari bir oila bo'lib yashamoqda. (4) Ular barcha soha va tarmoqlarda fidokorona mehnat qilib, rivojlangan bozor iqtisodiyotiga asoslangan demokratik huquqiy davlat qurishga va kuchli fuqarolik jamiyatini shakllantirishga katta hissa qo'shmoqdalar. Mustaqillik yillarida milliy madaniy markazlarning 120 dan ortiq faoli davlat mukofotlariga sazovor bo'ldi, orden va medallar bilan taqdirlandi, jumladan, 14 nafariga "O'zbekiston Qahramoni" yuksak unvoni berildi va bu yuksak e'tibor natijasida madaniy markazlar faoliyatida tubdan yangilanish, yangi natijalar, yangi o'zgarishlar va millatlararo munosabatlarda ijobiy ko'rsatgichlar yaqqol ko'zga tashlana boshladi. Bu ham, albatta, yutrimiz tinchligi, turli xalq va millatlar o'rtasidagi munosabatlarni yaxshiladi. Mazkur mukofot egalari "xalq diplomatiyasi" mexanizmidan faol foydalangan holda tinch va farovon hayotni asrash, millatlararo munosabatlar va madaniy-ma'rifiy aloqalarni rivojlantirish, chet eldagi hamyurtlar bilan yaqin va o'zaro manfaatli munosabatlarni yo'lga qo'yishga salmoqli hissa qo'shmoqda. Shu ma'noda ular bu yuksak e'tirofga chin ma'noda haqlidirlar.

Mamlakatimizda millarlararo munosabatlarni mustahkamlash, davlat va nodavlat tashkilotlar faoliyati samaradorligini oshirish maqsadida Oliy ta'lim muassasalarida va ular negizida tashkil etilgan filiallarda ta'lim olishda qulayliklar ham yaratilgan. Buni mamlakatimiz ta'lim muassasalarida o'qish 7 tilda olib borilayotgani misolida ko'rishimiz mumkin. Bundan tashqari, ommaviy axborot vositalarida ham har qanday axborotlarni turli tillarda taqdim etmoqda. Xususan, gazeta va jurnallar 10 dan ortiq tilda chop etilib, teleradio ko'rsatuv va eshittirishlar 12 tilda efirga uzatilmoqda.(5) Bu ham, avvalo, millarlararo munosabatlarda hamjihatlikni, do'stlik rishtalarini mustahkamlashga, hamda yurtimizdagi shart-sharoitlarni, imkoniyatlarni keng targ'ib etishda muhim ahamiyatga ega. Xulosa qilib aytganda, mamlakatimizda millatlararo munosabatlarni mustahkamlash, totuvlik, tinchlik va barqarorlikni ta'minlashda davlat va nodavlat tashkilotlarning xissani va o'rni beqiyos.

Millarlararo munosabatlar bo'yicha yaxlit tizimni rivojlantirish, milliy madaniy markazlar uchun yanada qulay va keng imkoniyatlar yaratish, ularning bunyodkorlik tashabbuslari va intilishlarini qo'llab-quvvatlash, faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik va madaniy-ma'rifiy aloqalarini yanada rivojlantirish, chet eldagi vatandoshlar bilan munosabatlarni kengaytirishda davlat va nodavlat tashkilotlar faoliyatiga e'tiborni yanada kuchaytirish maqsadga muvofiq ish bo'lardi. Shuningdek, davlat va nodavlat tashkilotlar va ularning faoliyati bilan mamlakat aholisini yaqindan tanishtirib borish, ayniqsa, kelajagimiz egalari, bugunimiz ertasi bo'lgan yosh avlodga to'laqonli tanishtirib borishimiz zarur.

Endilikda bu boradagi ishlar xalqaro hamjamiyatda respublikaning nufuzi va maqomini yanada yuksaltirish, O'zbekistonda huquqiy demokratik davlat va kuchli fuqarolik jamiyatini qurish borasida erishilgan yutuqlarni keng jamoatchilikka yetkazish bosh maqsadlarimizdan biriga aylanmog'i joiz. O'zbek xalqining boy tarixi, madaniyati, ma'naviy qadriyatlari va an'analari, shu zaminda tug'ilib o'sgan buyuk olim va mutafakkirlar merosi, ularning jahon sivilizatsiyasiga qo'shgan hissasini keng targ'ib etish, ularga munosib izdosh bo'lish va vatanimiz nomini yanada baralla e'tirof etish shu zaminda yashoyotgan har bir fuqaroda faxr va iftixor tuyg'usini uyg'otadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. <https://www.minjust.uz/uz/press-center/news/89960/>
2. <http://uza.uz/posts/110825>
3. <http://uza.uz/posts/110825>
4. <https://uza.uz/oz/posts/millatlararo-munosabatlar-va-xorijiy-mamlakatlar-bilan-do-st-22-05-2017>

ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ДИНИЙ ЭЪТИҚОДИ ВА ТАСАВВУФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Акратова Ш.А.

*Ўзбекистон Республикаси МГ Ҳарбий-техник институти кафедра бошлиғи,
педагогика фанлари доктори, профессор*

Гаипов Р.А.

Ўзбекистон Республикаси МГ Ҳарбий-техник институти докторанти, майор

Ўзбек давлатчилиқ тарихи ва маданияти шаклланишида ўзининг мохирона сиёсати ва бой шеърый мероси билан ўчмас из қолдирган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг фақат юртимиз тарихида эмас, Ҳиндистон халқлари тарихида ҳам юксак ўринда туради. Улуғ аждодимизнинг тарихи ва маънавий мероси бир қанча ҳамюрт олимларимиз ва чет эллик тарихчилар томонидан турли жиҳатлардан ўрганилган.

Ушбу мақолада ана шу машҳур тарихнинг кам эътибор қаратилган жиҳатларидан бири, Мирзо Бобурнинг эътиқодий, тасаввуфий қарашлари ҳақида сўз юритамиз.

Тарихга назар солсак, XIII ва XV асрларда, хусусан, Бобур яшаган даврда Мовароуннаҳр ҳудудида тасаввуф таълимотлари кенг тарқалган ва ривожланган эди. Бунинг натижасида мазкур ҳудудда истикомат қилган халқлар турмуш тарзида сўфийларнинг ўрни аҳамиятли бўлиб, ўша давр ижтимоий ва сиёсий жараёнларида фаол иштирок этишган ва оддий халқ орасида ўзига хос ҳурмат ва мартабага эга бўлишган.

Тасаввуф, тахминан барча динларда мавжуд бўлган бир йўналишдир. Инсоннинг рухий томонига чуқурроқ киришга ва унга кўпроқ эҳтимом қаратишга бўлган йўналишдир. Бу нарса айрим динларда бошқа динлардагидан кўра кўпроқ учрайди. Ҳиндистонда, хинд

фақирлари бор бўлиб руҳий тарафга қаттиқ эътибор берадилар. Улар ўзларича руҳни юксалтириш ва поклаш мақсадида жасадларига азоб берадилар.

Ислом дини келар экан ўзи билан руҳий, жисмоний ва ақлий ҳаётнинг ўртасига тенгликни олиб келди. Демак, инсон Ислом динининг тасавурида жисм, ақл ва руҳдан иборатдир. Мусулмон одам ана шу томонларнинг ҳар бирига ўз ҳаққини адо этиши лозимдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айрим саҳобаларнинг ана шу томонлардан бирортасида ғулувга кетганини кўрсалар қаттиқ қайтарар эдилар. Чунончи, Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос узлуксиз рўза тутиб, ухلامасдан ибодат қилиб чиққан ва аҳли оиласини, оилавий вазифаларини ташлаб қўйган эди. Бас, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: “Эй, Абдуллоҳ, албатта, кўзингнинг сенда ҳақи бордир. Ва албатта, аҳлингни сенда ҳақлари бордир. Албатта, хотинингнинг сенда ҳақи бордир. Албатта, жисмингнинг сенда ҳақи бордир. Бас, сен уларнинг ҳар бирига ўз ҳақларини ато этгин,” дедилар.

Бас, мана шу орқали ҳар бир томонга ўзининг ҳаққини берганича Ислом ҳаётга мувозанатни олиб келди. Аммо, сўфийлар мусулмонларнинг орасида моддий ва ақлий томонлар устун қўйилган бир пайтда пайдо бўлдилар.

Моддий тараф мусулмонлар фатҳ қилган шаҳарлар кенгайган, молу давлат кўпайиб иқтисодий ҳаёт гуллаб яшнаганидан сўнг бу нарса моддий тарафга, ғулувга кетишга сабаб бўлгани учун баъзи табақа вакиллари ғарқ бўлган тўқчилик ва фаровонликдан келиб чиққандир. Бу нарса ақлий томонга бўлган яна бир ғулувга кетиш билан ҳамнафас бўлди. Иймон “фалсафа” ва “илми калом” ҳамда “жадалдан” иборат бўлиб қолиб инсоннинг руҳий очлигини тўйдирмади. Ҳатто, фикҳ диннинг ботини эмас фақатгина зоҳирига ва қалбнинг амаллари эмас, аъзолар билан бажариладиган амалларга, ибодатнинг руҳига эмас унинг моддасига эътибор қиладиган бўлиб қолди.

Мутакаллимлар эгаллай олмаган ва фақиҳлар тўлдира олмаган ана шу бўшлиқни тўлдириш учун ана шу вақтда сўфийлар пайдо бўлдилар. Кўпгина одамлар маънан оч эдилар. Ана шу очликни зоҳирдан аввал ботинни поклашлик билан, нафс ҳасталиklarини даволаш, қалб амалларига биринчи даражаликни беришлик билан фақатгина сўфийлар тўйдира олдилар ва улар ўзларини руҳий ва ахлоқий тарбия билан машғул қилиб қўйдилар. Ҳамма фикрларини, эътибор ва фаолиятларини ана шунга қаратдилар. Ҳатто айримлари “Тасаввуф - бу ахлоқдир. Бас, ким сенинг ахлоқингга қўшимча қилса демак, тасаввуфинга қўшимча қилган бўлибди,” дедилар.

Мирзо Бобур тасаввуф, ундаги тариқатлар ва вакиллари хурмат қилган. Буни биз ўша даврдан қолган ёзма манбалар ҳамда яқин ўтмишда қилинган тадқиқотларда ҳам кўришимиз мумкин. Туркиялик етук олим Маҳмуд Аъсад Жўшон ўзининг “Ислом, тасаввуф ва ахлоқ” асарида: “Темурийлардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур улуғ шайх Саид Амир ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний Махдуми Аъзам ҳазратларини ўзига маънавий пир деб билганлар, у кишига қўл бериб, насихатларига амал қилганлар” – деб ёзади[1].

Яна бир олим Б.Тўраев Махдуми Аъзамни нафақат Мовароуннаҳр ёки Хуросон, балки Ҳиндистонда ҳам ўзига пир деб билувчилар кўплаб топилиши, темурий шоҳлар ичида Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу улуғ зотга мурид бўлганлигини алоҳида таъкидлаб, юқорида келтирилган маълумотни қувватлайди[2].

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Хожа Аҳрор Валий ва у кишининг авлодларига ҳам катта хурматда бўлган. Мирзо Бобурнинг исмини ҳам Хожа Аҳрор айтгани ҳақида тарихий маълумотлар ҳам мавжуд. Хожа Аҳрор ҳазратлари ва Бобур ўртасидаги муносабатлар унинг шоҳ асари бўлмиш “Бобурнома”нинг ҳам бир қанча жойларида ўз аксини топган. У ҳаёти давомида Нақшбандия тариқати пир ва муршидларининг ўғитларига амал қилган.

Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш дунёдаги энг муҳим ишлардан саналади. Бу муҳим ишга динимизда алоҳида эътибор берилган. Мусулмон умматининг аввалги авлодлари бу вазифани шараф билан адо этиб келганлари барчага маълум.

Шунингдек, бу муҳим иш турли сабабларга кўра гоҳида таназзулга юз тутиши ҳам мумкин. Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсинки, мусулмонлар ичида мазкур ишдаги таназзулга қарши курашга бел боғлаганлар топилиб турган. Асрлар оша руҳий тарбия устозлари ва уламоларимиз нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашга алоҳида эътибор билан ёндошиб келмоқдалар[3].

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг сиёсат юритишида диний эътиқодлар ва тасаввуф таълимотларига амал қилган. Бу орқали давлатдаги турли миллат вакиллари ўзаро тинч-тотув яшаши, ижтимоий ҳамкорлик, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик таъминланган. Албатта, давлат бошқарувида ҳукмдорнинг диний эътиқоди виждонан ҳам, раийият назарида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бобурий подшоҳларнинг барчаси ҳам имон-эътиқоди бутун, инсоф тавфиқ ҳамда адолатли бўлганликлари билан мамлакат аҳолиси назарида юксак эътибор қозонганлар ва хозиргача шундай қиёфада тан олинадилар. Ушбу салтанатнинг асосчиси бўлмиш мохир саркарда ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур Подшоҳи Ғозий ҳам диний эътиқоди мустаҳкам ва имони бутун ҳукмдор эди. Умрининг каттагина қисми жангу жадалларга тўла ҳолда ўтган бўлса ҳам, у хамиша пок ва ҳалол юришга интилар, беш вақт намозини қанда қилмас, заковатининг беқиёслиги ва диний-илоҳий билимларнинг теранлиги билан олиму уламолар ҳамда дин пешволари ўртасида катта обрў қозонган эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маҳмуд Асъад Жўшон. Ислом, тасаввуф ва ахлоқ. -Т.: 1999. - Б. 236.
2. Тўраев Б. Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожагий Косоний рисолати. -Т.: 1995. - Б. 20
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Руҳий тарбия (1-жилд, покланиш). <https://islom.uz/maqola/1985>.

БОБУР ИЖОДИНИНГ ЯНГИЧА ТАҲЛИЛЛАРИ ХУСУСИДА

(И.Ҳаққул тадқиқотлари мисолида)

Қодирова Насима Саидбурхоновна

Бухоро давлат университети таянч – докторанти

Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулов ижодида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди тадқиқига бағишланган бир нечта мақолалар бўлиб, уларда асосан, қиёсий-типологик методдан фойдаланган ҳолда шоир ижодининг турли қирралари кенг ёритиб берилган.

Бугунги кунда адабиётшунослар томонидан кенг қўлланиладиган ва таҳлилда кенг имкониятлар яратадиган таҳлил методларидан бири қиёсий методдир. Жаҳон адабиётшунослигида бу тушунча “компаративистика” атамаси билан юритилади [1,76]. Қиёсий методнинг бир нечта ички кўринишлари бўлиб, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик методлар шулар жумласидандир. Қиёсий-тарихий методнинг шаклланиши германиялик ака-ука Гримларнинг “Немис мифологияси ” китоби билан боғлиқ. Германияда шакллана бошлаган қиёсий-тарихий метод тез орада Европага, кейин Россияга ёйилган. Ўзбек

адабиётшунослигида эса қиёсий таҳлил методи хусусида Э.Рустамов, А.Эшонбоев, С.Комилова, Г.Халлиевалар бир қатор тадқиқотлар олиб борганлар.

Қиёсий-типологик метод матнлар орасидаги умумий белгиларни аниқлаб тадқиқ этишни назарда тутди. Замон ва макон жиҳатдан яқин бўлган адабиёт вакиллари ижодини қиёсий-типологик ўрганиш анча самарали бўлиб, адабиётшуносликнинг матни янада кенгрок таҳлил этишида, ижодкорлар ижоди борасида тўғри ва ишончли хулосалар чиқаришига кенг йўл очди.

И.Ҳаққулнинг “Лутфий ва Бобур” мақоласида ўзбек мумтоз адабиётининг икки етук вакили лирик мероси қиёсий таҳлил этилган. Мунаққид дастлаб Лутфийнинг ўзбек шеърлятида тутган ўрнини эътироф этиб, Навоий ва Бобурнинг унга берган таърифларини ўқувчига ҳавола этади. Сўнг Лутфий шеърлятига хос етакчи фазилатлар: ғоявий ва тасвирий соддаликка эътиборини қаратиб, унинг икки рубойси таҳлили билан фикрини аниқлаштиради. Шундан сўнг Лутфий ижодига Бобурнинг муносабати таҳлил этилади. Бобур ижодидаги самимият ва соддалик Лутфий ижодидан ўрнак олиш самараси эканлигини олим изоҳлаб берган. Шунингдек, Лутфийнинг реал ҳаётга, инсоннинг мавжуд турмушига алоқадор сўз ва иборалар қўллашдаги маҳоратидан ҳам Бобур таъсирланганлиги, бунинг натижасида Бобур шеърлятида ҳам реалистик йўналишнинг кучайиши унинг ижодини халққа янада яқинлаштирганини асослаб, икки шоир ижодидан байтларни таҳлил этади. Байтлар қиёсида уларнинг моҳияти, сўз ва иборалардаги ўхшашлик ёрқин кўрсатиб берилган.

Бобурнинг Лутфийдан ўзлаштирганлари фақат соддалик ва самимийлик эмас, Лутфий ижодига хос маъно ва оҳанг жонлилиги, шоир қўллаган вазнларнинг енгил ва ўйноқчилиги, бадий воситадардан фойдаланиш кабиларда ҳам Бобур қалбини илҳомлантирганини олим теран англаган ва далиллаб берган. Лутфийнинг

Мени оғзинг учун шайдо қилибсан,

Манга йўқ қайғуни пайдо қилибсан байти билан бошланган ғазалига жавоб тарзида ёзилган Бобурнинг

Яна кўз уйида маъво қилибсен,

Кўнгул қошонасида жо қилибсен матлаъли ғазалини таҳлил этиб, улардаги умумий жиҳатларни очиб берган. Ушбу ғазал бевосита Лутфий ғазали таъсирида ёзилган эса-да, ундаги Бобурнинг ўзигагина хос бадий кашфиёт мунаққид диққатини тортади. Бу кашфиёт “шоир яратган кўркам ва дилбар сатрлар: “Ғамим йўқ жон агар берсам ғамингда”, “Соғинмас жаннатул –маъвони Бобур, Анинг кўнглида то маъво қилибсен” [2,198]. Олим матнлар маъно ва мазмунини синчиклаб кузатиб, ушбу мисралар Лутфий ғазалига нисбатан олинганда Бобурнинг поэтик кашфиёти эканлигини таъкидлайди.

И.Ҳаққулов Бобурнинг, асосан, дастлабки ижод намуналарида Лутфий лирикасининг таъсири кучли эканини айтиб, таҳлиллар натижасида у тил ва образ яратишда Лутфий ижодига таянган дея хулосага келади.

Икки ижодкор лирикасини қиёсий-типологик тадқиқ этган олим Лутфий ва Бобур ижодидаги яна бир умумий жиҳат бу – оҳанг яратиш санъати эканлигини синчковлик билан топа олган. Икки ғазални келтириш орқали мунаққид ўқувчига ғазаллар орасидаги оҳанг, қофия, радиф яқинлигидан ташқари, айрим сатрлар ўхшашлигини асослаб беради. Бу ўринда ҳам Бобурнинг ўзигагина хос сўз қўллаш билан боғлиқ ютуқлари, у фақат Лутфийга эргашибгина қолмасдан унинг фикрларини янада ривожлантиргани, ҳар бир шеър мундарижасини ҳаёт, инсон, муҳит ҳақидаги мустақил қарашлари билан бойитганлиги аниқ таҳлилларда акс этган.

Мунаққид шоирлар ижодини қиёсий-типологик таҳлил этиш жараёнида улар ижодидаги яна бир умумий жиҳатни – васф санъатининг ҳар иккала ижодкор томонидан яхши эгалланганлигида кўради. Байтлар таҳлили орқали Бобурнинг бу йўлдаги изланишларини Лутфий тажрибасидан ажратиб талқин этиб бўлмаслигини таъкидлайди. Бундан ташқари Бобур ғазаллари шаклининг ихчам ва пухталиги ҳам Лутфий ижодига эргашиш маҳсули эканлиги таъкидланади. Олим Лутфий, Навоий ва Бобур ғазалларининг асосан неча байтли эканлигини назардан ўтказди ва Бобур ғазалларининг кўпчилиги, аниқроғи 73 тасининг беш байтли эканлиги Лутфий ғазалиёти билан боғлиқлигини айтади.

Мунаққиднинг ушбу мақоласи шакл жиҳатдан ихчам ва ўзига хос. Жумлалар содда ва раван, ўқувчига тезда етиб боради. Шунингдек, мунаққид ўқувчи диққатини бирор масалага қаратар экан, ихчамгина кириш жумла тақдим этади. Масалан: “Шеърда оҳанг яратиш – санъат” [2, 199]. Ушбу гапдан сўнг икки шоирнинг оҳанг яратиш маҳоратига баҳо берилади. Таҳлиллар, хулосалар баён қилинади. Навбатдаги масалага ўтилганда ҳам яна шу усулдан фойдаланилади: “Лутфий ижобий маънода восиф шоир”[2,20]. Кўришиб турибдики, олим шоирларнинг васф санъати борасидаги маҳоратини таҳлил этади. Мақолада бу усулдан фойдаланиш унинг изчиллигини таъминлаган. Қўйилган ҳар бир масала ўзининг асосли ечимини топган ва адабиётшунос томонидан хулосаланган.

Мақоланинг умумий хулосаси ҳам олим мушоҳадаларининг чуқур билимга таянганлигидан далолат. “...ўзбек дунёвий адабиётининг улкан вакили Мавлоно Лутфий лирикаси Бобур шеърятини ва поэтик маҳоратининг шаклланиш босқичларида таянч омиллардан бўлганилиги айтиш асосли бўлади”[2,202] дея хулоса қилади олим. Зеро, бу асос қиёсий-типологик таҳлиллар воситасида аёнлашганки, буни инкор этиб бўлмайди.

Булар натижасида Бобур лирикаси Лутфий ижодидаги кўплаб ижобий жиҳатларни ўзлаштирган ва ривожлантиргани очиқ берилган, шу жиҳатдан қараганда олимнинг Бобурга бағишланган кўпчилик мақолалари илмий методлар синтези асосида юзага келган тадқиқотлар ҳисобланади ва бобуршуносликда алоҳида саҳифани ташкил этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. O‘rayeva D., Quvvatova D. Jahon adabiyoti atamalarining izohli lug‘ati. – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2015. – 164 b.
2. Ҳаққулов И. Шеърят. Руҳий муносабат. – Тошкент:Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 224 б.

БОБУР МИРЗО ИЖОДИДА ТУРКИЙ ТИЛНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ

Носиров Ф.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ўқитувчиси

Маълумки, бирон-бир халқ маънавиятига хос қадриятларнинг бошқа халқлар томонидан тан олинishi, табиийки, ана шу халқ тарихига нисбатан чуқур ҳурмат ифодасидир. Бундай эътироф халқнинг миллий ғурурни ва ифтихорини, миллий ўзлигини янада юксалтиришга хизмат қилади. Шу маънода, кейинги пайтда буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқиш хорижий элларда ҳам ортиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Бунинг тасдиғини дунёнинг турли мамлакатларида ва юртимиз вилоятларида уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида эълон қилинаётган илмий ва бадиий асарлар, улуғ аждодларимиз хотирасига барпо

этилаётган ёдгорликлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Шулар қаторида Ҳиндистон, Тошкент, Андижон, Самарқанд шаҳарларида Бобур бобомизнинг хотирасига мухташам ҳайкаллар ўрнатилган. Дарҳақиқат, халқимиздан етишиб чиққан буюк алломалар олам узра ном қозонган, уларнинг меҳру муҳаббатига сазовор бўлган. Таассуф шундаки, айримлар ана шундай етук бобокалонларимиз меросига қайта – қайта мурожаат қилинаётган кунларда енгил – елпи ҳою ҳавасга кўр – кўрона эргашмоқда. Кейинги пайтларда «Оммавий маданият» ниқоби остида халқимиз табиатига зид, бўлмағур ғояларни ўзига сингдирган айрим «тантана»ларни тикиштиришга уринишарди. Бу эса айрим ёшларимизни чалғитиб қўйиши мумкин. Аслида, шарқона тарбияда меҳр – муҳаббатни улуғлаш, ака – укага, оилага вафо ва Ватанга садоқат ила муносабатда бўлишга юксак урғу берилади. Бобур асарларида ҳам ана шу хислатлар беқиёс тарзда ифодаланган. Ватанпарвар, халқпарвар, тенгсиз шоир, оламшумул файласуф бобкалонимиз келажакка-авлодларига улкан умид боғлаган зот эди. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг доврўғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади».

Албатта, буюк ватандошимиз Бобурнинг ҳаёти ва ибратли ишлари ўз даврида ва кейинчалик шогирдлари, издошлари томонидан атрофлича ўрганилди ва бугунги кунда ҳам унинг маънавий меросига бўлган қизиқиш, изланишлар давом этмоқда. Буюк алломанинг ёрқин ҳаёти ва кўп қиррали фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш мустақил Ўзбекистонимиз келажакга бўлган маънавий баркамол, ватанпарвар инсонларни тарбиялашдек муҳим ва олийжаноб вазифаларга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бугунги кунда бобуршунослик шарқшуносликнинг жадал суръатлар билан ривожланаётган соҳасига айланган, “Бобурнома” ҳозиргача йигирмага яқин тилга таржима қилинган, уни яна бошқа тилларга ўгириш давом этмоқда, деярли ҳар йили бобур асарлари нашр этилмоқда, янги манбалар излаб топилмоқда ва илмий истифодага киритилмоқда, ўнлаб рисола, сон-саноксиз илмий, илмий-оммабоп ва публицистик мақолалар чоп этилмоқда. Бобурнинг тарихий меросини ўргашиш ва тарғиб қилишда Бобур халқаро жамоат фонди ва Халқаро Бобур илмий экспедицияси фаоллик кўрсатиб келатганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўтмишдан маълумки, Амир Темурнинг тарих саҳнасида чикқан кезларидан то Бобур Мирзонинг боқий дунёга кетганига қадар ўтган бир ярим асрдан ортиқ давр туркий тилнинг тўлиқ шаклланган ва юксак тараққиёт босқичига кўтарилган давр бўлган. Бу даврда туркий тил тараққиёти Ренессанс деб аталадиган улкан маданий юқслиш жараёнларига қўшилиб борган. Алишер Навоий ва Бобур Мирзо каби сўз санъаткорлари Ғарбдаги Уйғониш даврининг етакчи вакиллари бўлган А. Данте, Ф. Рабле, В. Шекспирлар даражасидаги улуғ асарлари билан ўзбек халқининг ягона миллат бўлиб шаклланишга маънавий асос бўладиган туркий тил яратилганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, салкам минг йил муқаддам яратилган “Девону луғотит турк” ва “Қутадғу билиг”лар тарих билан қуроллантиришга қаратилган нодир асарлар туркий тилли халқлар минг йил бурун ҳам тарихни ҳаққоний кўрсатиб берадиган, билим ва тафаккурнинг барча нозик қирраларини ифодалашга қодир бўлган адабий тил яратганликларини юқоридаги асарлар ҳам кўрсатиб тўрибди.

Шунингдек, мумтоз адабий тил яратишда Бобур Мирзонинг 1504 йилда 22 ёшида кашф этган алифбосида – “Хатти Бобурий”, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарлари билан туркий тилнинг имконият ва афзалиятлари араб ва форс тиллариникидан кам

эмаслигини исбот қилган ва шунга биноан туркий тилнинг жаҳондаги мавқеини бошқа мумтоз адабий тиллар даражасига кўтарган²⁵.

Ушбу тилнинг ривожланишида Навоидан кейин дилига жо қилган Бобур Мирзо туркий тилнинг бой оҳанг ва товушларини тўлиқ ифода этишга имкон берадиган янги алифбо яратиш зарур деган фирга келган. Чунки туркий тилда араб тилига нисбатан унли товушлар кўпроқ. Биздаги “э” ва “ў” каби товушлар араб тилида йўқ. Шунинг учун “эт” билан “ит”нинг орасида ёки “қўш” билан “куш” сўзининг маънолари орасида ер билан осмонча фарқ борлигини кўришимиз мумкин. Араб алифбоси она тилимиздаги мана шунга ўхшаш нозик маъноларни фарқлашга имкон бермаслиги асрлар давомида тилимиз тараққиёти йўлидаги ғовлардан бири бўлиб келган.

Араб алифбосида Қуръони Карим ёзилганлиги учун бу алифбони биз ҳам Бобур Мирзо каби мукаддас деб эъзозлаймиз. Аммо ҳар бир алифбо қайси тилда яратилган бўлса ўша тилнинг хусусиятларидан ва имкониятларидан келиб чиқади. Араб алифбоси ҳам араб тили хусусиятларини ўзида акс эттирган. Бу алифбо форс тилининг хусусиятларини тўлиқ акс эттира олмаганлиги учун форсийзабон алломаларнинг саъй-ҳаракатлари билан араб алифбосига бундан минг йил олдин форс тили талабларига жавоб берадиган тўртта янги ҳарфлар киритилган.

Бобур давридаги мутассиб кучлар “Хатти Бобурий”ни Қуръони Карим алифбосига қарши қўйган бўлсалар, бу қаршиликни енгиб ўтиш учун Бобур Мирзо моҳир хаттотларга Қуръонни “Хатти Бобурий”да чиройли қлиб кўчиртириб, бир нусхасини Маккайи мукаррамага жўнатган. Аммо “Хатти Бобурий”ни давлат миқёсида жорий этишга Маккадан руҳсат келмаган. Фақат Бобурнинг ўзи, ўғиллари ва яқин одамлари “Хатти Бобурий”дан ўзаро ёзишмаларда фойдаланишган. Бу улкан муаммони тарихимизда биринчи бўлиб Бобур Мирзо беш аср мукаддам кўтариб чиққанлигини кўриш жоиз.

Бобур Мирзо янги алифбо яратишда мана шундай муаммоларни ҳам ҳисобга олган. У туркий халқлар яратган қадимий алифболарни ҳам ўрганиб, уларнинг маъкул жойларини ўз алифбосига киритган. Буни биз унинг машҳур ғазалларидан биридаги якуний байтда кўришимиз мумкин:

*Турклар хатти насибинг бўлмаса не тонг, Бобур,
Бобурий хатти эмасдур, хатти Сигноқийдурур*²⁶.

Сигноқ - Сирдарё бўйидан топилган қадимий туркий алифбо намуналари ва шу алифбода тошга ўйиб ёзилган битикларнинг бешта намунаси С.Е. Маловнинг “Қадимий туркий ёзувлар обидалари” китобида келтирилган^[27].

Мамлакатимизда, “Хатти Бобурий”ни ўрганиш борасида тилшунос олимларимиз ҳам теран тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Жумладан, тарихчи олима Сабоҳат Азимжонованинг “Хатти Бобурий” хақида Дехлида бўлган халқаро конференцияда қилган маърузасида “Бобурнинг ҳинд девони”га ёзган кириш сўзида шундай баён қилган: “Хатти Бобурий” 28 та араб алифбосига асосланган янги алифбодир. Бобур ўз алифбосини араб алифбосидаги зеру забарлардан холи қилган, айна вақтда, араб алифбосига кейинчалик киритилган тўртта форсча ҳарфларни ундан чиқариб ташлади”^[28] деб таъкидлайди.

²⁵ Алишер Навоий. Асарлар. XVII жилд. Пиримқул Қодиров. Тил ва эл. 2010 й., 217-б.

²⁶ Бобир. Танланган асарлар. 1958 й., 112-б., Пиримқул Қодиров. Тил ва эл. 2010 й., 218-б.

*Сигноқ-Сирдарё бўйидаги қадимий туркий шахар.

²⁷ С.Е. Малов. Қадимий туркий ёзувлар обидалари. М., 1959 й. 58-62- бетлар.

²⁸ С. Азимжонова. Бобурнинг ҳинд девони. 1966 й., 31-б.

Ундан ташқари, тилшунос олима И. В. Стеблева бу фикрни давом эттириб: “Бобурнома”да “Хатти Бобурий” қаламга олинган жойда унинг қайси мақсадда кашф этилгани ёзилмаган бўлса ҳам, тахмин қилиш мумкинки, Бобур араб алифбосининг туркий тил талабларига жавоб бермайдиган ўринлари борлигини англаган. Бобурнинг араб алифбоси ўрнига ўз халқининг маданий тараққиётига мос келадиган янги алифбо яратишга интилиши унинг юксак филология маърифатидан ва илм соҳасидаги жасоратидан далолат беради²⁹” деган фикрларни билдирган.

Бир сўз билан билан айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур яратиб кетган маънавий бойликлар ва эришилган ютуқлари кейинги авлодларга тўлиқ етиб бориши учун ва улар ўзларидан олдин эгаллаган марраларни қўлдан бермай, тараққиётни тадрижий равишда давом эттиришлари учун тарих, тил ва адабиёт биргаликда олдинга даврлар тажрибасини кейинги давр кишиларига тўлиқ етказиб бериши керак. Фақат мана шундай бўлгандагина тарихий хотира келажакка самарали хизмат қилади. Аждодларнинг барча яхши тажрибасини чуқур билган, қалбига жойлаган ва онгига сингдирган янги авлодлар ўз йўлларида учраган хар хил тўсиқларни енгиб ўта оладилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

Шавкат Мирзиёев. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари.Т.: - “Ўзбекистон”- 2020 й., 163-б.

Алишер Навоий. Асарлар. XVII жилд. Пиримқул Қодиров. Тил ва эл. 2010 й., 217-б.

Бобир. Танланган асарлар. 1958 й., 112-б., Пиримқул Қодиров. Тил ва эл. 2010 й., 218-б.

С.Е. Малов. Қадимий туркий ёзувлар обидалари. М., 1959 й. 58-62- бетлар.

С. Азимжонов. Бобурнинг ҳинд девони. 1966 й., 31-б.

И.В. Стеблева. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Шоир, адиб, олим.Т., 1983 й., 26-б.

.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. 2002 й. 7-б.

Жавоҳарлаъл Неру. “Жаҳон тарихига бир назар”. II-жилд. 115 б. 1975.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Энциклопедияси. 2014й. 734-735 б.

Хайриддин Султон. “Бобурийнома”, 2002. 386-387 б.

“Бобур асарларида Ватан туйғуси” тўпловчи. О. Бахронова. 2016 й

Интернет ресурслари: www.ziyounet.uz; www.pedagog.uz; www.psychology.uz; www.MVD.uz; www.lex.uz

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТУРКИЙ АДАБИЁТНИНГ ЗАБАРДАСТ ВАКИЛИ

Исаева М.Р.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси, Гуманитар фанлар кафедраси доценти, Турон фанлар Академиясининг Академиги

Жаҳон маданияти ҳазинасига бетакрор ҳисса қўшган буюк инсон, бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг серқирра ижоди мана неча асрдирки Марказий Осиё халқларининг тарихида, жаҳон адабиётида муносиб ўринни эгаллаб келмоқда. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг серташвиш ҳаёти Темурийлар салтанатининг сўнгги даврига тўғри келган эди. Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо Темурнинг набираси Абусаид мирзонинг катта ўғли бўлиб, Фарғона вилоятининг ҳокими бўлган. «Бобурнома»да ёзилишича, у жуда саводли бўлиб «Хамса», «Маснавий» ва бошқа китобларни севиб ўқир эди. Айниқса «Шохнома»

²⁹ И.В. Стеблева. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Шоир, адиб, олим.Т., 1983 й., 26-б.

китобини жуда севиб мутолаа қилар ва кўп вақтини сарф қилар эди. Бобур ёшлик чоғларида устози Хожа Мавлоно Қози қўлида таълим олган. Тарих, адабиёт ва мусиқага кизиқиши катта бўлган. Бобур Мирзо болалик чоғидан отасидан қолган гўзал Фарғона вилоятини бошқаришни ўз зиммасига олади. Бобоси Амир Темурдан қолган Самарқанд тахтини эгаллашни мақсад қилган. Бобур Ўта шижоатли ва ғайратли сакарда бўлиб, умр бўйи улуғворликка интилиб яшади. У тахтга чиққан вақтдаги ўта маккор султон ва беклар бошқарувда эдилар, лекин уларнинг кўпчилиги ўша давр мухити, яъни ғийбат ва ифволар қурбони бўлдилар. Ўша даврга хос бўлган шафқатсиз тақдир бўронлари Мирзо Бобурни узоқларга элиб ташлади. Лекин кучли иродага эга бўлган, мард, ватанпарвар, халқпарвар у ҳаёт бўронларига бош эгмади, бардош берди. Ўз ватанидан қувилиб, яқин ҳамроҳлари билан мусофирликнинг энг оғир кунларини бошидан кечитаётганда ҳам унинг обрўси ошди ва кетидан жуда кўплаб кишиларни эргаштирди, уларни порлоқ келажакка иштонтирди. Шуниси эътиболики, Бобурнинг укалари ва ғаразғўй амалдорлар фитна уюштириб исён кўтарганларида ҳам, айбларини тан олиб авф сўрасалар уларни кечирар эди. Бобуршоҳ ўрта бўйли, жисмонан бақувват, моҳир мерган, кучли қиличбоз бўлган. Яккама-якка жангда ҳеч қачон мағлуб бўлмаган. У ҳамиша шукр келтирар голиб ва мағлублик Яратганнинг марҳамати деб билган. Гўзалликка интилар, меъморий обидалар ва боғ-роғлар яратиш унинг сеvimли машғулоти бўлган. Чет ўлкалардан турли ўсимликлар, жумладан, дарахтлар ва гуллар келтириб боғлар яратар эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек адабиётининг кўзга кўринган йирик вакили бўлиб, ўз ижоди даврида Низомий, Хусрав Дехлавий, Навоий анъаналарини давом эттирган. Бобур томонидан яратилган асарлар бадий юксак ғоявийлиги, тилининг раvonлиги билан ажралиб турган. Бобур ўзининг мураккаб ҳаёт йўлини ўз асарларида кенг ва атрофлича ёритган. Унинг бой адабий мероси Тарихда муносиб ўрин эгаллашди. Бобур бутун жаҳонга доврўғи кетган «Бобурнома» ни ёзди, «Хатти Бобурий» номли янги алифбо тузди. Бобур томонидан ўзбек ва форс-тожик тилларида ёзган шеърларидан таркиб топган бир қатор қўл ёзма девонларининг нусхалари Франция, Ҳиндистон ва Эрон кутубхоналарида сақланмоқда. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзбек адабиётида лирик жанр ривожига катта ҳисса қўшди. Лирик мероснинг мавзу доираси. Ғоявий моҳияти ва шаклий такомил юксак даражада бўлган. Бобур лирикаси шоирнинг автобиографиясидир. Таъсирчан, содда ва раvon тилда ёзилган шеърларда ҳаётий ходисалар, даврнинг чархнинг жабру жафолари, шоирнинг қалб туғёнлари ифодаланган. Бобурнинг бизгача етиб келган лирик мероси 4000 мисрага яқин бўлиб, ғазал, туюқ, фард ва маснавийлардан иборат бўлган. Ўз юртини ташлаб Ҳинд сари юзланган буюк бобокалонимиз баракали ижод қилиб, жуда катта илмий асарларни мерос қилиб қолдирди. Шоирнинг ижобий услубияти шундан иборат эдики, унинг шеърларида тарихийлик, ҳаётийлик, бадийлик, хиссий кайфият ўзаро уйғунлашиб борган. Шоир лирикасининг марказида муҳаббат мавзуси алоҳида ўрин эгаллаган бўлиб, инсоннинг пок севгисини улуғлаш, висолга етиш орзусида ҳар қандай кийинчиликларга бардош бериш кераклиги таъкидланади. Бобур севгисиз, ёрсиз ҳаётни тасаввур эта олмайди. Севги-муҳаббат йўлида инсон ўзини, борлигини қилишини самимият билан ифода этади. Бобур севгига – садоқатлилик, вафодорлик олийжаноблик эканлигини, ишқ-муҳаббат мансаб, молу дунёдаги барча ҳузур-ҳаловатдан юқори эканлигини тараннум этади. У ўзининг мазмунли ғазалларида бадий воситалар орқали маҳбуба қиёфасини зоҳиран мислсиз чиройини, қиёфасини жуда моҳирона тасвирлайди, жумладан:

Жонима ўт солди ул руҳсораи зебо яна,

Кўнглима ул зулф бўлди мойи савдо яна.
Кўрсатиб рухсору зулфин ул парий пайкал манга,
Жону кўнглумни қилибдур нолаю шайдо яна.

Бобур энг нозик ҳиссиётларни куйлаб, ўша даврдаги иллатларга қарши чиқади. Шоир ўз шеърларида ҳаётни тор маънода тушунувчиларни қаттиқ танқид остига олади.

Ҳиндистон тарихида Бобуршоҳ энг диққатга сазовор шахс бўлган.Осиё тарихида ўтган ҳукмдорлар орасида юкори мавкедаги ҳукмдор бўлган.

Бобур катта ҳаёт тажрибасига эга бўлиб, саҳоватли, оила аъзоларига меҳрибон , моҳир саркарда бўлган.Ҳиндистондаги парокандалик ва бошбошдоқликка барҳам бериб, ўзаро ғаним томонларни мурасага келтирган. Бобуршоҳ табиатан жанговар, мард, узоқни кўра биладиган, камтар, саҳоватпеша, зийрак, нозик дидли, тадбиркор, зийраклик каби ижобий фазилатларга эга бўлган. Бобуршоҳнинг тўртта ўғли бўлган. Муҳаммад Хумоюн, Комрон Мирзо, Хиндол Мирзо ва Аскарый Мирзо. Қизлари Маъсума Султон Бегим, Гулранг Бегим, Гулчейра Бегим,Гулъузор Бегим.

Улуғ шоир ва адиб, ўзбек адабиётига салмоқди ҳисса кўшган буюк сиймолардан бири бўлиб бўлиб, бизга бой қулёзма мерос қолдирган. Унинг шеърий девони, «Бобурнома», «Аруз рисоласи»,«Хатти Бобурий», «Мубаййин», «Рисолаи волидийа» (таржима), «Мусина илми» ва «Ҳарб иши» каби илмий ва бадий баркамол асарлари жаҳон адабиёти, маданияти ва санъати ҳазинасига бекиёс ҳисса бўлиб қўшилган. Бобурнинг авлодларга қолдирган бой ва бебаҳо илмий-адабий мероси ичида унга жаҳоний шуҳрат келтирган асари, шубҳосиз, «Бобурнома»дир. Бу асарнинг ўзбек тилидаги қўлёзма нусхалари жуда кўп. Форсий тилидагилари ундан ҳам купрок,. «Бобурнома»нинг илк нодир қўлёзмалари Хиндистондаги Саларжанг музейи, Шотландия миллий кутубхонаси, Британия музейи кутубхонасида сақланмоқда.Улар кўп маротаба ўрганилган бўлишига қ,арамасдан, «Бобурнома»нинг муаллиф қаламига мансуб энг ишончли матнини яратиш ишлари илгари ҳам олиб борилган, бундан кейин ҳам янги топилган нодир қўлёзмалар хисобига амалга оширилиб борилиши бобуршуносликда табиий бир ҳ,ол деб қаралмоқда. Чунки бу ноёб асар матни қ,айта-қайта чоп этилганига қарамай, жаҳон қўлёзма фондлари ва кутубхоналарида сақланаётган Бобур ҳ,аёти ва ижодига оид янги топилмалар уни янгидан нашр қ,илиш заруриятини туғдиради ва «Бобурнома»нинг янги ҳ,амда аслиятга янада яқ,инрок, бўлган матнини яратиш муаммолари кўндаланг бўлиб тураверади. Бобур Халқаро Жамғармаси экспедициялари натижасида топилаётган янги манбалар бунинг ёрқин мисоли бўла олади. Бу ҳол нафақ,ат «Бобурнома» асари матни, балки унинг бизга маълум бўлган девони, «Мубаййин», «Аруз рисоласи» ва «Рисолаи волидийа» асарларининг қўлёзма нусхаларига ҳам тааллуқли бўлиб, бу ишнинг амалга ошиши бобуршунос олимларнинг самарали изланишлари билан чамбарчас боғлиқ. Бобурнинг «Ҳарб иши» ва «Мусик,а рисоласи» асарларининг қўлёзмаларини топиб, уларни илмий муомалага киритиш эса, олимларнинг ҳозирги кундаги кечиктириб бўлмас вазифаларидан бири, десак, янглишмаган бўламыз. Бобур меросини ўрганиш узоқ тарихга эга. Айниқса, унинг қўлёзма меросини излаш борасида сунгги йилларда амалга оширилган ишлар алоҳида таҳсинга сазовор. Бобурнинг шу кунгача ўзбек ва форс-тожик тилларидаги шеърларидан таркиб топган Париж миллий кутубхонаси, Истанбул университети кутубхонаси, Хиндистондаги Рампур Навоби кутубхонасида сақланаётган девонларининг қўлёзма нусхалари асосида шоир шеърларининг мукамал матни яратилмоқда. Маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ, қилиш

борасидаги тинимсиз изланишлар натижасида Бобур девонининг янги қўлёзма нусхалари топилган. Хусусан, Хайдарободдаги Саларжанг музейи хазинасидан шу кунга қадар умуман бирорта каталогда қайд этилмаган Бобур қўлёзма девонининг XVII—XVIII асрларга мансуб янги иккита қўлёзма нусхаси бунга мисол була олади. Бу қўлёзма нусхалар, бир томондан, Бобур шеърӣй меросини бойитишга ёрдам берса, боиқа томондан маълум нусха ва нашрлардаги айрим текстологик фарқларга аниқлик киритишда қўл келади. Хайдаробод девони 1188 (мил. 1774—1775) йили Котибий томонидан кўчирилган. Мазкур нусхадан ҳажман кичикроқ бўлган иккинчи қўлёзманинг котиби ва кўчирилган йили қўлёзмада қайд этилмаган. Хиндистоннинг Дехли, Калькутта ва Мадрас шаҳридаги қўлёзма ҳазиналарида Бобур ижоди билан боғлиқ бўлган талайгина қўлёзма манбалар мавжудлиги аниқланди. Улар билан танишиш жараёнида Бобур аъналарини Хиндистонда давом эттирган, туркий халқлар адабиётига маълум ҳисса қўшган шоир, олим ва моҳир таржимонлар силсиласи юзага чиқа бошлади. Булар орасида Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо, Мирза Алибахт Азфарийларнинг бизгача етиб келган қўлёзмалари эътиборга молик. Хусусан, бобурийзода Мирза Алибахт Азфарий Курагоний турли соҳаларга оид асарлар яратиш билан бирга, Навоӣй ва Бобур асарларини таржима қилиб, ўзбек адабиётини Хиндистонда тарғиб қилишда алоҳида ўрнатқўрсатган.

Ўзбекистоннинг ўз истиклолига эга бўлиши халқаро алоқаларга кенг йул очди. Бобур Халқаро Жамғармаси Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш буйича қатор хорижий давлатларга муваффақиятли экспедициялар уюштирди. Бобурнинг Машҳад музейида сақланаётган ва Бобур ихтиро қилган хат билан ёзилган «Қуръони карим» қўлёзма нусхасининг ватанимизга келтирилиши маданий ҳаётимизда катга воқеа бўлди.

Техрон музейлари ва кутубхоналарида Бобур асарларининг қўлёзмаси. мавжуд. Бу қўлёзманинг нусхаси Техрон миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда нашр қилинган. Техрон миллий кутубхонасида 2249 инв. рақами остида сақланаётган қўлёзмани ўрганилганда мазкур нусха Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг тўпламидан иборат эканлиги маълум бўлди. Қўлёзма шу асар билан якун топган. Қўлёзма Бобурнинг «Мубаййин», «Аруз рисоласи», «Бобурнома» ва Хожа Ахрорнинг «Рисолаи волидийа» асари таржимасидан иборат булиб, жами 1036 саҳифани ташкил этган. Шу жумладан, «Мубаййин» асари 2—184, «Аруз рисоласи» асаридаги бир байт такъийи ва рисолаининг назарий қисми 187—455, «Бобурнома» 457—1010, «Рисолаи волидийа» 1013—1036 саҳифалардан жой олган. Бу қўлёзма нусхасига кирган биринчи асар «Мубаййин» рисоласидир. Бу қўлёзма таркибига кирган «Мубаййин» рисоласини Алишер Навоӣй номидаги Давлат адабиёт музейи ва Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзма фондларида сақланаётган нодир нусхалар матни билан солиштириш натижалари шуни кўрсатадики, Техрон нусхаси бизда мавжуд бўлган нусхалар матнидаги айрим камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда ўта муҳим манба вазифасини бажариш билан бирга, муаллиф матнини тиклашда бевосита хизмат қилиши мумкин. Бобур асарлари тўпламининг Техрон қўлёзмаси муаллиф қаламига энг яқин бўлган ва энг ишончли матнини яратишда ўзига хос ва бетакрор манба сифатида истифода қилишга лойиқ ва эътиборли Бобур ўз асарларини туркий (эски узбек тилида) яратганлиги адибнинг ўз она тили ривожига қанчалик диққат -эътибор берганлигидан далолат қилиб туради. Шу билан бирга Бобур асарлари ўзбек тили тарихини ўрганишда ҳам ноёб манбалардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Бобур лирикаси асосан рубоийлар ва газаллардан ташкил топган. Бу шеърларда шоир ватанпарварлик, адолатпарварлик, эзгулик гоёларини ташвиқ, этади. «Бобурнома»даги сингари мазмундорлик ва юксак бадиият Бобурнинг лирик шеърлятида ҳам ўз давомини топган. Бобур шеърлятида Ватан мавзуси бош ўрин тугади. Бобур Хиндистонда подшо булишига қарамай, ўз она юртини ичикиб соғинди, ундан айрилганига фиғону нолалар чекиб дунёдан ўтди.

*Толё йўқки жонимга балолир булди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз юртни қуйуб Хинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин не юз паролир бўлди.*

Буюк бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур гоҳ унчалик назарга тушмайдиган шахзода киёфасида, гоҳ, улкан салтанат соҳиби бўлган буюк ва қудратли шох сифатида, гоҳ мағлуб сарбоз сифатида, гоҳ ғолиб саркарда сифатида кўз олдимизда намоён бўлади. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам мустаҳкам ирода кучи, ҳаётдан умидворлик ва Яратганга шукроналик туйғуси уни тарқ этмади. Биз буюк бобокалонимиз билан фахрланамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Иброхимов А. “Рисолаи волидия”нинг лексикаси. //Шарқшунослик. Тошкент. № 2. Б. 3-9.
2. Иномхонов М. Ақл ёшда эмас, бошда. “Боги Бобурий” афсонаси. // Имом ал-Бухорий сабоклари. № 4. Б. 280.
3. Иномхонов М. Шеърнинг сеҳрли кучи. (Заҳириддин Муҳаммад Бобур газали хакида). // Имом ал-Бухорий сабоклари. №3. Б. 198-200.
4. Мавлонов Б. Бобур издошлари. // Тил ва адабиёт таълими. № 2. Б. 52-56. Библиогра. 12 номда.
5. Машрабов З. “Бобурий хат” Бобур ватанида. Бобур халқаро фонди раиси З. Машрабов билан суҳбат. Суҳбатдош М.Абдуллаев. // 0 ‘zbekiston adabiyoti va san’ati. 19 март.
6. Машрабов З., Кенжа К- Буюк аждодлар изидан.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ

Эватов С.С.

Фарғона давлат университети

Халқимизнинг тарихини ҳам ғамли ҳам шонли ва зафарли саҳифаларини бирини шубҳасиз шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Мирзо Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти ташкил этиши шубҳасиздир. Шарқ тарихининг йирик алломаларидан бўлган венгер олими Темур ва темурийлар тарихини ёзган Херман Вамбери бу борада шундай маълумот беради: “Буюк бобосининг тахтини даъво қилаётган Бобур Мирзо ўша вақтда ёш йигит бўлиб, шахзодаларнинг энг ақллиларидан эди. Уни ҳақли равишда шарқу ғарбнинг энг шарафли шахзодаларидан деса арзийди. Ўша замон шарқшуносларининг хотираларида у Шарқ Қайхусрави (Цезарь) деб таърифланади”[1:70].

Мирзо Бобур ҳаёти заҳматли ва шижоатли бўлди, нафақат жангу-жадаллар билан боғлиқ, балки ақлли доно сиёсат, раият ғами билан яшашдан иборат эди. У.Эрскиннинг Мирзо Бобур шахси хақидаги мулоҳазаларини келтириш ўринлидир: “Биз Осиёдаги

хукмдорлар орасида Бобур сингари гениал ва истеъдодли кишиларни камдан-кам учратамиз. Унинг ақли, актив фаолияти, хушчақчақлик, совуққонлик ва бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай, руҳининг тетиклиги, подшоҳлар орасида камдан-кам учрайдиган сахийлиги, мардлиги, фанга, санъатга муҳаббати ва шеърятнинг гўзал моҳияти билан муваффақиятли шуғулланиш жиҳатидан олиб қараганда Осиёдаги подшоҳлар ичида Бобурга тенг келадиган бирорта ҳам подшоҳ тополмаймиз”[1:11].

Андижон ҳокими Умаршайхнинг тўнғич фарзанди бўлган Захириддин Муҳаммад Бобур (бу исм ривоятларга қараганда болалик чоғида у қафасдаги шерга жуда яқин бориб, кўркмай ўйнашиб турганини кўрган тарбиячилари унга шундай деб ном қўйишган, бошқа ривоятга қараганда навқирон йигитлиги ёввойи шерларни Сирдарё бўйларида овлаш билан шуғулланган) Мовароуннаҳрда тахт учвун темурийлар сулоласи ўртасида курай кескинлашган бир вақтда 1483 йил 14 февралда Андижонда таваллуд топган. Сарой муҳитида замонасининг етук уламо ва алломаларидан сабоқ олади, ислом дини ва дунёвий билим асосларини пухта эгаллайди. Отаси пир тутинган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга чин дилдан ихлос қўйган эди.

Ёш шахзода шахсини шаклланишида отаси Умаршайхнинг хислат ва фазилатлари ибрат ролини ўйнаган, зеро бу шахс “Бобурнома”да қайд қилинишича ниҳоятда адолатли, илм-маърифатли, покиза эътиқодлик киши эди, беш вақт намозини тарқ қилмас эди, умри қазоларини тамом қилиб эди, аксар тиловат қилур эди. Ҳазрат Хожа Убайдуллога иродати бор эди, суҳбатларига бисёр мушарраф бўлуб эди. Ҳазрат Хожа ҳам фарзанд деб эдилар. Равон саводи бор эди. “Хамсатайн” ва маснавий китобларни ва тарихларни ўқуб эрди. Таъби назми бор эди, вале шеърга парво қилмас эди [3:10].

Мирзо Бобур отаси ва бошқа темурий ҳукмдорларнинг адолатпарварлиги, ростгўйлиги, жасоратли, мардлиги ва бошқа инсоний сифатларини юксак кадрлар эди. У буюк бобоси Амир Темурнинг салтанатини қайта тиклаш, Турон заминида осойишталик ва фаровонликни барқарор этиш орзусида вояга етди. Бироқ у подшолик расм-русмларини, унинг сирру-асрорларини ўрганишга улгурмасдан туриб (отаси Умаршайх миниб турган оти билан бирга жарликка қулаб вафот этади) [4:17] ўн икки ёшида Фарғона ўлкасини подшоҳи бўлди. Ҳали ёш ва тажрибасиз бўлишига қарамай унинг қалб ва шуурида буюк бобоси Амир Темурнинг шиддати, жасорати ва орзу номуси жўш урди. Самарқандни кўчманчи ўзбек Шайбоний чангалидан озод қилишга отланди. Шайбонийларга қарши ўн бир йил давомида тинимсиз жангу жадал олиб борди, бироқ кутилган самара ва мақсадга эриша олмади-ҳатто Андижон ҳам қўлдан кетди.

Эзгу ниятларга эриша олмаган, аммо улардан бир сония ҳам воз кечмаган Мирзо Бобур ўзга юртга бош олиб кетар экан, унинг армонлари битмас-туганмас дардга айланди:

Кўнгил тилагон муродига етса киши,

Ё барча муродларни тарқ этса киши.

Бу икки ўлмаса оламда,

Бошин олиб сарига кетса киши.

Ё раб на ишни қилдимки хатолиғ ўлди деб фарёд чекиб 1504 йили 23 ёшида ўзининг қариндош-уруғлари, яқин бек ва навқарлари, 250 га яқин йигитлари билан Хисор тоғлари орқали Қобул (Афғонистон) сари йўл олади – “аскар аёқ ва иликлариди таёқ ва оёқлариди чорук ва эгинлариди чопон эрди” деб ёзади Бобурномада. [3:109]

Бобур тўрт йиллик жанглардан кейин Қобул ва Ғазнани эгаллаб, Афғонистонда марказлашган давлат барпо этади ва 1508 йили ўзини подшо деб эълон қилди. Бобур Мирзо

1526 йилгача ўғли Камрон Мирзо билан фаодал тарқоқликка барҳам бериш, кучли давлатни барпо этиш, ободончилик ишларини амалга оширишга ҳаракат қилди.

Табиатан шоир ва илмли мутафаккир Бобур Мирзо катта бунёдкорлик ишларини амалга оширди, суғориш иншоотлари, тўғонлар қурдириб, халқ оммасининг ҳаёт даражасини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширди. Сиёсий фаолият жараёнида Бобурнинг давлат ва уни бошқариш бобидаги сиёсий қарашлари тўла-тўқис шаклланди, халқнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш мақсадида одил ва маърифатли кишиларни давлат ишларига жалб этди.

Шуни таъкидлаш лозимки Бобурнинг эришган ғалабаларининг энг муҳим омили унинг мардлиги ва жасурлигигина эмас, балки унинг ростгўй одиллиги ва ишбилармон-тадбиркорлигида ҳам эди. Тарихчи тадқиқотчиларнинг хабар қилишича, у доимо рост гапирди, ўз камчилик ва хатоларини айтишдан чўчимасди, ҳақиқат юзига тик боқишдан кўрқмасди, ўзини бошқалардан устун қўймади: “барчани ўз тукқанларимдан яхшироқ кўруб, риоят ва шафқатлар қилибтурмен”, - деб ёзади Бобурнинг ўзи.

Унинг сиймосида буюк давлат арбобларига хос фазилатлар мужассамлашган бўлиб, ниҳоятда ўткир зеҳнли, ақл-идрокли, ҳозиржавоб, одил донишманд, қатъиятли ва тадбиркор эди. У ҳаётнинг энг таҳликали дамларида ҳам ақл-идрокни кучига астойдил ишонар, “Темур тузуклари”га таяниб ақлли ва тажрибали кишилар билан маслахатлашиб иш кўрар эди. Одамийлик тамойилини подшоликдан ҳам устун турувчи олий мартаба деб биларди. “Бобурнома”да ёзилишича, 1506 йилнинг қахратон қорли қишида 70-80 сонли йигитлар билан Ҳиротдан Қобул сари йўл олинди. Манзилга яқинроқ йўлдан бориш учун Кутали Заррин доvonини ошиб ўтишга аҳд қилинди. Қор шу қадар қалин эдики, одан тушиб, 10-15 киши оёғи билан қор тепиб, йўл очишга тўғри келди. Йўл очувчиларнинг олдинги сафида Мирзо Бобурнинг ўзи борарди: “Маҳал ул эмас эдиким, кишига таклиф ва зўри қилилмай, ҳар кимнинг ҳиммат ва журъати бўлса бундоқ ишларни ўзи талаб қилур”. Шу аҳволда 3-4 кун йўл юриб, Кутий ғорига етиб келинди. “Кўп от устида-ўқ тонг оттирди, қавол (ғор) торроқ миқдорда ер ясадим, қорни кўксимгача қазидим, хануз ерга етмайдуру эди. Бир нима элга паноҳ бўлди, ўшанда ўлтурним. Ҳар неча дедиларким, ҳаволга боринг, бормадим. Кўнгулга кечтиким, барча эл қорда ва чопкунда, мен иссиқ уйда ва истироҳат била мунда уйку билан фароғатда. Муруватин йироқ ва ҳамжиҳатликтин қироқ ишдуру. Мен ҳам ташвиш ва машаққат бўлса кўраин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса тураин, бир форсий масал бор. (“Марг ба ёрон сур аст” - Дўстлар билан ўлим тўйдир)” [3:176].

Бобур темурзода подшоларга уларнинг бек ва вазирларига тавсиф берар экан, уларнинг ахлоқий сифатларига, инсоний фазилатларига алоҳида урғу беради. У Хусайн Бойқаронинг нақадар одил ҳукмдорлигидан ҳайратланади. Хусайн Бойқаро ноўрин қотиллик қилгани учун ҳатто фарзандини ҳам ўлимга маҳкум қилганини ёзади: “Бир қатла бир ўғли бир кишини ўлтирган учун қондиқларига топшуруб, дорулқазога йиборди” [3:147].

Мирзо Бобур талончи ва босқинчи подшолардан нафратланади. Улардан фарқли равишда ҳамиша эл-юрт ободончилиги ва фаровонлиги ҳақида қайғура “Алоуддин Жаҳонсўз Ғазна шаҳрини бузубтур ва куйдурубдуру, талабдуру. Андин бери бу банд (сув тўғони) бузуғдуру. Ҳиндустонни фатҳ қилғон йил бу бандни ясамоқ (тикламоқ) учун Ҳожа Калондан ярмоқ (пул) йиборилди. Тангри иноятдан умид борким, бу банд обод бўлган” [3:126].

Ҳиндистон сари юриш қилар экан, Бобурнинг муддаоси бу юртни талаш, вайрон этиш ва бойликларини ташиб келиш, халқини қулга айлантириш эмас эди, балки Ватан излаб боргани туфайли ўз она юртида рўёбга чиқара олмаган ижтимоий-сиёсий бунёдкорлик ғояларини амалга ошириш эди ва бобурийлар бунга эришдилар ҳам.

Бобур шер юрак ҳукмдор, оташ қалб шоир эди. У бутун умри давомида кучли ва маккор Шайбонийхонга қарши мардларча кураш ва ўзининг яккаланиб қолганидан изтироб чекади ва Ҳиндистон сари йўл олишга мажбур бўлади:

Толе йўқ жонима балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Юксак харбий илм ва санъатнинг билимдони Бобур Мирзо Ҳиндистондек улкан мамлакатни, унинг подшоси Султон Иброҳим Лодийнинг юз минг аскарлари, унинг икки минг жангчи филига қарши ўзининг атиги 12 минг аскарлари билан чиқиши ва ғалаба қозониши бунинг далили бўлди. Бу борада унинг маҳаллий аҳолига нисбатан адолатли ва иттифоқчилик сиёсатини олиб борганлиги катта рол ўйнади. Ўз аскарларига мурожаат қилиб, тоғли халқларга зиён-заҳмат етказмаслик учун фармойиш беради: “Фармон бўлдиким, ҳеч ким буларнинг ғала-қарорларига, балки ип учи, игна синуғларига, атроф ва навоҳига зарар ва нуқсон етказмасун”. Бу фармонни бузган аскар ғоят қаттиқ жазоланган. Бу ҳақда Бобурномада шундай ҳодиса қайд этилган: “Охир Сейдим Али дарбоннинг бир обдон навқари бировнинг бир кўза ёғини тортиб олгани учун эшикка келтируб таёқлатдим, таёқ остида – ўқ жони чиқти. Эл бу сиёсаттин тамом босилдилар” [3:204].

Мирзо Бобурнинг яна бир ижтимоий-ахлоқий сиёсати, Иброҳим Лодий билан жангга кириш олдида ўзи ҳам, аскарлари ҳам май ишни тарк этиши бўлди. У мурожаат қилиб: “Ичкиликдин қочинлар, шоядки нажот топсанлар. Бу йил (1528) алҳамдулиллах, у дағдаға (май ичиш) тамом хотирдин раф бўлди” [3:114].

Бобур Мирзо ва унинг уч юз ўттиз икки йиллик сулоласи инглизлар босқинига қадар Ҳиндистонда кучли ва марказлашган давлатни қурди ва тараққиётини таъминлади. Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби Жаваҳарлаъл Неру ўзининг машҳур асари “Ҳиндистоннинг кашф этилиши”да шундай ёзган: Мирзо Бобур ва Бобурийларнинг Ҳиндистон тарихидаги буюк ролини юксак баҳолаган. Бобур ва унинг набираси Акбаршоҳни маърифатпарвар, тараққийпарвар, халқпарвар сиёсатчи ва ҳукмдорлар сифатида таърифлаган[5:109].

Мирзо Бобур адолатли шоҳ, мумтоз шоир, тарихчи, географ, энциклопедик илм-фан соҳиби сифатида ўзбек ва ҳинд халқлари тарихида абадий яшайди.

Бу буюк зот ҳаётининг барча жабҳаларида, ҳар қитъаларида комил инсонга лойиқ фазилату-хислатларни, ақл-заковатда, сиёсат ва бошқарувда, қатъийлик ва меҳр-муҳаббатда, бир сўз билан айтганда адолатда инсонийликда намоён бўлган шахсдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қаранг: Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Тошкент, “Адабиёт ва санъат”, 1990.
2. “Маънавий жасорат соҳиби” буюк шоир, давлат арбоби, Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо Бобур таваллудининг 535 йиллигига методик библиографик қўлланма. Фарғона 2018.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома” Тошкент, 1989.
4. Пиримқул Қодиров “Юлдузли тунлар” (роман). Ziyo.uz.com кутубхонаси

ЗАХИРИДДИН МУХАММАД БОБУРНИНГ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ

Содиқова Д.Р.

Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

XIV аср охири ва XV асрларда Мовароуннаҳрдаги Шарқ Уйғониш даври маданий раўнақини IX-XII асрлардаги маданий ривожланишидан ажратиб олиб кўрсатиш мумкин эмас. XIV асрнинг учинчи чораги ва XV асрда Марказий Осиёда иқтисодиёт, фан ва маданият ўсди. Амир Темур ҳукмронлиги даврида жаҳоннинг кўплаб шаҳарларида Самарқандга хунармандлар, олиму фозиллар, санъаткорлар, муҳандислар олиб келинди ва уларнинг бой тажрибалари, ижодий маҳоратларидан илм- маърифат, маданият, қурилиш жабҳаларида кенг фойдаланилди. Самарқанд ва Ҳиротда мадрасалар, кутубхона ва расадхона қурилди. Тиббиёт илмини ўрганишга қизиқиш янада кучайди. Риёзиёт, фалакиёт, жўғрофия, тарих, адабиёт, фалсафа ҳамда тарбияшуносликка оид асарлар яратилди. Форобий, Ибн Сино, Беруний, Умар Хайём, Саъдий меросларини, шунингдек, юнон-рим маданиятини ўрганишга ҳавас кучайди. Шунингдек, Темур ва унинг издошлари, темурийлар даврида фан ва маданият ривожланди. Айниқса Самарқанд ва Ҳирот шаҳарлари маданият, илм-маърифат марказига айланди.[1] Соҳибқирон Амир Темур ва темурий ҳукмдорлар ҳамда уларнинг авлодлари ўқимишли, фан ва маданиятни эгаллаган, зукко инсонлар бўлиб, уларнинг бизга қолдирган илмий мероси бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир халқнинг тарихий, маданий-милли қиёфасини аниқ белгиловчи улуғ шоҳлари, буюк олимлари, йирик адиб ва шоирлари бўлади. Инсониятнинг абадиятга мансуб ана шундай буюк фарзандлари сафида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўз ўрнига эга. Бобур – буюк подшоҳ, мумтоз шоир, адабиётшунос, фақиҳ, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони сифатида кўп қиррали фаолият ва ижод соҳиби эди. [2] Умар Шайх Мирзонинг тўнғич ўғли, Амир Темурнинг набираси. Шайбонийхон Самарқандни эгаллагандан кейин Бобур мажбуран она юртини тарк этиб, ўз яқинлари ва аскарлари билан Қобулга келади. Шимолий Ҳиндистонда ўз давлатига асос солади. Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда 332 йил ҳукмронлик қилади. Бобур Ҳиндистонда марказлашган давлат барпо этибгина қолмай, таназзулга учраган илм-фан ва маданиятни тиклаш учун ҳам уринади. У туркий қавм вакили бўлганлиги учун ҳам туркийзабон адабиётнинг Ҳиндистонда ҳам ривожига катта ёрдам кўрсатди. Ўзи ҳам асарларини туркий тилда битди. Ҳатто фарзандлари Ҳумоюн, камрон Мирзолар ҳам форсий билан бир қаторда туркий чиғатой тилда ижод этган.

Бобур йирик давлат арбоби бўлиши билан бирга етук адиб сифатида ҳам сермахсул ижод қилган. У илм-фан, санъат, маданият ва уларнинг соҳалари билан яқиндан танишган, унинг ижодини асосан лирик шеърлар ва адабий-тарихий асарлар ташкил қилади.

Бобур мусулмончилик қоидалари ва қонуншуносликка бағишланган “Мубаййин”, араб алфавитининг ислоҳатига оид “Ҳатти Бобурий”, аруз вазни ва қофияга оид “Муфассал”, мусиқа ва ҳарбий санъат ҳақидаги асарлар яратган. Айниқса унинг “Бобурнома” асарида Ўрта Осиё ва Ҳиндистон тарихига оид бой маълумотлар тўплаган.

“Бобурнома” комусий характердаги асар бўлиб, унга тарих, география, ботаника ва бошқа фан соҳаларига оид маълумотлар берилган. Асарда ер-сув, ҳаво ва турли табиий ҳодисаларга тегишли маълумотларни кўришимиз мумкин. Бобур ўз ҳаёти фаолиятига кўп йўл босганлиги учун ер-сув тақсмотидаги ҳамда қурилиш ишларидаги масофа ўлчовларига катта аҳамият берган. У ҳар бир ҳудудни маълум бир тартибда тавсифлайди; аввало жойнинг

географик ўрни, сўнгра қайси иқлимга мансублиги ва қишлоқ хўжалиги, шифобахш жойлари, ўсимликлар, қазилмалари, ҳайвоноти ва аҳолиси, унинг урф-одатлари ҳақида маълумот беради.[3] Шунингдек асардан ўзбек, тожик, афғон, ҳинд ва бошқа халқларнинг касб-кори, урф-одати, маданияти, дини, адабиёти, турмуш тарзи ҳақида ҳам кенг маълумотларни билиб олишимиз мумкин. Асарда шахсга баҳо беришда давлат бошқаруви билан боғлиқ стратегик масалаларни ҳал қила олиши ёки бунга уқувсизлиги, ҳарбий маҳорати, салтанат ишларини ечишда маслаҳат кенгаш тамойилларига нечоғли амал қилиши, ҳазинадаги бойликни тасарруф этишдаги қобилияти, бунёдкорлик ишларидаги кўлами сингари муҳим нуқталар Бобурнинг диққат марказида туради. Бобурномада салтанат ишларида бек ва шахзодаларнинг иштироки, ўша пайтдаги давлат девонини юргизишда фаолият кўрсатган шахсларнинг ўрни ҳам кенг ёритиб берилган. Бобур қайси бек ёки султонга баҳо бермасин, энг аввало, Амир Темур салтанатининг яхлитлиги, юрт тинчлиги ва раият манфаати билан боғлиқ масалаларни инобатга олиб фикр юритади. Унинг давлатчиликка муносабатида биринчи навбатда салтанат идораси билан боғлиқ кишиларнинг ўз вазифасига муносиблиги, уларнинг ахлоқий жиҳатлари, айниқса унга юклатилган вазифани қай даражада бажариши масаласи туради. Бу билан биз Бобурни дунёвий илмларни мукамал эгаллаганлиги, олим даражасидаги билимга эга эканлиги кишини лол қолдиради.

Адиб фан ва маърифатни юқори даражада қадрлайди. Илм, адабиёт, санъат ахиллари билан яқин алоқада бўлиб, уларга ҳомийлик қилган. Илм ва билимдонликни улуғлайди.[2] У камтарлик, ўзини тута билиш, эзгулик, вафодорлик, бошқаларга яхшилик қилиш сифатларини улуғлаш, ёвузлик, зулм, қабихликни қоралайди. Бобур инсон камолотининг биринчи оstonаси оила эканлигини уқтириб, у оила тарбияси ниҳоятда қийин ва мураккаблигини ҳис этган эди. Болаларнинг ахлоқ-одоб қоидаларини ўрганиши кўп жиҳатдан атрофдаги шахсларга боғлиқлигини яхши билган Бобур ўз фарзандларини тарбиялашда илмли инсонлар билан маслаҳатлашиб, тажрибали фозил ва тарбия кўрган кишилар билан кенгашиб иш тутган. У ўзининг “Эътиқодийа” асарида болаларни ёшлиқдан бошлаб эътиқодли, иъмонли қилиб тарбиялаш масалаларига эътибор берган. Фарзандга бахт-саодат келтирувчи бош фазилат иймондир деб таъриф берган.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бизга қолдирган илмий меросини ўрганиш орқали ёшларда меҳнатсеварлик, олийжаноблик, фан, маданият, санъатга маърифатга меҳр уйғотиш хиссини шакллантиришимиз мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. К.Хошимов ва б. Педагогика тарихи. Ўқитувчи.,Т.:2005
2. “Маънавий жасорат соҳиби” методик-библиографик қўлланма. Фарғона 2018
3. Тошкент ахборот технологиялари университети маъруза матни. 2013

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ТУРКИЙ ТИЛ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Сувонов Л.Х.

*“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти
ижтимоий-сиёсий бўлими мудири*

Тарих зарварақларини кўздан кечирар эканмиз, инсоният солномасида алоҳида из қолдирган, кейинги авлодларга ўзининг жамиятдаги мавқеи, яратган илмий, бадий мероси ҳамда саркардалиқ қобилияти билан ибрат намунаси бўла оладиган аждодларимиз санокли

хисобланади. Ана шундай улуғ сиймолардан бири XV асрнинг иккинчи ярими ва XVI асрнинг ўрталарида башарият тарихнинг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий соҳаларида салмоқли ўрин тутган сиймо, буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ҳазратларини айтиш мумкин.

Буюк салтанат соҳиби қисқа вақт ичида катта ижобий ишларни амалга оширишга улгурган. У Агра ва Дехли шаҳарлари атрофини ободонлаштириш, Жамна дарёси бўйларида саройлар, қасрлар, ҳаммомлар куриш, боғлар барпо этиш ишларига бош-қош бўлади. Қобул ва Ғазна шаҳарларини сув билан таъминлаш иншоотларини қайта тиклайди ва савдо йўлининг бехатарлигини таъминлаш мақсадида карвонсаройлар, раҳбатлар қурдиради [2].

Давлат ишлари маълум бир йўлга қўйган шоҳ ижод билан ҳам машғул бўлиб, ижод аҳлининг таянчи ва суянчи бўлди, туркий тил камолотиغا муносиб ҳиссасини қўшишга муваффақ бўлди.

Шунингдек, у ўз атрофига олим ва шоирларни тўплаб, уларнинг ижодий ишларига ҳомийлик қилади. Саройига Ўрта Осиё ва Хуросондан машҳур тарихчи Хондамир, файласуфлардан Абулбақо, шоирлардан Мавлоно Шихоб Муаммой, Мулла Бақой, Видой, Абдулвоҳид Форигий, Шайх Зайн ва бошқалар келиб, ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод қилганлар [7, 386-387.]. Бобур асос солган салтанат, мамлакатни маълум даражада сиёсий жиҳатдан бирлаштириш, ободонлаштириш ва маданий жиҳатдан юксалтириш нуқтаи назаридан Ҳиндистон учун фойдали бўлган.

Буюк бобомиз, улуғ саркарда, мутафаккир, шоир, ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг табаррук номи ва улкан адабий мероси ҳам ана шундай умрбоқийликка дахлдор бўлиб, мана беш асрдан зиёд вақт ўтибдики, мангу қуёш сингари сўнмасдир. Бобур асарларини ўқиган, унинг бой адабий меросидан баҳраманд бўлган инсон борки, унинг янгидан – янги сирларини очаверади.

Бобур ижодини ўрганиш, унинг илмий таҳлили бўйича сўнгги йилларда қатор таниқли тадқиқотчилар иш олиб бордилар ва бугунги кунда ҳам Бобурнинг мероси кўпгина олимларимизни илҳомлантириб келади. Жумладан, К.Ашрафян, Х.Назарова, Н.Атаджанов, Х.Қудратуллаев, А.Ибрагимов, З.Холманова, С.Алиев, С.Азимджанова, Г.Благова, С.Джамалов, С.Хасанов, Н.Кариева, С.Шукуруллаева, Т.Саидалиев, Д.Хошимова, Ф.Салимова, О.Хусанбоев, М.Абдуллаева, Д.Ражабовалар [2, 735.] ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Шунингдек, заҳматкаш олимлар Порсо Шамсиев ва Содиқ Мирзаевлар томонидан 1949 йилда “Бобурнома”нинг икки жилдлиги кирилл ёзувига таъдил қилиниб, чоп этилган. 1959 йилда Азиз Қаюмов ва Сабоҳат Азимжоновалар томонидан “Бобур лирикаси” деб номланган рисола нашр этилган. Таниқли тарихчи ва адабиётшуносларимиз М.Нуридинов “Бобурийлар сулоласи” (1994 йил), Т.Файзийев “Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари: Бобурийлар сулоласининг қисқача тарихи” (1996 йил)”, С.Ҳасанбек “Заҳириддин Муҳаммад Бобур” (2011 йил), Ҳ.Қудратиллаев “Бобурнинг давлатчилиқ сиёсати ва дипломатияси” (2011 йил), П.Қодировнинг “Бобур-Юлдузли тунлар” романи каби асарларни келтириб ўтиш мумкин [7, 386-388.].

Бобур ўзининг умрбоқий фикрларида қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор берган. Жумладан, Душман сўзига кирма, эшит дўст сўзин, Эшитмаса сўзни дўст, душман не дегай? Ҳар сўзки эшитса, деса бўлмас, Сўз борки, айтса-деса бўлмас. Умр ғафлатда ўтқариб борасен, Эй йигит, воқиф ўл, қариб борасен. Ҳар кимки кўп айтур, паришон айтур... Кўнглингни динларнинг муҳокама майдонига айланторма. Адолат ўрнатишда инсонларнинг эътиқодига чуқур ҳурматда бўл. Шафқатсиз киши азобга лойиқдир. Яхши кишиларни

Яратган яхши дўстлар билан сийлайди. Давлат учун кўнгулни зор этма, иззат учун ўзунгни хор этма. Кўпчилик баҳодирлар қанчалар кучли бўлмасинлар, улар ҳаргиз ўз жаҳллари ва кўркувларидан устун кела олмайдилар. Давлатқа етиб меҳнат элини унутма, бу беш кун учун узунгни асру унутма [8, 9].

Дарҳақиқат, шоирнинг ушбу ўғитлари ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, миллий ғурурини юксалиши учун самарали таъсир кўрсатиб, уларнинг дунёқарашини кенгайтиради.

Бобур халқимизнинг онги ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилишда катта ҳисса қўшган. Шунингдек, Инсон қалбининг қувончу қайғусини, ватан тўйғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Бобурдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она юртига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш тўйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Бобур асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий ифтихор ва миллий ғуруримизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

Маълумки, бирон-бир халқ маънавиятига хос қадриятларнинг бошқа халқлар томонидан тан олинishi, табиийки, ана шу халқ тарихига нисбатан чуқур ҳурмат ифодасидир. Бундай эътироф халқнинг миллий ғурури ва ифтихорини, миллий ўзлигини янада юксалтиришга хизмат қилади. Шу маънода, кейинги пайтда буюк аجدодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқиш хорижий элларда ҳам ортиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Бунинг тасдиғини дунёнинг турли мамлакатларида ва юртимиз вилоятларида уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида эълон қилинаётган илмий ва бадий асарлар, улуғ аждодларимиз хотирасига барпо этилаётган ёдгорликлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Шулар қаторида Ҳиндистон, Тошкент, Андижон, Самарқанд шаҳарларида Бобур бобомизнинг хотирасига муҳташам ҳайкаллар ўрнатилган. Дарҳақиқат, халқимиздан етишиб чиққан буюк алломалар олам узра ном қозонган, уларнинг меҳру муҳаббатига сазовор бўлган. Бобур асарларида шарқона тарбияда меҳр – муҳаббатни улуғлаш, ака – укага, оилага вафо ва Ватанга садоқат ила муносабатда бўлишга юксак урғу берилади ва ана шу хислатлар беқиёс тарзда ифодаланган. Ватанпарвар, халқпарвар, тенгсиз шоир, оламшумул файласуф бобкалонимиз келажакка-авлодларига улкан умид боғлаган зот эди. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг доврўғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни кадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади»[8].

Албатта, буюк ватандошимиз Бобурнинг ҳаёти ва ибратли ишлари ўз даврида ва кейинчалик шогирдлари, издошлари томонидан атрофлича ўрганилди ва бугунги кунда ҳам унинг маънавий меросига бўлган қизиқиш, изланишлар давом этмоқда. Буюк алломанинг ёрқин ҳаёти ва кўп қиррали фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш мустақил Ўзбекистонимиз келажаги бўлган маънавий баркамол, ватанпарвар инсонларни тарбиялашдек муҳим ва олийжаноб вазифаларга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бугунги кунда бобуршунослик шарқшуносликнинг жадал суръатлар билан ривожланаётган соҳасига айланган, “Бобурнома” ҳозиргача йигирмага яқин тилга таржима қилинган, уни яна бошқа тилларга ўгириш давом этмоқда, деярли ҳар йили бобур асарлари нашр этилмоқда, янги манбалар излаб топилмоқда ва илмий истифодага киритилмоқда,

ўнлаб рисола, сон-саноксиз илмий, илмий-оммабоп ва публицистик мақолалар чоп этилмоқда. Бобурнинг тарихий меросини ўрғатиш ва тарғиб қилишда Бобур халқаро жамоат фонди ва Халқаро Бобур илмий экспедицияси фаоллик кўрсатиб келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўтмишдан маълумки, Амир Темурнинг тарих саҳнасиغا чиққан кезларидан то Бобур Мирзонинг боқий дунёга кетганига қадар ўтган бир ярим асрдан ортиқ давр туркий тилнинг тўлиқ шаклланиши ва юксак тараққиёт босқичига кўтарилган давр бўлган. Бу даврда туркий тил тараққиёти Ренессанс деб аталадиган улкан маданий юкселиш жараёнларига қўшилиб борган. Алишер Навоий ва Бобур Мирзо каби сўз санъаткорлари Ғарбдаги Уйғониш даврининг етакчи вакиллари бўлган А. Данте, Ф. Рабле, В. Шекспирлар даражасидаги улуғ асарлари билан ўзбек халқининг ягона миллат бўлиб шаклланишига маънавий асос бўладиган туркий тил яратилганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, мумтоз адабий тил яратишда Бобур Мирзонинг 1504 йилда 22 ёшида кашф этган алифбосида – “Хатти Бобурий”, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарлари билан туркий тилнинг имконият ва афзалиятлари араб ва форс тиллариникидан кам эмаслигини исбот қилган ва шунга биноан туркий тилнинг жаҳондаги мавқеини бошқа мумтоз адабий тиллар даражасига кўтарган [4, 217.].

Ушбу тилнинг ривожланишида Навоийдан кейин дилига жо қилган Бобур Мирзо туркий тилнинг бой оҳанг ва товушларини тўлиқ ифода этишга имкон берадиган янги алифбо яратиш зарур деган фирга келган. Чунки туркий тилда араб тилига нисбатан унли товушлар кўпроқ. Биздаги “э” ва “ў” каби товушлар араб тилида йўқ. Шунинг учун “эт” билан “ит”нинг орасида ёки “қўш” билан “қуш” сўзининг маънолари орасида ер билан осмонча фарқ борлигини кўришимиз мумкин. Араб алифбоси она тилимиздаги мана шунга ўхшаш нозик маъноларни фарқлашга имкон бермаслиги асрлар давомида тилимиз тараққиёти йўлидаги ғовлардан бири бўлиб келган.

Араб алифбосида Қуръони Карим ёзилганлиги учун бу алифбони биз ҳам Бобур Мирзо каби муқаддас деб эъзозлаймиз. Аммо, ҳар бир алифбо қайси тилда яратилган бўлса ўша тилнинг хусусиятларидан ва имкониятларидан келиб чиқади. Араб алифбоси ҳам араб тили хусусиятларини ўзида акс эттирган. Бу алифбо форс тилининг хусусиятларини тўлиқ акс эттира олмаганлиги учун форсийзабон алломаларнинг саъй-ҳаракатлари билан араб алифбосига бундан минг йил олдин форс тили талабларига жавоб берадиган тўртта янги харфлар киритилган.

Бобур давридаги мутассиб кучлар “Хатти Бобурий”ни Қуръони Карим алифбосига қарши қўйган бўлсалар, бу қаршиликни енгиб ўтиш учун Бобур Мирзо мохир хаттотларга Қуръонни “Хатти Бобурий”да чиройли қилиб кўчиртириб, бир нусхасини Маккайи мукаррамага жўнатган. Аммо, “Хатти Бобурий”ни давлат миқёсида жорий этишга Маккадан рухсат келмаган. Фақат Бобурнинг ўзи, ўғиллари ва яқин одамлари “Хатти Бобурий”дан ўзаро ёзишмаларда фойдаланишган. Бу улкан муаммони тарихимизда биринчи бўлиб Бобур Мирзо беш аср муқаддам кўтариб чиққанлигини кўриш жоиз.

Бобур Мирзо янги алифбо яратишда мана шундай муаммоларни ҳам ҳисобга олган. У туркий халқлар яратган қадимий алифболарни ҳам ўрганиб, уларнинг маъқул жойларини ўз алифбосига киритган. Буни биз унинг машҳур ғазалларидан биридаги якуний байтда кўришимиз мумкин:

*Турклар хатти насибинг бўлмаса не тонг, Бобур,
Бобурий хатти эмасдур, хатти Сигноқийдурур [4, 218.].*

Сигноқ - Сирдарё бўйидан топилган қадимий туркий алифбо намуналари ва шу алифбода тошга ўйиб ёзилган битикларнинг бешта намунаси С.Е. Маловнинг “Қадимий туркий ёзувлар обидалари” китобида келтирилган [3, 58-62.].

Мамлакатимизда, “Хатти Бобурий”ни ўрганиш борасида тилшунос олимларимиз ҳам теран тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Жумладан, тарихчи олима Сабоҳат Азимжонованинг “Хатти Бобурий” хақида Дехлида бўлган халқаро конференцияда қилган маърузасида “Бобурнинг ҳинд девони”га ёзган кириш сўзида шундай баён қилган: “Хатти Бобурий” 28 та араб алифбосига асосланган янги алифбодир. Бобур ўз алифбосини араб алифбосидаги зеру забарлардан холи қилган, айнаи вақтда, араб алифбосига кейинчалик киритилган тўртта форсча ҳарфларни ундан чиқариб ташлади” [1, 31.] деб таъкидлайди.

Бир сўз билан билан айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур яратиб кетган маънавий бойликлар ва эришилган ютуқлари кейинги авлодларга тўлиқ етиб бориши учун ва улар ўзларидан олдин эгаллаган марраларни қўлдан бермай, тараққиётни тадрижий равишда давом эттиришлари учун тарих, тил ва адабиёт биргаликда олдинга даврлар тажрибасини кейинги давр кишиларига тўлиқ етказиб бериши керак.

Хулоса қилиб айтганда, маънавийтимизнинг бебаҳо қирраларини кенгроқ тарғиб этиш, шу орқали тарбиямизга, онгу шууримизга ёт жиҳатларга ўрин бермаслик ҳар биримизнинг ҳар кунлик юмушларимиз қаторидан жой эгалласа, айнаи муддао бўлар эди. Бу борада, кўплаб мутафаккирлар қатори Бобур адабий меросига мурожаат қилмоқ ўринлидир. Зеро, мустақиллик туфайли Бобур меросининг баралла намойиш қилиниши учун бекиёс имкониятлар яратилди. Биз ана шундай улуғлари бор юрт ворисларимиз. Беназир алломаларининг бетакрор меросини бекиёс тарзда эъзозлаб, улардан муносиб фойдалансак ва Бобурнинг асарларини ёшларимиз қалби ҳамда онгига сингдирсак, албатта ёшларимизда миллий ғурур, ифтихор туйғулари юксалади ва келгусида Ватан ва халқ олдидаги масъулият, фидойилик сингари фазилатларни шакллантиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азимжорова С.А. Бобурнинг ҳинд девони. 1966 й., 31-б.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Энциклопедияси. 2014й.
3. Малов С.Е. Қадимий туркий ёзувлар обидалари. М., 1959 й. 58-62- бетлар.
4. П.Қодиров. Тил ва эл. Т.: “Маънавият”, 2010. – 218 б.
5. P.Qodirov. Yulduzli tunlar (Bobur). Т.: “Sharq”, 2016. – 544 б.
6. Хотамов Ш.Н., Носиров Ф.Ш. Bobur hikmatlari. Risola. – Т.: O‘zR MG HTI, 2020, - 23 б.

ЗНАЧЕНИЕ ТВОРЧЕСТВА ЗАХИРИДДИНА МУХАММАДА БАБУРА В ПРОЦЕССЕ ВОСПИТАНИЯ МОЛОДЁЖИ

Комилова М.М.

*преподаватель Ташкентского военно-академического лицея «Темурбеклар мактаби»
Национальной гвардии*

Воспитание подрастающего поколения является одной из самых сложных задач, стоящие перед родителями и обществом. От успеха в этом важном деле зависит будущее нации и государства.

Воспитание подразумевает подготовку подрастающего поколения к полноценной жизни в обществе, будучи отзывчивыми, всесторонне развитыми и праведными личностями, способными преодолевать разные трудности и жизненные испытания.

Примерная жизнь, плодотворный труд и жизненный опыт великих наших предков в этом сыграл немаловажную роль. Тема воспитания молодого поколения стала ключевой в творческом и жизненном пути Мухаммеда ал-Хорезми, Имама аль-Бухари, Абу Райхона Беруни, Ибн Сина, Юсуфа Хас Хаджиба, Кейкауса и многих других мыслителей Востока, чьи имена и нравственные взгляды известны не только во мусульманском, но и во всем мире.

Одним из величайших личностей узбекского народа считается Захириддин Мухаммад Бабур, поэт, большой ценитель и покровитель науки, искусства и литературы, видный государственный деятель эпохи.

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев при открытии парка "Боғи Бобур" в Андижанской области отметил: «Мы уделяем особое внимание изучению истории каждого региона нашей страны. Бабур Мирзо – великий сын нашего народа. Имя его живет в литературе, науке, просвещении... Работа по повышению национального самосознания, пропаганде нашей великой истории среди молодежи, развитию науки и просветительства даст высокие результаты»³⁰, что стало основой для глубокого изучения исторического периода Захириддина Мухаммада Бабура.

Духовное наследие великого мыслителя Бабура занимает особое место в повышении духовности молодежи, формировании в ее сердце и сознании чувств патриотизма, самоотверженности, честности.

Бабур за свою короткую жизнь оставил богатое литературное и научное наследие. Его перу принадлежат знаменитая историческая запись «Бабур-наме», снискавшее мировую признательность, своеобразные и трогательные лирические произведения, содержательные трактаты по музыке, рифме, военному искусству.

В его автобиографической лирике, которая пропитана самыми добрыми человеческими чувствами, отражены исторические события эпохи, его личная жизнь, окружающая среда, отношение к человеку, религии, обычаям и нравам времени.

Для поэта важным стало воспевание подлинно человеческой, земной, реальной любви. Он в своей лирике воспевает верность, преданность, благородство и человечность, любовь, дружбу, стремление к знанию, ко всему прекрасному.

Тема родины всегда волновала Бабура, так как разлука с Андижаном, с родных мест стала трагедией в его жизни. В его газелях и четверостишиях с большой впечатляющей силой выражена тоска по родине и беспредельная любовь к ней:

Нет родины и счастья боле нет.
И ничего уж, кроме боли, нет.
Я в этот край пришел своею волей,
Его оставить силы воли нет.

Бабур, излагая всю свою душу в стихах, делится с переживаниями и направляет нас, как наставник, как воспитатель, в праведный путь.

Главное в воспитание, по Бабуру, это защита Родины, которую он очень любил, честь и доброе имя защитника. «Чем жить с дурной славой, лучше умереть с доброй славой» или

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: Илм маърифатни ривожлантирсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз. – Андижон вилояти "Боғи Бобур" истироҳат боғида сўзланган нутқ, 5 июнь 2017 йил

«Ты можешь закрыть ворота города, но не можешь закрыть рта врагам», - пишет поэт. Несомненно, этими словами через века он обращается к нынешнему поколению, призывает его быть всегда готовь к защите Родины и верно служит своему народу.

О воины, у вас есть доблесть, нету силы,³¹
Сойдите с этих стен, как вам они не милы.
Два выхода у вас, у полумертвых, есть:
Ворота отворить или сойти в могилы.

Бабур, как благородный, мудрый человек, переживший взлёты и падения в своём жизненном пути, как Человек, относящийся к человеку с великим уважением, высоко ставит человеческое достоинство и дает искренние советы людям.

Воспитывая подрастающего поколения в духе человеколюбия, патриотизма, невольно вспоминается слова великого поэта о воспитании, о том, как человек должен воспитывать в себе лучшие моральные качества:

Кто презирает всех, презрения достоин.
Жестокий человек мучения достоин.
Хорошим людям Бог хороших даст в друзья,
А кто с другими плох, отмщения достоин.

Затрагивая эту тему, поэт главное назначение человеческой жизни видит в добре, великодушии, благородстве и честности.

Бабур призывает избегать пустословия, выражать свои мысли кратко, четко и просто, не употреблять непонятных слов. В частности, давая совет своему сыну – наследнику престола Хумаюну, он отмечает: «Пиши проще, ясным и чистым слогом: и тебе меньше будет труда и тому, кто читает»³². Такое отношение Бабура к чистописанию, и вообще, к образованию достойно уважения. Здесь Бабур представляется как опытный педагог и внимательный отец.

Продолжая традицию великого поэта Алишера Навои, Бабур знание и учение ставил превыше всего. Нет сведения о том, какое образование получил Бабур. Безусловно, сама жизнь стала для него учебным заведением. Он как истинный мусульманин всю жизнь искал знания, учился и призывал учиться.

Тому, кто свет искал и знания постиг,
Достойный ученик нужнее всяких книг.
Я многое постиг, но нищ учениками,
Быть может потому, что сам я ученик.

Уважение к родителям – вечная тема всех времён, тоже волновала поэта:

Уж лучше совершить тяжелых сто грехов,
Принять сто тяжких мук, сто обрести врагов,

³¹ Литература. Учебник-хрестоматия для 9 класса с русским языком обучения под редакцией Г.Т.Гариповой и др., - Т.: «Ўзбекистон», 2003.

³² Бабур, З. М. Бабур-наме / пер. М. Салье. – Ташкент, 1958.

Чем, став слушателем, родителя обидеть.
Чем не прийти к нему в тяжелый час на зов.

Этими прекрасными строками из глубоких времён поэт обращается к молодому поколению, призывает любить, уважать своих родителей.

«Где пролил пот усердья человек, пожнёт плоды бессмертья человек» или «Делать хорошее дурным людям то же самое, что поступать дурно с хорошими людьми». В этих высказываниях поэта воплощены высокие

гуманистические идеи трудолюбия, верности и добра, человечности и многое другое.

Воспитание гармонично развитой молодежи как достойных преемников великих предков является важным направлением духовно-просветительских реформ, проводимых в нашей стране. В ходе этого процесса проводится работа по глубокому изучению духовного наследия выдающихся личностей, его пропаганды среди населения, особенно среди молодежи.

Изучение научного наследия Захириддина Мухаммада Бабура способствует расширению знаний и повышению культурного уровня молодого поколения, обогащению их мировоззрения, формирует у молодежи чувства, как трудолюбие, благородство, пробуждение любви к науке, культуре, искусству и просвещению. Творчество Бабура в качестве совершенного творческого продукта передается из поколения в поколение.

В нашей республике творчество и жизненный путь поэта широко изучается в образовательных учреждениях, регулярно печатаются газели, рубаи, четверостишия, мемориальная книга «Бабур-наме» и другие научные труды поэта, в театрах и кино часто обращаются к нему, труды переведены и переводятся на иностранные языки, одним словом, Бабур и его богатое наследие было и остаётся постоянно в поле зрения всех поколений.

К сожалению, в учебных заведениях с русским языком обучения, выделено малое количество часов на изучение Бабура. На уроках литературы и воспитательных часах (часы духовности в средних специальных учреждениях) уделено всего несколько часов. Было бы целесообразно добавить учебные часы в учебную программу дисциплины «Литература». Напомним, что изучение узбекской литературы, особенно классической, на примере среднего специального учреждения, намного важнее, чем повторное изучение Пушкина и Лермонтова (при этом целесообразно учитывать этнический состав групп с русским языком обучения, где учатся почти 99% узбеков).

Немаловажна роль часов духовности в деле идейно-политического, нравственного и эстетического воспитания. А также в реальное воздействие на практическую сторону жизни учащихся, их поведение, выбор ими жизненного пути, постановку жизненных целей и их реализацию.

Ибо в нашем народе испокон веков воспитание является важным фактором формирования сильной личности, духовно и физически развитого поколения. Но воспитывать всесторонне развитию молодёжь нелегкая задача.

О роли и важности нравственных взглядов наших предков в формировании молодёжи надо говорить многократно, показывая им личные примеры. Это работа не только учителей-филологов, но и других предметников. Предлагаем на занятиях уделить минуты на факты из биографии того или иного мыслителя, рассказать учащимся о примерной жизни наших славных дедов, передать легенды, притчи или реальные события, связанные с их деятельностью, посвятить отдельные часы духовности изучению этой темы.

В заключении хочется сказать, что воспитание личности – одним из главных задач современного мира. Таковы и идеи воспитания Бабур, которые не потеряли своей актуальности и в наши дни.

Литература:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: Илм маърифатни ривожлантирсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз. – Андижон вилояти "Боғи Бобур" истироҳат боғида сўзланган нутқ, 5 июнь 2017 йил
2. Бабур, З. М. Бабур-наме / пер. М. Салье. – Ташкент, 1958.
3. Литература. Учебник-хрестоматия для 9 класса с русским языком обучения под редакцией Г.Т.Гариповой и др., – Т.: «Ўзбекистон», 2003.
4. Литература: справочник абитуриента / Т.Т.Кельдиев. Издание четвертое, дополнительное и перераб.– Ташкент: ИПТД «O`qituvchi», 2016.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR YUKSAK MA'NAVIYAT VA JASORAT SOHIBI

Abdullayeva F.Sh.

Buxoro davlat universiteti katta o`qituvchisi

Xalqimiz shonli tarixi zarvaraqlaridan o'zining munosib o'rniga ega bo'lgan buyuk vatandoshlarimizdan biri shoh va shoir, buyuk davlat arbobi Zahiriddin Muhammad Bobur (1483-1580)dir. Boburning boy ilmiy merosi va katta hayotiy tajribasi jahon xalqlarining madaniyati, urf-odati, milliy va umuminsoniy qadriyatlarining rivojiga hamda butun insoniyatni ezgu g'oyalar asosida asrlar osha insonparvarlikka, millatlararo totuvlikka, diniy bag'rikenglikka, adolatparvarlik va Vatanparvarlik tuyg'ulariga sodiq bo'lishga chorlab kelmoqda.

Bugun shoh va shoir Bobur tomonidan ilgari surilgan hayotbaxsh g'oyalar yurtimizning bunyodkor kuchi sog'lom va barkamol avlodni "Yangi O'zbekiston – yangicha dunyoqarash" prinsipi orqali tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi. Zero, bugungi strategik islohotlarimizni amaliy hayotga tadbiiq etishda mutafakkirning hayot yo'li yosh avlodning tarix saboqlaridan to'g'ri xulosa chiqarib, mamlakatdagi ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy-ma'rifiy sohalardagi keng ko'lamli islohotlarda daxldorlik va tashabbuskorlik hissi bilan yashashiga xizmat qilmoqda.

Bu borada davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyevning 2020 yil 28 dekabrda Oliy Majlisga qilgan Murojaatnomasidagi fikri diqqatga sazovor: "Biz o'z oldimizga mamlakatimizda Uchinchi Renessans poydevorini barpo etishdek ulug' maqsadni qo'ygan ekanmiz, buning uchun yangi Xorazmiylar, Beruniylar, Ibn Sinolar, Ulug'beklar, Navoiy va Boburlarni tarbiyalab beradigan muhit va sharoitlarni yaratishimiz kerak. Bunda, avvalo, ta'lim va tarbiyani rivojlantirish, sog'lom turmush tarzini qaror toptirish, ilm-fan va innovatsiyalarni taraqqiy ettirish milliy g'oyamizning asosiy ustunlari bo'lib xizmat qilishi lozim" [1].

Darhaqiqat, Boburning hayot yo'li bugungi rivojlanishimiz uchun poydevor sifatida xizmat qilishi shubhasiz. Buning yorqin tasdig'ini biz yirik davlat arbobining Hindiston xalqlari tarixida mamlakat davlatchilik asoslarini mustahkamlab, uch asrdan ko'proq davom etgan Buyuk Boburiylar saltanatiga asos solganligi hamda sulola vakillaridan olti shaxs, ya'ni Bobur, Humoyun, Akbar, Jahongir, Shoh Jahon, Avrangzeblarning Hindistonda uzoq davr olib borgan adolatli siyosatlarida ham ko'rishimiz mumkin.

Bu yillar Hindiston madaniy-ma'naviy hayoti uchun ulkan o'zgarishlar davri bo'ldi. Bobur harbiy ishda qanchalik mohir bo'lsa, bunyodkorlikda benazir, betakror hisoblanib, u har bir katta-kichik muammoni aql-idrok va tafakkurlar, donishmandlik asosida amalga oshirgan, ro'y berajak voqea-hodisalar yo'nalishi va mohiyatini ilmiy salohiyatiyu ulkan tafakkuri vositasilarini chuqur idrok etdi. Bobur Hindiston tarixi, madaniyati, arxitekturasi, umuman davlat tuzilishi va boshqaruvida mutlaqo yangi tuzum, davlatchilik, diplomatik munosabatlarni vujudga kelishiga sabab bo'ldi.

Davlat arbobi inson baxtini vatani taqdiri bilan bog'lab, Ona yurtini tark etish, Vatan diydori sog'inchiga intizor bo'lish inson qalbini bir umrga xasta qilishini alohida ta'kidlaydi:

Muyassar o'lsa agar yor vasli g'urbatta,
Vatanni ne qilayu o'z diyor nega kerak?
Yibordi yor manga yodgor deb xatini,
Manga habib kerak, yodgor nega kerak?![2]

Ushbu misralarda Boburning o'z yurtidan olislarni manzil etgan bo'lsa-da, ammo Vatan sog'inchi inson qalbini mangu qolishini uqtiradi. Navbatdagi ruboiyda esa mutafakkir o'z qismatida kamchiliklarni keskin tanqid qiladi:

Tole' yo'qi jonimg'a ne balolig' bo'ldi,
Har ishniki ayladim, xatolig' bo'ldi.
O'z yerim qo'yub, Hind sori yuzlandim,
Yo Rab, netay, ne yuz qarolig' bo'ldi [3]

Ushbu misralardan ko'rinib turibdiki, muallifning boshiga tushgan turli kulfat va xatoliklar sababini o'z Vatanidan olisda bo'lishda deb hisoblaydi. Tug'ilib o'sgan muqaddas Ona yurtinini tashlab, Hindiston tomonlarga yo'l olishi, notanish manzillarni makon tutishi uning uchun dilxiraliklarni olib kelganligini izhor etadi. Ayniqsa, Bobur Vatan sog'inchini o'zining memuar asari "Boburnoma"da nihoyatda ta'sirchan va jonli ifodalaydi. Asarda ona Vataninning har qarich yerini, tabiatini mehru muhabbat va yuksak mahorat bilan tasvirlaydi. Hatto Hindistonda Andijon qovunini qo'msab yashagani, uning xushbo'y hidini ko'zda yosh bilan eslashi o'sib kelayotgan yosh avlod ongi va qalbiga Vatanga sadoqat fazilatlarini shakllantirishga xizmat qiladi.

Shuningdek, Boburning o'z farzandlariga qilgan pand nasihatlarida, uning kuchli rahbar ekanligi, davlatdorlikda ularning o'rni, yurt manfaati yo'lida kimga suyanish lozimligi, ishonch va xiyonat kabi shaxs xususiyati bilan bog'liq favquloddagi qarashlari ham diqqatga sazovor. Bobur nazarida yurt boshlig'i, eng avvalo, qo'l ostidagilarga g'amxo'r, ularni iqtisodiy jihatdan ta'min holda tutishi kerak. Aks holda davlat boshqaruvida kutilmagan murakkablik, muammolar vujudga kelishi mumkin. Buning ustiga, podshoh ochko'z, askarlari rizqidan qiyadigan, ularning maoshlari, mehnat haqlaridan urib qoladigan kimsa bo'lsa, bu hech shubhasiz, saltanat uchun og'ir oqibatlarini keltirib chiqaradi.

Barcha temuriyzodalar ichida yolg'iz Bobur bobosi Amir Temurning yagona imperiyasini qayta tiklash, mustahkam saltanat barpo etish uchun kurashdi. Shu buyuk maqsadga eltuvchi biri sifatida yuksak axloqiy fazilatlaridan - insonparvarlik, atrofdegilarga mehr-shafqatli bo'lish, odamlar uchun muruvvat va saxovat eshigini ochishni o'z umrining mazmuniga aylantirdi.

Buyuk sarkardaning bunday qarashlarida uning nafaqat ulug' hukmdor, mohir sarkarda, shoir sifatida, balki shafqatli, mehr-muruvvatli inson sifatida ham barcha uchun hamisha ibrat ekanligining guvohi bo'lamiz. Shuning uchun ham bu ilg'or fikr va g'oyalardan fuqarolik jamiyati va huquqiy demokratik davlatimizni yanada yuksaltirish, o'sib kelayotgan yosh avlod ongida mustaqillik g'oyalari, inson huquqi va erkinliklariga hurmat tuyg'ularini shakllantirishda, ularni

ajdodlarimizning muqaddas xotirasiga ehtirom, ijtimoiy adolat, buyuk insoniy fazilatlar sohibi bo'lib yetishishlarida foydalanishimiz maqsadga muvofiq.

Xullas, o'zbek xalqining buyuk farzandi Zahiriddin Muhammad Bobur jahon xalqlari tamadduniga o'chmas iz qoldirgan genial shaxs, Hindiston zaminida Boburiylar sulolasiga asos solgan yirik davlat arbobi va adolatli shoh sifatida jahon ilm-fan, madaniyat va san'ati yuksak maqomga ega bo'lgan shaxs sifatida qoldi. Shoh va shoir Bobur haqida so'z ketganda, uning shaxsiyati va ma'naviy merosi asrlar oshsa-da jahon xalqlari tarixida o'zining qadr-qimmatini va ahamiyati bilan mangu qoladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. // Xalq so'zi, 2020- yil 30- dekabr, № 276.
2. Zahiriddin Muhammad Bobur. She'riyatidan namunalar. // <https://kh-davron.uz/>
3. Yusupova D. Adabiyot. Toshkent – 2013. 265

ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР- МАЪНАВИЯТИМИЗ САРВАРИ

Тўраев Б.Ф.

Чирчиқ ОТҚМБЮ катта ўқитувчиси,

Ҳазрати Бобур Мирзо ижодини ўрганар эканмиз, бунга яна бир бор амин бўламиз. Бу улуғ инсоннинг жавоҳир хазинаси биз ўзбекларнинг бошимизни сарбаланд, қаддимизни тик қилиб юришга ундайди. Халқимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Аммо аждодларимизнинг, яъни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маънавий ва инсонийликни қайта тиклаш учун хизмат қиладиган моддий ва маънавий ёдгорликларини қидириб топиш, уларни халқимизнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш йўлида сафарбар қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Албатта, бу йўлда ҳозирга қадар ҳам жуда катта ишлар амалга оширилди.

Халқда улуғ бир нақл бор: “Қатрада қуёш акс этади”. Дарҳақиқат, шундай. Қатрада қуёшнинг, демакки, нурлар оламининг акси бор, жилваси бор. У бир қатра ! Аммо бу муъжиза шундаки, унда оламнинг гузаллиги, нафосати, биллурлиги, шаффофлиги, шу билан бирга, маъсуллиги мужассамлашган. Бани башар қанчалик мадҳ этиб, қанчалик ва қандай талқин қилинмасин бод-бод оддий ҳақиқатга – қатрага қайтаверди. Унинг акли ва руҳи доимий равишда оддий ҳақиқатдан ҳайратлар оламига кучиб, ундан яна улуғ аслиятга – оддий ҳаёт ҳақиқатига келаверади. Бу мангуликка дахлдор ҳақиқат. Инсон ана шу ҳақиқат қаршисида – қатрадаги илоҳий мужда қошида лол ва ожиз қолаверади... [1].

Улуғ бобоколонишимиз, мислсиз сўз санъаткори ва салоҳият соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобур маънавиятимиз султони, сарваридир. Унинг ижодий меросини, хусусан, “Бобурнома” ва ҳатто кичик шеърини мисраларнинг гуё қатрага мисол келтиришимиз мумкин.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур инсон ва адиб, маданият арбоби ва саркарда, эътиқоди бутун ва тақводор ва шох, ростгуй адабиётшунос ва аламзада ота мақомида бағоят мураккаб, зиддиятлар тўлкини билан йўғрилган тақдир соҳиби эди. Умр бобида Бобур Мирзони “қисган” Парвардигори карим унга сахий қалб, улкан юрак, сеҳргар қаламу кескир қилич ато этди. Айни иноятлар унинг ҳаёт саҳифаларини нурлантирди, теран моҳият ва маъно бағишлади. Асрлар тўфонию бухронини писанд этмай, инсониятнинг янги – янги авлодларига етиб борувчи мангуликни унинг насибасига битиб қўйди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз даврининг фарзанди, мураккаб даврдаги ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг, зиддиятларнинг ғоявий мафкуравий қарашлар ҳукмрон бўлган замоннинг маҳсули. Бинобарин, Бобур адабий меросини, унинг фаолиятини айна мезон билан кўзатиш, баҳолаш зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳур фикрли инсон, илғор ғояли ижодакор сифатида маданиятнинг, маърифат ва маънавиятнинг тараққиёти учун, эзгу мақсадаларнинг тантанаси учун курашди. Шу мақсадда умр бўйи ибратли ишларни амалга оширди, Эл улусга наф, давлат - салтанатга фойда келтирди. Унинг бирдан бир мақсади инқирозга юз тутган темурийлар давлатини парчаланиб кетишидан сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда марказлашган йирик давлат барпо этиш эди. Ушбу нияти йўлида у ўзоқ ва шиддатли курашлар олиб борди, аммо муҳит бунга имкон бермади. Ўзаро жангу жадаллар, омонсиз тўқнашувлар туфайли, юз берган омадсизликлар, кетма-кет мағлубиятлар унинг ўз она диёридан бош олиб кетишга сабаб бўлди. Энди у жануб сари юриш бошлади. Афғонистон ва Ҳиндистонни эгаллаб, катта империя вужудга келтирди. Бу тарихдаги Янги бир салтанат – бобурийлар сатанати эди. Таъкидлаш жоизки, у асос солган империя Афғонистон ва Ҳиндистоннинг маданияти, иқтисодий – мафкуравий ҳаётида, умуман бу мамлакатларнинг тарихий тараққиётида ўчмас из қолдирди. Бугина эмас, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳар томонлама етук баркамол шахс сифатида дунё халқлари маънавий оламида ҳам сезиларли из қолдирган сиймолардан биридир.

Алҳол, умумбашарий фазилатлар соҳиби ва эзгу ғоялар тарғиботчиси бўлган ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни, биз, ҳақли равишда жаҳоний сиймо деймиз. Ва бунда аминманки, ҳеч қандай миллий маҳдудлик йўқ. Бунинг Яна бир далили шуки, бобоколонимизнинг ҳаётий чоғларидаёқ бой адабий мерослари ва серкирра фаолиятларини теран тадқиқ этиш, атрофлича ўрганиш учун кўплаб мамлакатларнинг атоқли олимлари илмий изланишлар олиб борганлар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг фавқуллода нодир истеъдоди, бекиёс инсоний салоҳияти билан ҳақли равишда жаҳон аҳлининг ҳайрат ва эҳтиромига мушарраф бўлди. Айна фазилатлари билан у миллатимизни, халқимизни бутун оламга танитди. Ва шу боис у миллатимизнинг, халқимизнинг ифтихор байроқларидан бирига айланди.

Дунёдаги не-не фозил инсонлар унинг ҳақида то ҳануз ҳайрат ва эътирофга тўла ҳикоялар сўзлайдилар. Ва, у тарихда камдан кам учрайдиган фавқуллода ходиса деганлар. Эрскин, Эдуард Халден каби Европа олимлари Бобурни тарихдаги ўша вақтларга қадар бўлган лашкарбоши, дипломат, давлат арбобларининг энг атоқлиларидан бири деб атаганлар. Улар Бобур томонидан адабиётга, фанга киритилган буюк ҳиссасини ҳаяжон билан қайд қиладилар.

Бобурнинг “Бобурнома”сини инглиз тилига таржима қилган Эрскин Бобур ҳақида шундай дейди: “Бобур характерининг энг мислсиз белгиси унинг бошқа мулкдорларникига мос келмаслигидадир”. Бобур тахта ўтирганига қарамай оддий турмушнинг энг яхши туйғуларини ва иштиёқини ўзида сақлаб қолган. Унинг бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай, руҳининг тетиклиги, подшоҳлар орасида камдан-кам учрайдиган сахийлиги, мардлиги, фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан мувофақиятли шуғулланиши жиҳатидан олиб қаралганда, Осиёдаги подшоҳлар ичида Бобурга тенг келадиган биронта ҳам подшоҳ тополмаймиз” [2].

Ҳарбий санъат жиҳатидан Бобурни ғарблик шарқшунос олимлар Юлий Цезар билан таққослайдилар, ҳатто уни Юлий Цезардан ҳам юқори қўйиб, 19 асргача лашкарбошилик санъатининг мўжизаси деб ҳисоблайдилар.

Бошқа бир олим Эдуард Холден шундай деган эди: “Бобур соф жентелмен ва жангчи бўлган. У олийжанобликда қандай хосиятлар бор бўлса, уларнинг барчасини эгаллаган, унинг манглайига юксак фазилат битиб қўйилган” [3].

Жавоҳарлал Неру Бобур ҳақида ўзининг “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” китобида шундай баҳони келтиради: “Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди”[4].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ф. Набиев “Сабр ила шукри ҳаё” ... Сихат саломатлик журнали. 2001, 3-4 сон.
2. В.Эрскин “Заҳириддин Муҳаммад Бобур” 1921 й.
3. История Востока, Лекции Курс III 1888-89 ун.год.
4. Джавахарлал Неру “Открытие Индии”. Из- до иностр. Лит-ры,

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАРБИЙ САРКАРДА ВА БЕНАЗИР САНЪАТ АРБОБИ СИФАТИДА

Жўраева С.Н.

*Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти “Психология ва педагогика” кафедраси
ўқитувчиси Психология фанлари номзоди, доцент*

Турсунов Б.С.

*Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти “Психология ва педагогика” кафедраси
ўқитувчиси*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Бобур кенг дунёқараши ва мукамал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеърлятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, «Мубаййин» («Баён этилган»), «Ҳарб иши», Аруз ҳақидаги рисоалари эса ислом қонуншунослиги, шеърлят ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо - ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили: буюк шоир, тарихчи, географ, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, бобурийлар сулоласи асосчиси, Темурий шахзода сифатида дунёга танилди.

Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо Фарғона вилояти ҳокими, онаси — Қутлуғ Нигорхоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг кизи эди. Бобурнинг онаси ўқимишли ва оқила аёл бўлиб, Бобурга ҳокимиятни бошқариш ишларида фаол кўмак берган, ҳарбий юришларида унга ҳамроҳлик қилган. Умаршайх Мирзо хонадони пойтахт Андижоннинг арки ичида яшар эди. Ҳоким ёз ойлари Сирдарё бўйида, Ахсида, йилнинг қолган фаслини Андижонда ўтказарди.

Бобурнинг ёшлиги Андижонда ўтган. Бобур барча темурий шахзодалар каби махсус тарбиячилар, йирик фозилу уламолар устозлигида ҳарбий таълим, фикҳ илми, араб ва форс тилларини ўрганади, кўплаб тарихий ва адабий асарлар мутолаа қилади, илм-фанга, шеърлятга қизиқа бошлайди. Довюраклиги ва жасурлиги учун у ёшлигидан «Бобур» («Шер») лақабини олади.

Бобур отаси йўлидан бориб, машхур суфий — Хожа Аҳрорга ихлос кўяди ва унинг тариқати руҳида вояга етади, умрининг охирига қадар шу эътиқодга содиқ қолади. Кейинчалик, «Бобурнома» асарида Бобур Хожа Аҳрор руҳи бир неча бор уни муқаррар халокатдан, хасталик ва чорасизликдан халос этганини, энг оғир шароитларда раҳнамолик қилганлигини таъкидлайди. Отаси Аҳсида бевақт, 39 ёшида фожиали халок бўлгач, оиланинг катта фарзанди, 12 ёшли Бобур валиаҳд сифатида тахтга ўтиради (1494 йил июнь).³³

Мовароуннаҳр 15-аср охирида ўзаро низолашаётган темурий шаҳзодалар ёки мулкдор зодагонлар бошчилик қилиб турган, деярли мустақил бўлиб олган кўпдан-кўп вилоятларга парчаланиб кетган эди. Мовароуннаҳр тахти учун кураш авжга чиққан, турли сиёсий фитналар уюштирилмоқда эди. Бунинг устига Умаршайх Мирзога тобе бир неча бек ва ҳокимлар ёш ҳукмдорга (Бобурга) буйсунишдан бош тортадилар.

Уларнинг айримлари Бобурнинг укаларини ёқласа, баъзилари мустақиллик даъвосини қилади, яна бошқа бирлари Бобурга рақиб, бошқалари амаки, тоғаларига қўшилиб, уни жисмонан йўқотиш пайига тушади. Ўз амакиси ва тоғаси бўлмиш Султон Аҳмад Мирзо билан Султон Маҳмудхон хуружларини даф қилган Бобур ҳукмронлигининг дастлабки 2-3 йилида мавқеини мустаҳкамлаш, бек ва амалдорлар билан ўзаро муносабатни яхшилаш, кўшинни тартибга келтириш, давлат ишларида интизом ўрнатиш каби муҳим чоратadbирларни амалга оширади.

Бобурнинг дастлабки сиёсий мақсади Амир Темур давлатининг пойтахти, стратегик ва географик жihatдан муҳим бўлган Самарқандни эгаллаш ва Мовароуннаҳрда марказлашган кучли давлатни сақлаш, мустаҳкамлаш ҳамда Амир Темур салтанатини қайта тиклашдан иборат эди.

1495—1496 йилларда Бобур Самарқандга икки марта муваффақиятсиз юриш қилади. 1497 йил кузида у Самарқанд атрофидаги бир қанча жойларни ва 7 ойлик қамалдан сўнг Самарқандни эгаллайди, Бойсунғур Қундузга қочади. Шаҳар қамал туфайли ниҳоятда оғир кунларни бошидан кечирмоқда эди. Ҳатто эк кунлик дон ҳам топиш мушкул эди. Бобур кўшинни таъминлашда катта қийинчиликларга дуч келди. Навкарларидан айримлари Андижон ва Аҳси томон қочиб кетадилар. Бунинг устига Андижонда қолган айрим беклар Бобурдан юз ўгириб, унинг укаси Жаҳонгир Мирзо тарафига ўтадилар.

Андижондан кўнгли нотинч бўлган ва иқтисодий қийинчиликларга учраган, айти замонда оғир хасталикни бошидан кечирган Бобур Самарқандни юз кун идора этгандан сўнг, уни тарк этишга қарор қилади. Аммо Хўжандга етганда Андижон ҳам қўлдан кетиб, муҳолифлар ихтиёрига ўтганини эшитади. Бобурнинг Тошкент ҳокими, тоғаси Маҳмудхон кўмагида Андижонни қайта эгаллашга уриниши натижа бермайди,

Бу муваффақиятсизлик Бобур кўшинига салбий таъсир этиб, кўпчилик бек, навкарлар (700—800 киши) Бобурни тарк этади. Ўзига содиқ кишилар (200—300) билан қолган Бобур маълум муддат Хўжандда тургач, Тошкентга — Маҳмудхон ҳузурига келиб, Андижонни қайтариб олиш режасини туза бошлайди. Маълум муддат ўтгач, Бобур Хўжандга қайтади, кўп ўтмай, Марғилонни қўлга киритади ҳамда Андижонни эгаллаш тadbирларини кўради. Ниҳоят, 2 йилдан сўнг (1498 йил июнь) уни қайта қўлга киритади. Бобур укаси Жаҳонгир Мирзо билан сулҳ тузиб, унинг ихтиёрида «Хўжанд сувининг Аҳси тарафи вилоятларини...» колдиради, Андижон тарафи вилоятларини ўз тасарруфига олади.

³³Заҳридин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» Тошкент: 1989 й. 368 б

Темурийларнинг ўзаро урушлари кучайган кезларда Шайбонийхон Мовароуннахрни истило қилишга киришади. У 1499 йил Жиззах ва Самарқанд орқали Қарши ва Шахрисабзгача босиб боради, катта ўлжа билан Дашти Қипчоққа қайтади. Орадан кўп ўтмай, катта куч билан Мовароуннахрга қайтган Шайбонийхон Бухоро ва Қоракўлни эгаллайди (1499), Султон Али Мирзо калтабинлик билан Самарқандни Шайбонийхонга жангсиз топширади (1500). Бироқ, шаҳар аҳолиси ва зодагонларининг маълум қисми темурийлар хукмдорлигини тиклаш тарафдори эди. Улар Фарғона ҳокими Бобурга мактуб йўллаб, Самарқандни ишғол қилишга даъват этганлар.

Бобур 1500 йил кеч кузида ўз кўшини (240 киши) билан Самарқандга етиб келгач, аҳоли унга пешвоз чиқиб, шаҳар дарвозаларини очиб беради. Шайбонийхоннинг шаҳар ҳимояси учун қолдирган 600 нафар аскарлари кириб ташланади. Шайбонийхон Бухорога чекинади. Қисқа вақт ичида Самарқанднинг барча туманлари, Қарши ва Ғузор шаҳрларида Бобур ҳокимлиги эътироф этилади. Аммо шаҳарда озиқ-овқат заҳиралари тугаб, очарчилик бошланган эди. Бундан хабар топган Шайбонийхон катта куч тўплаб, яна Самарқандга юриш бошлайди. 1501 йил апрелда Зарафшон бўйидаги Сарипул қишлоғи яқинида бўлган жангда Бобур кўшинлари енгилди. Бобур Самарқандга чекинади. Шаҳар яна қамал қилиниб, у тўрт ой давом этади. Қамалда қолган шаҳар аҳолисининг очликдан тинкаси қуриydi, Бобур 1501 йилнинг 2-ярмида ноиложликдан Самарқандни тарк этиб, Тошкентга, Маҳмудхон ҳузурига йўл олади.³⁴

Бобур Темурийлар салтанатини ҳимоя қилиш ва уни сақлаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилиб, Шайбонийхонга қарши бир неча йил давомида муттасил кураш олиб борсада, аммо мамлакатда ҳукм сурган оғир иқтисодий танглик ва сиёсий парокандалик шароитида мақсадига эриша олмайди.

Бобур Самарқанд тахти учун курашаётган пайтда Андижонни Султон Аҳмад Танбал эгаллаб олади. 1501-1504 йилларда Бобур Фарғона мулкани қайтариб олиш учун Султон Аҳмад Танбал, Жаҳонгир мирзоларга қарши олиб борган кураши муваффақиятсизлик билан тугайди. Темурийларнинг тўхтовсиз жанглари ва оғир солиқларидан толиққан халқ Бобурни қўлламади ва у Мовароуннахрни тарк этишга (1504 йил июнь) мажбур булади.

Бобур 200—300 наварлари билан Ҳисор тоғлари орқали Афғонистонга ўтади ва у ердаги ички низолардан фойдаланиб Ғазни ва Қобулни эгаллайди. Бобур Қобулни эгаллагач, мустақил давлат тузишга жадал киришади, кўшинни тартибга келтиради, қаттиқ ички интизом ўрнатади. Қобулга, умуман Афғонистонга Бобур ўз юрти каби қаради, қурилиш, ободонлаштириш, касбу ҳунар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишларини бошлаб юборади. «Боғи Шаҳрор», «Боғи Жаҳоноро», «Ўртабоғ», «Боғи вафо» ва «Боғи Бобур» каби оромгоҳлар ташкил этди. Шаҳар ичидаги Боло Ҳисор қалъасини ўз қароргоҳига айлантириб, уни қайта таъмирлатди, янги иморатлар қурдирди ва оиласи билан шу қалъада яшади. Унинг Ҳумоюн, Гулбаданбегим, Комрон ва Ҳиндол исмли фарзандлари шу ерда туғилади. 1506 йил баҳорда вафот этган Қутлуғ Нигорхоним Мирзо Улуғбек шу ерда бунёд эттирган «Боғи Наврўзий»га дафн этилади.

Бобур Афғонистонда бир фотиҳ сифатида эмас, балки шу юрт, эл ободонлиги ва равнақи учун жон куйдирган тадбирли хукмрон сифатида қизгин фаолият кўрсатди. Бобур бутун Хуросон ва Мовароуннахрда қудратли давлат бошлиғи ва музаффар саркарда сифатида катта обрў орттира борди, минтақадаги сиёсий ҳаёт эътиборли ўринга кўтарилди.

³⁴ Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» Тошкент: 1989 й. 368 б

Темурийлар томонидан Шайбонийхон қўшинларига тўсиқ қўйиш режалари амалга ошмайди ва тез орада бирин-кетин мағлубиятга учраб, салтанатни батамом қўлдан чиқарадилар.³⁵

1507 йил бошларида Бобур Ҳиндистонга юриш бошлайди. Аммо, бу уриниши муваффақиятсиз тугаб, яна пойтахт Қобулга қайтади.

Бобур Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сиёсий вазият ва уруш ҳаракатларини кузатиб боради, ўз қўшинларини доимо шай тутати. Шайбонийхон Хуросоннинг йирик марказларини қўлга киритгач, Эронни забт этиш учун юриш бошлайди. Аммо, Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан қаттиқ тўқнашувда (1510) енгилди, ўзи ҳам Марвда ҳалок бўлади. Шоҳ Исмоил Хуросон ва Мовароуннаҳрга қўшин киритиб шайбонийларга кетма-кет шикаст етказа бошлайди. Бобур шоҳ Исмоил билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиб, 1511 йил баҳорида Ҳисорни, ёзида Бухорони, октябрь бошида эса Самарқандни яна қўлга киритади. Бобурнинг шиа мазҳабидаги эронийлар раъйи билан иш тутиши аҳолида норозилик туғдиради. 1512 йил 28 апрелда Кўли малик жангида Убайдулла Султон бошлиқ шайбонийлардан енгилган Бобур Ҳисор томон кетади. 1512 йил кузида Бобур шоҳ Исмоил юборган Нажми Соний лақабли лашкарбоши билан Балхда учрашиб, Амударёдан кечиб ўтиб, аввал Ҳузар (Ғузур) қалъасини олади, сўнг Қаршига юриш қилади, шаҳар узоқ муддатли қамалдан сўнг таслим бўлади, шаҳар ҳимоячилари қаттиқ жазоланади. 1512 йил 24 ноябрда Ғиждувон жангида Бобур шайбонийлардан яна енгилиб, Қобулга қайтишга мажбур бўлади. Бобур Мовароуннаҳрни эгаллаш илинжидан узил-кесил умидини узади ва бутун эътиборини Ҳиндистонга қаратади.

1519 йил баҳорига келиб Бобур Ҳиндистонни забт этади ва Шимолий Ҳиндистоннинг Бенгалиягача бўлган қисмини ўзига бўйсундиради. Аграни ўзига пойтахт сифатида танлаган Бобур катта қурилиш ва ободончилик ишларини бошлаб юборади. Шу тариқа Бобур Ҳиндистонда уч ярим асрга яқин ҳукм сурган қудратли бобурийлар сулоласига асос солади.

Бобур Ҳиндистонда ҳам, худди Афғонистонда бўлганидек, кўплаб ижтимоий-хайрли ишларни амалга оширди. Тарқоқлик ва парокандаликка, ўзаро ички низо, қирғинларга барҳам бериб, вилоятларни бирлаштирди, марказлашган давлатни мустаҳкамлаш ва юртни ободонлаштиришга, илму ҳунар ва деҳқончиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Қурилиш ишларига бошчилик қилди.

Бобурнинг ўз гувоҳлигига кўра, шоир сифатида ижодий фаолияти Самарқандни иккинчи марта эгаллаган вақтда бошланган; «Ул фурсатларда бирор-иккирап байт айтур эдим», деб ёзади у. Бобур Самарқанддалигининг илк ойларида Алишер Навоий ташаббуси билан улар ўртасида ёзишма бошланади. Бобур атрофида ижодкорлар тўплана бошлаши ҳам шу йилларга тўғри келади. Жумладан, Биноий, Абулбарака ва Бобур ўртасидаги рубоий мушоираси Самарқанддаги қизгин адабий ҳаётдан дарак беради. Умуман, давлат арбоби ва кўп вақти жангу жадалларда ўтган саркарда сифатида ижтимоий фаолиятининг энг қизгин даврида ҳам, шахсий ҳаёти ва давлати ниҳоятда мураккаб ва хатарли шароитда қолган чоғларида ҳам Бобур ижодий ишга вақт топа билган, илм, санъат ва ижод аҳлини ўз атрофига тўплаб, ҳомийлик қилган, уларни рағбатлантирган.

Ўтмиш адабиёт ва тарих, мусиқа ва санъатдан яхши хабардор бўлган, диний таълимотга чин ихлос қўйган Бобур ҳар доим олиму фозиллар даврасида бўлди, хусусан ижод аҳлига, касбу ҳунар соҳибларига самимий эҳтиром кўрғазиб ҳомийлик қилди, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириб турди. Ижод ва санъат аҳлига бундай меҳрли муносабат асло бежиз бўлмаган. Бобур табиатан ижодкор эди. Йигитлик йилларидан бошлаб то

³⁵Пиримқул Қодиров «Юлдузли тунлар» Тошкент: 2015 й. «Янги аср авлоди» 668 б.

умрининг охиригача самарали ижодий иш билан шуғулланди, ҳар қандай шароит ва вазиятларда ҳам ижоддан тўхтамади, натижада, ҳар жиҳатдан муҳим бой илмий ва адабий мерос қолдирди.

Бобур 18-19 ёшларида рубоий ва ғазаллар ёза бошлаган. Унинг «Топмадим» радифли ғазали ва «Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши» мисраси билан бошланувчи рубоийси ўша йиллардаги ҳаёти билан боғлиқ.

Бобурнинг улкан санъаткорлиги шундаки, шахсий кечинмаларини жиддий умумлашма даражасига кўтара олади ва натижада асарларида олға сурилган ғоялар умуминсоний кадриятлар даражасига кўтарилади. Бобур ижодида, хусусан, шеъриятида киндик қони тўкилган она юртини дил-дилдан қўмсаш, унинг тупроғига талпиниш, ғариблик азобларидан ўтли хасрат, ёру диёр соғинчи ва висол илинжи, тақдир зарбалари ва турмуш уқубатлари, замона носозликларидан нола бадий таҳлил этилади.

Бобур ижодида ишқ-муҳаббат, севги-садоқат, висол ва ҳижрон мавзуи ҳам салмоқли ўрин тутди. Унинг ғазал ва рубоийларида, туюқ ва маснавийларида маъшуканинг мафтункор гўзаллиги, беқиёс хусну латофати, шарқона одобу ахлоқи, нозу карашмаси енгил ва ўйноқи, мусикий ва равон мисраларда катта маҳорат билан тараннум этилади.

Бобурнинг ўз шеърӣ асарларини тўплаб, девон ҳолига келтирган санани кўрсатувчи аниқ тарихий маълумотлар маълум эмас. Аммо «Бобурнома»нинг 1518—19 йиллар воқеалари баёнига бағишланган фаслида Бобур девонини Қобулдан Самарқандга юборганлиги тўғрисида сўз боради. Демак, шу йилларда унинг девонига тартиб берилган ва мазкур девон Мовароуннаҳрда ҳам тарқалган.

Ҳозирда унинг 119 ғазали, бир масну шеъри, 209 рубоийси, 10 дан ортиқ туюқ ва китъалари, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фардлари аниқланган. Девони таркибида умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган.

Ҳиндистон юришлари даври (1521)да Бобур «Мубаййин» асарини яратди. Маснавий тарзида ёзилган, ислом ҳуқуқшунослиги ва шариат акидаларига бағишланган бу асарда Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонга оид ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳаёти бўйича қизиқарли маълумотлар ҳам жамланган. Валиаҳд Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга дастуруламал сифатида мўлжалланган «Мубаййин»да, айнаи замонда, намоз, закот ва ҳаж зиёрати тўғрисида ҳам шаръий мезонлар баён қилинган. Шу йилларда Бобур Шарқ шеъриятининг асосий масалаларидан бири аруз вазни, унинг назарияси ва амалиётига оид илмий рисоласини яқунлайди. Бобур номини дунёга машҳур қилган шоҳ асари «Бобурнома» устидаги ижодий ишини 1518-19 йилларда бошлаган.

Бобурнинг юқорида келтирилган асарларидан ташқари, «Хатти Бобурий», шунингдек мусиқа санъати ва ҳарб ишларига махсус бағишланган қатор рисоалари ҳам бўлган. Аммо кейинги икки асар матни ҳануз топилган эмас. «Хатти Бобурий»да муаллиф араб алифбосини таҳрир этиб, ёзувни соддалаштириш ва осонлаштириш мақсадида уни туркий тил ва талаффуз мезонларига мослаштирган.³⁶

Бобурнинг моҳир таржимон сифатидаги қобилияти намоён бўлган 243 байтли бу асар катта ижодий илҳом билан жуда қисқа муддатда яқунланган. Бу йилларда у «Бобурнома» фасллари устида ишлашни давом эттирди, янги-янги ғазал-рубоийлар яратди, ўз ибораси билан айтганда, «Ҳиндистонга келгали айтқон ашъорни» тартибга солиб, шунингдек, «Волидия» таржимасини, «Хатти Бобурий» билан битилган намуна ва китъаларни Мовароуннаҳр ва Афғонистонга, Ҳумоюн, Хожа Калон, Ҳиндол ва бошқаларга юборди.

³⁶ Пиримкул Қодиров «Юлдузли тунлар» Тошкент: 2015 й. «Янги аср авлоди» 668 б.

Ҳумоюн Мирзога аталган ижтимоий-ахлоқий масалаларни таҳлил этувчи машҳур мактуби ҳам Бобур ижодий фаолиятининг ёрқин қирраларидан бири бўлди.³⁷

Заҳириддин Мухаммад Бобур ўзининг сермазмун ва баракали ижоди билан жаҳон маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган буюк сиймолардан биридир. Маълумки, Марказий Осиё халқларининг тарихида темурийлар даври маданияти алоҳида ажралиб туради. Темурийлар даврида фан ва инсон маданиятининг турли жабҳалари юксак поғонага кўтарилган бўлиб, айнан шу давр тарихи саҳифаларида Мирзо Улугбек, Али Қушчи, Козизода Румий каби ҳақиқий илм даҳолари; Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий сингари шухрати жаҳонга таралган тарихчилар; Абдурадмон Жомий, Лутфий, Саккокий, Атоий, Алишер Навоийдек улуг шоирлар; Бехзод, Махмуд Музахдаб, Султонали Машҳадий, Султон Мухаммад Хандон каби юзлаб буюк мўйқалам соҳиблари ва китобат санъатининг беназир устозлари етишиб, серунум ижод этишган.

Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг серташвиш ҳаёти ва жўшқин фаолияти ана шу сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан инкирозга учраб, таназзулга тушаётган темурийлар салтанатининг сўнгги даврига тўғри келган эди. «...У турли фазилатлар билан безанган ва мақтовли хислатларга эга бўлган бир подшоҳ эди. Ушбу барча фазилатларидан шижоат ва муруввати устун турарди. Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур ёзган даражада ёзган эмас».

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, Бобур ҳақида машҳур инсонлар нуқтаи назаридан эътибор берадиган бўлсак бу фикрларнинг нақадар тўғрилигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан:

Мирзо Мухаммад Ҳайдар. «Тарихи Рашидий»дан.

«Бобур дилбар шахс эди. Уйғониш даврининг ажойиб султони, кучли, тадбиркор киши бўлиб, санъатни, адабиётни, гўзалликни севарди». *Жавоҳарлаъл Неру. «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобидан.*

«Бобур феъли-сажиясига кўра Цезарга қараганда севишга арзигуликдир. Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган». *Эдуард Холден, инглиз тарихчиси.*

«Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди». *Уильям Эрскин, «Бобурнома» таржимони.*

Умуман олганда Бобурнинг машаққатли ва сермазмун ҳаёт йўли бугунги кунда барчамизга ўрнак бўла олади. Чунки унинг сабр-матонати, зехни, мардлиги бугунги ҳар бир ватан ҳимояси учун отланган йигитларимизга дастурул амал бўлса арзийди. Бундан қанчалик тўғри хулоса чиқарсак ва уларга амал қилсак шунчалик эл-юрт хизматида кўплаб мардонавор ишларни тўлақонли амалга оширишимиз мумкин.

³⁷ Пиримкул Қодиров «Авлодлар давони» Тошкент: 2018 й. «Ёшлар нашриёт уйи» 528 б.

БОБУРИЙ БЕГИМЛАР ҚУРДИРГАН ИМОРАТЛАР

Шамсиева Х.

Бобур номли халқаро жамоат фонди ходими

Ёдгор Тоғойининг қизи, манбаларда Хожибегим номи билан ҳам машхур бўлган Эроннинг Хуросонидан бўлган доно ва билимли Бекабегим, 1511 йили туғилган бўлиб, тиббиёт ва даволаш илмини пухта эгаллаган. 1527 йили Ҳумоюн мирзо Бадахшон ҳоқими этиб тайинлангач у ўз тоғаваччасига турмушга чиқади. 1528 йилнинг ноябрида Ҳумоюн мирзонинг тўнғич фарзанди шахзода Аломон мирзони дунёга келтиради. Шершоҳ кўшини таъкибидан қочаётган пайтда вафот этган ўғли Аломон мирзо ва Чоуса яқинидаги Ҳумоюн мирзо қароргоҳига уюштирилган жангда ўлдирилган қизи Ақиқа Султонбегимларнинг вафотидан сўнг ҳаж зиёратини амалга оширади. Фарзандларининг вафотидан сўнг ҳаётини ибодатга бағишлаган.

1530 йилнинг декабрида подшоҳ Бобур вафотидан сўнг тахтга ўтирган Ҳумоюн 23 ёш бўлса, саройнинг биринчи хонимига айланган Бека бегим атиги 19 ёшда эди. У илк бор Ҳиндистонга келди. Умрининг охиригача эри ва сарой аҳли Бекабегимга яхши муносабатда бўлиб, ардоқлашди. Ҳатто Бекабегимни асирликка олган Шершоҳ ҳам маликага нисбатан ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, уни ортга қайтарган эди. Гулбадан бегимнинг ёзишича давлат ишларидан ошмай қолган Ҳумоюн мирзо маликани йўқламай қўйганда ҳам ундан ранжиганини рўйи рост билдирган жасоратли аёл эди.

Афтидан Ҳумоюн мирзо Ҳамидабону бегимни 13 ёшлигида Лахўрдаги укаси Ҳиндол мирзо саройида учратиб севиб қолган бўлсада, Бека бегим уни кўпроқ севган кўринади. 1556 йили Ҳумоюн мирзо фожеали тарзда вафот этгач ўз севгисининг исботи сифатида унинг хотирасига атаб бунёд этган мақбара фикримизнинг ёрқин далилидир. 1564 йили малика Гулбадан бегим билан бирга Ҳаж зиёратига боради, марҳумнинг ҳаққига тиловат қилишлари учун Маккадан 300 та арабни олиб келади, 500 нафар фақирларга катта миқдордаги хайр-эҳсон ажратади. Илм аҳлига ҳомийлик қилиб, мақбара ёнида Араб саройи мадрасасини қад кўтарилишига масъул бўлади. Пойтахт Аграга кўчирилганда ҳам ушбу иморатни куриш истагида ёнаётган малика Дехлини тарк этишдан бош тортиб, шу ерда қолади.

Ўша давр тарихчиси Бадаунийнинг ёзишича, Акбар Бекабегимни ўз онасидан кам кўрмасди. Кунлардан бир куни ёшгина шахзода Акбарнинг тиши оғриб қолади, оғрикка қарши дори келтиришганда турли фитна-фасод, хатарларга тўла саройда саросимага тушиб қолган Ҳамидабону бегим дорини беришга иккиланиб қолади. Шунда ўғай бўлсада, аммо Акбаршоҳни ўз боласидек яхши кўрадиган малика Бекабегим ҳеч иккиланмай ўз хоҳиши билан дорини ютиб юборади. Дори синовдан муваффақиятли ўтгач, шахзода Акбарга беришади.

Малика 1581 йилда вафот этади ва Акбар бошчилигида унинг жасади Ҳумоюн мирзо мақбарасига дафн этилади.

Дехлидаги энг хушманзара қадамжоларидан бирига айланган, келгусида мўъжизавий Тож Маҳалнинг яралишига илҳомлантирган Ҳумоюн мирзо мақбарасининг курилиши тахминан 1568 ва 1571 йиллар оралиғида амалга оширилган. Бобурийлар салтанати архитектурасининг дастлабки улкан намунаси ҳисобланган, Ҳиндистондаги боғ услубида куриб битказилган илк мақбара бўлиб, мақбаранинг Ҳумоюн мирзо вафотидан сўнг курилмаганлигига сабаб у пайтларда Бобурийлар салтанати ҳали тўлалигича салтанат сифатида шаклланиб улгурмаган эди. Салтанат Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврида

мустаҳкамлангач, унинг молиявий қўллаб-қувватлаши натижасида Ҳумоюн мирзонинг катта хотини Бекабегим томонидан эрининг хотираси учун бунёд этилган. Умуман олганда салтанат маликалари Акбарий мақбараси (айни пайтда мавжуд эмас), Фотехпурий мақбараси, Зийнат ул манзил каби улкан қурилишларнинг сабабчилари, шунингдек, тарғиботчилари ҳам бўлишган.

Ҳумоюн мирзо мақбарасининг қурилишида сулоланинг кекса аёлларига ниҳоятда эътиборли бўлган Акбаршоҳнинг хиссаси ҳам катта бўлган. Малика Акбаршоҳ ёрдамида қурилиш учун бухоролик уста ва меъморларни ёллаган. Боғ билан бинони лойиҳалаштирган бу икки бухоролик меъмор Сайид Мирақғиёс ота ва унинг ўғли Сайид Муҳаммад бўлиб, бутун Ҳиндистон минтақасида ўз даврида ягона ва бетакрор бўлган мақбарани бунёд этишда узоқ пайт меҳнат қилганлар.

Ҳумоюн мирзо мақбараси йирик комплекс бўлиб, Ямуна дарёси соҳилидаги улкан боғ ичида барпо этилиб, нафақат мақбара сифатида балки салтанатнинг шоҳлик маҳобати ҳақида ҳам ҳикоя қилувчи улкан қурилиш намунасидир. Унинг жойлашуви муҳим аҳамият касб этади. У Ҳиндистоннинг “Маҳабхарата” номли достонидаги воқеалар юз берган қадимий Индрапрашта ҳудудида бўлиб, чиштиларнинг муқаддас қароргоҳи ҳисобланган авлиё Низомиддин қароргоҳига яқин жойда жойлашган, ҳиндлар ва мусулмонлар анъаналарини ўзида бевосита мужассамлаштирган, Бобурийлар салтанатининг маҳобатидан дарак берувчи, темурийлар анъаналарига мувофиқ чорбоғ усулида қурилган мақбарадир. Чорбоғ (тўрт боғ) шаклида боғларнинг қурилиш тарихи аслида ислом маданиятидан анча олдинги сосонийлар ва аҳамонийлар даврларига бориб тақалади. Салтанатнинг илк асосчиси бўлган Бобур мирзо даврига келиб, бу шаклдаги боғларни қуриш урфга кирди. Мақбарада Ҳумоюн мирзо қабридан ташқари маликалар Хамида бегим, Аврангзебнинг фармонига кўра боши танасидан жудо қилинган Ҳумоюн мирзонинг чевараси ва Шоҳ Жаҳоннинг фарзанди бўлмиш бахтиқаро Доро Шукуҳ ва яна бошқа кўплаб Бобурий шаҳзодалар ҳам дафн этилган. Маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар эътиборига тушган Дехлидаги ушбу мақбара 1993 йили ЮНЕСКО томонидан рўйхатга олинган. кейинчалик Оғохон фонди томонидан қайта таъмирланди. 1857 йилдаги ҳиндларнинг босқинчиларга қарши кўзғолонида мақбара сўнгги Бобурийзода подшоҳ Баҳодиршоҳ Зафар ва унинг уч шаҳзодаси учун қароргоҳ бўлиб хизмат қилган.

Бека бегимни Бобурийлардан чиққан илк қурувчи аёл десак, муболаға бўлмайди. Ушбу анъанани Бобурий бегимлар кейинчалик масжид, бозор ва боғлар бунёд қилиб давом эттиришди.

ШОҲ ВА ШОИР, ОЛИМ ВА САРКАРДА

Ҳакимов А.М.

Фаргона политехника институти ўқитувчиси

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) атоқли давлат арбоби, саркарда, шу билан бирга, истеъдодли шоир, тарихчи ва заковатли олимдир.

Насл-насаби: Умаршайх кўрагон ибн Султон Абусаид кўрагон ибн Султон Муҳаммад мирзо ибн Мироншоҳ мирзо ибн Амир Темур кўрагондир. Она томондан – Қутлуқ Нигор хоним Юнусхон қизи ибн Увайсхон ибн Шералихон ибн Муҳаммадхон ибн Хизр Хожaxon ибн Туғлуқ Темурхондир.

У инқирозга юз тутган темурийлар давлатини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, Ўрта Осиёда марказлашган, йирик давлат вужудга келтириш учун узоқ вақт ва қаттиқ кураш олиб

борди. Бироқ тарихий шароит бунга имкон бермагач, у Афғонистонни, кейинчалик эса Ҳиндистонни эгаллади ва катта империяни вужудга келтирди. У асос солган салтанат Афғонистон ва Ҳиндистоннинг сиёсий-иқтисодий ва маданий тараққиётида ўчмас из қолдирди. Бобур асос солган давлат Ҳиндистоннинг Англия томонидан босиб олинишига қадар яшади. Бобурийлар сулоласи Ҳиндистоннинг сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш, маданиятини ривожлантиришда катта ижобий роль ўйнади.

Халқимизнинг атоқли сўз санъаткорларидан бири, мумтоз адабиётимизнинг машҳур намояндаси, шоҳ ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бой ва ўлмас адабий мероси неча асрлардан буён мухлисларнинг, адабиёт муҳибларининг севимли маънавий мулкига айланиб қолган. Мумтоз адабиётимиз тараққиётига бемисл ҳисса қўшган улуғ бобокалонимизнинг муборак номи жаҳон адабиёти сиймолари орасида ҳам муносиб ўрнига эга.

Биринчи юртбошимизнинг қуйидаги таъкидлари бевосита Бобур мирзога ҳам тааллуқлидир: “Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди”.³⁸

Дарҳақиқат, Мирзо Бобур мумтоз адабиётимиз равнақида етакчи роль ўйнаган, сўз санъатини бемисл юксакликка кўтарган, бадиий тафаккур қудрати, асарларида олға сурилган илғор умумбашарий ғояларининг аҳамияти бугунги кунда ҳам муҳим ўринга эга бўлган қалам соҳибидир. Шу билан бирга бу улуғ зот жаҳон тарихида бобурийлар ёки буюк мўғуллар империяси деб номланувчи сулолага асос солган улуғ ҳукмдор ва атоқли саркардадир.

Шоҳ ва шоирнинг “Бобурнома” асари унинг адабий меросида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ушбу асардан ўрин олган ҳар бир йил воқеалари бетакрор бадиияти, ҳаққонийлиги, ғоялар қамрови, фалсафий-маърифий жиҳатлардан ўзига хос адабий обидадир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур умр бўйи тож-тахт талашуви гирдобларида, турли жангларда, жамиятдаги инқирозли даврларда яшади ва ижод қилди. Ўзининг машаққатли умр йўлидан ҳикоя қилувчи “Бобурнома” асарининг охирида ҳам, худди қиссадан ҳисса чиқарган каби, қуйидаги рубоийсини битиб қолдирган:

*Бу олам аро ажсаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум,
Ҳар ким бу “Вақоеъ”ни ўқур, билгайким,
Не ранжу, не меҳнату не ғамлар кўрдум.*

Шоҳ ва шоир бир лаҳза бўлса ҳам халқ билан алоқасини узмаган. Ҳамиша эл-юрт ташвиши билан яшаганлигини шоирнинг замондошлари ҳам ёзиб кетганлар. Жамият билан узвий боғланган ҳолда ижод қилиш Бобур асарларининг ғоявий ва бадиий фазилатларини оширишда, адабиётнинг ҳаёт олдидаги вазифаларини аниқлашда муҳим роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” асарида Бобур ҳақида шундай ёзган эди: “Бобур дилбар

³⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. 2008. 30-бет.

шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор шахс бўлган. У санъатни, адабиётни севган... Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъатда, ҳаётда, меъморчиликда ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янги таракқиёт юз берди”.

Бобурнинг яна бир муҳим фазилати ўзгаларнинг камчилик ва нуқсонларини ҳаққоний ва рўй-рост танқид қилишида, ўзи ҳам танқидни тўғри қабул қилишида, ўз асарлари ҳақида бошқаларнинг фикри билан қизиқишида кўринади:

Ҳар ердаким гул бўлса, тикан бўлса не тонг,

Ҳар қайдаки май дурдидан бўлса не тонг.

Шеъримда агар ҳазл, агар жид, кечиринг,

Яхши борида агар ямон бўлса не тонг?!

Айнан мана шу мазмунни улуғ шоир ўзининг лирик шеърларида ҳам қайта-қайта таъкидлайди:

Бобуро, шеърингга гар солса қулоқ ул шоҳинг,

Бўлгусидур сўзунга қадр дури макнунча.

Демак, шеър муаллифи асар жамиятга фойдали бўлсин учун ҳар қанча меҳнат талаб қилинса, бажариш кераклиги ғоясини илгари суради.

Бобур девонининг икки нусхаси – Париж ва Ҳиндистон нусхалари

фанга маълум. 1983 йилда афғонистонлик олима Шафиқа Ёрқин хоним Кобул шаҳрида “Девони Бобур” китобини чоп эттирди. Мазкур девонга киритилган шеърлар маълум нусхаларни таққослаш ва тўлдириш орқали юзага келди. Ана шу девон асосидаги Бобур шеърларидан иборат тўплам 1994 йилда Тошкентда “Фан” нашриётида чоп этилди.

Бобур шеърлари инглиз (1910), француз, рус (1943), турк (1931) ва бошқа бир неча тилларга таржима қилинган ҳамда нашр этилган. Шоир ижодига қизиқиш тобора кучаймоқда ва таржима жараёнлари ҳозир ҳам қизгин давом этмоқда. Бобур девонидан ғазал, рубоий, туюқ, маснавий, китъа, фард ва бошқа жанрлардаги шеърлар ўрин олган. Унинг девонида оддий ғазаллардан ташқари ғазали мусажжаъ (ички қофияли), китъа ғазал, ҳусни матлаъ сингари ғазал турлари ҳам учрайди. Ғазал, рубоий ва туюқ Бобур энг кўп муурожаат қилган лирик жанрлардир.

Бобур инсоният маданий ҳаёти тарихида ҳам чуқур из қолдирди. Унинг фаолияти ҳамда меросини ўрганишда турли соҳа олимлари – тарихчилар, филологлар, табиатшунослар, географлар ва бошқалар катта натижаларга эришдилар. Унинг асарлари қайта-қайта нашр этилди, тадқиқотлар ва илмий-оммабоп асарлар яратилди.

Бобур мирзо қанчалик машҳур шоир, қанчалар забардаст ва музаффар саркарда бўлмасин, она юрт соғинчи билан ҳамиша ўқиниб, ўксиниб яшади:

Кўндин бериким ёру диёрим йўқтур,

Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.

Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,

Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур -

дея нола чекади машҳур рубоийларидан бирида. Яна бир ўринда эса

Толё йўқи жонимга балолиг бўлди,

Ҳар ишники айладим хатолиг бўлди.

Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,

Ё раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди

сингари мисраларда ўз-ўзига маломатлар қилади. Она юрт армони билан саргардонликда яшаган улуғ шоҳ ва шоир ижодидан ана шундай дардли мисраларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрлардаги Шарқ мамлакатларида кечган ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий жараёнлар тарихини ўрганишимизда, халқимизнинг ижтимоий-фалсафий тафаккури ривожига, ёшларни юксак маънавиятли, ватанпарвар кишилар қилиб тарбиялашда Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг адабий мероси алоҳида ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. 2008. 30-бет
2. Заҳириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома, Тошкент, ЎзФАН, 1960, 78-бет.

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БУЮК ШОИРИ

Хасанбоев Б.

Чирчиқ ОТҚМБЮ Педагогика ва психология цикли бошлиғи ,

Тураев М.

цикл бошлиғи

Ўзбек давлатчилиги тарихида Заҳириддин Мухаммад Бобур XVI аср ўзбек адабиётининг кўзга кўринган йирик вакиллари билан бири бўлиб, ўз ижодида Низомий, Хусрав Дехлавий, Лутфий, Навоий анъаналарини давом эттирган буюк шоирдир. Бобур асарлари ўзининг юксак ғоявийлиги, чуқур мазмундорлиги ва бадиий равллиги билан ажралиб туради.

У ўзининг мураккаб ҳаёт йўли, дунёқараши, шунингдек, бой адабий-илмий мероси билан ўзбек адабиёти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

Бобур ўзининг 47 йиллик умри мобайнида каттагина шеърлар тўплами тузди. «Мубаййин», «Рисолаи волидийа» номли шеърый асарлар яратди, жаҳонга шуҳрати кетган комусий асар «Бобурнома»ни ёзди. «Хатти Бобурий» деб номланган янги алифбо тузди. Аруз, қофия, мусиқа ва ҳарбий ишга оид рисолалари билан илмга катта ҳисса қўшди.

Афсуски, Бобурнинг қофия, мусиқа ва ҳарбий ишига оид рисолалари, қўлёмаларининг тақдирлари ҳамон бизга номаълум. Бобурнинг ҳозирча ўзбек ва форс-тожик тилларидаги шеърларидан таркиб топган қатор қўлёмаларининг нусхалари мавжуд бўлиб, улар Европа ва Осиё давлатларининг йирик кутубхоналарида сақланмоқда. Бобур ўзбек адабиётида лирик жанрларнинг ривожига катта ҳисса қўшди. Унинг лирик мероси хажман унча катта бўлмаса-да, мавзу доираси, ғоявий моҳияти ва шаклий такомилли билан ажралиб туради. Бобур лирикаси маълум даражада шоирнинг автобиографиясидир. Заҳириддин Мухаммад Бобур ёшлигидан бадиий адабиётга, шеърятга қизиққан. Атоий ва Саккокий, Лутфий ҳамда Навоий каби ўзбек шоирлари, Хусрав Дехлавий, Хофиз, Саъдий, Жомий каби форс-тожик шоирларининг асарларини кунт билан мутолаа қилган. У 1506 йилнинг кузида Ҳиротда бўлганида Алишер Навоийнинг уйида яшаб, улуғ шоир қаламига мансуб бўлган «Ҳазойин ул-маоний»нинг нодир қўлёмаси билан танишиб чиққан ва ундан терма девон ҳам тузган эди [1].

Маълумотларга қараганда, Бобур умр буйи яратган лирик асарларидан икки девон тузган. Уларнинг биринчисига Мовароуннахр ва Афғонистонда, иккинчисига Ҳиндистонда

ёзган шеърларини киритган [2]. Бобур тириклик пайтидаёк бу девонларни кўчиртириб, ўғиллари ва бошқа кишиларга, жумладан, Самарканд ҳокими Фулод Султонга ҳам юборган. Бобурнинг бизгача етиб келган лирик мероси 4000 мисрага яқин бўлиб, улар ғазал, рубоий, туюк, қитъа, фард ва маснавийлардан иборат.

Шоир лирик асарларига хос умумий хусусият шундан иборатки, улар мумтоз адабиётимиз анъаналари асосида яратилган бўлса ҳам, услубининг содда ва равлонлиги, хажмининг ихчамлиги, кўпроқ, реал ҳаётини воқеа-ҳодисалар заминида майдонга келгани билан ажралиб туради. Натижада унинг шеърларида тарихийлик билан лиризм, ҳаётинилик билан бадиийлик, ҳиссий кайфият билан ҳаққоний ифода ўзаро уйғунлашиб боради. Бу ҳолат шоир ижодий услубининг ўзига хослигини ҳам белгилайди.

Шоир лирикасининг марказида муҳаббат мавзуси, инсоннинг пок севгисини улуғлаш, висол орзуси, вафодорлик мотивлари туради. Шоир ёр висолига эришишда ҳар қандай қийинчиликларга бардош беражагини таъкидлайди. У ёрсиз, севаклисиз ҳаётни тасаввур қила олмайди. Севги-муҳаббат йўлида ўзини, бутун борлиқни қурбон қилишга тайёрлигини самимият билан ифода этади. Бобур тушунчасидаги севги – садоқат, вафодорлик, олийжанобликдир.

Бобур асарларида ўзи яшаган муҳитдан, замондан норозилик, тақдир ўйинларига қарши аччиқ нолишлар баралла эшитилиб туради. Буларнинг барчаси унинг шеърини фалсафий теранлик ва ижтимоий руҳ, бағишлайди. Бобур поэзиясида Ватан мавзуси алоҳида ўринни эгаллайди. Унинг аксарият ғазалларида она юртга бўлган муҳаббат, Ватанни қумсаш каби дил садолари ўқувчини чуқур ўйга солади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз даврининг йирик давлат арбоби ва саркардаси бўлиши билан бирга шоир, адиб, таржимон ва етук олим ҳам эди. У ўзидан башариятга бой адабий ва илмий мерос қолдирган. Бизгача етиб келган асарларининг ўзи ҳам Бобур ижодининг кўп қиррали, жанр жиҳатидан хилма-хил ва ранг-баранглигини кўрсатади. Унинг асарларида инсон ва табиат гўзаллиги, энг яхши ахлоқий фазилатларни қадрловчи, рўй берган тарихий воқеаларни аниқ акс эттирувчи, зулм ва риёкорликни қораловчи, тарихий шахслар фаолиятини ҳолис мушоҳада қилиб, олимлар, шоирлар ижодига замоннинг шоир анъаналари нуқтаи назаридан баҳо бера оладиган аллома ва донишманд сиймоси китобхон кўз ўнгида намоён бўлади. Бобур ўзининг ана шундай илғор қарашлари, илм-фан ривожини йўлидаги хизматлари билан башарият тарихида ўчмас из қолдирган буюк зот ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Бобур ижоди Ўзбекистонда, баъзи бир истисноларни ҳисобга олмаганда, XX асрнинг 40-йилларигача деярли ўрганилмади. Бунга асосан шўролар ҳукмронлиги даврида олиб борилган мустабид сиёсат, миллатимизнинг атоқли шахслари, олиму фозало, шоиру мусаввирлари ҳаёти ва ижодини, бир сўз билан айтганда, миллий кидриятларимизни ўрганишга бўлган салбий муносабат сабаб бўлган [3].

Лекин «коммунистик ғоявийлик» шиори давлат сиёсатига айлантирилган ўша машъум замонда ҳам Алишер Навоийдек буюк сўз даҳоларини меросини инкор этишга ҳеч ким журъат қила олмаган.

Шу сабабли Навоийнинг кичик замондоши ҳисобланган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида дастлабки мақолала 1940 йилдан бошлаб чоп этила бошланган.

Заҳматқаш олимлар Порсо Шамсиев ва Содиқ Мирзаевлар томонидан 1948-1949 йилларда «Бобурнома»нинг икки жилдлиги кирилл ёзувига ўгирилиб, чоп этилган. Шу йиллари «Бобурнома» шарқшунос Михаил Салье томонидан рус тилига таржима қилиниб, китоб ҳолида босилиб чиққан.

Европа илм аҳлига «Бобурнома»ни биринчи марта таништирган голландиялик олим Витсеннинг таржимаси туфайли, бир томондан, ғарб дунёси халқимизнинг бой адабий мероси билан таниша бошлаган булса, иккинчи томондан, инглиз шарқшунослари таърифлаган «Бобурнома» даври ҳам ана шу даврда бошланади. Бироқ Бобурнинг Европадаги чинакам шухрати роппа-роса юз йилдан кейин XIX аср бошларида қарор топди. Бу ишда инглиз шарқшуносларининг хизматлари катта бўлди.

Юқорида кўрганимиздек, «Бобурнома»га, айниқса, инглиз шарқшунослари катта қизиқиш билан қараб, уни қайта-қайта таржима қилганлар. Бу ҳолатни инглиз олимларининг ўзбек адабиётига бениҳоя қизиқиб қараганликларининг натижаси деб баҳолаш, албатта содда бир тасаввур бўлур эди. Аксинча, бу асар инглиз мустамлакачиларининг бутун диққат марказида турган Ҳиндистоннинг тарихи, сиёсий ҳаёти, географияси ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳақида маълумот берувчи қомусий асар бўлгани учун ҳам унга бу қадар катта эътибор берилган. XVIII асрдан бошлаб инглиз мустамлакачиларининг фикру зикри ҳинд халқини нафақат сиёсий жиҳатдан, балки маънавий жиҳатдан ҳам забт этишга қаратилгани тарихдан яхши маълум.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Бобур қаламига мансуб «Бобурнома» асари XVI аср ўзбек насрининг энг қимматли намунасидир. Бу асар мазмун эътибори билан қомусийдир. Унда Марказий Осиё, Ўрта Шарқ ва Ҳиндистон ўлкаларининг тарихи, этнографияси, адабиёти ва этник қатламлари табиати, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси тили, адабиётига оид энг қимматли ва ишонарли маълумотлар жамланган. Асарда адиб юксак бадий маҳорати, содда ва тушунарли услуби, унинг ўзига хос бетакрор гўзаллиги ўз аксини топган. «Бобурнома»да бош қахрамон Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзи. Унинг хатти-ҳаракати амалга оширган ишлари, мақсад ва интилишлари, уларни амалга оширишдаги қатъият ва маҳорати асар қахрамонини идеал қахрамон даражасига кўтаради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Тошкент .2007 йил Б-5.
2. Хасанов С. Заҳириддин Муҳаммад Бобур.- Тошкент. Ўзбекистон. 2011. Б-14.
3. Низомиддинов И.Ф. Ўрта Осиёнинг чет эл Шарқи билан алоқалари. – Тошкент. 1961. – В.20.

БОБУРИЙЛАР ДАВРИДА СОЛИҚ ВА ПУЛ МУОМАЛАСИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ

Шадманов Э.Ш.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти профессори
Мансуралиев К.Ш.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти курсанти

Бобурийлар даврида ободончиликка алоҳида эътибор берилди, савдо-сотикни ривожлантирилди, шаҳар ва қишлоқларга оқар сувлар келтирилиб, боғ-роғлар яратилди. Бундай ишларни амалга ошириш учун зарур маблағлар эса фақатгина солиқлар орқали қопланиши мумкин эди.

Бобур ва унинг ворислари даврида солиқ масалалари муҳим ўринни эгаллаган. Бобурнинг «Мубаййин» асари тўла равишда қонунлар ва иқтисодий масалаларга бағишланган бўлиб, унинг номи ҳам «қонунлар изоҳи» маъносига эга. Бутун ислом мамлакатларидек, Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳам «закот» маълум миқдорда ва муайян

шарт-шароитларда олинадиган солиқ маъносида қўлланилади ҳамда нақд пул ва савдо йиғими шаклида тўпланади. Солиқни ҳисоблаш учун солиқ олиш объектининг «нисоби», яъни мол-мулкнинг закот беришга лаёқатли бўлиш учун белгиланган миқдори аниқланган, ҳисобдан кам мулкдан солиқ олинмаган. Бунинг сабаби, даромади кам бўлган шахслар имконияти чекланганлиги учун даромад солиғига тортилмаган.

Бобурийшоҳлар хазинасининг бойиш маибалари савдо солиғи, салтанатда зарб қилинган пуллар, мусодара қилинган эгасиз моллар, туз солиғи, давлат ихтиёрига келадиган йиллик ўлпон тўловлари, урушлардан олинган улушларнинг бешдан бир қисми, совғалар ҳамда ер солиқлардан иборат эди. Маҳаллий ҳокимият соладиган солиқлар «аҳбоб» деб аталиб, асосан, маҳаллий эҳтиёжларга сарфланарди. Бобур ва Ҳумоюн даврида ҳиндларга жизъя солиғи солинар, мусулмонлардан эса закот олинар эди. Акбар бу диний мақомдаги солиқларни бекор қилди.

Бундан ташқари давлатлараро товар алмашинуви ва бу вақтда бож тўлови масаласи ҳам кўриб чиқилган. «Бобурнома»да бир юрт товарининг бошқа юртларга олиб борилиши, алмашуви, аҳоли эҳтиёжларининг қондирлиши ва уларнинг иқтисодиёт равнақидаги аҳамияти тўла баён қилинади. Бобур савдо-сотикнинг халқлар ўртасидаги бебаҳо аҳамиятини жуда чуқур тушунган. Шунинг учун ҳам у савдо қарвонларини йўлларда талаш, босқинчилик қилиш, мол-мулкка зиён етказиш каби салбий иллатларга аёвсиз муносабатда бўлган. Бу сиёсат Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва бошқа темурийлар сиёсати билан маълум. Ўша даврда Бобур савдогарлардан олинадиган савдо йиғимининг ҳам адолатли ва холисона ташкил қилинишига катта аҳамият берган. Мусулмон савдогарларининг савдо айланмасидан савдо йиғими 20 мисқол (4,5 грамм) олтидан 1 мисқоли шаклида олинган, энг муҳими солиқ ҳиссаси даромад ҳиссасига нисбатан камайиб борган, яъни даромад кўпайиши билан солиқ камайган ва бойлик жамғарувчилар учун ўта манфаатли бўлган.

Ҳозирги кунда солиқ тизимида солиқ ставкаси ва даромадлар ўртасидаги нисбатга асосланиб, солиқлар одатда прогрессив (ўсиб борувчи), пропорционал (мутаносиб) ва регрессив (камайиб борувчи) солиқларга бўлинади.

1. Даромад ҳажми ўсиб бориши билан ўртача ставкаси ўсиб борувчи солиқлар прогрессив солиқлар дейилади.
2. Даромад ҳажми ўсиб бориши билан ўртача ставкаси пасайиб борувчи солиқлар регрессив солиқлар дейилади.
3. Даромад ҳажми ўсиб бориши билан ўртача ставкаси ўзгаришсиз қолувчи солиқлар пропорционал солиқлар дейилади.

Бундан кўриниб турибдики, Бобурийлар томонидан ҳозирги кундаги регрессив солиқ ставкаси қўлланилган.

Ҳозирги даврда ҳам мана шу сиёсатни қўллаш фойдадан холи эмас. Чунки сиз қанча кўп даромадга эга бўлсангиз, даромад солиғи ставкаси пасайиб боради. Бу эса тадбиркор ва даромад олувчи жисмоний шахсларни кўпроқ ишлашга ва даромад олишга ундайди.

Ер учун олинадиган солиқ давлат хазинасини тўлдиришнинг асосий манба ҳисобланган. Бобур барча ерларни ўз амалдорларига жогир сифатида бўлиб берган. Ҳумоюн бу тизимга ўзгариш киритмади. Акбар эса ер солиғи тизимини анча такомиллаштирди. 1580 йилдан бошлаб ер ўлчов бирлиги қилиб «Гази Искандарий», кейинроқ; «Гази Илоҳий» қабул қилинди. Ерлар хар йили экиладиган, икки йилда бир экиладиган, 3-4 йилда бир экиладиган, беш йилдан ортиқ муддатда бир экиладиган тоифаларга ажратилар ва шунга кура солиқ ҳажми белгиланар эди. Бу ҳажм учун ўтган 10 йилликда олинган ҳосилнинг ўртачаси меъёр

қилиб белгиланган. Давлатга кўнинча олинган хосилнинг учдан бир қисми солиқ сифатида топширилар ёки ўша миқдордан пул давлат хазинасига тўланарди.

Бобурийлар томонидан пул муомаласи масаласида ҳам баъзи ишлар амалга оширилган. Бобур ва Хумоюн ўзларининг номи ва сурати билан танга пул зарб қилдилар-у, бироқ пул муомаласи тизимига бошқа ўзгаргириш киритмадилар. Акбар даврига келиб тилла, кумуш ва мисдан танга пуллар зарб қилинди ва ҳар бирининг қиммати алоҳида кўрсатилиб, оғирлиги ва таркибидаги металл миқдори катъий белгилаб қўйилди. Тангалар асосан думалоқ шаклда зарб қилинган. Акбар тангаларга ўз суратини туширмади, балки тангаларга подшоҳнинг исми, пул бирлиги, зарб қилинган йил ва Куръони каримдан олинган оятлар ўйиб ёзилди. Бу зарб қилинган пуллар жуда чиройли эди. Энг юқори қимматга эга пул бирлиги «шаҳаншоҳий» деб юритиларди. Бу пул кўпроқ юқори доираларда қўлланилган бўлиб, пастрок, табақаларнинг ишлатиши учун «илоҳий» пул бирлиги чиқарилган. Битта танга пул ўн рупийга тенг эди. Жами 26 хил танга пул зарб қилинган. Кумуш тангалар рупий деб, мис тангалар «дом» (пайса) деб аталар ва рупийнинг 1/40 қисмига тенг эди. Энг кичик мис танга эса «житал» деб аталиб, пайсанинг 1/25 қисмига тенг эди. Акбарнинг пул бирлиги тизими жуда мукамал эди. Айтишларича, бу пуллар тизими Британиянинг пул бирликларини такомиллашгаришга асос бўлган экан.

Бобурийлар томонидан ишлаб чиқилган солиқ сиёсати ва пул муомаласи қонунлари узок йиллар давомида қўлланиб келинди ва мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир етди. Бу эса Бобур ва Бобурийлар томонидан иқтисодий ғояларининг жуда чуқур илмий асосга суянганлиги, узокни кўзловчи салоҳиятга эга эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ватанимиз олтин остонаси Тошкент тобора чирой очмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 20 май кунидаги Адиблар хиёбонига ташрифидаги нуткидан. Халқ сўзи 2020 йил 21 май.
2. Сатимов Ф. Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида Бобурийлар даври: Шарқ халқлари тарихидан лавҳалар. – Т.: Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. - 296 б.
3. Бобурнома. М.Сале таржимаси Т., 1993 йил, Б. 292.
4. Жалилов С. Бобур ҳақида ўйлар. Т.: “Sharq”, 2006. 116 б.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: “Ўқитувчи” 2008. 287 б.
6. Ҳасанов Х. Ўрта Осиёлик географлар ва сайёҳлар., Т.: “Ўзбекистон”, 1964, Б. 128.

ЗАҲИРИДДИН БОБУР САЛТАНАТИДА ЗАРБ ҚИЛИНГАН ТАНГАЛАР ХУСУСИДА БАЪЗИ МАЪЛУМОТЛАР

Шарипов А.А.

ЎзРФА Темурийлар тарихи давлат музейи катта илмий ходими

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Фарғона вилояти (1494–1504), Кобул (1504-1526), Мовароуннаҳр (1497–1498 ва 1511-1512) ва Ҳиндистон (1526-1530)дан иборат ҳудудларда ўз салтанатини барпо қилди. Бу ўз навбатида Бобурийлар буюк империясининг дебочаси сифатида тарихдан ўрин олган. Ушбу йилларда Заҳириддин Бобур қўл остидаги йирик шаҳарларда ўз ҳукмронлигининг сиёсий ва иқтисодий белгиси сифатида тангалар зарб қилдирган. Улардан айримлари бизнинг кунгача етиб келган ва қуйидаги мақолада улардан мисоллар келтирилди.



Захириддин Муҳаммад Бобур Темурийлар давлатининг пойтахти Самарқандни икки марта эгаллади (Кобул сафаридан олдин) ва бу ерда қисқа муддатдаги ҳукмронлиги чоғида ўз тангаларини зарб эта бошлайди. Мазкур тангалар жаҳон коллекцияларида кўплаб нусхаларда мавжуд. Жумладан қуйида келтирилаётган Даниядаги Дэвид коллекциясидаги танганинг тафсифини келтирамиз:

Танга. Кумуш. Самарқанд. **Захириддин Муҳаммад Бобур.** 906 / 1500–1501 й.). В=4.76 гр. Д= 27.0 мм. Инв.№ С 342.

Танганинг олд қисми (аверс): марказда шаҳодат калимаси (*Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун расулаллоҳ*) дан сўнг айланасига картушларда тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари зарб этилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: Марказда, картуш ичида зарб қилинган жой ва сана “Зарб фий Самарқанд сана 906 (1500–1501)”, – “Самарқандда 906 йили зарб қилинди” (Охирги 6 рақами деярли ўчиб кетган, тахминан ўқилди). Қиёссимон кичик айлана ичида эса танганинг Султон Ҳусайн томонидан қайта зарб қилинган муҳри жойлаштирилган – *беҳбуд Ҳирот*” (гуллаб яшнагувчи Ҳирот). Бу тарихда ҳукмдорлар томонидан одатий ҳол сифатида қўлланилган. Айлана бўйлаб ҳукмдор исми келтирилган: “*Ал-Султон ал-аъзам Захириддин султон Муҳаммад Бобур баҳодур*”, яъни Бобурнинг ҳукмдорлиги ва расмий исми қайд этилган.

Шунингдек, тадқиқотчи А.М.Камишевнинг маълумотига кўра, Бобурнинг Самарқандда 1511-1512 йилларда зарб қилинган танганларида қанотларини қоқётган қуш тимсоли туширилгани қайд этилган³⁹.

Шайбонийларнинг тазйиқи ва таъқиби остида 1503 йилда Бобур темурийларнинг Кобулдаги ерларини эгаллайди ва кейинроқ бу ерда ўзини подшоҳ деб эълон қилиб, янги давлатга асос солади. Шу даврда у ўз номидан кумуш ва тилла тангалар зарб этади. Эндиликда унинг тангаларида “ас-Султан ал-аъзам ва-л-хоқон ул-мукаррам Захириддин Муҳаммад Бобур Жалолуддин Подшоҳи-Ғозий” эпитети қўшилишини кузатишимиз мумкин.

Бобур ундан кейинги йилларда ҳам Кобулда мазкур услубда тангалар зарб этиб борди. Мазкур тангалардан айримлари бизгача етиб келган.

³⁹ Камышев А.М. Клады медных монет Тимуридов и Шейбанидов. Самарканд: МИЦАИ, 2013, с.4.



Танга. Кумуш. Кобул. **Заҳириддин Муҳаммад Бобур.** 913 / 1507–1508 й.). В=4.60 гр. Д= 25.0 мм.

Танганинг олд қисми (аверс): марказда шаҳодат калимаси (*Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммаду расулаллоҳ*) дан сўнг айланасига қартушларда тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари зарб этилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: Марказда, қартуш ичида “Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳи ғозий” ва айланасига “Султон ал-аъзам халадаллоҳу мулкаҳу”, зарб қилинган жой ва сана “Зарб фий Кобул сана 913 (1500–1501)” қайд этилган. Бобур ундан кейинги йилларда ҳам Кобулда мазкур услубда тангалар зарб этиб борди.



Танга. Олтин. Кобул. **Заҳириддин Муҳаммад Бобур.** 930 / 1523–1524 й.). В=4.76 гр. Британия музейи. NGSА 8 (2014) 294 = Fr. 700.

Танганинг олд қисми (аверс): марказда қартуш ичида шаҳодат калимаси (*Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммаду расулаллоҳ*) дан сўнг айланасига тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари зарб этилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: “Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳи ғозий халадаллоҳу мулкаҳу ва салтанаҳу” ҳамда зарб қилинган жой ва санаси “Зарб Кобул, 930 (1523–1524)” қайд этилган.

Шу йилларда Бобур Балх ва Қандаҳорда ҳам ўз тангаларини зарб қилган. Улардан айримлари ҳозирги вақтгача турли коллекцияларда сақланмоқда.



Танга. Кумуш. Балх. **Заҳириддин Муҳаммад Бобур.** В=4.59 гр. Зарб қилинган йили ўчган.

Танганинг олд қисми (аверс): марказда айлана ичида шаҳодат калимаси (*Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммаду расуларлоҳ*) дан сўнг айлана бўйлаб картушларда тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари зарб этилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: Марказда, сатрларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур эпитети келтирилган” ва зарб қилинган жойи – “Зарб Балх” ёзуви қайд этилган. Бобурнинг мазкур тангаси ноёб саналади.

Бобурнинг Балхни эгаллаган йили унинг охириги марта Мовароуннаҳрга юриши вақтига яъни 1511-1512 йилларга тўғри келади. Демак мазкур танга афтидан шу йилларга тўғри келади.

Султон Ҳусайн Бойқаро вафотдан сўнг (1506), унинг ўғиллари Бадиуззамон мирзо ва Музаффар мирзо орасида Ҳирот тахти учун кураш бошланиб кетади. Бироқ улар шайбонийларнинг босими остида мамлакатни тарк этишга мажбур бўлади. Ҳокимият шайбонийлар қўлига ўтади.

1510 йилдан бошлаб Бухоро ва Самарқандни қайта эгаллаш мақсадида Бобур сафавийлар давлатининг хумқдори Шох Исмоил I билан шайбонийларга қарши ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузишга эришади. Бу орада Самарқанд тахтини учинчи бор эгаллашга эришади, бироқ ҳокимиятни қўлда сақлай олмасдан Мовароуннаҳрни тарк этишга мажбур бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, баъзи манбаларда Бобурни гўёки Шох Исмоил Сафавийга ҳурмат юзасидан шиалик мазҳабини қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар учрайди. Бироқ Бобурнинг бу даврдаги зарб қилинган тангаларида тўрт халифа исмлари келтирилиши юқоридаги маълумотни асоссиз эканлигини кўрсатади. Шох Исмоил ва Эроннинг бошқа шиа ҳукмдорлари тангаларида эса фақатгина халифа Али ибн Абу Толибнинг номи келтирилган холос.

Заҳириддин Бобур салтанатининг охириги йилларида Ҳиндистоннинг бир қанча йирик шаҳарлари – Агра, Деҳли, Ужайн, Лоҳур, Мўлтон, Жўнпур ва бошқа жойларда унинг номи билан зарб этилган тангалар сақланган. Қуйида Агра ва Жўнпур шаҳрида зарб этилган тангадаги маълумотларни келтираамиз.



Танга. Олтин. Агра. **Заҳириддин Муҳаммад Бобур.** 935 / 1528-1529 й. В=4.72 гр. Д= 25.0 мм. Инв.№ 562.

Танганинг олд қисми (аверс): “*Ал-Султон ал-аъзам вал ҳоқон ул-муқаррам Заҳириддин Муҳаммад Бобур Султон ғозий, Агра, 935; ҳоладоллоҳу мулкаҳу ва салтанаҳу*” ёзувлари билан ҳукмдор исми зарб қилинган жойи ва санаси берилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: марказда шаҳодат калимаси, айланасига картушларда тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари келтирилган.



Танга. Кумуш. Жўнпур. **Заҳириддин Муҳаммад Бобур.** 935 / 1528-1529 й. В=4.54 гр. Д= 25.0 мм. Дэвид коллекцияси, Инв.№ 562.

Танганинг олд қисми (аверс): марказда шаҳодат калимаси, айланасига картушларда тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари келтирилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: юқорида, чизик тепасида “*Ал-Султон ал-аъзам вал ҳоқон ул-муқаррам*”. Марказда “*Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳи ғозий, 935-сана – ҳоладоллоҳу мулкаҳу ва салтанаҳу, зарб Жўнпур*” ёзувлари билан ҳукмдор исми зарб қилинган жойи ва санаси берилган.

Юқорида келтирилган мисолларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мовароуннаҳр, Кобул ва Ҳиндистонда ҳукмронлиги йилларида ўз номидан тангалар зарб қилинганлиги ҳозирги вақтгача сақланиб келинган тангалардан маълум бўлади. Мазкур тангалар Бобур давлатининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва халқаро муносабатлари, савдо ва молия-пул сиёсатидан дарак берувчи тарихий материаллар ҳисобланади.

BOBURIYLAR DAVRIDA MOLIYA-SOLIQ MUNOSABATLARINING TARAQQIYOTI VA UNING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI

Bozorov A.A.

O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti "Ishlab chiqarishni tashkil etish va texnik nazorat" kafedrasida dotsenti, (PhD)

Muxtorov O.A.

O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti 4-bosqich kursanti

Jahon adabiyotida o'zbek xalqining buyuk allomalari va ulardan qolgan boy adabiy meros qatorida Zahiriddin Muhammad Bobur asarlari, xususan, uning "Boburnoma" asari tarixiy-badiiy asar sifatida katta ahamiyat kasb etib kelmoqda. Bobur o'zining "Mubayyin" nomli asarida soliq solish tartiblari, ekin maydonlarini tayinlash, qanday yerlardan qaysi hajmda soliq olishni shariat mezoni bilan o'lehab, chiroyli nazmiy asar yaratgan.

Bobur Hindistonda o'z saltanatiga asos solguncha bu yerda hukm surgan feodal tarqoqlik oqibatida mahalliy hukmdorlarning har biri tomonidan soliqlar joriy qilingan edi. Soliq turlarining ko'pligi va qat'iy emasligi, soliq miqdorining yuqoriligi va hududlarga qarab bir-biridan katta farq qilishi aholiga qiyinchilik keltirib chiqargan. Bobur o'z davlati hududida soliq sohasida keng qamrovli islohot o'tkazgan: butun mamlakat uchun bir xil soliq tizimini joriy qilgan, soliq miqdori va undirish tartibi islom shariatiga muvofiq amalga oshirila boshlagan. Soliq miqdorini belgilash uchun u mamlakat hududini sarkorlarga bo'lgan va ularning hududi hisobga olingan [1. 293 b.].

Bobur davlatida quyidagi soliqlar mavjud bo'lgan: yer solig'i, savdo (tamg'a) solig'i, zakot (musulmonlar uchun), juz'ya (musulmon bo'lmagan aholi uchun), o'lpon, tuz solig'i. Davlat xazinasi soliqlardan tashqari yana urushlarda olingan o'ljaning beshdan bir qismi, tanga zarb qilish, musodara qilingan egasiz mol-mulk va sovg'alar hisobiga to'ldirilgan. Har bir ma'muriy birlik (pargana)da mahalliy hokimiyat o'zi uchun yig'adigan soliq ham bo'lib, u "ahbob" deb atalgan.

Bobur tomonidan raiyatning muayyan toifasi uchun soliq imtiyozlari berilgan. Xususan, musulmon davlatlaridan kelgan savdogarlar savdodan tushgan daromadining yigirmadan bir hissasiga teng soliq to'lagan, xolos. Kanva jangidagi g'alaba sharafiga Bobur tamg'a solig'ini bekor qilgan [1. 312 b.].

Boburning soliq siyosati va iqtisodiy qarashlari to'g'risida "Boburnoma" va "Mubayyin" asarlarida yetarlicha ma'lumot berilgan.

"Boburnoma"ning "Hindiston" qismida Movarounnahr va Xurosonda qo'llangan o'lchov (shar'iy, yig'och va h.k.) va sanoq (tuman va b.) birliklari qatorida hind o'lchovlaridan ham erkin foydalanilgan. Bobur hind o'lchov va sanoq tizimida ulkan kattalikdagi sonlar ham borligini bayon qilib, shu munosabat bilan Hindiston mamlakatining bepoyonligi, yig'iladigan daromad va soliqning ham shunga yarasha bo'lishini ta'kidlagan [1. 290 b.]. Quyida Bobur asarlarida izohlangan sanoq va o'lchovlar nomlari keltirilgan.

Boburning "Mubayyin" asari to'la ravishda qonunlar va iqtisodiy masalalarga bag'ishlangan. Asarning nomi ham "qonunlar izohi" ma'nosiga ega. Butun islom mamlakatlaridek, Movarounnahr va Xurosonda ham "zakot" ma'lum miqdorda va muayyan shart-sharoitlarda olinadigan soliq ma'nosida qo'llaniladi hamda naqd pul va savdo yig'imi shaklida to'planadi.

Soliqni hisoblash uchun soliq olish obyektining «nisobi», ya'ni mol-mulkning zakot berishga layoqatli bo'lish uchun belgilangan miqdori aniqlanadi, hisobdan kam mulkdan soliq olinmaydi. "Agar yerdan ikki hosil olsang, xirojni ham ikki marta to'la" [2. 43 b.], deb yozadi Bobur. Xiroj, ya'ni yer solig'i ikki toifaga bo'lingan: muqassam va muvazzar.

Birinchisi, olingan hosilning miqdoriga bog'liq bo'lib, uchdan birdan-yarimgacha teng bo'lgan.

Ikkinchi esa, soliq solinadigan yerning maydoniga bog'liq ravishda olingan. Yerni sug'orish masalalari Sharqda o'ta muhim edi, chunki ob-havo nihoyatda quruq va issiq, yer-tuproq sharoiti sun'iy sug'orishni talab etganligidan sug'oriladigan yerlar, tabiiyki, lalmikor yerlardan ko'p hosil bergan. Shu sababli suv solig'i ham bo'lgan. Suv solig'i quyidagicha olingan: «agar sug'orish davrida chig'ir qursang, olgan hosilning o'ndan birining yarmini (5%) soliq uchun to'lashing kerak» [2. 47 b.], ya'ni sug'oriladigan yerlarga sarf-xarajat hisobga olingan va bu mantiqan to'g'ridir.

Umuman olganda, bu davrda soliq va boshqa yig'imlar tamomila islomiy shariatga to'la rioya qilingan holda olingan. Nisobga yetgan miqdordagi mol-mulkdan Qur'oni Karim, Muxtasar, Hidoya va boshqa manbalarda qat'iy belgilab qo'yilgan qismi ixtiyoriy ravishda miskinlarga berilgan, masalan, boqiladigan mollar, ya'ni echki, tuya, sigir, otlardan, xususan, qo'ylardan soliq (zakot) quyidagicha olingan: 40 ta qo'ydan bitta (2,5%), 120 tasidan ikkita, 201 dan boshlab uchta, 400 dan ortiq bo'lsa har 100 ta qo'ydan bittasi zakot qilib berilgan. Shuningdek, "Boburnoma"da bir yurt mahsulotining boshqa yurtlarga olib borilishi, almashinuvi, aholi ehtiyojlarining qondirishi va ularning iqtisodiyot ravnaqidagi ahamiyati to'la bayon qilinadi. Bobur savdo-sotiqning xalqlar o'rtasidagi bebaho ahamiyatini juda chuqur tushungan. Shuning uchun ham u savdo karvonlarini yo'llarda talash, bosqinchilik qilish, mol-mulkiga ziyon yetkazish kabi salbiy illatlarga ayovsiz munosabatda bo'lgan. Bu siyosat Amir Temur, Mirzo Ulug'bek va boshqa temuriy shahzodalar boshqaruvida ko'zga tashlanadi.

Bobur hukmronligi davrida savdogarlardan olinadigan savdo yig'imining ham adolatli va xolisona tashkil qilinishiga katta ahamiyat bergan. Musulmon savdogarlarining savdo aylanmasi-dan savdo yig'imi 20 misqol (4,5 gramm) oltindan 1 misqoli shaklida olingan, eng muhimi soliq hissasi daromad hissasiga nisbatan kamayib borgan, ya'ni daromad ko'payishi bilan soliq kamaygan va boyluk jamg'aruvchilar uchun o'ta manfaatli bo'lgan. Hozirgi davrda ham mana shu siyosatni qo'llash foydadan xoli emas.

Chet ellik savdogarlardan olinadigan yig'im esa ularning qaysi yurtlardan kelganligiga bog'liq bo'lgan. Agar ular islom mamlakatlaridan kelgan bo'lsalar, barcha daromadlarining yigirmadan bir qismi (5%) miqdorida soliq olingan. Musulmon bo'lmagan mamlakatlardan kelgan savdogarlardan olinadigan soliq miqdori shu mamlakatlarda musulmon savdogarlaridan olinadigan soliq miqdoriga tenglashtirilgan. Naqadar adolatli va foydali soliq tizimi. Bobur ishlab chiqqan soliq siyosati uzoq yillar davomida qo'llanib kelindi va mamlakatning iqtisodiy taraqqiyotiga ijobiy ta'sir etdi. Bu esa Bobur iqtisodiy g'oyalarining juda chuqur ilmiy asosga, uzoqni ko'zlovchi salohiyatga ega ekanligidan dalolat beradi. Bunday ilmiy salohiyat uning vorislari, hamyurtlari bo'lgan bizlarda unga nisbatan yanada chuqur hurmat va faxrlanish hissini uyg'otadi.

Mazkur maqolada Bobur va boburiylar saltanatining Hindistonda uzoq hukmronlik qilishiga o'ta muhim hissa qo'shgan soliqlar haqida fikr yuritiladi. Hamma zamonlarda, ayniqsa, o'rta asrlarda inson hayotida soliqlarning ahamiyati juda katta bo'lgan. Iqtisodiyotning o'ta muhim bo'lagi hisoblanmish soliqlar u davrlarda hammaning, hukmdorning ham, soliq to'lovchi boyukambag'alning ham hamisha boshini qotirgan. Aholi uchun soliq "Yo - hayot! "Yo - mamot!" masalasi hisoblangan. Negaki, u zamonlarda soliq miqdori baland bo'lsa, aholi och qolib o'lishi ham mumkin bo'lgan.

Shu bois Bobur va uning avlodlari Hindistonda adolatli soliq siyosati olib borish zarurligini to'g'ri tushungan va bu borada juda katta islohotlar o'tkazgan. Buning uchun, Bobur, eng avvalo, soliq siyosatining nazariy masalalarini ishlab chiqqan. Chunki Bobur Hindistonni qo'lga kirita

boshlagan paytdayoq tushunganki, bu yurtda soliq siyosatini boshqaradigan aniq bir tartibning o'zi bo'lmagan. Bu har bir kichik hududdagi rojalarning xohishi bilan bog'liq ish bo'lgan. Ana shunday sharoitda Bobur soliq siyosati va soliqni yig'ib olishning adolatli tartibotini yaratishga harakat qilgan va uni o'z davlatida joriy etgan.

Buyuk bobomizning soliq sohasidagi fikrlari uning "Boburnoma", "Mubayyan" [1. 213,238 b.] va "Zakot to'g'risidagi katta kitob" [3. 166 b] asarlarida batafsil bayon etilgan. U soliqlarning mohiyatini, ularning davlat va jamiyat hayotiga o'ta kuchli ta'sir o'tkazishini yaxshi bilgan. Shuning uchun ham uning soliq siyosati adolatli va keng xalq ommasini uchun mo'tadil bo'lgan.

Jahon madaniyatining nodir durdonalaridan biri bo'lmish "Boburnoma" ensiklopedik xarakterga ega keng qamrovli asar bo'lib, unda muallif davlatni boshqarish, davlat xazinasini tashkil etish, soliqlar, olinayotgan soliqlarni daromadlar miqdoriga bog'lash, xalqaro iqtisodiy munosabatlarni rivojlantirishda xorijiy savdogarlarga soliqlar sohasida imtiyozlar berish kabi masalalarga alohida e'tibor bergan.

Boburning "Mubayyan" asari iymon-e'tiqod, namoz, zakot, ro'za va haj kitoblarini o'z ichiga olgan 5 qismdan iborat. Zakot kitobida zakot shartlari, zakot beriladigan mollar, naqdina, chorva va tijorat mollarining zakoti, zakot farzlari, zakot beriladigan shaxslar, zakot berish durust bo'lmagan kishilar, ushr va xirojga doir barcha masalalar bo'yicha aniq tavsiyalar berilgan [1. 213,238 b.].

Boburning moliya va soliq sohasidagi xizmatlari bu boradagi nazariy masalalarni tadqiq etish bilan cheklanib qolmagan. U moliya va soliq bo'yicha ishlab chiqqan tavsiyalarini saltanatida o'zi amaliyotga joriy ham etgan.

Bobur davlati barpo etilgunga qadar Hindiston hududida hukm surgan o'nlab katta-kichik davlatlarning xazinani tashkil etish, uning daromadlaridan foydalanish, soliq siyosati, soliq tizimi, soliqlar turlari va ularni aholidan yig'ib olish tartiboti bir - biridan keskin farq qilgan. Har bir rojalikning o'z soliq siyosati bo'lgan. Soliqlarning turlari ko'pligi, ularni yig'ib olishning tartibi qat'iy emasligi va soliq miqdori juda katta ekanligidan aholi qattiq qiynalgan [1. 164,171 b.].

Bobur Hindistonda davlat xazinasini adolat tamoyillari asosida tashkil etish bo'yicha keng qamrovli soliq islohoti o'tkazgan, butun davlat miqyosida yagona soliq tizimini yaratib, soliqlar miqdorini sezilarli darajada kamaytirgan. Avvallar har bir rojaning o'z qoidalari bo'yicha yig'iladigan soliq va yig'imlar Bobur davrida yagona islomiy qoida va tartibot asosida olinadigan bo'lgan.

Ya'ni Bobur o'z davlati hududida yagona soliq tizimi va bir xil oliqqa tortish tartibini joriy etgan, soliqqa tortishning muhim manbai bo'lgan ekin yeri maydonini o'lchash tizimini takomillashtirgan va aniqlashtirgan.

Bobur saltanatida quyidagi soliq va yig'imlar mavjud bo'lgan - yer solig'i, savdo(tamg'a) solig'i, zakot (musulmonlar uchun), jiz'ya (musulmon bo'lmagan aholi uchun), o'lpon to'lovlari, tuz solig'i, urushlardan olinadigan o'ljalarning beshdan bir qismi, tanga zarb qilish, musodara qilingan egasiz mol-mulk va sovg'alar [4. 120 b.].

Bulardan tashqari mahalliy ehtiyojlar uchun ishlatiladigan soliqlar ham mavjud bo'lib, ularni mahalliy hokimiyat yig'ib olgan (mazkur soliqlar "ahbob" deb atalgan).

Bobur kambag'al aholiga soliqlar bo'yicha katta imtiyozlar bergan. Buning uchun soliqlar miqdori engillashtirilgan hamda soliqlarning ma'lum qismini boy-badavlatlar davlatga emas, beva-bechoralarga berishgan. Masalan, islomiy qoidaga ko'ra, "zakot" solig'i muhtoj oilalarga tarqatilgan. Bobur musulmonlardan olinadigan "tamg'a" solig'ini bekor qilgan.

Boburning qator farmon va hukmlari Hindiston iqtisodiyotini rivojlantirish va moliyaviy hamda harbiy ahvolini yaxshilashga katta hissa qo'shgan. Bobur xalqaro iqtisodiy aloqalarni

rivojlantirish davlatning iqtisodiy qudratini oshirishning muhim omili ekanligini yaxshi tushungan. Uning bu xususdagi qarashlari ham “Boburnoma”da atroflicha bayon etilgan.

Shu bois savdogarlarga katta engillik va imtiyozlar berilgan. Savdo ahlidan olinadigan soliq va yig'img'lar miqdori mo'tadil, adolatli va oshkora bo'lgan. Sotiladigan mahsulotlar miqdorining oshishi soliqlar hissasining kamayishiga olib kelgan va savdo rivojiga katta ijobiy ta'sir ko'rsatgan.

Xorijiy savdogarlarga bir qator engilliklar berilgan. Agar savdogarlar islom davlatlaridan kelgan bo'lsalar, daromadlarining 5 foizi miqdorida soliq to'lashgan. Nomusulmon davlatlardan kelgan savdogarlar esa o'z yurtlarida musulmon savdogarlardan olinadigan miqdorda soliq to'lashgan.

Boburning soliq sohasida boshlagan islohotlarini uning nevarasi Buyuk Akbar (1556- 1605 yillar) oxiriga yetkazgan. U saltanatning barcha xalqlariga nisbatan bir xil va adolatli soliq siyosatini yaratgan. Akbar amalga oshirgan soliq islohoti natijasida yagona soliq idoralari tizimi hamda soliqlarni to'g'ri hisoblash maqsadida bir xil og'irlik va miqdor o'lchov tartibi joriy etilgan. U musulmon bo'lmagan aholi to'laydigan “jizya” solig'i va jon solig'ini bekor qilgan. Avval natura shaklida olingan va miqdori hosilning uchdan bir qismiga teng bo'lgan yer solig'ini pul shaklida yig'ish tizimiga o'tkazgan. Bu tadbirning ahamiyati juda katta bo'lgan. Negaki, endilikda soliq to'lash uchun dehqon mahsulotini bozorda sotishi shart bo'lgan. Bu esa o'z navbatida Hindistonda tovar-pul munosabatlari keskin rivojlanishiga va iqtisodiy o'sish sur'atlarining oshishiga iqtisodiy zamin yaratgan.

Vazifalari aniq belgilab qo'yilgan yagona soliq idoralari tizimining barpo etilishi, soliqlarni pul shaklida yig'ishning joriy etilishi, soliq yig'img'lar miqdorining aniqligi, hisob-kitoblarning puxtaligi soliqchilarning boshboshdoqligiga chek qo'ygan. Bu tadbirlar soliq yig'uvchilar soliqlarni o'g'irlashiga monelik qiladigan tizim yaratishga asos bo'lib xizmat qilgan. Aholi uchun bu tadbirlarning ahamiyati beqiyos bo'lgan. Negaki, avvallari, ya'ni yurtlarida o'z rojalari hukmronlik qilgan davrlarda, soliq yig'uvchilarning tartibsizliklari, soliqni belgilangan miqdordan ko'p olish, bir qismini o'g'irlab qolish holatlari ko'p yuz berar va bundan xalq qattiq aziyat chekardi.

U davrlarda dunyoning aksariyat davlatlari iqtisodiyotida dehqonchilikning o'rni juda katta bo'lgan. Hindistonda ham ziroatchilik aholini boqadigan asosiy manba bo'lgan. Lekin dehqonchilik juda nozik va olinajak hosil miqdori ob-havoga bog'liq bo'lganligi uchun Hindistonda hosil ba'zan yetarli, ayrim hollarda esa ehtiyojdan ancha kam bo'lishi oddiy hol edi. Shu bois Buyuk Akbar hosil yaxshi bo'lmagan va ocharchilik davrida soliq olmaslik imtiyozini joriy etgan, muhtoj aholiga zarur hollarda pul va g'alla bilan qarz berish tartibini amaliyotga kiritgan.

Hindiston iqtisodiyotini yuksaltirish sohasidagi keng qamrovli tadbirlar va, ayniqsa, adolatli soliq siyosatini yurgizish tufayli boburiylar Hindiston tarixida eng qudratli va eng buyuk saltanat barpo etgan. Yirik va obod shaharlar qurgan.

Buyuk sulola vakillari barpo etgan go'zallikda tengi yo'q saroylar, machitlar, turli inshoot va binolar jahondan millionlab turistlarni Hindistonga jalb etib kelmoqda, ulardan biri “Toj Mahal” esa dunyoning yetti mo'jizasidan biriga aylangan. Ular madaniyat, fan va san'atni shu darajada rivojlantirishganki, natijada Hindiston boburiylar davrida jahon sivilizatsiyasining eng yirik markazlaridan biriga aylangan.

Hind xalqining buyuk vakillaridan biri bo'lmish Javoharla'l Neru ta'biri bilan aytganda, “Bobur Hindistonga kelgandan keyin katta siljishlar yuz berdi va yangi rag'batlantirishlar hayotga, san'atga, arxitekturaga toza havo baxsh etdi, madaniyatning boshqa sohalari esa bir-birlariga tutashib ketdi. ...Boburning hind xalqiga qilgan eng katta xizmati shuki – u xalqimizning ruhiy-ma'naviy olamini kengaytirib, ularni o'z kulbalaridan tashqariga qarashga, dunyoning naqadar katta ekanini anglashga majbur qildi” [5. 10 s.].

O‘z davrining eng rivojlangan va qudratli iqtisodiyotlaridan birini yaratish, buyukligi jihatdan jahon tamaddunining faxriga aylangan o‘zal shahar va inshootlarni barpo etish, fan, san‘at, adabiyot va madaniyatni o‘z davrining eng ilg‘or darajasiga olib chiqish juda katta miqdorda pul mablag‘lari bo‘lishini taqozo etardi. Talab etilgan hajmdagi moliyaviy resurslarni yig‘a olishda boburiylar yaratgan adolatli soliq siyosati juda katta rol o‘ynagan. Ular hindlardan yiqqan soliqlarni boshqa joyga tashib ketishmagan, shu yurt obodonchiligi uchun sarflagan. Buyuk sulola tarqoq, katta-kichik o‘nlab rojaliklarni markazlashgan yagona saltanatga birlashtirib, mamlakat uchun yaxlit va adolatli soliq tizimini yaratganliklarining yana bitta o‘ta muhim ahamiyati bo‘lgan. Ya‘ni bunday soliq tizimi boburiylar sulolasining Hindistondagi katta davlatni 332 yil mobaynida boshqarishlarida iqtisodiy tayanch bo‘lib, xizmat qilgan.

Xulosa

Boburiylar davrida qo‘llanilgan moliya va soliq tizimini mazmunan o‘rganish, ularning bugungi kunda mamlakatimizda qo‘llanilayotgan soliqqa tortish amaliyoti bilan bog‘liqligini tahlil qilish istiqbolda ularning ijobiy jihatlarini mamlakatimizda qo‘llash maqsadga muvofiq.

Boburiylar davrida olib borilgan soliq siyosati bo‘yicha qo‘llanilgan soliq imtiyozlarining o‘ziga xos jihatlari shundan iboratki, soliq imtiyozlari asosan ijtimoiy ahamiyatga ega hisoblanadi ya‘ni iqtisodiy jihatdan ko‘makga muhtoj, mehnatga layoqatsiz kishilar hamda oilasini moliyaviy jihatdan ta‘minlashga intiluvchi dehqonlar va hunarmandlarga nisbatan soliqlardan engilliklar berilgan. Bugungi kunda mamlakatimizda ham soliq imtiyozlarini qo‘llashda ushbu masalalarga e‘tibor qaratilmoqda.

Ulug‘ bobokalonimiz Vatandoshimiz qoldirgan iqtisodiy g‘oyalar va iqtisodiy tafakkur merosi, u yuritgan iqtisodiy siyosat tizimi mustaqilligimizni abadiylashtirishda, qolaversa yoshlarning ongini mustahkamlashda qudratli ma‘naviy tayanch bo‘lishga xizmat qiladi.

Ayniqsa, iqtisodiyotga uning umumiy asoslari bo‘lmish ishlab chiqarish, shuningdek, savdo va tijoratga oid, soliq va boj to‘lovlari bilan bog‘liq bo‘lgan qarashlari e‘tiborga molik. E‘tirof etish kerakki, garchi bizning hayotimizda Boburning davlatni boshqarish, ishlab chiqarish va savdoni tashkil etish masalalariga doir alohida asari yoki uning o‘z hukmronligi davrida yuritgan iqtisodiy siyosatiga oid birlamchi manbalar bo‘lmasa ham, ilmiy bilish va idrok etish kuchiga suyangan holda shunday qisqacha xulosalarga kelish mumkin: u buyuk mutafakkir, qomusiy olim sifatida iqtisodiy qonunlarning mohiyatini, iqtisodiyotning jamiyat va davlat hayotidagi belgilovchi ahamiyatini chuqur tushungan. Shuning uchun ham u dolzarb va adolatli farmonlar va hukmlar chiqarib, ilmiy jihatdan asoslangan iqtisodiy siyosat yuritgan, buning oqibati o‘laroq u hukmronlik qilgan davrda davlatda osoyishtalik, milliy totuvlik, siyosiy -ijtimoiy taraqqiyot qaror topgan. Shu bois ham Bobur asos solgan saltanat bir necha asr davomida yashadi va tarixda o‘chmas iz qoldirdi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Bobur Z.M. Boburnoma.- Toshkent: Yulduzcha, 1989.- 368 b.; “Mubayyin” va nasriy bayoni, “Risolai Volidiyya” asari nazmiy tarjimasini va sharhi. Nasriy bayon va sharhlar muallifi M.Kenjabeq; mas‘ul muharrir A.Mansur; - Toshkent: Sharq, 2014 .
2. “Mubayyin” va nasriy bayoni, “Risolai Volidiyya” asari nazmiy tarjimasini va sharhi. Nasriy bayon va sharhlar muallifi M.Kenjabeq; mas‘ul muharrir A.Mansur; - Toshkent: Sharq, 2014.
3. Razzoqov A. Iqtisodiy tafakkur sarchashmalari. –Toshkent: O‘zbekiston, 2011.
4. Zahiriddin Muhammad Bobur ensiklopediyasi (qayta ishlangan ikkinchi nashr). Tahrir hay‘ati: A.Qayumov va boshq. Bosh muharrir: A.A‘zamov. – T.: “Sharq” NMAK Bosh tahririyati, 2017.

II-ШЎБА: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА БОБУРШУНОС ЙЎНАЛИШИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

БОБУРИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ МОҲИР САРКАРДАСИ ВА ДИПЛОМАТИ

Мирзаев Ғ.Р.

*Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти катта ўқитувчиси, тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Захириддин Муҳаммад Бобур нафақат давлат бошқарувида балки, давлат арконига номзодларни танлашда ҳам зийрак инсон сифатида кўплаб шахсларнинг камол топишига хизмат қилган. Ана шундай инсонлардан бири Байрамхон (Муҳаммад Байрамхон) саналади.

Бобурийлар давлатнинг давлат арбоби, моҳир саркардаси, дипломати ва шоир Муҳаммад Байрамхон XVI аср Ҳиндистон ижтимоий-сиёсий ва адабий-маданий ҳаётида катта роль ўйнаган. Байрамхон Муҳаммад (тахм. 1501–1562). У қорақўйинли туркманларининг баҳорли уруғига мансуб Сайф Алибек ва Нигина хонимнинг фарзанди бўлиб, 1501 йилда (бошқа маълумотларга кўра - 1502) [9.] Ғазнада туғилган. Сайф Алибек Бобур хизматида кириб, Шимолий Ҳиндистонни забт этишда қатнашган ва ишончли кишилари билан бўлиб, Ғазна ҳокими этиб тайинланган [8.]. Байрамхон 16 ёшидан Бобур кўшинида хизмат қила бошлайди ва жангларда кўрсатган мардлиги, ғайрат-шижоати, қаҳрамонлиги, ҳарбий маҳорати билан Бобурнинг назарига тушади. Уларнинг яқинлашишида Байрамхоннинг шоирлиги ҳам маълум бир маънода роль ўйнаган омиллардан бири саналади. Шунингдек, Байрамхон етук сиёсатдон, машҳур саркарда ва зукко дипломат сифатида Бобурийлар давлатининг шаклланиши, оёққа туриши, мустақамланиши ва ривожланишида у катта хизмат қилади.

Байрамхоннинг Бобур хизматида келишига назар ташласак, дастлаб у Шоҳ Исмоил томонидан Бобурга ёрдам бериш учун юборилган Форс кўшинининг бир қисмида бўлиб, у Самарқанд ва Бухорони эгаллаб олишга ҳаракат қилган. Ушбу кўшиннинг бошига тушган муваффақиятсизликдан сўнг, Байрамхон Бобур, кейин эса ўғли Ҳумоюн хизматида қолди. Байрамхон Ҳумоюннинг Бенгалиядаги юришида муҳим рол ўйнаган, яъни унинг жасорати ва топқирлиги туфайли бир пайтлар Ҳумоюн кўшинларининг авангард(манглай) қисмлари қутқарилган. Ҳумоюн ўз тахтини йўқотиб, Форсга (1539) Шоҳ Таҳмаспга қочиб кетганида, Байрамхон унинг асосий маслаҳатчиси бўлади. Дипломатик маҳорат билан у Шоҳ Таҳмаспни Ҳумоюнга ёрдам бериш учун ўз кўшинларини юборишга муваффақ бўлди. Ҳумоюннинг Қандаҳор ва Синддаги ғалабаларининг кўпи ва Бобурийлар тахтига қайтишида Байрамхоннинг ҳиссаси катта эди. Ҳумоюн тахтга ўтиргач, Байрамхонга муҳрдор вазифасини топширган. 1540 йил Ҳумоюн Канаужа жангида мағлуб бўлганидан сўнг, уч йилча қочиб юриб, 1543 йил Синдда яна Ҳумоюнга келиб қўшилган. Кейинчалик у Ҳумоюннинг Қандаҳор, Кобул ва Бадахшонни қайта эгаллашида иштирок этган. 1545 йил Қандаҳор ҳокими этиб тайинланган. Байрамхон Ҳумоюннинг Ҳиндистонни қайта фатҳ этишида ҳам фаоллик кўрсатган. Хизматидан мамнун бўлган Ҳумоюн жияни Салима Бегимни Байрамхонга узатган ва Хонихонун унвони билан тақдирлаган. Ўғли, шаҳзода Акбарнинг ҳомийси этиб тайинлади (1554). Акбарнинг кўриқчиси сифатида Байрамхон катта қийинчиликларга дуч келди. Байрамхон оддий аскарликдан “хони хонон” рутбасига эришган буюк саркарда бўлган [2, 67.]. Шаҳзода Акбарнинг оталиғи сифатида ўзининг кичик

армиясида интизомни ўрнатиш ва унинг жанговар самарадорлигини таъминлаш учун Байрамхон бир қатор ҳал қилувчи чораларни кўриши керак эди [7.]. Акбар бобоси Бобур каби жуда эрта, яъни 13 ёшида оталиқ тарбиячиси Байрамхон томонидан Панжобдаги Каланаура ҳарбий истеҳкомида Ҳиндистон тахтининг тождори деб эълон қилинди. Ёш подшоҳ номидан 1560 йилга қадар барча давлат ишларини “оталиқ” олиб борди [4, 128.].

Акбар даврида мамлакат хавфсизлигини таъминлашида Байрамхон муҳим ишларни амалга оширди.

Ҳумоюндан сўнг ҳокимият тепасига чиққан Акбар даврида Байрамхон давлатнинг муҳим сиёсий юмушларини бажарди ва энг нуфузли арбобга айланди (1556 йил 15 февраль) [1, 34.]. Дастлаб вазири Байрамхон оталиқ ёрдамида тахтни бошқарган, сўнгра балоғат ёшига етгач, мамлакатни ўзи идора эта бошлаган [5.]. Байрамхон Ҳумоюннинг синглисининг қизи Салима султон бегимга уйланиб, саройнинг энг яқин кишиларидан бирига айланади ва шу билан ўзини ҳукмрон сулола билан боғлади [7.]. Ҳумоюн (1530-1555) Шершоҳ исёни сабабли мушкул вазиятга тушиб қолганида Байрамхон дипломатлик қобилиятини намоиш қилиб, Эрон шоҳи Таҳмаспдан ёрдам олишга эришади. Айниқса, Акбар (1556-1605) ҳукмронлиги даврида Байрамхоннинг давлат арбоби сифатидаги истеъдоди ёрқин намоён бўлган. У ислохотлар ўтказиб, давлат аппаратини бошқаришнинг илғор шакллари ва методларини жорий этади, армияни мустаҳкамлайди, солиқларни камайтиради. Акбар ўз оталиғи ва шахсий кўриқчиси Байрамхонни вазир этиб тайинлаб, унга “Хони-хонон” унвонини берди. Шундан кейинги тўрт йил давомида давлатни Байрамхон идора қилди [6, 94-95.].

Байрамхон қирқ йилдан кўпроқ Бобурийларга хизмат қилган, Ҳумоюн ва Акбар даврида энг олий мансаблар – бош кўмондон, «вакилуссалтана» (бош вазир) лавозимларини эгаллаган. Аммо Акбар саройидаги Моҳим энага бошлиқ мухолиф кучлар Байрамхоннинг тобора ўсиб бораётган обрў ва таъсиридан чўчиб, Акбарни унга қарши қўйган ва натижада у барча лавозим ва амалларидан четлатилган [2, 67.].

Бироқ ҳасадгўй душманлари 1560 йилда уни саройдан узоқлаштиришга муваффақ бўладилар. Байрамхон ҳаж зиёратига кетаётган вақтда 1561 (баъзи манбаларда 1562 йил) йил Гужаротда ўлдирилади.

Байрамхон мамлакатда қатор ислохотлар ўтказиши натижасида маданият ривожига ҳам улкан ҳисса қўшган давлат арбоби ҳисобланади. Р.Иномхожаевнинг таъкидлашича, бу даврга тааллуқли Манзарий Самарқандий, Мир Маҳмуд Маҳвий, Улфатий, Яздий, Тазарвий Абҳарий, Фироғий, Шерозий, Фаҳмий Казвиний, Навидий, Сиякий каби шоирлар ижодий камолоти, муайян даражада Байрамхоннинг рағбати ва ҳомийлиги билан боғлиқ бўлган. Ушбу маълумот, Байрамхоннинг “васийлик-оталиқ” даврида сарой адабиёти ҳаётига катта эътибор қаратганлиги ва унинг Ҳиндистон форсий-туркий шеърляти равнақиға муҳим ҳисса қўшганлигидан далолат беради [4, 288-289.].

Таъкидлаш жоизки, Байрамхон давлат ишлари билан ниҳоятда банд бўлишиға қарамай ижод қилишға доим вақт топган, мусиқни яхши тушунган, шоирлар, олимлар, хонандаю созандаларға ҳомийлик қилган. Байрамхон ўз даврининг билимли мунаввар кишиларидан бўлган. У 13 тилни, жумладан араб, форс, ҳинд тилларини билган, туркий ва форсийда гўзал шеърлар битган. Буларнинг ҳаммаси саройда ва халқ ўртасида унинг обрў-эътиборини оширган.

Албатта, Байрамхоннинг шахсияти, сиёсий ва ижодий фаолиятиға нисбатан қизиқиш нафақат шарқ, балки ғарб мамлакатларида ҳам қизиқиш катта бўлган. Адибнинг номи

Европада дастлаб Иоханнес де Лита асарида ҳамда 1877 йили “Ойини Акбарий”нинг инглиз тилидаги таржимаси учун ёзилган шарҳда қайд этилган [2, 289.].

Ўз даври ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида ана шундай катта роль ўйнаган Байрамхоннинг ҳаёти ва ижоди ўша замонлардан то ҳозиргача тадқиқотчилар диққатини жалб қилиб келади. Гулбаданбегимнинг “Ҳумоюннома”, Муҳаммад Қосим Фариштаннинг 1606 йилда ёзилган “Тарихи Фаришта” асарларида, ҳинд олими Рам Кишар Пандининг 1990 йилда инглиз тилида ёзилган “Муҳаммад Байрамхон туркманнинг ҳаёти ва қаҳрамонликлари” монографиясида, ҳинд тарихчилари Жавҳар Офтобчи, Боязид Баят, Абдулбоқи Нахаванди, Кевал Рам ва бошқаларнинг асарларида Байрамхоннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қизиқарли маълумотлар бор. Ўтган асрда ва ҳозирги вақтда унинг ҳаёти ва ижоди бутун дунё олимлари томонидан жиддий ўрганилди ва ўрганилмоқда. Инглиз шарқшуноси Денис Росс 1910 йилда Калкуттада Байрамхоннинг 2000 байтини, покистонлик олим Маҳмуд Ҳасан Сиддикий 1971 йилда Карачида унинг шеърларини чоп эттирди. Маҳмуд Ҳасан Сиддикий хабар беришича, у (Байрамхон) форс, туркий тилларидан ташқари ҳиндийда ҳам қалам тебратган. Адиб, яна шунингдек, шеърятда қатор мутоз сўз санъаткорлари асарларига ўзи “дахлия” деб атаган – ички қўшма мисралар киритиш каби услубнинг ҳам устаси бўлган [4, 264-265.]. Таниқли олима Суйима Ғаниева Ўзбекистонда биринчи бўлиб 1988 йилда Байрамхоннинг 38 ғазали, 10 рубойиси, 5 фардини “Асрлар нидоси” тўпламида эълон қилди. Истеъдодли олим ва таржимон Эргаш Очиллов Байрамхоннинг 20 та рубойисини форсчадан таржима қилиб, 2009 йилда “Минг бир рубой” тўпламида нашр эттирди [3, 169-171.].

Шунингдек, Байрамхон ижоди Ҳаким Али Кавсар Чандпури (Ҳиндистон), Ғазанфар Алиев (Озарбойжон), Мунаввар Текжан (Туркия) каби олимларнинг китоблари ва мақолаларида тадқиқ этилган. Муҳаммад Байрамхон ижоди Ўзбекистонда нисбатан камроқ ўрганилган. Ўзбек олимларидан Б.Валихўжаев, Н.Комилов мақолаларида Байрамхон ва ижоди ҳақида айрим маълумотлар берилган. Таниқли ўзбек ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг “Авлодлар доғони” романида Байрамхон образи яратилган [8.].

Маълумки, Байрамхон ижодий меросини оммалаштириш ва тадқиқ этишда туркман олимлари ва тадқиқотчилари томонидан ҳам бир қатор тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Байрамхоннинг сайланма асарлари дастлаб “Туркменистон” нашриёти томонидан 1971 йилда (муҳаррирлар Б.Охундов ва Б.Кўсаев, Р.Алиев сўзбоши), сўнг девони “Bayram Han. Türkmen diwany” (нашрга тайёрловчи Н.Мамметсеидова, муҳаррир филология фанлари доктори А.Аширов) номи остида 2000 йилда “ТМҚИ” нашриёти томонидан нашр этилди. 2009 йилнинг 17-19 июнида Ашхабодда Байрамхон ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб халқаро илмий конференцияси ўтказилган. Анжуманда Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон, АҚШ, Буюк Британия, Россия, Туркия, Беларус, Чехия, Корея, Қозоғистон, Қирғистон, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг олимлари қатнашиб, ўз маърузаларида Байрамхон ижодининг жаҳоншумул аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашган [7.].

Хулоса қилиб айтганда, Байрамхон шахсияти, Бобур асос солган давлат тараққиёти ва ривожига иштирок этар экан ханузгача, унинг сиёсий, дипломатлик ва моҳир саркардалиги, ҳукмдорлар хизматидаги ролига доир тарихий материаллар гоҳида бир-бирини тўлдиришга хизмат қилса, баъзида зиддиятли ҳолатларни юзага келтиришининг гувоҳи бўламиз. Бироқ, ҳар қандай вазиятда Байрамхон ўзининг саводи, шижоати ва ғайрати, жасур жангчи ва моҳир дипломатлик қобилияти билан бобурийлар давлатини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган шахслардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Асрлар садоси. Мумтоз ўзбек адабиётидан намуналар. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, Т.: 1982. – 327 б.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси (қайта ишланган иккинчи нашр) /Таҳрир хайъати: А.Қаюмов ва бошқ. Бош муҳаррир: А.Аъзамов. – Т.: «Sharq» НМАК Бош таҳририяси, 2017. – 688 б.
3. Nazarov A. Bayram han'in tarihi misyonu. 169-171 s. // 4. <http://bilig.yesevi.edu.tr/yonetim/icerik/makaleler/3563-published.pdf> 08.02.2021.
4. Низомиддинов Н.Ғ. Буюк бобурийлар тарихи (XVI-XIX аср). Монография. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2012, – 516 б.
5. https://uz.wikipedia.org/wiki/Akbar_Jaloliddin_Muhammad 08.02.2021.
6. Сатимов Ғ. Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида Бобурийлар даври: Шарқ халқлари тарихидан лавҳалар. Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2008. – 296 б.
7. <http://biograpedia.ru/bairam-khan> 08.02.2021.

ХОРИЖДА БОБУРШУНОСЛИК

Ҳайитов Ш

“O‘zbekiston” телеканали бош муҳаррири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ҳазрат мир Алишир Навоий туркий тил асосида бетакрор боғ яратиб, дунё аҳлини хайратга солган бўлса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур шу туркий назм гулшанидаги бепоён боғни чин маънода бўстонга айлантирган ва ҳинд юртида ҳам ижодкорлар раҳнамоси бўлган. Шу боис улар ижоди ҳамон кунт билан ўрганилмоқда. Жаҳонда бирорта машҳур кутубхона йўқки, у ерда халқимиз тарихи ва адабиётига тегишли қўлёзма асар бўлмасин. Бугунги кунда дунё китоб фондларида буюк алломаларимизнинг юз мингдан зиёд асарлари қўлёзмалари сақланмоқда. Британия музейи, Париж миллий кутубхонаси, Оксфорд, Кэмбриж, Сорбонна, Харвард, Голландия, Германия, Испания, Италия кутубхоналари ҳамда Россия, Миср, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистондаги кутубхоналарда бир пайтлар ўзимиз сақлай олмаган кўплаб ёзма адабиётларимиз намуналари авайлаб-асраб келинмоқда. Улар асосида минглаб тадқиқотлар, китоб ва рисоалар чоп этилган ҳамда юзлаб диссертациялар ёзилган. Бир сўз билан айтганда, дунё маърифат аҳлининг улуғ ажодларимиз ва ватанимизга тегишли бой илмий-адабий меросига бўлган қизиқишлари асрлар оша шаклланиб келган.

Жаҳон халқлари адабиётида буюк алломаларимиз ва улардан қолган бой илмий-адабий мерос қаторида Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари, хусусан, унинг қомусий «Бобурнома»си ҳам мана неча асрлардан буён дунё олимлари диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Шу кунга қадар асар дунёнинг ўн етти тилида қирқдан зиёд вариантда таржима қилинган. Асарни, жумладан, Витсен (1705), Ж.Лейден, В.Эрскин (1826), Р.М.Колдекот (1844), Ф.Талбот (1909), Л.Кинг (1921), А. Бевериж (1922), В.Тэкстон (1996) йилларда инглиз тилига, А.Кайзер (1828), В.Стаммлер (1990) немис тилига, П.Куртейль (1871), Б.Граммон (1969) французчага, Р.Арат (1943-1946) турк тилига, М.Салье (1948, 1958) рус тилига, Б.Кожобеков (1990) қозокчага, Ҳ.Темур (1992) уйғур тилига, В.Жилай (1997) хитойчага, Э.Мано (1995) япон тилига, М.Комас (2001, 2002) испанчага, М.Мағлуф (2002, 2013) йилларда арабчага, Ш.Ёрқин (2007) форс-дарий тилига ва Р.Аскар (2011) озарбайжончага таржима қилди. Бу таржималар эса ўз навбатида кейинги минглаб тадқиқотларнинг бажарилишига асос бўлган. Бугунга қадар дунё бўйича ўн икки мингдан зиёд катта-кичик

тадқиқотлар бажарилгани, хусусан, бобурийлар сулоласига оид ўттиздан зиёд романлар битилгани ушбу ишлар кўламининг нечоғлиқ юксак даражада эканлигини белгилайди. Бир сўз билан айтганда, ўзбек адабиётида ижоди энг кўп ўрганилган адабий сиймолардан бири бу шубҳасиз, шоҳ ва шоир Бобур мирзо эканлиги яна бир бор ойдинлашади.

Мустақиллик йилларида, айниқса, бобуршунослик соҳасида қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Хусусан, Бобур номли Халқаро фонд ва илмий экспедиция ўзининг 28 йиллик фаолияти мобайнида Бобур ва бобурийлар қадами етган юртларга йигирма беш мартадан кўпроқ экспедициялар уюштириб, Африка қитъасидан то Ҳинди – Хитой ярим ороли, Европа – Америка давлатларигача етиб борди. Энг муҳими, ана шу илмий экспедиция давомида кўхна тарихимизга оид ҳамда буюк аждодларимиз қолдирган 700 дан зиёд ноёб асарларнинг асл ва фотонусхалари мамлакатимизга келтирилди ва улар асосида 50 дан зиёд турли жанрга хос асарлар тайёрланиб, нашр этилди.

«Бобур девони» Кобул нашрига такмила, «Ғарибинг Андижонийдур» девони, «Бобурнома» миниатюралари, «Бобур ва Юлий Цезарь», «Бобур ҳақида ўйлар», «Асрларни бўйлаган Бобур», «Бобурийнома», «Кўнгил озодадур», «Буюклар изидан», «Бобурийлардан бири», «Ҳинд сорига», «Андижондан Даккагача», «Андижондан Бағдодгача», «Хорижда бобуршунослик», «Бобурнома учун қисқача изоҳли луғат», «Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври», Вильям Рашбрукнинг «Ўн олтинчи аср бунёдкори», Румер Годеннинг «Гулбадан», Ҳарольд Лембнинг «Андижон шахзодаси», Хондамирнинг «Буюклик хислати» («Ҳабиб-ус сияр»), «Буюк Соҳибқирон ўтган йўлларда», «Бобур ва бобурийлар библиографияси», «Бобур йўлбарс» каби қатор илмий-оммабоп ва бадиий-тарихий китоблар нашр этилди. Қолаверса, «Бобур ва дунё» номли журнал юзага келди. Фонд ташкил этилгандан буён биргина «Бобурнома»нинг ўзи уч марта қайтадан нашр этирилди. Бугунги ёшларга тушунарли бўлсин деган ниятда «Бобурнома»нинг кирилл ва лотин алифболарида табдили яратилди. Бундай ишлар бугунги кунда ҳам тўхтовсиз давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда буюк алломалар ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб этиш ва ўрганишга доир белгиланган вазифалардан келиб чиқиб Бобур фонди ташаббуси билан «Бобурнинг тўла асарлар тўплами» ва «Куллиёти»нинг нашрга тайёрланаётгани (ваҳоланки, бу иш шу пайтга қадар бобуршуносликдаги энг катта масалалардан бири бўлиб келаётган эди), шунингдек, «Бобур энциклопедияси»нинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги учинчи наشري устида иш бошлангани, албатта, бу борадаги ишларнинг кўламини кўрсатиб беради.

Шубҳасиз, Бобур мирзо дунё ҳамжамиятига бевосита тегишли бўлган улуғ шахсдир. Шу боис ҳам унинг шахси ва асарлари асрлар оша чет эллик олимларнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Ўзбекистонда бобуршунослик илми ривожини, унинг тараккиёт босқичлари, умуман шоир ҳаёти ва ижодини тарғиб этиш, элга танитиш ҳақида сўз борганда эса, аввало, А.Фитрат, П.Шамсиев, С.Мирзаев, С.Азимжонов, Ҳ.Сулаймонов, А.Қаюмов, С.Ҳасанов, А.Абдуғафуров, П.Қодиров, Ҳ.Назарова, Р.Воҳидов, Ҳ.Қудратиллаев, З.Машрабов, В.Раҳмонов, А.Аъзамов, Қ.Кенжа, Х.Султонов, Н.Отажонов, Ҳ.Болтабоев, Ҳ.Дадабоев, М.Холбеков, Э.Очилов, А.Ибоҳимов, К.Муллахўжаева, О.Жўрабоев, З.Холманова, Д.Хошимова, Ҳ.Ҳасанов, З.Тешабоева каби заҳматкаш олимларимиз томонидан ёзилган асарларни алоҳида эътироф этиш жоиз.

Маълумки, Бобур мирзо қаламига мансуб асарларнинг бугунга қадар аниқланган қўлёзма нусхалари, асосан, Франция, Туркия, Ҳиндистон, Эрон каби мамлакатлар китоб фондларида сақланмоқда ва уларнинг факсимилеси турли даврларда заҳматкаш олимларимиз

томонидан юртимизга келтирилган. Айни пайтга қадар «Бобурнома»нинг 17 қўлёзма нусхаси, «Бобур девони»нинг эса 10 қўлёзмаси топилган. Таъкидлаш жоиз, шарқшунос олимлар томонидан бобуршунослик илмига маълум бўлган қўлёзма манбалар асосида шоир ҳаёти ва ижодининг барча қирралари қамраб олинган минглаб илмий асарлар, рисола ва монографиялар нашр этилиб, илмий тадқиқотлар олиб борилган ва бу ишлар бугун ҳам мунтазам давом эттирилмоқда.

Аммо шуни ҳам қайд этиш керакки, бугунга қадар бобуршуносликда юзлаб китоблар чоп этилгани ва тахминан шу миқдорда диссертациялар ёзилганига қарамасдан ҳали-ҳамон шоир ижодини ўрганиш борасида ўз ечимини қутаётган масалалар бор.

Бобуршуносликдаги бугунги муаммолар ҳақида сўз борар экан, Бобур асарларининг мукамал илмий нашрлари борми, шоир асарларининг турли йилларда нашр этилган тўпламлари камчиликлардан холими, «Бобурнома», «Бобур девони», «Мубаййин» асарлари илмий нашрлари матншунослик талаблари асосида тайёрланганми, ғазалларини шарҳлаш, айниқса, ҳар бир асари қўлёзмалари, уларнинг тил хуссиятлари, таржималари матни масалалари қай даражада ўрганилган каби турли саволлар пайдо бўлади.

Биргина «Бобур девони»нинг Париж нусхасини бир пайтлар А.Самойлович XVI-XVII асрларга мансуб деб қараган бўлса, Э.Блоше бу нусха Кобулда 1515 йилларда кўчирилган, деган тахминни илгари суради. Турк олими Ю.Билол тадқиқотларида ушбу қўлёзмада 87 ғазал, 2 маснавий, 65 рубоий, 28 муаммо (2 рубоий, 26 мусарраъ байт), 1 қитъа, 9 туюқ, 15 матлаъ, 3 маснуъ шеър, 2 тугалланмаган ғазал, 1 назм, 5 мусарраъ байт, 1 муфрад борлиги айтилса, айни қўлёзма ҳақида профессор С.Ҳасанов қарашлари бутунлай бошқача. Унга кўра: мазкур қўлёзмада 89 тугал ғазал, бир тугалланмаган ғазал, 13 рубоий, 1 маснавий, 11 туюқ, 1 қитъа, 29 муаммо, 21 фарддан иборат. Эътибор беринг бир қўлёзма ҳақида икки олим турли хил фикр айтишган ва ҳар хил тавсиф келтирган. С.Ҳасановнинг Париж нусха ҳақидаги тавсифий қарашлари турк олими Ю.Билолникидан шеърларнинг сони, уларнинг жанрини белгилашда фарқлар бор. Хўш, қайси фикр тўғри? Демак, Бобур асарларини ўрганишдаги мавжуд қарашларда чалкашликлар бор. Бундай мисоллар яна кўплаб кузатилади.

Афғонистонлик олима Ш.Ёркин томонидан 2004 йилда тайёрланган «Девон» бир муддат ўз даврига қадар тайёрланган нашрлар орасида мукамал деб ҳисобланган. Бобур шеърляти, унинг қўлёзмалари борасида олиб борилган чуқур тадқиқотлар, илмий-академик нашрлар, жумладан, адабиётшунос олим Э.Очилов томонидан 2007 йил чоп этилган «Сочининг савдоси тушти» деб номланган тўплам ва бобуршунос олим В.Раҳмонов томонидан 2008 йил чоп этилган «Ғарибинг андижонийдур» номли китоб 2004 йилги нашрда ҳам камчиликлар борлигини кўрсатди.

«Бобур девони»нинг Истанбул қўлёзмаси асосида тайёрланган туркча илмий матнни А.Абдуғафуров томонидан 1994 йилда тайёрланган нашр ва Э.Очилов ҳамда В.Раҳмонов нашрлари билан ўзаро қиёслашимиз натижасида бир қанча фарқли жиҳатлар аниқланди. «Бобур девони»нинг туркча матнида келган айрим туюқлар В.Раҳмонов нашрида учрамайди. Туркча нашр ўзининг қитъалар сони кўплиги билан ҳам ушбу нашрлардан фарқ қилади. А.Абдуғафуров ва В.Раҳмонов нашрида шоирнинг 13 қитъаси берилган бўлса, Ю.Билол нашрида улар сони 19 та, Э.Очилов нашрида бу кўрсаткич 22 та экани қайд этилади. Хўш, ўқувчи учун қай бири тўғри? Хуллас адабиётларда Мирзо Бобурнинг деярли барча асарлари билан боғлиқ фикрларда хилма-хилликлар кузатилади. Демак, баъзан бобуршуносликда биз билган, ўқиб-ўрганиб келган айрим маълумотлар мутлоқ ҳақиқат эмас, нотўғри эканини ҳам кўрсатади ва энг муҳими бу ҳақдаги энг тўғри хулоса қандай экан, деган саволга жавоб

излашни тақозо этади. Бир сўз билан айтганда, даврнинг ўтиши, бобуршунослик илмининг тобора ривожланиб бориши, янгидан-янги маълумотлар билан бойиши бу борада янги бир қарашларни юзага келтиради. Натижада эса биз тўғри деб билган Бобур ҳаёти ва ижодига доир айрим маълумотларни инкор этувчи фикрлар пайдо бўлмоқда. Демак, бу борада хулоса шуки, бугун бобуршуносликдаги энг катта ўз ечимини кутаётган масала Бобур асарларининг мавжуд қўлёзмалари асосида саҳиҳ, муаллиф дасхатига мос келадиган илмий академик тўплам нашрини эълон қилишдир.

Бобуршуносликдаги яна бир масала бу - буюк сиймо ижодининг хорижда ўрганилиши, тўғрироғи, Туркияда бобуршунослик билан боғлиқдир. Маълумки, Бобур ижодини ўрганиш, асарларини таржима қилиш борасида бошқа хорижий мамлакат олимлари қатори туркиялик мутахассислар ҳам муносиб ўринга эгадир. Турк олимлари томонидан бу борада бир қанча илмий изланишлар қилинган. Таржима ишлари бажарилиб, йирик монографик асарлар, илмий-оммабоп рисоалар чоп этилган. Аммо турк олимлари томонидан амалга оширилган бундай ишлар ҳали бобуршунослик илмида ўрганилмаган, Бобур ижодига оид туркча манбалар бир тизимга солиниб таҳлил этилмаган. Масалан, Бобурнинг «Бобурнома», «Бобур девони», «Мубаййин», «Рисолайи волидийя» каби асарларининг туркча таржималари ҳамда таржима муаллифлари ва бошқа бобуршунос олимларнинг илмий фаолияти, турк адабиётида шоир асарларининг илмий академик ва оммавий нашрларини эълон қилиш жараёнининг даврий кўрсаткичлари каби масалалар ҳақида адабиётимизда бирор бир монографик асар ёзилмаган. Ваҳоланки, бобуршунослик илмида ушбу жиҳатларга эътибор қаратиш Бобур ижодининг очилмаган қирраларини ёритишда катта илмий асос вазифасини ўтайди.

Шу боис ҳам бугунги кунда Бобур Мирзо ижодининг туркча таржималарини ўрганиш, уларни тавсиф этиш, «Бобур девони», «Бобурнома», «Мубаййин» ҳамда «Рисолайи волидийя» каби асарларнинг туркча таржималарини тадқиқ этиш ва бу борада ягона илмий хулосага келиш бобуршуносликда долзарб аҳамият касб этади. Турк олимларидан Фуад Кўпрулу, Рашид Раҳмати Арат, Заки Валиди Тўғон, Фаруқ Акун, Южел Билол, Ҳикмат Бойир, Али Алпарслон, Али Фуад Билкан, Мустафо Жонпўлат, Танжу Сейҳан, Масъуд Шен, Меҳмет Тургут, Мурат Юрдакўк, Ҳусайн Байдемир кабилар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар жамлаб ўрганилмагани, улар тавсиф ва таҳлил этилмагани, ўзбек адабиётшунослигидаги ишлар билан қиёсланмагани, шубҳасиз, бобуршунослик соҳаси олдида ўз ечимини кутаётган бир қатор масалалар борлигини кўрсатади.

ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИДА БОБУРШУНОСЛИК СОҲАСИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Толипов А.А.

*Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Гуманитар ва ижтимоий фанлар
кафедраси бошлиғи*

Бобур ҳаёти, фаолияти ва ҳарбий маҳоратини чуқур ўрганиш, янги қирралари бўйича кенг қамровли тадқиқотларни фаол амалга ошириш бугуннинг кун тартибидаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Зеро бугунги глобаллашув замонида юксак маънавиятни сақлаб қолишнинг энг муҳим хусусиятларидан бири, аждодлар маънавий бойлигини фаол ўрганиш ва келгуси авлод учун муносиб мерос қолдиришдан иборатдир.

Европада бобуршунослик йўналишида амалга оширилган фаол тадқиқотларда немис олимлари – А.Кайзер, А.Шиммел, Ф.Вюртле, В.Стамлернинг, французлардан – А.Клапрот, Ф.Берне, Пер Ларусс, Паве де Куртейл, Г.Фернан, Ф.Гренан, Л.Гамби, Б.Грамон, Луи Базен кабиларнинг ҳиссаси аҳамиятлидир.

XVIII асрдан бошлаб инглиз Ҳиндистон ўлкаси билан қизиқа бошлаган, шу мақсадда ўлканинг табиати, бойликлари, ҳудудий бирликларини ўрганиш билан бирга Бобур ва бобурийларнинг бошқарув тизимига ҳам алоҳида эътибор қарата бошлаган.

Ҳиндистон мавзусида инглиз олимлари томонидан ҳужжатли, илмий ва сиёсий адабиёт чоп этишга киришилган бўлиб, дастлаб Ж.Лейден “Бобурнома”ни таржима қилишни бошлаган. Кейинчалик унинг вафоти муносабати билан таржимани давом эттириш У.Эрскинга топширилган.

У.Эрскин “Темурийлар сулоласидан бўлмиш Бобур ва Ҳумоюн давридаги Ҳиндистон тарихи” номли йирик тадқиқотини чоп этган. 1974 йилда эса мазкур асар мукамал тарзда П.Ҳарди сўзбошиси билан қайта нашр этилди. Унда “Бобурнома” асосида Чингизхон ва мўғуллар тарихи, темурийлар сулоласи ҳамда Бобур ва Ҳумоюн даври тарихи ёритилган. У.Эрскин асари “Ҳиндистонда Бобур давлати” номи билан ўзбек тилига таржима қилинган.

Калькуттада ҳинд ҳукмдорлари саройида элчилик қилган шотланд олими Маунстюарт Элфинстон Бобурийлар тарихини ўрганган ва 1829 йилда “Ҳиндистон тарихи” асарини чоп этган. XIX асрдан Бобур ва бобурийлар ҳақидаги маълумотлар инглиз тилидаги энциклопедия ва библиографик кўрсаткичларга киритила бошлаган.

Ҳенри Мейрс Эллиотнинг “Ҳиндистонлик мусулмон тарихнависларининг библиографик кўрсаткичи”да 231 та ҳиндистонлик тарихчи, жумладан, Бобур ва бобурийлар тўғрисида маълумот берилган. Ҳ.М.Эллиот кўрсаткичлари асосида Жон Доусон “Ҳиндистоннинг ўз тарихчилари тилидан баён қилинган тарихи” китобини ёзиб, ҳар икки олим номидан беш жилдда нашр этган.

1874–1892 йилларда Британия музейининг ходими С.Лейн Пуллнинг “Ҳиндистон ўрта асрларда мусулмон ҳукмдорлари қўли остида” асари жаҳон тарихшунослигида бобурийлар ўрнини кўрсатиб берган асарлардан биридир. Унинг “Ҳиндистон тарихи: дастлабки мусулмонлар истилосидан то Буюк Акбар давригача” монографиясининг Бобур даврига бағишланган қисми бевосита “Бобурнома” таъсирида ёзилган.

XX аср бошларида Буюк Британияда Бобур ижодига бўлган қизиқиш янада кучайган. А.С.Беверидж Гулбадан Бегимнинг “Ҳумоюннома” асарини инглиз тилига таржима қилган. Шунингдек, олим “Бобурнома”нинг Ҳайдаробод кўлёзмаси факсимилесини чоп этган, сўнгра асарнинг ўзини инглиз тилига таржима қилган.

А.С.Бевериджнинг турмуш ўртоғи Ҳ.Беверидж эса “Жаҳонгир-нома” ва “Акбарнома”ни таржима қилган. С.Р.Бурннинг “Ҳиндистон тарихи”, С.М.Эдвардеснинг “Бобур – тарихчи ва фотиҳ” каби китобларида Ҳиндистон маданий тарихида Бобур ва бобурийлар қолдирган маданий мерос тавсифланган.

Э.Холденнинг “Ҳиндистонда Мўғул империяси” тадқиқоти Ҳиндистонда Бобур ва бобурийлар сулоласи тарихи кенг ёритган асарлардандир. XX аср бошларида унинг “Буюк Темур” (1910 й.), “Бобур – фотиҳ” (1916 й.), “Шоҳ Акбар” (1910 й.) каби боблари рус тилида нашр этилган.

Ҳиндистонда туғилган Маргарет Румер Годен 1920 йилда “Гулбадан” номли тарихий биографик асарини эълон қилган. Буюк Британияда Бобурга бағишлаб ёзилган бир қатор асарлар бадиий-публицистик руҳда ёки тарихий роман табиатига эга. А.Ратерфорднинг

“Жаннатга қасида” тарихий романи шулар жумласига киради. Ф.Е.Стилнинг “Тождор дарвеш” романи инглиз тилидан рус тилига таржима этилиб, Ўзбекистонда эълон қилинган.

Германияда XIX асрдан бошлаб бобуршуносликка оид тадқиқотлар бошланди. Мамлакатда бобуршунослик “Бобурнома”нинг инглизча таржимаси асосида немис тилига А.Кайзер томонидан таржима қилиниши ва 1828 йилда чоп этилишидан бошланади. XIX аср давомида Германия ҳудудида ёзилган Ҳиндистон тарихи ва маданиятига оид асарларда Бобур ва бобурийларга доир маълумотлар учрайди. 1925 йилда Берлинда “Бобурнома”га ишланган миниатюралар чоп этилган.

Бобуршунослик тараққиётига улкан ҳисса қўшган олима А.Шиммел (1922–2003) “Бобуршоҳ истеъдоди ва бобурийлар сулоласи ҳақида” номли тадқиқотида ушбу сулоланинг сиёсат бобидаги шавкати билан бирга улар томонидан ёзиб қолдирилган ўнлаб тарихий ва бадиий асар таҳлил қилинган.

Фритс Вюртленинг “Бобур – йўлбарс” саргузашт қиссаси Австрияда чоп этилиши, В.Стамлер томонидан “Бобурнома”-нинг немис тилига иккинчи марта таржима қилиниши эса Швейцарияда Бобур шахсига қизиқишни кучайтирди.

Россияда бобуршунослик йўналишидаги тадқиқотлар анча кенгроқ ўрганилган ва бу борадаги изланишлар бугунги кунда ҳам фаол давом этмоқда.

1835 йилда Санкт-Петербургда чоп этилган “Энциклопедик лексикон”да “Бобурнома”га “Буюк Бобурнинг тарихий хотираларининг сарлавҳаси” дея қисқа изоҳ берилган.

“Бобурнома”нинг матни Қозонда Н.И.Илминскийнинг “Бобурнома ёки Султон Бобурнинг хотиралари” сарлавҳали сўз боҳиси билан 1857 йилда эълон қилинган туфайли Россияда Бобур шахсига қизиқиш кучайган. Шу йилнинг ўзида И.Н.Берёзин томонидан тузилган “Турк хрестоматияси”нинг 1-қисмида Бобур асарларидан намуналар чоп қилинган.

Н.И.Илминский Қозон университетиде ташкил этган “Турк-татар курси” учун маърузасида “Бобурнома”нинг лингвистик хусусиятларига тўхталган. У кейинчалик ҳам бу мавзуда тадқиқотини давом этган.

Можар шарқшуноси Ҳерман Вамбери Ўрта Осиёга сафари бўйича ёзган ҳисоботида Бобур фаолияти анча муфассал баён этилган. У кейинроқ “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи: қадимги даврлардан ҳозирги кунгача” (Пешт, 1873 йил) асарида Бобур ва Бобурийлар тарихини изчил ёритишга ҳаракат қилган. Ф.Толл томонидан тузилган “Настольный словарь”нинг илова қисмида Бобур тўғрисида мақола берилган.

Н.И.Пантусов “Бобурнома”нинг Фарғона ва Самарқанд тасвирларига оид лавҳаларини (1884 йил), В.В.Вяткин Самарқандга оид қисмини (1896 йил), М.И.Поляков Фарғона тарихига оид қисмини (1904 йил) таржима қилиб, чоп этган.

Бобурнинг адабий мероси бўйича йирик тадқиқот қилган дастлабки рус олими А.Самойлович бўлиб, у “Император Бобурнинг шеърлари” номи остида Бобур девонидан ва “Бобурнома”дан айрим шеърларни эски ўзбек ёзувида чоп этган. Унинг эътирофича, “Ўрта Осиёлик Юлий Цезар – Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг асарларини нашр этиш, таржима қилиш ва ўрганиш шарқшунослар учун бурч, шараф ва саодатдир”.

Европа бобуршунослигида Франция тадқиқотчилари ва адибларининг соҳага қўшган ҳиссаси таҳсинга сазовор. Бартеlemi д’ Эрбело (1625–1695) “Шарқ кутубхонаси” мажмуасида Бобур асарларидан намуналар бериб, Бобурнинг ўзи тўғрисида ҳам маълумот келтирган. Шунингдек, А. де Лонгпере ёзувлар тарихига бағишланган рисоласида “Хатти Бобур” ҳақида ҳам маълумот берган. Францияда Бобур шахсига қизиқиш кучайишида Ф.Берне, А.Жюл Клапрот тадқиқотлари туртки бўлди. Хусусан, Клапротнинг “Бобурнома

хакида қайдлар ёки Султон Бобур тарихи” асари бобуршунослик ривожига кучли таъсир кўрсатган тадқиқот натижасидир. “Бобурнома”нинг француз тилига таржимаси Паве де Куртейл томонидан амалга оширилган. Г.Фернан географик экспедициялар материалларини, Ф.Гренан “Бобур” рисоласини эълон қилди. Л.Гамби Марказий Осиё тарихига доир асарида Ҳиндистоннинг Бобур ва бобурийлар давридаги адабиётига алоҳида эътибор қаратилган. “Бобурнома” француз тилига иккинчи марта Б.Грамон томонидан таржима қилиниб, чоп этилди. Китобнинг сўзбошисида Луи Базен “Бобурнома”нинг ёзилиш тарихига алоҳида эътибор қаратган бўлса, “Фарғона” қисми С.Азимжонованинг “Бобур Мовароуннаҳрда”, “Кобул” қисми А.Ҳабибийнинг “Бобур Афғонистонда” ва “Ҳиндистон” қисми Кашмир университети профессор Муҳиббул Ҳасаннинг “Бобур Ҳиндистонда” номли сўз бошилари билан бошланган.

Мухтасар қилиб айтганда, дунёнинг барча мамлакатларидаги каби Европа мамлакатларида ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва меросини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. Тошкент: O‘zbekiston, 2017. - 484 б.
2. Ватанимиз олтин остонаси Тошкент тобора чирой очмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 20 май кундаги Адиблар хиёбонига ташрифидаги нутқидан. Халқ сўзи 2020 йил 21 май. №106 (7608).
3. Бобур мемуари. Чиғатой тилидан француз тилига Паве де Куртейл томонидан таржима қилинган. Париж, 1871. – 164 б.
4. Жалилов С. Бобур хақида ўйлар. Тошкент: Sharq, 2006. - 116 б.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Ўқитувчи, 2008. - 287 б.
6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Тошкент: Sharq, 2007. - 688 б.

ҲИНДИСТОНДА БОБУРШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Девяткин А.В.

Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириши ва халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи, доцент

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Тошкент шаҳрида Адиблар хиёбони ташкил этилиб, унда 20 дан зиёд атоқли шоир ва адибнинг ҳайкаллари жой олди ва ҳайкали ўрнатилган ҳар бир адибнинг ижодини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этишга доир таклиф ва тавсиялар берилди⁴⁰. Ана шундай мутафаккирлардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур бўлиб, унинг ҳаёти ва фаолияти, ҳарбий маҳорати, илмий ва маънавий мероси, хусусан “Бобурнома” асарини чуқур ўрганиш, бу борада дунё мамлакатларида олиб борилаётган тадқиқотлар билан яқиндан танишган ҳолда ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

⁴⁰ Ватанимиз олтин остонаси Тошкент тобора чирой очмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 20 май кундаги Адиблар хиёбонига ташрифидаги нутқидан. Халқ сўзи 2020 йил 21 май.

Ҳиндистонда бобуршуносликка доир амалга оширилган тадқиқотлар кенг қамровли бўлиб, изланишлар XVI асрнинг ўрталаридан бошланган. Бобурийлар давлатида ёзилган тарихий асарлар ва тазкираларда Бобур ва унинг меросига оид маълумотлар берилган бошлаган.

Бобур ҳақида сўз юритилган асарларнинг дастлабкиси Жаҳонгиршоҳнинг “Тазкираи Жаҳонгир подшоҳ” асаридир. Бу асар ҳақида маълумот берган Мутрибий Самарқандий “Нусхаи зебои Жаҳонгир” тазкирасини Ҳиндистонда охирига етказган ва мазкур асар 1620 йилда чоп этилган. У ўз тазкирасига Жаҳонгиршоҳ асарини ҳам илова қилган.

Мир Алишер Қонёнинг 1756-1760 йилларда яратилган “Мақолотуш-шуаро” асарида Ҳиндистон шоирлари ҳақида сўз юритилган. Мазкур китоб Бобур ва бобурийлар ижоди ҳақида маълумот берувчи форс тилидаги илк манбалардан саналади.

Ҳиндистон тарихига оид асарларнинг ҳар бирида Бобур ва бобурийларнинг давлат тизими, бошқарув сиёсати, маданияти ва бошқа жиҳатлар хусусида атрофлича сўз юритилади. Тараханднинг “Исломи динининг Ҳиндистон маданиятига таъсири” асари Бобур ва бобурийлар тарихига бағишланган махсус асардир. Турли даврларга мансуб бу манбалар XX асрда ҳинд ва инглиз тилларида чоп қилинган.

Ж.Нерунинг уч жилддан иборат “Дунё тарихига назар” (1930–1933 йиллар) асарида Бобур қурган давлат тавсифига кенг ўрин берилган. Унинг “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” китобида Бобур сиймосига Ҳиндистоннинг тараққиётига улкан ҳисса қўшган давлат арбоби сифатида ёндашилган.

Ж.Неру “Дунё тарихига бир назар” китобида Бобур ва бобурийлар сулоласи хусусида қуйидаги фикрлар келтириб ўтилган: “Оврўпо, Чин-Мочин, Япон мамлакати ва Малайзия дунёсидаги юртлар тарихининг баёни давомида биз ўн еттинчи аср охиригача етиб келдик ва ўн саккизинчи аср бошида тўхтадик. Ҳинд эли тарихи баёнини эса ўн олтинчи асрдан – Бобур замонидан бошлаймиз”⁴¹.

Бобур Самарқанд тахтини эгаллаганида бор-йўғи ўн бир яшар ўспирин эди. Сенинг юртдошларинг бу ёшда мактабга боришади. Султонлик эса мушкул вазифа. Ҳар тарафдан уни душманлар қуршаб олганди. Унга шу ёшида муҳораба майдонларида от суришга, жанг-жадал қилишини тутишга тўғри келди. Тахтини йўқотиб, ўзининг долғали умр йўлидаги жуда кўп саргузаштларни бошидан кечириб, яна қайтиб олди. Шунда ҳам назму наво, санъат билан ошнолигини қўймади. Кобулни фатҳ этгандан сўнг, Ҳинд тоғлари орқали Ҳиндистонга кириб келди. Қўшини оз сонли бўлса-да, у ўша вақтларда Оврўпо ва Ғарбий Осиёда урф бўлаётган ўточар қуролларга эга эди. Жанг қилишга ботинган афғон ҳоконининг беҳисоб лашкари унинг музаффар қўшини томонидан узил-кесил тор-мор этилгач, Бобур ғолиблик тожини кийди.

Бироқ бу билан унинг машаққатлари ниҳоя топмади, зеро, тақдирнинг унга атаб ҳозирлаб қўйган ўйинлари кўп эди. Хавф таҳдид солганда, саркардалар шимолга чекинмоқни маслаҳат бердилар, бироқ Бобур ўжар эди, айтдики, ўлимга-да юзма-юз борурмиз, билъақс чекинмасмиз. У чоғирни яхши кўрарди. Ушбу хатарли вазиятда чоғир нўш этмақни ҳам тарк қилишга азм айлади, барча хумларни кунпаякун қилишга буйруқ берди. Ниҳоят, ғалаба куши яна унинг бошига қўнди. Бобур эса аҳдида қаттиқ турди.

У Ҳиндистон салтанатини тўрт йилгина бошқарди, сўнг омонатини топширди. Бу тўрт йил шиддатли жангу жадаллар билан кечди, ором фурсатлари жуда кам бўлди. Истанбулдан машхур меъмори чорлатиб, Аграда ажаб бир пойтахт барпо қилдирди.

⁴¹ Неру Дж. Взгляд на всемирную историю. М. 1976. С.36.

Куйида Ж.Нерунинг Бобурни эътироф этган яна айрим фикрларини келтирамиз:

Бобур – дилбар шахс. Уйғониш даври ҳукмдорининг ҳақиқий намунасидир. У мард ва тадбиркор одам бўлган.

Бобур ўта маданиятли ва жозибали инсонлар орасида энг етук инсонлардан бири эди. У мазҳабпарастлик каби чекланишдан ва мутаассибликдан йироқ эди. Бобур санъат ва айниқса, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди.

Бобур санъат ва адабиётнинг улкан ҳомийси, бобурийлар саройи жуда шукуҳли, бой ва мисли кўрилмаган сарой эди.

Бобур ўз фаолиятида турли диний қарама-қаршиликларга мутлақо йўл қўймади ва ноҳақ қон тўкишларни олдини олди. Ҳиндистон тадқиқотчилари топган янги бир ҳужжатга кўра, Бобур ўлимидан тўрт ой илгари ҳинд ва мусулмонлар ўртасидаги диний тафовутга барҳам бериш мақсадида янги тартибларни жорий қилган. Бу – ўша давр шароити учун ўта муҳим тадбир эди. (Бу тадбир Ҳумоюн ва Акбар даврида кенг тарғиб қилинди).

1526 йил 21 апрелда тарихий Панипат жангида ғалаба қилганидан сўнг Бобур дарҳол ғалаба шаънига боғ барпо қилишга буйруқ берди. Бу ўша давргача кўрилмаган тарихий воқеалардан бири эди. Бобурийларга қадар Ҳиндистонда боғ яратиш санъати умуман бўлмаган. Бобур боғ яратишда ҳам, меъморчилик санъатида ҳам янги давр бошлаб берди. Агра, Дехли ва бошқа шаҳарларда у ажойиб боғ-гулзорлар яратди⁴².

Бобур ўзигача ўтган ҳокимларнинг энг маърифатпарвари ва энг дилбаридир. Италия ва умуман Оврупада Уйғониш даврида адабиётни ва санъатни севган “авантюрист подшолар” кўп ўтган. Аммо улар принсипсиз, ифвога майли бор ҳукмдорлар эди, душманларига қарши курашда заҳар солинган қадаҳ ва ханжар ишлатувчи мустабидлар эди. Рицар табиатли Бобурни бу ҳокимча-султонлар қаторига қўшиш ҳақиқатга зид бўлар эди.

1955 йилда чоп этилган И.Прасаднинг “Ҳумоюн даврида Ҳиндистон” асари бевосита бобурийлар тарихига бағишланган.

Л.П.Шарма, Р.П.Трипатҳи асарларида баён қилинган воқеаларни тўлдириш баробарида Бобур ҳукмронлик қилган даврдан то бобурийлар сулоласининг сўнгги вакиллари даврига қадар уларнинг сиёсий фаолияти, сарой муҳити, маъмурий ва ҳарбий тизим, маданий-маърифий обидалар хусусида бой маълумот берилган⁴³. Мазкур китоб 1988 йил Дехлида инглиз тилида чоп этилган.

Кейинги йилларда Ҳиндистонда бобуршунослик йўналишидаги тадқиқотлар тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча қатор тадқиқотчилар ҳозирги кунда ҳам бу борадаги тадқиқотларни жадал олиб боришмоқда. Бу борада Ҳиндистон миллий музейи тадқиқотчиларининг ҳам ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Хулоса қилиб айтганда деярли беш асрдан буён дунё миқёсида бобуршунослик йўналишида фаол тадқиқотлар олиб борилаётган бўлиб, мазкур масала билан бугунги кунда 40 дан зиёд мамлакатлар фаол тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Шундай экан Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан айнан бобуршунослик соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, халқаро миқёсдаги конференция ва форумлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу орқали бобуршунослик соҳасидаги илмий тадқиқотларни янги босқичга олиб чиқиш мумкин бўлади.

⁴² Сатимов Ғ. Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида Бобурийлар даври. Шарқ халқлари тарихидан лавҳалар. Тошкент: Ғафур Ғулом. – Б. 296.

⁴³ Шарма Л.П. Бобурийлар салтанати. Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.25.

BOBUR HAYOTI VA IJODI INGLIZ ADIBLARI NIGOHIDA

Xayrullayeva K.R.

Buxoro Davlat Tibbiyot Instituti o'qituvchisi

Ko'p asrlardan buyon nafaqat o'zbek, balki ingliz va hind adiblarining e'tiborini tortib kelayotgan buyuk tarixiy shaxs bo'lmish Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti va ijodi bilan tanishish biz uchun juda katta faxr tuyg'usini beradi. O'rta asrlarda turg'unlik hukm surgan bir davrda yashab faoliyat ko'rsatgan Bobur har tomonlama yetuk, bilim doirasi keng va nozik did-farosat egasi sifatida shakllanib voyaga yetdi. Harbiy mahorati tufayli g'oliblikka erishgan bu buyuk inson san'at va adabiyot oshig'I ham edi. U Movarounnahr, Xuroson va Hindistonda hokimiyat uchun keskin kurashlar olib boorish bilan birga, o'z siyosiy faoliyatida boshdan kechirgan voqealarni 12 yoshidan boshlab qadam-baqadam qalamga olib bordi. Va bu bilan o'zining to'kis xotiranomasini yaratdi. Bu bugungi kunda barchamiz uchun ma'lum bo'lgan asar "Boburnoma"dir.

Taniqli ingliz adibi Harold Lamb o'zining "Bobur-Yo'lbars" asarida ushbu xotiranoma xususida quyidagi fikrlarni ifodalaydi: "Bobur o'z xotiranomasini yaratish jarayonida har bir harakati, har bir qadamda bo'lib o'tgan voqealar qay holda yuz bergan bo'lsa, ana shu holda, hech qanday mubolag'asiz yozgan. Uning xotirasi kuchli edi, shu sababdan ma'lumotlarni to'kis bayon qilgan. Nima bo'lganda ham Boburning tasviridagi voqealar haqiqiy, hayotiy tasvirlardir. Ularda hayotiy voqealar yaxshi tahlil etilgan va bironta o'rinda tushirib qoldirilmagan." [5]

Zahiriddin Muhammad Bobur 1483-yilning fevral oyida, endigina tog' bag'ridagi qorlar erib, turli irmoqlar shaklida vodiydagi olchazorlar sari oqa boshlagan bir paytda dunyoga keldi. O'shanda Umarshayx Mirzo saroyida yangi chaqaloq- birinchi shahzoda- o'g'il bola dunyoga kelgandi. Ona tomonidan uning ajdodlari mo'g'ul ulusining sardori va biz bilgan dunyoning kattagina qismida o'z hukmini o'rnatgan Chingizxonga borib taqalardi, otasi tomonidan esa dunyoga tanilgan mashhur turkiy qavmlar sardori Amir Temur avlodlaridan edi. Shu bois ham uning vujudida uzoqni ko'ra biladigan, mard va qat'iyatli, g'ayrat-shijoatli turkiylarga xos bo'lgan shiddat bor edi.

Zahiriddinning onasi Qutlug' Nigor xonim tarafidan bobosi bo'lmish Yunusxon uning 1 yosharlik chog'ida birinchi marta sochini oldirish va unga ism qo'yish marosimida qatnashdi. Yunusxon chaqaloqni qo'liga olib, boshi uzra baland ko'tarib: "Bu kichkina yo'lbars" deb e'lon qildi. Shu bilan bu ism chaqaloqqa muhrlanib qoldi, chunki keksa mo'g'ul Xoja Ahror Valiy hazratlari qo'yib bergan "Zahiriddin Muhammad" ismini to'g'ri talaffuz qila olmas edi. "Yo'lbars" ma'nosi esa, arabcha "Bobur" so'zi orqali ifodalanadi. [7]

5 yoshga to'lganida uni birinchi bor Andijondan Samarqandga, qarindoshlari huzuriga olib borishdi. Bobur bobokaloni Amr Temur homiyligida barpo etilgan go'zal bog'lar, mahobatli masjid va madrasalar, salobatli maqbaralar va ayniqsa, fil suyagidan xitoycha uslubda ishlangan ko'rkam ko'shklarni ko'rib hayratga tushar va ularning maftunkorligidan chuqur ta'sirlanardi. "Bog'i Orom" deb atalgan bog'dagi suratlar majmuasi bobokaloni Sohibqiron Amir Temurning Hindistonga qilgan yurishi natijasida o'lja olingan noyob rasmlar bilan bezatilgandi. Ularda aks ettirilgan fil janglari yosh shahzodani hayratga solardi.

Bobur yoshlik chog'laridan otasining qo'l ostidagi shaharlarni ularning mevalari, tabiiy boyliklari va urf-odatlariga binoan yaxshi eslab qolardi. Shahzoda 11 yoshga to'lguncha tezkorlik bilan ilm sirlarini egallashi lozim, chunki undan keyin ilm bilan shug'ullanishga vaqti bo'lmaydi. Bobur juda ziyrak va xotirasi kuchli talaba bo'lganidan o'z tengdohlaridan o'zib ketar va ayrim masalalarda talabchan ustozini savollarga ko'mib tashlar edi. Mashg'ulot davomida qattiqqo'llik

bilan ustozlarining g'ayriaxloqiy harakatlari- ikkiyuzlamachiligi, o'rinsiz xushomadgo'yliги kabi xislatlarini ham yosh shahzoda nazardan qochirmasdi. [6]

Shahzoda mahalliy turkiy til bilan birga, fors tilini ham erkin egallagandi. Maktab mashg'ulotlarida esa unga ta'lim berayotgan olimu ulamolardan ilm ahlining tili bo'lmish arab tilini o'rgandi. Ayniqsa nutqda tez-tez uchrab turadigan so'z o'yinlari Boburga zavq bag'ishlardi. U atrofida bo'layotgan voqealarni sinchkovlik bilan tahlil qilar va yonidagi kishilar bilan bo'layotgan muloqotda ulardan foydalanardi. Ruhoniylarning ma'ruzalari, ulamolarning nutqlari va ayniqsa, shoirlarning mushoiralari unda chuqur taassurot qoldirardi. Qofiyalari juda kelishtirib berilgan "Shohnoma" ning mo'jizaviy satrlari unga yaqin bo'lgan aslzodalarning kechagina bo'lib o'tgan qahramonliklari va omadsizliklari haqida juda ta'sirchan tilde so'ylab berardi.

Yosh shahzoda juda ziyrak zehn egasi edi. Unga sirli tuyulgan voqea va hodisalarni erinmay tahlil qilar va zarur xulosalar chiqarardi. Andijon kutubxonalaridagi kitoblarning kamdan-kami Bobur uchun sirli tuyulardi. Rumiyning asarlari osmon tevaragidan tashqariga chiqishi mumkin bo'lgan g'aroyib hodisalar haqida hikoya qilardi. Ismlari noma'lum bo'lgan bunday jinslarni kishi faqatgina tushidagina ko'rishi mumkin.

Bobur saroydagi eng mohir jangchilar va kamonbozlarga shogird qilib berilgan bo'lsa-da. U kitoblarni qo'ldan qo'ymasdi. Uning harbiy mashqlari muntazam ravishda o'tkaziladigan shikorda va otasining daryoning narigi qirg'og'idagi hududlarga qarshi uyushtiradigan harbiy yurishlarida yanada takomillashardi. Ot ustida jangovar harakatlar qilishga o'rgatuvchi ustozlari janglarda chiniqqan va mahoratli navkar bo'lib, unga harbiy harakatlar jarayonida otda o'zini qanday tutish, qiyin vaziyatlardan qanday qilib chiqib ketish kabi og'ir. Lekin jangda qo'l keladigan harakatlarni bajarishga majbur qilar, yosh shahzodaning muvaffaqiyatli harakatlaridan zavqlanar edi. Ustozining asosiy diqqati shahzodaning egarda o'tirib kalta qayrilma qilichni qanday vaziyatlarda qo'llash va qalqonni qanday tutish va undan jang paytida qanday foydalanishga qaratilardi. Shu bilan bir qatorda, turkcha kamondan mo'ljalga olib o'q otish, mo'ljaldan uzoqlashayotib orqaga qarab o'q otish va uning yonidan otda chopib o'tish jarayonida o'q otish kabi mashqlarini mahorat bilan bajarishni talab qilardi.[9]

Bobur Mirzo mutolaa qilishni odat qilgan edi. Tog' oralab yurgan kezlarda ham u sevimli kitoblarini qo'ldan qo'ymasdi. Shahzoda hozircha miyasida shakllangan xomaki g'azallarni o'z mayliga qarab goh o'z ona tili bo'lgan turkiyda, goh shoirlar va olimlar tili bo'lgan forsiyda qog'ozga tushirar edi. [8]

Bobur Mirzo bugungi kun lazzatidan bahramand bo'lishni yoqtirardi, atrofida bo'layotgan voqealar, uni o'rab turgan muhit ta'siriga osongina berilar edi. Yo'lda ketayotib to'stdan ot poygasi uyushtirish, sharqirab suv oqayotgan irmoqlar yoqasidagi yam-yashil maysazorlarda orom olish unga xos xususiyatlardan edi; bular uning havasini keltirmay qo'ymasdi- u darhol otdan tushib tabiat qo'ynida biroz rohatlanishdan tap tortmasdi. Tarixda biror hukmdor tun og'ushida ro'y bergan talato'pda nima voqea ro'y bergani-yu, o'zi nima ahvolda qolganini Bobur Mirzochalik mahorat va mardlik bilan bayon qilmagan.

Bobur Mirzo tabiatan juda mag'rur inson bo'lib, hech qachon boshqa shahzoda yoki hukmdorlar tomonidan yerga urilishiga yohud o'ziga nisbatan hurmatsizlik ko'rsatilishiga aslo yo'l qo'ymagan. Jumladan, quyida keltirilgan bir voqea buning yaqol misoli bo'la oladi: Husayn Boyqaroning o'g'li Badiuzzamon Mirzo Bobur bilan uchrashuvda unga nisbatan sovuqqonlik qilib, avalgidek ta'zim qilmadi. Bunday muomala Bobur Mirzoning g'ururiga tegdi va unga nisbatan keskin munosabat bildirdi. Uni xayoliga Husayn Mirzo vafotidan so'ng tirik qolgan temuriy shahzodalarga bosh bo'lib, bu ulug' sulolaning faoliyatini davom ettiruvchisi o'zi bo'lishi kerak, degan fikr keldi. Demak, unga munosib izzat-ikrom ko'rsatilishi shart! U darhol Badiuzzamon

Mirzoning beklaridan biri orqali: “Garchi yoshim kichik bo‘lsa-da, martabam ulug‘dir. Ota taxti samarqandni ikki bora jang bilan olib o‘tiribman. Bu xonadon uchun yod, dushman bo‘lganlar bilan qancha jang-u jadal qilganman. Shu bois menga ta‘zim bermaslik asossizdir.” deb aytirib yubodi. Bu so‘zlar unga yetkazilgan, ma‘qul bo‘lgani uchun e‘tirof etib, ta‘zimni ko‘ngildagidek qildi va aybini yuvish uchun Bobur Mirzoni peshin namozidan so‘ng bazmga taklif qildi.

Yozning issiq kunlarida Bobur sozanda, xonanda va yosh raqqosa qizlarni to‘plab bazm uyushtirar edi. Bobur turkiyda g‘azal bitishda Alisher Navoiyning oldiga tusha olmasa ham unda nazm mohiyatini tushunish tuyg‘usi ustun turardi. U jiddiy mamundagi fikrlarni ham ohang berib yanada jozibador qilib tasvirlab bera olar edi. Bobur qattiq bir mehr bilan Xoja Ahror Valiyning nasihatlarini she‘riy usulda turkiyga tarjima qildi. Asardagi so‘z o‘yinlari uni qondirar va undan ilhomlanib ritorika bo‘yicha bir qo‘llanma yozdi. Shu bilan bir qatorda, “Xatti Boburiy” nomli yangi alifbo ham yaratdi. Qizig‘i shundaki, u o‘zi kamdan kam ijro etsa ham, boshqa shoirlardan farqli o‘laroq, yangi ohanglar bilan musiqa bastalar edi. Lekin boshqalarning ijrosini tanqid qilishda kamdan-kam xatoga yo‘l qo‘yar edi.

Bir necha yil davomida u “Mubayyin” asari ustida ishladi. Bu asar o‘g‘illari Humoyun Mirzo bilan Komron Mirzo uchun tayinlangan nasihat bo‘lib, unda hukmdorning diniy e‘tiqodi, yurish-turish qoidalari va davlat boshqaruvidagi iqtisodiy masalalar haqida mulohazalar bayon qilingan.[3]

Bobur tabiatan qiziquvchan bo‘lgani bois, hind o‘lkasidagi yangi mulkni ko‘zdan kechirarkan g‘alati ko‘ringan narsalar va hodisalarni shaxsan o‘zi tekshirib ko‘rar va uning mohiyatini tushunib yetishga harakat qilardi. Suv yo‘llarini o‘rganish va daraxtlar ekib bog‘ yaratish borasidagi ishlarga qiziqishi unga “Bog‘bon podshoh” degan nom keltirdi. [2]

Xulosa qilib aytganda, yuqorida olib borilgan tadqiqotlar natijasida Zahiriddin Muhammad Bobur buyuk tarixiy shaxs, shoh va sarkarda, yozuvhi va shoir, tabiatshunos va musiqanavis sifatida nafaqat o‘zbek adabiyot, balki jahon adabiyotida ham talqin qilingan. Boburning hayot yo‘li xususida yaratilgan bir necha ilmiy va badiiy adabiyot namunalarida uning ushbu sohalarda beqiyos mutaxassis bo‘lganligiga alohida urg‘u berib o‘tilgan.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. З.М.Бобур. Бобурнома.- Тошкент: Юлдузча нашриёти, 1989.
2. П.Қодиров. Юлдузли тунлар.- Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа аксиядорлик тахририяти, 2006-543 б.
3. Khayrullayeva K.R. Interpretation of Zahiriddin Muhamad Babur’s image in Uzbek and world literature. EPRA International Journal of Research and Development. Volume 5, Issue 5, May, 2020.
4. A.S.Beveridge. Babur-Nama (Memoirs of Babur) Translation. – New Delhi: Taj Offset Press, 1970.- 1040p.

BOBURNOMA ASARI DUNYO OLIMLARI TADQIQOTLARIDA

Nazarov T.T.

BuxDU Harbiy ta’lim fakulteti Maxsus tayyorgarlik sikli o‘qituvchisi

Meliqo‘ziyev J.G‘.

BuxDU Harbiy ta’lim fakulteti 2-bosqich talabasi

Jahon adabiyotida memuar janrning mukammal namunasi hisoblangan Boburnoma tarixiy-badiiy manba sifatida ham muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bilan birgalikda, u ilm fanning sohalari haqida ma‘lumot beruvchi qomusiy asar hisoblanadi. Boburnoma xorijiy tadqiqotchilarning

e'tiborini o'ziga tortgani bois asar bir qancha chet tillariga tarjima qilingan. So'nggi temuriy shahzodalardan Zahiriddin Muhammad Boburning jozibador shaxsi, jo'shqin hayoti va faoliyati, insoniy fazilatlari, jahon faniga qo'shgan hissasi hamda avlodlariga bag'ishlab ko'plab ilmiy-tarixiy, badiiy asarlar yaratilgan. Ta'bir joiz bo'lsa, jahon tarixnavislik ilmida "Eng ko'p va xo'p" o'rganilgan vatandoshimiz ham Boburdir. Ayni kunga qadar o'zbek yozuvchilaridan tashqari Bobur haqida asar yaratgan bir necha o'nlab chet ellik mualliflarning nomlari tanish. Jumladan, 1995-yili "Cho'lpon" nashriyotida ingliz tarixchisi U.Erskinning "Bobur Hindistonda" asari, hind tarixchisi L.P.Sharmaning 1988-yili Dehlida bosilgan "Boburiylar saltanati" asari, amerikalik olim S.M.Berkning "Akbarshoh – boburiylarning eng buyugi" (Berk Akbarshoh shaxsiyati va faoliyati misolida Hindistonga Bobur asos solgan, jahon tarixiga, "Buyuk mo'g'ul imperiyasi" nomi bilan kirgan saltanatning mustahkam tomir yozish jarayonini tasvirlaydi) asarlarida Boburga zamondosh tarixchilarning qo'lyozmalari, Hindiston tarixiga oid tadqiqotlar, XX asrning jahonga mashhur olim va tarjimonlarining asarlarida Boburning butun hayot yo'li, bolalik, o'spirinlik, yigitlik yillari, tashvishli kunlari, hukmronlik faoliyati, diniy-falsafiy qarashlari, davlatni boshqarish usuli, madaniyat va san'atga munosabati singari masalalar tasvirlangan.

Amerikalik tadqiqotchi Berk Boburga bergan qisqa va londa tavsiflarida ulug' siymoning hayot yo'li, davlatchilik tarixidagi xizmatlari va shaxsiyatidagi eng muhim jihatlarni muxtasar tarzda yoritishga erishgan. Muallif Boburning hukmronlik siyosati xususida shunday yozadi: "Boburshohning fikricha, fothlik va hukmdorlik ishida yuz ming usul qollasa ham haq va zarur hisoblanadi. Biroq bosib olingan yerlarni, ayniqsa, bu o'lkalarni o'z saltanati tarkibiga kiritish rejalashtirilgan bo'lsa-da, u g'olib askarlar mag'lublar mulkini talon-taroj qilishiga mutlaqo yo'l qo'ymasdi".

Boburnoma haqidagi fikrlar ham diqqatga sazovor: "Men bor haqiqatni yozdim", deydi muallif va haqiqatan ham u o'zining kamchiliklari, omadsizlikka olib kelgan noto'g'ri xatti-harakatlarini o'quvchidan yashirmaydi. Bobur hayoti va ijodi Fransiyada ham keng o'rganilgan bo'lib, Fransiya ilm ahliga Zahiriddin Muhammad Bobur va "Boburnoma" haqida dastavval ma'lumot bergan fransuz sharqshunosi Bartoleme D'Erbelo (1621-1695) hisoblanadi. D'Erbelo o'zining "Sharq kutubxonasi" (La Biblioteque orientale. Paris, 1967) qomusidagi "Bobur yoki Bobar" nomli maqolasida Boburning hayoti, uning davlati va sarkardalik mahorati, adabiyot va san'atga qiziquvchi ilg'or fikrli kishi bo'lgani haqida ma'lumot beradi. XIX asrga kelib Yevropa, xususan, fransuz sharqshunosligida Bobur merosini o'rganish, uning asarlarini tarjima qilish borasida yangi davr boshlandi. Ayni shu yillarda Boburning ulkan asari "Boburnoma"ni fransuz tiliga tarjima qilish, uning matn xususiyatlarini organish, siyosiy-tarixiy ahamiyatini baholashda fransuz olimlari e'tiborga molik tadqiqotlarni yaratishdi. "Boburnoma"ni fransuz tiliga tarjima va tadqiq qilishga sharqshunos Anri Jyul Klaprot (1783-1835) birinchilardan bolib harakatni boshlaydi. 1824-yil A.Klaprotning, "Sulton Bobur yohud "Boburnoma" tarixiga oid kuzatishlar" nomli maqolasi omma e'tiboriga havola etadi. Markaziy Osiyo va Sibirda yashagan xalqlar tarixi, madaniyati va adabiyotini yaxshi bilgan Klaprot Yevropa sharqshunosligida "Boburnoma" xususida ilk bor to'laqonli fikr yuritgan edi. Shundan so'ng 1854-yili Parijda "Hozirda va qadimda yashagan tarixiy shaxslar hayoti" nomli katta kitob chop qilinadi. Mazkur kitobdan sharqshunos M.Langle (1763-1824) ning "Zahiriddin Bobur hayoti va ijodi" nomli maqolasi ham o'rin olgan edi. Maqolada Bobur haqida avvalgi manbalarga nisbatan ancha boy ma'lumot berilgan bo'lib, o'quvchi undan adib hayoti va ijodi to'g'risida chuqurroq bilim olishga muvaffaq bo'ladi. Boburning hayoti va ijodi fransuz kitobxonini tobora qiziqtirib bormoqda edi. Fransuz olimlari songgi yillarda Bobur togrisida tez-tez maqolalar chop ettirar, kitoblar nashr qildirardi.

Professor A.Pave de Kurteyldagi bu katta tayyorgarlik, eski o‘zbek tili va adbiyotidan egallagan puxta bilim uni “Boburnoma”ni tarjima qilishga undagan edi. 1871-yilda “Boburnoma”ning Pave de Kurteyl tarjimasi ikki jildda nashrdan chiqdi (“Memoire de Baber”. Traduit pour la premiere fois sur le texte djagatai par A.Pavet de Courteille, — editions, 1871). Birinchi jildda tarjimonning o‘n olti sahifalik soz boshisi berilgan. Unda “Boburnoma”ning yozilish jarayoni, kitobda keltirilgan voqealar, Boburshohning Afgoniston va Hindistonda barpo etgan qudratli imperiyasi xususida ma’lumotlar berilgan. G‘arblik ayrim olimlar “Boburnoma”ning bunyod bolishini Bobur Hindistonda hukmron bolgan davr bilan bog‘laydilar. Fransuz tarjimoni bu haqda quyidagi fikrni aytadi: “Agar mendan “Boburnoma” qaysi davrda yozilgan deb sorasalar, men kitob Bobur Hindistonni zabt etgandan song, ya’ni 1526-yildan boshlab yozilgan va Boburshoh hayotining oxirigacha davom etgan, deb javob qilardim”. Professor Pave de Kurteyl bunday xulosaga kelishida, asarning dastlabki boblaridanoq Hindiston davri voqealarining uchrab turishini nazarda tutgan edi. Shunday qilib, Pave de Kurteyl Zahiriddin Muhammad Boburning merosini Fransiyada o‘rganish va targ‘ib qilishda o‘zining yuksak xizmatlari bilan katta hissa qo‘shdi. “Boburnoma”ning tarjimoni sifatida mashhur bo‘ldi. Olim boshlagan bu tarjimonlik ishi jahon ahliga manzur bo‘ldi va Bobur hayotini koplak olimlar tomonidan doimiy ravishda organilishiga sabab boldi. 1888-yil “Osiyo jurnali” (Journal asiatique)ning ikkinchi jildida sharqshunos Jyul Darmstetye ozining “Kobul yozuvchilari Boburshoh va boshqa mog‘ul shahzodalarining qabr toshlaridagi bitiklar” nomli maqolasini e’lon qilganligi, boburiylar barpo etgan maqbaralarda bitilgan so‘zlar ma’nosi bilan tanishishga yordam beradi. Ma’lumki, Boburning “Aruz risolasi” asari o‘zbek, arab va boshqa turkiy xalqlar she’riyati qonuniyatlarini organishda muhim ahamiyatga ega bolgan qo‘llanmadir. XX asrda ham fransuz sharqshunoslari tarafidan Zahiriddin Muhammad Bobur merosini o‘rganish, “Boburnoma”ni tarjima qilish borasida ulkan ishlar amalga oshirildi. Fransuz adiblarining Bobur hayoti, ijodi va “Boburnoma” kitobi haqida umumiy ma’lumot beruvchi maqolalari ko‘paydi.

1930-yili fransuz olimi Fernard Grenardning “Bobur. Hind imperiyasining asoschisi” (Baber. Fondateur de l’Empire des Indes. – Paris: 1930, 179 p) nomli risolasi nashr etildi. Kitob 10 bobdan iborat bolib, unda Boburning bolalik vaqtidan to umrining so‘nggi davriga qadar boshidan kechirgan voqealar tarixiy-badiiy asnodda hikoya qilingan. Grenardning ushbu risolasi “Boburnoma”ga hamohang bolib, undagi voqealarga monand keluvchi ilmiy-ommabop ocherklardan, Boburning Samarqandni tashlab chiqqan, Andijonni qo‘ldan chiqargan paytdagi holatini quyidagicha tasvirlaydi: “Orzu-umidlari chilparchin bo‘lgan Bobur orqaga qaytadi. Bahor fasli edi, u tog‘asi yurti tomon yo‘l oladi. U ezilgan ko‘ngliga taskin berish niyatida o‘zining quyidagi misra bilan boshlanuvchi gazalini bitadi:

Jonimdan o‘zga yori vafodor topmadim,
Ko‘nglumdan o‘zga mahrami asror topmadim.

Boburning Hirot va Kobuldagi hayoti Grenard kitobida bir muncha jonli tasvirlanadi. Bu yerda Bobur taxtu toj uchun jangtalab sohibqiron emas, balki nozikta’b va dilbar shoir qiyofasida korinadi.

Shuningdek, hind olimi, Kashmir universiteti professori Muhobbul Hasan “Boburnoma” hususida fikr bildirarkan, bu asarning Boburshoh shaxsiyati va davlat tizimini organishidagina emas, balki Hindiston tarixi, geografiyasi va madaniyati, otmishini organishda ham qimmatbaho manba ekanini, Hindistonni, uning xalqi hayotini tasvirlashda muallif idrokining naqadar otkiriligini ta’kidlab otadi. “Boburga qadar bironta musulmon tarixchisi yoki geografi (al-Beruniydan mustasno) Hindistonni bu qadar jonli va togri tasvirlagan emas”, deydi muallif. Shuningdek, shoh

Boburning o‘z fuqarosi – hind xalqi bilan do‘stona muomalada bo‘lganini, hindlar ham shoh tuzumidan mamnun yashaganliklarini ko‘p bora ta’riflab otadi. Qolaversa, Zahiriddin Muhammad Boburning ilm-fan, adabiyot va san’atga baxshida boy merosini toplash, nashr etish hamda jahon miqyosida munosib baholamoq uchun yuqoridagi manbalarni e’tirof etish maqsadga muvofiqdir. Chet ellik taniqli olimlar Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti va ijodini organar ekan, vatandoshimizning nechog‘lik buyuk shoh, sohibdil shoir, ma’rifatli inson, ruhiy-ma’naviy jihatdan barkamol shaxs bo‘lganligiga amin bo‘ladilar. Bu esa Bobur shaxsiga va merosiga bo‘lgan hurmatni yanada oshiradi. Zero, ulug‘ vatandoshimiz Bobur hazratlarining jahon ilmiga va davlat boshqaruviga qoshgan hissasini anglab yetish hamda o‘rnak bo‘larli jihatlarini o‘zimizga qabul qilish uchun olimlar va adiblar yuqorida keltirilgan maqolalar hamda kitoblarni chop ettirish orqali amalga oshirishlari zarur.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsam Tarixning shohidlik berishicha, insoniyat tarixida yuksak iz qoldirgan, keyingi avlodlarga o‘zining jamiyatdagi mavqei, ilmiy, badiiy merosi bilan ibrat namunasi bo‘la oladigan shaxslar dunyoga juda kam keladi. XV- XVI asr o‘zbek xalqi, adabiyoti, ma’naviyati tarixida Alisher Navoiy va Zahiriddin Muhammad Mirzo Boburni bemalol ana shunday shaxslar qatoriga kiritish mumkin. Zahiriddin Muhammad Bobur umrining o‘zi avlodlarga ibrat namunasidir. U 47 yoshli qisqa, ammo ijodiy barakali, barkamol hayotida yuz yil yashab ham uddalab bo‘lmaydigan ishlarni ado etdi. Boburning davlatchilik va yuksak harbiy maxorati Sharq va g‘arb olimlari, tarixchilari tomonidan tan olingan. Bu borada tarixchi Pave de Kurteylning qarashlari fikrimizga dalildir: «har qanday sinovga bardosh bera oluvchi, iroda va matonatni o‘zida mujassamlashtirgan bu zot o‘zida harbiy hiyla va jasoratni uyg‘unlashtira olar, zarur bo‘lganda jazolashga ham va afv etishga ham qodir edi: u iste’dodli harbiy arbob va ishning ko‘zini biladigan, qo‘shinlarni mahorat bilan boshqara oladigan, ularning ishonchini qozona olgan sarkarda edi».

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. Toshkent. O‘qituvchi – 2008-yil.
2. Nuritdinov M. Boburiylar sulolasi. Toshkent. Fan 1994-yil.
3. Z.M.Bobur: “Boburnoma.” I-II qism, T. 1948-1949-yillar nashrga tayyorlovchilar. P. Shamsiyev, S.Mirzayev.
4. Nafasov T. Bobur nomshunos. / Ilmiy to‘plam. Samarqand 2000-yil.
5. Mamajonov .A.M. O‘zbekiston tarixi. Toshkent. 1994-yil.

ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА БОБУР ҲАЁТИ ВА МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ СОҲАСИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Азизов Р.М.

Миллий гвардия Курол-яроғ ва ўқ отиш кафедраси бошлиғи,

Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган ва улар орасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам бор. Ўзбекистонда Бобур ва бобурийлар даври, адабий ҳамда илмий меросини ўрганиш, халқимизга кенг тарғиб қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бобуршунослик алоҳида соҳа сифатида шаклланиб бўлди ва Америка, Европа, Осиёнинг кўплаб мамлакатларида йилдан-йилга ривожланиб бормоқда, тадқиқотчилар сафи

кенгаймоқда, илмий изланишлар кўлами кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Америкалик шарқшунос ва бобуршунос профессор У. Текстон, франциялик профессор Б. Гремон, туркиялик доктор Б. Йўжил, доктор Т. Сейҳан, ҳиндистонлик профессор Қ. Раис ва бошқа олимлар ушбу соҳага салмоқли улуш кўшмоқдалар. Бобуршуносликдаги энг янги изланишлар сифатида доктор Шафиқа Ёрқин “Бобурнома”нинг “Кобул” қисмини дарий тилига ўгириб, алоҳида китоб шаклида Афғонистонда нашр этгани, доктор Танжу Сейҳан хонимнинг “Мубаййин” асари бўйича илмий изланишлари, доктор Билол Йўжил тайёрлаган Бобур девони нашри, мисрлик олиманинг “Бобурнома”ни араб тилига таржима қилиши ва ҳоказоларни санаб ўтишнинг ўзи кифоя.

XIX асрга келиб бобуршунослик Шарқ мамлакатларида ҳам жадал суръатлар билан ривожланиш боққичига кирди. Эронлик олим З.Мансурий У.Эрскин тадқиқотлари асосида “Эрон ва Бобур” номли асарини чоп этди. Япониялик шарқшунос Э.Мано бобуршуносликка улкан ҳисса қўшди. У Бобур меросини ўрганиш билан бирга Бобур шахсиятини япон тилида тарғиб қилишда фаол ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, Хитойда 1997 йилда “Бобурнома”нинг Ҳамит Темур томонидан уйғур тилига таржима этилиши муносабати билан бу мамлакатда ҳам бобуршунослик ривожлана бошлади. Жумладан, Абдурахмон Хурматнинг “Тасаввуф фалсафаси” рисоласида “Мубаййин” асарининг тасаввуфий асосларига алоҳида ўрин берилган.

Ўзбекистонда бобуршунослик соҳасидаги тадқиқотлар XX асрда фаол тарзда йўлга қўйилиб, фундаментал тадқиқотлар амалга оширилди. Мустақиллик йилларида эса масалага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Бобур халқаро жамоат фонди, унинг қошида Бобур ва жаҳон маданияти музейининг ташкил этилиши, халқаро экспедитсиялар, илмий-амалий анжуманларнинг ташкил этилиши шулар жумласидандир.

Маълумки Бобур Кобулда ҳокимиятни қўлга киритиб маълум бир давр бошқариб, Ҳиндистонга кетиш чоғида ўғли Комронга уни бошқарувини қолдириб кетган. Шунингдек унинг васиятига кўра вафотидан кейин Кобулга дафн этилган. “Бобурнома”да Кобул тавсифи ҳақида муҳим маълумотлар келтириб ўтилган.

Кобул Бобур ва бобурийлар сулоласи тақдирида, ўз навбатида улар Афғонистон тарихида муҳим ўрин тутгани боис, афғонистонлик олимларнинг Бобурнинг фаолияти ва ижодий меросини ўрганишга эътиборлари катта. Бугунги кунда Кобул, Мозори Шариф шаҳарларида бобуршунослик илмий марказлари фаолият юритиб келмоқда. Афғонистонлик олимлар (С.Н.Аминёр, М.Й.Воҳидий, А.Ш.Жузжоний, М.Ҳ.Ёрқин, Ш.Ёрқин, А.Коргар, А.Кўхзод, Б.Номиқ, Х.Сурхобий, А.Табибий, М.С.Фарҳанг, М.Ғ.Ғубор, А.Ҳабибий, Х.Халилий ва бошқалар) Бобур ҳамда бобурийлар сулоласи ҳақида тадқиқотлар яратган. Жумладан, Ш.Ёрқин Бобур девонининг тўлдирилган танкидий нашрини (“Дарё дар гавҳар” номи билан), “Комрон Мирзонинг ҳаёти ва ижоди” (туркий ва форсий девонлари матни билан бирга), “Бобурнома”нинг дарий тилига таржимасини нашр этди, А.Ҳабибий “Захириддин Муҳаммад Бобуршоҳ”, М.Ҳ.Ёрқин “Бобурий хат” тадқиқотларини эълон қилди.

Афғонистон илмий муассасаларида мунтазам равишда бобуршунослик бўйича миллий ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманлар, Бобур ҳаёти ва ижодини тарғиб қилишга бағишланган тадбирлар ўтказиб келинади. Афғонистон ва Ўзбекистон бобуршунослари ўртасида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Жумладан, Ш.Ёрқин томонидан нашрга тайёрланган “Бобур девони, Кобул нашрига такмила” китоби Бобур халқаро фонди томонидан 2004 йилда Тошкентда чоп этилган.

Муҳаммадхалим Ёрқин 1996–2005 йилларда Тошкентда яшаб, бобурий хат бўйича тадқиқот олиб борган. Доктор Шафиқа Ёрқин бобуршунослик соҳасида фаол ижод қилиб, Бобур оиласида фарзанд тарбиясига оид тадқиқотлар ҳам олиб борган.

Покистон Ислом республикаси ҳудудида яратилган бир қатор тазкира ва тарих китобларида Бобур буюк салтанат асосчиси ва туркий тилдаги адабиётнинг улуғ вакили сифатида тилга олинган.

Тадқиқотлар XVII асрдан бошланган бўлиб, Бобур шахсияти ва фаолияти Иноятуллоҳ Канбунинг “Баҳори дониш” асарида ёритилган. Кейинчалик Муҳаммад Солиҳ Канбуи Лоҳурийнинг “Амали Солиҳ” асарида Бобурийлар ва Лўдийлар сулолалари хусусида қиёсий тарихий таҳлил баён қилинган.

Лоҳур шаҳрида тузилган Иброҳим Алихон қаламига мансуб “Тазкираи Наввоб” асари Бобур ижоди ҳақида маълумот берувчи манбалардан биридир.

Иброҳим Алихон авлодига мансуб Каромат Алихоннинг “Лоҳур манзаралари” асарида Бобурнинг боғлари ва бобурийлар қурдирган осори атиқалар тавсифланган. XX асрда Покистонда Бобур ижодига эътибор кучайди.

Бобурнома уч марта – 1924 йилда Мирзо Носириддин, 1969 йилда Рашид Ахтар Навдий ва 2000 йилда Ҳасан Бек томонидан урду тилига таржима этилган. Юсуф Жамилнинг “Бобурдан Зафаргача” тарихий лавҳалар китоби бобуршуносликка муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Покистонда бобурийлар даврида бунёд этилган кўплаб маданий обидалар сақланиб қолган. Калдақаҳордаги Тахти Бобур, Лоҳурдаги Жаҳонгиршоҳ мақбараси, Шалимар боғи, Бадшоҳий масжиди, Таттадаги Шохжаҳон масжиди ва бошқалар шулар жумласидандир.

XIX асрда Японияда ҳам бобуршуносликка оид тадқиқотлар бошланган бўлиб, бу борада профессор Эйжи Манонинг ҳиссаси, айниқса, салмоқлидир. Олим деярли ярим асрдан буён Бобур асарларини астойдил тадқиқ этиб келмоқда. У биринчи бўлиб “Бобурнома”нинг илмий-танқидий матнини яратди, асарни япон тилига таржима қилди, “Бобурнома”га конкорданс тузди, “Бобур ва унинг даври” номли йирик асар ёзди – жами тўрт китобдан иборат илмий-тадқиқотлар мажмуини яратди. Унинг “Бобурнома”га тузган конкорданси бобуршуносликдаги энг жиддий илмий ютуқлардан биридир. Бобур асарларига конкорданс тузиш Бобур лексикасини ўрганиш, унинг қаламига мансуб асарлар тилининг мукамал изоҳли луғатини яратишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Олимнинг тўрт китобидан дастлабки учтаси “Бобурнома”га бағишланган соф филологик, матншунослик соҳаларига оид изланишлар бўлса, “Бобур ва унинг даври” деб номланган тўртинчи жилди тўрт қисмдан ташкил топган – биринчи қисми Бобур ва “Бобурнома”га бағишланган; иккинчи қисми бобурийлар ва “Тарихи Рашидий” асари ҳақида; учинчи қисми Темур ва темурийлар тарихи тўғрисида ва тўртинчи қисми қўшимчалардан иборат.

Профессор Э. Мано Киото университетида ўқиб юрган кезларида “Бобурнома”нинг В.Эрскин бажарган инглиз тилидаги биринчи тўлиқ таржимасини мутолаа қилди ва бу бебаҳо асар уни бутунлай ўзига ром этди, “Бобурнома”нинг асл матни билан танишиш иштиёқи пайдо бўлди ва шу мақсадда араб, форс ва туркий тилларни ўргана бошлади.

У бир қатор чет мамлакатларда таҳсил кўрди, илмий сафарларда бўлди, таниқли олимлардан туркий ва форс тилларини чуқур ўрганди. 1983 йилда асарнинг Фарғона қисмини, кейинроқ эса Кобул қисмини япон тилига таржима қилиб, чоп эттирди. 1986 йилда Киото университетида докторлик илмий даражасини ҳимоя қилиб, профессор унвонига сазовор бўлди.

Олим “Бобурнома”ни аслиятда, яъни араб ёзувида ўқиш учун компьютер имкониятларидан кенг фойдаланди. У ўзида мавжуд барча кўлёмаларни компьютер воситасида қиёслаб ўргана бошлади. Дастлаб матнни араб ёзувидан лотин алифбосига ўгирди, кейин профессор Каёко Хаяшиннинг ёрдамида матнни яхлит ҳолда лотин ёзувидан араб ёзувига кўчирди. Ўша даврда Японияда компьютер технологиясининг тез суръатлар билан ривожланаётгани олимга жуда кўл келди. Ниҳоят, бир неча йиллик сермашаққат меҳнатдан сўнг “Бобурнома”нинг араб алифбосидаги танқидий матни яратилди ва 1996 йилда нашр этилди. Ушбу нашрни ўзбек олимлари “япон олимнинг жасорати”, деб баҳоладилар. “Бобурнома”нинг илмий наشري (Тошкент, “Шарқ”, 2002) мана шу танқидий матнга асосланганининг ўзиёқ япон олими бажарган ишнинг нақадар катта илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Э.Мано эришган муваффақиятлар билан чекланиб қолмади, танқидий матн устидаги изланишларини давом эттирди. Биринчи нашрни тайёрлашда истифода этган тўртта туркий ва битта форсий кўлёмадан ташқари, дунёнинг турли мамлакатларида сақлана-ётган бошқа нусхаларни ҳам имкон қадар тадқиқ этди ва ниҳо-ят, 2006 йилда ўн йиллик меҳнат натижаси сифатида “Бобурнома” танқидий матнининг янги наشري чоп этилди. Унда олдинги нашрда йўл қўйилган матбаа ва бошқа хатоларни тўғрилашдан ташқари, бир қатор муҳим ўзгаришлар ҳам киритилди. Э.Манонинг ёзишича, “Бобурнома”нинг танқидий матни Бобур яратган асл нусхани тиклашнинг бошланиши бўлса-да, дунё илмий жамоатчилиги, жумладан, ўзбек олимлари ҳам унга юқори баҳо бердилар.

Эйжи Мано Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюрган, Бобур босган излардан юрган, юртимиздаги қадамжоларни зиёрат қилган, таассуротлар олган. У ўзбекистонлик ҳамкасблари билан яқин илмий-иждоий мулоқотда, уларнинг илмий ишларидан яхши хабардор ҳамда уларга ҳурмат билан қарайди.

Хулоса қилиб айтганда Осиё давлатларида бобуршунослик йўналишидаги тадқиқотлар фаол давом этаётган бўлиб, бу борадаги ҳамкорлик алоқаларини фаол давом эттириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бобурнома, Т., 1989; Бабурнаме (2издание, доработанное), Т., 1993; Китобссалот, Т., 1993; Китобзакот, Т., 1993; Китоблҳаж, Т., 1993; Девон, Т., 1994; Маҳрами асрор топмадим, Т., 1995.
2. Абдулаҳад Муҳаммаджонов, Абдурашид Абдугафуров, О‘zME. Биринчи жилд. Тошкент, 2000-йил
3. Азимжонова С, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мақолалар то‘плами, Т., 1995;
4. Ахмедов Бобур, Историкогеографическая литература Средней Азии XVI—XVIII вв. (Писменные памятники), Т., 1985;
5. Самойлович А., Собрание стихотворений императора Бабура, Петроград, 1917;
6. Стеблева И. В., Семантика газелей Бабура, М., 1982;
7. Ёқубов Х., Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Т., 1949;
8. Ҳасанхожа Нисорий, Музаққири аҳбоб, Т., 1993;
9. Ҳасанов С, Бобурнинг Аруз рисоласи, Т., 1981;
10. Машрабов З., Шокаримов С, Асрларни бо‘йлаган Бобур, Т., 1997;
11. Воҳидов Р., Биз билган ва билмаган Бобур, Т., 2000.
12. Х.Ёқубов. Бобир. -Т.:1941;

“БОБУРНОМА”НИНГ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРДАГИ ТАРЖИМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Хакназарова З.А

*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари Университети 2- Инглиз тили факультети
ўқитувчиси*

Миллий адабиёт ва тарихни ривожлантиришга, Ўзбекистонда ижодкор зиёлиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида ташкил етилган Адиблар хиёбонидаги 20 дан зиёд атоқли шоир ва адибларларнинг ҳайкалларида иборат меъморий ансамблда қад кўтарган Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосининг эътирофи асарлар давомида абадиятга дахлдор бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “...бу буюк зот ўн икки ёшидан бошлаб темурийлар давлатини сақлаб қолиш учун ўзини ўтга ҳам, чўкка ҳам урди, ҳеч қандай душмандан ҳам, синовдан ҳам кўркмади. Бобур ўз авлодларига Ватанга бўлган буюк муҳаббатни, эзгу фазилатларни мерос қилиб қолдирди”.

Сўнги беш аср давомида “Бобурнома” асари дунёнинг турли тилларига таржима қилинди. Уларда ўзига хос ўхшашликлар ҳамда фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг қиёсий таҳлил қилиш муҳим илмий хулосаларни олишга ёрдам беради.

Масалан, Ҳарвард университети профессори В.Текстон йирик бобуршунос сифатида танилган бўлиб, Ҳумоюн ва Акбар даври тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшган. В.Текстон Гулбадан Бегимнинг “Ҳумоюннома”, Жавҳар Офтобачининг “Тазкиратул-вақойиъ” ва Боязид Баётнинг “Тарихи Ҳумоюн” тарихий асарларининг форсча матни ва ўзи қилган инглизча таржималарини нашр қилган. В.Текстон “Бобурнома”ни инглиз тилига уч марта таржима қилган. Унинг сўз бошисида асосий воқеалар хронологияси, чингизийлар ва темурийлар ҳақида маълумот, иловада эса исмлар ва лавозимлар кўрсаткичлари берилган. У шунингдек “Акбарнома” ва “Жаҳонгирнома” асарларини таржима қилиб, шарҳлар ёзган.

Ш.Ёрқин Бобур девонининг тўлдирилган танқидий нашрини (“Дарё дар гавҳар” номи билан), “Комрон Мирзонинг ҳаёти ва ижоди” (туркий ва форсий девонлари матни билан бирга), “Бобурнома”нинг дарий тилига таржимасини нашр этди.

Ҳиндистон мавзусида инглиз олимлари томонидан ҳужжатли, илмий ва сиёсий адабиёт чоп этишга киришилган бўлиб, дастлаб Ж.Лейден “Бобурнома”ни таржима қилишни бошлаган. Кейинчалик унинг вафоти муносабати билан таржимани давом эттириш У.Эрскинга топширилган.

У.Ерскин “Темурийлар сулоласидан бўлмиш Бобур ва Ҳумоюн давридаги Ҳиндистон тарихи” номи йирик тадқиқотини чоп этган. 1974 йилда эса мазкур асар мукамал тарзда П.Ҳарди сўзбошиси билан қайта нашр этилди. Унда “Бобурнома” асосида Чингизхон ва мўғуллар тарихи, темурийлар сулоласи ҳамда Бобур ва Ҳумоюн даври тарихи ёритилган. У.Эрскин асари “Ҳиндистонда Бобур давлати” номи билан ўзбек тилига таржима қилинган.

XX аср бошларида Буюк Британияда Бобур ижодига бўлган қизиқиш янада кучайган. А.С.Бевеерж Гулбадан Бегимнинг “Ҳумоюннома” асарини инглиз тилига таржима қилган. Шунингдек, олим “Бобурнома”нинг Ҳайдаробод қўлёзмаси факсимилесини чоп этган, сўнгра асарнинг ўзини инглиз тилига таржима қилган.

Германияда бобуршунослик “Бобурнома”нинг инглизча таржимаси асосида немис тилига А.Кайзер томонидан таржима қилиниши ва 1828 йилда чоп этилишидан бошланади. XIX аср давомида Германия ҳудудида ёзилган Ҳиндистон тарихи ва маданиятига оид

асарларда Бобур ва бобурийларга доир маълумотлар учрайди. 1925 йилда Берлинда “Бобурнома”га ишланган миниатюралар чоп этилган.

Фриц Вюртленинг “Бобур – йўлбарс” саргузашт қиссаси Австрияда чоп этилиши, В.Стамлер томонидан “Бобурнома”нинг немис тилига иккинчи марта таржима қилиниши эса Швейцарияда Бобур шахсига қизиқишни кучайтирди.

Покистонда Бобурнома уч марта – 1924 йилда Мирзо Носириддин, 1969 йилда Рашид Ахтар Навдий ва 2000 йилда Ҳасан Бек томонидан урду тилига таржима этилган. Юсуф Жамилнинг “Бобурдан Зафаргача” тарихий лавҳалар китоби бобуршуносликка муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Россияда ҳам Бобур ва унинг асарларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, 1835 йилда Санкт-Петербургда чоп этилган “Энциклопедик лексикон”да “Бобурнома”га “Буюк Бобурнинг тарихий хотираларининг сарлавҳаси” дея қисқа изоҳ берилган.

“Бобурнома”нинг матни Қозонда Н.И.Илминскийнинг “Бобурнома ёки Султон Бобурнинг хотиралари” сарлавҳали сўз бошиси билан 1857 йилда эълон қилинган туфайли Россияда Бобур шахсига қизиқиш кучайган. Шу йилнинг ўзида И.Н.Березин томонидан тузилган “Турк хрестоматияси”нинг 1-қисмида Бобур асарларидан намуналар чоп қилинган.

Н.И.Илминский Қозон университетиде ташкил этган “Турк-татар курси” учун маърузасида “Бобурнома”нинг лингвистик хусусиятларига тўхталган. У кейинчалик ҳам бу мавзуда тадқиқотини давом этган.

Н.И.Пантусов “Бобурнома”нинг Фарғона ва Самарқанд тасвирларига оид лавҳаларини (1884 йил), В.В.Вяткин Самарқандга оид қисмини (1896 йил), М.И.Поляков Фарғона тарихига оид қисмини (1904 йил) таржима қилиб, чоп этган.

Бобурнинг адабий мероси бўйича йирик тадқиқот қилган дастлабки рус олими А.Самойлович бўлиб, у “Император Бобурнинг шеърлари” номи остида Бобур девонидан ва “Бобурнома”дан айрим шеърларни эски ўзбек ёзувида чоп этган. Унинг эътирофича, “Ўрта Осиёлик Юлий Сезар – Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг асарларини нашр этиш, таржима қилиш ва ўрганиш шарқшунослар учун бурч, шараф ва саодатдир”.

Туркияда бобуршунослик йўналишидаги дастлабки тадқиқотлар

XX асрнинг биринчи чорагидан бошланган. Аср охирларига келиб Бобурнинг тарихий ва ижодий меросини ўрганиш тизимли равишда йўлга қўйилди.

Бу борада диссертация ва рисоалар ёзилган. Масалан, Масъуд Шеннинг “Бобурнома”нинг Кобул ва Ҳиндистон бўлимларига оид диссертацияси, Меҳмет Тургутнинг “Бобурнома”да ҳайвонлар ва овчилик” деб номланган илмий монографияси, Мурод Юрдакўкнинг “Бобурнинг тиббиётга оид қарашлари” мавзусидаги тадқиқоти, Отатурк университети докторанти Ҳусайн Байдемирнинг “Бобурнома”да фольклоризм ва этнография унсурлари” мавзусидаги тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Франция тадқиқотчилари ва адибларининг соҳага қўшган ҳиссаси таҳсинга сазовор. Бартелеми д’Эрбело (1625–1695) “Шарқ кутубхонаси” мажмуасида Бобур асарларидан намуналар бериб, Бобурнинг ўзи тўғрисида ҳам маълумот келтирган. Шунингдек, А. де Лонгпере ёзувлар тарихига бағишланган рисоласида “Хатти Бобур” ҳақида ҳам маълумот берган. Францияда Бобур шахсига қизиқиш кучайишида Ф.Берне, А.Жюл Клапрот тадқиқотлари туртки бўлди. Хусусан, Клапротнинг “Бобурнома ҳақида қайдлар ёки Султон Бобур тарихи” асари бобуршунослик ривожига кучли таъсир кўрсатган тадқиқот натижасидир. “Бобурнома”нинг француз тилига таржимаси Паве де Куртейл томонидан амалга оширилган. Г.Фернан географик экспедициялар материалларини, Ф.Гренан “Бобур”

рисоласини эълон қилди. Л.Гамби Марказий Осиё тарихига доир асарида Ҳиндистоннинг Бобур ва бобурийлар давридаги адабиётига алоҳида эътибор қаратилган. “Бобурнома” француз тилига иккинчи марта Б.Грамон томонидан таржима қилиниб, чоп этилди. Китобнинг сўзбошисида Луи Базен “Бобурнома”нинг ёзилиш тарихига алоҳида эътибор қаратган бўлса, “Фарғона” қисми С.Азимжонованинг “Бобур Мовароуннахрда”, “Кобул” қисми А.Ҳабибийнинг “Бобур Афғонистонда” ва “Ҳиндистон” қисми Кашмир университети профессор Муҳиббул Ҳасаннинг “Бобур Ҳиндистонда” номли сўз бошилари билан бошланган.

XIX асрда Японияда ҳам бобуршуносликка оид тадқиқотлар бошланган бўлиб, бу борада профессор Эйжи Манонинг ҳиссаси, айниқса, салмоқлидир. Олим деярли ярим асрдан буён Бобур асарларини астойдил тадқиқ этиб келмоқда. У биринчи бўлиб “Бобурнома”нинг илмий-танқидий матнини яратди, асарни япон тилига таржима қилди, “Бобурнома”га конкорданс* тузди, “Бобур ва унинг даври” номли йирик асар ёзди – жами тўрт китобдан иборат илмий-тадқиқотлар мажмуини яратди. Унинг “Бобурнома”га тузган конкорданси бобуршуносликдаги энг жиддий илмий ютуқлардан биридир. Бобур асарларига конкорданс тузиш Бобур лексикасини ўрганиш, унинг қаламига мансуб асарлар тилининг мукамал изоҳли луғатини яратишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Олимнинг тўрт китобидан дастлабки учтаси “Бобурнома”га бағишланган соф филологик, матншунослик соҳаларига оид изланишлар бўлса, “Бобур ва унинг даври” деб номланган тўртинчи жилди тўрт қисмдан ташкил топган – биринчи қисми Бобур ва “Бобурнома”га бағишланган; иккинчи қисми бобурийлар ва “Тарихи Рашидий” асари ҳақида; учинчи қисми Темур ва темурийлар тарихи тўғрисида ва тўртинчи қисми қўшимчалардан иборат. Олим “Бобурнома”ни аслиятда, яъни араб ёзувида ўқиш учун компютер имкониятларидан кенг фойдаланди. У ўзида мавжуд барча қўлёзмаларни компютер воситасида қиёслаб ўргана бошлади. Дастлаб матнни араб ёзувидан лотин алифбосига ўгирди, кейин профессор Каёко Хаяшиннинг ёрдамида матнни яхлит ҳолда лотин ёзувидан араб ёзувига кўчирди. Ўша даврда Японияда компютер технологиясининг тез суръатлар билан ривожланаётгани олимга жуда қўл келди. Ниҳоят, бир неча йиллик сермашаққат меҳнатдан сўнг “Бобурнома”нинг араб алифбосидаги танқидий матни яратилди ва 1996 йилда нашр этилди. Ушбу нашрни ўзбек олимлари “япон олимнинг жасорати”, деб баҳоладилар. “Бобурнома”нинг илмий наشري (Тошкент, “Шарқ”, 2002) мана шу танқидий матнга асосланганининг ўзиёқ япон олими бажарган ишнинг нақадар катта илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳам Бобур ва асарлари таржимасига алоҳида урғу берилган. Шарқшунос Шорасул Зуннун томонидан усмонли туркчадан ўзбекчага таржима қилинган Туркия адмирали Сейди Али Раиснинг “Миръотул-мамолик” (“Мамлакатлар кўзгуси”) асари бобуршунослик учун алоҳида аҳамиятга молик. Сабаби унда Бобур вафотидан сўнг Ҳумоюн ҳукмдорлиги даврида бўлган муҳим тарихий воқеалар уларнинг бевосита шоҳиди томонидан ёритилган. Таржимага муҳаррирлик қилган ва сўз боши ёзган С.Азимжонованинг таъкидлашича, асар муаллифи Туркия, Яқин Шарқ, эрон, Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистондаги сиёсий вазиятни яхши билган, денгиз ва қуруқликдаги жангларда қатнашган, Султон Сулаймон томонидан Ҳумоюн ҳузурига элчи қилиб юборилган, Ҳиндистоннинг Португалия истилочиларига қарши курашида ҳарбий ва дипломатик вазифаларни бажарган.

Ҳиндшунос олим И.Низомиддиновнинг “Маданий ҳамкорлигимиз тарихидан” рисоласида XVII асрда Ҳиндистон фан ва маданияти тараққиётига Ўрта Осиё олимлари ва шоирларининг қўшган ҳиссаси Беруний, Авфий, Саъдий, Хусрав Дехлавий, Бобур ва унинг

авлодлари ижодий мероси ҳақида муҳим манбалар тадқиқ этилди. Услуб ва тарихий даврни бутун мураккаблиги билан ёритилиши жиҳатидан “Бобурнома”га тақлидан ёзилган Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асари А.Ўринбоев, Р.Жалилова, Л.Епифанова таржимасида рус тилида нашр этилди.

1974 йилда “Бобурнома”нинг ҳинд тилига таржимаси амалга оширилгандан кейин асарни кенг миқёсда ўрганиш бошланди. Шу йили Радхешъямнинг “Император Бобур” китоби нашр этилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки Бобур ва унинг авлодлари ҳақида хорижда ёзилган бир қатор илмий ва бадиий асарлар ҳинд, инглиз, француз, форс тилларидан ўзбекчага таржима қилиб, нашр этилди. Келгусида бу борадаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш муҳим вазифалардан саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бобур мемуари. Чиғатой тилидан француз тилига Паве де Куртейл томонидан таржима қилинган. Париж, 1871. – 164 б.
2. Жалилов С. Бобур ҳақида ўйлар. Тошкент: Sharq, 2006. - 116 б.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Ўқитувчи, 2008. - 287 б.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Тошкент: Sharq, 2007. - 688 б.
5. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. Тошкент: Sharq, 2010. - 719 б.
6. Неру Дж. Взгляд на всемирную историю. Москва, 1976. - 678 с.
7. Сатимов Ф. Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида Бобурийлар даври. Шарқ халқлари тарихидан лавҳалар. Тошкент: Фафур Ғулум. - 296 б.
8. Шарма Л.П. Бобурийлар салтанати. Тошкент: Маънавият, 1998. – 25.

“BOBURNOMA” – DUNYO OLIMLARI TADQIQOTLARIDA

Polvonov J.A.

Toshkent “Temurbeklar maktabi” harbiy-akademik litseyi tarix fani o‘qituvchisi

Zahiriddin Muhammad Bobur o‘rta asr Sharq madaniyati, adabiyoti va she‘riyatida o‘ziga xos o‘rin egallagan adib, shoir, olim bo‘lish bilan birga yirik davlat arbobi va sarkarda hamdir. Bobur keng dunyoqarashi va mukammal aql-zakovati bilan Hindistonda Boburiylar sulolasiga asos solib, bu mamlakat tarixida davlat arbobi sifatida nomi qolgan bo‘lsa, serjilo o‘zbek tilida yozilgan “Boburnoma” asari bilan jahonning mashhur tarixnavis olimlari qatoridan ham joy oldi. Uning nafis g‘azal va ruboiylari turkiy she‘riyatining eng nodir durdonalari bo‘lib, “Mubayyin” (“Bayon etilgan”), “Xatti Boburiy”, “Harb ishi”, Aruz haqidagi risolalasi esa islom qonunshunosligi, she‘riyat va til nazariyasi sohalariga munosib hissa bo‘lib qo‘shildi.

Bobur Hindistonda siyosiy muhitni barqarorlashtirish, Hindiston yerlarini birlashtirish, shaharlarni obodonlashtirish, savdo-sotiq masalalarini to‘g‘ri yo‘lga qo‘yish, bog‘-rog‘lar yaratish ishlariga homiylik qildi. Hindistonni obodonlashtirish, unda hozirgacha mashhur bo‘lgan me‘moriy yodgorliklar, bog‘lar, kutubxonalar, karvonsaroylar qurdirish, ayniqsa, uning o‘g‘illari va avlodlari davrida keng miqyosga yoyildi. Hindiston san‘ati va me‘morchiligiga Markaziy Osiyo uslubining kirib kelishi sezila boshladi. Bobur va uning hukmdor avlodlari huzurida o‘sha davrning ilg‘or va zehni o‘tkir olimlari, shoirlari, musiqashunoslari va davlat arboblari mujassam etgan mukammal bir ma‘naviy, ruhiy muhit vujudga keldi. Boburiylar davlatidagi madaniy muhitning Hindiston

uchun ahamiyati haqida Javaharla'l Neru shunday yozgan edi: "Bobur Hindistonga kelgandan keyin katta siljishlar yuz berdi va yangi rag'batlantirishlar hayotga, san'atga, arxitekturaga toza havo baxsh etdi, madaniyatning boshqa sohalari esa bir-birlariga tutashib ketdi"[1].

Bobur Hindistonda katta hajmdagi davlat ishlari bilan bir qatorda o'zining adabiy-badiiy faoliyatini ham davom ettirdi va yuqorida zikr etilgan asarlarini yaratdi. Boburning butun jahon ommasiga mashhur bo'lgan shoh asari "Boburnoma"dir. Ma'lumki, unda Bobur yashagan davr oralig'ida Movarounnahr, Xuroson, Eron va Hindiston xalqlari tarixi yoritilgan. Asar asosan uch qismdan iborat bo'lib, uning birinchi qismi – XV asrning ikkinchi yarmida Markaziy Osiyoda ro'y bergan voqealarni, ikkinchi qismi – XV asrning oxiri va XVI asrning birinchi yarmida Kobul ulusi, ya'ni Afgonistonda ro'y bergan voqealarni; uchinchi qismi – XVI asrning birinchi choragidagi Shimoliy Hindiston xalqlari tarixiga bag'ishlangan. "Boburnoma"da o'sha davrning siyosiy voqealari mukammal bayon qilinar ekan, o'z yurti Farg'ona viloyatining siyosiy-iqtisodiy ahvoli, uning poytaxti Andijon shahri, Markaziy Osiyoning yirik shaharlari: Samarqand, Buxoro, Qarshi, Shahrisabz, O'sh, Urganch, O'ratepa, Termiz va boshqa shaharlar haqida nihoyatda nodir ma'lumotlar keltirilgan. Unda Kobul ulusining yirik shaharlari Kobul, G'azna va ular ixtiyoridagi ko'pdan ko'p tumanlar, viloyatlar, Shimoliy Hindiston xaqida ma'lumotlarni uchratish mumkin.

"Boburnoma"da Markaziy Osiyo, Afg'oniston va Hindiston xalqlariga xos bo'lgan fazilat va nuqsonlar, ularning tafakkur olamini kengligi va murakkabligi bilan birga, o'sha davrdagi hayot muammolari, Bobur davlatidagi siyosiy va ijtimoiy hayotning to'liq manzarasi namoyon bo'ladi. "Boburnoma"da keltirilgan bu tarzdagi ma'lumotlar Bobur davrida yozilgan boshqa tarixiy manbalar: Mirxond, Xondamir, Muhammad Solih, Binoiy, Muhammad Haydar, Farishta, Abul-Fazl Allomiy va boshqa tarixchilarning asarlarida bu darajada aniq va mukammal yoritilgan emas. Muallif "Boburnoma"da Alisher Navoiy, Abdurahmon Jomiy, Behzod, Ulug'bek Mirzo va boshqa allomalar haqida o'zining eng yuqori fikr va mulohazalarini bildiradi.

"Boburnoma" – Movarounnahr, Xuroson, Hindiston, Eron xalqlarining XV asr oxiri – XVI asrning birinchi yarmidagi tarixini o'zida aks ettirgan bo'lsa ham, shu bilan birga juda ko'p dolzarb iqtisodiy, ijtimoiy masalalar, yuqorida nomlari keltirilgan viloyatlarning o'zaro siyosiy-iqtisodiy va savdo munosabatlari, jug'rofiy mavqei, iqlimi, o'simlik va hayvonot dunyosi, tog'lari, daryolari, xalqlari, qabila va elatlari va ularning yashash sharoitlari, urf-odatlar, muhim tarixiy inshootlari hindular va musulmonlarning ibodatxonalari, to'y va dafn marosimlari haqida nihoyatda nodir ma'lumotlarni o'ziga qamrab olgan shoh asardir. Shu bois "Boburnoma" tarixiy va adabiy meros sifatida dunyo olimlarini hayratda qoldirib kelmoqda.

Uzoq yillar davomida G'arb va Sharqning mashhur sharqshunos olimlari "Boburnoma" mazmunini jahon jamoatchiligiga yetkazish borasida katta faoliyat ko'rsatdilar. Masalan, gollandiyalik olim Vitsen, angliyalik olimlar J. Leyden, V. Zrskin, R. Koldekot, A. Beverej, T. Albot germaniyalik Yu. Klaynrat va A. Keyzer, fransiyalik Pave de Kurteyl, hindistonlik Mirzo Nasriddin Haydar Rizvi, turkiyalik R. R. Art va N. I. Bayur va bizning davrimizdagi fransiyalik olim Bakke Gromon, afg'onistonlik olim Abulhay Habibiy, pokistonlik olimlar Rashid Axtar, Nadvi va Shoh Olam Mavliyot shular jumlasidandir[2]. "Boburnoma"ni o'rganish sohasida jahonning mashhur sharqshunoslari qatoridan yaponiyalik olimlar ham joy olmoqdalar.

Ma'lumki, Boburning tarixiy, ilmiy va adabiy merosini o'rganish va ommalashtirishda O'zbekiston, Tojikiston, Rusiya olimlarining faoliyatlari ham diqqatga sazovordir. XIX–XX asrlar davomida Georg Ker, N. Ilminskiy, O. Senkovskiy, M. Salye, Porso Shamsiyev, Sodiq Mirzayev, V. Zohidov, Ya. G'ulomov, R. Nabiyev, S. Azimjonova, A. Kdymov kabi olimlarning sa'y-harakatlari bilan "Boburnoma" bir necha bor rus va o'zbek tillarida chop etiddi, ularga so'zboshi

yoʻzildi va keng kitobxonlar ommasining maʼnaviy mulkiga aylantirildi, uning sheʼrlari ham bir necha bor nashr etildi[3].

Bobur oʻzbek adabiyotida oʻzining nozik lirik asarlari bilan ham mashhurdir. Uning hayoti va adabiy faoliyati Movarounnahrda siyosiy hayot nihoyat murakkablashgan feodal guruhlarining boshboshdoqlik harakatlari avjiga chiqqan va Temuriylar davlatining inqirozi davom etayotgan bir davrga toʻgʻri kelgan edi. Bunday murakkabliklar inʼikosini “Boburnoma”da koʻrgan boʻlsak, ularning shoir ruhiyatida qanday aks etgani uning sheʼrlarida namoyon boʻladi. Movarounnahrni birlashtirishga urinishlari natija bermagach, Bobur ruhan qiynalgan, amaldorlarning xiyonatlari taʼsirida umidsizlikka tushgan kezlardagi kayfiyati sheʼrlarida aks etgan. Keyinchalik oʻz yurtini tark etib, Afgʻoniston va Hindistonga yuz tutganda Bobur sheʼriyatida Vatan tuygʻusi, Vatan sogʻinchi, unga qaytish umidi mavj ura boshladi.

Shu bilan birga Bobur lirikasida sheʼriyatning asosiy mazmuni boʻlgan insoniy fazilatlar, yor vasli, uning goʻzalligi, unga cheksiz muhabbat va hijron azobi, ayriligʻ alamlari va visol quvonchlari nihoyat goʻzal va mohirona ifoda etilgan.

Bobur lirik sherʼlari va tarixiy “Boburnoma”sidan tashqari islom qonunshunosligi va boshqa sohalarida ham asarlar yaratgan. 1522 yilda oʻgʻli Humoyunga atab yozgan. “Mubayyin” nomli asarida oʻsha zamon soliq tizimini, soliq yigʻishning qonun-qoidalarini, shariat boʻyicha kimdan qancha soliq olinishi va boshqa masalalarni nazmda izohlab bergan. “Xatti Boburiy” deb atalgan risolasida arab alifbosini turkiy tillar, xususan oʻzbek tili nuqtai nazaridan birmuncha soddalashtirib berishga harakat qilgan. U, tajriba sifatida “Xatti Boburiy” alifbosida Kurʼoni Karimni koʻchirgan. Boburning aruz vazni va qofiya masalalariga bagʻishlangan. “Mufassal” nomli asari ham boʻlganligi maʼlum, biroq bu asar bizgacha yetib kelmagan.

Bobur oʻzining maʼlum va mashhur asarlari bilan tarixnavis adib, lirik shoir va ijgimoiy masalalar yechimiga oʻz hissasini qoʻshgan olim sifatida xalqimiz maʼnaviy madaniyati tarixida munosib oʻrin egallaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyhati

1. Abdullayev M. Boburnoma va Shajarai turning qiyosiy poetikasi.
2. U. Erskin. Bobur Hindistonda. Toshkent. “Choʻlpon nashriyoti”. 1995-yil.
3. L.P. Sharma. Boburiylar saltanati. Toshkent. “Maʼnaviyat” 1998-yil.
4. Hoshimov I. Hindistonda Boburiylar sulolasi saltanati. Toshkent. Oʻqituvchi-1994-yil.
5. Hasanov. X. Bobur sayyoh va tabiatshunos. Toshkent. “Oʻzbekiston”. 1983-yil
6. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. Toshkent. “Oʻqituvchi” – 2008-yil.
7. Rasulov R. Bobur – oʻzbek tilining sofligi uchun kurashuvchi. /Ilmiy toʻplam. Samarqand. 2000-yil.

DIE ARABISMEN IN DER DEUTSCHEN GEGENWARTSPRACHE

Abdulhayrov D.P. (BSU, Lehre)

Die Entlehnung der Wörter aus den anderen Sprachen ist einer von wichtigsten Wegen der Wortschatzbereicherung. Durch die kulturellen, wirtschaftlichen und politischen Beziehungen der Völker passiert es auch Wort austausch. Mit der Entlehnung beschäftigt sich die Sprachwissenschaft schon seit vielen Jahrzehnten und klassifiziert die Entlehnungen durch Weise, Ursache, Integrierung und natürlich auch nach Herkunft. So periodisieren die Sprachwissenschaftler die Entlehnungen in deutscher Sprache in mehreren Stufen wie zum Beispiel: Latinismen im Althochdeutsch Gallizismen im Mittelhochdeutsch, Italianismen im Spätmittelhochdeutsch und auch Anglizismen seit 18. Jh.

Hierbei sei es erwähnt auch der Anteil von den orientalischen Sprachen in den Entlehnungen des Deutsch. In den letzten Jahrzehnten wurden die Arabismen besonders weiter erforscht. Die Zahl von Arabismen in deutscher Sprache ist ja nicht so hoch, aber die meisten entlehnten Wörter sind sehr gut im deutschen Sprachsystem integriert, so dass einige von diesen Wörtern wie Erbörter aufgefasst werden.⁴⁴ Dies verdanken wir ohne Übertreibung der größten Erscheinung in der Geschichte – das sogenannte goldene Zeitalter des Islam, eine historische Periode von etwa der Mitte des 8. bis zur Mitte des 12. Jahrhunderts. Zu der Beginn dieser Periode war das arabische Kalifat der größte Staat seiner Zeit, dessen Territorium ab vorderen asiatischen Raum bis Spanien sich streckte. Im Rahmen des Kalifats wurde ein gemeinsamer islamischer Kulturraum gebildet, wo Arabisch eine allgemeine Sprache für alle Völker des Kalifats geworden ist. Dank dessen leisteten islamische Gelehrte, Schriftsteller und Künstler dieser Zeit einen bedeutenden Beitrag zur Entwicklung der Weltwissenschaft und -kultur. Muslimische Künstler und Wissenschaftler, Arbeiter und Fürsten haben zusammen eine einzigartige Kultur geschaffen, die direkte und indirekte Auswirkungen auf alle Kontinente hat.⁴⁵

So zu solchen Auswirkungen kann man auch die Entlehnung des arabischen Wortgutes in die deutsche Sprache zählen. Besonders in verschiedenen Bereichen der Wissenschaft. Große Beispiele sind viele Begriffe in der Mathematik, wie *Algebra* und *Algorithmus*, die heute jeder Schüler im Lehralltag verwendet. Die Entstehung von diesen Begriffen sind mit dem großen Gelehrten aus 8. Jh. Al-Chwaresmi verbunden. Der Titel der mathematischen Werke von Al Chwarismi „*Algabr w'almuqabalah*“, der ins Deutsche als „*Wiederherstellung und Ausgleich*“ verstanden wird, wurde im Mittelalter im arabischen als „*algabr*“ übernommen. Das Wort „*algabr*“ lebt für alle Zeiten weiter als *Algebra*.

Noch im 12. Jahrhundert erscheinen die ersten Abschriften der lateinischen Übersetzung von al Choresmis Rechenbuch mit den indischen Zahlen auf dem deutschen Boden. Die älteste Handschrift, die sich in der Wiener Hofbibliothek befindet, stammt aus der Jahre 1143; eine zweite wurde im Kloster Salem aufgefunden, der „*lieber Algorizmi*“, das „*Buch des Algorizmus*“, das heute in Heidelberg aufbewahrt ist. Aus „*Algoritmi*“ ist inzwischen ein Mann namens „*Algorizmus*“ geworden. Auf solcher Weise ist der Name von den Gelehrten in der deutsche Gegenwartssprache als ein Begriff erhalten. Auch die Wörter *Ziffer*, *Chiffre* oder *chiffrieren* sind von dem arabischen Wort „*as-sifr*“ entlehnt, das von arabischen „*die Leere*“ übersetzt wird.⁴⁶

Auch der Begriff „*X*“, der in deutscher Sprache eine bestimmte Zahl repräsentierende Unbekannte in einer Gleichung nicht nur in der Mathematik, sondern auch umgangssprachlich Zeichen für eine unbestimmte, aber als ziemlich hoch angesehene Zahl bezeichnet, hat seinen Herkunft von Arabischen. Es etwa als ein arabisches identifizieren zu wollen, scheint umso unmöglicher, als es einen Buchstaben x im arabischen Alphabet nicht gibt. Und doch ist es so. Das „*Ding*“ nannten die Araber die gesuchte, namenlose Unbekannte: „*schai*“, abgekürzt: „*sch*“. Dem *sch*-Laut entspricht aber im Altspanischen das x-Zeichen. Und darum lernen wir alle noch heute spätestens im siebten Schuljahr mit dem spanisch verkleideten arabischen „*Ding*“ umzugehen.⁴⁷

Auch viele Begriffe im Bereich Medizin oder Chemie stammen von Arabischen. Das Wort *Massage* oder *massieren* ist ein entlehntes Wort von arabischen „*massa*“ – *berühren, betasten*

⁴⁴ Gerhard Müller. Admiral und Laute, Papagei und Zucker. Arabische Wörter im Deutschen. Eine allgemeine Übersicht. Mannheim 2012. S. 8

⁴⁵ Howard R. Turner. Science in Medieval Islam: An Illustrated Introduction, Texas 1997. S. 270

⁴⁶ Sigrid Hunke. Allahs Sonne über dem Abendland. Unser arabisches Erbe. Frankfurt am Main, 1991. S. 49

⁴⁷ Sigrid Hunke. Allahs Sonne über dem Abendland. Unser arabisches Erbe. Frankfurt am Main, 1991. S. 99

bedeutet. Das Wort *Alkohol* entlehnt von dem arabischen Wort „*al-kuhl*“, das ursprünglich das feine Antimonpulver bezeichnete, das man für Augenpflege brauchte.⁴⁸

In der Astronomie wurden nicht nur Sternnamen, sondern auch einige Begriffe von Arabischen übernommen. Das Wort *Zenit* ist zum Beispiel von dem arabischen Wort „*samt ar-ra's*“ entlehnt, das „*Richtung des Kopfes*“ bedeutet. Bei der Übernahme wurde das *m* des arabischen Wortes zu *ni* verschrieben.

Auch die Handelsbeziehungen zwischen Orient und Okzident war ein wichtiger Faktor der Entlehnungen von dem arabischen Wortgut. Durch den Warenaustausch wurden nicht nur Gegenstände sondern auch ihre Benennungen übernommen. Sehr viele arabische Wörter sind in verschiedenen Wortfeldern der deutschen Sprache aufgenommen, wie zum Beispiel die Bezeichnungen aus Trinken und Essen: *Alkohol, Arak, Ayran, Zucker, Kandis, Kaffee, Mokka*, aus Galanterie: *Kattun, Chiffon, Satin*, oder die aus Drogeriebereich sind: *Soda, Benzin, Watte, Alkali, Muskat*.

Die semantische Assimilation von manchen Arabismen in die deutsche Sprache ist auch eigenartig. Die zahlreichen Arabismen sind seit Jahrhunderten im Deutschen geläufig und zur Ganze integriert. Es sind ja nicht alle lexisch-semantischen Abwandlungen von arabischen Wörtern entlehnt, sondern nur eine. Von dieser aufgenommenen Bedeutung sind manchmal noch andere semantische Schattierungen entwickelt, wie Konnotate, Redewendungen oder Idiomen. Hier sind einige Beispiele:

Zenit, von dem arabischen Wort „*samt ar-ra's*“ entlehnt, das „*Richtung des Kopfes*“ bedeutet. Bei der Übernahme wurde das *m* des arabischen Wortes zu *ni* verschrieben. In der deutschen Gegenwartsprache *gedachter höchster Punkt des Himmelsgewölbes senkrecht über dem Standort des Beobachters bzw. über einem bestimmten Bezugspunkt auf der Erde* bedeutet. Z. B.: *Die Sonne steht im Zenit*. Aber in der Umgangssprache hat das Wort noch seine zweite Bedeutung als *Punkt der höchsten Entfaltung, Wirkung; Höhepunkt* erworben. Z. B.: *den Zenit seiner Karriere erreichen*.

Ziffer - von dem arabischen Wort „*as-sifr*“ entlehnt, das von arabischen als „*die Leere*“ übersetzt wird und im Deutschen *schriftliches Zeichen, das für eine Zahl steht; Zahlzeichen* bedeutet, und *Unterabschnitt in einem Gesetzes-, Vertragstext* ist seine weitere semantische Variante. Z. B.: *Paragraf 8 Ziffer 4 des Gesetzes*.

Tarif – von arabischen *ta`rif* - *Bekanntmachung* aus dem Stammwort `arafa - *wissen* bedeutete ursprünglich *die Bekanntmachung der Gebühren und den festgesetzten Preis*, und in der deutschen Gegenwartsprache hat aber auch weitere Bedeutung als *ausgehandelte und vertraglich festgelegte Höhe und Staffelung von Löhnen, Gehälter*.

Schach - *Brettspiel für zwei Personen, die mit je sechzehn schwarzen bzw. weißen Schachfiguren (von unterschiedlichem Wert und mit unterschiedlicher Funktion) abwechselnd ziehen mit dem Ziel, den gegnerischen König mattzusetzen*. Es gibt aber auch ein Idiom **jemanden, etwas in Schach halten**, umgangssprachlich; *jemanden, durch Drohung [mit der Waffe], Druck, energisches Verhalten daran hindern, gefährlich zu werden, Schlimmes anzurichten; jemanden,*

Kaliber – von arabisch *qālib* „*Form, Modell, Schusterleisten*“ – bedeutet *innerer Durchmesser von Rohren, besonders vom Lauf einer Feuerwaffe* und als Idiom *Art, Sorte* Z. B.: *einem Politiker von solchem Kaliber oder dieser Gauner ist das gleiche Kaliber*

⁴⁸ <https://de.wiktionary.org/wiki/Alkohol>

Magazin – von arabischen mahāzin *Warenlager* und im Deutschen auch *Warenhaus, Lager* bedeutet hat aber auch weitere semantische Modifikationen entwickelt wie *Behälter in oder an Handfeuerwaffen* oder öfter *reich bebilderte, unterhaltende oder populär unterrichtende Zeitschrift*.

Risiko - von arabisch rizq „*der von Gottes Gnaden abhängige Lebensunterhalt*“ entlehnt als *Wagnis, Gefahr*, hat auch weiteren Idiomen wie **das Risiko laufen** - *das Wagnis auf sich nehmen*.

Zucker – von arabischen sukkar – *Zucker* bedeutet und mit diesem Wort gibt es in deutscher Umgangssprache einige Idiome wie **Zucker sein** - (salopp) *in Begeisterung, Bewunderung hervorrufender Weise schön, gut, wunderbar, herrlich sein*. Z. B.: *das Mädchen, deine Idee ist Zucker* oder **jemandem Zucker in den Hintern/Arsch blasen**(derb) *jemanden [in schmeichlerischer Weise] übermäßig verwöhnen*. Im Medizinjargon heißt die Kurzform von *Blutzuckerspiegel* - *Zucker*.

Tasse - arabisch *tāsa*; persisch *tašt* - *Becken kleines Trinkgefäß trübe Tasse* bedeutet umgangssprachlich abwertend - *langweiliger, temperament-, schwungloser Mensch*. **nicht alle Tassen im Schrank** umgangssprachlich - *nicht recht bei Verstand sein*

Kabel – *habl* – *Seil biegsame, isolierte elektrische Leitung* umgangssprachlich Kurzform von *Kabelfernsehen* Z. B.: *habt ihr zu Hause Kabel?*

Kaffee - vom arabischen *qahwa* - *Wein* später „*Trank, der aus Beeren gekocht wird*“ entlehnt als Bezeichnung für *Bohnen* und *Getränk* als Idiom **kalter Kaffee sein** – bedeutet umgangssprachlich *längst bekannt und daher uninteressant sein*

Kamel – *ḡamal* - *in Wüsten- und Steppengebieten beheimatetes großes Säugetier, das als Last- und Reittier verwendet wird* und in der übertragenen Bedeutung bezeichnet man abwertend - *Dummkopf, Trottel* - als *Kamel*.

Die Anzahl der Wörter von arabischem Ursprung ist ja im Verhältnis zu den anderen Sprachen nicht bedeutend, aber die Ursache der Entlehnung von Arabismen, wie sich zeigte, ist eigenartig. Die meisten sind seit Jahrhunderten in Umlauf; einige sind vollständig integriert und werden wie Erbwörter aufgefasst; viele andere sind fachsprachlich geläufig und morphologisch auffällig geblieben. Auch der Einfluss der Arabismen auf die lexisch-semantischen System der deutschen Sprache merkwürdig. Zwar gehören die meisten arabischen Lehnwörter in der deutschen Sprache zu der Sonderlexik, aber von manchen sind noch die semantischen Modifikationen in der deutschen Gegenwartsprache entstanden, die oft in der Umgangssprache gebräuchlich sind.

LITERATURVERZEICHNIS

1. Sigrid Hunke. *Allahs Sonne über dem Abendland. Unser arabisches Erbe*. Frankfurt am Main, 1991. 376 S.
2. Gerhard Müller. *Admiral und Laute, Papagei und Zucker. Arabische Wörter im Deutschen. Eine allgemeine Übersicht*. Mannheim, 2012. 9 S.
3. Howard R. Turner. *Science in Medieval Islam: An Illustrated Introduction*. Texas, 1997. 270 S.
4. DUDEN - *Das große Wörterbuch der deutschen Sprache*, |4. Aufl. Mannheim 2012
5. <https://de.wiktionary.org/wiki/Alkohol>

ОТМЕЧЕННАЯ НАГРАДАМИ СПОНСОРСКАЯ ИНИЦИАТИВА ЗАХИРИДДИНА МУХАММЕДА БАБУРА

Абдуллаев Д.Н.

*ТГПУ имени Низами, доктор философии по историческим наукам (PhD), Узбекистан,
Ташкент*

Как известно из истории, существует много духовных и золотых периодов нашего прошлого, когда наши великие предки представляли нацию и даже всю страну на весь мир. Одним из ярких и золотых периодов для узбекского народа является правительство великого Бабур и Бабуридов.

Эпоха Бабуридов сыграла важную роль в культуре народов Центральной Азии. Именно в эпоху Бабуридов наблюдается высокое развитие науки и культуры в их различных аспектах и направлениях. Стоит особо отметить вклад в этот процесс государственного деятеля и поэта Захириддина Мухаммеда Бабур. Он был не только искусным полководцем и государственным деятелем, великим литератором, историком, но и музыковедом.

Как известно, в феврале этого года в мире широко отмечался 538-й юбилей одного из великих исторических деятелей, героя узбекского народа Захириддина Мухаммеда Бабур. Услуги Бабур Мирзо и Бабуридов в области социального развития и экономики, науки и просвещения общества бесценны, которые обогатили культурное наследие и исторические ценности бесценными шедеврами не только узбекского народа, но и афганского, пакистанского и индийского народов.

Необходимо отметить, что Бабур Мирзо и Бабуриды великие деятели своего времени, которые наряду с социальным и духовным развитием общества, внесли значительный вклад в области архитектуры, градостроительства, парков, народного прикладного творчества и ремесел.

Как отметил Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев: «Мы уделяем особое внимание изучению истории каждого региона нашей страны. Бабур Мирзо - великий сын нашего народа. Имя его живет в литературе, науке, просвещении. Необходимо еще более благоустроить этот парковый комплекс, превратить его в центр воспитания. Работа по повышению национального самосознания, пропаганде нашей великой истории среди молодежи, развитию науки и просветительства даст высокие результаты»[4] что стало основой для глубокого изучения исторического периода Бабур Мирзо и династии Бабуридов.

Бабур в 12 лет, как представитель высокого таланта, после смерти отца занял трон правителя. Бабур до последних дней своей жизни в историко- географической книге «Бабур-наме» излагал боевые сражения, свидетелем которых был сам, скитания в чужой стране, тоску по Родине, отношения к детям, семье, родственникам. Захириддин Мухаммад Бабур создал при жизни своеобразную школу. Бабур заложил основу школе написания мемуаров посредством произведения «Бабур-наме». Важной особенностью Бабур в теории образования является передача знаний будущим поколениям. Это поспособствовало ему оставить несметное духовное богатство для человечества.

Поэтому одной из важных задач сегодняшнего дня является изучение и анализ новых аспектов эпохи Бабуридов в политической и экономической сферах, а также созидательной деятельности в сфере строительства в данном периоде.

На протяжении всей истории Бабур и представители династии Бабуридов были не только влиятельными государственными деятелями, смелыми воинами, но и через

созидательную деятельность они осуществляли свой интерес к творчеству, проблемам Родины, благоустройству народа.

Стоит отметить, что во времена Бабуридов вопросы строительства осуществлялось в три этапа. Во-первых, их услуги по направлениям градостроительства, архитектуры, открытию парков, национальной архитектуры и процветания страны; во-вторых, их деятельность в области культурно-просветительской работы среди народа, таких как строительство библиотек и обсерваторий, изобразительное искусство, каллиграфия, живопись и ремесленничество; в-третьих, созидательное и культурно-просветительское наследие отражено в духе интернационализма, унаследованного от эпохи Тимуридов, с творческой деятельности представителей простых творческих людей.

Бабур Мирзо с юности воспитывался в творческой среде и вырос изучая прекрасные образцы архитектурного искусства, когда его отец, Умаршайх Мирзо[3, 7] был правителем Ферганской области.

Согласно историческим данным, Бабур Мирзо во время правления в Самарканде (1497-1498) по собственной инициативе ввел новый алфавит и создал несколько школ для обучения его молодежью [5, 9]. Важно отметить, что этот алфавит является первоначальным видом изобретения «Хатти Бобурий», которое Бабур позже ввел в Кабуле, что указывает на то, что Бабур занимался просветительской, образовательной и воспитательной деятельностью.

Когда Бабур был Агре он осуществил ряд мероприятий чтобы предотвратить беспорядки в Кабуле и восстановить благоустройство. К ним относятся приведение в порядок крепости, строительство жилья для прибывающих послов, мечетей, караван-сараев и бань, легальное расходование денег и затрат.

В эпоху Бабура ряд индийских городов, особенно Агра и Дели, стали более процветающими, и их культурный и политический статус повысился. Городское благоустройство отражено в развитии торговой деятельности, в обеспечении питьевой водой, строительстве благотворительных зданий и создании парков.

Бабур в своем произведении «Бабурнаме» утверждает, что он начал большие строительства в Индии и были вовлечены к ним тысячи строителей и специалистов[1, 268]. Также, когда Бабур прибыл в Индию, беков и тура (князей) рядом с ним не устраивали неприятный климат и отсутствие питьевой воды в этом месте, и они готовятся покинуть Индию и отправиться в Кабул. Тогда, в результате инициативности Бабура, изза необходимости создания условий для жизни осуществляются работы по улучшению существующей территории. Например, когда Бабур увидел беспорядок на земле между дворцом Ибрагима и внутренней стеной крепости Агры, он начал строить там большой садовой парк и ирригационное сооружение “войин” (глубокий колодец с лестницами, индусы называли его «войной») [1, 275]. Позже он поручил вырыть такие ирригационные сооружения в городе Секри.

Бабур чтобы восстановить важную, но нарушенную караванную дорогу между Агррой и Кабулом поручил построить башни наблюдения на расстоянии каждые 9 курухов (приблизительно 20-22 км) для измерителей расстояния, и достичь ее высоту до 12 кари (7 м) и предоставить место для наблюдателей. Было поручено после каждых 18 курухов организовать место для шести лошадей, платить конюшнику и кормить лошадей. Очевидно, что эти меры были приняты в целях обеспечения безопасности торговцев, прибывающих из Агры в Кабул.

Бабур любил принимать ванны в жаркие дни Индии и строил много бань, думая об общественном здоровье [6, 19-20]. Бабур Мирза мечтал благоустроить те места, где он был, построить архитектурные сооружения, здание или сад и стремился это осуществить. Об этой инициативе свидетельствуют его усилия по развитию десятков городов, таких как Ош, Кабул, Кандагар, Одинапур, Дели, Агра, Секри, Гвалиор. Например, в городах, куда он прибывал, строились парки, дворцы, здания, плотины и мосты.

Ученый переведивший “Бабурнаме” на английский язык Эрскин, говорил о Бабуре: «Мы редко встречаем среди правителей Азии таких гениальных и талантливых людей, как Бабур... Что касается активной деятельности разума, бодрости духа, щедрости, таланта, храбрости, любви к науке и искусству, то среди правителей Азии, таких правителей как Бабур, невозможно встретить» [2, 272].

Основываясь на вышеизложенном анализе, Бабур Мирзо как представитель Темуридов проявлял свой потенциал в полководстве, творчестве, особенно в областях художественного искусства, духовности, просвещения и архитектуры. Он создал великое государственное правление в другой стране, и стремился благоустроить его и сделать его известным миру. Его деятельность в области науки и культуры (меценатство) внесла значительный вклад в культуру и историю народов Востока. Талант правителя и создателя Бабура выразился в жизнеспособности его империи: созданная в XV веке, она фактически просуществовала до середины XIX века. Таж-Махал, эпохальное творение Шах-Джахана, потомка Бабура, навсегда закрепило в сознании мирового сообщества величие Бабура и его династии. А его литературное и философское наследие хранит в себе мудрость веков и не теряет своей актуальности и сегодня. Мемуары Бабура значительно повлияли на развитие литературы Востока и, в особенности, средневековой тюркоязычной традиции. Можно с уверенностью сказать, что Бабур был одним из тех, кто объединял культуры и народы. Так и сегодня в этом зале собрались представители разных стран, традиций, люди, говорящие на разных языках, которым, однако, не безразлична судьба востоковедной науки и наше общее историческое наследие. Признание Бабура не только государственным деятелем, но и покровителем науки и культуры является основой развития сферы меценатства в нашей истории.

Литература:

1. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент, 1989. - Б. 268.
2. Неру ДЖ. Открытие Индии. Москва, 1955. - Б. 272.
3. Умаршайх Мирзо правнук Темура (Темур – Мироншах - Султан Муҳаммад - Султан
4. Абдусаид - Умаршайх). См.: Ўролов А., Сафаров Н. Бобурийлар ва бунёдкорлик. – Самарқанд, 1995. – Б. 7.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: Илм-маърифатни ривожлантирсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз. <http://protoday.uz/uz/archives/41895> (14.06.2017)
5. Ўролов А., Сафаров Н. Бобурийлар ва бунёдкорлик. – Самарқанд, 1995. – Б. 9.
6. Ўролов А. Халқ ҳаммомлари. Тошкент: “Фан”, 1987. –Б. 19-20.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ДУНЁ ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА

Гадаев Ҳ.У.

СамДУ тарих факультети “Жаҳон тарихи” кафедраси ўқитувчиси

Захириддин Муҳаммад Бобур (1483 йил 14 февраль - 1530 йил 26 декабрь) нинг тўлиқ исми манбаларда – ас-Султон ал-Аъзам вал-Хоқон ал-Мукаррам Захириддин Муҳаммад

Жалолоддин Бобур, Подишоҳи Ғози тарзида келтиради. Темурийларнинг буюк, таниқли саркардаси ҳамда давлат арбобларидан бири сифатида нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон тарихида ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга. Бобур ўз ижодини туркий (эски ўзбек тилида) қилган. Бу борада инглиз шарқшуноси Е. Дениссон Росс ҳам “Бобурнинг мемуарлари бевосита туркий тилда ёзилган” [4, 37] деган.

Сўзсиз Бобур буюк шахс. У Ҳиндистон давлатчилигининг ривожига алоҳида ҳисса қўшди. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг умр йўли жуда мураккаб, таъбир жоиз бўлса, тарихдаги энг донгдор жаҳонгирлар фаолияти билан беллаша олади. У ўзининг зиддиятли ва қисқа ҳаёти давомида тарихда ўчмас из қолдирди. Бобурийлар фаолияти Буюк Британия тарих фанида Бобурийшунослик алоҳида мустақил соҳага айланиб улгурган.

Европа тарихчилари Бобурни Темур шажарасига мансублигини эътироф этиб, уни мўғул авлодидан келиб чиққан дейишади. Масалан, Л.С. Васильев Бобурни «Мўғулистон вакили 1526 йил Ҳиндистонда Дехли султонлигини қулатган ва янги сулолага асос солган киши» сифатида таърифлайди. Албатта бу каби фикрларни билдириш тарихчи учун катта ва қўпол хатодир.

Бундан ташқари шу мавзуга доир бўлган барча асарларда Бобурийлар салтанати «мўғуллар империяси» номи билан номланади. Бобурнинг Ҳиндистонга юриши санаси ғарб тарихчиларининг асарларида турлича кўрсатилади. А.Мюллер ва К.А.Антоновлар бу юриш 1525 йил охиридан бошланган эди деган маълумот бергани холда Л.С.Васильев 1526 йилни қайд этади. «Бобурнома» да Бобур хижрий 932 йилда (милодий 1525 йил) Ҳиндистон юриши бошланганлиги келтиради. Уларнинг фикрича, Бобурнинг Ҳиндистонга юриши сабаби Самарқанднинг ўзига бошқа насиб этмаслигини англаб етгач, олдиндан ўйлаб юрган режасига асосан, Ҳиндистонни забт этишга киришган. Нафақат қатъиятли ҳукмдор балки Жавоҳарлал Неру айтганидек «дилбар шахс» бўлган Бобур ўзининг кечинмаларида ва ижодида ҳам Ҳиндистонга келишини ихтиёрсиз амалга оширганини тан олган.

Бобурнинг давлат тўғрисидаги қарашларида адолатли, марказлашган давлатнинг наъмунаси бу – Амир Темур салтанати, бошқарувининг энг мақбули бу – Соҳибқироннинг давлат бошқаруви эди [11, 63].

XVI асрнинг биринчи чорагида Ҳиндистонда Иброҳимшоҳ Лўдий ҳукмронлик қилаётган йилларда давлат ичида низолар бошланиб, шоҳга қарши ҳаракатлар кучайди. Бобур Панжобни ишғол қилишни мўлжаллайди. Зеро, у Панжобни улуғ бобоси Амир Темурдан қолган мерос деб ҳисобларди [1, 35].

Бобур Қобулдан Ҳиндистонга беш марта юриш қилади. Бешинчи юришда, яъни 1526 йил 21 апрелда машҳур Панипат жанги бўлади. Шундан сўнг Бобур Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонда ўз ҳукмини жорий этиб, бобурийлар сулоласига ва бобурийлар империясига асос солади. 1526 йил 27 апрель куни Дехлида Бобур подшоҳ номига хутба ўқилади [8, 6-7].

Салтанат асосчиси Бобуршоҳ қомусий олим бўлган. У ўз она тили туркийдан ташқари араб ва форс тилларини ҳам мукаммал билган. У туркий ва форсий тилларда бетакрор ғазаллар битган.

Кучли сиёсатчи бўлган Бобур ҳинд маданиятига ҳурмат билан қараб, маданиятни ривожлантиришни, илм-фаннинг ривожланишини давлат сиёсати даражасигача олиб чиқди. Буюк ҳинд халқининг кўп минг йиллик тарихи, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузими, қадимий маданияти, миллий анъана ва урф-одатлари, қўшни мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқининг ўтмиш тарихи билан ҳам чамбарчас боғланган.

Чиғатой (турк) тилида ёзган «Тузуки бобурий» ёки «Бобурнома» деб аталган унинг хотиралар тўплами дунёда яратилган автобиографик асарлар ичида энг яхшиси ҳисобланади. Асарнинг асли номи «Бобурия» бўлсада, уни «Воқеаном», «Тузукий Бобурий», «Воқеати Бобурий» деб атадилар. Кейинчалик асар «Бобурнома» деган ном билан машҳур бўлиб кетди.

«Бобурнома» дунёнинг жуда кўп тилларига таржима қилинган. Дастлаб унинг туркча нусхаси Акбар даврида 1590 йилда форсчага ўгирилган. Турколог рус олим Н.И.Илминский (Қозон, 1857) томонидан рус тилига, инглиз шарқшунос олими А.С.Бевеерж хоним (Лондон, 1905 йил) томонидан инглиз тилига таржима қилинган. Бевеерж хоним нашр этган нусхада ўн бетлик сўз бошиси бор. Шунингдек бу нашрда асарнинг охирида тўлиқ киши исмлари, географик номлар, қабила ва уруғ номлари берилган..

Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби Жавоҳарлал Неру “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” номли асарида Бобурга баҳо бериб, шундай ёзади: “Бобур ҳукмдор, довжорак, серғайрат ва эпчил инсон. У ҳаёт нафосатидан лаззатлана билган..... Бобур Ҳиндистонга келиши билан у ерда янги давр ва янги салтанат бошланди, мамлакат кудрати ва шуҳрати ошиб, бобурийлар салтанатининг шуҳрати бутун Осиё ва Европа бўйлаб тарқалди..... Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор шахс бўлган. У санъатни ва адабиётни севган... Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъатда, ҳаётда, меъморчиликда ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янги тараққиёт юз беради». Ундан ташқари «Мен Ҳиндистон тарихини ўқиб чиқдим – деб ёзган эди Ж.Неру. – Мен қадимги вақтларда Ҳиндистонда бўлган, саёхатларини ёзиб қолдирган Хитой ва Ўрта Осиёлик сайёҳлар билан бирга Ҳиндистон бўйлаб кездим» [5, 114].

Жавоҳарлал Нерунинг ўзининг Бобур ва бобурийларнинг Ҳиндистонда ҳукмронлигининг ўрнатилиши борасидаги фикрларини давом эттириб, “бу йиллар зўр кудрат, шон-шуҳрат йиллари бўлди. Бу эса мамлакатда, биринчидан, ўзаро низолар ва қонли урушлар рўй бериб турган вақтда майда мустақил хонликларга барҳам берди, аста-секин марказлашган давлат пайдо бўлди. Иккинчидан, марказлашган алоқаларнинг ривожланишига имкон яратиш берди. Тинчлик туфайли моддий ва маданий ҳаёт тараққий этиб, бетакрор обидалар, қадриятлар яратилди. Учунчидан, ҳинд халқининг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари ва ҳамкорлиги кенг кўламда ривож топди” [3, 32] деган эди.

Олимларнинг таъкидлашича, Тож Маҳал Самарқанддаги Гўри Амирга тўғридан-тўғри тақлид қилиб солинган. Меъморчиликдаги «ҳинд-мусулмон» услуби ҳақида Ж.Неру шундай дейди: «Бу ҳинд-мусулмон санъати жимжимадор безаклар ишлатиш услубига кўра, шимол ва жанубда қурилган ибодатхона ва бошқа бинолардан ўзининг ажойиб меъморий фазилатлари билан ажралиб туради» [2, 278-279].

Ҳинд олими Л.П.Шарма Бобур шахсини тавсифлаб, “У саҳий, олижаноб, мард, мафтункор, севимли ва жуда маданиятли киши эди. У киши қалбини ва вазиятни дарҳол англаб оларди. Мусиқага ва боғ яратишга жуда ишқибоз эди. Ҳиндистонда жуда кўп иншоотларни барпо этган” [10, 205], - деб ёзади.

Инглиз шарқшуноси Лейн Паул “Бобур Шарқ тарихидаги энг мафтункор шахс” [10, 212], - деб таърифлайди.

Инглиз олими У.Эрскин Бобурга баҳо бераркан, “Биз Осиёдаги ҳукмдорлар ичида Бобур сингари зукко ва истеъдодли кишиларни камдан- кам учратамиз. Ундаги ақлнинг актив фаолияти, хушчақчақлик, совуққонлик, бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай,

руҳининг тетиклиги, подшоҳлар орасида камдан-кам учрайдиган саҳийлиги, мардлиги, фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғуллана олиши жиҳатидан олиб қараганда Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта ҳам подшоҳ топа олмаймиз” [6, 12] деб ёзади.

Муаллиф таъкидлаганидек, Бобур Шарқ мамлакатлари тахтига ярашиб тушган ҳукмдорларнинг ёрқин намояндаларидан биридир. Унинг шахси олижаноб инсон ва улуғ шоҳга мансуб бўлган фазилатларидан таркиб топган. У жасур ва тадбиркор ҳамда шижоатли саркарда бўлиб, кишиларни ўз ортидан эргаштира оладиган ташкилотчи лашкарбоши эди [7, 102].

Бобуршунос инглиз олими Владемар Хансен 1986 йилда Дехлида инглиз тилида чоп этилган “Товус тожи ёки мўғуллар салтанати қисмати” китобида бобурийларнинг Ҳиндистондаги 332 йиллик фаолиятига “Ҳиндистон ва унинг 8 минг йиллик тарихи бамисоли бир товус бўлса, ўша кўп минг йиллик тарихдаги бобурийлар сулоласининг 332 йиллик ҳукмронлик даври ана шу товуснинг гултожидир” [9, 68] деб баҳо беради.

Бобур Ҳиндистоннинг хўжалик ҳаётига, маданияти ва ободончилигига катта эътибор берди. У Ҳиндистондаги хилма-хил қабила ва халқларнинг урф-одат ва расм-қоидаларига қараб, иш кўра бошлади.

Бобур инкирозга юз тутган темурийлар давлатини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда марказлашган йирик давлат вужудга келтириш учун узоқ ва қаттиқ кураш олиб борди. Бироқ тарихий шароит бунга имкон бермаган, у Афғонистонни, кейинчалик эса Ҳиндистонни эгаллаб, катта империяни вужудга келтирди. Бобурийлар сулоласи Ҳиндистоннинг сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш, маданиятини ривожлантиришда катта ижобий роль ўйнади.

Бобур мамлакатни бирлаштириш ва марказлаштириш вазифасини уддалаган бўлса, унинг авлодлари даврида мамлакат гуллаб-яшнади ва Ҳиндистон инглизлар томонидан забт этилмагунича қудратли давлат сифатида мавжуд бўлди. Бобурий шаҳзодалар орасида турли хилдаги низолар чиқиши бир муддат сиёсий вазиятни ёмонлашишига олиб келди. Бобурийлар даврида айниқса Акбаршоҳ даврида сиёсий вазият анча барқарор бўлди, аҳоли турмуш тарзи яхшиланди, шу билан бирга илм-фанга, ҳунармандчиликка катта эътибор берилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни, Халқаро илмий анжуман материаллари. Т.:Фан, 2008.
2. Джавахарлал Неру. Открытие Индии. М., 1955.
3. Караматова Д. Бобур ва ҳинд маданияти // Гулистон, №1,
4. Кембриджская история. Том IV, глава 1. Кембридж. 1922.
5. Низомиддинов.И.Ф. Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳинд-мусулмон маданияти. ЎзРФА, 2008.
6. Erskine W. History of India under the two first sovereigns the house of Taimur, Babur and Humayn, vol.1-2 London, 1854. P.12
7. Эрскин Уильям. Бобур Ҳиндистонда. Т.: Чўлпон, 1995.
8. Шамсутдинов Р.Т, Исҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар. Т.: “Шарқ”. 2013.
9. Қамчинбек Кенжа. Ҳинд сори. Т., 2000.
10. Ҳусанбоев О. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари //
11. Ўзбекистоннинг мустақил ҳуқуқий йўли: тажриба ва муаммолар. Илмий-назарий анжуман материаллари. Т., 1994.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАЗРАТЛАРИ ДУНЁ ОЛИМЛАРИ НАЗАРИДА

Одинаева Н. Л.

Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Ҳамитова С.

Бухоро давлат университети талабаси

Ҳар бир инсон дунёга келар экан бу ёруғ оламда ҳали уни нималар кутиши фақатгина Яратган эгамга аён. Бу кенг оламнинг ташвишлар-у, шодликлар буларнинг барчаси инсон зотига қоронғу, очилмаган бир китоб кабидир. Балки шудир ҳаёт мазмуни.

Эътиборингизга ҳавола этмоқчи бўлганим ҳаётнинг турли ўнқир-чўнқир йўлларида мардонавор ўтган, дунёнинг ғам аламлари-ю, кутилмаган мусибатларини эрта татиб кўрган етук шахс, буюк бобокалонимиз, сўнгги темурий шаҳзодалардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларидир. Бу улуғ зотнинг жозибадор шахси, жўшқин ҳаёти ва фаолияти, инсоний фазилатлари, жаҳон фанига қўшган ҳиссаси, шунингдек, авлодларга бағишлаб кўплаб илмий-тарихий асарлари диққатга сазовордир. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, жаҳон тарихнавислик илмида “Енг кўп ва хўп” ўрганилган юртдошимиз ҳам Бобурдир. Айни дамга қадар ўзбек ёзувчиларидан ташқари Бобур ҳақида асар яратган ўнлаб чет эллик муаллифларнинг номларини айтиш жоиздир. Жумладан, 1995-йили “Чўлпон” нашриётида инглиз тарихчиси У.Ерскининг “Бобур Ҳиндистонда” асари, ҳинд тарихчиси Л.П.Шарманинг 1988-йили Дехлида босилган “Бобурийлар салтанати” асари, америкалик олим С.М.Беркнинг “Акбаршоҳ – бобурийларнинг энг буюғи” (Берк Акбаршоҳ шахсияти ва фаолияти мисолида Ҳиндистонга Бобур асос солган, жаҳон тарихига, “Буюк мўғул империяси” номи билан кирган салтанатнинг мустаҳкам томир ёзиш жараёнини тасвирлайди) асарларида Бобурга замондош тарихчиларнинг қўлёзмалари, Ҳиндистон тарихига оид тадқиқотлар, XX асрнинг дунёга машҳур таржимон ва олимларнинг асарларида Бобурнинг бутун ҳаёти ва ижод йўли, болалик, ўспиринлик, йигитлик йиллари, ғам-алам соя солган ташвишли, сер машаққат кунлари, ҳукмронлик фаолияти, диний-фалсафий қарашлари, давлатни бошқариш усули, маданият ва санъатга муносабати сингари масалалар тасвирланган.

Америкалик тадқиқотчи Берк Бобур ҳақидаги қисқа ва лўнда тавсифларида буюк сиймонинг ҳаёт фаолияти, давлатчилик тарихидаги хизматлари ва шахсиятидаги энг муҳим жиҳатларни ёрқин намоён этган. Тадқиқотчи Берк Бобурнинг ҳукмронлик сиёсати хусусида шундай ёзади: “Бобуршоҳнинг фикрича, фотиҳлик ва ҳукмронлик ишида юз минг усул қўлласса ҳам ҳақ ва зарур ҳисобланади. Бироқ босиб олинган ерни, айниқса, бу ўлкаларни ўз салтанати таркибига киритиш режалаштирилган бўлса-да, у ғолиб аскарлар мағлублар мулкани талон-тарож қилишига мутлақо йўл қўймасди”.

“Бобурнома” ҳақидаги фикрлар ҳам диққатга сазовор: “Мен бор ҳақиқатни ёздим”, - дейди муаллиф ва ҳақиқатан ҳам у ўзининг мағлубият-у, омадсизликларини ва шунга олиб келган нотўғри хатти-ҳаракатларини, камчиликларини ўқувчидан яширмайди.

Таъбир жоизки, Бобур ҳаёт йўли ва ижодиётини бутун дунё, жумладан, Францияда ҳам кенг ўрганилган бўлиб, Франция илм аҳлига Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва “Бобурнома” ҳақида биринчи бўлиб маълумот берган франсуз шарқшуноси Бартолеме ДъЕрбело (1621-1695) ҳисобланади. У ўзининг “Шарқ кутубхонаси”(Ла Библиотекуе ориентале. Парис, 1967) қомусидаги “Бобур ёки Бобар” номли мақоласида Бобурнинг ҳаёти, унинг давлати ва

саркардалик маҳорати , адабиёт ва санъатга қизиқувчи илғор фикрли ва мукамал шахс бўлгани ҳақида муҳим маълумотларни берган.

XIX асрга келиб Европа, хусусан, франсуз шарқшунослигида Бобур меросини ўрганиш, унинг асарларини таржима қилиш борасидаги янги давр бошланади. Айни шу йилларга келиб Бобурнинг йирик асари “Бобурнома” ни франсуз тилига таржима қилиш, унинг матн хусусиятларини ўрганиш, сиёсий- тарихий аҳамиятини баҳолашда франсуз олимлари эътиборга молик тадқиқотларни яратишди.

“Бобурнома” ни франсуз тилига таржима ва тадқиқ қилишга биринчилардан бўлиб шарқшунос Анри Жюл Клапрот (1783-1835) ҳаракатни бошлайди. 1824-йил А.Клапрот “Султон Бобур ёхуд “Бонурнома” тарихига оид кузатишлар” номли мақоласи омма эътиборига ҳавола этади. Марказий Осиё ва Сибирда яшаган халқлар тарихи, адабиёти ва маданиятини яхши билган Клапрот Европа шарқшунослигида “Бобурнома” хусусида илк маротаба тўлақонли фикр юритган эди. Шундан сўнг, 1854-йили Франция пойтахти Парижда “Ҳозирда ва қадимда яшаган тарихий шахслар ҳаёти” номли катта китоб чоп этилади. Ушбу китобдан шарқшунос М.Лангле (1763-1824) нинг “Заҳириддин Бобур ҳаёти ва ижоди” номли мақоласи ҳам ўрин эгаллаган. Мазкур мақолада Бобур ҳақида аввалги манбаларга нисбатан анча бой ва теран маълумот берилга бўлиб, китобхон ундан адиб ҳаёти фаолияти ва ижоди тўғрисида чуқурроқ билим олишга муваффақ бўлади. Бобурнинг ҳаёти ва ижоди Франция аҳлини тобора қизиқтириб бормоқда эди. Франсуз олимлари сўнгги йилларда Бобур тўғрисида тез-тез мақолалар чоп эттирар, китоблар нашр қилдирарди.

Чет эллик таниқли олимлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганар экан, ватандошимизнинг нечоғлик буюк шоҳ, соҳибдил шоир, руҳий-маънавий жиҳатдан баркамол шахс, маърифатли етук инсон бўлганлигига амин бўладилар. Бу эса улуғ бобокалонимиз Бобур меросига бўлган ҳурматни янада оширади. Зеро, буюк ватандошимиз Бобур ҳазратларининг жаҳон илмига ва давлат бошқарувига қўшган ҳиссасини англаб етиш , шунингдек, ўрнатилган жиҳатларини ўзимизга қабул қилиш учун олимлар мақолалар ҳамда китобларни чоп эттириш орқали амалга ошириш зарур. Буюк шоҳ ва шоир ижодиётини ўрганиш бугун ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган вақт ичидаги бу катта ютуқлар Ўзбекистонни дунё бобуршунослигининг марказига айланишига улкан ҳисса қўшди. Бобур ҳаёти ва ижоди билан халқимизга маънан яқинлашди. Барча бажарилган ишларнинг солномаси сифатида мамлакатимизда илк маротаба шахсга нисбатан қомус, яъни “Бобур энциклопедияси “ яратилди. 64 босма тобоқли бу улкан энциклопедияни яратишда бобуршунос олимлари қаторида Япония, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон ва европалик олимлар ҳам фаол иштирок этишди. Қолаверса, Бобур ижодини қирқ йилдан бери ўрганиб келаётган япониялик бобуршунос олим эйжи Мано энциклопедияга “бутун дунё бобуршунослари учун муҳим қўлланма” дея баҳо берди.

Ҳақиқатан ҳам буюк қомусий олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари бебаҳо қўлланма. У нафақат Марказий Осиё давлатлари ва ёки биз юқорида санаб ўтган юртлар, балки эрон, Туркия, Бангладеш, Покистон ва яна қатор давлатларнинг маданияти, урф-одатлари, тарихи, кадриятларини ўзида акс этгани билан қимматлидир. Қолаверса, Германиялик бобуршунос Клаус Шонинг эса “Бобурнома” га баҳо бериб, “мукамал тизимдаги халқ тилида ёзилган энг катта ҳажмдаги асардир”, дея таъкидлайди. Хуллас, “Бобурнома” баҳоси йўқ асардир. Бу мемуар асар келажакда ҳали кўплаб бобуршунослар учун янги мавзу бўлади. Шу маънода асарнинг нозик жиҳатларини янада теран англаб, янги қараш ва ёндашувлар билан унинг асосида янги қўлланмалар, луғатлар яратилса , биз бундан нафақат хурсанд бўламиз. Зеро, бугун Ўзбекистон бобуршунослик

марказига айланиб улгурди. Бу баҳога ўтган йиллар давомида ўзбек бобуршунослари томонидан амалга оширилган изланишлар натижасида эришилди. Тўғриси айтганда, бобуршуносликдаги барча изланишларни мукамал дейишдан йироқмиз. Бобур ва бобурийлар ижоди, фаолияти ҳақида нашр этирилаётган айрим китоблар, қўлланмаларда чалкашликлар бор. Аслида иш бор жойда айрим камчилик нуқсонлар кузатилади, бир фикр иккинчисидан фарқ қилиши мумкин. Аммо бу Бобур асарларининг аслиятига ўз таъсирини ўтказмаслиги шарт. Чунки оддий китобхон аслиятни ўқиши керак. Мен бобуршунос олимларимизни синчковлик ва зийракликка чақирган бўлардим.

Хулоса қилиб айтганда, тарихсиз келажак бўлмайди. Инсон зоти яшар экан бу ёруғ оламда ҳеч қачон изланишдан тўхтамаслиги керак. Шунингдек, ўтмишдаги буюк боболаримиз сингари ўзидан келажак авлод учун ўчмас из қолдирса нур устига аъло нур бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома – Т.: Юлдузча, 1989.
2. Воҳидов Р.Ж, Эшонқулов Ҳ.П. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи – Т.:Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2006.

ЕВРОПАДА БОБУРШУНОСЛИКНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Исматуллаев Ф.О.

Тошкент давлат педагогика университети докторанти, тарих фанлари номзоди, доцент

Жаҳон тарихида саркардалар, шохлар жуда кўп, аммо сиёсий бошқарув билан бир вақтда кўплаб илм-фан соҳаларини эгаллаб, самарали ижод қилганлари жуда кам учрайди. Ана шундай ноёб истеъдод соҳибларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Бобурнинг давлат бошқаруви, шеърляти, адабиётшуносликни турли соҳаларига бағишланган ноёб асарлари ва ғоялари ҳалигача инсоният учун ноёб маънавий хазина бўлиб хизмат қилмоқда.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Бобур кенг дунёқараши ва мукамал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеърлятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, «Мубаййин» («Баён этилган»), «Хатги Бобурий», «Ҳарб иши», Аруз ҳақидаги рисоалари эса ислом қонуншунослиги, шеърлят ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва илмий ижоди нафақат Ўзбекистонда балки бутун дунёда ўрганилиб тадқиқ этиб келинмоқда. Бу йўналишда Европа давлатлари олимларининг тадқиқотлари ҳам салмоқли бўлиб, Бобуршунослик илмини ривожланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Айниқса, Франция, Буюк Британия, Германия каби давлатларда айнан Бобур ва бутун Темурийлар даврига оид кўплаб илмий асарлар яратилмоқдаки, бу албатта Шарқ тарихига бўлган қизиқишни кундан-кунга ортиб боришига, шу билан бирга ўзаро маънавий ҳамкорликларни йўлга қўйилишида муҳим омил бўлмоқда.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур адабиёт, санъат, тарих ва илм-фаннинг турли жабҳаларида бебаҳо асарлар яратди. Унинг энг йирик асари “Бобурнома”дир⁴⁹.

Европа илм аҳлига Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида илк бор маълумот берган француз шарқшуноси Бартолеме д’Ербело (1621–1695) ҳисобланади. Д’Ербело ўзининг “Шарқ кутубхонаси” (1697) қомусидаги “Бобур ёки Бобар” мақоласида Бобурнинг ҳаёти, унинг давлати ва саркардалик маҳорати, адабиёт ва санъатга қизиқиши ҳақида маълумот бериб ўтади. “Бобурнома”ни Европага биринчи бўлиб танитган олим эса голландиялик Витсен бўлди. Витсен “Бобурнома”дан олинган парчаларни таржима қилиб, 1705 йилда нашр эттиради⁵⁰.

Француз шарқшунослигида Бобур ижодини ўрганиш, у ҳақида тадқиқотлар ёзиш XVIII асрнинг иккинчи ярмидан айниқса кучайди. 1773 йилда шарқшунос А. де Лонгперье ўзининг “Асарлар” тўпламида “Хатти Бобурий” ҳақида” мақоласини эълон қилди. Муаллиф “Хатти Бобурий” хусусида фикр юритаркан, Бобур алифбоси мураккаб араб алифбосидан ўзининг соддалиги ва ёзувга қулайлиги билан фарқ қилишини таъкидлаб ўтади.

XIX асрга келиб Европа, хусусан, француз шарқшунослигида Бобур меросини ўрганиш, унинг асарларини таржима қилиш борасида янги давр бошланади. Бу йилларда “Бобурнома”ни француз тилига таржима қилиш, унинг матн хусусиятларини ўрганиш, сиёсий-тарихий аҳамиятини баҳолашда француз олимлари эътиборга молик тадқиқотлар яратишди.

Бобур Ҳиндистонда катга ҳажмдаги давлат ишлари билан бир қаторда ўзининг адабий-бадий фаолиятини ҳам давом эттирди ва юқорида зикр этилган асарларини яратди. Бобурнинг бутун жаҳон оммасига машҳур бўлган шоҳ асари «Бобурнома»дир. Маълумки, унда Бобур яшаган давр оралиғида Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон халқлари тарихи ёритилган. Асар асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми — XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда рўй берган воқеаларни; иккинчи қисми — XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Кобул улуси, яъни Афғонистонда рўй берган воқеаларни; учинчи қисми — XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихига бағишланган. «Бобурнома»да ўша даврнинг сиёсий воқеалари мукамал баён қилинар экан, ўз юрти Фарғона вилоятининг сиёсий-иқтисодий аҳволи, унинг пойтахти Андижон шаҳри, Марказий Осиёнинг йирик шаҳарлари: Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Ўш, Урганч, Ўратепа, Термиз ва бошқа шаҳарлар ҳақида ниҳоятда нодир маълумотлар келтирилган. Унда Кобул улусининг йирик шаҳарлари Кобул, Ғазна ва улар ихтиёридаги кўпдан-кўп туманлар, вилоятлар, Шимолий Ҳиндистон ҳақида маълумотларни учратиш мумкин⁵¹.

Венгер шарқшуноси Ҳерман Вамбери 1873 йил Санкт-Петербургда нашр қилинган “Бухоро ва Трансаксония тарихи” асарида “Бобурнома”ни “Шарқ Цезарининг хотиралари”, дея баҳолайди. Диққатга молик томони шундаки, Пьер Ларусс қомусидаги мақолада бу ҳақда Вамберидан олдинроқ қуйидагича таъриф берилган: “Ўқувчида “Бобурнома” худди Рим императори Юлий Цезарнинг “Хотиралар” китобини эслатади. Ҳа, Цезарь “Хотиралар”и билан бу асар ўртасида кўп ўхшаш жиҳатларни кузатиш мумкин. Иккала муаллиф ҳам воқеалар баёнига, ҳаққонийлигига бир хил тасвирда ёндашадилар, иккаласида ҳам уруш

⁴⁹ Бобур ва “Бобурнома” француз шарқшунослиги саҳифаларида // <http://ishtixon.uz/uz/node/746>

⁵⁰ <http://e-tarix.uz/shaxslar/726-maqola.html>

⁵¹ <http://e-tarix.uz/shaxslar/726-maqola.html>

тактикаси бир хил аниқликда, талабчанликда ёритилган, географик жойлар тасвирини беришда айрим яқинликлар ҳам мавжуд⁵².

Бобур меросини ўрганиш, “Бобурнома”ни таржима ва лисоний таҳлил қилишда француз туркологи Анри Паве де Куртейль (1821–1889)нинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Франция коллежи туркий тиллар кафедраси мудири, Франция академияси аъзоси, Санкт-Петербург Фанлар академияси мухбир аъзоси бўлган Паве де Куртейль ватани туркология илмининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди. Унинг олимлик фаолиятида у тузган “Шарқий туркий тиллар луғати” ёхуд “Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва Абулғози Баҳодирхон асарларини ўқиш учун изоҳли луғат” алоҳида аҳамиятга моликдир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки Заҳириддин Бобур нафақат шеърлар, ғазаллар ёзди, балки унинг ёзилиш қонуниятларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтганлигини кўрамиз. Маълумки, Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари ўзбек ва бошқа туркий халқлар шеърияти қонуниятларини ўрганишда муҳим аҳамиятга молик қўлланмалардан ҳисобланади. Аммо бу асар қўлёзмасининг сақланиб келинганлиги илмий жамоатчиликка маълум эмас.

Қўлёзманинг бир нусхаси Париждаги Миллий кутубхонада сақланиб келинаётгани ҳақида 1923 йил турк олими М.Ф.Кўпрулизода илк бор маълумот берган эди. Француз шарқшуноси Эдгар Блоше ўзининг Париждаги “Миллий кутубхонада сақланаётган туркий қўлёзмалар каталоги” китобида “Аруз рисоласи” асарининг ушбу қўлёзмасига ҳам тўхталиб, кенг тавсиф бериб ўтади. Таниқли олим, профессор Ҳамид Сулаймонов 1968 йил Парижда бўлганида Э.Блоше каталогида зикр этилган “Аруз рисоласи” қўлёзмасининг микрофильмини олишга муваффақ бўлган эди. Шунингдек, Э.Блоше каталогида Бобур “Девон”и қўлёзмаси ҳам кутубхона фондининг 1230 инвентарь рақами остида сақланаётгани тавсиф қилинади. Блоше таърифича, 1515 йилда Қобулда кўчирилган ушбу “Девон”га Бобур ғазаллари ва рубойилари киритилган бўлиб, ниҳоятда чиройли миниатюралар билан безатилган экан.

Бобурнинг илмий ижодига муносиб баҳо берилиб, халқаро даражада унинг юбилейлари ўтказилиб келинмоқда. Ўзбекистонда ҳам Бобурнинг илмий мерсини ўрганиш бўйича кўплаб амалий ишлар, алоҳида жамғармалар тузилиб, бутун Бобур Мирзо юрган йўналишлар бўйича экспедициялар уюштирилиб келинмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу ўрганишлар давомида Заҳириддин Бобурнинг Афғонистонда жойлашган мақбараси бир неча маротаба қайта таъмирланди. Бу албатта, Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги Бобур ва Бобрийлар ижоди ва уларнинг дунё илм-фани ва маданиятига қўшган ҳиссасини ўрганишнинг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистонда 1993 йилда Заҳириддин Бобурнинг 510 йиллиги нишонланиб, унинг халқаро миқёдаги ўрини масалаларига оид кўплаб конференция ва рисоалар нашр этилди. Шу ўринда яна бир эътиборга олиш лозим бўлган жиҳат борки, Европада нафақат Бобуршунослик мактаби балки, бутун Темурийлар даври тарихини ўрганишга катта эътибор қаратилиб, алоҳида илмий тадқиқот институтлар фаолият олиб боради. Уларни илмий меъросларини тарғиб қилишда, халқаро юбилейларини ўтказишда жонбозлик кўрсатиб келишмоқда. Бунинг ёрқин ифодасини Юнеско халқаро ташкилоти томонидан 1994 йилнинг 21-28 октябрида, Тошкент, Истамбул, Париж шаҳарларида Мирзо Улуғбек тавваллудининг 600 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказилганлигида ҳам кўриш мумкин. Тадбир давомида Парижнинг “Сегур” кўرғазмалар залида “Тарих ва замонавийлик” мавзусида

⁵² Бобур ва “Бобурнома” француз шарқшунослиги саҳифаларида // <http://ishtixon.uz/uz/node/746>

Марказий Осиё тарихи ҳамда Темур ва темурийлар даври тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмаси уюштирилди⁵³.

1983 йил ЮНЕСКО қарори билан Бобур таваллудининг 500 йиллиги кенг нишонланди. Бу қутлуғ санага франциялик олимлар ҳам ажойиб тухфа тайёрладилар. Париждаги нашриётлардан бири “Бобурнома”нинг янги французча таржимасини “Бобур китоби” номи билан чоп этади. 478 саҳифадан иборат мазкур таржима йирик туркшунос олим, доктор Жан Луи Бакье-Граммон қаламига мансубдир. Таржимага таниқли француз шарқшуноси, профессор Луи Базен сўзбоши ёзган эди. Сўзбошида Бобурнинг империяни барпо қилиш йўлидаги кураши, “Бобурнома”нинг ёзилиш тарихи, бу асарнинг жаҳон адабиётида тутган ўрни хусусида атрофлича маълумот бериб ўтилади. 1981 йил “Бобурнома”нинг доктор Бакье-Граммон таржимаси FIT (Халқаро таржимонлар федерацияси)нинг бош совринига лойиқ топилади.

Юқоридаги фикрлар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур нафақат шох, давлат арбоби, балки шеърятда Навийдан кейинги буюк алломалардан десак муболаға бўлмайди. У нафақат тарих, сиёсат, балки ўзи яшаган ҳудудларни табиати, этнографияси билан ҳам қизиқди. Ва тўплаган маълумотларини ўзининг ноёб, мемуар асари бўлган “Бобурнома”га киритди.

Иккинчидан, Заҳириддин Бобурнинг “Бобурнома” асари Марказий Осиё халқлари тарихидан маълумот беручи ноёб асар ҳисобланади. Унда Ўзбекистон, Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар тарихи, маданияти, санъатига тегишли маълумотлар келтирилганки, бу ўша даврни тадқиқ қилаётган ёш олимларга, кенг жамоатчиликка муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу асар жаҳондаги кўплаб тилларга таржима қилинган ва яна таржималар давом этмоқда.

Учинчидан, Бобурнинг сиёсий бошқаруви, Хиндистондаги ислохотлари, жамият ривожини учун улкан ҳисса бўлиб қўшилган. Буни Хиндистон бош вазири Жавхарлал Неру ҳам ўз асарларида эътироф этган. Албатта, бошқарувдаги узоқни олдиндан кўриш қобилияти, адолат ва моҳир дипломатлик салоҳиятлари сабаб Бобурнинг салтанати жаҳон тарихида энг узоқ яъни 332 йил яшаган сулолалардандир.

Тўртинчидан, Бобур шахсияти ва унинг ижодига қизиқиш ўрта асрлардаёқ бошлаган бўлиб, айниқса Француз тадқиқотчилари бу борада анча муваффақиятларга эришганликларини кўришимиз мумкин. Айниқса “Бобурнома”нинг А.Ж.Клапрот, А.Лонгперье, М.Ланглэ, А.Паве де Куртейль, Ф.Гренард, Бакье-Граммон каби франциялик тадқиқотчи ва таржимонлари Бобур меросини тарихий-этнографик, библиографик ҳамда лингвистик жиҳатдан тавсиф қилиш билан Европада бобуршуносликнинг ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Бешинчидан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илм-фан, адабиёт ва санъатга бахшида бой меросини тўплаш, нашр этиш ҳамда жаҳон андозасида реал баҳоламоқ учун унинг ижодини янада кўпроқ, теранроқ ўрганиш керак, назаримда. Чунки, у қолдирган мерос шу қадар кенг ва бойки у аллақачон бутун инсоният мулки бўлиб улгурган.

⁵³ Матҳолиқов Қ.А. Ўзбекистон Республикаси ва Европанинг Франкофон давлатлари ўртасидаги маданий алоқалар тарихи (франция, Швейцария ва Бельгия мисолида(1991-2005йй)). Автореф. т.ф.н. ТошМУ. 2008. Б - 30.

ҲИНД ОЛИМЛАРИНИНГ ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАРИХИЙ- МАДАНИЙ МЕРОСИГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

Рахматжонова К.А.

Тошкент давлат шарқишунослик университети тадқиқотчиси

«Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди».

Жаваҳарлаъл Неру⁵⁴

Дарҳақиқат, ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх мирзо буюк шоир, тарихчи, географ, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, бобурийлар сулоласи асосчиси, темурий шахзодадир. У ўзининг довураклиги ва жаъсурлиги учун кейинчалик «бобур» («шеър») лақабини олади. Бобур ўзининг қисқа 47 йиллик умри давомида ўлмас из қолдирган давлат арбобларидандир. Унинг ўз қўли билан яратган тарихий-маданий мероси ханузгача ҳам Марказий Осиё ҳам Жанубиё Осиё мамлакатлари учун ноёб хазиналардан ҳисобланадигана унга қизиқиш уйғотиб келмоқда. Машҳур инглиз тарихчиси Лен Пул таъбири билан айтганда, Бобур – Ўрта Осиё ва Ҳиндистонни, яъни Ўрда ва императорлик ҳукуматини боғлаб турувчи оралиқ масофадаги шоҳ ва шоирдир⁵⁵. Қолаверса, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг университет, кутубхона, театр ва миллий боғлар унинг номи билан атала бошланди. Мамлакатимизда «Бобур ва жаҳон маданияти» номидаги музейнинг иш бошлагани эса Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мероси халқлараро тарихий-маданий жиҳатдан нақадар муҳим манба эканлигини исботлади.

Мазкур мақола 20-асрнинг бошларида яшаб ижод қилган Ҳиндистоннинг машҳур тарихчилари Л.К Синх, А.Ч. Чаттержи ҳамда 21-аср бошларида ҳинд адабиётшуноси, таржимон ва танқидчи ҳиндистонлик жамоат арбоби Қамар Раис томонидан ёзилган асарлар асосида таёрланди. Бу асарларда келтирилишича, Бобур адабий жиҳатдан нафис дид соҳиби бўлган. У форсий ва туркийда, яъни икки тилда оғишмай ижод қила оладиган мутафаккирлардандир. Бобур яшаган даврнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳолати ҳақида унинг туркийда битилган «Бобурномаси»дан батафсил билиш мумкин. Кейинчалик мазкур асар Бобурнинг ўғли Ҳумоюн томонидан форсийга таржима қилдирилган. Машҳур инглиз тарихчиси Элфинстон таърифлаганидек, «унинг меъмуар асари бўлган «Бобурнома»да буюк темурийлар сулоласининг батафсил тавсифи, улар ҳақидаги шахсий фикр, ҳис-туйғулар билан бирга бадиий тўқималар ва бадиий образлар ҳам мавжуддир. Бобурнинг услуби содда ва табиийдир. Бобур мазкур асар орқали тарихий шахсларнинг диди, кийими, қизиқишлари, ўша замон муҳити ва ҳатто иқлимгача батафсил келтиради. Ўзининг болалик давридан умрининг охиригача бўлган ҳаётини кенг ва ёйиқ тарзда ифодалайди»⁵⁶. Маълумотларга кўра, ҳозирда унинг 119 ғазали, 209 рубойиси, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъалари, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фардлари аниқланган. Қолаверса, девони таркибида умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган. Шуниси аҳамиятлики, Бобурнинг аксарият асарлари туркийда битилган бўлиб, бу ўз навбатида Ҳиндистон худудида турк адабиётининг кенг тус олишига сабаб бўлган. Ҳинд олимларидан бири Л.П.Шарманинг фикрича,

⁵⁴ Машрабов З. Бори элга яхшилиғ қилғил. Ғофур Ғулом нашриёти, -Т.2013. –Б.266.

⁵⁵ Синха Л.К., Чаттерджи А.Ч. История Индии. Изд. Иностранних литературы, – М., 1954. – С.213.

⁵⁶ Синха Л.К., Чаттерджи А.Ч. История Индии. Иностранних литературы, – М., 1954. – С.214.

Бобурнинг шахс сифатидаги характери таҳсинга сазовордир. У жуда бақувват киши бўлиб, қалъа деворлари устида икки кишини қўлтиқлаб олиб, тўсиқлардан бемалол ўта олар эди. Ҳиндистонда дуч келган ҳар қандай дарёдан ўта оларди... Бобур садоқатли ўғил эди. Мехрибон ота, содиқ дўст, вафодор эр ва яхши қариндош эди. У саҳий, олийжаноб, мард ва жуда маданиятли киши эди...⁵⁷

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Захириддин Муҳаммад Бобур нафақат ўлмас асарлар соҳиби, иқтидорли ва ҳарбий-тактик нуқтаи назардан кучли саркарда ва қудратли давлатга ҳукмдор бўлиши билан бирга энг узоқ ҳукмронлик қилган ва тарихий манбаларда алоҳида эътироф этилган буюк бобурийлар сулоласининг асосчиси ҳамдир. Кўплаб тарихчи ва филологларнинг таъкидлашига кўра, бобурийлар сулоласи Ҳиндистон тарихий-маданий меросида ўлмас из қолдирган. Мазкур сулола вакиллари ўзи ҳукмронлик қилган даврда фалсафа, ҳуқуқ, адабиёт, мусиқа, хунармандлик каби ўнлаб соҳаларни ривожлантиришга, байналминал маданиятни уйғунлаштиришга бевосита хисса қўшганлар. Энг муҳими уларнинг барчаси Ҳиндистоннинг кўп элатли халқ эканлигини инобатга олган ҳолда давлатни адолатли бошқарган. Жумладан, Акбар шоҳ ҳукмронлик қилган даврда Ҳиндистонда форс адабиёти ниҳоятда гуллаб яшнади. У ўзининг яқин дўсти Абу-л-Фазлга «Акбарнома» ва «Аина-е-Акбар» асарларини ёзиш вазифасини топширади. Мазкур асарларда сиёсий ва ҳарбий соҳаларнинг тарихи ҳақида маълумотлар учрайди. Шоҳ Акбар даврида кўплаб машҳур ёзувчилар шаклланган бўлиб, «Мунтахаб-ут-таварих» асарининг муаллифи Бадауний, «Табакат-и-Акбари» асарининг муаллифи Низамуддин ҳамда Абу-л-Фазлнинг укаси Файзий шулар жумласидандир. Тарихчилар Л.К. Синха ҳамда А.Ч. Чаттерджиларнинг Ҳиндистон тарихига оид асарида келтирилишича, олим Блохманнинг шундай дейди: Ҳиндистон машҳур мусулмон мутафаккири Амир Хусрав Дехлавийдан кейин Файзийдек иқтидорли ва буюк шоирни кўрмади⁵⁸. Шунингдек, шоҳ Акбар санскрит тилидаги «Махабхарат», «Рамаёна», «Атхарваведа» асарларини форсийга таржима қилишга қизиққан. Унинг давридаги ижод қилган Абд-ур-Раҳим араб, турк, форс ва ҳатто санскрит ва ҳиндийда ҳам ижод қила олган. Бу давр яна шуниси билан аҳамиятлики, 1532-1623 йилларда машҳур хинд шоири Тулси Дас яшаб ижод қилган. Мазкур даллилардан Акбаршоҳ даври бобурийлар сулоласининг маданий жиҳатдан энг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келганлигини кузатиш мумкин.

Қудратли сулоланинг вакилларида Жаҳонгир ва Шоҳ Жаҳон ҳукмронлик даврларига келиб, Ҳиндистон адабиётшунослиги билан бир қаторда хунармандчилик ҳамда меъморчилик санъатлари ҳам кенг ривожланган. Бу даврда кўплаб масжидлар, саройлар қурила бошланган. Булар орасида энг ёрқин ва меъмуар ижод намунаси бу «Тож Маҳал»дир. Мазкур саройнинг қурилиш ишлари 1632-йилда меъмор Устод Исо раҳбарлигида қурила бошлайди. Узоқ вақтлик меҳнатдан сўнг 1652 йилда қуриб битказилади. Тож Маҳалнинг баландлиги 74 метр бўлиб, оқ мрамрдан, ички қисми эса рангли мрамр тошлар билан безатилган. Мазкур сарой 1983 йилда ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон мероси рўйхатига, 2007 йилда эса дунё мўжизаларидан яна бири сифатида рўйхатга киритилган. Биргина ушбу саройнинг қўрилишдаги структуравий жиҳатларидан Шоҳ Жаҳон даврида меъморчилик нечоғлик ривожланганини кўриш мумкин.

Бу каби бобурийлар сулоласининг 20 дан ортиқ ҳукмрон вакиллари нафақат салтанатни адолатли ва тўғри бошқариш тамойилини, балки илм-маърифат, касб-хунарга ҳам қўшган

⁵⁷ Машрабов З. Бори элга яхшилиғ қилғил. Ғофур Ғулом нашриёти, -Т.2013. –Б.268.

⁵⁸ Синха Л.К., Чаттерджи А.Ч. История Индии. Иностранная литературы, – М., 1954. – С.214.

улкан хиссалари билан эътирофга лойиқдир. Аҳамиятлиси шундаки, Бобур ва бобурийлар сулоласи қудратли Ҳиндистонда ҳукмронлик қилиш жараёнида унинг мавжуд урф-одатларини ўзгартиришга уринмай, аксинча унинг равнаки учун муносиб ҳисса қўшишга уринган. Янги Деҳлидаги миллий музей ходими Г.Н.Пантнинг фикрича, Бобур имони комил мусулмон бўлиб, Аллоҳни бир дам хотирасидан фаромуш қилмаган, лекин мутаассиб бўлиш даражасидан ўзини тия олган. Сўзамол нотик, истеъдодли саркарда, ор-номуси кучли инсон бўлган⁵⁹. Демак, Бобур Ҳиндистондаги мавжуд дин ва маданиятга ўзаро ҳурмат кўзи билан қарай олган. Уларнинг бирини иккинчисидан айиришга уринмаган. Гўзал ва бетакрор Ҳиндистон ўлкасини борича қабул қила олган сиймодир.

Юқоридагилардан кўринадики, Бобур шахсияти ва унинг қудратли сулоласи тарихини ўрганиш фақатгина Ўзбекистон ва Ҳиндистон учун аҳамиятли бўлиб қолмай, бугунги кунда бутун дунё уларнинг бой тарихий-маданий меросини ўрганишга қизиқиш билдирмоқда. Бу эса Ўзбекистон учун ҳам Ҳиндистон учун ҳам фахрланиш ҳиссини уйғотади. Демак, Марказий Осиё заминида таваллуд топиб, Жанубий Осиё ҳудудида камол топган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тарихий-маданий меросини янада чуқур ўрганиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Машрабов З. Бори элга яхшилиғ қилғил. Ғофур Ғулом нашриёти, -Т.2013
2. Синха Л.К., Чаттерджи А.Ч. История Индии. – М. Иностранних литературы, 1954.
3. Хорижда бобуршунослик. – Т. Мумтоз сўз, 2008.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-том. – Т., 2002. – Б. 704.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т., 2006, 2008. (онлайн)
6. Qamar Rais Zaheruddin Mohammad Babar: shakhs, shakhsiyat aur shairi. Chandigarh, India. 2004.
7. www.arxiv.uz.
8. www.uzkitob.uz
9. <http://www.ziyounet.uz>

RUS BOBURSHUNOSLIGI TARIXI

Kamolov I.N.

Buxoro davlat universiteti izlanuvchisi

Zahiriddin Muhammad Boburning hayot va ijod yo`li, bobokalonimiz qoldirgan buyuk madaniy meros, qudratli saltanat tarixi mana bir necha asrlarki jahon sharqshunoslarining, tarix va adabiyot ixlosmandlarining diqqatini jalb qilib kelmoqda. Millat, til, din, chegara bilmas insoniy fazilatlar tarannum etilgan badiiy xazina, har qanday zamona kishisi uchun o`rnak bo`lishga arzigulik hayot tarzi sabab shoh va shoirni o`rganishga bo`lgan qiziqish bir zumga ham susaygani yo`q. Boburshunoslik ilmi Sharqda ijodkor yashagan davrning o`zidayoq shakllangan bo`lsa, G`arb bu masalaga nisbatan keyinroq yondashishni boshlagan. Bugungi kunda Bobur va uning ijodiga Yevropada qiziqish XIX asrning boshlarida alohida sohaga aylandi deb baholansa-da, bu yo`nalishdagi ilk ilmiy ishlar XVII asrga borib taqaladi. Fransuz sharqshunosi, Parij universiteti professori Bartelemi d`Erblo (1625–1695-yillarda yashagan) butun umrini Sharq hukmdorlari va ijodkorlari haqidagi qomusiy asar yozishga bag`ishlab, o`limidan ikki yil o`tib 1695-yilda muallifning “Sharq ensiklopediyasi” [1] qomusiy asari nashrdan chiqqan. Aynan shu asarda ilk bora

⁵⁹ Машрабов З. Бори элга яхшилиғ қилғил. Ғофур Ғулом нашриёти, -Т.2013. –Б.268.

yevropalik olimlarning Bobur haqidagi ilmiy qarashlari aks ettirilgan. XIX asrning 20-yillaridan boshlab esa “Boburnoma” memuari gʻarbiy Yevropa tillariga tarjima qilina boshlandi, boburshunoslik ilmining fransuz, nemis, ingliz, rus maktablari shakllana boshladi.

Rus sharqshunosligida Bobur hayoti va ijodini ilmiy jihatdan oʻrganishga boʻlgan qiziqish baʼzi tadqiqotchilarning fikricha, [2, 3] Rossiyaning Oʻrta Osiyo va Hindiston bilan olib borgan iqtisodiy aloqalari natijasida paydo boʻlgan. XVIII-XIX asrlardayoq Rossiyaning ayrim hududlarida “Baburino”, Baburinskiy” [3] kabi toponimlar, “Baburin”, “Baburov”, “Zababurov”, “Baburchenko”, “Baburka” singari shaxs nomlarini muomalada boʻlgan. Bir qaraganda ushbu atoqli otlarning etimologik kelib chiqishi bizning bobokalonimizga borib taqalishi haqiqatdan yiroq koʻrinishi tabiiy, ammo ayrim manbalarda, jumladan atoqli rus yozuvchisi I. S. Turgenev (1818–1883-yillarda yashagan) oʻzining “Punin va Baburin” qissasi bosh qahramonlaridan biri Baburinning kelib chiqishini zodagon tabaqaga bogʻlar ekan, “u hind shohi Bobur Oqsuyakka borib taqaladi” [4, 132] degan fikrni ilgari surgan. Ushbu fikrdan maʼlum boʻladiki, XIX asr rus adabiyoti uchun Bobur notanish nom emas edi.

Bobur va “Boburnoma” bilan rus kitobxonlarini tanishtirishmi ilk bora nemis olimi, tarjimon va elchi Georg-Yakob Ker (1692–1740-yillarda yashagan) boshlab bergan. U 1732-yilda Germaniyadan Peterburgga kelgach, Tashqi ishlar vazirligi topshirigʻiga koʻra, arab, fors va turk tillarida faoliyat olib boruvchi mahalliy tarjimonlarni tayyorlashda rahbarlik qiladi. [5, 169] Hatto 1733-yilda Oʻrta Osiyo tarixiga oid qimmatli asarlar – Xiva xoni Abulgʻozi Bahodirxon (1603–1663-yillarda yashagan)ning “Shajarayi tarokima” asarini nemis tiliga tarjima qilgan. [6, 23] Uning qoʻliga chigʻatoy tilidagi “Boburnoma” tushgach, tarjimon uni avval lotin tiliga oʻgirishni boshlaydi, ammo oxiriga qadar yetkazolmaydi. Keyinchalik memuari ilk bora rus tiliga toʻliq oʻgirgan sharqshunos olim N. I. Ilminskiy (1822–1891-yillarda yashagan) G. Ker “Boburnoma” memuari tarjimasini oxiriga yetkazolmaganini, asardagi maʼlum parchalar qoldirib ketilganini, bir soʻz bilan aytganda “ish muvafaqqiyat qozonmagan” [5, 170] ini taʼkidlaydi.

XIX asr boshlarida Rossiya sharqshunosligida Bobur va “Boburnoma” ga boʻlgan qiziqish yanada ortdi. Rus-polyak sharqshunosi, tarjimon, tarixchi, jurnalist va muharrir, Baron Brambeus taxallusi bilan ijod qilgan serqirra olim O. I. Senkovskiy (1822–1891-yillarda yashagan) bu ishga bosh-qosh boʻladi. 1824-yilning may oyidagi maktublarining birida yozishicha, Senkovskiy rus diyoriga kelgan buxorolik savdogar Nazarboy Turkistoniyaning “Sulton Boburning xotiralari” kitobini olib, tarjima qilish va chop etishga tayyorgarlikni boshlagan. Xotiralarda qayd etilishicha, mutaxassisga memuari tarjima qilish katta qiyinchilik tugʻdirmaganini, haqiqatdan ham xotiralar Boburning oʻzi taʼkidlaganidek, “eng sof Andijon turkiychasida” yozilgani tan olingan. [7, 232-233] Shu bilan birga Senkovskiy rahbarligida ishlagan yosh rus adabiyotshunosi V. V. Grigorev(1822–1891-yillarda yashagan) keyinchalik ilk marotaba rus adabiyotshunosligida Bobur va uning harbiy yurishlari haqidagi maʼlumotlarni oʻrganib chiqadi. [8, 10-13] Shuni alohida taʼkidlab oʻtish kerakki, aynan O. I. Senkovskiy va uning shogirdi V. V. Grigorev tadqiqotlari natijasida Zahiriddin Muhammad avvaliga “Baber”, “Babor” emas, balki “Bobur” sifatida tilga olinib boshlandi. [5, 171]

1857-yilda nemis olimi G. Ker tomonidan boshlangan “Boburnoma”ning tarjima qoʻlyozmalari sharqshunos olim N. I. Ilminskiy tomonidan nashrga tayyorlana boshlandi. N. Ilminskiy nemis olimining kamchiliklari va memuarining tarjima qilinmay qoldirib ketilgan qismlarini sinchkovlik bilan oʻrgandi. U bu jarayonni oʻz xotiralarida eslar ekan, “Boburnoma”ning ingliz tilidagi tarjimasini, Kalkuttada nashr etilgan turkiycha-forscha lugʻatni hamda turkiy tildagi Alisher Navoiy devonini qunt bilan oʻrganganligini eslab oʻtadi. [9, 4] Toʻrt yil davomida tarjimon

“Boburnoma”dan parchalarni I. N. Berezin(1818–1896-yillarda yashagan) tomonidan nashrga chiqariladigan “Turk xrestomatiyasi”da berib bordi. [10]

Bu jarayonlar davomida Bobur xotiralarini o`z tilida o`qishni boshlagan rus sharqshunoslari endi Senkovskiy boshlab ketgan “Boburnoma” tarjima qo`lyozmalarini o`rganishni boshladilar. Ushbu qo`lyozmalar 1859-yilda boshqa bir rus sharqshunosi va siyosiy arbob V.V. Velyamin-Zernov (1830–1904-yillarda yashagan) muharrirligida nashrga tayyorlana boshladi. Ammo bu orada “Boburnoma”ning G. Ker va O. Senkovskiy nusxalari o`rtasidagi nomutanosiblik sabab ilmiy bahsmunozaralar boshlandi. Bu ikki qo`lyozmani qiyosiy o`rganish va yakdil xulosaga kelishdek sharaflil vazifa N. I. Ilminskiy zimmasiga yuklatiladi. Shundan so`ng 1882-yilda “Boburnoma”ning rus tilidagi yangi va tuzatilgan nusxasi tayyor bo`ldi.

Ammo bu orada britaniyalik mashhur sharqshunos Anetta Beveredj (1842–1929-yillarda yashagan) rus hukumati va ilmiy hamjamiyatidan “Boburnoma”ni ingliz tiliga tarjima qilish yo`lida hamkorlikka chorlaydi. Ammo ingliz olimasi qo`lidagi “Boburnoma”ning Haydarobod nusxasi bilan G.Ker-O.Senkovskiy qo`lyozmalari asosidagi N. Ilminskiy nusxalari o`rtasida ham ma`lum tafovutlar borligi ma`lum bo`ladi. Bu ikki nusxani qiyosiy o`rganish va aniq xulosalar chiqarish boshqa bir rus boburshunosi – A. N. Samoylovich (1880–1938-yillarda yashagan)ga ishonib topshirildi. Samoylovich esa soh va shoir qoldirgan xotiralar borasida Haydarobod faksimelyesi ham, G. Ker qo`lyozmalari ham to`liq ma`lumot berolmasligini, o`z o`rnida “Boburnoma”ning boshqa nusxalarini ham topib tadqiq qilish kerakligini aytib o`tadi. [11,3] Ammo bu qiyosiy tahlilni amalga oshirish o`sha davr rus sharqshunosligida to`liq tugallanmadi. Toshkentda olimlar P. Shamsiyev va S. Mirzayevlar muharrirligida nashr etilgan (1948, 1949, 1960 va 1989-yilda) “Boburnoma” ham aynan shu 2 qo`lyozma – Beveredj xonim tahlilidagi Haydarobod nusxasi va N.I. Ilminskiy variantlarini qiyosiy o`rganish asosida dunyoga kelgan. [12, 2]

Rossiya sharqshunosligida “Boburnomaga” qiziqish ancha oldin boshlanganligiga qaramay, memuarining to`liq rus tilida kitob shaklida hali chop etilmagan edi. Bundan oldingi boburshunoslarning tarjimalari esa (I. N. Berezin, V. Grigorev, N. Pantusov, A. N. Samoylovich, O. Senkovskiy, N. I. Ilminskiy va boshqalar) ma`lum to`plamlarda parchalar, fragment sifatida bosilib chiqqan edi. Faqatgina 1948-yilda M. A. Salye (1899–1961-yillarda yashagan) tomonidan qilingan tarjima 1958-yilda Toshkentda alohida kitob shaklida chop etildi. Ana shundan so`ng rus sharqshunosligida Bobur xotiranomasini alohida yo`nalishlar bo`yicha chuqurroq o`rganish imkoniyati paydo bo`ldi. Xususan, professor G. F. Blagova (1927–2013-yillarda yashagan) aynan boburshunoslik mavzusida nomzodlik dissertatsiyasini himoya qildi, qolaversa, 40 yillik ilmiy izlanishlarining samarasi sifatida keng qamrovli “Boburnoma: til, matn pragmatikasi, uslub” nomli kitobni 1994-yil Moskvada nashr ettirdi. [13, 30] Aynan G. F. Blagova, I.V.Stebleva va A.N.Samoylovichlarning ilmiz izlanishlari tufayli boburshunoslik XX asr Rossiya sharqshunosligida yangi bosqichga ko`tarildi. Rus kitobxonlari Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti, shaxsiyati haqida hikoya qiluvchi o`lmas tarixiy asar – Pirimqul Qodirovning “Yulduzli tunlar” romanini o`z ona tillarida o`qish imkoniyatiga ega bo`ldilar. [14]

Istiqlol yillarida barcha sohalar singari madaniyat, ilm-fan borasida ham O`zbekiston-Rossiya hamkorligining yangi davri boshlandi. Mamlakatimiz va rus boburshunoslari shoh va shoir bobokalonimizning ilmiy-madaniy merosini o`rganish va o`rgatish borasida juda katta loyihalar amalga oshirildi va bu ishlar hali davom etishi aniq. Chunki Zahiriddin Muhamad qoldirgan ma`naviy boylik bitmas-tuganmasdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI

1. D`Herbelot, Babur ou Babor, - Bibliotheque orientale. Paris, 1697. p.163

2. В. А. Уляпицкий. Сношения России со Средней Азией и Индией в XVI-XVII вв. Москва. 1889. 64 ст.
3. М.Васмер. Список населённых мест Владимирской губернии. Висбаден. 1962. 222 ст.
4. Тургеневский сборник. Под редакцией Н. К. Пиксанова. Петроград. 1915. 215 ст.
5. Г.Ф.Благова. К истории изучения Бабур-наме в России. Тюркологический сборник. Москва. 1966. 247 ст.
6. А. Н. Кононов. Родословная туркмен. Сочинение Абулгази, хана Хивинского. Москва, 1958. 83 ст.
7. А. А. Плюшар, Д. И. Языков. Энциклопедический лекцион. Том XVI. Санкт-Петербург. 1839. 405 ст.
8. А. А. Плюшар, Н. И. Греч. Энциклопедический лекцион. Том I. Санкт-Петербург. 1835. 405 ст.
9. Бабер-наме или Записки султана Бабера. Изданы в подлинном тексте Н.И.Ильминским. Казань, 1857. 600 ст.
10. И. Н. Березин. Турецкая хрестоматия. I часть. Казань, 1857.
11. А. Н. Самойлович. Собрание стихотворений императора Бабура. Часть 1. Петроград. 1917. 90 ст.
12. Voburnoma. P. Shamsiyev muharirligida. T, 1989. 368 b.
13. Г. И. Халиева. Российское бабуроведение XX века. Молодой ученый. Чита, 2011. 81 ст.
14. П. Кадыров. Бабур. Звёздные ночи. Переводчик: Ю. Суровцев. Москва, 1988. 346 ст

БОБУРИЙЛАР ДАВРИДА ҲИНДИСТОН ВА ТУРКИСТОН АЛОҚАЛАРИ

Сайдуллаева Г.С.

ТДТУ лицейи ўқитувчиси

Ҳиндистон ярим ороли энг қадим замонлардан бери дунё тизимининг бўлинмас бир қисми бўлиб келаётганлиги ҳаммага яхши маълум. Ушбу минтақа асосан шимоли-ғарб томонидан, яъни Ҳиндикуш тоғ тизмалари оша Марказий Осиё, хусусан, Туркистон билан бевосита алоқада бўлиб келганлиги ҳам ҳеч кимга янгилик эмас.

Биз ёзаётган давр ҳам ана шу алоқаларнинг бир қисмини ташкил этади. Шунинг таъкидлаб ўтиш зарурки, Ҳиндистон ва Туркистоннинг XVI-XVII асрлардаги тарихига бағишланган кўлэзма манбалар ва кейинчалик ёзилган босма манбалар жуда кўп ва хилма-хилдир. Лекин, шунга қарамай, минтақада яшовчи халқлар ўртасидаги алоқаларга бағишлаб ёзилган илмий тадқиқотлар камчиликни ташкил қилади.

Ана шу ҳолатни инобатга олган ҳолда, биз XVI-XVII асрларда, яъни Ҳиндистонда бобурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда, Туркистон билан олиб борилган алоқаларни ёритишга ҳаракат қилдик.

Жанубий Осиё ва Марказий Осиё ўртасида қадимдан давом этиб келаётган алоқалар айнан Ҳиндистонда темурийлар сулоласининг давомчилари бўлган бобурийлар ҳукмронлик қилган даврда ўз чўққисига етди деб, айта оламиз. Чунки худди шу даврга келиб икки минтақа ўртасидаги маданий яқинлашув жараёни тезлашди ва ҳар жихатдан бу ўзаро қўшилув янгича ижобий синтезни вужудга келтирди. Бобурийлар ҳукмронлигига қадар Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги маданий алоқалар ва ўзаро таъсир қилиш ҳеч даврда

шунчалик кўзга ташланарли даражага етмаган эди. Ушбу ҳолатни америкалик тарихчи олим Ричард Фолтс шундай ифодалайди: “Ўша даврда мусулмон Осиёси кўп жиҳатдан бир дунё эди”⁶⁰.

Бу ерда у ислом маданиятини бирлаштирувчи куч эканлигини таъкидлайди. Албатта, бу фикрни инкор этмаган ҳолда, Марказий Осиё, хусусан, Туркистон халқларининг ўзига хос маданияти, миллий анъаналари, санъати, адабиёти ҳам икки минтақа халқлари алоқалари жараёнида бир-бирларига ўзаро таъсир қилиб, бойитганликларини алоҳида қайд этиш лозим.

Лекин яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бу борада ҳали кўп масалалар илмий жиҳатдан тўлиқ ўрганилмаган. Масалан, Марказий ва Жанубий Осиёдаги мамлакатларда мусулмон жамиятлари ўртасидаги умумийлик қай даражада бўлган? Улар орасидаги ўзаро таъсир қанчалик фаол бўлган ва улар ўзлари яшаб турган мамлакат чегараларини жуғрофий жиҳатдан ҳозир биз билганчалик кўра олганларми? Ана шунга ўхшаш кўпгина саволлар ўз тадқиқотчиларни кутмоқда.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда қуйида Туркистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасида ХВИ-ХВИИ асрларда олиб борилган алоқалар хусусида сўз юритилар экан, улар орасидаги умумий томонлари ва фарқ қиладиган жиҳатлари ҳамда иккала томонни маданий жиҳатдан боғловчи омиллар ҳақида тўхталиб ўтишга ҳаракат қилинади.

Бобурийлар сулоласига мансуб ҳукмдорлар тўғрисида сўз борар экан, уларнинг Туркистонни ўзларининг “ҳақиқий” она юртлари ва темурийлардан мерос қолган ҳудудлар деб қарашларига ҳам аҳамият бериш жоиз бўлади. Ҳиндистон ярим оролида, умуман олганда, қарийб икки аср (1526-1707), яъни Ҳиндистонда мусулмонлар ҳукмронлик қилган энг диққатга сазовор даврда, давлатни бошқарган биринчи олти бобурий султонларнинг ҳар бири она юртлари, уларнинг кўпчилиги бу ерларни ҳеч қачон кўрмаган бўлсалар-да, Туркистон билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш ҳис-туйғуларини намойиш этиб келганликларини кўраимиз⁶¹.

Маълумки, Темурийлар сулоласининг энг сўнгги авлодлари бўлган бобурий ҳукмдорлар Ҳиндистон ярим оролига келиб ўз ҳокимиятларини ўрнатдилар. Бобурий султонлар даврида Туркистон ҳудудларидан Ҳиндистонга кенг миқёсда турли соҳа вакилларининг, айниқса, маданият соҳасига алоқадор кишиларнинг кўчиб ўтиши туркий халқлар маданияти билан ерли халқларни таништирди ва шу маданиятнинг Ҳинд ерларида ёйилишига ҳам сабаб бўлди. Туркистонликлар Ҳиндистонга нафақат сиёсий, маъмурий ва ҳарбий томондан, балки маданият (рассомчилик, меъморчилик, адабиёт, шеърят ва ҳ.к.) соҳаларида ҳам катта таъсир кўрсатганлар. Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Ҳиндистонда энг машҳур тарихий обида Тож Маҳал, кўпчилик олимларнинг таъкидлашича, Самарқанддаги Амир Темур мақбараси - “Тўри Амир”га тўғридан-тўғри тақлид қилиб солинган⁶².

Тож Маҳални қурдирган Шох Жаҳон ўз “она Ватани” бўлган Туркистонни қайтадан кўлга киритиш умидида яшаган. Ҳатто у 1646-йилда Балх вилояти орқали бу томонга ҳарбий юришни амалга оширишга ҳам уриниб кўрган. Шох Жаҳоннинг Балхга юриши тўғрисида Бобурийларга тегишли кўпгина мактубларда ва бошқа ҳужжатларда Туркистон “аждодларимизнинг қабрлари бор жой” деб қайд қилинган⁶³.

⁶⁰ Richard C. Foltz. *Mughal and central Asia*. Oxford. 1998. p. XX III

⁶¹ Ҳайруллаев М.М. Ўзбек дипломатияси тарихидан, тарихий очерклар ва лавҳалар., Тошкент. 2003 йил., Б-105

⁶² Ўша асар. Р XXIII.

⁶³ Низомиддинов И.Ё XVI-XVII/ асрларда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон муносабатлари. Тош., ФАН, 1966. 53-бет.

Ҳаттоки, отасининг кўп соҳалардаги сиёсатининг тескарисини қилган Аврангзеб ҳам, бобурийларнинг Туркистонга нисбатан билдирган ўй-хаёлларига содиқ қолган. Бундай мисоллар XVI-XVII асрларда турли тўсиқларга қарамасдан, Туркистон ва Ҳиндистон ўртасида мунтазам алоқалар мавжуд бўлганлигидан далолат беради. ХВИИ асрга тегишли манба бўлган “Музаққир-и-асҳоб”да қайд қилинишича, бобурийларнинг сўнгги авлодлари, ўз боболари Жаҳонгиршоҳ қилганидек, Самарқандга “Гўри Амирни” таъмирлаш учун пул ва усталарни юборганлар”⁶⁴.

Бобурийларнинг Марказий Осиё, хусусан, Туркистонга бўлган бундай муносабатларининг сабабини америкалик олим Ричард Фолтс шундай шарҳлайди: “Мўғул императорларининг ўз “она юртлари” бўлган Марказий Осиёга нисбатан кўрсатган соғинч ҳисларини ифода этишларига, улар ўзларини “Ҳинд” дунёсининг бир бўлаги дея олмасликлари эмас, балки йўқотган дунёларининг маркази, яъни нафақат Ҳиндистонни, балки Эрон, Сурия, Анатолия ва ички Осиёнинг дашт ерларини ҳам ўз ичига олган Темур империясининг гуллаб-яшнаган пойтахти - Самарқандни йўқотганликлари сабаб бўлган, деб ўйлаймиз”⁶⁵.

Ҳақиқатан ҳам Темур авлодлари бўлган бобурий султонлар Туркистонни ўзларига бошқариш учун мерос бўлиб қолган дунё деб ҳисоблаганлар. Масалан, Бобур Ҳиндистонда ўз ҳокимиятини ўрнатгандан сўнг, у ерда доимо яшаб қолиш нияти йўқ эди, балки у ўз давлатини Темур бобосига ўхшаб Самарқанддан туриб бошқаришни хоҳлар эди.

Бобурнинг вафотидан кейин, Ҳумоюн ва ундан кейинги авлодлар ниҳоят ўзларининг Ҳиндистон султонлари сифатидаги мавқеларини тан олганлар. Лекин келиб чиқиши, қайси сулолага мансублиги жуда ҳам катта аҳамият касб этган дунёда, Темурийлар сулоласининг вакиллари бўлган бобурий султонлар Ҳиндистонда мустаҳкам ўрнашиб олсаларда, ўзларининг Туркистонга бўлган интилишларини ҳеч тўхтата олмаганлар. Абул Фазл Акбарни “Кўрагон оиласининг фахри” ва “Темур уруғининг чироғи “чироғи дудмони Соҳибқирон”⁶⁶ деб атайти. Жаҳонгир Кобулда, Бобурнинг макбараси ёнида, ўз номи ва Темурдан кейинги аждодларининг номлари ўйиб ёзилган тошни ўрнатишни буюрган эди⁶⁷.

Амир Темур сиймоси барча Бобурий султонлар учун намуна бўлиб хизмат қилган. Темур шахсиятига, унинг юришларига бағишланган китоблар доимо уларнинг ҳамроҳи бўлганлиги бизга манбалардан маълум. Масалан, Жаҳонгир ва Шоҳ Жаҳон Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарини қайта-қайта ўқиб юрганлар.

Бобурий султонлар Ҳиндистонда ўз фаолиятлари давомида (давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий сиёсатда ва ҳ.к.) кўпинча Темурийлар давридаги қонун-қоидалар, анъаналар, расм-русумларга амал қилганлар.

Бобурийлар Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини мустаҳкам ўрнатиб олганларидан сўнг, ташқи дунё ҳукмронлари уларни Темурийлар хонадони давомчилари сифатида тан олишни лозим топдилар. Масалан, Эрон шоҳи Аббос Жаҳонгирга йўллаган расмий мактубида “ушбуни Кўрагон тахтида ўтирган зотга ва Темур тожининг меросхўрига йўллайман”⁶⁸, деб ёзади ва яна бир жойда Ҳиндистон элчиси Хон Аъламга императорга совға тариқасида Исфакондан Темур,

⁶⁴ Муҳаммад Ҳади “Малихо” Самарқандий, Музаққир-и-Асҳоб .Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзма фонди. № 4270. 234-бет.

⁶⁵ Richard C. Foltz. Mughal and central Asia. Oxford. 1998. p. XX IX.

⁶⁶ Abul Fazl. “Allami”, Akbar-nama, ed. Abd al-Rahim, 3 vols., Tr Henry Beveridge, (reprint Low Price Publ. Delhe, 1993), i, p., 17 text p. 8).

⁶⁷ Shan Nawaz Khan and Abd-Nayy. Ma ather al-ilata, tr. Henry Beveridge, Calcutta, 1941-1942. p. 97.

⁶⁸ Tuzuk-i-Jahongiri., tr A.Rogers, ND. 1978ii p. 1956 TJ P. 112.

унинг ўғиллари ва лашкарбошилариининг Тўхтамишхон билан олиб бораётган жангги тасвирланган ноёб санъат асарини олиб кетишга рухсат беради⁶⁹.

Икки минтақа халқларининг XVI-XVII асрлардаги алоқаларида ислом динининг ҳам бирлаштирувчи роли борлигини инкор қилиб бўлмайди. Ўша даврда Ҳиндистон мусулмонлари Туркистонни энг аввало диний илмлар маркази сифатида ҳурмат қилганлар, айниқса, Бухоро мадрасаларининг доврўғи Ҳинд мусулмонлари орасида кенг ёйилган. Шу сабабдан бир қанча хинд мусулмонлари Бухорода таҳсил олганликлари маълум⁷⁰. Юқорида баён қилинган фикрлар ва бир қатор манба ва адабиётлардан олинган маълумотлар XVI-XVII асрларда бобурийлар давридаги Ҳиндистон ва Туркистон ўртасида дипломатик, ҳарбий, савдо ва маданий алоқалар анча фаол олиб борилганлигидан дарак беради.

XVI аср охирларида Мовароуннаҳр, Ҳиндистон ва Эронда кучли феодал давлатлар ташкил топади. Ҳиндистонда бобурийлар сулоласининг энг забардасти буюк Акбар салтанат эгаси бўлганда (1556), Мовароуннаҳрда шайбонийлар сулоласининг сўнгги тадбиркор намояндаси Абдулла II ҳокимиятни ўз қўлига олди (1557).

Абдуллахон ва Акбар тахтни эгаллаганларидан кейин ўз давлатларини мустаҳкамлашга, мустақил ва ярим мустақил хон ва князликларни бўйсундиришга, янгидан-янги ўлкаларни босиб олишга киришдилар. Абдуллахон қаттиқ кураш натижасида Балх ва Ҳиротни (1573), Шаҳрисабз, Қарши ва Ҳисорни (1574), худди шу йиллари Акбар Малва, Гондван, Читор ва Гужаратни забт этди. Ўша даврда иккала давлат ўртасида бир қатор дипломатик алмашинувлар бўлиб ўтди. Масалан, Абдуллахон 1572-1573; 1577-1578 ва 1586 йилларда Ҳиндистонга элчилар юборди⁷¹.

Абдуллахоннинг элчиси Олтамиш 1572 йили Дехлига боради. Элчи Абдуллахоннинг ҳар иккала мамлакат ўртасида давом этиб келаётган дўстлик алоқаларини кучайтириш ҳақидаги мактубини топширади⁷². Акбар ўзбек элчисини Гужарат юриши муваффақиятли тугагач, қабул қилади. Акбар элчи орқали Абдуллахон номига юборган мактубида дўстлик муносабатларини ўрнатишга рози эканлигини билдиради⁷³.

Ўзбек элчиси Ҳиндистондан ўз юртига қайтиш арафасида Бадахшонда ҳокимият учун ўзаро кураш бошланганлиги маълум бўлади. Император Акбар бу курашда ўзбек хонининг қўли борлигини гумон қилади. 1577 йилда Абдуллахоннинг иккинчи элчиси Мир Абдурахмон Хўжа Садр Ҳиндистонга келади. Элчи Туркистон билан Ҳиндистон ўртасида Эронни бўлиб олишни таклиф қилади. Энди Акбар ўз навбатида Мирза Фулод бошчилигида ўз элчиларини Абдуллахон саройига юборади. Бундан мақсад, хинд элчиси Эроннинг мусулмон давлати эканлигини эслатиб, Акбарнинг бу давлат ерларини бўлиб олишга рози эмаслигини англатиши керак эди. Элчи зиммасига иккинчи вазифа ҳам юклатилган эди. Абдуллахон давлатининг тобора кучайиб бориши Бадахшонга хавф туғдираётган эди. Ҳинд томони бу хавфнинг олдини олиш учун қуролли куч ишлатиш- дан кўра дипломатик йўл билан келишишга уринади. Шунинг учун Мирза Фулод ўзбек хонининг Бадахшонга нисбатан муносабатини аниқлаш вазифасини ҳам бажариши керак эди. Ҳақиқатда Акбарнинг тахмини тўғри эди.

Абдуллахон Балх ва Ҳиротни эгаллагач, Бадахшон ва Кобулни ҳам босиб олишни мўлжаллаган эди. 1583-1584 йилларда ўзбек қўшинлари Бадахшонга ҳужум қилиб, уни босиб олдилар. Бадахшон ҳокими Мирза Сулаймон ва унинг набираси Шохрух Акбардан ёрдам

⁶⁹ O'sha asar. II. B. 116 В Т. П. 3229. McChesney R. D. Wagf in Central Azia, Princeton, 1991, p. 110

⁷⁰ McChesney R. D. Wagf in Central Azia, Princeton Univ. Press, Princeton, 1991, p. 110.

⁷¹ Ахмедов Бури. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XV]] вв Фан. Тошкент., 1985. с. 53.

⁷² Бу ҳақда қаранг: Низомиддинов И. Ўрта Осиёнинг чет эл шарқи билан муносабатлари. Токшент., 1961. 15-38-бетлар

⁷³ Ҳайруллаев М.М. Ўзбек дипломатияси тарихидан, тарихий очерклар ва лавҳалар., Тошкент., 2003. Б-105

сўради. Кобул ҳокими Мирза Ҳаким ҳам ўз ерларига туғилган хавфнинг олдини олиш учун Акбарга ёрдам сўраб мурожаат қилди⁷⁴. Шу сабабдан Акбар катта қуролли куч билан 1585 йилда Панжобга келди ва шу йили Кобулни ўз империясига қўшиб олиб, Абдуллахоннинг режаларини чиппакака чиқарди. Акбар томонидан амалга оширилган ишлар Абдуллахонни хавфсиратиб қўйди ва унинг Эронга нисбатан босқинчилик сиёсатини давом эттиришда бу масала юзасидан ҳинд императорининг розилигини олиб, у билан иттифоқ бўлишга мажбур этди⁷⁵.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Заҳириддин Муҳаммад Мирзо Бобур томонидан олиб борилган дипломатик ишлар ўзига хос ўрин эгаллайди. Бобур вазиятларга қараб дипломатиянинг насихат, огоҳлантириш, кўрkitиш ва овоза тарқатиш каби усулларидан фойдаланган. У рақибларининг заифликларидан усталик билан фойдаланган ва ғалабаларга дипломатияда қўллаган тўғри тадбирлари орқали эришган.

Шуниси эътиборлики, халқаро учрашувлар, расмий маросимлар аниқ ва санъаткорона ишлаб чиқилган қоидалар асосида олиб борилган. Бу қоидаларнинг юксак меъморий-бадий ечим, этика, эстетика ютуқлари билан бойитилганлиги ҳам давлатнинг обрў-эътибор қозонишида муҳим рол ўйнаган.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ХОРИЖЛИК ТАТҚИҚОТЧИЛАР НИГОҲИДА: ПОДШОҲЛИК МЎЙҚАЛАМИ

Ҳайдаров С.А.

*ТВЧПДИ Гуманитар фанлар факультети катта ўқитувчиси,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).*

Ҳайдаров У.А.

ТДИУ қошидаги академик лицей ўқитувчиси

Келажак авлодларни етук ва баркамол қилиб вояга етказиш, миллий истиқлол руҳида тарбиялаш мақсадида Республикамизда таълим тизими ва мазмуни замон талаблари даражасида такомиллаштириш учун ислохотлар олиб борилиб, Давлат таълим талаблари такомиллаштирилмоқда, таълимда инновацион технологияларни қўллаш, тарихий шахсларни ўрганиш ва ёш авлодларга намуна сифатида ўқитиш сифат ва самарадорликка эришилмоқда.

Президентимиз айтганидек, ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ. [1]

Заҳриддин Муҳаммад Бобур Шарқ маданияти, адабиётида ўзига хос ўрин эгаллаган ижодкор бўлибгина қолмай, йирик давлат арбоби ва саркарда эди. Қилич ва мўйқаламдан бирдек моҳирона фойдалана олди, бу ишни жуда кам сонли хукмдорларгина уйдалаган эди. Бугун унинг нафақат тарихда тутган ўрни, бошқарув салоҳияти ва бунинг натижасида жаҳон тарихида ўзидан ўчмас из қолдирган буюк Бобурийлар сулоласига, балки ўзига хос, вақт ва замон синовидан ўтган ижоди, асарларига қизиқиш ортиб бормоқда. Бобур ҳаёти ва ижоди бўйича дунё олимлари томонидан татқиқот, илмий ишлар олиб борилмоқда.

⁷⁴ Низомиддинав И. Ўша асар. 15-бет.

⁷⁵ Ўша асар. 15-бет.

Бобур Ҳиндистонда катта кўламдаги давлат ишлари билан бир қаторда ўзининг адабий-бадий фаолиятини ҳам давом эттирди ва бебаҳо, дунё кутубхоналарининг энг юқори ўринларидан жой олган асарларни яратди. Бобурнинг бутун жаҳон оммасига машҳур бўлган шох асари «Бобурнома»дир. Маълумки, унда Бобур яшаган давр оралиғида Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон халқлари тарихи ёритилган. Асар асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми — XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда рўй берган воқеаларни; иккинчи қисми — XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Кобул улуси, яъни Афғонистонда рўй берган воқеаларни; учинчи қисми — XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихига бағишланган.

«Бобурнома»да ўша даврнинг сиёсий воқеалари мукамал баён қилинар экан, ўз она юртининг сиёсий-иқтисодий аҳволи, унинг пойтахти Андижон шаҳри, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Ўш, Урганч, Ўратепа, Термиз ва бошқа шаҳарлар ҳақида ниҳоятда нодир маълумотлар келтирилган. Унда Кобул улусининг йирик шаҳарлари Кобул, Ғазна ва улар ихтиёридаги кўпдан-кўп туманлар, вилоятлар, Шимолий Ҳиндистон ҳақида маълумотларни учратиш мумкин.

Бу асарни ўқиган киши борки, беихтиёр ижодкорнинг тасвирлаш маҳоратига, баён қилиш услубининг оддийлигига, фикрларнинг мантикий узвийлигига тан бермай иложи йўқ. «Бобурнома» асарининг инглиз тилидаги таржимасига ёзилган сўз боши муаллифи, тарихчи Уильям Далримпл уни «қилич ва мўйқаламни моҳирона тутган тарихдаги санокли кишилардан бири, атоқли шахс эди» деб ёзади. Шунингдек, у «Бобурнома» га таъриф берар экан, уни «кундалик, тарих зарварақлари, табиат тўғрисидаги қайдлар, географик маълумотнома, оила солномаси ва отанинг беқарор ўғилга берган маслаҳатлари китоби» деб атайди.

Англиялик машҳур олима, «Бобурнома»нинг инглиз тилидаги таржимони, татқиқотчи Аннет Сусанна Беверидж [2] асарни Гиббон ва Ньютон мемуарлари билан бир қаторга кўяди. «Осиёда, — дейди А. Беверидж, — у алоҳида ўринга эга».

«Бобур мемуарлари барча даврдаги адабиёт асарлари ичида жозибадорлиги билан ажралиб туради. У Бобурнинг она тили ҳисобланмиш турк тилида ёзилган» деб ёзган эди яна бир инглиз шарқшуноси, Бобур девонини нашрга тайёрловчи Е. Дениссон Росс. Америкалик машҳур олим, форшунос, Гарвард университети профессори Уилер М. Такстон [3] Бобур ишларини «ислом оламида илк ва айни дамгача ягона бўлган насрий ҳақиқий автобиография» деб атайди.

Тарихчи Бамбер Гаскойн Бобурнинг Ҳиндистонга сафарини шарҳлар экан, шундай дейди: ўша вақтда у умри давомида ёзган хикоя услубидаги хотираларини бирлаштириш билан банд эди, аммо у ўзи учун янги кашф этилган Ҳиндистон тўғрисида 40 саҳифадан иборат ажойиб ва тўлиқ маълумот ёзишга вақт топди. У асарда мамлакатнинг ижтимоий тузилиши ва каста тизимини, географик кўринишини ва тарихини тушунтиради, ҳиндларнинг ҳисоб-китоб ва вақтни ҳисоблаш усулига, кеча ва кундузнинг тенг эмаслигига, ҳинд усталарининг кўплигига қойил қолади ёки уларнинг расм-русумларги риоя этмаслигини, ўзига муносиб чалвар ва муздек кўл топа олмаганини куюниб ёзади. Аммо асосий урғуни эса туғма табиатшунос эътибори ва рассом нигоҳи билан тасвирлаган мамлакат табиати ва ҳайвонот оламига беради... У тўтикушларни беш турга бўлади ва ҳар бирини тасвирлайди; чинордан қандай қилиб банан олинишини тушунтиради; ҳайратомуз илмий кузатишлари натижасида «каркидон бошқа ҳайвонлардан кўра кўпроқ отга ўхшашини» айтади...

«Бобурнома»ни варақларканмиз, кўз олдимиздан Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларига хос бўлган фазилят ва нуқсонлар, уларнинг тафаккур оламини кенглиги ва мураккаблиги билан бирга, ўша даврдаги ҳаёт муаммолари, Бобур давлатидаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг тўлиқ манзараси намоён бўлади. «Бобурнома»да келтирилган бу тарздаги маълумотлар Бобур даврида ёзилган бошқа тарихий манбалар: Мирхонд, Хондамир, Муҳаммад Солих, Биноий, Муҳаммад Ҳайдар, Фаришта, Абул-Фазл Алломий ва бошқа тарихчиларнинг асарларида бу даражада аниқ ва мукаммал ёритилган эмас. Муаллиф «Бобурнома»да Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Бехзод, Мирзо Улуғбек ва бошқа алломалар ҳақида ўзининг энг юқори фикр ва мулоҳазаларини билдиради. «Бобурнома» шу билан бирга жуда кўп долзарб иқтисодий, ижтимоий масалалар, вилоятларнинг ўзаро сиёсий-иқтисодий ва савдо муносабатлари, жуғрофий мавқеи, иклими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғлари, дарёлари, халқлари, қабила ва элатлари ва уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, муҳим тарихий иншоотлари — ҳиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дафн маросимлари ҳақида ниҳоятда нодир маълумотларни ўзида қамраб олган шоҳ асардир. «Бобурнома» дунёнинг 25 мамлакатида ўқув дарсликларнинг бир қисмига айланиб улгиргани гапимиз исботидир.

Бобур ижоди кўп қиррали ва бой, унинг ҳаёти эса мермазмундир. Бобур ўз даврининг етук одами, кўзга кўринарли, удабурон шахс эди. Унинг Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистондаги ҳукмронлиги даврида Шарқ халқлари маданиятига ўзга хос ҳисасини қўшди.

Шу ўринда Жавоҳарлаъл Нерунинг Бобур шахсига берилган таърифини эслатиб ўтмаслигимиз мумкин эмас. У “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” асарида “Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур олишни яхши кўрарди” деб ёзади.

Америкалик тарихчи Стивен Фредерик Дейл уни “ўрта асрлар даврида катта сиёсий ва бадий аҳамиятга эга инсон” дея таърифлайди. Шотланд биографи Уильям Эрскин эса 1854 йилда Бобурни “Шарқ тахтини эгаллаган шоҳлар ичида энг улуғи” деб ёзади. Ҳинд ёзувчиси Амитав Гош Бобур мемуарларини “ўрта аср дунёсининг ҳақиқий мўжизаларидан бири” деб ҳисобласа, яна бир ёзувчи Салман Рушди эса Бобурни мутафаккир сифатида Макиавелли билан бир қаторга қўяди.

Бобурнинг ҳаёти, асарларида намоён бўлган шахс сифатидаги ўзига хос фазилятлари замонамиз олимлари томонидан янгича қараш ва фикр билан ўрганилмоқда. Британиялик шарқшунос Стэнли Лейн-Пул[4] Генри Беверидждан иқтибос келтирар экан, шундай ёзган эди: Бобурнинг эсталиклари ҳарбий юришлар давридаги аскар солномаси эмас, у юксак билимга эга, шарқ адабиётидан яхши хабардор, эътиборли ва синчков кузатувчи, табиатни севувчи шахснинг шахсий таассуротлари ва ўй-фикрларидир; бундан ташқари у ўз фикр ва қарашларини аниқ ва кескин тилда баён эта оларди. Зийраклик билан ёзилган шарҳлар ва жонли хикоя услуби Бобур хотираларига такрорланмас тус беради. Бу одамнинг шахси шу даражада ёрқин ва самимий, расм-русумлардан ва мунофиқликдан холи, ишонч, мардлик, қатъиятга тўла, шу билан бирга меҳр-муҳаббатга тўла ва хайрихоҳ, жуда мурувватлики ўқувчини ўзига мафтун қилади...

Бобур шахси ва ижодининг бу йўсинда тан олинishi беихтиёр фахр туйғусини уйғотади. Унинг асарлари илм-маърифат, зиё булоғики, ундан келажак авлод ҳали узок йиллар баҳраманд бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар қунига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи, 30.09.2020 й.

2. Лейн-Пул, Стэнли, Средневековая Индия под властью мусульман, 712-1764 гг. Нью-Йорк, сыновья Г. П. Патнэма; [и т. д.] 1903 г.
3. Аннет Сусанна Беверидж. The Baburnama in English. LUZAC&CO.46, Great Russell Street, London. 1922.
4. Бабурнама: Мемуары Бабур, принца и императора Захир-уд-дина Мохаммада Бабур, переведены, отредактированы и аннотированы Уилером М. Такстоном. 2002 Современное издание классической библиотеки, Нью-Йорк.
5. Салман Рушди The Baburnama Эссе, 2002 год.
6. Гунку Варадарайана The wall street journal “Бобурнома”га рецензия 2020 й.
7. С.А. Хайдаров. (2020). Ўзбекистон тарихини ўқитишда “Зафарнома”дан фойдаланишни имкониятлари. Science and Education. 1(7). 192-198.
8. С.А. Хайдаров. (2020). Педагог-ўқитувчиларда ахборот-коммуникация кўникмасини шакллантириш асослари. "Science and Education." Scientific journal. 1(7). 610-617
9. Сулаймон Амиркулович Ҳайдаров. (2020). Тарих дарсларида интеграциялашган технологиялардан фойдаланиш. Science and Education. 1(8). 666-671
10. Ҳайдаров С. (2020). Ўзбекистон тарихи дарсларида педагогик технологияларни уйғунлашган ҳолда қўллашнинг методик талаблари. Academic Research in Educational Sciences. 1 (3). 1313-1321.
11. Ҳайдаров Сулаймон Амиркулович. (2020). Тарих фанини ўқитишга оид экологик муаммолар масаласи «Scientific Progress» Scientific journal 1(1). 12-17.
12. Сулаймон Хайдаров. (2020). Ўзбекистон тарихи фани дарслари самарадорлигини оширишда тасвирий санъат воситаларининг роли. Science and Education, 1(6), 174-179.
13. С.А. Хайдаров. (2020). Тарих дарсларида тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш. Science and Education. 1(9). 458-461.

“BOBURNOMA” DUNYO OLIMLARI NAZDIDAGI QOMUSIY ASAR

Abdullayeva M.I.

Buxoro viloyat xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish hududiy markazi “Ijtimoiy-iqtisodiy fanlar metodikasi” kafedrasida katta o'qituvchisi

Tarixga qarasaq ham, bugungi kunga qarasaq ham Andijon zaminidan ko'p sohalar bo'yicha qanday buyuk, fidoyi insonlar yetishib chiqqaniga amin bo'lamiz. Chunki millat, el-yurt taqdiri uchun kuyinish, milliy g'urur, or-nomus uchun bel bog'lab maydonga chiqish-Andijon ahliga xos azaliy odat. Mana ulug' ajdodimiz Zahiriddin Muhammad Boburni olaylik. Bu buyuk zot o'n ikki yoshidan boshlab Temuriylar davlatini saqlab qolish uchun o'zini o'tga ham, cho'qqa ham urdi, hech qanday dushmandan ham sinovdan ham qo'rqmadi. Qirq olti yillik umri davomida bir zum ham halovat bilmasdan o'tdi. O'z avlodlariga Vatanga bo'lgan buyuk muhabbatni, ezgu fazilatlarini meros qilib qoldirdi. [1, 8-9]

Temuriylar tarixi barcha davrlarda jahon muarrixlarining diqqat markazida bo'lib kelgan. Sharqshunos olim V. V. Bartold ta'kidlaganidek, Temur va uning avlodlari davri tadqiqotchisi “Ma'lumotlarning kamligidan emas, ko'pligidan qiynaladi. Chunki ular ko'plab kutubxonalarga sochilib ketgan, ular avvalo tanqidiy nuqtai nazardan qarab chiqishni va nashr etishni taqozo etadi...”. Biz mavjud tarixiy manbalar va tadqiqotlar qadr-qimmatini holis baholagan holda, “Boburnoma “asarining temuriylar shajarasini o'rganishdagi manbaviy ahamiyatiga e'tibor qaratamiz.

Temuriylar tarixiga qiziqish yanada ortganligi bois, tarixiy manbalar qayta nashr etilmoqda, ilmiy, ilmiy-ommabop va badiiy asarlar yaratilmoqda. Bular ichida T. Fayziev, A. Ziyo, Sh.

O'ljaeva, Hakim Sattoriy va boshqalarning temuriylarga oid asarlarini ta'kidlab ko'rsatish mumkin. Ushbu asarning Nizomiddin Shomiyning "Zafarnoma", Sharofuddin Ali Yazdiyning "Zafarnoma", Ibn Arabshohning "Ajoeb ul maqdur fi axbori Taymur", Hofizi Abruning "Majmuayi Hofizi Abru", va "Zubdat ut-tavorix", Mirxondning "Razvat us-safo", Abdurazzoq Samarqandiyning "Majmal-I Fasixiy", Zahiriddin Muhammad Boburning

"Boburnoma", Xondamirning "Habib us-siyar fi axbor afrod ul bashar" va "Hulosat ul-axbor "Gulbadanbegimning "Humoyunnoma", "Temur tuzuklari" kabi manbalarni va yana ko'plab ilmiy tadqiqotlarni o'rganish jarayonida yaratildi.

Eslab o'tilgan manbalar orasida "Boburnoma" temuriylarga mansub sulola vakili tomonidan yozilganligi uning tarixiy ahamiyatini yanada oshiradi. Bu manbaning O'rta Osiyo, Afg'oniston, Hindiston, va Eron xalqlari tarixi va geografiyasiga doir qimmatli asarligini yodda tutgan holda, temuriylar shajarasiga oid ma'lumotlarni tahlil qilamiz. Muallif "Boburnoma"da shajara tarixini yoritishni maqsad qilib qo'ymagan, ammo voqealar bayoni davomida tarixiy holatdan kelib chiqib, u yoki bu mirzo va begimlar ismi sharifini eslab o'tgan. Manbada bir qator mirzolarning hayot yo'li, valodati va nasabi, shakl va shamoyili, axloq va atvori, jangu jadallari, viloyatlari, xotin va sarori, avlodlari va umarolari haqida batafsil ma'lumot berilgan bo'lsa, ayrim mirzo va begim nomi bir yoki bir necha bor yuzaki zikr etib o'tilgan. Chunonchi, Zahiriddin Muhammad Bobur mirzo otasi Umarshayx mirzo, amakilari Sulton Ahmad mirzo, Sulton Mahmud mirzo va Sulton Husayn mirzo ibn Mansur mirzolar haqida batafsil to'xtab o'tgan. "Boburnoma" xronologik jihatidan 1493-1529-yillarni o'z ichiga olsada, 1510-1518-yillar va 1521-1524-yillardagi voqealar bayoni ayrim sabablarga ko'ra yoritilmagan yoki bizgacha yetib kelmagan. Ba'zan esa 1493-yilgacha bo'lgan siyosiy jarayonlar aks etgan ma'lumotlar ham uchraydi.

Qadimiy Movarounnahr va undagi xalqlar hayoti haqida jonli guvohlik beruvchi asarlar orasida "Boburnoma" alohida ajralib turadi. Ajayib lirik shoir, o'zbek adibi Zahiriddin Muhammad Bobur tomonidan yaratilgan bu asar ijtimoiy-tarixiy, ilmiy, tabiiy va adabiy lingvestik ma'lumotlar xazinisidir una 1494-yildan 1530-yilgacha O'rta Osiyo, Afg'oniston va Hindistonda kechgan voqealar bayon etilgan. Bobur tarixiy faktlarni shunchaki qayd etish jangu-jadallar, yurishlar haqida xronologik axborot berish bilangina kifoyalanmay, voqealarni jonli tilda qiziqarli hikoya qiladi, manzara chizadi, tabiatni, etnografik xolatlarni tasvirlaydi, davrni, uning xususiyatlarini gavdalantiradi.

"Boburnoma" asarini dunyo olimlari yakdillik bilan qomusiy asar sifatida baholashgan va temuriylar uyg'onish davri va Bobur mavzusini yoritish bo'yicha mukammal manba, deb bilishgan. Asarning o'ziga xos muhim jihataridan biri, unda tarixiy shaxslar, buyuk siymolar, hukmdorlar, muhaddislar, olimlar, ijodkorlar, tarixchilar, san'atkorlar va oddiy insonlar haqida aniq ma'lumotlar, izohlar, tasvirlar, sharhlar, umuman, turli darajadagi tanishtiruv xarakteridagi dalillarning mahorat bilan keltirilganidir.

Asarda markazlashgan davlat asoschisi, buyuk sarkarda, ilm-fan, adabiyot, san'at, madaniyat homiysi, temuriylar uyg'onish davri asoschisi Sohibqiron Amir Temur nomi, hayoti, faoliyati bilan bog'liq o'ttizdan ortiq tasvir, lavha, izohlarning keltirilishi ham nihoyatda e'tiborli.

Bobur Amir Temur nomini otasi Umarshayx mirzo bilan bog'liq bayonlar sabab tilga olib, to Dehli va Agra shaharlarida kechgan voqealar tasvirigacha u bilan birma-bir tanishtirib borgan. Shu bois, Boburni ulug' bobokaloni Amir Temur shaxsining ilk tadqiqotchi va targ'ibotchilaridan biri, deb aytish mumkin.

Tadqiq va talqin qilinayotgan o'ttizdan ortiq tarixiy ma'lumotlar, lavhayu tasvirlar asosida Amir Temur va Boburning o'zaro mushtarak tomonlarining ayrim jihatarini adib Xayriddin Sultonov "Bobur" nomli badiasida mahorat bilan yoritib bergan bo'lsa, "Bobur ensiklopediyasi" dagi

“Amir Temur” maqolasida ham “Boburnoma” ning 37a, 162b, 163a, 224b, 291b, 226b sahifalaridagi ma’lumotlar qisman aks etgan.[2,226] Porso Shamsiev, Sodiq Mirzaev va Yeyje Mano nashrlari asosida Boburshunos olim Saidbek Hasanov qayta nashrga tayyorlagan “Boburnoma”ning 2002 yilgi namunasida ilmiy-tanqidiy matn asosida tuzilgan “kishilar nomlari” ko’rsatkichida Bobur asarida Temurbek deb yozgani, Temurbek nomi bilan o’ndan ortiq ma’lumot sanab ko’rsatilgani aytiladi. Ayni paytda, atoqli olimlarimiz N. Mallaev va V. Valixo’jaev “Boburnoma”dagi tarixiy shaxslar ta’rifi va tasviriga bag’ishlangan tadqiqotlarida davr taqozosiga ko’ra, Amir Temurni tilga olmaganlarni ham qayd etib o’tish lozim.

“Boburnoma”da keltirilgan Sohibqiron Amir Temurga oid barcha ma’lumotu tanishtiruvlarni mohiyat – e’tibori bilan bir maqola doirasida quydagicha tasnif va talqin etish mumkin:

1. Umarshayx mirzo, Husayn Boyqaro va boshqa temuriylarning valodat va nasabi bilan bog’liq lavhalarda sulola va davlat asoschisi Amir Temur nomi yuksak hurmat bilan tilga olingan tasvirlar.

Bobur asar avvalida otasining valodat va nasabiga to’xtalar ekan, bu fiqrani u o’zgacha ruh, alohida mehr va sog’inch-u qo’msash bilan batafsil yozgan, hatto nechanchi o’g’il, kimdan katta kimdan kichikligi haqida ham izoh va tushuntirish bergan. Umuman, “Boburnoma”ning Amir Temur yodga olingan barsa o’rinlarida u an’anaviy ravishda sohibqironni Temurbek nomi bilan zikr qilingan. Ammo temuriylar sulolasiga mansub bo’lgan o’zining va o’zi kabi boshqa shahzodalarning temuriyzodalar ekanligini esa tarixiy fonda yorqin va ta’sirli ifodalash maqsadida ba’zi lavhalarda “Temurbek naslidan”, “Temurbek avlodida Temurbekning zodu budi” yoki “Temurbek ulug’ podshoh”, Temurbekning yurti”, Temurbek avlodi iligida”, “bizning xonavodamiz” tarzida ham zikr etigan. Temurbek nomi yurakka yaqin olinib, Sharafiddin Ali yazdiy “Zafarnomasida”, Lutfiyning Amir Temurning to’rtinchi o’g’li Shohruh Mirzoga atab o’zbek tilida yozgan madh qasidasida, Alisher Navoiyning “Munoshot”i, XVI asrda turkiy tilda yaratilgan O’tamish Hoji ibn Muhammad Do’stiyning “O’tamish Hoji tarixi” asaridagi “Dostoni O’g’uzxon zikrida” ham uchraydi.

2. Ma’lum bir bek, umaro tilga olingan o’rinlarda.

“Boburnoma”da Amir Temurdan tarbiya, muruvvat, yorug’lik ko’rgan bek, umaro, amaldorlar to’g’risida talaygina qimmatli fikrlar mavjud. Bobur bu kabi fikrlarni ishonarli qilib, “Temurbek rivoyat qilg’on” degan shakilda ta’kidlaydi. Masalan, “xavotun va sarori” haqidagi ma’lumotda onasi Qutluq Nigorxonimga alohida to’xtalar ekan, bobosi Yunusxonning ona tomonidan qarindoshligi Shayx Nuriddinbekka borib bog’lanishi haqida Yunusxonning onasi turkistonliq qipchoq beklaridan Temurbek rioyat qilg’on Shayx Nuriddinbekning qizi yo nabirasi bo’lur”, deb yozadi. Sulton ahmad mirzoning oltinchi umarosi sifatida ko’rsatilgan Darveshbek haqida ham xuddi shunday deydi: “Yana bir Darveshbek edi, Temurbek rioyat qilg’on Egu Temurbekning naslidin edi. Hazrati Xojag’a irodati bor edi”. Qizig’i shundaki, Boburning Darveshbek to’g’risidagi mazkur ta’kidlari Alisher Navoiyning “Majolis un-nafois” tazkirasining ikkinchi majlisida berilgan Darveshbek haqidagi fiqrada “Nasabi xud olam ahlig’a zohirdur” deb yozgan ma’lumotiga mos keladi.

3. Davlat, taxt-u toj boshqaruvi bayon etilgan tarixiy voqealarda.

“Boburnoma” ning 1495-1496-yil tafsilotlari bayonida Bobur o’zining davlat boshqaruvi to’g’risida yozar ekan, “Temuriya salotini dasturi” nomli tartib-qoida haqida ma’lumot beradi. U Amir Temur va temuriylarning shohona to’shak (ko’rpacha) ustida o’tirib, davlat boshqargani, kengash chaqirgani va elchilarni qabul qilgani kabi boshqaruv va marosim usullaridan voqif etadi. “Ul fursatlar Temuriya salotini dasturi bila to’shak ustida o’lturur erdim. Hamza Sulton bila Mahdiy Sulton va Mamoq Sultonkim keldilar, bu sultonning ta’zimig’a qo’pub to’shakdim tushub, bu

sultonlar bila ko'rushtim. Sultonlarni o'ng qo'lida bog'ishda o'lturg'uzdim. Muhammad Hisoriy boshliq barcha mo'g'ullar keldilar. Barcha mulozamatni ixtiyor qildilar”.

Tabiiyki, bu holat tarixan Amir Temur ixtiyorida bo'lib, keyinchalik podshoh Bobur tassarufiga o'tgan viloyat, yurt o'lka, shahar tasvirilarida ko'p uchraydi. Tarixiy manbalarda “Dilkash shahar” deb e'tirof etilgan Kesh tasvirida bu shahar Amir Temurning ajdodlari bilan bog'liq maskan ekanligi va bu joyni poytaxt etib tanlashga ikkilanganligi keltiriladi.[3,64-65] “Yana besh viloyatidur... Bahorlar sahrosi va shahri va bormi va tomi xo'b sabz bo'lur uchun Shahrisabz ham derlar. Temurbekning zodu budi Keshdin uchun shahar va poytaxt qilurig'a ko'p sa'y va ehtimomlar qildi... Chun Keshning qobiliyati shahar (poytaxt shahar demoqchi – V.R) bo'lmoqqa Samarqandcha emas edi. Oxir poytaxt uchun Temurbek Samarqandni – o'q ixtiyor qildi”.

Bobur o'zini Husayn Boyqaro yoki boshqa temuriy shahzodalar bilan qiyoslangan tarixiy tasvirlardan birini sinchiklab kuzatsak, “Boburnoma”ning 1503-1504 yil voqealari bayonida, ya'ni Kobulda mustaqil hukumat tuzgan Bobur mirzoga Sulton Nusayn mirzodan Shayboniyxonga qarshi turishga undovchi xabarlar kelganiga duch kelamiz. Maktublardan birida Husayn Boyqaro Bobur mirzoga Kohmard va Ajarda harbiy istehkom bilan mustahkam turishi haqida yozib yuboradi. Ammo Husayn Boyqaroning oqibatini o'ylamay tutgan harbiy taktikasi va rejaları Bobur mirzoga ma'qul kelmaydi va bu o'rinda u ogohlik bilan temuriylar davlati asoschisi bo'lgan mulkgir Amir Temurni yodga oladi. Ya'ni “Sulton Husayn mirzoning bu xatlari mujibi noumidlik bo'ladi. Ne uchunkim, Temurbekning yurtida bu tarixda andin ulug'roq podshoh ham viloyat va ham cherik bila yo'q edi”. Yana u “Temurbek o'rnig'a o'lturg'on” deya fikrlarini davom ettirib, g'alabasi, oqibati ta'minlanmagan harbiy yurishdan qattiq norozi bo'lganligini yaqqol sezdirib, shunday tushuntiradi: “Sulton Husayn mirzodek Temurbek o'rnig'a o'lturg'on ulug' podshoh g'animing ustig'a yurmakni demay, yer berkitmakni desa, el va ulusqa ne umidvorliq qolg'ay?”.

Umuman, “Boburnoma”dagi Amir Temurga oid tarixiy ma'lumotlar, tasvir-u lavhalardan Bobur bobokaloni bilan faxrlangani, temuriylarning tarixini yaxshi o'rgangani, ko'rgan-bilganlarini yorqin va ta'sirli yo'sinda ifodalagani, ulug' ajdodidek adolatli hukmdor bo'lishiga bel bog'lagani yaqqol seziladi. Boburning ilmiy ahamiyatga molik o'ttizdan ortiq tarixiy ma'lumot-u lavhalari kelgusida Amir Temur hamda o'zi to'g'risida ko'plab ilmiy tadqiqotlar va ijodiy asarlarining yaratilishiga zamin bo'lishi, shubhasiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. T., “O'zbekiston” 1-jild, “O'zbekiston”, T., 2017. 1,8-9-b
2. Xayriddin Sultonov. “Bobur ensiklopediyasi”dagi “Amir Temur” maqolasi. 2, 226-b

ЗНАЧЕНИЕ И РОЛЬ ЗАХИР-АД-ДИНА МУХАММЕДА БАБУРА И ДИНАСТИИ БАБУРИДОВ В РАЗВИТИИ И СТАНОВЛЕНИИ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ ЦЕНТРАЛЬНОЙ И ЮЖНОЙ АЗИЕЙ

Атажанов А.Ю.

Старший преподаватель Кафедры гуманитарных наук ЧВТКИУ

Халмуратова Д.Б.

Преподаватель кафедры иностранных языков ЧВТКИУ

Исторические предпосылки становления и развития многовекторных связей между Центральной и Южной Азией представляют собой важное подспорье в культурном и

демографическом развитии современных государств регионов. Данное подспорье проявляется в расширении связей между жителями двух регионов. Регионы Центральной и Южной Азии имеют географические, этнические, исторические и культурные связи. Наглядной демонстрацией этих связей могут послужить правившие в Южной Азии династии Мауриев, Кушанов, Греков, Монголов, Тимуридов и Моголов. Отдельного внимания в данном исследовании заслуживает династия Великих Моголов, в частности Захир-ад-Дин Мухаммед Бабур.

Захир-ад-Дин Мохаммед Бабур, первый император Индийской империи Великих Моголов, родился 14 февраля 1483 г. в городе Андижане Ферганской долины на территории современного Узбекистана. Согласно автобиографическим мемуарам самого Бабура в период его пребывания в Ферганской долине располагалось всего 7 населенных пунктов, 5 из которых были на севере от Яксарда (Сырдарья) и 2 на юге, в том числе и Андижан. Будучи сыном Умер Шейха Мирзы Бабур был фактическим правителем собственного региона и правил до потери трона и прихода в Центральную Азию кочевых узбекских племен во главе с Шайбаниханом. Умер Бабур в Агре (Индия) 26 декабря 1530 года от лихорадки в возрасте 47 лет. Он был похоронен 9 лет спустя, согласно своему желанию, в саду в Кабуле, ныне известном как Баг-и-Бабур. [1]

Династическая принадлежность относил Бабура к тюрко-монгольским правителям из Ферганы, унаследовавшим небольшое царство к востоку от Самарканда, когда ему было 11 лет. Он происходил от Амира Тимура по отцовской линии и от Чингисхана по матери.

В период жизни и правления Бабура в Центральной Азии наблюдались политические волнения, шла борьба за существование в полном смысле этого слова. Появление Шайбанихана ослабило правящие династии Тимуридов в регионе и Шайбани-хан (2 декабря 1451-1510) победил и вынудил правителей Тимуридов покинуть Самарканд, их столицу, 1500 г. [2] После нескольких безуспешных кампаний против Шайбанихана Бабур покинул Центральную Азию и направился в область, которая ныне принадлежит Афганистану.

Кабул и Кандагар - два крупных торговых рынка между Индостаном (Индия) и Хорасаном. Из Хорасана караваны идут в Кандагар, а караваны из Кашгара, Ферганы, Туркестана, Самарканда, Бухары, Балха, Гиссара и Бадахшана приходят в Кабул. В период правления Бабура Кабул был крупным торговым центром. Ежегодно в Кабул приезжали от 8000 до 10000 лошадей торговцев с запада и востока, а из Индостана ежегодно от 15000 до 20000 глав семей, привозящих рабов, белую ткань, сахар и т.д. [3] Развернутая в Афганистане государственная структура управления и лидерские качества самого Захир-ад-Дина Бабура дали ему возможность для последующих его завоеваний на Юге, в частности в Индии. Кроме этого, внутреннее и внешнее социально-экономическое положение Индии и династии Ибрагима Лоди стали двигателем для последующего завоевания. Решающее сражение между правителями произошло при Панипате в 1526 г. [4] И окончилась захватом Бабуром всего северо-запада Индии. Отдельного внимания в данном вопросе заслуживают лидерские и управленческие качества самого Захир-ад-Дина Бабура, который сумел не только победить армию в двое превосходящую его по численности, но убедить в последующем мусульман Афганистана переехать на север Индии. Это событие стало толчком для последующего появления на мировой карте еще одной великой династии, правившей более 300 лет.

Кроме военных подвигов, Захир-ад-Дин Мухаммед Бабур заслуживает внимания, как и великий государственный деятель, поэт, историк и географ, оставивший неизгладимый в след в анналах истории. Примером может послужить «Бабурнама», содержащая в себе

огромную историческую информацию о взаимоотношениях субконтинента и Центральной Азии в период позднего средневековья.

Несмотря на завоевание Захир-ад-Дином Мухаммедом Бабуром Индии, он также создал благоприятную среду, которая привлекала художников и ученых для увеличения темпов научного и культурного прогресса всего региона. Бабурнама изображает Бабура ортодоксальным мусульманином-суннитом, который владел тюркскими и персидскими языками. Его автобиография представляет собой шедевр жанра литературы. Его образование, социальная среда и происхождение были связаны с персидской и тюркской культурой. Он и его потомки несут ответственность за возвращение этой тюрко-персидской культуры и рост этого культурного влияния в Южной Азии. И это взаимодействие дало замечательные художественные, литературные и историографические результаты.

После завоевания Индии в 1526 г. Бабуром в разных областях жизни государства и общества произошли изменения. [5] Он не только усовершенствовал военную технику, но и попытался внести изменения в механизм сельскохозяйственного производства. Например, Бабур представил новые культуры в Индии и призвал использовать улучшенные водоподъемные устройства для орошения. Лояльность, которую Бабур создал среди своих последователей, была важным фактором выживания Империи Великих Моголов, несмотря на его раннюю смерть и 15 лет персидского изгнания Хомаюна. [6] Правление Великих Моголов дало Индии один официальный язык, новую чеканку монет и единую административную систему. После основания Империи Великих Моголов исламская концепция человеческого равенства и братства продолжала привлекать внимание подавленных представителей низших каст среди индуисов.

Пришествие Бабура в Индию в значительной степени повлияло на индийскую экономику. Изменения произошли в экономическом секторе, особенно в обоих регионах процветала торговля. Это укрепило контакты между Южной, Центральной и Западной Азией. Большое количество предпринимателей различных мастей, туристов, суфиев (мистиков) путешествовали на Индийский субконтинент из Мерва, Бухары, Самарканда, Ташкента, Балха, Герата, Хорасана, Персии и Европы. [7]

Моголы укрепили и облегчили торговые отношения с внешним миром. Состоялся обмен обычаями, идеями, традициями и ценностями. Города процветали из-за роста экономической активности, увеличилась урбанизация. Моголами была составлена новая система образования через средства массовой информации на арабском и персидском языках. Через образовательную систему медресе была создана сеть школ и колледжей.

Кардинальным изменениям была подвержена и индийская судебная система. Были организованы исламские шариатские суды. Синергия индийской правовой системы с остальным мусульманским миром облегчила перемещение товаров и людей. Например, Бабур подготовил почву для соблюдения аккредитивов, выданных либо в Индии, либо в остальном мусульманском мире, независимо от того, были ли они выпущены мусульманами или немусульманами. Коммерческая деятельность разительно увеличилась в Северной Африке, на Ближнем Востоке и в Центральной Азии. Была установлена лучшая координация между торговыми классами, административной знатью и религиозной прослойкой. В период Моголов правительство, закон и религия защищали интересы купцов и торговцев. Это привело к расширению торговли, и Индия стала богатой.

Приход ислама, особенно моголов, сильно повлиял на индийскую культуру. Это изменение коснулось почти всех сторон жизни, повлияло на индийские формы искусства, кухню, языки, архитектуру, городское планирование, одежду и социальные обычаи,

традиции, условности и ценности. Языки, принесенные Моголами, особенно арабский, персидский и тюркский, были изменены в результате контакта с местными языками, что привело к созданию новых языков в Индии. Влияние этих языков все еще существует на несколько южноазиатских диалектов. В результате взаимодействия двух сообществ был разработан новый язык урду, хинди или хиндустани. Развитие урду само по себе является интересным эпизодом, так как арабский, персидский, тюркский языки использовали арабский шрифт.

В записях, завещанных ушедшим веком, Бабур предстает перед нами в разнообразных ролях правителя, воина, мастера, автора, писателя и преданного исследователя природы; и когда мы переворачиваем страницы бесценных мемуаров, в которых он откровенно раскрывает свои надежды и страхи, свои мысли и поступки, мы понимаем, что находимся в присутствии одной из самых человеческих и глубоких личностей, которые когда-либо украшали азиатский трон. Цвет осеннего листа, оттенок тюльпана, запах дыни были достаточными, чтобы вызвать в нем восхищение и волнение; а его любовь к цветам, как уже упоминалось, привела к тому, что он привнес в Индию террасные сады или развлечения, которые современные писатели описывают как величайший вклад Великих Моголов в индийское искусство.

Бабур был неутомимым писателем и внимательным наблюдателем, и он важен еще и потому, что он является участником-наблюдателем. С одной стороны, он принимал активное участие в региональных политических событиях того времени, а с другой - записывал то, что происходило вовремя его экспедиций. Его всемирно известное географическое, литературное и культурное произведение «Бабурнаме» является прекрасным описанием времени и климата. С одной стороны, это помогает понять ум успешного строителя империи, с другой - обнажает агонию человека, потерявшего свою родину. Южная Азия получила множество названий своих городов от Центральной Азии.

Многие суфии/святые мигрировали из Центральной Азии на Индийский субконтинент. И в значительной степени архитектура Великих Моголов находилась под влиянием центральноазиатских стилей. Увеличилось этническое смешение, что помогло в понимании двух народов. С приходом Захир-ад-Дина Бабура, основателя Империи Великих Моголов на субконтиненте, в Центральной Азии усилилось влияние на культурные и религиозные ценности и суфийские традиции. В данном аспекте «Бабурнаме» помогает понять связи между Южной и Центральной Азией в шестнадцатом веке и предоставляет отличную основу для тех исследователей, которые хотят понять и изучить современные связи между двумя регионами.

Список литературы:

1. Beveridge, A. S. Baburnama: Memoirs of Babur. Lahore: Sange Meel Publications, 1975.
2. <http://www.iranicaonline.org/articles/babor-zahir-al-din>
3. Kabulkov E. India and Central Asia Cultural Relations in Middle Ages in J. N. Roy, B. B. Kumar (ed) India and Central Asia Classical to Contemporary Periods.- New Delhi: Astha Bharati, 2004. – 81 p.
4. Fazal, A. Akbarnama, Beveridge, H. (Trans). Lahore: Book Traders, 1902. Vol. I. – 218 p.
5. <http://www.the-south-asian.com/dec2000/Babar.htm>
6. <http://www.afghanland.com/history/babur.html>
7. Marozzi J. Tamerlane Sword of Islam, Conqueror of the World. - Cambridge: Da Capo, 2006. – 701 p.
8. <http://www.afghanchamber.com/history/babur.htm>

9. Muslim conquest in the Indian subcontinent // https://en.wikipedia.org/wiki/Muslim_conquest_in_the_Indian_subcontinent
10. Prawdın, M. The Builders of Mughal Empire. London: George Allen & Unwin Ltd., 1960. – 328 p.
11. <http://www.sscnet.ucla.edu/southasia/History/Mughals/Babar.html>

БАБУРНОМА И ДРУГИЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ В ИССЛЕДОВАНИИ УЧЕНЫХ МИРА

Хусанова Д.К.

Чирчикское ВТКИУ, кафедра Общетехнических дисциплин, доцент

Амирова З.Ф.

старший преподаватель

Захириддин Мухаммад Бабур - писатель, поэт, ученый, занимающий особое место в средневековой восточной культуре, литературе и поэзии, а также великий государственный деятель и полководец. Обладая широким кругозором и отличным интеллектом, Бабур основал династию Бабуридов в Индии и остался государственным деятелем в истории этой страны и в то же время он был одним из самых известных в мире историков, известным произведением «Бабур - наме». «Бабур - наме» занимает особое место среди произведений Бабура, это признанный образец узбекской классической прозы и выдающийся памятник узбекского литературного языка XV – XVI вв. Это произведение как единственный в своём роде источник по истории народов Центральной Азии на протяжении столетий остаётся настольной книгой историков, этнографов и представителей естественных наук. Поэтому то с XVI в. его перевели на все культурные языки народов мира. Его изящные газели и рубаи были самыми редкими шедеврами поэзии того времени, поэтические произведения «Мубайян» («Комментированное») и «Рисолаи волидия» («Трактат родительский»), им разработано новое письмо под названием «Хатти Бобурий», он внёс известный вклад своими трактатами в изучение аруза (системы стихосложения), рифмы, музыки и военного искусства [3].

Захириддин Мухаммад Бабур родился 14 февраля 1483 года в Андижане, в семье правителя Ферганского народа Умара Шейха Мирза. В этот период различные наместники в Средней Азии и Хорасане, братья, племянники, двоюродные братья не могли поделить власть, созданную в большом государстве Амиром Темуром.

Любовь к литературе, искусству у Захириддина появилась с раннего детства, как и все молодые шахзаде династии Темуридов, основу знаний он получил во дворце у величайших учителей. Но беззаботное детство Захириддина длилось недолго. В 1494 году он лишился своего отца. И ему в 12 лет пришлось сесть на трон своего отца и променять перо на оружие, так как необходимо было бороться за трон, и сражаться со своим младшим братом Жажонгиром Мирза, дядей Султаном Ахмадом Мирза, Султаном Махмудханом и другими противниками.

Захириддин Мухаммад Бабур - писатель, поэт, ученый, занимающий особое место в средневековой восточной культуре, литературе и поэзии, а также великий государственный деятель и полководец. Обладая широким кругозором и прекрасным интеллектом, Бабур основал династию Бабуридов в Индии, и его имя как государственного деятеля запечатлелось в истории этой страны. Для примирения со своим братом Джажонгиром Мирзо

Бабур разделил Ферганский народ на две части, передал одну половину брату, а сам отправился отвоёвывать Самарканд. Эта борьба, продолжавшаяся несколько лет, не дала никакого результата, кроме разрушения. Шейбани - хан превзошел в военной силе, и Бабур был вынужден покинуть Самарканд. После взятия Шейбани - ханом Андижана в 1504 году, Бабур отправился на юг и установил свою власть в Кабульском государстве. В 1505-1515 годах он несколько раз пытался вернуться в Среднюю Азию. Но результатов от этих попыток не было. Затем, чтобы еще больше укрепить свои позиции, в 1519-1525 годах он провел несколько сражений за захват Индии. В апреле 1526 года воевал в Панипате с Султаном Ибрагимом Лоди. Битва завершилась полной победой Бабура, благодаря его большому опыту как государственного деятеля, а так же благодаря применению впервые в Индии огнестрельного оружия [4].

Один из индийских учёных, Трипатхи Рам Просад, давая оценку этой победе Бабура при Панипате, писал, что и «победа при Панипате Захир ад-дина Мухаммеда Бабура заложила фундамент Великой могольской (т.е. Бабуридской) империи в Индии, которая по своей пышности, мощи и культуре осталась величайшей империей в мусульманском мире и могла даже соперничать с Римской империей» [1].

Исторические данные свидетельствуют о том, что даже правители Пенджаба, недовольные политикой делийского правителя Ибрагима Султана во время похода Бабура в Индию, использовали Бабура, и эта победа в битве при Сикри дала Бабуру возможность самостоятельно установить свое правление в Индии и восстановить династию Бабуридов. По историческим данным известно, что династия Бабуридов правила в Индии более 300 лет [6].

Бабур недолго прожил после этой победы — в декабре 1530 года он умер в городе Агре, а затем, согласно завещанию, его дети привезли его прах в Кабул и похоронили.

Однако в течение короткого периода времени Бабур стабилизировал политическую обстановку в Индии, объединил индийские земли, занимался благоустройством городов, правильно решал торговые вопросы. Благоустройство Индии, строительство архитектурных памятников, садов, библиотек, караван - сараев, которые до сих пор стали популярными, получило широкое распространение, особенно в период правления его сыновей и потомков. Стало ощущаться проникновение среднеазиатского стиля в индийское искусство и архитектуру. В период правления Бабура и его потомков - правителей возникла превосходная духовно - душевная атмосфера, которую воплотили передовые ученые того времени, поэты и государственные деятели. Джавахарлал Неру писал о важности культурного наследия Бабуридов для Индии, которое внесло свой вклад в развитие искусства и архитектуры [2].

Бабур продолжил свою литературную и художественную деятельность в Индии и создал свои произведения, упомянутые выше. Произведение, которое прославилось на весь мир, называется «Бабур - наме». Известно, что между периодами, в которых жил Бабур, была освещена история народов Моваруннахра, Хорасана, Ирана и Индии. Работа состоит в основном из трех частей, первая часть в которых — события, происходившие в Средней Азии во второй половине XV века; вторая часть — конец XV века и события, происходившие в Кабульском государстве, то есть в Афганистане в первой половине XVI века; третья часть — описание первой четверти XVI века и посвящена истории народов Северной Индии. Описание политических событий того периода было сделано в «Бабур - наме», невероятно редкие сведения были даны о политическом и экономическом положении Ферганской области, ее столицы города Андижана, крупных городов Средней Азии: Самарканда, Бухары, Карши, Шахрисабз, Ош, Ургенч, Уратепа, Термез и других городов.

В ней можно встретить сведения о крупных городах Кабульского народа - Кабуле, Газне и многих - многих округах, областях северной Индии, находящихся в их распоряжении [7].

Листая «Бабур - наме» перед нашими глазами выступают достоинства и недостатки, присущие народам Средней Азии, Афганистана и Индии, наряду с широтой и сложностью мира их созерцания, проблемы жизни того времени, полная картина политической и общественной жизни в государстве Бабура.

В течение многих лет известные ученые - востоковеды Запада и Востока упорно трудились над тем, чтобы донести содержание Бабурной до мирового сообщества. Например, голландский ученый Витсен, британские ученые Дж.Лейден, В. Эрскин, Р. Колдекот, А. Бевереж, Т. Альбот, немецкие ученые Ю. Клайнрат и А. Кейзер, Паве де Кортель из Франции, Мирзо Насриддин Хайдар Ризви из Индии, ученые из Турции Р. Р. Арт и Н. И. Баюр и французский ученый нашего времени Бакке Громон, афганский ученый Абулхай Хабибий, пакистанские ученые Рашид Ахтар, Надви и Шах Алам Мевлиот. В области изучения «Бабур - наме» место занимают и японские ученые из числа всемирно известных востоковедов.

Известно, что заслуживает внимания и деятельность ученых Узбекистана, Таджикистана, России по изучению и популяризации исторического, научного и литературного наследия Бабура. Георг Кер на протяжении XIX-XX веков, Н. Ильминский, О. Сенковский, М. Салье, Порсо Шамсиев, Садыг Мирзаев, В. Захидов, Я. Гуломов, Р. Набиев, С. Азимжонова. Усилиями таких ученых, как А. Каюмов, книга несколько раз издавалась на русском и узбекском языках, к ним было написано предисловие и превратилась в духовное достояние широкой читательской аудитории, несколько раз публиковались его стихи [6].

Бабур также известен своими прекрасными лирическими произведениями в узбекской литературе. Его жизнь и литературная деятельность в политической жизни Моваруннахра, пришли к периоду, когда сложные феодальные группы достигли кульминации в движениях главы, и кризис государства Тимуридов продолжался. Если мы видим восприятие таких сложностей в «Бабур - наме», то, как оно отражается в психике поэта, проявляется в его стихах. В то же время человеческие качества, свидание с любимой, её красота, бесконечная любовь, страдания души, расставание и радость встречи, которые составляют главное содержание поэзии в лирике Бабура, красиво и умело выражены [5]. Помимо лирических стихов Бабура и исторического «Бабур - наме», он также создал труды по исламской юриспруденции и другим областям.

Заслуга Бабура как историка, географа, этнографа прозаика и поэта в настоящее время признана мировой востоковедческой наукой. Его наследие изучается почти во всех крупных востоковедческих центрах мира (в СНГ, Чехии, Словакии, ФРГ, Турции, Италии, Франции, США, Англии, Индии, Пакистане, Афганистане). Фактическим подтверждением тому являются новые переводы на французский язык «Бабур - наме», опубликованные под эгидой ЮНЕСКО в Париже в 1980 и 1985 г.г. Крупный французский востоковед Луи Базан в своём введении к французскому переводу (1980 г.) писал, что «автобиография (Бабура) представляет собой чрезвычайно редкий жанр в исламской литературе». Такого же мнения придерживаются и учёные из других стран – Абдул - хай Хабиби (Афганистан), Мухиб ул - Хасан (Индия), участвовавшие в международном издании «Бабур - наме» на французском языке, что является очередным признанием роли и места выдающегося творения Бабура на международной арене [1].

Бабур в своих лирических стихах всегда призывал людей ценить добро, справедливость, гуманизм, высокие человеческие чувства.

Как писатель - историк, лирический поэт и ученый, внесший свой вклад в решение социальных вопросов своими знаменитыми и прославленными произведениями, Бабур занимает достойное место в истории духовной культуры нашего народа [8].

Использованная литература

1. Бабур – наме. Записки Бабура. Т. Главная редакция энциклопедий. 1993.
2. У. Эрскин. Бобур Хиндистонда. Т.: Чулпон. 1995.
3. Захириддин Мухаммад Бабур. Избранная лирика. Т.: Шарк. 2006.
4. Z.M.Bobur. Boburnoma. Т.: Fan. 2019.
5. Boburnoma – Vikipediya uz. Wikipedia. org >Boburnoma.
6. Бобурнома (1) е – tarix.uz>milliyat-insholari/139-boburnoma.htm/
7. Boburnoma-Zahiriddin Muhammad Bobur sites.google.com>site/
boburtemuriy/boburnoma
8. Boburnoma kitobxon.com>O‘zb>kitob/boburnoma.

Ш-ШЎБА. ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА БОБУР ИЛМИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

ЦЕННОЕ НАУЧНО-ТВОРЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ БАБУРА

Мусаев Ф.А.

*Профессор кафедры «Гуманитарных и социальных наук»
Военно-технического института Национальной гвардии*

Бабур-мирза начал писать рубаи и газели в возрасте 18-19 лет. Например, его газель:

«Я наперсницы, кроме души своей, — не нашёл...» и рубаи которой начинается стихами **«Ты на чужбине – и забыт, конечно, человек!»**, связан с его жизнью в те годы.

На данный момент выявлено 119 газелей, 209 рубаи, более десятка двустиший и четверостиший, более 50 загадочных и свыше 60 полустихий. Также в составе его дивана (перс.«счётная книга», «контора») в 270 байтов, 8 маснави заняли своё место.

Известно, что Бабур также создал такие произведения, как «Музыка илми» («Наука о музыке») и «Харб иши» («Военное дело»), но, к сожалению, они пока не найдены.

Особенно открытие произведения «Военное дело» было бы серьезным событием не только для нас, но и для всего мира. Поскольку как уже упоминалось выше, очевидно, что опыт Бабура, как известного полководца, который знал об уникальных тайнах боевых искусств, обогатил их новыми методами, тактиками и стратегическими действиями, который никого не оставит равнодушным. Нет сомнений, что как его предок Амир Темур, который смог создать великую империю, данная книга этого уникального человека будет также важна, как и «Уложение Темура».

Великое мастерство Бабура как творческого человека в том, что он способен поднять свой личный опыт до уровня серьезного обобщения в результате идеи, воплощенные в его работах, звучат на уровне общечеловеческих ценностей. В творчестве поэта, в частности в его поэзии отражены его личная жизнь, окружающая среда, отношение к человеку, религии, обычаям и нравам времени. Можно сказать, что стихи Бабура – автобиография поэта, в которых поэтическим языком трогательно излагаются глубокие чувства, мастерски рассказывается о переживаниях, порожденных в результате столкновения с жизненными обстоятельствами, передается его беззаветная любовь к Родине.

Точные исторические данные, указывающие на дату, когда Бабур собрал все свои поэтические произведения в диван - неизвестны. Однако в главе «Бабур-намэ», посвященной событиям 1518–1519 годов, говорится, что Бабур отправил свой диван из Кабула в Самарканд. Это означает, что в эти годы его Девон был упорядочен и также был распространен в Мавераннахре.

В 1521 году во время похода в Индию было написано философско-религиозное произведение «Мубайин». В этом произведении, написанном в виде маснави, посвященном Исламскому правоведению и шариатскому убеждениям, собраны интересные сведения о социально-экономической жизни Мавераннахра и Индии того времени, автор посвятил его своим сыновьям Хумоюну-мирзе и Камрону-мирзе в качестве жизненного и религиозного наставления.

Среди работ Бабура – «Арузрисоласи» («Трактат об арузе» - вторая специальная научная работа о характеристиках Аруза после Навои), «Хатти Бобурий» («Письмо Бабура») - книга о новом алфавите, созданная поэтом в возрасте 20 лет) и перевод на узбекский язык

произведение Ходжы Ахрора «Рисолай волидия» («Трактат родительский») играют важную роль.

Бабур и в жизни и в творчестве был честным, искренним и смелым человеком. Его творчество-яркое проявление жизни, сложных чувств человека, наполненное горем, счастьем и несчастьем, в то же время невероятно образованного с утонченным вкусом. Он мечтал построить на отцовской земле великое, сильное царство, но эта работа ему не удалась. Как бы он ни старался, как бы часто он ни призывал других тимуридов присоединиться к этой великой исторической работе, все его усилия были напрасны, и он, наконец, установил трон в Кабуле, покорил Индию, но не смог найти свою Родину, он нашел трон, но не смог найти счастье.

Он прожил всю жизнь с болью и горем своей Родины. Это была его самая большая трагедия. В рубаи написанный им в Кабуле, он сказал: «Нет родины и счастья боле нет, И ничего уж, кроме боли, нет. Я в этот край пришел своею волей, Его оставить силы воли нет».

Посмотрите на жестокость жизни и судьбу. Всякий кто уехал в Индию с Бабуrom, включая рядового солдата, имел возможность вернуться на родину - в Андижан, чтобы насладиться Родиной, а у царя Бабура-обладателя неограниченных возможностей, не было даже этой простой возможности. Потому что если бы Бабур вернулся, то он был бы не обычным человеком, а владельцем страны, его законным наследником, истинным правителем и тем, кто владел страной в то время, это совсем бы не понравилось...

Есть, конечно, много причин, по которым творческое наследие, оставленное Бабуrom, относительно не велико. Это связано, прежде всего с тем, что поэт прожил всего 47 лет, а главное - он не провел эту короткую жизнь только на одном месте стабильной и мирной обстановке. В 1526 году он пишет: «с 11 летия не провёл Рамадан на одном только месте»⁷⁶. Тогда ему было 43 года, и он умер четыре года спустя. Таким образом, он не оставался в течение 32 лет на одном месте в течение года. Вот жизнь, которую он прожил. Произведения его написаны в таких условиях.

Одно из его последних стихов было следующим:

Живя на чужбине, без милой страдал я так много,
Что в старца меня превратила разлуки дорога.
Покамест я двигаюсь — буду стремиться к любимой,
Не ведаю, жребий какой мне назначен от бога...
Судьба меня гонит — иначе, пленен гиацинтом,
Я разве скитался б вдали от родного порога?
Землёю индийскою этой обласкан я щедро,
Но что мне с того, если в сердце – печаль и тревога?!
Забрел от тебя в даль такую Бабур — и не умер!
Подруга, за промах не надо судить его строго.

Конечно, самым важным и ценным трудом Бабура является «Бабур-намэ». Об этой работе так много отзывов и оценок, что их трудно запомнить. Итак, давайте ограничимся некоторыми из них:

- Сам Бабур в одном из своих рубаи говорит о работе так:

Каких страданий не терпел и тяжких бед, Бабур?

⁷⁶ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2 жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001. “Бобур” сўзлиги. 83-88-бетлар (перевод).

Каких не знал измен, обид, каких клевет, Бабур?
Но кто прочтет «Бабур-наме», увидит, сколько мук
И сколько горя перенес царь и поэт Бабур

- "Бабур-намэ" издавалась четыре раза на персидском, четыре раза на английском, два раза на немецком, французском и турецком языках, четыре раза на русском, один раз на голландском, итальянском, индийском, урду, японском, польском и уйгурском языках.

- Английский востоковед Ф. Талбот писал: «Любой, кто хочет изучать современную Индию, должен начать с чтения мемуаров Бабура».

- Еще один английский историк Лейн Пул пишет: «В этих воспоминаниях личные наблюдения и изящные мысли о мире тонкого знатока восточной литературы, человека благородного, образованного и наблюдательного, глубоко изучившего человеческие души и чрезвычайно объективного во оценке ситуаций»⁷⁷.

- Английский переводчик Уильям Эрскин, который перевёл «Бабур-намэ», пишет об авторе следующее: «Ни один правитель не может сравниться с Бабуром своей щедростью и храбростью, талантом, любовью к науке и искусству, а также их изучением»⁷⁸.

В связи с тем, что полная трактовка всего научного и творческого пейзажа в «Бабур-намэ» требует большего объема чем сама работа, мы кратко остановимся в ней касаясь единственного вопроса- внимании, уважении и признании Бабура-мирзы к женщинам. При этом мы снова воспользуемся книгой ученого бабуроведа Хасана Кудратуллаева «Бобур армони»:

Описывая события 1494-1495 годов, Бабур пишет, «среди женщин по уму и рассудительности мало найдётся таких, как моя бабушка *Эсан Давлатбегим*, она была очень умная и рассудительная женщина, большинство дел решали по ее совету». В основе этих слов лежит определенная история борьбы за престол. Это было время, когда Бабур, взойдя на престол в качестве правителя после смерти своего отца, мечтал объединить земли Ош, Самарканд, Гиссар, Канибадам и восстановить империю Амира Темура в будущем. Однако более опытные и старшие тимуриды, чем Бабур, а именно Султан Махмуд, Султан Ахмад, Джахангир-мирза и другие, которые имели больше шансов править в Самарканде, планировали свергнуть Бабура и назначить Джахангира-мирзу. Следующей уловкой во дворце для осуществления плана было - женить дочь одного султана на другом. И в этом случае, судьба благородной девушки стала «пищей» для султанов. Даже посол, который передал весть о свадьбе Бабуру, сыграл роль во дворцовой уловке: «Прибывший посол был в родстве с Хасан-Якубом (после гибели Омар-Шейха-мирзы он стал при дворе полновластным вельможей Бабура). Он пришел для того, чтобы обещаниями привлечь Хасан-Якуба на сторону мирзы. Хасан-Якуб дал неопределенный ответ и отпустил посла, но вел себя так, словно был на его стороне»⁷⁹.

Через шесть – семь месяцев эти заговоры во дворце делают свою работу. Бабур проявивший к Хасан Якуб почтение как к отцу, переходит на сторону врага и свергает Бабура, и вместо него на трон взошел его младший брат Джахангир-мирза. Узнав об этом неуместном заговоре, мудрая Эсан Давлатбегим призывает сотронников Бабура - Ходжу Кази, Касима Каучина, Али Дуста, Узуна Хасана и других, чтобы предотвратить этот конфликт. В результате во дворце предотвращаются большие неприятности. Вскоре после

⁷⁷ <https://mfa.uz/ru/press/news/2017/02/10210/?print=Y>

⁷⁸ <https://mfa.uz/ru/press/news/2017/02/10210/?print=YEJL>

⁷⁹ Захириддин Бабур. Бабур-наме. //Перевод М. Салье под редакцией М.Шевердина/ Баку 2011. «Нагыл Еви» / ст.43

этого, Хасан Якуб “в темноте ночи одна из стрел его же людей попала... в нижний позвонок, и он стал пленником своих собственных деяний”⁸⁰ то есть умер. Оставшись рано без отца Бабур, окружающие его беки и вельможи совершают множество предательских поступков. По нашему мнению, в то же время его близким советником была его мать Кутлуг Нигорхануми её мать Эсан Давлатбегим.

С 1496 по 1497 год, когда Бабур покорил Самарканд и правил в течение ста дней, город был осажден его врагами. Бабур не хотел покидать город, который был завоеван трудом. Но Эсан Давлатбегим велит Бабуру вернуться в Андижан, который он может проиграть, а затем набраться сил и снова отправиться в Самарканд. Судя по этому, это было мудрое решение военной ситуации, как стратегический способ обеспечить безопасность армии и защиты чести короны. В этом примере мы видим, что Бабур согласился на её предложение не потому, что у него не было другого выбора, а из-за статуса и авторитета Эсана Давлатбегим: “Во время осады от моих родительниц, а также от Ходжи-казы, непрерывно приходили письма такого содержания: «Нас держат в жестокой осаде, если вы не придете на наш призыв, то дело кончится плохо. Самарканд был взят силами Андижана; если Андижан будет в ваших руках, то, с помощью божией, можно будет овладеть также и Самаркандом». Так как от моих родительниц, т. е. от моей матери и матери моей матери, Исан-Даулет-биким, а также от моего учителя и пира Ходжи-маулана-и-казы, приходили подобного рода письма, и они меня так усердно призывали, то какой же человек с сердцем остался бы на месте?»⁸¹.

... Жена Хусейна Байкары по имени Хадичабегим являлась одной из самых влиятельных женщин в политической и общественной жизни Герата. Когда дело доходит до Хадичабегим, нельзя отрицать её ценные советы. Тем не менее, эта женщина была причиной распада Хорасана, спора между сыновьями Хусейна Байкара и, в конечном итоге, вражды между ними. Из-за её мечты о том, чтобы увидеть своего сына Музаффера Хусаи-мирзы в качестве наследника, во дворце произошла трагедия. По этому поводу Бабур сделал особое ударение. Можно сказать, что нездоровая среда, созданная Хадичабегимом во время правления Хусейна Байкары, позволила Шайбанихану с легкостью преодолеть этот прочный союз тимуридов. Бабур дал свою объективную, горькую оценку Хадичабегиму:

“Еще была Хадича-биким, наложница Султан-Абу-Саида мирзы. От мирзы у нее была одна дочь по имени Ак-биким. После гибели Султан-Абу-Саида-мирзы в Ираке она прибыла в Герат; в Герате ее взял Султан-Хусейн и полюбил. Со степени наложницы она возвысилась до степени биким и позднее стала весьма могущественной. Мухаммед-Мумина-мирзу убили по ее настоянию. Когда сыновья Султан-Хусейна-мирзы восстали, она была больше всех причиной этого. Хадича-бегим считала себя умной, но была неразумной и болтливой женщиной. Кроме того, она была рафидиткой”⁸².

Мы хотели бы обратить внимание на отношение Бабура к Аппак-бекиму, еще одной жене Хусейна Байкары. Аппак-беким умная и беззащитная женщина. В «Бобурноме» автор описывая её в списке жён Хусейна Байкары, будто рассказывает историю сломанной судьбы о трудолюбивой, преданной султану женщине. В нескольких строках Бабур создает образ своего окружения, трудолюбивой, умной, доброй женщины своего времени. По его мнению,

⁸⁰ Захириддин Бабур. Бабур-наме. //Перевод М. Салье под редакцией М.Шевердина/ Баку 2011. “Нагыл Еви” / ст.44

⁸¹ Захириддин Бабур. Бабур-наме. //Перевод М. Салье под редакцией М.Шевердина/ Баку 2011. “Нагыл Еви” / ст.83-84

⁸² Захириддин Бабур. Бабур-наме. //Перевод М. Салье под редакцией М.Шевердина/ Баку 2011. “Нагыл Еви” / ст.247

такая добродетельная женщина не была оценена Хусейном Бойкарой, напротив, он была узником коварной Хадичабегим.

Читая «Бабур-намэ», мы не увидели, чтобы Бабур так доброжелательно относился к какой-нибудь другой женщине. В этом случае мы видим женщину, которая не ценилась за ее человечность и сострадание. во дворце Хусейна Байкары. Бабур подчеркивает, как доказательство высокого достоинства Аппак-бекима, что она воспитала чужого ребенка как свою собственную. Несмотря на равнодушие Хусейна Байкары к ней, Аппак-бекима исполнила свой долг шариатской женщины и искренне служила ему. Поэтому Бабур ставит «поклон и почтение» этой чистой женщине, превосходящий чем вброше и до конца своей жизни будет укрытием для неё. Аппак-бекима также оценила гуманность Бабура, нашла убежище в Бабуре и приехала к нему из Герата в Кабул: «Еще была Аппак-бекима; от нее не было ни сына, ни дочери; Папа-Агаче, которая была такой любимицей мирзы, приходилась ей молочной сестрой; так как у Аппак-бекима не было ни сына, ни дочери, то она воспитывала сыновей Папа-Агаче, словно своих собственных детей. Во время болезни мирзы она очень хорошо ему прислуживала; никто из жен не мог так служить. В тот год, когда я прибыл в Хиндустан, Аппак-бекима явилась туда из Герата. Я оказал ей большой почет и уважение. Во время осады Чендери пришло известие, что над ней в Кабуле исполнен божий приговор⁸³».

THE FACTORS FOR STRENGTHENING THE SENSE OF PATRIOTISM AT YOUTH THROUGH THE BABUR'S CREATIVITY

Khursandov A.S.

Associate professor, Deputy chief of Department at Military-technical institute of National Guard of the Republic of Uzbekistan

Every state sees its future in the image of a healthy and harmoniously developed generation. It is impossible to imagine the process of large-scale reforms in our country on the basis of the Action Strategy, the realization of such noble goals as building a democratic state governed by the rule of law and a strong civil society without the participation of young people. Under the leadership of President Shavkat Mirziyoyev, all conditions are being created for young people to be educated at the level of modern requirements, to be patriotic, to strengthen their health, to demonstrate their strength, knowledge and potential. After all, one of the priorities of the state policy is to bring up and educate a generation with high intellectual potential, broad outlook and independent thinking.

Today, the effective use of our national values, the spiritual heritage of our people is of great importance in educating our youth as worthy people of our time, in determining their patriotic feelings. The formation of a sense of patriotism in the younger generation begins with knowing the history of their country, their ancestors. After all, a person who knows the history and ancestors of the Motherland and its people deeply understands himself and at the same time the sanctity of the land where they lived. A person whose heart, mind and blood are imbued with faith in the Motherland loves, respects and sacrifices his life to protect it from any disaster.

As the state pursues its policy, it naturally accepts the youth stratum as the basis that determines its foundation and prospects. After all, the youth is the most important socio-political force of the state. In this regard, the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev

⁸³ Захириддин Бабур. Бабур-наме. //Перевод М. Салье под редакцией М.Шеввердина/ Баку 2011. «Нагыл Еви» / ст.247

said: "It is known that the education of the younger generation has always been important and relevant. But in the 21st century, where we live, this is really a matter of life and death" [1, p. 504-505].

Indeed, at the same time, the assimilation of universal achievements, the upbringing of the younger generation on this basis is at the heart of the large-scale reforms being carried out in our country today. Therefore, the state youth policy aimed at ensuring the active participation of young people in the socio-economic and political life of the country, raising a comprehensively healthy and harmoniously developed generation with high spirituality, independent and free thinking, thoroughly mastering the achievements of modern science is being consistently implemented.

It is also patriotic to carefully pass on the wealth created by our ancestors and bequeathed to us to the next generation. The development of patriotism and humanism in the development of people's spirituality will inevitably become an important guarantee of the future of independent Uzbekistan.

As the President of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoyev noted, "It is especially important to form in our young generation a firm position in life and a high sense of responsibility for the fate of our Motherland"[2, p. 162].

By inculcating in the minds of our youth the courage of our national heroes, such as Shirak, Jaloliddin Manguberdi, Temur Malik, Najmiddin Kubro, Amir Temur and Zahiriddin Muhammad Babur, who fought valiantly against the enemy in the name of freedom and independence of the country, it is important to strengthen their sense of patriotism.

In this regard, President Shavkat Mirziyoyev expressed the following views on the example of Babur: "Let's take our great ancestor Zahiriddin Muhammad Babur." From the age of twelve, this great man set himself on fire and to save the Timurid state, and was not afraid of any enemy or trial. Forty-seven years of his life passed without a moment's pleasure. He bequeathed to his descendants a great love for the Motherland and virtues"[3, 8-9p].

Zahiriddin Muhammad Babur is a writer, poet, scholar, as well as a great statesman and commander, who played a special role in the culture, literature and poetry of the Middle East. Babur, with his broad outlook and perfect intellect, founded the Baburi dynasty in India and made a name for himself as a statesman in the history of this country. His elegant ghazals and rubais are the rarest masterpieces of Turkish poetry, and his treatises on Mubayyin (Narrated), Khatti Baburi, Military job and Aruz have made a worthy contribution to the fields of Islamic jurisprudence, poetry, and language theory.

Babur's qualities as a person are also commendable. He was a brave serviceman and an experienced commander. Babur was not afraid of death because he had been involved in battles since childhood. The Indian scholar L.P.Sharma writes: "He was an excellent rider, a skilled sniper, a skilful swordsman and an experienced hunter" [4, 25p]. He never lost his tenacity and was always able to use his willpower to correct himself when he fell in a fight, gaining experience in battles. These qualities of Babur encourage our youth today to overcome difficulties, be patient and strong-willed.

He was a strong politician, tolerant and just king in public administration. Babur's teachings on public administration are also numerous. In this regard, he emphasizes in the Baburname that the king is very prudent in defending the independence of the country, acts with advice, does not act hastily. At the same time, his views on the means necessary to protect a city or country are also noteworthy. He symbolically says that the defense of the country requires a head, two arms, and two legs. you need a head to cover the castle, you need two hands, you need two idols. May he be

the commander-in-chief, may the two hands be the support and help from both sides, may the two idols be the source of water for the fortress”[5, p. 221].

Babur was a patron of science, culture and art. In the presence of Babur and his ruling descendants, a perfect spiritual atmosphere was created, which brought together the advanced and sharp-witted scholars, poets, musicologists and statesmen of that time. The cultural environment in the Baburi state was of great importance to India. Great attention to the cultural environment in the country gives its positive results. Today, great work is being done in our country to glorify the Motherland and contribute to its development, especially by introducing young people to science, culture and art. In particular, the adoption of the "Five important initiatives" put forward by the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoyev on March 19, 2019 to raise the morale of young people and the meaningful organization of their leisure time" is not accidental.

Babur's world-famous masterpiece is the Baburname. As we read the work, we see the qualities and shortcomings of the peoples of Central Asia, Afghanistan and India, as well as the breadth and complexity of their world of thought, the problems of life at that time, the full picture of political and social life in Babur. Such information given in the "Baburname" is not so clearly and perfectly reflected in the works of other historical sources written during the reign of Babur - Mirkhand, Khandamir, Binoi, Muhammad Haydar, Abul Fazl Allami and other historians. In "Baburname", the king and poet expressed their views and opinions about Alisher Navoi, Abdurahmon Jami, Behzod, Mirzo Ulugbek and other scholars.

"Baburname" as a vivid example of Uzbek prose of the XV century is rich in pure art, vivid images and traditional lyrical digressions. Folk proverbs, phrases, exemplary teachings and poetic passages quoted in the prose text further enhance its artistry, giving it a unique charm. The Baburname is currently being translated and studied in several languages. Today, our youth can increase their knowledge in linguistics, literature, art, architecture, religion, martial arts, geography, ethnography, law and other fields through Babur's "Baburname" and other works. For this, young people are required to read and study these works as a spiritual heritage of our great ancestor. Sufficient conditions have been created in our country for this, and great attention is being paid by the head of our state. As a proof of this, we believe that the instructions and tasks given by President Shavkat Mirziyoyev during his visit to the Alley of Writers on May 20, 2020 in Tashkent are sufficient.

In short, today each of us must not forget about the feeling of homeland, patriotism. After all, the feeling of homeland is determined by love for the land where you were born and raised. Faith and love for the motherland must be instilled in the minds of everyone. Patriotism is a spiritual belief inherited from our ancestors. Therefore, the task of studying the invaluable cultural and spiritual heritage of our ancestors in depth and comprehensively and inculcating them in the minds and hearts of everyone living in our country, especially educating young people as spiritually mature, patriotic and selfless people must become the goal and task of our society.

References:

1. Mirziyoyev Sh.M. We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. Volume 1, –T.: “Uzbekistan” NMIU, 2017. – P. 504-505.
2. Mirziyoyev Sh.M. The consent of our people is the highest value given to our activities. Volume 2, - T.: “Uzbekistan” NMIU, 2018. – P. 162.
3. Mirziyoyev Sh.M. We will build our great future together with our brave and noble people. –Tashkent: “Uzbekistan” NMIU, 2018. – P.8-9.
4. Sharma L.P. Kingdom of the Baburids. - Tashkent: “Manaviyat”, 1998. - P. 25.
5. Zahiriddin Muhammad Babur. Baburname. - Tashkent: “Sharq”, 2002. - P. 221.

БОБУР ИЖОДИ ВА ФАОЛИЯТИ ЁШЛАР УЧУН ҒУРУР ҲАМДА ИБРАТ МАКТАБИДИР

Хотамов Ш.Н.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти доценти,

Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишидек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак.

Шавкат Мирзиёев

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва саркардалик фаолиятини, ҳарбий жасорати, бебаҳо адабий, илмий-назарий меросини бугунги авлодга етказиш ўтмишдаги қадриятларимизни тиклаш, ундан баҳраманд бўлиш, ёшларни юксак ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби долзарб масалаларда алоҳида ўрин тутади.

Бутун маънавий меросни асраб – авайлашга қаратилаётган эзгу ислохотлар ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат, ғурур ва ифтихор туйғусини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, бир пайтлар харобага айланган, хорижликлар у ёқда турсин, ўзимиз ҳам номларини тузукроқ билмайдиган улуғ бобокалонларимиз ёди буюк мустақилликнинг қутлуғ нафаси туфайли кадр топди.

Тарих зарварақларини кўздан кечирар эканмиз, бир асрда инсоният солномасида алоҳида из қолдирган, кейинги авлодларга ўзининг жамиятдаги мавқеи, яратган илмий, бадиий мероси ҳамда саркардалик қобилияти билан ибрат намунаси бўла оладиган аждодларимиз яшаб ўтганлиги билан фахирланамиз. XV асрнинг иккинчи ярими ва XVI асрнинг ўрталарида башарият тарихнинг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий соҳаларида салмоқли ўрин тутган сиймолардан бири буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни бемалол ана шундай шахслар силсиласига киритиш мумкин.

Бобур Ганг дарёсидан Амударёгача бўлган ҳудудни бирлаштирган улкан салтанатга асос солган давлат арбоби ва саркарда. Буюк салтанат соҳиби қисқа вақт ичида катта ижобий ишларни амалга оширишга улгурган. У Агра ва Дехли шаҳарлари атрофини ободонлаштириш, Жамна дарёси бўйларида саройлар, қасрлар, ҳаммомлар қуриш, боғлар барпо этиш ишларига бош-қош бўлади. Қобул ва Ғазна шаҳарларини сув билан таъминлаш иншоотларини қайта тиклайди ва савдо йўлининг бехатарлигини таъминлаш мақсадида карвонсаройлар, работлар қурдиради[2]. Шунингдек, у ўз атрофига олим ва шоирларни тўплаб, уларнинг ижодий ишларига ҳомийлик қилади. Саройига Ўрта Осиё ва Хуросондан машхур тарихчи Хондамир, файласуфлардан Абулбақо, шоирлардан Мавлоно Шихоб Муаммой, Мулла Бақойи, Видойи, Абдулвоҳид Фориғий, Шайх Зайн ва бошқалар келиб, ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод қилганлар[3]. Бобур асос солган салтанат, мамлакатни маълум даражада сиёсий жиҳатдан бирлаштириш, ободонлаштириш ва маданий жиҳатдан юксалтириш нуқтаи назаридан Ҳиндистон учун фойдали бўлган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз даврининг йирик давлат арбоби ва саркардаси бўлиш билан бирга, ҳассос шоир, адиб, таржимон ва етук олим ҳам бўлган. У ўзидан башариятга бой адабий ва илмий мерос қолдирган. Бизгача етиб келган асарларининг ўзи ҳам Бобур ижодининг кўп қиррали, жанр жиҳатидан хилма-хил ва ранг-баранглигини кўрсатади. Унинг асарларида инсон ва табиат гўзаллигининг муҳиби, энг яхши ахлоқий фазилатларни кадрловчи, рўй берган тарихий воқеаларни аниқ акс эттирувчи, зулм ва риёкорликни қораловчи, тарихий шахслар фаолиятини холис мушоҳада қилиб, олимлар, шоирлар ва

санъаткорлар ижодига замоннинг илғор анъаналар нуктаи назаридан баҳо бера оладиган аллома ва донишманд сиймоси китобхон кўз ўнгида намоён бўлади. Бобур ўзининг ана шундай илғор қарашлари, илм-фан ривожини йўлидаги хизматлари билан башарият тарихида ўчмас из қолдирган буюк зот ҳисобланади.

Бобур умрининг ўзи авлодларга ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор туйғулари намунасидир. Инсон дунёга бир марта келади ва умр йўли давомида ўзидан яхши ном қолдиришга интилади. Айрим кишилар дунёдан ўтганларидан сўнг ҳам асрлар оша инсонларнинг қалбида, хотирасида мангу яшайдилар. Буюк бобомиз, улуғ саркарда, мутафаккир, шоир, ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг табаррук номи ва улкан адабий мероси ҳам ана шундай умрбоқийликка дахлдор бўлиб, мана беш асрдан зиёд вақт ўтибдики, мангу қуёш сингари сўнмасдир. Бобур асарларини ўқиган, унинг бой адабий меросидан баҳраманд бўлган инсон борки, унинг янгидан – янги сирларини очаверади. Шу боис шоир ва саркарда ижодини улкан уммонга қиёсласак, унинг бағрида беҳисоб дуру жавахирлар хазинаси мужассам топган, деймиз.

Бобур ўз ижоди билан ўзбек адабиётининг ривожини белгилабгина қолмай, Ўрта Осиё, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг бутун маънавий -маданияти тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Неру ўзининг «Жаҳон тарихига бир назар» асарида Бобур ҳақида шундай даъкидлайди: “Бобур шу пайтгача ўтган маданиятли ва жозибадор инсонлар орасида энг етуқларидан бири эди. У мазҳабпарастлик каби чекланишдан ва мутассибликдан йироқ эди... Бобур санъат ва адабиётни айниқса севар эди”[4]. Деган фикрлари албатта, бизга ғурур бағишлайди. Унинг асарлари, шеърини ва ғазаллари қайта - қайта кўчирилиб, халқ орасида кенг тарқалиб, шоирлар учун мактаб вазифасини ўтади, мадрасаларда кенг ўрганилди.

Бобур ижодини ўрганиш, унинг илмий таҳлили бўйича сўнгги йилларда қатор таниқли тадқиқотчилар иш олиб бордилар ва бугунги кунда ҳам Бобурнинг мероси кўпгина олимларимизни илҳомлантириб келади. Жумладан, Ашрафян К.З., Назарова Х., Атаджанов Н., Қудратуллаев Х.С., Ибрагимов А.П., Холманова З.Т., Алиев С.А., Азимджанова С.А., Благова Г.Ф., Джамалов С., Хасанов С.Р., Қариева Н.С., Шуқуруллаева С.И., Саидалиев Т.Х., Ибрагимов А.П., Хошимова Д.М., Салимова Ф., Хусанбоев О., Абдуллаева М. Д., Ражабова Д.Т.лар[5] ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Шунингдек, заҳматқаш олимлар Порсо Шамсиев ва Содик Мирзаевлар томонидан 1949 йилда “Бобурнома” нинг икки жилдлиги кирилл ёзувига табдил қилиниб, чоп этилган. 1959 йилда Азиз Қажумов ва Сабоҳат Азимжоновалар томонидан “Бобур лирикаси” деб номланган рисола нашр этилган. Таниқли тарихчи ва адабиётшуносларимиз Нуридинов М. “Бобурийлар сулоласи” 1994 йил, Файзийев Т. “Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари: (Бобурийлар силоласининг қисқача тарихи)”. 1996, Бўрибой Аҳмедов ҳамда Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари томонидан (Био-библиографик маълумотнома) 2003, Ҳасанбек Саидбек. “Заҳириддин Муҳаммад Бобур” 2011, Қудратиллаев Ҳасан “Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси” 2011. Шунингдек Пиримқул Қодировнинг Бобур-Юулдузли тунлар романи шулар жумласидандир[6].

Албатта, бу илмий ишлар, оммабоп мақола ва рисолаларда Бобур ижоди, унинг бадиий ва санъаткорлик маҳорати, дунёқарашининг барча қирралари рўй-рост ва ҳаққоний талқин этиб берилмаган. Бизга маълумки, XX асрнинг 70-йиллари, хусусан, 80- йилларга келиб Бобур шахсиятига нисбатан бир томонлама муносабат, уни “босқинчи”, “золим”, “феодал синф вакили” деб ноҳақ қоралаш кучайган. Ҳотто унинг таваллудининг 500 йиллигини нишонлашга собиқ марказдан берилган кўрсатмалар туфайли ўтказилмаган. Ўтмишимизга салбий муносабат ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олган, жумладан, дарсликларимиз

хам бу таъсирдан холи бўлмаган. Масалан, ўша даврда педагогика институтлари тайёрлов бўлимлари учун чиқарилган “Ўзбек адабиёти” дарслигида қуйидагиларни салбий сатрларни кўриш мумкин: “Бобур-Афғонистон ва Ҳиндистонни босиб олган феодал ҳукмдор. У бу ерларни қўлга киритишда қаршилиқ кўрсатган минглаб кишиларни ўлдирган, талаган, ўз синфининг манфаатини кўзда тутган темурийларнинг сўнгт вакили...”. Узоқ ўтмишда яшаб ижод этган, илм-фан, адабиёт, санъат ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизга нисбатан бундай нотўғри ва ноҳақ қарашлар 80-йилларнинг охирларига келиб аста-секин ижобий томонга ўзгара бошлаган. Лекин Бобур ўзининг умрбоқий фикрларида қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор берган. Жумладан, Душман сўзига кирма, эшит дўст сўзин,

Эшитмаса сўзни дўст, душман не дегай?

Ҳар сўзки эшитса, деса бўлмас,

Сўз борки, айтса — деса бўлмас.

Умр ғафлатда ўткариб борасен,

Эй йигит, воқиф ўл, қариб борасен.

Ҳар кимки кўп айтур, паришон айтур...

Кўнглингни динларнинг муҳокама майдонига айланторма.

Адолат ўрнатишда инсонларнинг эътиқодига чуқур ҳурматда бўл.

Шафқатсиз киши азобга лойиқдир.

Яхши кишиларни Яратган яхши дўстлар билан сийлайди.

Давлат учун кўнгулни зор этма,

иззат учун ўзунгни хор этма.

Кўпчилик баҳодирлар қанчалар кучли бўлмасинлар,

улар ҳаргиз ўз жаҳллари ва қўрқувларидан устун кела олмайдилар.

Давлатқа етиб меҳнат элини унутма,

бу беш кун учун узунгни асру унутма.

Дарҳақиқат, шоирнинг ушбу ўғитлари ёшларимиз ҳарбий ватанпарварлик руҳда тарбиялаб, миллий ғурурини юксалиши учун самарали таъсир кўрсатиб, уларнинг дунёқарашини кенгайтиради.

Бобур халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилишда катта ҳисса қўшган. Шунингдек, Инсон қалбининг қувончу қайғусини, ватан тўйғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Бобурдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она юртига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш тўйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Бобур асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий ифтихор ва миллий ғуруримизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

Хулоса қилиб айтганда, маънавиятимизнинг бебаҳо қирраларини кенгроқ тарғиб этишда албатта, кўплаб мутафаккирлар қатори Бобур адабий меросига мурожаат қилмоқ ўринлидир. Зеро, мустақиллик туфайли Бобур меросининг баралла намоёиш қилиниши учун беқиёс имкониятлар яратилди. Ёшларимиз саркарда Бобур тимсолида ватанпарвар, бунёдкор, ижодкор, ихтирочиликка ҳомийлик қилувчи, янгиликлар ташаббускори бўлган шижоатли шахсни кўра олишлари, аждодларнинг ижобий сифатларини, юрт мустақиллиги учун масъуллик ҳиссини ўз маънавий тарбиясида акс эттиришлари лозим. Биз ана шундай улуғлари бор юрт ворисларимиз. Беназир алломаларининг бетакрор меросини беқиёс тарзда

эъзозлаб, улардан муносиб фойдалансак ва Бобурнинг асарларини ёшларимиз қалби ҳамда онгига сингдирсак, албатта ёшларимизда миллий ғурур, ифтихор туйғулари юксалади ва келгусида Ватан ва халқ олдидаги масъулият, фидойилик, энг асосийси ватанпарварлик фазилатларни шакллантиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шавкат Мирзиёев. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари.Т.:- “Ўзбекистон”-2020 й., 163-б.
2. Пиримкул Қодиров. Тил ва эл. 2010 й., 218-б.
3. С. Азимжонов. Бобурнинг ҳинд девони. 1966 й., 31-б.
4. И.В.Стеблева. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Шоир, адиб, олим.Т., 1983 й., 26-б.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. 2002 й. 7-б.
6. Жавоҳарлаъл Неру. “Жаҳон тарихига бир назар”. II-жилд. 115 б. 1975.
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Энциклопедияси. 2014й. 734-735 б.
8. Хайриддин Султон. “Бобурийнома”, 2002. 386-387 б.
9. “Бобур асарларида Ватан туйғуси” тўпловчи. О. Бахронова. 2016 й

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА БОБУР АДАБИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳайдаров А.У.

*Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти “Гуманитар ва ижтимоий фанлар”
кафедраси катта ўқитувчиси*

Тарихдан маълумки мамлакатимиз худудида яшаб ўтган буюк давлат арбоби шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур мероси бугунги ҳарбий хизматчиларимизнинг ҳарбий салоҳиятининг ошишида балки маънавий камолатида муҳим рол ўйнайди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 20 май куни халқимиз учун ажойиб тухфа бўлган Адиблар хиёбонининг очилиш маросимида иштирок этиб, ушбу маскан халқимизнинг, ёшларимизнинг энг сеvimли масканига айланиши, ушбу мухташам хиёбондаги монументлари ўрнатилган адиблар миллатимизнинг чинакам қаҳрамонлари эканлигини таъкидлаб ўтиб, “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак” деб таъкидлаган эди[1]

Боиси, “Ҳарбий хизматчиларни ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашни янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда халқимизнинг қадимий тарихи, буюк аجدодларимиз мероси ва уларнинг ҳарбий санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга”[2].

Юқоридаги жиҳатларни ўз қалбига доимий сингдириб боришлари учун ҳарбийлар Бобур шахсини мукамал ўрганишлари ҳамда унинг асарлари, хусусан, “Бобурнома” асари билан танишишлари керак.

Бинобарин, ҳозирги глобаллашив жараёнида ахборот маконидаги қарама-қаршилик авж олган, одамлар, айниқса ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш кучайган бир пайтдада ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди. Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакат

хаётининг бошқа соҳалари билан бир қаторда ҳарбий йўналишида кенг миқёсли ислохотларнинг амалга оширилгани, ҳамда қисқа даврда эришилган натижалар ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучларини туб ислох этиш бўйича стратегик ёндашувни шакллантиришга эришилгани қувонарли ҳолатдир.

Маълумки, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний кадриятларга садоқат туйғусини камол топтиришда буюк қомусий алломаларимиз ва тарихий сиймоларимиз маънавий мероси муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Амир Темури, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби бобокалонларимизга тегишли бўлган “Темури тузуклари”, “Бобурнома” каби нодир асарлардаги ғурури, ор-номуси, шаъни, ишончи ва садоқати, ватанпарварлик каби фазилатлари ёшларни ҳарбий ватанпарварлигини мустаҳкамлашда муҳим манба ҳисобланади.

Азалдан мукаддас диёримиз буюк цивилизациялар, бир қатор юксак таракқий этган маданият марказларидан бири саналган. Ривожланган ўрта асрлар мамлакатимиз ҳудудларида маданиятнинг барча жабҳалари юксак чўққига кўтарилиб, санъат, шеърят ва адабиёт юқори даражада таракқий этиб темурийлар даври ренессанси билан тарихда қолган бўлса, Бобурнинг “Бобурнома” асари Ватанимизнинг XV асрдаги тарихи, этнографияси, маданияти, табиати ва наботати ҳақида қимматли асар бўлиши билан бирга ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳанузгача ўз қийматини сақлаб келмоқда.

Дарҳақиқат, XV асрнинг иккинчи ярмининг буюк даҳоси, шоҳ ва шоир, йирик давлат арбоби, моҳир саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсини ўрганиш, тадқиқ этиш ҳар қандай давр тадқиқотларининг энг муҳим жиҳати бўлиб келган. Жаҳондаги кўплаб мамлакатларда Бобур сиймоси бугун тадқиқ этилган ва этилмоқда, фан ва маданиятнинг турли жабҳаларида ўрганиб борилмоқда. Бугунги кунда ёш авлодга таълим беришда, уларни ватанпарварлик руҳида улғайтиришда Бобур ўҳси ва унинг ижод намуналаридан саналган “Бобурнома” алоҳида аҳамият касб этади. “Бобурнома” асарини чуқур ўрганиш, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилар учун ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлашдаги муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Бобурномада келтирилишича, ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган паллаларда Бобурнинг ўзи ҳам хоҳ жанг, хоҳ қамал бўлсин аскарлар билан бирга бўлганлиги кўшинга жанговор руҳ бериб турганлигини англатади. “Қамал пайтида қўрғон деворининг устида ҳар кеча юрар эдик. Гоҳи мен, гоҳи Қосимбек, гоҳи яна беклар ва ичкилардан баъзилар айланарди. Феруза дарвозасидан Шайхзода дарвозасигача девор устида от билан юрса бўларди. Баъзилар яёв юриб айланиб чиқарди. Бир айлангунча тонг отар эди деб таъкидлаб ўтган [3].

Манбаларда Бобурнинг мустаҳкам иродага эга бўлганлиги хусусида жуда кўп маълумотлар берилган. Унинг замонида қишнинг совуқ кунларида ҳам ҳарбий ҳаракатлар учун сафарларда қийинчиликларга дуч келинарди. Бобур эса чиниққан баҳодирликни ҳатто кундалик одатларда ҳам исботлаб келган. “Бобурнома”да қайд этилишича, “...ҳаво шу даражада совуқ эдики, ўша икки-уч кун орасида икки-уч киши совуқнинг шиддатидан ўлган эди. Менда ғуслга эҳтиёж бор эди. Ёқаларини қалин муз қоплаган, сувнинг тезлиги боис ўртаси музламаган бир ариқдаги сувга кириб ғусла қилдим. Ўн олти маротаба сувга шўнғидим. Сувнинг совуқлиги хийла таъсир қилди” [4].

Сабр-тоқат, матонат ҳарбийлар кундалик ҳаётининг муҳим жиҳатига айланиши лозимлигини Бобур ҳаётида дуч келган машаққатлар, уларда бир тану-жон бўлиб қилинган ҳаракатлар самара берганлиги кўзга ташланади. Ҳарбий ҳаракатлар учун сафар чоғида “...бир

хафтага яқин қор тепиб, кунда бир-бир ярим шаръидан*⁸⁴ортиқ кўчилмас эди. Қор тепар киши мен эдим, ўн-ўн беш ички яқинлар ва Қосимбек эди. Ушбу кишилар яёв юриб қор тепар эдик. Ҳар киши етти-саккиз-ўн қари илгари юриб қор тепарди. Ҳар қадам қўйганда белигача, қўксигача бота-бота қор тепар эди” [5].

Бобурнинг саркарда сифатидаги мувафакциялари калити – бу черикни, яъни кўшиннинг кўнглини олмоқликда бўлган. Бобур аскар кўнглини олмоқликнинг бош мезони қилиб кишининг (ҳарбий хизматчи – Ҳ.А.) қаердан эканлиги, миллати ва насабини эмас, балки подшоҳга садоқат, мардлиги, фидойилиги, вафодорлиги, давлат химоясига қўшган ҳиссасини белгилаган [6].

Бобур фаолиятини қанчалик чуқур ўрганишар экан, бу буюк саркардани янги кирраларини кашф этаверади. Бугунги кунда Бобур, бобурийлар ҳаёти, фаолияти ва бобурий подшоҳлар тарихини комплекс ўрганиб, йирик тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мана шундай тадбирлар Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларни юртга муҳаббат, ватанга садоқат ва ҳарбий-ватанпарварлик хислатини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бобур сиймоси ватанпарвар, халқпарвар, тенгсиз шоир, оламшумул файласуф бобкалонимиз номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Халқимиз доврўғини дунёга таратган улуғ аждодимиз бизни тарихимизни кадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ундайди ва бу ҳарбий хизматчиларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ташкил этишининг асосий йўналишлари бўлиб хизмат қилади.

Бобурнома - жаҳон адабиёти ва манбашунослигидаги муҳим ва ноёб ёдгорлик, ўзбек адабиётида дастлабки насрий мемуар ва тарихий илмий асар ҳисобланади, Бобурноманинг биринчи нусхаси эски ўзбек (чиғатой) тилида ёзилган (тахминан 1518-1519-1530). Асарнинг тарихда ва манбаларда турли хилдаги номларини келтиришимиз мумкин “Бобурия”, “Воқеоти Бобур”, “Воқеанома”, “Тузуки Бобурий”, “Табақот и Бобурий”, “Таворихи Бобурий” каби номлар билан ҳам маълум. Бобурнинг ўзи еса “Вақоёе” ва “Тарих” деган номларни ишлатган. “Бобурнома”да 1494-1529 йилларда Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда содир бўлган тарихий сиёсий воқеалар йилма-йил ўта аниқлик билан баён қилинган бўлиб, улар муаллиф ҳаёти ва сиёсий фаолияти билан бевосита боғлиқдир[7].

Бобурнинг ҳаёти ва ибратли ишлари ўз даврида ва кейинчалик издошлари томонидан атрофлича ўрганилди ва бугунги кунда ҳам унинг саркардалик фаолияти ва маънавий меросига бўлган қизиқиш, изланишлар давом этмоқда. Буюк алломанинг ёрқин ҳаёти ва кўп кирралаи фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари учун ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш ва юксалтиришга хизмат қилади ҳамда мустақил Ўзбекистонимиз келажаги ҳамда фуқароларимизни маънавий баркамол, ватанпарвар қилиб тарбиялашда муҳим ишлардан бири бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бугунги кунда бобуршунослик шарқшуносликнинг жадал суръатлар билан ривожланаётган соҳасига айланган, “Бобурнома” ҳозиргача йигирмага яқин тилга таржима қилинган, уни яна бошқа тилларга ўгириш давом этмоқда, деярли ҳар йили Бобур асарларининг нашр этилиши, янги манбалар излаб топилиб илмий муомалага киритилиши натижасида ўнлаб рисола, сон-саноксиз илмий, илмий-оммабоп ва публицистик мақолалар чоп этилмоқда. Бобурнинг тарихий меросини ўргашиш ва тарғиб қилишда Бобур халқаро жамоат фонди ва Халқаро Бобур илмий экспедицияси фаоллик кўрсатиб келаятиганини алоҳида таъкидлаш лозим.

* Шаръий – тахминан 2-2,5 кмдан иборат масофа ўлчов бирлиги.

Юқорида келтириб ўтилган учта йўналиш Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларни ва бўлажак ҳарбий хизматчиларни ватанпарвар қилиб тайёрлашда ва хизмат жараёнида дастурул амал бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларини ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар замирида ёшларни, айниқса ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ҳамда мамлакат хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашдаги дахлдорлик туйғусини шакллантириш масалалари ётади.

Хулоса қилиб айтганда, маънавиятимизнинг бебаҳо дурдоналарини кенгроқ тарғиб этиш, шу орқали тарбиямизга, онгу шууримизга ёт жиҳатларга ўрин бермаслик ҳар биримизнинг кунлик юмушларимиз қаторидан жой эгалласа, айти муддао бўлар эди. Бу борада, кўплаб мутафаккирлар қатори Бобур адабий меросига мурожаат қилиш ўринлидир. Зеро, мустақиллик туфайли Бобур меросининг баралла намоиш қилиниши учун бекиёс имкониятлар яратилди.

Демак, “Бобурнома” - миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлашда муҳим манба сифатидаги аҳамиятини ошириш юзасидан бир қатор қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

–армия шахсий таркиби нафақат сиёсий ва руҳий жиҳатдан, балки ҳарбий-техник тайёргарлиги жиҳатидан ҳам юқори савияда тайёрланган бўлмоғи керак. Бу шахсий таркиб ҳарбий билимлар, малакаларни эгалламоғи, улар интизомий ва тартибли бўлишлари, ҳарбий касамёд ва низом талабларини сўзсиз бажаришлари, қўл остидаги жанговар техника ва қуроллардан моҳирона фойдалана олишлари учун “Бобурнома” асаридаги ҳарбий ватанпарварликка доир маълумотлари асосида машғулотлар олиб бориш;

–ёшларни тарбиялашда Чақирикқача қадар бошланғич тайёргарлик машғулотлари, «Ватанпарвар» ташкилоти қошидаги тўғараклар ўзларини улкан ҳиссани кўшишларини инобатга олган ҳолда тўғарак машғулотлари дастурларига Бобур илмий-маънавий мероси ва ҳарбий санъатига оид мавзуларни сингдириш;

–ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини асосий йўналишларидан яна бири, ёшларнинг жисмоний тарбияси ҳисобланади. Бу йўналиш ёшларда жисмоний чиниқишни, яъни уларни ҳарбий хизмат даврида ҳам, тинчлик вақтида ҳам катта жисмоний юктамаларни сабот билан енгиш қобилиятини мустаҳкамлашда Бобур ҳарбий саркардалик жасоратини акс эттирган асарлардан мунтазам фойдаланиш;

Бобур илмий мероси, ҳарбий санъати ва жанг усуллари, Бобур шахсини ўрганиш ҳамда “Бобурнома” асарини ўрганиш ва билиш Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш ва юксалтириш учун муҳим манба эканлигини ўзида акс эттирган маълумотномалар тайёрлаш.

Беназир алломаларининг бетакрор меросини юксак қадрлаб, улардан муносиб фойдалансак, Бобурнинг асарларини ёшларимиз қалби ва онгига сингдирсак, албатта ёшларимизда миллий ғурур, ифтихор туйғулари юксалади, келгусида Ватан ва халқ олдидаги масъулият, фидойилик сингари фазилатларни шакллантиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

- [1] Ватанимиз олтин остонаси Тошкент тобора чирой очмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 20 май кундаги Адиблар хиёбонига ташрифидаги нуткидан. Халқ сўзи 2020 йил 21 май.
- [2] Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.: “Ўзбекистон” 2018. Б. 171-172. 2- жилд
- [2] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: “Ўқитувчи” 2008. Б. 82.
- [3] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: “Ўқитувчи” 2008. Б. 86.
- [4] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: “Ўқитувчи” 2008. Б. 148.
- [5] Усмонов К. Ўзбек халқи маънавий-ахлоқий меросида ҳарбий ватанпарварлик. – Т.: “Тафаккур”, 2016, - Б.100.
- [6] Жавоҳарлаъл Неру. “Жаҳон тарихига бир назар”. II-жилд. 115 б. 1975.
- [7] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Энциклопедияси. 2014. Б. 152.
- [8] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Энциклопедияси. 2014. Б. 734.

ЁШЛАРНИ САНОГЕН ТАФАККУР ХУСУСИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БОБУР ИЛМИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Абдурахмонова З.А.

ТДПУ ўқитувчиси, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бобур биз учун том маънодаги буюк маданият олий даражадаги шарқона одоб ва ахлоқ тимсолидир.

Ислом Каримов

1483 йил 14-февралда Андижон шаҳрида туғилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур - ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили: буюк шоир; тарихчи, географ; давлат арбоби, истеъдодли саркарда; бобурийлар сулоласи асосчиси, темурий шаҳзодаси бўлиб, ёшларига буюк истеъдод соҳиби сифатида қилган самарали ишлари халқимиз томонидан зўр ҳурмат ва эҳтиром билан эсга олинмоқда ва ўрганилмоқда. Мамлакатимизда маънавий жиҳатдан баркамол, руҳий ва жисмоний жиҳатдан соғлом, ватанпарвар, фидойи инсонни тарбиялаш, янги авлодни вояга етказиш вазифаларини амалга ошириш заруратининг ошиши узлуксиз таълим тизимининг асосий босқичларидан бири умумий ўрта таълим муассасаларида таҳсил олувчи ўсмир ёшидаги ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларга зарурат туғдирмоқда.

Ҳар бир инсон ўзлигини англашга, аждодлари ҳақида кўпроқ билишга, улар ҳаётини ўрганишга интилади. Бу борада эса тарихий асарлар беқиёс аҳамиятга эга. Хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларидаги ўтмишимиздан ҳикоя қилувчи воқеа ва ҳодисалар биз учун ҳамиша қимматлидир [3;Б-4].

Ёш авлоднинг мамлакатимиз барқарорлигига, унинг ижтимоий, маънавий юксалишига салбий таъсир кўрсатаётган экстремистик ва террористик оқимлар, патоген ғоялар таъсирига тушиб қолмаслиги учун муайян ижтимоий-психологик асосни яратиш, такомиллаштириш ҳозирги кунда психология фани олдида турган муҳим вазифалардандир. Ҳозирги вақтда патоген ғоялар ва дестабиллаштирувчи гуруҳларнинг пайдо бўлиш сабаблари, фаолият доираси кенгайишининг олдини олиш мақсадида ёшларнинг саноген тафаккурини ўстириш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этиб, бу соҳада ижтимоий-психологик тадқиқотларни олиб бориш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Зеъро, бугун инсоният ғоявий урушлар, маънавий зиддиятлар, зўравон ғояларнинг дунёни қайта тақсимлашга қаратилган ўйинлари авж олган шиддатли замонда яшаяпти. Ҳозир бузғунчилик, ахлоқсизлик ва маънавий инқирозлар ҳар қачонгидан ҳам хатарли тус олмоқда. Ёшларимиз бундай шароитларда ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлиши, фитна ва ғаразли мақсадлар, манфаатдор кучлар турганини бир лаҳза ҳам унутмасдан, ёшлигиданоқ соғлом тафаккурни шакллантириш лозим” [1.Б-488].

Инсоннинг соғлом фикрлашга ундовчи манбалардан бири жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган улуғ шоҳ, шоир, олим, том маънодаги буюк ижодкор бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий ва маънавий мероси ҳисобланади.

Бобур Ҳинд заминига Исломот таълимотларини олиб кирган ва дин равнақига ўз ҳиссасини қўшган буюк шахсдир. Ўн икки ёшида отаси Умаршайх Мирзо вафотидан кейин подшоҳ бўлган Бобур Мирзонинг ҳаёти жангу жадалларда ўтган. Тақдир тақозоси билан она юртидан кетишга мажбур бўлган. Ҳиндистонга бориб ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаб, марказлашган қудратли давлатни барпо этган.

Бобур гўзал хулқ-атвор эгаси, тақво, шижоат, ҳалоллик, вафодорлик, сабр-тоқат, ҳиммат, адолат, раҳм-шафқат каби ҳислатларни мужассамлаган. Бу ҳислатлар унинг ижодида ҳам ўз ифодасини топган.

*Бори элга яхшилиг қилгилки, мундин яхши йўқ,
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиг.*

Шоир ушбу машҳур байт орқали: “Бировдан ёмонлик кўриб турганинда ҳам фақат яхшилиқ қил, ёвузликка эзгулик билан жавоб қайтар”, деб таъкидламоқда. Бобурнинг асарларидаги ахлоқий қарашлар, бағрикенглик, инсонпарварлик тамойиллари инсонларни доимо эзгуликка чорлаб туради. [2; Б.6-7.]

Бинобарин, инсоннинг соғлом тафаккури, мустаҳкам ирода ва эътиқоди, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириши, инсон ва ижтимоий ҳаётга хос барча ҳислат, фазилат, хусусиятларга эга бўлиш, унга амал қилиш каби маънавий бойлик мажмуи бўлиб ҳисобланади.

Бобурнинг ёшлиги Андижонда ўз даврининг етук алломалари, фикр илмининг уламолари шунингдек харбий стратигияни яхши биладиган саркардалардан сабоқ олиш билан ўтади. Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо 1494 йилда 39 ёшида Ахсида фожеали тарзда ҳалок бўлади. Бу пайтда эса Бобур 12 ёшда эди. Тахт учун турли шахслар қаттиқ кураш олиб боради. Бобур ўзининг зеҳну-заковати ва довюраклиги, шижоат ҳамда собитқадамлиги сабаб ўзининг асосий душманлари саналган Султон Аҳмад Мирзо ва Султон Махмудхонни хужумларини бартараф қилиб 12 ёшида тахтга ўтиради [2; Б.9-10.].

Соғлом тафаккурда намоён бўладиган тафаккурнинг тезлиги хусусан фавқулодда вазиятларда керак бўлади, бирор қарорни жуда қисқа муддат ичида қабул қилиш талаб қилинади. Фикрнинг тезлиги мактабда ўқувчиларга кўпроқ зарур бўлади. Фаолият олиб боришда адолат журъат, сабру-қаноат ва ватанпарварлик хусусиятларида намоён бўлади.

Бобур шеърлятида адолат туйғусини бош мавзулардан бири сифатида талкин этиб, бу борада анча илғор ижтимоий фикр юритиб олижаноблик тақдирлашга пасткашлиқ эса жазолашга лойиқ эканини куйидаги рубоийсида таъкидлайди.

Ҳар кимки, вафо қилса, вафо топқусидур.

Ҳар кимки, жафо қилса, жафо топқусидур.

Яхши киши кўрмагай ёмолик харгис.

Ҳар кимки ёмон бўлса жазо топқусидур.

Бобур ўзбек адабий тили ва адабиётининг ривожига бебаҳо ҳисса қўшган истеъдодли олим ва ўта зиёли инсон, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур мураккаб ижтимоий-тарихий даврда яшаб ижод қилган.

У ўзга юрт тожи тахтидан Ватанинг бир сиқим тупроғини афзал деб билди.

Ватанинг хуш бўйларини, Андижон шамоли-ю, мусаффо ҳавосини, табаррук тупроғининг исини, беқиёс экинзорларининг гўзаллигини, болалиги ўтган гўзал водийлар манзараси, дилкаш халқининг нафасини, ота-она қумсаб яшаганини баён қилиб, “Киндик қоним тўкилган Ватан -менинг бешигим, соғинчим ва туганмас армонларимдир”.деб ёзади.

Толе йўқки жонимга балолиғ бўлди,

Ҳар ишники айладим, хатолиқ бўлди.

Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,

Ё, раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Шоирнинг ғазалларида, рубоийларида армонга айланган Ватан соғинчини ҳис этиш билан бирга Ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга ҳам маънавий манба бўлиб ҳимат қилади. Унинг бой мероси ёшларда Ватанпарварлик, садоқат, шукроналик, қаноат туйғуларини шаклланишига хизмат қилади. Буюк сиймоларимизни танитиш, улар тўғрисида кечалар ташкил этиш, адабиётшунос олимлар билан давра суҳбатлари уюштириш, рубоийхонлик кечаларини ташкил қилиш, “Менинг қаҳрамоним-Бобур сиймосида”, “Бобурномадан олган сабоқларим”, каби мазмунига эга бўлган иншолар танловини ўтказиш амалий вазифалар бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга ёшларда аввало китобхонлик фазилатларини шакллантириш, маънавий озуқа бўла оладиган манбалардан фойдалана олиш кўникмаларини шакллантириш лозим. Бу борада албатта оилада катталар, устозлар тўғри кўрсатма бериб боришлари ҳамда шахсий ибрат, амалий суратда намуна бўла олишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. - Б.488.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” Тошкент, “Шарк” 2002.
3. Ulug‘ siymo (Zahiriddin Muhammad Bobur tavalludining 531 yilligiga bag‘ishlanangan. uslubiy qo‘llanma) Toshkent-2014.

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ОМИЛЛАРИ

Маматқобилов Т.Д.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси доценти, сиёсий фанлар номзоди

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислохотлар замирида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва савдо-иқтисодий масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни тобора юксалиб боришида тинчлик, барқарорлик ва инсонпарварлик тамойилига таянган ҳолда юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳаёти, орзуси, дарду – армонларини эътиборимиз марказига қўйишни ва бу борадаги вазифалар самарадорлигини оширишни энг муҳим масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Айни ижтимоий сиёсат нуқтаи назаридан жойларда иш ўринларини ташкил этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк ривожига кенг имконият очиб бериш, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар ва ногиронларга ғамхўрлик кўрсатиш,

мухтож инсонларга эътибор қаратиш масалалари қабул қилинаётган давлат дастурларида ўз аксини топмоқда. Мустақилликнинг 29 йиллиги муносабати билан қабул қилинган “Сен қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!” деган ғоя негизида улкан тарихий тажрибалар турибди. Шунингдек, истиқболдаги режаларимизга мувофиқ Ўзбекистон миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилаб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари олий бош Қўмондони, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898-сонли қарори ва шу асосда жорий этилган Қуролли Кучлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самародорлигини ошириш концепциясига мувофиқ “Ватан-муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!” ғояси илгари сурилди. Шунингдек, Қуролли Кучлар тизимида ҳафтанинг ҳар жума куни “Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни” этиб белгиланганлиги замирида эса ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини рағбатлантириб бориш лозимлиги белгиланган. Мақсад мамлакатимиз суверенлигини, ҳудудий яхлитлигини, халқимиз тинчлигини садоқат билан ҳимоя қилиш энг олий вазифа сифатида эътироф этилади.

Демак, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, **“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастури**, **“Обод қишлоқ”**, **“Обод маҳалла”**, **“Ҳар бир оила тадбиркор”**, **“Ёшлар-келажагимиз”**, **“Беш ижобий ташаббус”**[1] каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган ислохотларнинг маъно –мазмунидан келиб чиқиб, мазкур қарорнинг асосий ғоявий тамойилларида инсон омили юқори ўринга қўйилган.

Биз Президентимиз раҳбарлигида эркин бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидан бораётган Ўзбекистан сиёсатида бутун эътибор жамият тараққиётига қаратилганлигига амин бўлдик. Давлат бошқарувини эркинлаштириш, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли ислохотларнинг амалга оширилишида жамоат ташкилотлари, сиёсий институтлар ва оммавий ахборот воситаларининг фаолияти бугунги жараёнлар билан ҳамоҳанг бўлмоқда. Давлат, унинг сиёсати фақат халқ манфаатиغا, мамлакат фуқаролари осойишталиги ва барқарор турмушини таъминлашга қаратилаётганлиги қабул қилинаётган қонунларда, Президент фармонлари ва қарорларида ўз ифодасини топмоқда ҳамда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу эса жамиятнинг моддий-маданий қиёфасини белгилаш билан бирга мамлакат фуқароларининг маънавий-маърифий, ахлоқий тафаккур ва дунёқарашига, руҳий кечинмаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ана шунинг ўзи давлат билан фуқаро, ҳокимият билан аҳоли ўртасидаги муносабатларни адолатга таянган ҳолда уйғунлашиб кетиш имкониятини яратади.

Таркибий ислохотлар кўламларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодиётни модернизациялаш, барқарор ва мутаносиблаштирилган макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш, инвестиция киритиш, эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш, хусусий мулкчилик секторини мустаҳкамлаш ва бизнес учун қулай муҳитни янада яхшилаш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг муҳим шартли сифатида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш борасида давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мамлакатимиз тараққиётини белгиловчи муҳим омил сифатида эътироф этилмоқда.

Эндиликда, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойнанинг охириги ўн кунлигида ўз сайловчилари билан учрашиб, аҳолини қийнаётган муаммоларни қонуний ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқаётганлиги, ҳокимият вакиллари фуқароларнинг мурожаатларига бефарқ бўлмаётганлиги ҳам жамиятда юз бераётган ўзгаришларга инсонларнинг дахлдорлик ҳисси билан яшашига замин яратмоқда. Айни пайтда пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсатини изчил давом эттириш, янги иш ўринларини яратишга муҳим масала сифатида қаралмоқда.

Бугунги дунё ахборот хуружини бошидан кечирмоқда. Шу сабабли ҳам аҳоли тафаккурида ахборотни ўзлаштириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб бормоқда. Энди барча шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг қизиқиши, кайфияти, ижтимоий ҳолати таҳлил этилар экан, ишсиз қатламни иш ўринлари билан таъминлаш муҳим масала бўлиб қолаверади. Бунда нодавлат секторни тараққий эттириш ҳам энг муҳим самарали воситалардан биридир. Чунки фуқаролик жамияти шаклланишида нодавлат сектор бошланғич бўғин сифатида баҳоланади. Айни шу жараёнларда инсон ўзининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда жамиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади. Бизнинг беғамлигимиз, лоқайдлигимиз ва ишимиздаги баъзи камчиликларимиз туфайли айрим ёшлар жиноий гуруҳлар, экстремистлар ва ёт, бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолганлигини тан олишимиз керак.

Бутун юртимиз бўйлаб улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси кун сайин гўзаллашиб, аҳоли учун намунали лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва инфратузилма тармоқлари барпо этилмоқда. Қайта тикланувчи электр манбалари, тоза ичимлик суви ва табиий газ таъминоти яхшиланяпти. Бозорлардаги дўконлардаги мўл-кўлчилик, дастурхонларимиз тўкин-сочинлигини айтмайсизми. Буларнинг барчаси, авваламбор, мустақиллигимиз, қолаверса, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик шарофатидан. Бу барчамизни фидойиликка ундамоқда.

Мамлакатимизда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланди. Юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари 138 та миллий-маданий марказга бирлашиб, “Ўзбекистон-умумий уйимиз” шиори остида катта бир оиланинг фарзандларидек тинч-тотув яшаяпти. Бунинг замирида улкан инсонпарварлик сиёсати турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги фармонида мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса жамиятимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил давом эттиришдан иборат.

Дунёда глобализация жараёни кучайган, жаҳон миқёсида рақобат, ўзаро қарама-қаршилик тобора авж олаётган, радикализм, терроризм, экстремизм, прозелитизм ва “оммавий маданият” каби таҳдидлар кенгайиб бораётган ҳозирги замонда доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз керак. “Ўз уйингни ўзинг асра”, “Ўз болангни ўзинг асра” ғоялари орқали сафарбарлигимизни янада оширишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Мамлакат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, Қуролли Кучларимизнинг жанговор салоҳиятини кучайтириш навқирон йигит-қизларимизни том маънода ватанпарварлик руҳида тарбиялашимиз даркор.

Шунингдек, бугунги пандемия даврида ижтимоий-сиёсат марказида давлатимизнинг ўзи турганлиги ва бунга ҳамкор сифатида халқимизнинг фидойи инсонлари томонидан

саховат ва кўмак тадбирларининг ташкил этилаётганлиги мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар тамойилида инсонпарварлик ҳислатларини намоён этади.

Айнан, Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижаси ўлароқ, буюк аждодларимиз - Широқ, Тўмарис, Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Бобур каби миллий қаҳрамонларимизнинг кўрсатган жасоратини ҳарбий хизматчиларимизга ўрнак сифатида кўрсатишдан биз доимо фахрланамиз. Масалан, Захириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонни истило қилган бўлсада, кўплаб ҳинд сиёсатчилари жумладан, Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби Жавоҳирлаъл Неру ўзининг “Ҳиндистоннинг очилиши” ва “Жаҳон тарихига бир назар” асарларида Бобур хақида илиқ фикрларни билдирган: “Бобур – дилбар шахс. Уйғониш даври ҳукмдорининг ҳақиқий намунасидир. У мард ва тадбиркор одам бўлган. Бобур ўта маданиятли ва жозибали инсонлар орасида энг етуғи эди. У мазҳабпарастлик каби чекланишдан ва мутаассибликдан йироқ эди... Бобур санъат ва айниқса, адабиётни сеवार эди” [2].

Ҳақиқатда Бобур нафақат подшо, шоир балки ҳарбий стратег ҳам эди. Жумладан, 1526 йил 21 апрелда 43 ёшли Бобурнинг 12 минглик кўшини Дехли султони Иброҳим Лодининг 100 минг жанчиси ўртасида Панипат яланглигидаги жангини эсласак, ушбу жангда хўкизларнинг хом терисидан эшилган арқонлар билан бир-бирига маҳкам боғланган 700 та аравани жангга ташлайди. Бу аравалар филларни йиқитиб, душманни саросимага солиб кўяди. Устози Алиқули томонидан ясалган артиллерия тўплари душман устига қақшатқич зарба беради [3]. Мазкур жанг ҳозирги кундаги ҳимояланиш ва ҳужум тактикасига ўзига хос асос бўлади, яъни танкка қарши артиллерия қурилмаларидан фойдаланиш мақомига тенгдир. “Бобурнома”да келтирилган бу фикрлар унинг ҳаётини ва ижодий фаолиятини тадқиқ этиб ўрганиш орқали бугунги кунда янги кашфиётларни, ғояларни ишлаб чиқишимиз мумкинлигини изоҳлайди.

Эндиликда Қуролли Кучларимиз ташкилий ва таркибий жиҳатдан анча такомиллашди. Тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, жанговор қобилияти, ҳарбийларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлиги ошди. Қисм ва бўлинмалар замонавий қурол-яроғ ва жанговор техника билан таъминланган. Қуролли Кучларнинг юксак жанговорлик қобилияти иқтисодий, сиёсий, стратегик ҳамда ҳарбий – техникавий ва илмий куч-қудратини ривожлантириш орқали Ўзбекистон халқининг жипслиги ва ҳар бир фуқарони ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг энг муҳим принципи ҳисобланади. Демак, ҳарбий соҳадаги кенг кўламда амалга оширилаётган ишлар туфайли қатъий интизом, маънавий-маърифий тафаккур юксалади.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислохотларга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни кўшишимиз керак. Зеро, юксак фуқаролик масъулиятининг жамиятга дахлдорлик туйғуси билан уйғунлашуви буюк мақсадларимизнинг амалга ошишида мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил, 8 февраль.
2. Жавоҳирлаъл Неру “Жаҳон тарихига бир назар” асари. 1983 йил.
3. Қодиров П. “Юлдузли тунлар”. Т.-“Ўзбекистон” нашриёти, 1990 йил.

ВОЕННО-ПАТРИОТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ

Абдурахманов Ш.Н.

старший преподаватель факультет военного обучения Бухарского государственного университета

Военно-патриотическое воспитание является неотъемлемой частью гражданско-патриотического, формируя активную гражданскую позицию молодёжи, сознательное отношение к вопросам личной и общественной безопасности, развитие практических умений и навыков поведения в экстремальных ситуациях, приобретение навыков, необходимых для службы в Вооруженных силах Республики Узбекистан.

Любовь к своей Родине, соблюдение конституционных норм своей страны и уважение к традициям и культурному наследию своей и других наций – все это является целью патриотического воспитания подрастающего поколения.

Военно-патриотическое воспитание в рамках современности предполагает подготовку молодого поколения к предстоящей ответственности за свое поведение и гражданскую позицию. Молодежь становится готова к тому, чтобы проявлять инициативу, развивать свои способности и расти как личность, принося пользу не только себе и окружающим, но и всей стране в целом.

Военно-патриотическое воспитание это процесс, который является частью политики государства в системе идейного воспитания гражданина страны и направлен на воспитание в нем идейности, нравственности, патриотизма, моральной и психологической стойкости, физического совершенствования, овладения военными знаниями. Ведущим направлением в военно-патриотическом воспитании, несомненно, является воспитание патриотизма. Патриотическое воспитание молодежи рассматривается как систематическая, целенаправленная деятельность по формированию у учащихся чувства верности своему Отечеству, патриотического сознания, готовности к выполнению гражданского долга и конституционных обязанностей по защите интересов Родины.

Главные задачи военно-патриотического воспитания: развивать чувство гордости за нашу независимую, суверенную, идущую своим путем Родину, любви к Вооруженным Силам, верности боевым и трудовым традициям, уважения к воинскому труду, формировать постоянную готовность умело и мужественно с оружием в руках защищать нашу свободу и независимость, выполнять свой гражданский долг – защита Республики Узбекистан (статья 52 Конституции Республики Узбекистан).

Военно-патриотическое воспитание призвано развивать у молодежи интерес к военному делу, к овладению военными специальностями, способствовать ее подготовке в Вооруженных Силах Республики Узбекистан.

Принятый с целью коренного совершенствования деятельности в этой сфере Закон Республики Узбекистан "О государственной молодежной политике" (2017) создал прочную правовую базу для воспитания гармонично развитой, самостоятельно мыслящей, инициативной и энергичной молодежи, способной взять на себя ответственность за будущее нашей страны, задействовать свой потенциал во имя интересов народа, а также реализации ее интеллектуального и творческого потенциала.

Следует отметить, что Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определила ряд новых важных задач по

повышению активности молодежи в процессе реформ по построению демократического государства и развитию гражданского общества.

В условиях многонациональности Узбекистана в системе образования важное значение приобретают вопросы воспитания у подрастающего поколения чувства уважения к другим народам и чувства любви к Родине.

Формирование и развитие патриотизма у современной молодежи, в том числе и у студентов высших учебных заведений, является одной из важнейших задач современного образования. Решение данной проблемы требует от ученых и исследователей не только поиска новых форм и методов воспитательной деятельности, но и применения разнообразной научной методологической основы исследования патриотизма и процесса патриотического воспитания.

По мнению В.И.Лутовинова, главная цель патриотического воспитания может быть сформулирована следующим образом: возрождение в нашем обществе патриотизма как важнейшей духовно-нравственной и социальной ценности, формирование и развитие подрастающего поколения, обладающего важнейшими граждански активными, социально значимыми качествами, способного проявить их в созидательном процессе в интересах нашего общества, в укреплении и совершенствовании его основ, в том числе и в тех видах деятельности, которые связаны с его защитой [5, с.84].

Согласно существующим нормативным документам, целью военно-патриотического воспитания молодежи в Республике Узбекистан является: привитие молодежи любви к стране, формирование у нее устойчивого желания способствовать ее процветанию и стремления защищать от врагов. Реализация этой цели зависит от выполнения в той или иной мере конкретных задач, основными из которых на наш взгляд, являются:

- привитие глубокого уважения к национальному наследию, традициям, обычаям, культуре, религиям народа Узбекистана;
- привитие уважения к Государственному гербу и Государственному флагу Республики Узбекистан, основанным на героической истории узбекского народа;
- воспитание в духе национального взаимодействия и дружелюбия, монолитного единства народа, интернациональное воспитание;
- привитие любви и уважения к узбекскому языку, другим языкам народа Республики Узбекистан;
- физическое воспитание, организация выполнения оборонно-спортивных комплексов и нормативов; воспитание уважения к Вооруженным Силам и защитнику Отечества, воина;
- формирование у юношей морально-психологической и физической готовности к выполнению ими конституционной обязанности по защите страны;
- убеждение в необходимости для Узбекистана мира и международного сотрудничества.

Военно-патриотическое воспитание по своей направленности относительно общества выполняет свою главную социальную функцию - функцию активного, целенаправленного воздействия человеческого фактора на укрепление обороноспособности страны. По отношению к индивиду, классу или социальной группе исследуемая воспитательная система выполняет роль планомерного влияния на формирование гармонически развитой личности и, главным образом, ее оборонного сознания, чувства исторической ответственности за судьбы Родины, постоянной готовности к ее вооруженной защите.

С социологической точки зрения, как видно, можно говорить о собственно воспитательных функциях рассматриваемой системы. К ним следует отнести, во-первых, функцию военно-политической ориентации и формирования оборонного сознания, в процессе осуществления которой у подрастающего поколения формируются чувства патриотизма, политической бдительности, глубокое понимание каждым человеком своей социальной роли в укреплении обороноспособности страны и Вооруженных Сил, осознание этой роли как гражданского и воинского долга. Во-вторых, это функция формирования готовности трудящихся, особенно молодежи, к ратному труду защиты своего Отечества, глубокого осознания возрастания социальной значимости воинской службы, любви к Вооруженным Силам, профессии офицера, привитие морально-психологического иммунитета к трудностям, устойчивости поведения личности в экстремальных условиях воинской деятельности. В-третьих, следует отметить коммуникативную функцию, заключающуюся в обеспечении преемственности социального опыта старшего поколения в сфере вооруженной защиты Отечества. И, наконец, в-четвертых, функция формирования нравственных качеств, необходимых для защиты Родины, посредством чего создаются героико-нравственные духовные идеалы.

Думается, что все вышеназванные функции отражают основные составные компоненты процесса воспитания (политическое, трудовое, нравственное), их преломление в такой важнейшей области человеческой деятельности, как вооруженная защита Отечества. Безусловно, все функции диалектически взаимосвязаны между собой, взаимопроникают и дополняют друг друга. В то же время каждая из них имеет и свою качественную определенность.

Названные функции обуславливают и основные направления военно-патриотического воспитания. К ним можно отнести: широкую пропаганду необходимости защиты Отечества, политики Российского государства, направленной на обеспечение высокой обороноспособности страны, разоблачение агрессивных замыслов наиболее реакционных кругов; формирование у юношества любви к Вооруженным Силам и воинской службе, информирование широких слоев населения о новых качественных изменениях, происходящих в военном деле, российской военной доктрине, профессии офицера и так далее; воспитание молодого поколения страны на боевых традициях русского народа, армии и флота; формирование у всех; людей высоких морально-психологических и нравственных качеств, необходимых для вооруженной защиты Отечества; овладение военными знаниями, умениями и навыками; физическое совершенствование личности, подготовка ее к перенесению возросших трудностей воинской службы.

Военно-патриотическое воспитание в учебных заведениях проводится с целью: формирования у молодежи верности Республике Узбекистан, своему народу, глубокого уважения к истории и традициям Родины; воспитания молодежи в духе безусловного выполнения требований законов, указов Президента, постановлений Олий Мажлиса и правительства Республики Узбекистан; пропаганда героических традиций народов Узбекистана, воспитания у молодежи любви к воинской службе и армии, высоких морально-боевых качеств, личной ответственности за выполнение требований Воинской присяги и воинских уставов, а также дисциплинированности, смелости, находчивости, инициативы и готовности к защите своего Отечества.

Вузовская образовательная среда, сочетая в себе науку и строгий академизм, создает условия для формирования и всестороннего развития личности будущего военного, который станет не просто специалистом в своей профессии, но и полноценным и полезным членом

социума. Ведущая роль в формировании гражданского мировоззрения молодого поколения принадлежит образованию, конкретно, педагогу, который обязан помочь молодежи в формировании осознанной гражданской позиции.

Отметим, что учебный процесс в вузах во многом зависит от ценностных ориентаций молодежи. Мотивация качественной учебы с целью в дальнейшем быть полезным гражданином страны, защитником ее государственных интересов формирует патриотические основания бытия поколения, от которого всецело зависит будущее страны.

Содержанием военно-патриотического воспитания в высших учебных заведениях является: разъяснение конституционной обязанности граждан Республики Узбекистан по защите своего Отечества; ознакомление с решениями правительства по вопросам дальнейшего укрепления оборонной мощи Республики Узбекистан; уяснение задач, решаемых Вооруженными Силами Республики Узбекистан, их назначения, характера и особенностей; изучение и усвоение основных требований Законов Республики Узбекистан «О всеобщей воинской обязанности и военной службе», «Об альтернативной службе», Воинской присяги и воинских уставов; разъяснение целей и задач допризывной подготовки юношей; овладение военными и военно-техническими знаниями и практическими навыками в объеме подготовки молодого солдата; пропаганда боевых традиций предшествующих поколений.

Формами и методами военно-патриотического воспитания учащихся на занятиях и во внеучебное время могут быть: лекции, доклады, беседы о достижениях и успехах независимой Республики Узбекистан, о ее Вооруженных Силах, о боевом наследии великого Амира Темура; встречи с ветеранами войны и труда; встречи с воинами-узбекистанцами, выпускниками школы – отличниками боевой и духовно-просветительской подготовки; тематические вечера, посвященные памятным датам; тематические конференции по военно-патриотической тематике; экскурсии; просмотр кинофильмов, телепередач на военно-патриотическую тематику и их коллективное обсуждение; коллективное обсуждение книг, встречи с их героями (прототипами), писателями, учеными и др.; посещение музеев, мемориальных комплексов, братских могил воинов, погибших в войнах; участие в различных военно-спортивных соревнованиях и играх; организация выставок, смотров и конкурсов на лучшее сочинение, рассказ, рисунок на военно-патриотическую тематику.

Эффективность системы военно-патриотического воспитания заключается в полной реализации социальной цели - содействия дальнейшему укреплению обороноспособности страны, выражающемуся в формировании у различных социальных групп трудящихся, и особенно молодого поколения, всей совокупности высоких мировоззренческих, морально-психологических, героико-нравственных, физических и военно-профессиональных качеств, необходимых для выполнения своего патриотического воинского долга. Это дает возможность перейти к поиску конкретных показателей, критериев воспитательного процесса.

Проявляя бережное отношение к накопленному опыту, нельзя вместе с тем не видеть, что ныне одним из важнейших требований перестройки является совершенствование системы показателей эффективности деятельности, сориентированной на конечный результат.

Подводя итоги, отметим, что военно-патриотическое воспитание — это систематическая и целенаправленная деятельность органов государственной власти и организаций по формированию у граждан высокого патриотического сознания, чувства

верности своему Отечеству, готовности к выполнению гражданского долга и конституционных обязанностей, по защите интересов страны.

Хотелось бы также отметить, что в решении проблем военно-патриотического воспитания современного поколения должна в первую очередь принимать участие сама молодежь, осознавая всю важность своего участия в жизни Родины, любить, знать и уважать ее культуру, традиции и историю. Однако направлять действия молодежи в нужное русло должно как государство, так семья, школа и вуз. И их основная задача заключается во взаимодействии с целью формирования национального самосознания, гражданственности и патриотизма у современной молодежи.

Литературы

1. Конституция Республики Узбекистан. - Ташкент, 1992.
2. Закон Республики Узбекистан «О государственной молодежной политике». - Ташкент, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Вместе мы построим свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан. - Ташкент, 2017.- 56с.
4. Постановление Кабинета Министров от 23 февраля 2018 г. № 140 «Концепция воспитания молодежи в военно-патриотическом духе». - Ташкент, 2018.
5. Куранов М. Об основных направлениях обеспечения гражданско-патриотического воспитания студентов. - Ташкент, 2016.- 180с.
6. Лутовинов, В.И. В патриотизме молодёжи – будущее России / В.И. Лутовинов. – М.: «Фонд Андрея Первозванного», 1999.– 94 с.
7. Мусина В.Е. Патриотическое воспитание школьников: Учебное пособие. - Белгород, 2013.- 156с.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА З.М. БОБУРНИНГ ИЛМИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Абдуллаева М., Туракулова М.

ТДПУ ўқитувчилари

Захириддин Муҳаммад Бобур Андижонда туғилиб ўз юртида яшаш насиб этмаган буюк бир сиймодур. Бобурнинг ҳаёти, ижоди нафақат ёшларга балки бутун Ўзбекистон халқига ибратдир. Чунки бутун бир умрида ўзга юртда шох бўлиб, ҳеч нарсадан ками кўсти йўқ бўлиб яшаган бўлса ҳам, ўз юртига талпиниб, бир сиқим тупроғига зор бўлиб яшаган шохдир. Бобурнинг ҳаёти ижодини ибратлилиги шундаки, у ўз юртини севишлиги, ватанпарварлиги, юртига фидойий инсон сифатида бугунги ёшларимизга ўрнак бўладиган буюк бир шахсдир. Унинг ҳаётида, ижодида ватанпарварлик руҳи уфириб турибди. Биз бундан ўрнак олиб ёшларимизга ватанпарварликни унинг асарлари орқали сингдириб боришимиз жоиздир.

Мухтарам Президентимиз 2017 йилда Андижон вилоятига ташрифи давридаги маърузасида Бобур шахсига юксак баҳо бериб, “Бобур Мирзо халқимизнинг буюк фарзанди. Адабиёт, илм, маърифат нуқтаи назаридан у ҳамон яшайпти. Ўзлигимизни англаб, буюк тарихимизни ёшларимизга тушунтирсак, илм-маърифатни ривожлантирсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз” дея эътироф этганлар. З.М. Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида алоҳида тўхталиб, айниқса, андижонликлар Бобурни чуқур билишлари кераклиги ҳақида айтиб “нима учун Бобур йили қилмайсизлар” деб 2017 йилни Андижонда “Бобур йили” деб атаб бергандилар.

Шунинг учун Андижонда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлганларнинг барчаси Бобурни ҳаёти ва ижодини ўрганиши кераклиги бўйича “Йўл хариталари” ишлаб чиқилган.

Мактабгача таълим ёшидан бошлаб болаларни ёш хусусиятларини, имкониятларини инобатга олган ҳолда бобомиз Бобур ҳақида илк тушунчаларни бериб боришимиз белгиланган. Унда унинг болалик даври эртаксифат қилиб етказилиши, рубойи, ғазалларни ёд олдириш, машғулотлар, ўйинлар, байрам эрталиклари орқали етказиш назарда тутилган.

Энг муҳими эса бизнинг буюк бобокалонимиз Бобурнинг ҳаёти ва ижодини нафақат биз, авлодлар, балки бутун дунё томонидан ўрганилаётгани, эътироф этилаётганидир. Зотан, уларнинг вориси бўлишимизнинг ўзи биз учун фахрдир.

Мактабгача таълим ёшидан бошлаб Бобурийлар сулоласини тушунтиришимиз мумкин. Шу билан бирга мактабгача таълимнинг “Илк қадам” дастурида бола ўзи яшаб турган оила, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, вилоят ва Ўзбекистон ҳақида тушунчага эга бўлиши керак кўрсатилган. Бунда Бобурнинг “Бобурнома” асаридаги Андижонга берган таърифидан фойдаланиш мумкин, Андижоннинг унумдор ерлари, турли мевалари, полиз экинлари ҳақида тушунтириш керак бўлади. Шунда дастурда белгиланган бир нечта вазифаларни бажариш мумкин. Биринчидан яшаш жойи, мевалар, полиз экинлар, ер хосилдорлиги ҳақида тушунчага эга бўлади.

Ҳазрат Бобур ҳаётини болаларга ўргатганимизда нафақат ватанпарварлиги, юртга талпиниши балки маънавият ва марифатпарвар инсон сифатида унинг одамийлик ҳислатларини ҳам ибрат қилиб ўргатиб бориш зарур. Мактабгача таълим ёшдаги болаларга унинг ниҳоятда ростгўй инсон эканлиги тушунтириб ибрат қилиб кўрсатиш керак.

Бобур болалигиданоқ давлат ва иқбол нурларидан келажаги манглагидан билиниб турарди. Унинг онаси, опаси, қариндош уриғларига, айниқса, аёлларга ўта ҳурмат билан қарашлиги, меҳру-муҳаббатли бўлишлиги ибрат олишга арзийдиган ҳислатдир.

Ҳафта мавзуси: Ўзбекистоннинг буюк сиймолари

Гуруҳи: Катта ва тайёрлов

Фаолият тури: Бадиий адабиёт, нутқни ривожлантириш, санъат

Мавзу: Шох ва шоир Захриддин Мухаммад Бобур.

Мақсад: Болаларга бадиий адабиёт ҳақида тушунча бериш, шоир ёзувчилар ижоди билан таништириш. Бадиий адабиёт ва шериятга қизиқиш уйғотиш.

Таълимий мақсад: Захриддин Мухаммад Бобурнинг давлатни бошқариш ва адабиётга қўшган улкан ҳиссаси асарлари ва уларнинг мазмун моҳияти бўйича қисқача маълумотлар бериш.

Тарбиявий мақсад: Тарбияланувчиларда ватанпарварлик туйғуларини шакиллантириш, З.М.Бобур асарларига бўлган ҳурматни сингдириш.

Ривожлантирувчи мақсад:

Хотирани мустақил фикрлашни ўстириш. Асарлар моҳияти бўйича шахсий фикрларини ўртоқлари билан ўртоқлашишга ўргатиш.

Керакли жихозлар: З.М.Бобур ва асарларига ишланган миньатуралардан наъмуналар. Аудио китоблар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи З.М.Бобур портрети жойлашган жойда туриб, азиз болажонлар бугун буюк боболаримиздан бири Захриддин Мухаммад Бобур тўғрисида суҳбатлашамиз дейди. З.М.Бобур ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни айтиб беради. Яъни: Бобур подшоҳ, лашкарбоши, истедодли шоир ва ёзувчи, олим, тарихчи бўлган. У ниҳоятда ботир, жасоратли, пахлавон эди. У Андижонда туғилган. Унинг отаси Умаршайх Мирзо Фарғона хокими бўлган. Бобурнинг зехни жуда ўткир ва у мусиқа эшитишни яхши кўрар

эди. У ёшлигиданоқ камонда ўқ отиш ,киличбозликдан мукамал сабоқ олган. З.М.Бобур 12 ёшга кирганда Фарғона вилоятининг хукмдори этиб тайинланган.

Бобур бобомиздан бизга қадар ажойиб мерос шеърый китоблар асарлар этиб келган. Унинг асарлари ниҳоятда мазмунли ва бебаҳо дурдонадир. Унинг кўплаб ғазаллари куйга солиниб кўшиқ қилиб куйланган.

Келинлар болажонлар хозир ўзбек санъатининг энг машхур ижрочиларидан бири Озодбек Назарбеков ижросидаги З.М.Бобурнинг асарлари асосидаги кўшиқлардан бирини тинглаймиз. (аудио таронаси берилади)

Болажонлар энди китоб жавонимизга бугун Сизлар учун қўйилган З.М.Бобурнинг “Бобурнома” китоби ҳақида айтиб бермоқчиман. Бу китобда бобомиз ўзининг бутун ҳаёти давомида бошдан кечирган воқеа ва ходисаларни баён этганлар. Унда Андижон ҳақида, унинг табиати, одамлари, турмуш тарзи тўғрисида бир қатор аниқ маълумотлар берилган. Хозир мен сизга унинг узоқ Хиндистон юртида яшаб турган ва хукмдорлик давридаги Ватан соғинчини ифода этган хикоятларидан бирини айтиб бераман.”Қовун иси” ҳақида расмлар кўрсатилган хикояни баён этади.

Болажонлар бобомиз рубоийларидан ёд олганларимизни эслайлик.

1 - бола:

Кунгли тилаган муродиға етса киши

Ё барча муродларни тарк этса киши

Бу икки муяссар ўлмаса оламда

Бошини олиб бир сориға кетса киши.

2 –бола:

Ҳар кимки вафо қилса вафо топкусидур!

Ҳар кимки жафо қилса жафо топкусидур!

Яхши киши кўрмағай ёмонлик харгиз

Ҳар кимки ёмон бўлса жазо топкусидур!

Болажонлар Бобомиз юртдан узоқда яшасада доим юртини ардоқлаган , севган.

Келинлар болажонлар энди буюк бобомиз тасвирлаган гўзал Андижонимизда етиштириладиган тилни ёрадиган даражада болдек ширин мевалар ва полиз экинларининг расмларини чизамиз.

ПАТРИОТИЗМ В ЛИЧНОСТИ И ТВОРЧЕСТВЕ ЗАХИРИДДИНА МУХАММАДА БАБУРА

Алижонов А.Т., Тураева Д.Р.
Узбекистан, Академия МВД РУз

В 2021 году исполняется 538 лет со дня рождения великого полководца Захириддина Мухаммада Бабура. Его имя в истории Узбекистана стоит наравне с такими деятелями политики и военного дела как Джалоддин Мангуберды, Амир Тимур, Мирзо Улугбек, Алишер Навои.

За огромные достижения в военном искусстве и создании империи Бабуридов в Индии его прозвали «Тимуридский царевич».

Бабур родился в семье тимуридского принца Умаршейха – правителя Ферганской области в 1483 году в разгар междоусобной борьбы различных тимуридских правителей в

Средней Азии, и в Хорасане за передел обширной территории созданного Амиром Тимуром государства. В возрасте 12 лет после трагической гибели своего отца Бабур становится новым правителем и вступает в борьбу за власть в Мавераннахре. В течение 1494-1496 годов, будучи еще подростком, он участвует в сражениях за Самарканд и впервые встречается на поле боя со своим самым сильным врагом - Шейбаниханом, который оказал огромное влияние

на дальнейшую судьбу З.М.Бабура. Предводитель кочевых узбеков Мухаммед Шейбанихан, умело воспользовавшись неурядицами и политическими междоусобицами среди правителей Мавераннахра и Ферганы, в 1504 году овладевает Самаркандом, Андижаном и Ташкентом, тем самым вынуждает Бабура покинуть эти территории и обосноваться в Кабуле и Бадахшане. Неоднократные попытки Бабура в 1505-1515 годах вернуть «подвластные владения» государства Тимуридов окончились полной неудачей. В результате он направился на Индию. В 1526 году в битве при Панипате, к северу от Дели, делийский султан Ибрахим Лоди потерпел поражение и Бабур стал правителем Северной части этой страны. [1]

Большую часть своей жизни великий полководец провёл в военных походах и сражениях. В последующие годы он упорно стремился создать в Мавераннахре крупное централизованное государство, объединив его разрозненные области и создать новое великое государство Тимуридов, но планы полководца не увенчались успехом. Его мечтам суждено было осуществиться в Индии, куда он отправился со своими войсками в 1526 году. В этой стране Бабуру удалось создать основу для своей империи, которую позже в западных источниках называли «Империей великих моголов». Она просуществовала около 300 лет - до XIX века.

Идеи Бабура проповедовали установление согласия между народами, а также внедрение просвещения во все слои населения. Как и другие тимуридские правители Бабур в своей столице Агре собирает вокруг себя немало выдающихся писателей, поэтов, музыкантов и художников того времени, тем самым, способствуя развитию науки и культуры. Наряду со своей военной и политической деятельностью З.М.Бабур был ярким представителем искусства того времени. За свою 47-летнюю жизнь он оставил многогранное и богатое литературное наследие. В его стихотворениях реалистически отражены исторические события той эпохи, его личная жизнь, окружающая среда, отношение к человеку, религии и обычаям. Перу известного поэта принадлежит одно из самых известных в мировой литературе восточных произведений «Бабурнаме», снискавшее мировую признательность, оригинальные и прекрасные лирические четверостишия (газели, рубаи), трактаты по мусульманскому законоведению («Мубайин»), поэтике («Аруз рисоласи»), а также специальный алфавит «Хатт-и Бабури». «Бабур-наме» является ценным источником по изучению истории, культуры, искусства, музыки, военного дела, быта народов, флоры и фауны тех областей, которые посещал Бабур. Туда вошли его личные записи, дневники, которые вел поэт на протяжении всей своей жизни. Литераторы отмечали, что стихи Бабура - это его автобиография, в которых поэтическим языком трогательно излагаются глубокие чувства, мастерски рассказывается о переживаниях, порожденных в результате столкновения с жизненными обстоятельствами. Об этом красноречиво говорил сам поэт:

Каких страданий не терпел и тяжких бед, Бабур? Каких не знал измен, обид, каких клевет, Бабур? Но кто прочтет «Бабур-наме», увидит сколько мук И сколько горя перенес царь и поэт Бабур. Лирика поэта пропитана вдохновенной поэзией Алишера Навои. Известна переписка Бабура незадолго до смерти основоположника узбекского языка и литературы.

Также в его произведениях особое место занимает тема Родины, в ней с большой впечатляющей силой выражены тоска по родной земле и беспредельная любовь к родным просторам: Ты на чужбине - и забыт, конечно, человек! Жалеет только сам себя сердечно человек, В своих скитаньях ни на час я радости не знал! По милой родине скорбит извечно человек. В своих газелях и рубаи поэт поднимает такие проблемы человеческих взаимоотношений, как любовь, дружба, стремление к прекрасному, благородству, человечности и т.д. Земную любовь он воспеваает как самое высокое человеческое достоинство. Бабур утверждает, что ради свидания с возлюбленной он готов вынести любые трудности. Без нее он не представляет себе жизни. С большой искренностью поэт выражает готовность пожертвовать ради любви самим собой, всем своим существом. Любовь для Бабура превыше богатства, общественного положения и земных благ.

Центральное место в творчестве Бабура занимает бесценный литературный памятник на узбекском языке под названием «Бабурнаме». Это исторический труд, который востоковед В.Бартольд назвал «лучшим произведением тюркской прозы». Книга была завершена в Индии и носит в основном автобиографический (мемуарный жанр) характер, отражает историю народов Центральной Азии конца XV -начала XVII веков. По совокупности сведений и их достоверности «Бабурнаме» является самым важным и ценным историко-прозаическим трудом, не имеющим себе равных среди аналогичных сочинений, написанных в средние века в Средней Азии, Иране, Афганистане и Индии. По богатству и разнообразию материала, по языку и стилю оно стоит выше любой исторической хроники, составленный придворными летописцами того времени. Не удивительно поэтому, что в разные времена этот труд привлекал пристальное внимание ученых всего мира. «Бабурнаме» посвящен описанию деятельности поэта, его удачных и неудачных военных походов, изложению всех перипетий его жизни.

Бабур был одним из величайших людей своего времени. Великие литературные творения З.М. Бабура обессмертили его имя в века. Интерес к замечательным творениям поэта во всем мире возрастает год от года.

Список литературы

1. Захириддин Мухаммад Бабур: полководец, политик, поэт. [Электронный ресурс]. Режим доступа:
2. <https://www.advantour.com/rus/uzbekistan/culture/literature/babur.htm/> (дата обращения: 2.02.2021).

BOBUR IJODIDA VATANPARVARLIK G‘OYALARINING MA’NAVIY-TARBIYAVIY AHAMIYATI

Babadjanova Sh.Sh.

Toshkent Davlat Stomatologiya instituti katta o‘qituvchisi, falsafa fanlari nomzodi

Yusupova D.D.

O‘zbekiston Respublikasi Milliy Gvardiyasi Harbiy-texnik instituti dotsenti v.b., falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Vatan mavzusi Bobur ijodida markaziy o‘rinlardan birini egallaydi. Boburning Movarounnahrni bir qo‘l ostida birlashtirish, unda tartib o‘rnatish yo‘lidagi intilishlari muvaffaqiyatsizlikka uchraydi. Bobur ancha umidsizlikka tushib azoblanadi. Ayrim feodallarning doim boshboshdoqlikka intilishlari, o‘z beklari va amaldorlarining xiyonatlari unga qattiq ta’sir qilib, ruhini qiynaydi. Shuning uchun ham, Boburning ayrim she’rlarida o‘z yurtidagi odamlardan,

bevafo yaqinlaridan umidsizlik kayfiyatlari ifodalanadi, xafalik ohanglari eshitiladi. Buni quyidagi misradan bilishimiz mumkin:

*Diyoru yordin Bobur jafou javr ko'rdi,
Xush ulkim yoddin qat' aylabon tarki diyor etsa [1, 18].*

Bobur o'z davrining yirik hukmdori, mohir sarkarda, chuqur bilim egasi bo'lishiga qaramay, uning hayotining ko'p qismi, taqdiri, o'z ota-yurtidan uzoqda, Hindiston, Afg'oniston kabi o'lkalarda kechadi. Garchi u yerlarda shohlikda hayot kechirgan bo'lsa-da, o'z diyoriga yetishni orzu qiladi, taqdirning achchiq qismatiga faryod etib, nola qiladi, o'z ona-tuprog'ida, o'z yurtida bo'lishni istardi. Binobarin, Bobur she'riyatidan ana shu ona-yurtga intilish tuy g'usi chuqur o'rin olgan:

*Tole' yo'qi jonimg'a balolig' bo'ldi,
Har ishniki ayladim, xatolig' bo'ldi.
O'z erni qo'yib Hind sori yuzlandim,
Yorab, netayin, ne yuz qarolig' bo'ldi [1, 89].*

O'z yurtidagi talon-taroj urushlardan bezor bo'lgan Bobur Afg'oniston, Hindiston o'lkalariga kirib boradi. Bu o'lkalarni egallaydi. Ammo shu qilayotgan ishlaridan istihola qiladi, tarix oldida «yuz qarolig' bo'ldi», deb iztirob chekadi. Bobur chekka o'lkalarda o'zini yolg'iz, o'z yurti va xalqidan ayriliqda sezadi. U o'z yurtiga intiladi, u yerda kechirgan hayotining abadiy emasligiga ishongisi kelar edi:

*Ko'pdin berikim yoru diyorim yo'qtur,
Bir lahzavu bir nafas kirorim yo'qdur,
Keldim bu sari o'z ixtiyorim birla,
Lekin borurimda ixtiyorim yo'qtur [1, 108].*

– deya Vatan firoqida, yurtini sog'inib, qattiq iztirob chekadi.

Demak, Bobur Afg'oniston va Hindistonda ulkan saltanat sohibi bo'lishiga qaramasdan, o'zini diyoridan ayrilgan bir g'arib hisoblaydi. Tarixiy sharoit vataniga qaytish uchun imkoniyat bermayotganidan afsus-nadomatlar chekadi.

Bobur asarlarida o'z zamonasidan norozilik, taqdirga qarshi achchiq nolishlar aks etgan. Boburning noroziligi, ayniqsa, begona yurtlarga borib qolganda, vatanni sog'inib yurgan kezlarida keskin tus oladi. Bobur vatandan ayrilib, o'zga yurtlarda kishi hech mahal baxtli bo'lolmasligi, u yerda qancha ezgu ishlar qilmasin, unga haqiqiy quvonch bera olmasligi tarixiy haqiqat ekanligini anglab yetadi. Bunga u o'zining achchiq qismatini isbot sifatida keltiradi:

*Yod etmas emish kishini g'urbatda kishi,
Shod etmas emish ko'ngulni mehnatta kishi,
Ko'nglum bu g'ariblikda shod o'lmadi, oh,
G'urbatta sevinmas emish, albatta, kishi [1, 74].*

Boburning bu fikrlari Navoiyning quyidagi ruboiysida bayon qilingan fikrlarga juda yaqin keladi:

*G'urbatda g'arib shodmon bo'lmas emish,
El anga shafiq-u, mehribon bo'lmas emish,
Oltin qafas ichra gar qizil gul butsa,
Bulbulga tikondek oshyon bo'lmas emish.*

G'ariblikda hech kim shodmon yasholmaydi, el ham unga xayrihoh bo'lmaydi, bulbulga oltin qafasdan ko'ra, o'z oshyoni-tikan afzaldir. Ko'rinib turibdiki, Navoiy va Bobur vatan har bir inson uchun unga xayrixoh bo'lmaydi, bulbulga oltin qafasdan ko'ra, mushtarak fikr bayon qiladilar. Agar Navoiy daho mutafakkir sifatida bunga ichki bir ishonch hosil qilib, bashorat qilgan bo'lsa,

Bobur o'z boshidan kechirgan achchiq qismati tajribasidan kelib chiqqan holda ta'kidlaydi.

Demak, har ikkala mutafakkir ham, o'zga yurtlarda podshoh bo'lgandan ko'ra, o'z yurtida gado bo'lgan afzal, degan xu- losaga keladilar. Boburning bu g'oyasi, birinchidan, hozirgi davrda yoshlarni yuksak vatanparvarlik ruhida tarbiyalash uchun katta tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lsa, ikkinchidan, o'z vatanining qadriga yetmasdan, o'zga yurtlarda vatanfurushlik qilib yurgan vatangado g'alamislarga qarshi kurashda muhim g'oyaviy qurol bo'lib xizmat qilishi mumkin.

G'am va iztirob chekaverib shoir Vatanga qaytib, bir xilvat joyda, odamlarga ko'rinmay yashashini shohlikdan ustun qo'yadi:

*Go'shae tutsam, jahonning ahlidin, g'am ko'rmasam,
Istardim, el ko'rmasa meni-yu, men ham ko'rmasam [1, 125].*

Bobur o'z Vatani tashlab, o'ziga sodiq uch yuz kishilik qo'shini bilan Andijondan chiqib ketadi va shunday yozadi:

*Bormoqqa ne maskan muyassar,
Turmoqqa ne davlat muqarrar [2, 64-65].*

U o'z yurti Andijonga qaytib kelishni juda ham qo'msar edi. U Farg'onani mumkin qadar tiklash, Andijonga qaytish umidida 14 yil qulay fursat kutadi. 19 yoshida Qobulni, 40 yoshida Hindistonni qo'lga kiritgan sarkarda g'alabalarga erishganda ham, mag'lubiyatga uchraganlarida ham Vatan tuprog'i, Vatan sog'inchi uni tark etmagan.

Shuni ta'kidlash kerakki, Bobur o'z saroyidagi Andijondan keltirilgan buyumlarni mehr bilan ko'zdan kechirardi, ayniqsa o'z ona diyorida qovun keltirishganda, bu qovunni ko'zlariga surtib, Vatan sharafiga katta ziyofat uyushtiradi. Bobur Vatan ishqida yonadi.

Boburdagi Vatanga talpinish xorijiy mamlakatlarga turli hayot qi-yinchiliklari sababli, ketib qolgan, o'z ona yurtiga qayta olmay, aziyat chekayotgan ko'plab o'zbeklarning ham ruhiy kechinmalarini ifodalay oladi.

U quyidagi fardda Vatanning shildirib oqib turadigan suvini, uzumini, qovunini sog'inib, yig'lab o'tganini nozik o'xshatish va mahorat bilan yozadi:

*Qovun birla uzumning hajrida ko'nglumda g'am har so',
Oqar suvning firoqidin ko'zumdin har dam oqar su [1, 128].*

U tug'ilgan shahri Andijonni bir umr qo'msaydi. Uning obi havosi, mevalari, parrandalari haqida iztirobli sog'inch tuyg'usi bilan yozadi. Masalan, Andijon bahori haqida shunday yozadi: «Oqar suvlari bor, bahori bisyor yaxshi bo'lur, qalin lola va gullar ochilur» [2, 6]. Andijon qushlari hamda u erda etishtiriladigan hosil haqida bunday yozadi: «Oshligi vofir, mevasi farovon, qovun va uzumi yaxshi bo'lur» [2, 5], «Ovi qushi dag'i ko'p bo'lur, qirg'ovuli behad semiz bo'lur. Andoq rivoyat qiladilarkim, bir qirg'ovulni oshginasi bila to'rt kishi yeb tugata olmaydur» [2, 6].

Bobur Vatanga qaytishni, uni ko'rishni qancha xohlasa, taqdir uni Vatandan shuncha uzoqlashtiradi. Bobur ayriliq cho'lida jahd bilan yelib-yugurgani va shirin suvga yetishdim deb, sarobga yetishgandek qiynalib noiloj orqasiga qaytganligini, quyidagi satrlarda ko'rishimiz mumkin:

*Hijron cho'lida jahd bila po'yalar urub,
Istab zuloli vasl yetishdim sarobqa,
Chun xost mundoq erdiki, hajringni chekkamen,
Bexost raj'at aylamisham Andorobqa [1, 113].*

«Bobur latofatli, ko'rkam Qobulni egallagan bo'lsa-da, Amudaryoning naryog'idagi tanish qirg'oqlarni qo'msar, ulardan umidini uzmas edi. Uning yuragida doimo o'z ona yurtiga nisbatan sog'inch, muhabbat yotar edi», — deb ta'kidlaydi tadqiqotchi H.Yoqubov [3, 27]. Agradaligida yozgan mana bu satrlarida ham Boburning Vatanga bo'lgan tashnligi o'z ifodasini topgan:

Umr hamma firoq-u, hijronda o'tdi g'amu g'ussa bila,

*Bu qiymat baho umr arzon o'tdi ranju alamda.
Samarqand, Hirotda o'tmagan umr ayshu ishrat-la
Afsus, Agrada vayron bo'ldi, jabru sitam-la [4, 121].*

Yana shuni ta'kidlash lozimki, Bobur garchi o'z Vatanini sog'ingan bo'lsa ham, Qobulni joni dili, qalbi bilan sevgan. Hayotning ko'pgina yaxshi damlari, quvonchli kunlari o'sha yerda o'tgan. U Qobulni joni dili bilan sevsada, jannatga teng keltirsa-da, goho Qobul bahori ham uni xursand etmaydi. Vatan jamoliga teng kelolmaydi:

Shunisi muhimki, Bobur faqat o'z merosiy mulki bo'lgan Farg'ona ulusini emas, balki, butun Movarounnahr va Xurosonni o'z vatani deb bilgan. Shu jihatdan u o'z asarlarida Farg'onani qanday sevgan va sog'ingan bo'lsa, butun Movarounnahr, Xurosonni ham shunday sog'inch bilan qo'msaydi.

*Ey bodi sabo, ayla Xurosong'a guzar,
Mendin degil ul yori parishong'a xabar,
Necha safar o'z ko'nglung uchun qilg'aysen,
Emdi bizning uchun ayla ul yong'a safar [5, 181-182].*

Boburning vatanga bo'lgan bitmas-tuganmas muhabbatini bayon qiladigan muhim jihat shundaki, u o'z vatanida noahil va bevafo amirlar va beklardan ko'p jaf o'rib, darbadarlikka uchragan, vatanidan judo bo'lgan va Qobul ulusida o'z hokimiyatini o'rnatib, hatto uni podshohlik, deb e'lon qilib, nisbatan tinch va farog'atda umr kechirgan bo'lsa ham, u yerda muqim qolish niyati bo'lmagan. Doim o'z yurtiga qaytish orzusida bo'lgan:

*Beqaydmenu xarobi siym ermasmen
Ham mol yig'ishtirur laim ermasmen,
Qobulda iqomat etti Bobur dersiz,
Andoq demangizlarki, muqim ermasmen [5, 76].*

Boburning Movarounnahr va Xurosonga qaytish va unda temuriylar saltanatini tiklash orzusi umrining oxirigacha ham uni tark etmaganligini 1528 yilda Humoyunga yozgan maktubi ham isbotlaydi: «Agar tengri inoyati bila Balx va Hisor viloyati muyassar va musahhar bo'lsa, Xisorda sening kishing bo'lsun, Balxta Komronning kishisi bo'lsun. Agar tengri inoyati bila Samarqand ham musahhar bo'lsa, Samarqandta sen o'lturg'il» [2, 383].

Bobur begona yurtlarda Vatanini, xalqini qattiq sog'inar, qarindosh-urug'lari diydorini qo'msab azob chekar edi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, Bobur o'zga yurtlarda podshoh bo'lgan bo'lsa ham, ona diyorini, Vatanni hech ham esdan chiqarmaydi. O'zbek xalqining ko'p asrluk hayotiy tajribasi asosida aytilgan «O'zga yurtda sulton bo'lguncha, o'z yurtida cho'pon bo'l» maqoli nihoyatda to'g'ri ekanligi Bobur hayoti va ijodi misolida tasdiqlanadi. Bu esa, har bir insonda vatanparvarlik tuyg'usini uyg'otadi. Chunki o'tmishni o'rganish orqali hozirgi hayotimizni qiyoslab, erkin, farovon, mustaqil Vatanimizga mehr-muhabbat bilan qarashga chorlaydi. Bobur garchi o'z Vatanini sog'insa-da, Qobulni esdan chiqarmaydi. Chunki uning farzandlari o'sha yerda tavallud topgan edi. 1525 yilda Hindistonga safar qilganda uchinchi o'g'li tug'iladi va uning ismini Hindol deb qo'yishadi. Bobur umrining oxirgi daqiqalarida shunday deydi: «Agar meni vafotimdan keyin o'z ona yurtim Farg'onaga eltib qo'ysalar, hech qanday armonim qolmas edi. Lekin Farg'ona yiroq. Qobul ham menga ko'p yaxshiliklar qilgan. Juda ko'p yaxshi ishlar qildim, hovuzlar ochdim, chorbog'lar ochdim...» [6, 95].

H.Qudratullayevning yozishicha, Bobur tomonidan Hindiston zabt etilgan, keng mamlakat, katta boyligu, xazina, mol-mulkni qo'lga kiritgan, biroq Bobur uning lashkarlari va amiru zodagonlari kayfiyatida Vatan sog'inchini borgan sari his qila boradi. Shu bois qo'lga kiritilgan

o'lgasini tarqatib, juda ko'p jangu jadallarda hamroh bo'lgan yaqinlarining ko'nglini olishga tirishadi [6, 95].

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib aytish mumkinki, Bobur o'z hayoti davomida Vatan sog'inchida yashab, o'z she'rlari, ruboiylarida uni hamisha madh etgan. Shu bois, Boburning Vatanga bo'lgan muhabbatini tahlil etish, o'rganish bugungi yosh avlodni vatanparvar bo'lib yetishishlarida ham muhim tarbiyaviy ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Бобур шеъриятидан / Тузувчи: Саидбек Хасанов, муҳаррир Азиз Қаюмов. – Тошкент: Фан, 1982.4
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Фан, 2019.
3. Ёқубов Х. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. – Т.: Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1941. № 2.
Шамсиддин ўғли Рустамбек Ҳожи. Бобурни излаб. – Андижон: Мерос, 1993.
4. Бобур З.М. Танланган асарлар. // Сўз боши муаллифи С.Азимжонов, А.Қаюмов. – Тошкент: Ўз.Фан, 1959.

BOBURNING “MUBAYYIN” ASARI TARBIYAVIY AHAMIYATI

Bakiev M.G.

*Harbiy-texnik instituti Tarbiyaviy-mafkuraviy ishlar
bo'limi katta ofitseri*

Tarixiy kitoblarda Zahiriddin Muhammad Boburning shohlik, sarkardalik va olimlik iste'dodidan tashqari fiqh ilmini mukammal bilgani ham keltiriladi. Jumladan, Nisoriyning “Muzakkiri ahbob” (Sevimli zotlar yodnomasi) asarida Bobur haqida bunday so'zlar bor: “Fiqh masalalarini yana bir risolada mubayyan qilganki, yozuvchisi donishmandligidan nishonadir. Turkiy va forsiyda yaxshi she'rlari bordir. O'shal fiqh risolasining nomi ”Mubayyin“dir” [1].

Mirzo Bobur yetuk islomshunos olim sifatida, qolaversa, Hojagon tariqatiga bo'lgan yuksak munosabati, diniy-falsafiy sohada egallagan bilimi uni “Mubayyin”dek buyuk asar yaratishga undaganligini ko'rishimiz mumkin.

Ko'plab g'azallar, ruboiylar muallifi bo'lgan sarkarda, davlat arbobi yetuk diniy bilimlar sohibi bo'lgan Bobur Mirzo Hindistonga yurishlari davrida o'zining ushbu “Mubayyin” asarini o'z farzandlari Humoyun va Kamron Mirzolarga dasturulamal sifatida yozgan bo'lsa-da, lekin u bu bilan butun xalqqa islom dinining asosini ta'lim berishni xohlagan [2].

Asarning birinchi bobida iymon e'tiqod masalasi, iymonning shartlari batafsil yoritilgan. Ikkinchi namoz bobida esa namozning farzlari, tahorat masalasi, tahoratning farzi, sunnati, odoblari, suvlarning hukmlari, tahoratda o'qiladigan duolar, nafl va sunnat namozlar kabi masalalar batafsil yoritilgan. Shu kabi keyingi zakot, ro'za va haj masalalariga oid boblarda ham bu ibodatlarining eng nozik va ahamiyatli jihatlari hadislar asosida yoritib berilgan. Ushbu asarning matni nazmiy ya'ni she'riy ifodalanishi ham bobomiz Zahiriddin Muhammad Boburning nihoyatda yetuk shoirligidan darak beradi. Asarning duo matnlari ham ishonchli hadis kitoblardan ya'ni mashhur olti muhaddisning kitoblaridan tanlab olinganligi ham ilmiy tadqiqotlarda ma'lum bo'lgan.

Bobur Mirzo o'z faoliyati davomida arab xatini soddalashtirib “Xatti Boburiy” degan yozuvni ishlab chiqqani va shu xatda Qur'oni karimni ko'chirtirib Makkayi mukarrama ma'murlariga yuborgani ham vatandoshimiz diniy ilmlarga muhabbatli va ularni puxta egallagan olimlardan ekanligiga dalildir [1].

Buyuk ajdodlarimizning barchalari nafaqat davlat arbobi yoki shoir bo'lish bilan diniy bilimlar egasi, olimi zamon ham bo'lishganligi barchaga malum. O'z faoliyatlarida oqu - qorani, halolu - haromni, yaxshi - yomonni ajrata olishgan. Mustahkam iymon, har bir ishda halollik, adolat kabi tamoyillarga og'ishmay amal qilishlari ham balki ularning nomlari bugungi kunimizgacha tarix sahifalarida faxr-la eslanishiga sababdir.

Ma'lumki, o'rta asrlarda davlat boshqaruvida hukmdorning diniy e'tiqodi uning fuqarolari nazarida muhim ahamiyat kasb etgan. Boburiylar sulolasining barcha vakillari imon-e'tiqodi butun, insofli hamda adolatli bo'lganliklari uchun Hindiston xalqi nazarida yuksak hurmat qozonganlar.

Ushbu saltanatning asoschisi bo'lgan mohir sarkarda va davlat arbobi Zahiriddin Muhammad Bobur ham diniy e'tiqodi mustahkam va imoni butun hukmdor bo'lgan. Umrining kattagina qismi yangi jadallarga to'la holda o'tgan bo'lsa ham, u hamisha pok va halol yashashga intilar, besh vaqt namozni kanda qilmas, aql-zakovatining beqiyosligi va diniy ilohiy bilimlarining teranligi bilan olimu - ulamolar hamda din peshvolari o'rtasida katta obro' qozongan edi. U dindoshlariga va din ulamolariga hamisha hurmat e'tibor bilan qarab, ularning izzatini joyiga qo'yardi [3. 30].

"Mubayyin" asarini tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, Bobur nafaqat islom dini e'tiqodi bilan bog'liq asosiy masalalarni, iymon ruknlarini puxta egallagan, shu bilan birga, u e'tiqodli musulmon sifatida ularni qanday bajarish shartlarining ikir-chikirlarigacha bayon qilgan. Bobur uchun muhimi ushbu masalalar bo'yicha ma'lum bilimga ega bo'lish emas, balki ularga amalda rioya qilish zarurligidir.

"Mubayyin" asarining islomshunoslikdagi yana bir ahamiyati shundan iboratki, u islom xuquqshunosligi hisoblangan fikr ilmi uchun XVI asrda turkiy tilda yaratilgan muhim manbalardan biri hisoblanadi.

Bundan tashqari ushbu nodir asarda Bobur o'zining siyosiy, davlat boshqaruviga doir va huquqiy munosabatga oid qarashlarini bayon etadi.

Zahiriddin Muhammad Bobur buyuk davlat arbobi va ilg'or ma'rifatparvar mutafakkir sifatida o'ziga xos siyosiy qarashlarni ilgari surgan. Uning siyosiy qarashlarida markaziy o'rinni jamiyat va davlat boshqaruvi egallaydi. Bobur davlatlar haqida fikr yuritar ekan, ularni ikki turga ajratgan:

1. Adolatli, markazlashgan davlat;
2. Adolatsiz, tarqoq davlat.

Hamisha adolatli, markazlashgan davlat tarafdori bo'lgan Bobur, davlatni adolatparvar, ma'rifatparvar podshoh boshqarishi lozim, deb hisoblagan. U adolatsiz, tarqoq davlat haqida salbiy fikr bildirib, adolatsiz davlat shakllaridan biri sifatida o'sha davrda, sulton Husayn Bayqaro vafotidan so'ng Xurosonda vujudga kelgan qo'sh hokimiyatchilik ya'ni shirkat davlatni taajjublangan holda quyidagicha bayon qilgan: "... Muhammad Burundiqbek va Zunnunbek va yana Sulton Husayn mirzodin qogan va bu mirzolar bila bo'lg'on beklar yig'ilib, ittifoq qilib, Bad'uzzamon mirzo bila Muzaffar Husayn mirzoni Hiri taxtida bashirkat podshoh qildilar. Badi'uzzamon mirzo eshigida sohibixtiyor Zunnunbek, Muzaffar Husayn mirzo eshigida sohibixtiyor Muhammad Burundiqbek. Bidi'uzzamon mirzo tarafidin Yusuf Ali ko'kaldosh. Bu g'arib amre edi, hargiz podshohlikda shirkat eshutilgan emas...".

Boburning fikricha, qo'sh hokimiyatchilikning salbiy tomoni shundaki, bu har ikki podshodan birontasi ham davlatni himoya qilish, qo'shinga qo'mondonlik qilishda shaxsiy mas'uliyat va tashabbusni o'z zimmlariga olmaydi. Natijada esa, mamlakat dushman tomonidan bosib olinadi va mamlakatda parokandalik hukm suradi. Boburning ta'kidlashicha, qo'sh podsholik guruhbozlikka, turli fitna-fasodlar avj olishiga, oqibatda esa mamlakatning parchalinishi, xonavayron bo'lishiga olib

keladi. "...Ushbu asnoda Boqibek manga karrot va marrot aytur erdikim: bir viloyatda ikki podshoh va bir cherikka ikki miri sipoh mujibi tafrika va vayronlik va sababi fitna va parishonlikdur" [4. 20].

Bobur barcha narsa va voqea-hodisalar avvalo Allohning irodasiga bog'liq, davlatni, jamiyatni tubdan yaxshilash va rivojlantirish, jumladan yakka shaxsga, adolatli, ma'rifatparvar podshohga ham bog'liq, degan nuqtai nazarda bo'lgan hamda podshohlik doimo mavjud bo'lgan va bundan keyin ham shunday bo'ladi, deb hisoblagan. Boburning davlat to'g'risidagi qarashlarida adolatli, markazlashgan davlatning namunasi bu – Amir Temur saltanati, boshqaruvning eng maqbuli bu – Sohibqironning davlat boshqaruvi edi. Boburning davlatchilik faoliyatining eng asosiy yo'nalishi ham iqtisodiy, ham harbiy jihatdan qudratli markazlashgan davlat barpo qilish va uni mustahkamlash bo'lgan. U davlat boshlig'i sifatida o'z faoliyatida har doim buyuk bobosi Sohibqiron Amir Temurdan o'rnak olishga, yurt manfaatlarini ko'zlab, adolat bilan ish yuritishga harakat qilgan. Bobur davlatga, mansabga erishib, manmanlikka berilishni, oddiy mehnat ahlini unutishni qoralagan va amaldor shaxsni kamtarin bo'lishga, inson qadr-qimmatini o'ylab ish ko'rishga chaqirgan.

Ajdodlarimizning urush, uning ijtimoiy taraqqiyotga salbiy ta'siri va qo'shinni boshqarish, qo'shinni tarbiya etish to'g'risidagi qimmatli fikrlari bugungi kunda mamlakatimizdagi ixcham, zamonaviy qurol-yarog' bilan qurollangan va professional tayyorgarlikka ega bo'lgan milliy armiyamizni mustahkamlash, harbiy hizmatchilarning jangovar shayligini oshirish va ularda yuksak insoniy fazilatlarni shakllantirishda muhim manba bo'lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. www.hidoyat.uz Zahiriddin Muhammad Bobur. Mubayyin by Khurshid Davron on Scribd.
2. Абдувалиева К. Бобур фикхий асар муаллифи. <https://muxlis.uz/article.zahiriddin-muhammad-bobur>.
3. Сотимов Ғ. Бобурийлар давлати бошқарувида дин // Hidoyat.-2001.-№2.
4. Usmanova M.A., Axmedova M.T. Zahiriddin Muhammad Boburning siyosiy-huquqiy qarashlari. Risola. MG HTI. 2020.

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР МЕРОСИНИНГ ЎРНИ

Исроилов Б., Жумаев Ш.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти мустақил тадқиқотчилари

Ҳар бир авлод “Ватан” тушунчасини ўзи учун янгидан кашф этади, ўзининг ижоди ва амалий ишлари билан унинг маъно-мазмунини кенгайтиришга ҳисса қўшади. “Ватан” тушунчасининг мазмуни ва қамрови Ватандек кенг бўлиб, унга берилган таърифлар асосида туйғуларимиз туғён уради, хиссиётларимиз жунбушга келади. Чунки Ватан ва унга муҳаббат туйғуси фақат инсонгагина хосдир.

Инсон доимо Ватан тушунчасининг маъносини тушунишга интилиб, буюк аждодларимизнинг маънавий меросига мурожаат қилиш, улуғ мутафаккирлар ижодини ўрганиш бу муқаддас тушунчанинг мазмуни ва моҳиятини янада теранроқ англашга ёрдам беради.

Ватан атамаси аслида арабча сўз бўлиб, туғилиб ўсган жой, юрт маъносини англатади[1]. Ватан деганда, тасаввуримизда дастлаб инсоннинг киндик қони тўқилган

тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган маскан гавдаланади. Зеро, ҳар бир кишининг ўз туғилган ери, ўсиб-улғайган юрти бор.

Ватан кенг ва тор маъноларда қўлланади. Бир халқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг аجدодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудудни ифодалаганда у кенг маънога эга бўлади. Киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ, шаҳар назарда тутилса, бу уни тор маънодаги тушунишдир.

Ҳозирги глобаллашув шароитида Ватан тушунчасининг мазмунини англаш ҳамда ёшларда ватанпарварлик туйғусини янада юксалтиришда аجدодларимизнинг бой тарихини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Хусусан, буюк саркарда, шоҳ ва шоир Заҳириддин Мирзо Бобурнинг таҳликали, уқубатли ҳаёти ва серқирра ижодини ўрганиш ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотишда алоҳида аҳамиятга эга.

Ўн икки ёшидан икки ҳайит намозини бир жойда ўқимаган, темурийзодаларнинг тахт учун ниҳоясиз кечган курашишлари, атрофидаги бекликларнинг хиёнати сабаб Ватанидан йироқда яшашга мажбур бўлган З.М.Бобурнинг ўз киндик қони тўкилган ўлкага талпиниб яшагани, юрт соғинчи билан ўртангани ҳам шундан. Ҳинд заминида улкан давлат барпо этган, илму фан, адабиёт ва санъатда ўчмас из қолдирган шоҳ Бобурнинг Андижондан келадиган ҳар бир хабарга муштоқ бўлгани, Ватандан келтирилган меваларни кўрганида, ёш бола янглиғ ўзини тутолмай йиғлагани ҳам юртга бўлган соғинчнинг ифодасидир. Бобур Фарғона водийсининг ҳар бир шаҳри ўзининг табиий бойлиги, меваси билан машҳур бўлганлиги тўғрисида “Бобурнома”да ёзиб, Андижоннинг нашвати-нокини айниқса мактайти. Бобур ўша даврдаги Андижон ҳақида шундай ёзади: «Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпотисидан яхшироқ ношпоти бўлмас»[2].

У ўз даврининг йирик ва қудратли давлатларидан бири – Ҳиндистондек мамлакат ҳукмдори бўла туриб, бир умр Андижонни, сўлим Фарғонани, боболаридан мерос Самарқандни кўмсаб яшайди. Ижодининг салмоқли қисмини Ватан соғинчига бағишлайди. Инсон юрагини ларзага солувчи қуйидаги ўтли мисралар ҳам ана шу туйғуларнинг ифодаси натижасида битилгани шубҳасиз:

Кўпдин бериким ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзаву бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

Ҳиндистонда меҳрибон фарзандлари ва ишончли одамлари билан яшаганига қарамай Ватандан жудоликда ўртангани барчамизга яхши маълум. Шу билан бирга Бобур қайси юртда бўлмасин ўша маконни обод қилишга бор имконияти ва шуури билан киришган. З.М.Бобур Дехлини эгаллагач, сарой ғазнасини гўзал иншоотлар барпо этишга сарфлади. Бу одат бор-бора ҳар бир Бобурий ҳукмдорнинг фазилатига айланди. Натижада Тоғмаҳал, Жомеъ Масжид, Қизилсарой, Ҳумоюн мақбараси каби гўзал бинолар, боғ-роғлар яратилди.

Отаси Умаршайх Мирзонинг фазилатлари — танти ва сахийлиги, саводхон ва билағонлиги, олийҳиммат ва мардонаворлиги Бобурга ёшлигиданоқ ўз таъсирини кўрсатган. Ундаги хушхулқлилик ва саховатпешалик, табиатан хушчақчақлик ва беғаразлик, дўстона суҳбатларни эъозлаш каби яхши хислатлар, шубҳасиз, ота-боболаридан ўтган ва Бобур бу хислатларни ўзининг ўта мураккаб ҳаёти давомида янада бойитди, ўз навбатида, уларни наслларга мерос қилиб қолдирди.

Соҳибқирон Амир Темур даврида барпо этилган ғаройиб боғлар ва қасрлар, ҳашаматли оромгоҳлар, ферузаранг гумбазли мақбаралар, кўкка бўй чўзиб ганчлари ярқираб турган миноралар гўзаллигини, масжиду мадрасалар маҳобатидан олган таассуротларини Бобур гўдаклик шуурига сингдирди. Амир Темурдан мерос бўлган олиму фузалоларга кўрсатилган беминнат одамийликлар, туғишганларига бўлган ҳурмат-мурувватлар Бобурнинг серқирра ва курашларга бой ҳаёти давомида ўзини намоён этди.[3]

Буларнинг барчаси Бобур учун бир умрга ҳаёт мактабига айланди. Инглиз тадқиқотчиси Уильям Эрскин Бобур ҳаётини кўп йиллар давомида ўрганиб ёзадики, инсоният фаолиятининг барча соҳасида «Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди» деган хулосага келиши бежиз эмас. Шунинг учун ҳам ҳинд халқининг буюк фарзанди Жавоҳарлаъл Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобида «Бобур дилбар шахс эди. Уйғониш даврининг ажойиб султони, кучли, тадбиркор киши бўлиб, санъатни, адабиётни, гўзалликни севарди» деб таърифлайди.

Узоқ тарихдан маълумки, истилочилар қайси бир юртни, шаҳарни забт қилсалар уни албатта вайрон қилишган. Аммо Ж.Неру айтганидек, Бобур бундай разолатга қўл урмади. У 1526 йил 21 апрелда Панипат жангида Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг юз минг кишилиқ қўшинини 12 минглик аскар билан тор-мор қилгач, ғалабадан сўнг дарҳол бу ерда ғалаба шаънига боғ барпо қилади. Бу эса ўша даврлардаги ҳеч кузатилмаган тарихий ҳодисалардан эди.

Ҳинд олимларининг ёзишича, бобурийларга қадар Ҳиндистонда боғ яратиш санъати умуман бўлмаган. Бобур боғ яратишда ҳам, меъморчилик обидаларини барпо этиш санъатида ҳам янги даврни бошлаб берди. Агра, Деҳли ва бошқа шаҳарларда у ажойиб боғ-гулзорлар яратган бўлиб, уларнинг айримлари ҳозирга қадар сақланиб қолган. «Бобурнома»да муаллиф Ҳиндистон боғлари, мевали дарахтлари ва гуллари, қушлари ва ҳайвонларини шунчалик эҳтирос билан ва жонли сатрларда тасвирлайдики, бу тасвир ва таърифларда Бобурнинг табиатга, унинг гўзаллигига ошиқона муҳаббати шундоқ уфуриб туради.

Аммо Ж.Неру ҳам таъкидлаб ўтганидек, у доимо ўз Ватани — Фарғонани, унинг оқин сувлари-ю, ёқимли шабадаси, роҳатбахш боғларини ўйларди. Ҳиндистонда қанчалар кадр топмасин, қанча янгиликлар, ўзига қулайликлар яратмасин, Бобурнинг ҳеч қачон кўнгли тўлмаган. Эл-юрт соғинчи. Ватан фироқи унга туну кун ором бермас, кундан-кунга вужудини эзар эди.[4]

Афсуски макон ва замон танламаётган ҳозирги ахборот хуружларининг авж олиш шароитида мафкуравий иммунитет, хусусан Ватан туйғуси етарли даражада шаклланмаган баъзи ёшларнинг ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиши ачинарли ҳолдир. Турли алдовларга ишониб, арзимас баҳоналар билан Ватанни тарк этган ва ўзга юртларда қийналиб, хору зорликда ҳаёт кечираётган юртдошларимизни Ватанга қайтарилиши, унинг жамолидан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлган юртдошларимизнинг севинчли кўз ёшларида ҳам, хорижда яшаб, Ватан тупроғига бош қўйишдан бебаҳра бўлганлар армонида ҳам ана шу юрт соғинчи, Ватан туйғуси ифодаланган.

Ватан халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажagini ўзида мужассам этган юрт сифатида бебаҳо неъматдир. Ватаннинг ана шундай юксак кадри, инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти Бобурнинг ҳаёти ва ижодида мухтасар ифодаланган. Буюк аждодларимиз орасида З.М.Бобурнинг бой маънавий меросини ўрганиш ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат

туйғусини уйғотишда алоҳида ўринга эга. Ёшларимиз Бобурнинг мохир адиб, шоир, олим, энциклопедик билим соҳиби сифатлари билан ҳамоҳанг ватанпарвар шахс сифатида ўрганишлари, айниқса, янада катта самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “O`zbekiston nashriyoti” Тошкент. 2020 йил. 444-бет. «Бобурнома», Тошкент, «Фан», 2019 йил, 5-бет.
2. Зокиржон Машрабов, Бобур комил инсон эди... «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2007 йил 7-сони.
3. Сайфиддин Жалилов. Бобур ҳақида ўйлар. Тошкент, «Шарқ» - 2006, 43-бет.

ЁШЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА “БОБУРНОМА” АСАРИНИНГ ЎРНИ

Бурханов Т.М.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари Академияси

Ёшларни ватанпарвар инсонлар бўлиб тарбияланишида халқимизнинг тарихий мероси катта аҳамиятга эга. Шу сабабли тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва келажак авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Буюк саркарда, улуғ мутафаккир ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодий мероси миллий-маънавий меросимизнинг дурдоналаридан ҳисобланади. Унинг “Бобурнома” асари миллат маънавий-интеллектуал ҳаёти ривожини белгиловчи бадиий баркамол асарлар тоифасига киради. Мазкур асар воқеа ва саргушатларга бой бўлгани боис, муаллиф дастлаб, ҳаётини фаолиятига кўпроқ аҳамият беради. Бошидан ўтган машаққатли дамларни борлигича баён қилади. Адибнинг таржимаи ҳоли, мусофирликда юргандаги Ватан соғинчи, ҳижрон азоби ботиний тарзда турли тасвирларда, мисралар заминига сингдирилган мазмунда ҳам ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин.

Маънавий юксалишнинг ўзини ҳам, бошқаларни ҳам бостиришда эмас, балки ўз-ўзига ва атроф дунё билан мувофиқликда яшашга ўргатади. Бунда маънавий-ахлоқий юксакликка интилиш инсон камолотини таъминлайди, уни эски ақида ва стереотиплардан тозалашга, ҳозирги замон мақсадларига мос истиқбол йўлларига бошлашга хизмат қилади. Бу борада Бобурнинг Ҳиндистондаги ҳаётини ўрганишда унинг хотираларини мутолаа қилишдан бошлагани маъқул” [1;20], деб ёзган инглиз шарқшуноси Ф.Талбот.

Бобур асарда мамлакатнинг сиёсий ҳолати, унинг иқлими, ҳавоси, жамики мавжудотлар хатто мевалари ҳам “ўзгача” деб баён қилган. Бу билан Бобур ўз руҳиятидаги ўзгаришларини билдиради. Давлати кўп бўлиб, юртбоши бўлгани билан кўнгли ўксиниши, ўз юртида оддий фуқаро сифатида умр кўриши истаги ҳамма нарсдан юқори эканлиги номоён қилади.

Асарда муаллифнинг ватанига муҳаббат унинг соғинч туйғуларини ўлкани тасвирлашида яққол кўринади: ”Ҳиндустон кам латофат ер воқе бўлубтур. Элида хусн йўқ ва хусни ихтилот ва омизиш рафт йўқ ва табъ ва идрок ва адаб ва карам ва мурувват йўқ ва ҳунарларида ва ишларида сиёқ ва андом ва ража ва гўния йўқ ва яхши от йўқ яхши ит йўқ ва узум ва қовун ва яхши мевалар йўқ ва ях йўқ ва совуқ сув йўқ ва бозорларида яхши ош ва

яхши нон йўқ ва хаммом йўқ ва мадраса йўқ ва шам йўқ ва машъал йўқ, шамдон йўқ ва шам ва машъал ўрнига жами касир чиркини бўладур, “девтий” дейдурлар”.

Бобур ҳиндларнинг “девтий” номли қора шамдони тасвири, у ўлкада оқар сувлар йўқлиги ва маҳаллий аҳоли шармли жойларини бир парча лунги билан беркитиб юришлари ҳақидаги ҳикояларини ўқир эканмиз, Ҳиндистон китобхон кўз олдида ғарибона бир манзил сифатида гавдаланади. Айниқса, Андижондек сафоли юрт фарзанди назарида Ҳиндистон ана шундай “кам латофат” ва ҳеч нарсаи йўқ, кашшоқ бир ўлка сифатида таассурот қолдиради. Бобур ҳатто одамларининг кийим-кечакларини ҳам ҳайрат билан тасвирлайди: “Раият резапой эли тамом яланғоч юруйдурлар. Лункутадек бир нима боғлайдурлар, киндикдин икки қариш куйи, қисик латта солилиб турубдур, бу солинғон қисик латтанинг устида яна бир парча латта бор, лункутанинг боғонингким боғларлар, ул парча латтани икки бутнинг аросидин олиб, кейин лункутанинг боғидин ўтқариб беркитадурлар. Хотунлари худ бир узун лунг боғлабтурлар, ярмини белларига, ярмини бошларига соладурлар” [2;267].

“Бобурнома”нинг Ҳиндистон тарифига бағишланган ўринларда тарқоқ фикрли саҳифалар, бода, май базмлари шукуҳини ёритган тасвирлар кўп. Жаннатмакон юрт – Мовароуннаҳр, унинг Андижон, Самарқанддек шаҳарлари-ю, зилол сувлари, гўзал боғу сабзорлари, Кобулдаги лолалар сайридан сўнг Ҳиндистон табиати Бобурга ёқмагандек, бу мамлакат урф-одати, набоботу ҳайвоноти ҳам бегонадек. Начора, қаҳри қаттиқ қисмат Бобурнинг тақдирини ана шу юрт билан боғлади. “Ҳиндустоннинг яна уч ишидин мутазаррир эрдук: бир иссиғидин, яна бир гардидин, яна бир тунд елидин”, деб ёзади Бобур кийналиганча [2;275]. Улуғ шахс дунёси ботинида кечган тугёнлар мана шундай дардли, мунгли тарзда қоғозга тўкилди. Зеро, Ҳазрат Навоий айтганларидек:

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш.
Гар олтун қафас ичра битса кизил гул,
Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш.

Бобур ижодида муаллифнинг айтолмаган армонлари, армони мужассамлигини кўрамыз. Унинг шеърлятида Ватандан айрилган, дунёси, тож-тахти бору, толейи ёришмаган, ҳаёт азобларидан безиган, чарчаган инсоннинг ички дунёси акс этади. У тақдирига тан беради, гўё бу юртда ўзи ўзини маҳбусликка маҳкум этгандек фарёд чекади. Бир томондан, буюк салтанатни барпо этиш масъуляти, иккинчи томондан, киндик қони томган юрт соғинчи – шу икки қутб, бири ер, бири осмон, бири олов, бири сув янглиғ Заҳириддин Муҳаммад Бобурни Ҳиндистонда неча йил умр кўрган бўлса, руҳан эзди, синовдан ўтказди. У ҳисобсиз бойлик, бекиёс мартаба ва барча имкониятларга эга бўлишига қарамай, туғилиб ўсган Ватанидан олисда бўлгани учун ўзини бахтиёр инсон деб ҳисобламайди. Бегу аскарларга ялиниб бўлса ҳам, гоҳо куч ишлатиб, фармонлар бериб, мақсад-ғояси томон етаклади. Лекин ҳар доим Ватанга қайтиш орзусида яшади, ўзи ёзганидек, борарга ихтиёр тополмади:

Кўпдин бериким ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

Ана шундай кайфиятдаги мирзо Бобур назарида буюк Ҳиндистон ғариб ва бенаво, кашшоқ ва аянчли эди. Бобур Ҳиндистон ўлкаси ҳақида батафсил маълумот келтиради, маҳаллий аҳоли тўтиларни гапиртиришларини таъкидлайди ва шундай дейди: “...тўти ва шорак ҳарне ўргатсалар айтур, ўз бошича маъни тахайюл қилиб, талаффуз қила олмас. Бу фурсатда Абулқосим жалойирким, яқин мулозимларимдиндур, ажаб нима ривоят қилди:

ушбу жинс тўтининг қафаси ёпук экандур, ўти айтибдурким, “Рўйи мар ова кунки, дамгир шудам” (“Менинг юзимни оч, димикдим”). Яна бир навбат кўтарган қаҳарлар дам олғали ўлтурғонда раҳгузар эл ўтуб борадурлар экандур, тўти дебтурким: “Мардум рафтанд, шумоюн намеравед” (“Одамлар кетдилар, сиз кетмайсизми?”), “вал-ухдату алар-ровий” (“сўзнинг тўғри нотўғрилигини айтувчининг бўйнига ”). Бовужуд киши ўз қулоғи била эшитмагунча ишонса бўлмас” [2;255].

“Бобурнома”да муаллиф томонидан Ҳиндистонда тоқзорлар барпо этилгани, қовун экиш ва етиштириш йўлга қўйилганлиги ҳақида ҳам ёритилган. Бобур мамлакатда қовун ва узум етиштириш мумкин эмаслигига ишонмайди, уларнинг бу ўлкада йўқлигини ерли аҳолининг ҳафсаласизлигидан, деб билади. Натижада ўзи ишга киришади: “Балхий полизорни қовун эккали қўюлуб эди. Бир неча қовун сахлағон экандур, келтурди. Хейли яхшиғина қовунлар эди. Бир-икки бута тоқ “Ҳашт беҳишт” боғида эктуриб эдим, анинг ҳам яхшиғина узумлари бўлуб эди. Шайх Гўран ҳам бир сабад узум йибориб эди, ёмон эмас эди” [2;347].

Ҳиндистонда Бобур унчаки умумий ҳавас сабабли қовун, узум эктирмаган, бунинг бош сабаби бу неъматлар шоҳ Бобурга Ватан тимсоли, рамзи бўлиб қолган. “Бобурнома”дан Андижондан келтирилган қовун, узумни кўриб Бобурнинг ҳўнграб йиғлаганлиги далилини биламиз. Ватаннинг рамзлари узок вақт унга ором бермаган. Охири тажриба қўллашга Ҳинд табиатига янгилик, ўзгартириш киритишга жазм этган. Қуйидаги фард эса Бобурнинг бу кайфиятини янада яққол ифодалайди:

Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглумда ғам ҳар сў,

Оқар сувнинг фироқидин кўзумдин ҳар дам оқар сув.

Бобурга хос қисқа баён, воқеа-ҳодисаларни реал, табиий тасвирлаш унинг ўзига хос услубини белгилабгина қолмайди. Бобур Ҳиндистонга босқинчи сифатида борган бўлса-да, у ерда кўплаб эзгуликларни амалга оширди, ҳинд халқи қалбидан яхши жой олди. Бобур ва бобурий шахзодалар томонидан бу мамлакатда ўтказилган ислоҳатлар ҳинд халқининг келгуси ҳаётида катта аҳамият касб этди. Ҳинд санъатшунос олимлари Кришна ва Рамананда Бандхўпадпайлар эътироф этганларидек: “...Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи Ҳиндистонда севиб тилга олинади. У – Ўрта Осиё ва Ҳиндистон диёрлари ўртасида ўз замонасида дўстлик кўпригини бунёд этган улўғ султон. Бу дўстлик иншооти яна узок асрлар оша хизмат қилажак” [3;13].

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, улўғ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан яратилган “Бобурнома” асари, ўсиб келаётган ёшларни, яъни ватанимизнинг бўлғуси ҳимоячиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда аҳамияти муҳимдир. Зеро, Ватанпарварлик инсоннинг ўз оиласига, авлод-аждодларининг ор-номусига чуқур эҳтироми, виждонига, бурчига ва ўз сўзига содиқлигидир. Агар инсонни болалик чоғидан ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ҳамда ҳурмат руҳида тарбия қилмасак, унда ватанпарварлик ҳисси бўлмайди.

Адабиётлар

1. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Т.: 2002.
2. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989.
3. Ҳошимов И. Ҳиндистонда бобурийлар сулоласи салтанати. – Т.: 1987.

БОБУР ИЖОДИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Бердалиев Н.

Тошкент архитектура қурилиш институти. Сиёсий фанлар номзоди, доцент

Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истикболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ.⁸⁵

Агарда ёшлар ўз дунёқарашида миллий-маънавий кадриятга таянмаса уларнинг онги ва тафаккурида мутлақо бегона кадриятлар жой олади. Ўзининг миллий-маънавий кадриятларига нисбатан беписандлик билан қараш шаклланади. Ана шу беписандлик шаклланишининг олдини олиш учун энг аввало ёшларимиз онгига бу табаррук заминда не-не буюк зотлар, олиму-уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, Она юртимиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлгани ҳақида, қолаверса, аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тош ёзув битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиз эканлигини сингдириш шарт ва лозимдир.

Ана шундай бизнинг буюк маънавий бойлигимиз Бобур ижодий фаолиятида ўз ифодасини топган. У кўлами кенг, серқирра ва маҳсулдор шоирлар жумласидан бўлиб, у қолдирган ижодий мероснинг ҳажман катта қисмини она-юртни меҳр билан қуйлаш, ишқ-муҳаббат, ғурбат ва ватандан жудолик, маърифатпарварлик ва маънавиятни кўтаришга қаратилган асарлари эътиборга лойиқ. Илм ўрганишни ҳар нарсадан устун қўйган шоир инсонпарварлик, донишмандлик, адолат, холислик, ҳалоллик, юртга муҳаббат, комиллик сари интилиш каби ғояларга йўғрилган бу бебаҳо мерос ҳали ҳамон ўз долзарблиги, тарбиявий аҳамияти, ҳикмати билан жаҳон аҳлини ҳайратда қолдириб келмоқда.

У қисқа вақт ичида Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, Ҳиндистон ерларини бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотик масалаларини тўғри йўлга қўйиш боғ-роғлар яратиш ишларига ҳомийлик қилди. Ҳиндистонни ободонлаштириш, унда ҳозиргача машҳур бўлган меъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдириш, ўша даврнинг илғор ва зехни ўткир олимлари, шоирлари, мусикашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукамал бир маънавий-руҳий муҳитни вужудга келтирди.

"Бобурнома", "Мубаййин" ва бошқа асарлар, дилбар ва бетакрор ғазаллари, китоб ва илмий ишлар адабиёт мухлисларини бефарқ қолдирмайди. Буюк Бобуршоҳнинг «Вақоеъ» (Воқеалар), кейинчалик «Бобурнома» номида шуҳрат қозонган асари унинг ҳаёти ва фаолиятининг кундаликсимон баёнидир. Асардаги воқеалар баёнида Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ўктам шахсияти баралла кўзга ташланади. Мазкур асарни ўқиш жараёнида ўсмир Бобурни, шахзода Бобурни, ошиқ Бобурни, саркарда Бобурни, доно подшоҳ, меҳрибон ота Бобурни, зафарлари-ю мағлубиятлари, фазилати-ю нуқсонларини ёрқин тасаввур этасиз. Ўзининг қисмат саргузаштларига чамбарчас тутшиб кетган «Бобурнома» воқеалари ҳақида юксак камолот соҳиби Бобур – муаллиф шундай ёзган эди: «Бўлган воқеаларни рост

⁸⁵ <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020>.

ёзганман. Чунки бу асарда шу нарса лозим топилганки, ҳар сўзнинг рости битилади ва ҳар иш айнан қандай воқеъ бўлган бўлса, шундай айтилади».

Ўз даврининг етук саркардаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур мамлакат бир бутунлиги ва мустақиллигини сақлаш, уни ташқи душмандан ҳимоя қилиш, мамлакат ҳарбий салоҳиятини кучайтиришни миллий давлатчилик фаолиятининг энг муҳим мақсадларидан бири, деб билган. Унинг эътирофича, мамлакат бирлиги ва мустақиллиги учун энг катта хавф-бу ташқи душмандан кўра мамлакат ичидаги ўзаро низолар. Ота-бола, ака укалар ва айирмачи кучлар ўртасидаги тожу тахтни эгаллаш учун бўлган урушлар ҳисобланади.

Ҳиндистондаги Буюк Бобурийлар оилаларига назар ташласангиз, шохнинг ёки валиаҳд шахзоданинг оналари ҳам валиаҳдлардан кўра кўпроқ ҳокимиятга эга бўлганлигининг шоҳиди бўласиз. Шоҳ ёки валиаҳд шахзодалар ҳар доим оналари билан бамаслаҳат иш юритганлар. Кўриниб турибдики, бутун-бутун мамлакатларни сўраб турган ҳукмдорлар ҳам она қаршисида бош эгишган, саройдаги ва мамлакатдаги кўпгина ишлар она изми билан амалга оширилган. Айтиш мумкинки, «Бобурнома»да, Марказий Осиёда яратилган мемуар адабиётида эҳтимол биринчи бўлиб, Бобур ўз сулоласига мансуб аёллар (масалан, онаси, опаси, сингиллари...)нинг насл-насабини, шажарасини баён қилади, бошқаларни тасвирлаганда ҳам аҳли аёлини эркаклар билан ёнма-ён тилга олади. Гап шундаки, оналарга бўлган бундай улуғ эҳтиром оиладаги шарқона тарбиянинг оқибат натижасидир. Айтайлик, агар Бобур ўз отаси Умаршайх Мирзо тарафидан оилага менсимай қараш, саройдаги маликаларни хўрлаш ва камситиш руҳида тарбияланганда эди, асарларида таниш ва нотаниш аёлларга бу қадар ҳурмат бажо келтирмаган бўлар эди. Аксинча, Бобур ва бобурийлар сулоласи вакиллари ҳаёти ва ижодида аёллар, айниқса, оналар мавқеи юксак даражада тутиб турилган. Қиз узатиш, келин танлаш, оналарига садоқат ва муҳаббат, оиласига эҳтиром бобида ҳам улар бошқаларга ўрнатилган бўлишган, десак муболаға бўлмайди.

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,

Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.

Яхши киши кўрмағай ёмонлиғ ҳаргиз,

Ҳар кимки ямон бўлса, жазо топқусидур. У ўз шеърларида ҳар доим одамларни яхшиликка, адолат, инсонпарварликка, юксак инсоний туйғуларни қадрлашга чақирди.

Шунингдек, миллатлар ўртасидаги тинчлик, дўстлик, ҳамжихатликни улуғлайди. Миллатлараро тотувлик ғояси бобурийлар сулоласи томонидан ҳам қўллаб-қувватланиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу Жавоҳарлал Нерунинг «Дунё тарихига назар» асарида ҳам эътироф этилган: «Бобур бекиёс даражада маданий, дилбар шахслардан бири эди, – дейди Неру. У мазҳабпарастликка хос маҳдудлик ва диний мутаассибликдан йироқ эди»⁸⁶.

Уйғониш даврининг ажойиб султони, кучли, тадбиркор киши бўлиб, санъатни, адабиётни, гўзалликни севган, бутун ҳаёти жасорат намуналари билан тўлиб-тошиб ётибди. «Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди»- дейди Уильям Эрскин.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар бир халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, урф-одат ва анъаналари, миллий қадриятларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар, халқ оғзаки ижоди ёшлар маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим омиллардандир.

⁸⁶ Неру Ж. Дунё тарихига назар. // Жаҳон адабиёти, 1997, 4-сон, 181-б.

Хулоса қилиб айтганда Бобур ижоди ва фаолияти ҳар бир ўзбек оиласининг мустаҳкам шаклланишида муносиб ўринга эга бўлиб, катта тарбия мактаби ҳисобланади. Ана шундай ўзбек халқининг буюк фарзандлари ижодини ўрганиш халқимиз учун ўзликни англаш тимсолидир. Уларнинг уммон қадар бепаён ижодидан етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма ўз диди ўз қизиқишлари, интеллектуал даражаси қўйинки, ўз истеъдодига яраша баҳраманд бўлиши мумкин. Бу зотларни бир уммон деб билиб, бу уммондан наинки йилда бир бора ёки керак бўлган вақтда баҳраманд бўламиз, балким ҳар куни бу сиймолардан нур, зиё, маънавий қудрат олишимиз лозим.

ЁШ АВЛОДЛАР ҚАЛБИДА БОБУР СИЙМОСИ

Эргашова Г.М.

Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университети Бошланғич таълим факультети «Бошланғич таълим педагогикаси» кафедраси ўқитувчиси

Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар бз берд ива янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига тутушиб кетди [1].

Жавоҳарлаъл Неру

Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўрта аср Шарқ маданияти ва маънавиятида ўзига ҳос ўрин эгаллаган олим бўлиши билан бирга кенг дунёқараш ва мукамал ақл – заволати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳонни машҳур тарихнавис, адабиётшунос, тарбияшунос олимлар қаторида ҳам жой олди [1].

Заҳриддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирза Бобур – давлат арбоби, саркарда, шоир ва тарихчи. Мирзо Бобур 1483 йил 14 февралда Андижонда, Фарғона ҳокими Умар Шайх Мирзо оиласида дунёга келди. У 12 ёшида (отаси Умаршайх Мирзо вафотидан сўнг) Фарғона тахтига ўтиради. Илмга ёшлигидан меҳр қўйган Заҳриддин барча Темурий шаҳзодалар каби тарбиячилар, йирик фозил-у уламолар устозлигида ҳарбий таълимни ўрганади, шунингдек, фикҳ илми, араб ва форс тилларини ўзлаштиради, кўплаб тарихий ва адабий асарлар мутолла қилиб, илм-фанга, хатто шеърятга меҳр қўяди. Бобур ёшлиқдан Ҳожа Мавлон Қози тарбиясида бўлган. Бу ҳақида Бобур «Бобурнома»да, «Устод ва пирим» деб эсга олади. У табиатан довюраклиги боис темурий шаҳзодалар орасида «Бобур» «Шер» лақабини олади.

Унинг таълим-тарбиясида комил ва илмли инсонларнинг ҳиссаси бекиёс. Машҳур сўйфий Ҳожа Аҳрорга ихлос қўйган бўлажак саркарда устозининг тариқати руҳида вояга етади ва умрининг охирига қадар шу эътиқодга содиқ қолади [2].

Бобур ҳукмронлигининг дастлабки 3 йилида мавқеини мустаҳкамлашда ақлий қобилиятини, иродасини қиличга алмаштириб, бек ва амалдорлар билан ўзаро муносабатини яхшилаш, қўшинни тартибга келтириш, давлат ишларида интизом ўрнатиш каби муҳим чора тадбирларни амалга ошириш пайтида Андижон тахти учун укаси Жаҳонгир Мирзо, амакиси Султон Аҳмад Мирзо, тоғаси Султон Маҳмудхон ва бошқа қариндош рақибларига қарши

курашишга мажбур бўлди. Бобур укаси Жаҳонгир Мирзо билан мурасага келиш учун унга ён беришга Фарғона улусини ярмини укасига топширишга қарор қилди ва ўзи Самарқандда парокандалик юз бераётган пайтида темурийлар салтанатини тиклаш мақсадида отланди. Бобур 3 ойдан ортиқ Самарқанд тахтини сақлаб қолиш мақсадида Шайбонийхон билан кураш олиб борди. Натижада Шайбонийхоннинг қўли баланд келиб Бобур Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Бобур жанубга қараб йўл олди ва Қобул улусида ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1505-1515 йилларда у Марказий Осиёга қайтишга бир неча бор уриниб кўрди. Аммо бу уринишлардан ҳеч қандай натижа чиқмади. Сўнг ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ҳиндистонга юриш қилди. Бобур Иброҳим Лўдий устидан ғалаба қозониб Ҳиндистонда «Бобурийлар сулоласи»га асос солди.

Бобур бу ғалабадан кейин беш йилча ҳукмронлик қилиб, 1530 йил декабр ойида, Агра шаҳрида вафот этди ва кейинроқ унинг васиятига кўра фарзандлари унинг хокини Кобулга олиб келиб дафн этдилар.

Бобур Ҳиндистонга Марказий Осиё услубини олиб кирган, яъни меъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдирган. Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурида ўша даврнинг илғор ва зеҳни ўткир олимлари, шоирлари, мусиқашунос ва давлат арбобларини мужассам этган мукаммал бир маънавий руҳий муҳитни вужудга келтирди[3].

Шунингдек, Бобур Ҳиндистондаги Агра ва Деҳли шаҳарлари атрофини, Жамна дарёси бўйларига саройлар, қасрлар, ҳаммолар қуриш, боғлар барпо этиш ишларига ҳам раҳнамолик қилди.

Машҳур ҳинд давлат арбоби Жавохирлаъл Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» ва «Жаҳон тарихига бир назар» асарларида Бобур ва унинг набираси Акбаршоҳга юксак баҳо бериб: «Бобур – дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ ва кўп яхши фазилатларга эга бўлган. Мард, жасур, истеъдодли лашкарбоши, раҳмдил, шафқатли, идеалист ва хаёлпараст, шу билан бирга, у ҳаракатчан, ўз ишини давом эттирувчиларнинг садоқатига сазовор бўлиш учун интилувчан одам бўлган»[4].

Бобурнинг 119 та ғазали, 208 та рубойиси, лирик девони, «Мубаййин» (Баён этилган солиқ олинishi, солиқ ҳақида, шариат бўйича қимда қанча солиқ талаб қилиниши баён этилган), «Хатти Бобурий» (Араб алифбосида туркий тилни соддалаштириб берган), «Ҳарб иши» (Ислом қонуншунослиги ҳақида), «Аруз ҳақида рисола» (шеърят ват ил назарияси ҳақида), «Мусикий илм» ва машҳур «Бобурнома» ҳамда бошқа асарлари мавжуд.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг энг йирик асари бўлган «Бобурнома» уни бутун дунёга машҳур қилди. «Бобурнома» тахминан 1493-1530 йиллар оралиғида ёзилган тарихий-бадий асар бўлиб, унда Бобурнинг шахси, диний фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий қарашлари, кечинмалари ўз ифодасини топган. Шунингдек, «Бобурнома»да Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон халқлари тарихи, урф-одат ва анъаналарини, миллий қадриятларини, тарихий шахсларни, мамлакат табиат лавҳалари, ҳайвонот дунёси, ўша даврдаги бир қатор фанлар жўғрофия, наботот, этнография, табиёт, табобат, ҳарбий усул ва кўплаб соҳалар бўйича маълумотлар ўрин олган.

«Бобурнома» асарининг яна бир муҳим қирраси шундаки, унда ахлоқ ва одоб, ҳикматли сўз, ибораларга кенг ўрин берилган. Ватан мавзуи Бобур ижодида марказий ўринни эгаллайди. «Бобурнома»да чин инсоний ахлоқнинг соҳиби бўлган Бобур ватанпарварликни кенг тарғиб этди. Бобур Ватандан узоқда бўлишни, Ҳиндистонга боришини катта бебахтлик

билиб, ўз ватанига қайтишини, Ватанини кўриш қанчалик кўп ўйласа, тақдир уни Ватанидан шунча узоқлаштиради. Шунинг учун ҳам Бобур ижодида Ватанни жону дилдан севиш энг асосий ўринни эгаллади.[5].

«Бобурнома»даги ахлоқ-одоб, ҳикматли сўзлар, Ватанга муҳаббат хиссини тарбиялашда ёшларимизни маънавий дунёсини бойитади.

«Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида Аҳси сўзини 29 жойда, Андижон сўзини 65 жойда тилга олади. Ғам ва изтироб чекавериб чарчаган шоир ватанга қайтиб хилват бир жойда одамларга кўринмай, беғалва яшашни подшоликдан афзал кўради. Бобур ўз ватани Андижонни умрининг охиригача қумсаб юрди. Бундай қўмсаш, Ватан соғинчини чексиз маънода тушуниб, уни ерни соғинишга, чўлда чанқоқликда сувни қўмсашга тенглаштиради»[6].

Бобур ўз ҳаёти ижодида Афғонистон ва Ҳиндистонда давлатни бошқариб турган ҳолда, умрининг охирига қадар киндик қони тўкилган юртини унутмайди. У ўз она диёрини ҳаддан зиёд севади, Ватандан жудо бўлганидан ғам-алам чекади. Ватан соғинчи Бобур учун чексиз умид, чуқур ҳаёл бўлиб қолади. У Ҳиндистонда ўзини бир томондан катта давлатнинг ҳукмдори, иккинчи томондан эса ёру диёридан жудо бўлган бир ғариб мусофир бўлган киши деб ҳис қилади. Шундай экан, «Бобурнома» асарида Ватан қимматини ҳокимликдан, давлатдан ҳам юқори билганлигини, иложи бўлса ғарибликдаги шоҳликни Ватанида гадо бўлиб яшашини афзал кўрган Мирзо Бобурнинг қалбидаги изтиробини кўришимиз мумкин.

Толе йўқки жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишниким, айладим хатолиғ бўлди,
Ўз ерин қўйиб Ҳинд сари юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди [7].

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ижоди ва фаолиятини ўрганишда ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, она-юртга садоқат, ота-боболаримиз меросига муҳаббат туйғуларини уйғотиш, инсонпарварлик, камтарлик, дўстлик, ўртоқлик каби ахлоқий фазилатларни шакллантиришдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Т.Ғиясов. «Ўзбек халқининг содиқ дўсти». “*Жаҳон адабиёти*” журнали, Т.: 2009. 11-сон.
2. Н.Асадова. Соҳибдеворон – буюк саркарда. «Маънавий жасорат соҳиби» буюк шоир, давоат арбоби, Заҳриддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо Бобур (1483-1530) таваллудининг 535 йиллигига методик-библиографик қўлланма. Фарғона: 2018.
3. Г.Ниёзов, М.Ахмедова. Педагогика тарихидан семинар машғулотлари.. Ўқув қўлланма. Х/Т «QUADRAT PRINT». Т.: 2010.
4. Т.Ғиясов. «Ўзбек халқининг содиқ дўсти». “*Жаҳон адабиёти*” журнали, Т.: 2009. 11-сон.
5. У.Маҳкамов. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. «Фан». Т.: 1995.
6. У.Маҳкамов. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. «Фан». Т.: 1995.
7. Н.Асадова. Соҳибдеворон – буюк саркарда. «Маънавий жасорат соҳиби» буюк шоир, давоат арбоби, Заҳриддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо Бобур (1483-1530) таваллудининг 535 йиллигига методик-библиографик қўлланма. Фарғона: 2018.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ибрагимов А.Ж.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти катта ўқитувчиси

Захириддин Муҳаммад Бобур ўрта аср шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига хос ўринга эга адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга, йирик давлат арбоби сифатида ҳам ўчмас ном қолдирди. Сержило ўзбек тилида ёзилган, Мовароуннахр, Хуросон, Эрон ва Хиндистон халқларининг тарихи ёритилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг буюк тарихнавис, ахлоқшунос олимлари қаторидан жой олди.

Тарих, география, мусиқа, ҳарб илми каби фанлар ривожига улкан хисса қўшган Бобурнинг маънавий меросида ёшларни билим олишга, одобли, ахлоқли бўлишга даъват этиш ғояси устун туради. Адабиёт, нафис санъат, табиат гўзаллигига ёшлигидан меҳр қўйган Бобур, барча темурий шахзодалар каби бу илмларнинг асосини отаси саройида етук устозлар раҳбарлигида эгаллади.

Бобур кишиларни биродарликка, иноқликка, шафқатли, инсофли бўлиш, Ватанни эъзозлашга чақирди. Унинг маърифатпарварлиги, ахлоқий ғоялари ўз даврида катта аҳамият касб этди.

Бобурнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари унинг “Бобурнома” асарида акс эттирилган. У кишилар хулқини унинг фаоляти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда талқин этади. У ҳар қандай кимсани эмас, балки ҳақиқий инсонни кадрлайди, унинг меҳнат фаоляти ва хулқ-атворини мадҳ этади. Шоир кишиларнинг ташқи кўринишлари уларнинг ички дунёсини ифодалашини яхши англайди ва бунда тасвирга алоҳида эътибор беради.

“Бобурнома” асарида 80 дан ортиқ шахснинг номи тилга олиниб, 50 дан ортиқ замондошининг хулқ-одоби, инсонийлиги, насаби, касби, ижоди ва фанга қўшган ҳиссаси ҳақида тўхталади, уларга адолатли баҳо беради, ўз муносабатини билдиради.

“Бобурнома”да ўша даврнинг сиёсий воқеалари мукамал баён қилинар экан, ўз юрти Фарғона вилоятининг сиёсий-иқтисодий аҳволи, унинг пойтахти Андижон шаҳри, шунингдек, Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари-Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Ўш, Урганч, Ўратепа, Термиз ва бошқа шаҳарлар ҳақида ҳам ниҳоятда нодир маълумотлар келтирган.

Унда Қобул улусининг йирик шаҳарлари Қобул, Ғазна ва улар ихтиёридаги кўпдан-кўп туманлар, вилоятлар, шимолий Хиндистон ҳақида маълумотларни учратиш мумкин.

Шарқ халқлари тарбия назариясида киши хулқини белгиловчи бир қанча мезонлар мавжуд. Шулардан бири жамоат орасида ёши улў, мансабдор, илмли ва ҳурматли шахслар олдида ўзини қандай тута билишига қараб баҳолаш алоҳида ўрин тутган. “Бобурнома”да келтирилган шарқ тарбия мазмунига хос қуйидаги ҳикоят тарбия воситаси сифатида қимматлидир.

Ҳикоятда Хожа Ахрор суҳбатида Султон Аҳмад Мирзо ўтиришда беодоблик қилганини сезади, лекин буни унинг юзига солмайди. Мирзо туриб кетгандан кейин Хожа Ахрор унинг жойида суяк бор экан, шунинг учун яхши ўтирмади, деб унинг беодоблик қилганини хизматкорларига эслатади. Бобур бу билан Хожа Ахрорнинг ўта зийрак ва талабчан инсон эканлигига, Султон Аҳмад Мирзонинг беодоблигига ишорат қилади.

Бобурнинг фикрича, инсон ақл-хуши ёрдамида шундай яхши ишлар қилсинки, токи вафотидан сўнг инсонлар уни яхши одам эди, деб эсласин. Унингча, инсон яхшиликка интилиб яшаши керак, агар у ўз ҳаётида улуғ ниятларига, мурод-мақсадларига етмаса, азоб чекиб яшашининг фойдаси йўқ, деб билади.

Бобур ўз асарларида ота-онани ҳурмат қилишга, улар хизматини сўзсиз бажо келтиришга, ота-она олдида ўзини ахлоқли тутишга даъват этиб, ота-онанинг ҳам ўз фарзанди учун меҳрибон, жонфидо бўлиши кераклигини ўз ҳаёти мисолида исботлайди.

Бобур ижодида ватанпарварлик туйғуси етакчи ўринни эгаллайди. У уламоларнинг жоҳиллиги, амалдор текинхўрларнинг шафқатсизлигидан ғоят афсусланади, У Ватанга муҳаббат ва садоқат шахснинг ватанпарварлиги, етуклиги, миллий ифтихори каби фазилатларида акс этишини таъкидлайди. Юксак бадиий дид, чин инсоний ахлоқ соҳиби бўлган Бобур қайси шаҳарда, қайси давлатда бўлмасин, халқлар ўртасида ватанпарварликни кенг тарғиб этади.

Бобур миллий артиллерия асосчиси ҳамдир. “Бобурнома”да ёзилишича, Бобур Устод Алиқули билан бирга ўша даврда мукамал тўп яратишни амалга оширган. Натижада бу қурол Хиндистонда унинг ғалабасини таъминлашда муҳим омиллардан бири бўлган. Устод Алиқули Бобур қўшинида шунчаки устоз эмас, артиллерия бош қўмондони вазифасини бажарган. Асарда унинг барча ўқотар, артиллерия қуролларига бошчилик қилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида дўстлик ғояси кенг маънода ифодаланган. Шоир дўстликни миллатлар, эллар дўстлиги ва бирга фаолият кўрсатаётган лашкарлар елкадошлиги, оила аъзолари, олим, шоир ҳамда уламолар ҳамкорлиги каби инсоний фазилатлар, деб тушунди, дўстман деб, душманнинг ишини қилган шахслардан нафратланди.

Бобур фаолиятида ибрат, намуна кўрсатиш йўли билан бошқаларга ўрнак бўлиш ва насихат қилиш яққол кўзга ташланади. У фарзандлари, қўл остидаги беклар ва лашкарларидан ҳар бир иш ўз вақтида бажарилишини талаб этган. Эътиборлиси шундаки, ибрат кўрсатиш ёки амалда намуна бўлиш уруш шароитида, иссиқ-совуққа бардош беришда, оз сонли куч билан ғалаба қозонишда, айниқса, берилган вазифаларни ўз вақтида бажаришни талаб қилишда асқотар эди.

Халқ урф-одатлари, расм-русумлари, умуминсоний сифатлар бўлмиш меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат йўналишидаги одатлар асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб бораверади. Чунки халқ ижобий удумлари даврнинг маданиятли, маърифатли кишилари томонидан катта бир мерос сифатида ўрганилади ва кенг тарғиб этилади. Бобур асарларида ҳам Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон, Хиндистон халқлари удумлари, расм-русумлари каби маданий-маънавий мерослари ўша халқларнинг ижобий фазилатлари тарзида бадиий акс эттирилган.

Бобур саркарда сифатида ҳарбий одатлар ва удумларни ўрганиб боради. Қаерда бўлса, ўзи ва беклари, лашкарлари ўша юрт ҳарбийлари удумига риоя этадилар. Умуман, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, 3.Бобурнинг ахлоқий-эстетик қарашларида инсон ва унинг маънавий-ахлоқий олами асосий ўринда туради. Бобур маънавий меросини ўрганиш катта аҳамият касб этади. Чунки Бобур халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллаган шахсдир.

КРАСОТА ПРИРОДЫ ГЛАЗАМИ БАБУРА

Икрамов А.А.

преподаватель Военно-технического института Национальной Гвардии РУ

Насриддинов Ж.А.

курсант Военно-технического института Национальной Гвардии РУ

Рассказывая о том времени, когда Бабур приехал в Индию, историк Бамбер Гаскойн комментирует: «Тогда он связал в повествовательной форме записи, которые делал на протяжении всей своей жизни, как грубый дневник, но он также собрался написать великолепную и очень подробную сорокастраничную статью о своем новом приобретении - Индостане».[3]

Бабур провел глубокую территориально-исследовательскую работу в своих записках, к примеру, он описал пять видов попугаев, объяснил, как разводят бананы, и, с удивительной научной наблюдательностью, объявил, что носорог похож на лошадь больше, чем любое другое животное. В настоящее время общеизвестно, что отряд «Perisodactyla» имеет только два сохранившихся подрода, первый из которых включает носорога, а второй – лошадь. [1]

В других частях книги он также описывал, как приходил в восторг от различных вещей, таких как меняющиеся цвета стаи гусей на горизонте или красивые листья на яблоне. Чуткость и честность, с которыми Бабур писал свою личную одиссею придавали ему дополнительные достоинства, которых добивались очень немногие люди действия. Из цветов Бабур упоминает о красном цветке розовых лавров Гвалиора, которые он привёз в Агру и распорядился пересадить их в своем саду Зарафшан. Привлек его внимание и цветок нилупар, который он подробно описал в «*Бабур-наме*». Особо он отмечает свойства алеандра и жасмина. О жасмине он пишет, что этот цветок больше и запах его сильнее среднеазиатского. [5]

Подробнее о сравнительном стиле географического места и локальных территорий мы можем прочитать в «*Бабур-наме*». Также, хотелось бы отметить, тот факт, что Бабур в своих работах проводил экономико-географический анализ процессов и явлений. [4] Экономика государства Бабура и его потомков зависела от сельского хозяйства, торговли и других отраслей промышленности. Сельское хозяйство всегда было основой экономики Индии. Таким образом, сельское хозяйство было главным источником национального дохода, и большинство населения во времена правления Бабура зависело от сельского хозяйства. Основными культурами, которые выращивались в это время, были просо, масличные культуры, зерновые культуры, сахарный тростник, хлопок и т.д. Бабур поддержал выращивание нескольких азиатских фруктов в Индии.

Он, прежде всего, отмечает особенности, имеющие непосредственно индийское происхождение культур. Например, способ добычи финикового сока и изготовления пальмового вина (тари) в Индии, совершенно неизвестного в Средней Азии. Бабур описывает также замечательный плод манго, который на него произвёл большое впечатление [4].

Анализ данных Бабура относительно гидрографии Индии показывает, что Бабур наиболее четко различает три бассейна рек: бассейн реки Инд, Ганг и притока Ганга. «Те горы, которые расположены на севере Хиндустана, индийцы называют Салавак-Парбат. На языке индийцев сава – четверть, лак – сто тысяч, парабат – гора; получается – пишет Бабур, - «четверть и сто тысяч гор», то есть двадцать пять тысяч гор». «В Кабуле горы эти называют

Хиндукуш; от Кабула они тянутся на восток, слегка уклоняясь к югу. Все, что южнее этих гор, есть Хиндустан», - пишет Бабур.

Бабур, подробно описывая Индию, восхищается её природой, сравнивает многообразные черты этой страны со своей родной Средней Азией: «Это удивительная страна; в сравнении с нашими землями это иной мир. Горы, реки, леса, города, области, животные, растения, люди, язык, дожди, ветра – всё там не так, как у нас. Хотя жаркие области, прилегающие к Кабулу, кое в чем сходны с Хиндустаном, но в других отношениях они не сходны: стоит лишь перейти реку Синд, как земля и вода, и деревья, и климат, и люди, и обычаи – всё становится таким же, как Хиндустан». [1]

В «Бабур-наме» много фактических данных по этнографии: интересны описания различной одежды индусов, их кастовой системы, обычаев, образа жизни простого народа и феодальной знати. К примеру, в «Бабур-наме» описана мужская одежда индусов – джоти, женская одежда – сари, которые Бабур называет среднеазиатским термином лангут и подробно описывает способ их одевания. [3] Чрезвычайно ценными являются сведения Бабура о полезных ископаемых. В «Бабур-наме» не только приводятся отдельные данные о них, но и попутно отмечается их назначение в хозяйственной жизни страны [3].

Список литературы

1. Berensten W. The Mughal Empire. Moscow: Publishing house AST: Astrel; 2005. p. 23.
2. Hasanov EL. About Comparative Research of Poems “Treasury of Mysteries” and “Iskandernama” on the Basis of Manuscript Sources as the Multiculturalism Samples. International Journal of Environmental and Science Education, 2016;11(16):9136–9143
3. Savory R. Iran under the Safavids. Cambridge University Press. 2007 Dale SF. The garden of the eight paradises: Babur and the culture of Empire in Central Asia, Afghanistan and India (1483–1530). Leiden, Boston: Koninklijke Brill NV; 2004. p. 23.
4. Хидояттов Г.А. Заря нашего великого духовного наследия. <http://asiaforum.uz/>, <http://goga-hidoyatov.narod.ru/zarya.htm>.
5. <https://postda.uz/ru/news/spirituality/bobur-asarlarida-vatan-soginci>.

ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР СИЙМОСИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИ

Жўраева М.

Фаргона давлат университети ўқитувчиси. PhD

Юсуфжонова О.

Фаргона давлат университети талабаси

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Заҳириддин Муҳаммад Бобур илмий мероси ҳисобланган “Бобурнома”да илгари сурилган ғоялар муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг доврўғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўларок, ул зот бизни тарихимизни кадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади. Бобур ўзбек халқининг буюк фарзанди, миллий ғуруридир”[1.158]. Ҳар бир инсон ўзлигини англашга, аждодлари ҳақида кўпроқ билишга, улар ҳаётини ўрганишга интилади. Бу борада эса тарихий асарлар беқиёс аҳамиятга эга.

2018 йил 23 февралда “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси”ни қабул қилинганлиги ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш, қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш кабилар асосий вазифалар этиб белгиланган.

Ўзбек тилининг изохли луғатида: Ватан — кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри, она юрти, диёри, ҳар бир фуқаро учун мамлакат, турар жой, бошпана, маскан, уй маъноларини ифодалаши кўрсатилган. Инсон улғайган сари унинг Ватан ҳақидаги тушунчалари ҳам кенгая боради. Юртимизда туғилиб-ўсган ҳар бир инсон “Ватаним” деганида ўз уйини, қишлоғини ёки шаҳрини эмас, балки Ўзбекистон Республикасини назарда тутди. Бу эса, Ватан туйғусининг, ватанпарварликнинг халқимиз қалбидаги ифодасидир.

Ватан туйғуси-бу азиз ва гўзал юртимизга ҳурмат ва садоқатли бўлиш. Ватан туйғуси-бу Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ва ҳозирда Ўзбекистон дея аталган заминда яшаб келаётган халқимизнинг олтин меросини, унинг тарихини ўрганишга интилишдир.

Кўплаб буюк бобоқалонларимиз асарлари сингари Бобур ижодида ҳам ёшларимиз учун иборатомуз жиҳатлар сифатида Ватанни севиш, ота-онага ҳурмат, дўстга садоқат кўрсатиш хусусидаги фикрлари кишига юксак маънавий сабоқ беради. Истеъдодли олим ва ўта зиёли инсон, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур мураккаб ижтимоий-тарихий даврда яшаб ижод қилган. Ҳар бир халқнинг тарихий, маданий-миллий қиёфасини аниқ белгиловчи улуғ шоҳлари, буюк олимлари, йирик адиб ва шоирлари бўлади. Инсониятнинг абадиятга мансуб ана шундай буюк фарзандлари сафида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўз ўрнига эга. Кишилиқ тарихида Бобурчалиқ шахсий имкон, иқтидор ва фазилатлари беқиёс кишилар жуда кам учрайди. Бобур — буюк подшоҳ, мумтоз шоир, назариётчи адабиётшунос, фақиҳ, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони сифатида кўп қиррали фаолият ва ижод соҳиби эди.

Бобурнинг улкан илмий мероси Ватан соғинчи ва шахсий кечинмаларини жиддий умумлашма даражасига кўтара олганлигидадир. Натижада асарларида олға сурилган ғоялар, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилди. Бобур ижодида, хусусан, шеъриятида киндик қони тўкилган она юртини дил-дилдан қўмсаш, унинг тупроғига талпиниш, ғариблиқ азобларидан ўтли ҳасрат, ёру диёр соғинчи ва висол илинжи, тақдир зарбалари ва турмуш укубатлари, замона носозликларидан нола, бадий таҳлил этилади. Бунинг ифодасини буюк салтанат эгаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида ҳам кўрамиз. Бобур барча имкониятларга эга бўлишига қарамай, туғилиб ўсган Ватанидан олисда бўлгани учун ўзини бахтиёр инсон деб ҳисобламайди.

*Толеъ йўқки жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишниким, айладим хатолиг бўлди,
Ўз ерин қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қоролиг бўлди.*

Бу эса, Заҳириддин Муҳаммад Бобурни Ватан соғинчи ҳамиша азоблаб келганлигини сезишимиз мумкин. Ватанпарварлик инсонни комилликка чорловчи улкан маънавий меросдир. Шунингдек, Бобур ўз асарларида адабиёт, тарих, тилшунослик, ҳуқуқшунослик, мусиқа ва географияга оид жуда кўп маълумотлар бериб кетган. Бобур лирикаси эса, ўзбек мумтоз адабиётининг энг гўзал саҳифаларидан биридир.

Ҳозирда Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни, Бобур ва бобурийлар ҳаёти, ижодини ўрганиш масалаларига бағишланган республика ва халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтмоқда. Унда мамлакатимизда халқимизнинг бой маданий мероси, тарихи, бетакрор археологик ва тарихий ёдгорликлари, миллий кадриятларимизни, айниқса, жаҳон тараққиёти, илм-фани ривожига, инсоният тафаккурининг юксалишига муносиб ҳисса қўшган буюк алломаларни улуғлаш, улар томонидан яратилган бебаҳо тарихий асарларнинг илмий-тарихий аҳамиятини жаҳон жамоатчилиги эътиборига кўрсатиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганлигидан кенг жамоатчиликни хабардор қилиб борилмоқда.

Ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш учун юқорида келтирилган байтнинг мазмун-моҳиятини англаб етишнинг ўзи ҳам кучли омил бўла олади. Ёшларни ўз ватанини севиши кадрлаши унга бўлган муҳаббатини ўзи туғилган ва ўсган оиласи кадрлашни ифодалайди. Бизнингча, ватанга муҳаббат – энг муҳим ижтимоий хислардан биридир.

Хулоса қилиб, юртимизда жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ алломалар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш борасидаги ишлар ҳукумат даражасида олиб борилмоқда. Хусусан, нафақат Осиё, балки жаҳон илм-фани, тараққиёти ва ривожига салмоқли ҳисса қўшган шоир, олим ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурга Ўзбекистон заминида кўрсатилаётган эҳтиром халқингизнинг шу юртдан етишиб чиққан буюк тарихий шахсларга бўлган ҳурматининг ёрқин намунаси дир. Зеро, Бобур биз учун том маънодаги буюк маданият, олий даражадаги шарқона одоб ва ахлоқ тимсоли ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент. 1996.
2. Қосимов Б., Юсупов Ш. ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Тошкент. Маънавият, 2004.
3. Ғофуржон Сатимов. Бобурийзодалар. Тарихий-маърифий рисола. Тошкент, “Шарқ”. 2016.

YOSHLARNI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHDA BOBUR ASARLARINING AHAMIYATI

Nurulloyev L.L.

BuxDU Harbiy ta'lim fakulteti Maxsus tayyorgarlik sikli o'qituvchisi, kapitan

Jo'rabayev K.K.

BuxDU Harbiy ta'lim fakulteti talabasi

Yuksak madaniyatga erishgan har bir xalqning shunday buyuk farzandlari bo'ladiki, ular nafaqat o'z yurti, balki umumjahon tafakkur ahlining hurmat-e'tiborida bo'ladi. O'zbek xalqi tarixida dunyo sivilizatsiyasi rivojiga ulkan hissa qo'shgan ana shunday ulug' allomalar, davlat arboblari ko'plab topiladi. Ularning hayoti va ijodini dunyo olimlari keng miqyosda o'rganib keladilar. Bu fikrimizga, ayniqsa, Zahiriddin Muhammad Bobur ma'naviy merosining jahon ilmi fani, madaniyati va san'atida o'rganilishi, targ'ib-u tashviq etilishi yaqqol misol bo'la oladi. Hayot zavqi, tabiat go'zalliklaridan zavqlanish, inson va insoniylikni ulug'lash, vatan va vatandoshlarni sevish, avaylash ham Bobur she'riyatida katta o'rin egallaydi.

Vatanparvarlik - insonning o'z yurti manfaatlarini himoya qilish yo'lidagi fidoiyligi, Vatanning har qarich tuprog'i har bir giyohini ko'z qorachig'iday asrashi, uning uchun zarur bo'lganda jonini ham fido etishdir. Boshqacha aytganda, vatanparvarlik - Vatanga bo'lgan mehr muhabbatning e'tiqot va iymon darajasiga ko'tarilishi, ona yurt tarixi, milliy meros va qadriyatlarini bilish va e'zozlash, xalq va millat manfaatlarini yo'lida astoydil mehnat qilish, zakovati, mehnati bilan uning boyligiga boylik, qudratiga qudrat qo'shishdir⁸⁷. Vatanparvarlik - o'z vatanining mustaqilligini asrab-avaylash, uning yo'lida fidokorona mehnat qilish, Vatan posbonligiga tayyor bo'lish, vatan tarixi madaniyatini bilish, faxrlanishdir. Milliy istiqlol mafkurasining asosiy maqsadlaridan biri ham O'zbekistonda yashovchi har bir fuqaroni, birinchi navbatda yosh avlodni vatanparvarlik, el-yurtga sadoqat ruhida tarbiyalash, ularning qalbida insonparvarlik va odamiylik fazilatlarini chuqur singdirishdan iborat.

Bobur ijodida Vatan tushunchasi, Vatanparvarlik tuyg'usi alohida ahamiyat kasb etadi. Jumladan, Bobur shoh bo'lsa-da, o'zini g'arib deb his qiladi. U davlati va saltanatini o'z diyorida barpo eta olmaganiga afsuslanadi:

Yod etmas emish kishini g'urbatda kishi,
Shod etmas emish ko'ngulni mehnatda kishi.
Ko'nglum bu g'ariblarda shod o'lmadi, oh,
G'urbatta sevunmas emish, albatta, kishi.

Bobur Vatanidan ajralib, begona yurtlarga borganidan pushaymon bo'ladi. Yo'l qo'rgan xatosini "taqdir"dan deb biladi. Quyidagi alamli ruboiysi shu haqida:

Tole' yuqi jonimga balolig' bo'ldi,
Har ishniki ayladim, xatolig' bo'ldi.
O'z yerni qo'yib, Hind sori yuzlandim,
Yo Rab, netayin, ne yuz qarolig' bo'ldi.

Bobur uchun hech bir yurt o'z Vatanidek bo'la olmaydi. Hech qanday davlat Vatanga bo'lgan muhabbati o'rnini bosa olmaydi. G'urbat azoblari esa uni hech tark etmaydi. Uning mana bu mungli ruboiysi bunga yorqin misol:

Hijron qafasida jon qushi ram qiladur,
G'urbat bu aziz umrni kam qiladur,
Ne nav' bitay firoq-u g'urbat sharhin,
Kim, ko'z yoshi nomaning yuzin nam qiladur.

Bobur ruboiylarida vatanparvarlik - iymon - e'tiqodga aylangan yuksak ma'naviyat ekanligini, vatanparvarlik - so'z va ish birligi, Vatanga bo'lgan muhabbat havoyi va'dalar, balandparvoz so'zlarda emas, u mehnatda insonning bunyodkorlik faoliyatida namoyon bo'lishini ta'kidlaydi.

Boburning "Xazon yafrog'i yang'lig'..." misrasi bilan boshlanuvchi g'azalidagi baytlarda Vatan sog'inchi ifodalangan. Shoir kuz manzarasini tasvirlaydi. Umrining oxirlab borayotganini sarg'ayib to'kilayotgan xazonlarga o'xshatadi. Bu bilan insonning dunyoga kelib-ketishi tabiiy bir hol ekanligini ifodalaydi. Aziz yurtini esa "sabz-u xurram", ya'ni doimo yashil-u ko'rkam, gul kabi gullab, ochilib turishini va umrbod shunday qolishini juda istaydi. Chunki muqaddas Vatangina hech qachon so'lmas va hamisha abadiy ekanligini ta'kidlaydi:

Xazon yafrog'i yang'lig' gul yuzung hajrida sarg'ardim,
Ko'rub rahm aylagil, ey lolaruh, bu chehrai zardim.
Sen, ey gul, qo'ymading sarkashligingni sarvdek hargiz,

⁸⁷ Nosirxo'jayev S.H., Lafasov M.F... Ma'naviyat asoslari. Toshkent. "fan".2002-yil 44-46-betlar.

Ayog'ingga tushub, bargi xazondek muncha yolbardim.

Latofat gulshanida gul kibi sen sabz-u xurram qol,
Men archi dahr bog'idin xazon yafrog'idek bordim.⁸⁸

Bobur ijodidagi Vatan mavzusi, vatanparvarlik tushunchasi nafaqat she'riyatida, balki uning o'zbek adabiyotida nasrda yozilgan dastlabki tarixiy, badiiy, ilmiy, noyob qomusiy asari "Boburnoma"da ham tilga olinadi. Masalan, Bobur "1526 yil voqealari" bayonida Hindiston haqida yozar ekan, uning tabiat manzaralarini o'z yurtiga qiyoslab tasvirlaydi: "Hindustondakim, oqar suv hargiz bo'lmas, chashma xud ne tilar. Adyonan chashma dam kim bor, yerdin zax suyidek sizib chiqar. **Ul yerning** chashmalaridek qaynab chiqmas...".

"Boburnoma"da Movarounnahr va Xurosondagi turli joylarning tavsifini berilar ekan, muallif boshqa ko'plab jihatlar qatori, muayyan hududning nabototi, o'tloqlari, tog'lari, ularda o'sadigan o'simliklarning tabiiy xususiyatlarini ham aniq tasvirlaydi. Bunday tasvirlar tarjimalarda ham boburona ifodalanganiga va ayrim o'rinlarda muallif uslubidan chekinganiga ham guvoh bo'lamiz. Bu tasvirlarda, asosan, muayyan joy boshqa manzillar bilan qiyoslash orqali ifodalangani bois adib istiqloq yillarida Bobur asarlarining ilmiy va ommabop nashrlari uzluksiz va tizimli ravishda zahmatkash olimlarimiz — akademik Aziz Qayumov, professor Saidbek Hasanov, Abdug'afur Abdurashidov, Hasanxo'ja Muhammadxo'jayev, Vahob Rahmonov, Ergash Ochilovlar tomonidan amalga oshirib kelinmoqda.

Yuqorida zikr etilgan ma'lumotlar Bobur ijodi jahon miqyosida tobora ommaviylashib borayotganini ko'rsatadi. Zahiriddin Muhammad Bobur asarlarining hozirga qadar o'ttizdan ortiq jahon tillariga tarjima etilgani, dunyo olimlari tomonidan ulug' ajdodimiz merosini har tomonlama tadqiq etishga bo'lgan qiziqishning kuchayib borayotgani o'zbek xalqining, O'zbekistonning xalqaro maydondagi obro'-e'tiborini yuksaltirishga hissa qo'shishi shubhasiz.

Muxtasar qilib aytganda, yoshlarni Vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda Zahiriddin Muhammad Bobur asarlarining ahamiyati beqiyos. Zero Bobur inson uchun na davlat va na saltanat, na toj-u taxt, hech bir narsa Vatanga, el-yurt mehriq teng kelolmasligini o'z asarlarida ta'kidlaydi. Vatandan judolik - inson uchun katta baxtsizlik ekanligini, o'zga yurtlarda shoh bo'lsa ham, baribir ko'ngil qasrining bir chekkasi kemtik ekanligini aytib o'tadi. Bobur ilmiy va badiiy merosini o'qib, yoshlarimizda: shunday go'zal vatanda, mustaqil, tinch va farovon yurtda tug'ilib o'sganidan faxr hamda iftixor tuyg'usi shakllanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Zahiriddin Muhammad Bobur. Sochiniq savdosi tushti. Toshkent,2007.
2. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma (nashrga tayyorlovchi Porso Shamsiyev) Toshkent. "Yulduzcha".1989.
3. Nosirxo'jayev S.H., Lafasov M.F... Ma'naviyat asoslari.Toshkent. "fan".2002
4. A'zamxojoyeva G. Bobur ijodida Vatan mavzusi // O'zbek tili va adabiyoti. T.; "Fan"2013. 1-son.

⁸⁸ A'zamxojoyeva G. Bobur ijodida Vatan mavzusi // O'zbek tili va adabiyoti. T.; "Fan"2013. 1-son. 73-bet.

БОБУР МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ ЁШЛАРНИ ВАТАНГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДАГИ ЎРНИ

Мамаджонова М.Қ.

Низомий номидаги ТДПУ “Фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси

Эшпўлатов Д.О.

Низомий номидаги ТДПУ Тарих факультети талабаси

Ватанпарварлик инсонда шундай ҳаётий мезонки, жамиятда макон ва замон хусусиятига кўра шаклланган буюк кадрият сифатида доимо такомиллашиб, сайқалланиб боради, жамиятда ўзига хос муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Ватанпарварлик ҳиссининг инсон тақдиридаги аҳамияти шундаки, у доимо ўзининг ҳаётийлиги, таъсирчанлиги, меҳр-мурувватлилиги билан Ватанни мустаҳкамлашга, халқни бирлаштиришга хизмат қилади.

Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади [1.]. Ватанпарварлик - бу инсоннинг ўз Ватанига муҳаббатини, уни асраб-авайлашга бўлган иштиёқини, Ватан олдидаги масъулият ва бурчини англатувчи ахлоқий тушунча. Жамият тараққиёти ҳар бир шахсдаги ватанпарварлик туйғуси билан боғлиқ. Бу ҳақда фикр юритганда Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида: “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”[3.]

Ҳозирги ўзбек ватанпарварлиги халқимиз тараққиётини олға силжитган ота-боболаримиз яратувчанлик ишининг бевосита давомидир. Ватан туйғуси аввало аждодлар ёди, уларнинг хотирасини эслаш ва кадрлаш, олис ва яқин теварак атрофларда бўлаётган воқеаларни сезгирлик билан кузата бориб, Ватан ҳимояси учун доимо шай туриш, ўзининг келажак авлодлар олдида маъсул эканини тушунишдир.

Халқимизнинг буюк тарихий мероси ватанпарвар инсонларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. 2018 йилнинг 23 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияни тасдиқлаш тўғрисида” концепциясида “Қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қахрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш”[2] масаласи ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий мақсади ва вазифаларидан бири сифатида келтирилади. Ватанни англаш, унга муҳаббатни ҳис қилиш учун тарихга назар ташламоқ керак.

Ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда, миллий кадриятларимизга эҳтиром, юрт тараққиётига дахлдорлик ҳисси ва мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантиришда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ўзига хос ўрин тутди. Олий Мажлис Сенатининг янги таркибдаги илк мажлисида сўзга чиққан Президентимиз Шавкат Мирзиёев миллий тарихни англашнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, куйидаги фикрларни илгари суради. “Яқинда Хавфсизлик кенгаши йиғилишида Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомиз ҳақида гапирдим. Бобур 12 минг аскар билан 100 минг аскарни енгган. Ўша пайтда шундай қилиш мумкинми? Йўқ. Бобомизга нима ёрдам берди? Ватанпарварлик, ғурур, ифтихор, ақл-

заковат” [3] Бобур жуда мураккаб ҳаёт, кураш ва ижодий фаолият йўлини кечиб ўтди. У инқирозга юз тутган темурийлар давлатини сақлаб қолиш ва мустақкамлаш, Ўрта Осиёда марказлашган йирик давлат вужудга келтириш учун узоқ ва қаттиқ кураш олиб борди. Бирок тарихий шароит бунга имкон бермади. Бобур маънавий меросига назар соладиган бўлсак, аксарият ғазаллари, рубоийлари Ватан ҳақидадир. “Чархдан беҳисоб жавру жафо кўриш”, “жондан ўзга махрами асрор топа олмаслик”, “диёру ёрнинг ҳаргиз вафо кўрсатмаслиги” Бобур лирикасининг асосий мавзулари. Бу тушкун кайфиятнинг бош манбаи эса – она юрт, Ватан соғинчи. Улар Ватандан жудолик азобини ифодалайди. Ғазаллар шоир маънавий меросининг катта қисмини эгаллайди. Бобур ғазаллари мавзуга кўра хилма – хилдир. Унда ҳаётга қайноқ меҳр акс этган жўшқин ғазаллар ҳам, афсус – надомат тўла шеърлар ҳам бор. Шоир гоҳ дунёнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган киши сифатида фалсафий мушоҳада юритади. Лекин ғам-алам кўпроқ. Бунинг сабаби шоирнинг ўз ватанидан узоқда яшаганидир.

Хазон яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб, раҳм айлагил, эй лоларух, бу чехраи зардим.
Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Аёғингга тушуб барги хазондек мунча ёлбордим.
Латофат гулшанида гул каби сен сабзу хуррам қол,
Мен арчи даҳр боғидин хазон яфроғидек бордим.
Хазондек қон ёшим, сориг юзимдин эл танаффулда,
Баҳор ранги, бихамдилоҳ, улусдин ўзни кутқардим.
Не толедур мангаким, ахтари бахтим топилмайди,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардин ахтардим.
Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ямон, яхшидин ўтқардим. [4]

Бобурнинг ушбу ғазалида Ватан соғинчи ифодаланган. Шоир ғазалда куз манзарасини чизади. Бу манзара шоирнинг тақдиридан сўзлайди. Муаллиф муносабати ва шарҳлари шеърдаги соғинч ва дардни, Ватандан айрилиш фожиасини кучайтириб боради.

Ғазалнинг учинчи байтида дунё боғидан хазон баргидек кетаётган шоир Ватан дарахтининг бир умр “сабзу хуррам” (яшил ва кўркем) қолишини дил-дилидан истайди. Дунёнинг бу ёғидан кириб, у ёғидан чиқдим, йўқ, бахт юлдузим топилмади, “бу қандай толеъ бўлди?” деб савол қўяди шоир.

Ғазалнинг сўнги байтида ўзининг Ватан ҳақидаги истак ва эътиқодидан зарра қайтмаган, очиқ юз, очикқўнгил, танти ва жўмард Бобур бутун шиддати билан бўлади.

Ҳеч бир шоир Ватандан йироқлик фожиасини Бобур каби таъсирчан ифодалай олмаган. Фидойилик, ватанпарварлик шоир шахсида шунчалик тантана қиладики, Бобур ўз юртидан йироқликни, ўз қисматидаги юз қаролиғ, деб ҳисоблайди:

Толеъ йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб нетайин, не юз қаролиғ бўлди?! [5]

Шоирнинг қуйидаги Она Ватан туйғуси, Ватандан айрилиш азоби ҳақидаги рубоийлари ҳар бир китобхон қалбида чуқур из қолдиради. Ҳиндистон шоҳи бўлишига қарамай Бобурни Ватан соғинчи сўнги нафасигача тарк этмади.

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,

Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.

Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, ох,

Гурбатда севунмас эрмиш, албатта киши.

Айни ғамгин мисралар ғазалнинг анча тушкун кайфиятда дунёга келганидан дарак бериб, шоирнинг оғриқли нуқталаридан далолат беради. Инсон ҳар жойда бир бурда нонини топиб, қорнини тўйғазиши мумкин. Лекин Ватаннинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Ватанда яшаш ҳақиқий бахт. Биз учун Ватан ягона. Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсоннинг қалбида ватанпарварлик, Ватанга дахлдорлик ҳисси жўш уриб туриши керак. Аждодларимиз орзу қилган жамиятда яшаётганимиз барчамиз учун катта қувончдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, юртимизнинг дунёдаги обрў-эътибори, мавқеининг юксалиши ҳар биримизнинг чеҳрамизда нур, бошимиз баланд, қаддимиз тик бўлишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш. М. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2017, 229-230.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://www.uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyas-28-12-2018>.

3. “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг 23.02.2018 йил 140-сон қарори.

4. «Бизга Навоий ёки Бобурни ўқитишмаган» – Шавкат Мирзиёев миллий тарих ҳақида гапирди // <https://kun.uz/news/2020/01/20/>.

5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Zahiriddin_bobur_ziyouz_com

6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. “O'q itu v s h i“ нашриёт-матбаа ижодий уйи Тошнент — 2008, 3-10 бет

БОБУРДАГИ ВАТАНПАРВАРЛИК ФАЗИЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ АҲАМИЯТИ

Мўминов М.

Андижон давлат университети мустақил иланувчиси

Ҳозирги таҳликали давр фарзандларимизни ўз халқига ва ўз Ватанига садоқатли қилиб тарбиялашни тақозо этмоқда. Чунки бир томонда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсир ўтказиб, демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо қилишдан иборат танлаган йўлимиздан оғдириш ниятидаги қора кучлар бор. Иккинчи томонда ёшларимизнинг маънавиятига зарарли таъсир ўтказиб, наркомания, одам савдоси, биржинслилар никоҳи, беҳаёлик, трансгендер, бесоқолбозлик каби ярамас одатларни тарғиб қилиш механизмлари кучайиб кетди. Мана шундай негатив ҳолатларнинг олдини олиш умумхалқ ишидир. Маънавий тарбияга беътиборлик бизга қимматга тушади.

Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йил 19 январь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида “Агар кимдир, маънавият масаласи – бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир, – деди. Шунингдек, маънавий-маърифий билимларни беришда аждодларимизнинг бой мероси ва миллий кадриятларга асосланган кучли маънавиятни янги Ўзбекистонни шакллантиришнинг мустаҳкам устуни деб атади[2].

Ҳақиқатан ҳам, миллий ғоямизнинг моҳиятини яхши тушунмаган айрим ёшлар чет эл маданиятига, зарарли мафкураларнинг тарғиботига учиб, ҳаёти барбод бўлмоқда. Ёшларнинг шахсий ҳаётида азият чекиши, маълум даржада оилага, жамиятга таъсир кўрсатади. Бундай камчиликларнинг олдини олишда ватандошимиз Мирзо Бобурнинг шахсий ҳаётидан, илмий меросидан мисоллар келтириб, фарзандларимизда яхши фазилатларни намоён қилиш мумкин. Бу масалада Президентимиз шундай деган эди: “Тарихга қарасак ҳам, бугунги кунга қарасак ҳам Андижон заминида кўп соҳалар бўйича қандай буюк, фидойи инсонлар етишиб чиққанига амин бўламиз. Чунки миллат, эл-юрт тақдири учун куйиниш, миллий ғурур, орномус учун бел боғлаб майдонга чиқиш – Андижон аҳлига хос азалий одат. Мана, улуғ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни олайлик. Бу буюк зот ўн икки ёшидан бошлаб Темурийлар давлатини сақлаб қолиш учун ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам урди, ҳеч қандай душмандан ҳам, синовдан ҳам кўрқмади. Қирқ олти йиллик умри давомида бир зум ҳам ҳаловат билмасдан ўтди. Ўз авлодларига, Ватанга бўлган буюк муҳаббатни, эзгу фазилатларни мерос қилиб қолдирди”[1, 8-9].

Дарҳақиқат, Мирзо Бобурнинг “Бобурнома” асарини ўқисангиз, 15-асрга оид фойдали ва қизиқарли маълумотларни билиб оласиз [3]. Бобур 12 ёшида Фарғона музофотида бошлиқ бўлади. Бир томондан бу жуда осонга ўхшайди. Ўйлаб қаралса, далатни бошқариш, амалдорларга вазифаларни тайинлаш ва назорат қилиш, халқ ҳолидан хабар олиш, ички ва ташқи хавфларга қарши курашиш – буларнинг барчасини рисолада ҳал қилиш учун маълум даражадаги билим керак бўлади. Тўғри, бу борада унга катта ёшлилар ёрдам берган. Лекин Бобурда қобилият, самимият ва интеллектуал салоҳият борлиги учун унга бундай масъулиятли вазифа берилган. Шу масалада фарзандларимизнинг мактабга қатнаши, ўқиши ва маънавий-маърифий жиҳатдан қандай тарбия олаётгани билан қизиқишимиз керак. Айтишадик, фарзанднинг қамоли ёшлиқдаги тарбияга боғлиқ, деб. Шунинг учун ҳам бугун юртимизда “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” тамойили асосида таълим-тарбияга катта эътибор берилляпти.

Бобур шахсиятидаги яна бир ажойиб фазилат шуки, у ўспирин даврида бобоси Амир Темурнинг давлатини тиклаш мақсадида жуда тажрибали бўлган Шайбонийхонга қарши уруш эълон қилди. Шу мисолнинг ўз ҳам фарзандларимизга кўрқмаслик, жасурлик, ботирлик хусусиятини сингдиришда асқотади. Бобур бунга ўзидан шижоат ва ғайратни топди. Бугунги ўспирин ёшларимизга шу мисолни келтириб, она юртингни, ота-онангни ёвузликдан ҳимоя қилиш учун Бобурдаги жасоратни ўзингда сен ҳам намоён қил, дейиш талаб этилади.

Бобур душмани Шайбонийхонга қарши боришда тоғу-тошлардан ўтиш қийин бўлди. Қаттиқ совуқ жон-жонидан ўтди. Андижондан Самарқандга боргунча барча довонлардан ўтишда қанча от қулади, қанча суворий ҳалок бўлди. Аммо дилидаги эзгу мақсадига етишиш учун қатъият билан ҳаракат қилиб, Самарқандга етиб борди. Бобурдаги мана шу ўз олдига қўйган мақсадга эришиш учун барча қийинчиликларни енгиб ўтиш хусусиятини фарзандларимизга ўргатайлик. Қатъиятлилик ҳар бир одамнинг шахсий ҳаётида жуда керакли хусусият. Бунингсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Бобурнинг аскарлари сони нисбатан оз бўса-да, босқинчи Шайбонийхон билан олиб борган жангларда жасорат кўрсатди. Унга ёрдам бериш ўрнига акаси мансаб, мерос талашиб Андижонда қўзғалон кўтарди. Бу ҳолат укаси Бобурга ҳам маънавий, ҳам моддий зарба берди. Лекин у руҳий тушкунликка берилмади. Бобосининг давлатини қайта тиклаш иштиёқида бўлди. Бир неча марта енгилса-да, яна қуч тўплаб, Шайбонийга қарши борди. Бунинг ҳақиқий мардлик, ҳақиқий ватанпарварлик деса, муболаға бўлмайди.

Агар фарзандларимизга Мирзо Бобурдаги душманни йўқ қилиш ниятидан қайтмаслиги фазилатини сингдирсак, ёв билан охиригача олишиш хусусиятини ўрганиб олади. Зеро, душманни таниш керак, уни махв этиш керак. Аксинча бўлса, душманнинг қўлида кул бўлиб қолади. Қул одам эркин яшай олмайди.

Бобур Афғонистон томон юриш қилади. У ерда адолатли тартиб ўрнатди. Боғ-роғлар, канал ва йўллар, хаммом ва мадрасалар барпо қилди. Мана шундай қийин шароитларда бадий ижод билан ҳам шуғулланди. Ғазаллар, тарихий маълумотларни ёзди. У яратган ижодий мерос ҳозиргача одамларга манфаат етказмоқда. Бундай яратувчанлик, бунёдкорлик ўзбекларга хос хусусият. Халқимиз оммавий ҳашарларда қатнашиб, қўлидан келганича ёрдам беради. Айниқса коронавирус пандемияси жуда кўплаб одамларга зарар келтирганда, “Сардоба” сув омбори платинаси емирилганда, Бухорода кучли шамол талофат етказганда, тунни кунга улаган тиббиёт ходимлари, саҳватпеша халқимиз, волонтер ёшларимиз бир ёқадан бош чиқариб, бало-қазоларни даф қилди.

Мирзо Бобур Ҳиндистонга ҳарбий юриш қилганда, Иброҳим Лўдийнинг аскарларига караганда кўшинлар сони 6-7 барвар оз эди. Лекин Бобурнинг ҳарбий тактикаси унга ғалаба келтирди. Шунини эътироф этиш керакки, ҳиндистонликлар Бобурни яхши кўришади. Нима учун? Бобур ва бобурийлар у ерларни обод, бўстон қилди, зарарли урф-одатларни йўқотди, адолат ва тинчликни барқарор қилди.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки:

- фарзандлар тарбиясида “Бобурнома” асаридан фойдаланиш ижобий натижаларни беради;
- аждодларимизнинг бой маънавий мероси ва миллий қадриятларимиз фарзандлар тарбиясига кучли таъсир кўрсатади;
- Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мероси, ҳаёт йўли, ватанпарварлик фазилати эзгулик, одамийлик ва инсонпарварликнинг қимматли намунаси;
- азми қатъий ва шижоатли ёшларни тарбиялаш барчамизнинг олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифа.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. – 488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. 2021 йил 19 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқи.

3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: “Фан”, 2018.–432 б.

БОБУР ИЖОДИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ ВА УНИНГ ЖАДИДЛАР АСАРЛАРИДАГИ ТАЛҚИНИ

Муродов А.И.

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
таян докторанти*

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Бобур кенг дунёқараши ва мукамал ақл-заковати билан шоҳ сифатида Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, шоир ва ижодкор сифатида “Бобурнома” асари билан

жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди. Унинг ғазал ва рубойлари туркий шеърятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, “Мубаййин” (“Баён этилган”), “Хатти Бобурий”, “Ҳарб иши”, Аруз ҳақидаги рисолаеси эса ислом қонуншунослиги, шеърят ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Захириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14 феввалида Андижонда, Фарғона улусининг ҳокими Умар Шайх Мирзо оиласида дунёга келди. Бу даврда Марказий Осиё ва Хуросонда турли ҳокимлар, ака-укалар, тоға-жиянлар, амакиваччалар ўртасида ҳокимият улуғ боболари Амир Темур тузган йирик давлатга эгалик қилиш учун кураш ниҳоят кескинлашган эди [2, 251-255.].

Бобур ўзбек адабиётида ўзининг нозик лирик асарлари билан ҳам машҳурдир. Унинг ҳаёти ва адабий фаолияти Мовароуннаҳрда сиёсий ҳаёт ниҳоят мураккаблашган феодал гуруҳларнинг бошбошдоқлик ҳаракатлари авжига чиққан ва Темурийлар давлатининг инқирози давом этаётган бир даврга тўғри келган эди. Бундай мураккабликлар жараёнини “Бобурнома”да кўрадиган бўлсак, уларнинг шоир руҳиятида қандай акс этгани унинг шеърларида намоён бўлади. Мовароуннаҳрни бирлаштиришга уринишлари натижа бермагач, Бобур руҳан қийналган, амалдорларнинг ҳиёнатлари таъсирида умидсизликка тушган кезлардаги кайфияти шеърларида акс этган. Кейинчалик ўз юртини тарк этиб, Афғонистон ва Ҳиндистонга юз тутганда Бобур шеърлятида Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, унга қайтиш умидини бера бошлади.

Унинг шоҳ асари “Бобурнома” нафақат шарқ халқлари тарихида, балки дунё тарихида ҳам катта аҳамиятга эга бўлган асарлардан биридир. Шунинг учун ҳам тарих илми тадқиқотчилари бу асарга жуда юксак баҳо беришади.

“Бобурнома” Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Афғонистон каби мамлакатлар табиати ҳақида, аҳолисининг яшаш тарзи хусусида мукамал маълумот берадиган манбалардан биридир. Бобур бирор бир ҳудуд ҳақида маълумот берар экан, унинг ўзига хос хусусиятларини ҳам санаб ўтади. Ҳатто қушлар ва гулларнинг ноёб турларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. “Қобулда лоланинг ўттиз тўрт тури бор экан”, деб ёзади бир ўринда. Шу маънода айтиш мумкинки, у ўз ижоди билан нафақат адабиёт фани ривожига ҳисса қўшди, балки қадим шарқнинг қомусий олимлари изидан бориб, мусиқа, тарих, адабиётшунослик, география фанларининг, шу билан биргаликда ҳарбий соҳаларнинг тараққиётига ҳам муносиб улуш қўша олди[3.].

Дарҳақиқат, Бобур ижодини кузатар эканмиз, ҳар қандай таълим-тарбиянинг бошланғич нуқтаси, ҳар бир педагогик фаолиятнинг ўзаги илм эканлигига урғу берганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, Бобур шеърларида инсон камолоти ва таълим-тарбиясида илмнинг нақадар зарурлиги қайта-қайта уқтирилган:

Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ўрганғали илм толиби илм керак.
Мен толибу илму толиби илм йўқ,
Мен бор мен илм толиб илм керак.

Бобур илм толиблари “ҳамиша юксак фазилатларга эга бўлиши лозим” деб ҳисоблаган, уларнинг камтар, софдил, халқни ҳурматлайдиган фазилатларга эга бўлишини истаган:

Бори элга яхшилиқ қилгилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиқ.

Шунингдек, Бобурнинг таълим-тарбиявий қарашларидаги бош масала ватанга чексиз муҳаббатдир. Унинг шу мавзудига шеърлари китобхонни она-Ватанни севишга,

унга фидойи, содиқ бўлишга, ўз халқига хизмат қилишга чорлайди, ўқувчининг қалбида юксак инсонпарварлик туйғуларини уйғотади:

Толе йўқ жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники қилдим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўюб ҳинд сори юзландим.
Ёраб, нетайин, не юзи қаролиғ бўлди.

Кўпдин бериким ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла
Лек боруримда ихтиёрим йўқдур.

Бобур таълим-тарбияга доир ғояларини ўз бошидан кечирган, кўрган ва билган воқеалар билан асослайди.

Бобур ижодида шунингдек, панд-насихатга ҳам алоҳида эътибор қаратганлигини кўриш мумкин. Юксак инсоний фазилатларга эга бўлган шахс жамиятга муносиб авлодни тарбиялаб етказишини кўйидаги мисраларида ҳам кўриш мумкин:

Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,
Шу беш кун учун ўзингни асру тутма...
Беқайд мену хароби сим эрмасен...
Хам мол йиғиштирур лаим эрмасмен.

Бобур рубоийларида нафс хоҳишларига берилмасликка ундай-ди. Чунки, нафс инсонни ёмон йўлларга олиб қиради. Ўз нафсини тия олиши, ақлга асосланиб режали иш олиб бориш зарурлигини таъкидлайди:

Нафсинг касбидур ҳавою ҳавас,
Рух олдидадир булар ярамас.
Нафс душман дурур, яқин билгил,
Дўстим бу сўзни чин билгил.

Бобур ёш авлодни тўғрилиқ, меҳрибонлиқ, вафодорлиқ, эзгу-лиқ ҳамда яхши киши яхшилик кўради, ёмон киши ёмонлиқ кўради қоидасига асосланиб шундай ёзган эди:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир[4.].

Бундан ташқари Бобур “Мубайин”, “Муфассал” номли асарларида ўша давр солиқ тизими, иқтисодий муносабатлари ҳамда мумтоз шериятда аруз вазни ҳақида фикр юритади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Бобур араб алифбосини туркий тил хусусиятларини ҳисобга олиб мослаштиришга ҳаракат қилади. “Хатти Бобурий” шу мақсадда яратилади. Қуръони Карим шу алифбода кўчирилади[4.].

Фитратнинг ўндан ортиқ илмий асар ва қўлланмаларида Бобур тилга олинган. Унинг «Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма» (1926 йил) дарслигида Бобур ва унинг ижоди ҳақида янги давр ўзбек адабиётшунослигида биринчи бўлиб маълумот берилган. «Ўзбек адабиёти намуналари» (1-жилд, 1928 йил) мажмуасида «Бобурнома»нинг Ҳиндистон қисмини табдил этиб, Ўзбекистонда илк марта нашр қилган, «Адабиёт қоидалари» (1926 йил) китобида энг кўп мисол Навоий ва Бобур ижодидан келтирган. «Аруз ҳақида» (1935 йил) рисоласида туркий арузнинг хусусиятларини тушунтирар экан, Фитрат Бобурга ҳам аруз назарийчиси, ҳам арузнинг

гўзал вазнларида шеър бита олган ҳассос шоир эканини кўрсатган. «Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи» (1927 йил) асарида Навоийнинг моҳир мусанниф (бастакор) бўлганини Бобурнинг шаҳодати билан баён қилган [1, 13.].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси (қайта ишланган иккинчи нашр) /Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқ. Бош муҳаррир: А.Аъзамов. – Т.: «Sharq» НМАК Бош таҳририяти, 2017. – 688 б.
2. “Маънавият юлдузлари” Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент, 1999. Б. 251-255.
3. <https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/shoh-va-shoir/?imlo=k>

YOSHLARNI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHDA BOBUR ILMIY VA MA'NAVIY MEROSI

Omarova G.S.

BuxDU o'qituvchisi

Bozorbayeva M.R.

BuxDU talabasi

Muqaddas Vatanimizda ko'plab jahonga mashhur bobokalonlarimiz yashab o'tganlar. Ularning ko'rsatgan jasratlari, barchamizda vatanparvarlik hissini yanada kuchaytiradi. Masalan, Zahiriddin Muhammad Bobur o'z yurtining istiqloli va xalqining farovon hayoti uchun ko'p urushlarda qatnashgan. Yoshligidan ulug' bobosi Amir Temur saltanatini qayta tiklashni orzu qilgan. Uning bolalik va balog'at yoshlari qarindoshlari orasida taxt uchun kurash avj olgan paytlarga to'g'ri keladi. Shoir o'z yurtini tashlab boshqa yurt sari o'tlanishga majbur bo'ladi. Va bu holatni Bobur Mirzo o'zining xatosi deb hisoblaydi [1].

*Tole yo'qi jonimg'a baloli' bo'ldi,
Har ishnim ayladim – xatolig' bo'ldi,
O'z yerin qo'yib Hind sori yuzlandim,
Yo Rab, netayin, ne yuz qarolig' bo'ldi.*

Boburning umri vatan sog'inchi bilan o'tadi. Uning ruboiylari va g'azallarida bu hissiyot insonda beixtiyor vatanga bo'lgan muhabbatni yanada oshiradi. Boburdagi vatanparvarlik va insoniylik tuyg'ulari uning davlat boshqaruvidagi har bir qilgan amallarida yaqqol sezilib turadi. Masalan, Bobur Hindistonni mahv etgan paytlarda turmush o'rtog'i vafot etsa unga rafiqasini ham qo'shib olovda yoqishgan. Bobur bu urf-odatning noto'g'riligini va erining vafotidan so'ng ayolining bu hayotda yashashga haqqi borligini tushuntirib, ushbu holatni davlat qonunlarida man qilgan.

Zahiriddin Muhammad Bobur o'z yurtiga egalik qila olmaganidan keyin janubga qarab yo'l oldi va Kobulni qo'lga kiritdi. 1505-1515-yillarda Bobur o'z yurtiga qaytishga bir necha bor urinib ko'rdi. Ammo bu urinishlardan hech qanday natija chiqmadi. So'ngra o'z mavqeini mustahkamlash uchun Hindistonga yo'l oldi. 1526 yil aprel oyida Panipatda Hindiston Sultoni Ibrohim Lo'di bilan va 1527 yili mart oyida Chitora hokimi Rano Sango bilan bo'lgan janglarda Boburning omadi keldi. Tarixiy ma'lumotlarda, Boburning Hindistonga yurishida Dehli hukmdori Ibrohim Sulton siyosatidan norozi bo'lgan Panjob hokimlari ham Boburni qo'llaganlar va Sikri jangidagi bu g'alaba Boburga Hindistonda o'z hukmronligini uzil kesil o'rnatish va Boburiylar sulolasini barpo etish

imkoniyatini bergan deyilgan. Yevropa tarixchiligida “Buyuk mo‘g‘ullar” nomi bilan mashhur bo‘lgan, aslida “Boburiylar sulolasi” Hindistonda 300 yildan ortiq hukmronlik qilgan.

Bobur bu g‘alabadan keyin uzoq umr ko‘rmadi– 1530 yil dekabr oyida Agra shahrida vafot etdi va keyinroq uning vasiyatiga ko‘ra farzandlari uning xokini Kobulga olib kelib dafn etdilar. Biroq qisqa bir vaqt ichida Bobur Hindistonda siyosiy muhitni barqarorlashtirish, Hindiston yerlarini birlashtirish, shaharlarni obodonlashtirish, savdo-sotiq masalalarini to‘g‘ri yo‘lga qo‘yish, bog‘-rog‘lar yaratish ishlariga homiylik qildi. Hindistonni obodonlashtirish, unda hozirgacha mashhur bo‘lgan me‘moriy yodgorliklar, bog‘lar, kutubxonalar, karvonsaroylar qurdirish, ayniqsa, uning o‘g‘illari va avlodlari davrida keng miqyosda yoyildi. Hindiston san‘ati va me‘morchiligiga Markaziy Osiyo uslubining kirib kelishi sezila boshladi. Bobur va uning hukmdor avlodlari huzurida o‘sha davrning ilg‘or va zehni o‘tkir olimlari, shoirlari, musiqashunoslari va davlat arboblarni mujassam etgan mukammal bir ma‘naviy, ruhiy muhit vujudga keldi. Boburiylar davlatidagi madaniy muhitning Hindiston uchun ahamiyati haqida Javaharlal Neru shunday yozgan edi: “Bobur Hindistonga kelgandan keyin katta siljishlar yuz berdi va yangi rag‘batlantirishlar hayotga, san‘atga, arxitekturaga toza havo baxsh etdi, madaniyatning boshqa sohalari esa bir-birlariga tutashib ketdi”.

Bobur g‘azallari va tarixiy “Boburnoma”sidan tashqari islom qonunshunosligi va boshqa sohalarda ham asarlar yaratgan. 1522 yilda o‘g‘li Humoyunga atab yozgan “Mubayyin” nomli asarida o‘sha zamon soliq tizimini, soliq yig‘ishning qonun-qoidalarini, shariat bo‘yicha kimdan qancha soliq olinishi va boshqa masalalarni nazmda izohlab bergan. “Xatti Boburiy” deb atalgan risolasida arab alifbosini turkiy tillar, xususan o‘zbek tili nuqtai nazaridan birmuncha soddalashtirib berishga harakat qilgan. U, tajriba sifatida “Xatti Boburiy” alifbosida Kur‘oni Karimni ko‘chirgan. Boburning aruz vazni va qofiya masalalariga bag‘ishlangan. “Mufassal” nomli asari ham bo‘lganligi ma‘lum, biroq bu asar bizgacha yetib kelmagan.

Bobur o‘zining ma‘lum va mashhur asarlari bilan tarixnavis adib, lirik shoir va ijgimoiy masalalar yechimiga o‘z hissasini qo‘shgan olim sifatida xalqimiz ma‘naviy madaniyati tarixida munosib o‘rin egallaydi.

Bu olam aro ajab alamlar ko‘rdum,
Olam elidin turfa sitamlar ko‘rdum,
Har kim bu “Vaqoe”ni o‘qur, bilgaykim,
Ne ranju ne mehnatu ne g‘amlar ko‘rdum.

Bobur o‘zga yurtida yursa ham faqat vatan sog‘inchi bilan yashagan. Uni vataniga bo‘lgan muhabbati bir nafas tinch qo‘ymagan. Zahuriddin Muhammad Boburning jasadi uning vasiyatiga ko‘ra 1539- yilda Agradan Kobuldagi “Nazargoh” keyinchalik “Bog‘i Bobur” deb nomlangan Bobur o‘zi ixlos bilan bunyod qilgan bog‘ga olib kelingan. Qabr bog‘ning yuqori maydonchasida joylashgan.

Foydalangan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng yuqori bahodir. T.: “O‘zbekiston” 2018. -B.171-172. 2-jild
2. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. T.: "O'qituvchi" 2008.
3. Javaharlal Neru. Jahon tarixiga nazar. 1975y. II jild. 115 b.
4. "Ma‘naviyat yulduzlari" (Abdulla Qodiriy nomidagi xalq me‘rosi nashriyoti 1999- yil).
5. O‘zbekiston Milliy Ensiklopediyasi. Toshkent 2000
6. www.wikipedia.org

БОБУР ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД ИБН УМАРШАЙХ МИРЗОНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ БУГУНГИ КУН ЁШЛАРИНИНГ ТАРБИЯСИДА МУҲИМ ЎРНИ ХУСУСИДА

Очилов Ў.Б.

ЎР ОҲАБИЮ ўқитувчиси

Бобур 1483 йил 14 февралда Андижонда таваллуд топган. Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили: буюк шоир, тарихчи, географ, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, бобурийлар сулоласи асосчиси, темурий шахзода.

Бобурнинг отаси – Умаршайх Мирзо Фарғона вилояти хокими, онаси Қутлуғ Нигорхоним Мўғилистон хони ва Тошкент шокими Юнусхоннинг қизи эди. Бобурнинг онаси ўқимишли ва оқила аёл бўлиб, Бобурга хокимиятни бошқариш ишларида фаол кўмак берган ва ҳарбий юришларида унга ҳамроҳлик қилган. Умаршайх Мирзо хонадони пойтахт Андижоннинг арки ичида яшар эди. Ҳоким ёз ойлари Сирдарё бўйида, йилнинг қолган фаслини Андижонда ўтказарди.

Бобурнинг ёшлиги Андижонда ўтган. Бобур барча темурий шахзодалар каби махсус тарбиячилар, йирик фозилу уламолар устозлигида ҳарбий таълим, фикх илми, араб ва форс тилларни ўрганган, кўплаб тарихий ва адабий асарлар мутолаа қилади, илм - фанга, шеърятга қизиқа бошлайди. Довюраклиги ва жасурлиги учун у ёшлигидан «Бобур» («Шер») лақабини олади.

Бобур отаси йўлидан бориб, машҳур суфий - Хожа Ахрорга ихлос қўяди ва унинг тарихати руҳида вояга етади, умрининг охирига қадар шу эътиқодга содиқ қолади. Кейинчалик «Бобурнома» асарида Бобур Хожа Ахрор руҳи бир неча бор уни муқаррар ҳалокатдан ҳасталик ва чорасизликдан ҳалос эканини, энг оғир шароитларда раҳномалик қилган-лигини таъкидлайди. Отаси бевақт, 39 ёшда фожиали ҳалок бўлган, оиланинг катта фарзанди, 12 ёшли Бобур валиаҳд сифатида тахтга ўтиради. (1494 й.)

Мовароуннахр XV аср охирида ўзаро низолашаётган темурий шахзодалар ёки мулкдор зодагонлар бошчилик қилиб турган, деярли мустақил бўлиб олган кўпдан - кўп вилоятларни парчаланиб кетган эди. Мовароуннахр тахти учун кураш авжга чиққан, турли сиёсий фитналар уюштирилмоқда эди. Бунинг устига Умаршайх Мирзога тобе бир неча бек ва ҳокимлар ёш ҳукмдорга (Бобурга) бўйсунидан бош торгатидалар. Уларнинг айримлари Бобурнинг укаларини ёқласа, баъзилари мустақиллик давосини қилади, яна бошқа бирлари Бобурга рақиб, бошқалари амаки, тоғаларига қўшилиб, уни жисмонан йўқотиш пайига тушади.

Ўз амакиси ва тоғаси бўлмиш Султон Аҳмад Мирзо билан Султон Маҳмудхон хуружларини даф қилган Бобур ҳукмронлигининг дастлабки 2 - 3 йилида мавқеини мустаҳкамлаш, бек ва амалдорлар билан ўзаро муносабатни яхшилаш, кўшинни тартибга келтириш, давлат ишларида интизом ўрнатиш каби муҳим чора-тадбирларни амалга оширади. Бобурнинг дастлабки сиёсий мақсади Амир Темур давлатининг пойтахти, стратегик ва географик жиҳатдан муҳим бўлган Самарқандни эгаллаш ва Мовароуннахрда марказлашган кучли давлатни сақлаш, мустаҳкамлаш, ҳамда Амир Темур салтанатини қайта тиклашдан иборат эди.

Бу пайтда, қисқа муддат ичида Самарқанд тахтига учинчи ҳукмдор келган эди. Султон Аҳмад Мирзо вафоти (1494 йил июл) дан кейин тахтга ўтирган Султон Маҳмуд Мирзо Самарқандда давлатни 5-6 ойдан ортиқ идора этмади - қисқа муддатли

касалликдан сўнг 43 ёшида вафот этди. Унинг ўрнига Бухорода ҳоким бўлган ўғли Бойсунғур ўтиради. 1495 - 1496 йилларда Бобур Самарқандга икки марта мувоффақиятсиз юриш қилади. 1497 йилнинг кузида у Самарқанд атрофидаги бир қанча жойларни ва 7 ойлик қамалдан сўнг Самарқандни эгаллайди. Бойсунғур қундузга кўчади шаҳар қамал туфайли ниҳоятда оғир кунларни бошидан кечирмоқда эди.

Ҳатто эскулик дон ҳам топиш мушкул эди. Бобур кўшинни таъминлашда катта қийинчиликларга дуч келди. Навкарларидан айримлари Андижон ва Аҳси томон қочиб кетадилар. Бунинг устига Андижонда қолган айрим беклар Бобурдан юз ўгириб, унинг укаси Жаҳонгир Мирзо тарафига ўтадилар. Андижондан кўнгли нотинч бўлган ва иқтисодий қийинчиликларга учраган, айна замонда оғир хасталикни бошидан кечирган Бобур Самарқандни юз кун идора этгандан сўнг, уни тарк этишга қарор қилади. Аммо Хўжандга етганда Андижон ҳам қўлдан кетиб, мухолифлар ихтиёрига ўтганини эшитади.

Бобурнинг Тошкент ҳокими, тоғаси Маҳмудхон кўмагида Андижонни қайта эгаллашга уруниши натижа бермайди. Бу муваффақиятсизлик Бобур кўшинига салбий таъсир этиб, кўпчилик бек, наварлар (700 - 800 киши) Бобурни тарк этади. Ўзига содиқ кишилар (200 - 300) билан қолган Бобур маълум муддат Хўжанда тургач, Тошкентга – Маҳмудхон ҳузурига келиб Андижонни қайтариб олиш режасини туза бошлайди. Маълум муддат ўтгач Бобур Хўжандга қайтади, кўп ўтмай, Марғилонни қўлга киритади, ҳамда Андижонни эгаллаш тадбирларини кўради. Ниҳоят, икки йилдан сўнг, яъни 1498 йилнинг июнида уни қайта қўлга киритади. Бобур укаси Жаҳонгир Мирзо билан сулҳ тузиб, унинг ихтиёрида «Хўжанд сувининг Аҳси тарафи вилоятларини...» қолдиради, Андижон тарафи вилоятларини ўз тасарруфига олади.

Темурийларнинг ўзаро урушлари кучайган кезларда Шайбонийхон Мовароуннахрни истило қилишга киришади. У 1499 йил Жиззах ва Самарқанд орқали Қарши ва Шахрисабзга босиб боради, катта ўлжа билан Дашти Қипчоққа қайтади, орадан кўп ўтмай, катта куч билан Мовароуннахрга қайтган Шайбонийхон Бухоро ва Қорақумни эгаллайди (1499й), Султон Али Мирзо кантабинлик билан Самарқандни Шайбонийхонга жангсиз топширади (1500 й). Бироқ шаҳар аҳолиси ва зодагон-ларнинг маълум қисми темурийлар ҳукмдорлигини тиклаш тарофдори эди.

Улар Фарғона ҳокими Бобурга мактуб йўллаб, Самарқандни ишғол қилишга даъват этганлар Бобур 1500 йилнинг кеч кузида ўз кўшини (240 киши) билан Самарқандга етиб келгач, аҳоли унга пешвоз чиқиб, шаҳар дарвозларини очиб беради. Шайбонийхоннинг шаҳар ҳимояси учун қолдирган 600 нафар аскарлари кириб ташланади. Шайбонийхон Бухорога чекинади. қисқа вақт ичида Самарқанднинг барча туманлари, Қарши ва Ғузур шаҳарларида Бобур ҳокимлиги эътироф этилади. Аммо шаҳарда озик - овқат захиралари тугаб, очарчилик бошланган эди. Бундан хабар топган Шайбонийхон катта куч билан, яна Самарқандга юриши бошлайди. 1501 йилнинг апрелида Зарафшон бўйидаги Сарипул қишлоғи яқинида бўлган жангда Бобур кўшинлари енгиледи.

Бобур Самарқандга чекинади. Шаҳар яна қамал қилиниб, у тўрт ой давом этади. Қамалда қолган шаҳар аҳолисининг очликдан тинкаси қурийдими, Бобур 1501 йилнинг 2-яримида ноиложликдан Самарқандни тарк этиб, Тошкентга, Маҳмудхон ҳузурига йўл олади.

Бобур Темурийлар салтанатини ҳимоя қилиш ва уни сақлаб қолиш учун ҳаракат қилиб, Шайбонийхонга қарши бир неча йил давомида мутассил кураш олиб борсада, аммо мамлакатда ҳукм сурган оғир иқтисодий тинчлик ва сийсий парокандалик шароитида мақсадига эриша олмайди. 1503 йил Тошкент хони Маҳмудхон, Бобур ва

калмакларнинг бирлашган қўшини Шайбонийхон томонидан Сирдарё бўйида тор – мор қилинади. Бобур Самарқанд тахти учун курашаётган пайтда Андижонни Султон Ахмад Танбал эгаллаб олади. 1501 – 04 йилларда Бобур Фарғона мулкани қайтариб олиш учун Султон Ахмад Танбал, Жаҳонгир Мирзоларга қарши олиб борган кураши муваффақиятсизлик билан тугайди. Темурийларни тўхтовсиз жанглари ва оғир солиқларидан толиққан халқ Бобурни қўлламади ва у Мовароуннахрни тарк этишга мажбур бўлади. (1504 й).

Бобур 200 - 300 навқари билан Ҳисор тоғлари орқали Афғонистонга ўтади ва у ерда ички низолардан фойдаланиб Ғазни ва Қобулни эгаллайди. Бобур Қобулни эгаллагач, мустақил давлат тузишга жадал киришади, қўшинни тартибга келтиради, қаттиқ ички интизом ўрнатади. Қобулга, умуман Афғонистонга Бобур ўз юрти каби қаради, қурилиш, ободонлаштириш, касбу ҳунар ва қишлоқ шаҳарларни ривожлантириш ишларини бошлаб юборади. «Боғи Шаҳроро», «Боғи Жаҳонаро», «Ўртабоғ», «Боғи вафо» ва «Боғи Бобур» каби оромгоҳлар ташкил этди. Шаҳар ичидаги Боно Ҳисор қалъасини ўз қароргоҳига айлантириб, уни қайта таъмирлатди, янги иморатлар қурдирди ва оиласи билан шу қалъада яшади. Унинг Хумоюн, Гулбаданбегим, Камрон ва Хиндон исимли фарзандлари шу ерда туғилади. 1506 йилнинг баҳорда вафот этган Қутлуғ Нигорахоним Мирзо Улуғбек шу ерда бунёд эттирган «Боғи Наврўзий» га дафн этилади.

Бобур Афғонистонда бир фотих сифатида эмас, балки шу юрт, эл ободонлиги ва равнақи учун жон куйдирган тадбирли хукмрон сифатида қизғин фаолият кўрсатди, унинг манфаатлари йўлида одилона ва оқилона иш тутди. Афғонистондаги амалий фаолиятига кўра, Бобур бутун Хуросон ва Мовароуннахрда кудратли давлат бошлиғи ва музаффар саркарда сифатида катта обрў орттира борди, минтақадаги сиёсий ҳаёт эътиборли ўринга кўтарилди. Шайбонийларни тобора кучайиб бораётган юришига қарши биргаликда чора кўриш масаласида Султон Ҳусайн Бойқаро барча темурий хукмдорлар қаторида Бобурни ҳам маслаҳат йиғинига махсус таклиф этиши ана шундай юксак нуфузни кўрсатувчи далилдир.

Бобур шу таклиф бўйича Ҳиротга отланади. Ҳусайн Бойқаронинг тўсатдан вафот этишига (1506 й) қарамай, у Ҳиротга боради ва темурий хукмдорлар билан учрашиб музокаралар ўтказди. Темурий хукмдорларнинг бирлашиб Шайбонийхон қўшин-ларига тўсиқ қўйиш режалари амалга ошмайди ва тез орада бирин - кетин мағлубиятга учраб, салтанатни батамом қўлдан чиқарадилар.

1507 йил баҳорида Бобур Ҳиндистонга юриш бошлайди. Аммо, бу уриниши муваффақиятсиз тугаб, яна пойтахт Қобулга қайтади.

Бобур Мовароуннахр ва Хуросондаги сиёсий вазият ва уруш ҳаракатларини кузатиб боради, ўз қўшинларини доимо шай тутди. Шайбонийхон Хуросоннинг йирик марказларини қўлга киритгач, Эронни забит этиш учун юриш бошлайди. Аммо, Эрон шоҳи Исмоил-І Сафавий билан қаттиқ тўқнашувда (1510 й) енгилади, ўзи ҳам Марвда ҳалок бўлади.

Шоҳ Исмоил Хуросон ва Мовароуннахрга қўшин киритиб Шайбонийларга кетма - кет шикаст етказа бошлайди. Бобур шоҳ Исмоил билан ҳарбий - сиёсий иттифоқ тузиб, 1511 йил баҳорида Ҳисорни, ёзида Бухорони, октябр бошида эса Самарқандни яна қўлга киритади. Бобурнинг шиа Мазҳабидаги эронийлар раъйи билан иш тутиши аҳолида норозилик туғдиради. 1512 йил 24 ноябрида Ғиждувон жангида Бобур Шайбонийлардан яна енгилиб, Қобулга қайтишга мажбур бўлади. Бобур Мовароуннахрни эгаллаш илмижидан узил - кесин умидини узади ва бутун эътиборини Ҳиндистонга қаратади.

1519 йил баҳорига келиб Бобур Хиндистонни забт этиш режаларини амалга оширишга киришади ва кейинги 5-6 йил давомида бир неча юришлар уюштиради. Ниҳоят, 1526 йилнинг апрелида Панинатда асосий рақиби, Деҳли султони Иброҳим Лудийнинг юз минг кишилиқ қўшинини 12 минглиқ аскар билан тор - мор қилади ҳамда Деҳлини эгаллайди. Орадан кўп ўтмай, иккинчи йирик ҳинд саркардаси Рано Санго устидан ҳам зафар қозониб, Шимолий Хиндистоннинг Бенгалиягача бўлган қисмини ўзига бўйсундиради. Асрани ўзига пойтахт сифатида танлаган Бобур катта қурилиш ва ободончилик ишларини бошлаб юборади. Шу тариқа Бобур Хиндистонда уч ярим асрга яқин ҳукм сурган кудратли бобурийлар сулоласига асос солади.

Бобур Хиндистонда ҳам, худди Афғонистонда бўлганидек, кўплаб ижтимоий-хайрли ишларни амалга оширди, мамлакат тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади. Тарқоқлик ва парокандаликка, ўзаро ички низоларга барҳам бериб, вилоятларни бирлаштирди, марказлашган давлатни мустаҳкамлаш ва юртни ободонлаштиришга, илму ҳунар ва деҳқончиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Қурилиш ишларига бошчилик қилди.

Бобурнинг ўз гувоҳлигига кўра, шоир сифатида ижодий фаолияти Самарқандни иккинчи марта эгаллаган вақтда бошланган; Ул фурсатларда бирор байт айтур эдим» деб ёзади у. Бобур Самарқандлигининг илк ойларида А. Навоий ташаббуси билан улар ўртасида ёзишма бошланади. Бобур атрофида ижодкорлар тўплама бошлаши ҳам шу йилларга тўғри келади.

Жумладан, Биноий, Абулбарака ва Бобур ўртасидаги рубоий мушоираси Самарқанддаги қизгин адабий ҳаётдан дарак беради. Умуман, давлат арбоби ва кўп вақти жангу жадалларда ўтган саркарда сифатида ижтимоий фаолиятининг энг қизгин даврида ҳам шахсий ҳаёти ва давлати ниҳоятда мураккаб ва хатарли шароитда қолган чоғларида ҳам Бобур ижодий ишга вақт топа билган, илм, санъат ва ижод аҳлини ўз атрофига тўплаб, ҳомийлик қилган, уларни рағбатлантирган.

Ўтмиш адабиёти ва тарих, мусиқа ва санъатдан яхши хабардор бўлган, диний таълимотга чин ихлос қўйган Бобур ҳар доим олиму фозиллар даврасида бўлди, хусусан ижод аҳлига, касбу ҳунар соҳибларига самимий эҳтироси кўрғазиб ҳомийлик қилди, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириб турди.

Ижод ва санъат аҳлига бундай меҳрли муносабат асло бежиз бўлмаган. Бобур табиатан ижодкор эди. Йигитлик йилларидан бошлаб то умрининг охиригача самарали ижодий иш билан шуғулланди, ҳар қандай шароит ва вазиятларда ҳам ижоддан тўхтамади, натижада, ҳар жиҳатдан муҳим бой илмий ва адабий мерос қолдирди.

Бобур 18-19 ёшларида рубоий ва ғазаллар ёза бошлаган. Унинг «Топмадим» ғазали ва «Ёд этмас эмиш кишини ғурбатли киши» мисраси билан бошланувчи рубойиси ўша йилларда ҳаёти билан боғлиқ.

Бобурнинг улкан санъаткорлиги шундаки, шахсий кечинламларини жиддий умумлашма даражасига кўтара олади ва натижада асарларида олға сурилган ғоялар умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилади. Бобур ижодида, хусусан, шеъриятида киндик қони тўкилган она юртини дилдан қумсаш, унинг тупроғига талпиниш, ғариблиқ азобларидан ўтти ҳасрат, ёру диёр соғлиги ва висол исқанжи, тақдир зарбалари ва турмуш укубатлари, замона носозликларидан нола бадиий таҳлил этилади.

Бобур ижодида ишқ - муҳаббат, садоқат, висол ва ҳижрон мавзуйиди ҳам салмоқли ўрин тутди. Унинг ғазал ва рубойиларида, маъшуканинг мафтункор гўзаллиги, бекиёс

хусни - латофати, шарқона одобу ахлоқи, нозу карашмаси энгил ва ўйноқи, муסיқий ва равон мисраларда катта маҳорат билан тароннум этилади.

Ҳозирда Бобурнинг 119 ғазали, бир масну шеъри, 209 рубойиси, 10 дан ортиқ туюк ва китъалари, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фардлари аниқланган. Девони таркибида умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган.

1526 йил 21 декабрда Бобурга қарши суиқасд уюштирилади. Маҳв этилган Иброҳим Лудийнинг онаси ошпазлар билан тил бириктириб, унинг овқатига захар кўштиради. Шунинг асоратини ёки кўп йиллик машаққатли ва қўнимсиз ҳаёт таъсирими, ҳар ҳолда кейинги йилларда Бобур тез - тез касалга чалиниб туради. 1527 йилнинг октябрида Бобур яна хасталикка учрагач, умрининг охирида қолганини хис этади. Шунда Бобур ўзи эътиқод қўйган Хожа Ахрор Валий руҳидан нажот тилаб, ихлос билан унинг насрда битилган «Волидия» асарини шеърий таржима қилади.

Бир неча муддат олдин подшоликни Хумоёнга топширган Бобур 47 ёшида ўзи асос солган салтанат пойтахти Аграда вафот этади ва ўша ерда дафн этилади, кейинчалик (1539), васиятига кўра хоки Қобулга келтирилиб, ўзи бунёд эттирган «Боғи Бобур» га қўйилади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, яъни бугунги кунда ёшларимизни буюк бобо - калонларимиздан қолдирилган бой мероси, маданият, ўзимизга хос бўлган анъаналаримизни ўргатиб боришда, келажакимиз пойдевори бўлган ёшларимизга авлод-аждодларимиз ёрқин хотирасини мужасамлаштирган ҳолда ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборатдир.

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА БОБУР МАЪНАВИЙ МЕРОСИНING АҲАМИЯТИ

Олтмишева Н.Ғ.

Фарғона политехника институти катта ўқитувчиси

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бой, серқирра маънавий мероси билан асрлар мобайнида инсониятни эзгуликка, ҳамжиҳатликка, илм-у-урфонида даъват этиш баробарида халқимиз учун чексиз фахр-ифтихор тимсолига айланди. Нега асрки, мутафаккир бобомиз шахси, унинг бой, илмий-адабий мероси бутун дунё тараққийпарвар кишилари эътиборидадир [1]. У киши ўзидан ўчмас из ва буюк маънавий мерос қолдирди.

Заҳириддин Бобурнинг буюклиги шу ердаки, унинг илмий хафизаси бир инсон, бир мамлакат доирасидагина чекланиб қолмаган. У бутун жаҳон донишмандлари қаторидан жой олганди. У давлат арбоби, инсонларнинг ғамхўри бўлиши билан бирга, ўз шахсий ҳаётида ҳам чин инсон эди.

Буюк шоир шеъриятида тор миллий доиралардан юқорига кўтарилгани яққол кўзга ташланади. У барча халқларнинг вакилларига адолат кўзи билан қарайди, уларнинг урф – одатларини ҳурмат қилади, жамият аъзоларининг мансабига, давлатига қараб эмас, инсоний фазилатларига қараб ардоқлайди. Бу омил ҳозирги кунда ҳам нақадар долзарб эканлигини барчамиз англаймиз. Зеро инсонга мансабига қараб муомала қилиш иккиюзламачилик белгиси ҳисобланиб, маънавий баркамол ёш авлодни тарбиялаш ва уларни турли муаммоларни ҳал этиш йўлида ҳалол йўлни танлашига салбий таъсир кўрсатади. Қайд этиш жоиз "...Унинг саройида ҳар хил диний эътиқоддаги, янғ фикр, мулоҳазаларни изҳор қиладиган ёки янгиликлар очган одамларни

учратиш мумкин эди”,- дейди Неру. Бундан англашиладики Бобур адолат тамоилларига қатъий амал қилган. Фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ечимини топиши йўлида катта масъулиятни ўз зиммасига олган. Демак Бобур маънавий меросини ўрганиш орқали бугунги кун ҳақиқатларини ҳам кўришимиз мумкин.

Энг аввало, Бобур меросини ўрганиш орқали ўз – ўзимизни ислох қиламиз, масъулият туйғусини ҳис этамиз. Ўқувчи-ёшларимизга бош ғоямиз бўлган миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик ғояларини тарғиб этишда, уларнинг онги ва шуурига сингдиришда Бобур ижодига таянамиз. Диний ва мафкуравий таҳдидлар авж олган бир даврда бундай иллатларга қарши соғлом фикр юритишда ибратли ўғитларидан куч оламиз.

Дарҳақиқат, у яратган лирик қаҳрамон ирқий, жинсий, миллий, диний айирмаларга парво қилмайди. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, шоир ижодининг комиллик меъзони – инсоний фазилятларидир.

Буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур битган асарлар ёш авлод вакилларини ватанпарварликка, комилликка ундаб, меҳр-оқибатли, яхши хулқ-атвор эгаси бўлиб вояга етишига даъват этиб туради. Шу боис, бу бебаҳо меросни асраб-авайлаш, кенг тарғиб қилиш, аллома асарлари мазмун-моҳиятини теран англаш бугунги глобаллашув даврида муҳим вазифаларимиздан бирига айланиши лозим. Зеро, Бобур дунё эътирофидаги буюк ва дилбар шахс. Унинг ижоди ўзлигимизни англаш, тарихимиз ва миллий кадриятларимизни чуқур ўрганишда муҳим аҳамиятга эга [2].

Умуман олганда, Бобурнинг машаққатли ҳаёт йўли, ижодий фаолияти ҳозирги кунда ёшларга ибрат бўлмоғи лозим. Маънавиятимиз сарвари бўлган бу улуғ зот мансуб бўлган миллат фарзандлари эканимизни, томиримизда Бобур шижоати жўш ураётганини ҳар биримиз ўйласак, англасак қалбимизни чинаккам ифтихор туйғулари камраб олади.

Ҳазрати Бобур Мирзо ижодини ўрганар эканмиз, бунга яна бир бор амин бўламиз. Бу улуғ инсоннинг жавоҳир хазинаси биз ўзбекларнинг бошимизни сарбаланд, қаддимизни тик қилиб юришга ундайди. Халқимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат кўшади. Аммо аждодларимизнинг, яъни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маънавият ва инсонийликни қайта тиклаш учун хизмат қиладиган моддий ва маънавий ёдгорликларни қидириб топиш, уларни халқимизнинг маънавий эҳтиёжларини кондириш йўлида сафарбар қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Албатта ҳозирга қадар ҳам бу йўлда жуда катта ишлар амалга оширилди.

Бобур Мирзо ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси – Ватанга муҳаббат деган олий кадриятлардан иборатдир. Зотан, бу кадрият бугунги кунда ҳам, бундан кейин ҳам биз учун, авлодларимиз учун бирдек қадрли бўлиб қолиши, шубҳасиз. Чуқурроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, бу васият айнан бизлар учун-буюк лашкарбошининг, хассос шоирнинг, мутафаккирнинг бугунги авлодлари учун айтилган. Бу дунёда халқимиз, миллатимиз, Ўзбекистонимиз бор экан, Бобур Мирзо номи яшайверади. Бобурнинг ўқувчилар саводхонлигини, пировард натижада таълим самарадорлигини ошириш бўйича фаолиятини ҳам ёритиш ўқувчилар маънавиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бобур таржимон сифатида ҳам моҳирлик билан ижод қилиб, Хожа Убайдуллоҳ Ахрорнинг форс тилидаги насрда битилган “Волидия” асарини ўзбек тилига назмда таржима қилади. Ушбу асарни талабаларнинг диний ва миллий кадриятлар асосида тарбияланишларига кўмаклашади. Турли хилдаги сохта, асосиз ғоялардан сақланишларини таъминлайди. “Мухтасар” асари эса таълим тизимида адабиёт назарияси, аруз назариясидан маълумот беради, фақат маълумот берибгина қолмасдан, назмни тушуниш, ҳис этиш, ифодали ўқиш имкониятларини яратади.

“Мусиқа илми”, “Ҳарб илми” асарлари тарих тўфонлари катларида қолиб кетмаганда эди, балки ҳозирги кунда махсус мусиқа ва ҳарбий мактаблар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз эди. Айниқса, ўзбек тили учун араб алифбосидан анча афзал бўлган “Хатти Бобурий”нинг ихтиро қилиниши зўр журъат ва ижобий ҳодиса эди. Бобур нозик таъб, нозик миждоз ижодкор сифатида ўз атрофининг гўзал бўлишини, гўзалликдан бутун инсониятни баҳраманд бўлишини истар эди. Унинг ўзи поку, кўзи поку, сўзи пок инсонларни кўйлагани бежиз эмас.

Айни шундай инсонларгина баркамол, яъни комил бўлиши, комил инсонлар эса жамиятни айниқса, ёшларни тарбиялашда шахсий намуна вазифасини аъло даражада адо эта олиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахснинг алоҳида олинган инсоннинг комиллиги жамиятнинг ютуғидир. Бобур таърифидаги бу ҳолат барчага ибрат бўла олади. Бобур мукамалликнинг белгиларидан яна бири жисмоний баркамоллик, тан бақувватлигида деб қарайди ва бу борада ҳам беназир инсон ирода тимсоли сифатида намоён бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки Бобур ота-боболарининг илм-маърифат ва мамлакат ободлиги йўлидаги эзгу ишларини давом эттириб, келгуси авлодларга катта мерос қолдирди [3]. Шундай экан биз мамлакат ривожини йўлида Бобур Мирзо ва бошқа тарихий шахсларнинг бой меросидан давримизнинг муҳим вазифаларини бажаришда фойдаланишимиз лозим, буни қилмоқдамиз ҳам.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://payariqhayoti.uz/frontend/web/site/view?type=24&number=114> 23-02-2017.
2. <https://payariqhayoti.uz/frontend/web/site/view?type=24&number=114> 23-02-2017.
3. <https://xs.uz/uzkr/post/bobur-va-boburijlar-merosi-fakhr-iftikhor-manbai> 13.02.2020.

ВАТАНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ ҲАҚИДА

Турсунов Ш.Р.

Низомий номидаги ТДПУ мустақил тадқиқотчиси

Ватанпарварлик тамойиллари бугунги жамиятимизда мавжуд бўлган ватанга хизмат қилиш мазмунини ўта умумий кўринишда очиб берувчи маънавий-ахлоқий ва ғоявий талабларни ифодалаш шаклларида биридир. Булар ватанга хизмат қилиш моҳиятига, инсон, жамият манфаатларини бирлигини таъминлаш, жамият, давлатдаги кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятини таъминлашга тегишли асосий талабларни ифодалайди. Инсон фаолиятининг умумий йўналишини белгилаб беради ҳамда хусусий хатти-ҳаракатнинг аниқ меъёрлари асосида қарор топади. Бу маънода улар маънавийлик, маданият, ватанпарварлик ҳамда фуқаролик мезонлари бўлиб хизмат қилади.

Ватанпарварлик тамойиллари умумий аҳамиятга эга, барча кишиларни қамраб олади, ҳар бир муайян жамиятнинг тарихий ривожланишидаги давомли жараёнда яратиладиган

кишилар ўзаро муносабати маданиятининг асосларини мустаҳкамлайди. Асосий тамойиллар жумласига қуйидагиларни киритиш зарур:

миллий-мафкуравий тамойиллар:

• *шахснинг онгида ҳиссиётларида, ҳаракатларида ва муносабатларида ватанпарварликнинг устувор қиймати ва юксак ижтимоий аҳамияти;*

- *ватанпарварликнинг умумийлиги ва беқиёслиги;*
- *давлатчилигимизнинг бирлиги ва ажралмаслиги;*
- *Ватанга хизмат;*
- *тарихий ва этномаданий ворисийлик;*
- *мамлакатнинг ўтмишига нисбатан ғурур;*
- *Ўзбекистонга, унинг маданияти ва тарихига мансублик.*

ижтимоий - давлат тамойиллари:

- *шахсий, жамоавий, ижтимоий ва давлат манфаатларининг бирлиги;*
- *миллий, ижтимоий ва этномаданий мансублик;*
- *маданий илдиз отганлик ва ўз-ўзига етарлилик;*
- *мамлакатдаги анъаналарни асраш ва яратиш;*
- *инсоннинг фуқаролик ва ватанпарварлик бурчи;*
- *ватан фаровонлиги йўлидаги фаолият;*

ижтимоий-педагогик тамойиллар:

- *Ватанпарварлик тарбияси ижтимоий мақомини юксалтириш;*

• *Ватанпарварлик мазмуни ҳамда ватанпарварлик тарбияси асосийлигининг мазмуни ва муаммоларининг бирлиги (ватанпарварлик тарбияси жараёни у қаерда қўлланилиши мазмунига боғлиқ ҳолда кўриб чиқишни тақозо этади. Мазкур тамойил педагог ва тарбиячининг биргаликда ўзгариши қонуниятидан келиб чиқади. Бу қонуниятига кўра, педагог муқаррар равишда тарбияланувчига ўз дунёқарашини етказди ҳамда тарбиянинг бошқа соҳалари воситаларининг механик ўтишидан тарбияланувчини асрайди);*

- *ватанпарварликнинг тарбия мақсадлари тимсолларига мос келиши;*
- *маънавий оламни ривожлантириш ҳамда олижанобликни тарбиялашдаги илоҳийлик;*
- *табиат ва маданиятга муносиблик тамойили.*

Учинчи минг йиллик бошидаги ватанпарварлик аҳамияти шундан иборатки, у юксак мақсадга эришиш - мамлакатимизни ривожлантириш, давлатчиликни сақлаб қолиш ва ривожланишига, ижтимоий - иқтисодий ҳамда маънавий соҳани, ижтимоий мақсадлар ва кадриятларни сақлаб қолишга интилиш йўлида ўзини қурбон қилишга қодир тарзда ижтимоий ва давлат тараққиёти муаммоларини ҳал қилишда фуқаролик қудратини фаоллаштирувчи шахс, жамоа, жамият ва давлатни ривожлантиришнинг қудратли сафарбарли захираси сифатида юзага чиқади.

Ватанпарварлик мавжудлиги шартлари - оилани, элат, халқ, миллатни барпо этиш имконияти. Жамият истиқболларининг мавжудлиги, шахс, оила, жамият, давлат муносабатларининг уйғунлиги ва ҳамда маънавий-ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий мувозанатнинг мавжудлиги. Жамиятнинг ҳар бир субъекти учун ватанпарварлик зарурлиги. Ватанпарварлик элат, миллат, халқнинг табиий ҳаётини ситиб чиқариш, таҳқирлашга ҳимоя муносабати сифатида ҳам шаклланиши мумкин.

Ватанпарварлик манбалари - ҳудудий-маиший ва табиий географик муҳит; Ватан ҳисси, унинг олдидаги бурчни ҳамда унинг тақдири учун масъулиятни англаш; Ватан билан маънавий ва моддий алоқалар, ўз она-юртига боғланганлик; Ватан - мураккаб табиий-

маънавий, ижтимоий-табiiй хосила; Ўзбекистон тарихи; миллий анъаналар, Ватанга садоқат; ўз ватанига ҳамда мамлакатига фаолиятли муносабатда бўладиган муайян кишилар ҳамда умуман ўз менталитетига, рухий ҳолатига эга бўлган халқ; жамиятнинг ижтимоий-иктисодий шароитлари, ҳаётдаги ижтимоий шароитлар, фан, ҳудудий ўзига хослик ва ҳоказолар.

Ватанпарварлик ўз-ўзини шакллантиришнинг энг муҳим услубий асослари индивидуал, акмеологик, ва фаолиятли ёндашувлардир. Индивидуал ёндашувга кўра ёш инсон ўзига хос бўлган ўз-ўзини англаши билан жамоа, жамият, давлат билан ўзаро ҳаракат субъекти сифатида юзага чиқади. Унинг ўз-ўзини англаши орқали ташқи педагогик, психологик таъсирлар ўтади ва шунда Ватан қадриятларини ва унинг фаровонлиги учун хизмат қилишни англаш юз беради.

Инсоннинг маънавий, биоижтимоий ва ижтимоий биологик сифатларини белгиловчи ватанпарварлик ўз-ўзини англашини вужудга келишини биз шахсий, жамоавий, ижтимоий ва давлат манфаатлари йўналишидаги инсон ҳаёти тарзининг индивидуал хатти-ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқишга ватанпарварча йўналтирилган устувор йўналиши сифатида кўриб чиқамиз.

Ўтказилган тадқиқотлар жараёнида Ватаннинг бўлғуси ҳимоячилари ва яратувчилари бўлган ёш инсонлар шахси тузилмасидаги ватанпарварлик ўз-ўзини англаш вазифалари ажратиб кўрсатилди.

Ўз-ўзини англашнинг асосий етакчи вазифаси - ўз ичига ўзини ўрганиш ва ўзини баҳолашни олган ўз ички оламида *йўл топиш* вазифасидир.

Ўз-ўзини англашнинг асосий етакчи вазифаси - ўз ичига ўзини ўрганиш ва ўзини баҳолашни олувчи ўз ички оламида *йўл топиш вазифасидир*. Ўз-ўзини ўрганиш ўзини кузатиш маълумотларни умумлаштириш, шунингдек ўзининг яширин салоҳиятлари ва Ватанга хизмат қилиш тажрибасини эгаллаш ва амалга ошириш жараёнида имкониятларини англаш натижасида юз берадиган ўзининг рухий хусусиятларини, морфофункционал ўзига хосликларини, жинсий мансублигини англашда ва хатти-ҳаракатларини таҳлил қилишда намоён бўлади.

Мақсад белгилаш вазифаси умуман “Мен-қиёфа” билан ўз имкониятлари, ҳуқуқлари, вазифалари, бурчи ҳақидаги тасаввурларга мослашувчи, якуний натижага эришиш дастури ишлаб чиқишини таъминлайди.

Ўз-ўзини бошқариш вазифаси ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида Ватан қиёфасига анланган ҳиссий қадриятли муносабат ривожланишига имконият яратган ҳолда мамлакатга хизмат қилиш тамойилларига мувофиқ ватанпарварлик меъёрлари ҳамда хатти-ҳаракат қоидаларига риоя қилишда намоён бўлади.

Ўз-ўзини такомиллаштириш вазифаси ўз жисми ва ақлининг функционал ҳолатини оптималлаштиришга, буларнинг моддий-маънавий соҳадаги ҳар-хил кўринишдаги номақбул таъсирларга барқарорлигини оширишга йўналтирилган, самарали соғломлаштириш ва маънавий бойитиш фаолиятининг усуллари ва йўллари эгаллашда намоён бўлади.

Гностик вазифа ватанпарварлик ғояларини шакллантиришда, қадриятлар, тимсоллар, маънолар ва бошқаларни ўзлаштиришда амалга оширилади.

Когнитив-қадриятли бўгин қадриятлар даражасида қабул қилинадиган Ватанга хизмат қилишнинг макондаги тимсоли тўғрисидаги билимлар ва тасаввурлар, шунингдек, ҳаёт фаолияти жараёнидаги анланган тамойиллар, ижтимолий талаблар ва меъёрларни амалга ошириш бўйича амалий кўникмалар ва малакаларни ўзлаштириш даражасини акс эттиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Отамуродов С., Хусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари. – Т.: Мерос 2002. – 212 б.
2. И.А.Махмудов Ватанпарварлик тарбиясининг долзарб масалалари – Қарши 2017.
3. Эркаев А. Маънавият миллат нишони. - Т.: Маънавият, 1997. 188- бет
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - М.: Рус тили, 1-том. 1981. 173- б.
5. Шарафхўжаев М. Маънавият асослари. – Т.: Тошкент молия институти, 2005. – 363 б.

YOSHLARNI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHDA BOBUR ILMIY VA MA'NAVIY MEROSINI TUTGAN O'RNI

Mamatqulov N.I.

Milliy gvardiya Harbiy-tehnik instituti Qo'riqlash va taminlash batalyoni Komendantlik
vzvodi guruh komandiri

“Bobur Mirzo xalqimizning buyuk farzandi. Adabiyot, ilm, ma’rifat nuqtai nazaridan u hamon yashayпти. O’zligimizni anglab, buyuk tariximizni yoshlarga tushintirsak, ilm-ma’rifatni rivojlantirsak, hech qachon kam bo’lmaydi⁸⁹”.

Sh.M.Mirziyoyev

Bobur dunyoni hayratga solgan yirik davlat va madaniyat arbobi, shoir, sarkarda, donishmand ,tarixchi, zakovatli olim va tarjimonidir. Ayni paytda u adabiyotimizning Navoiydan keyingi zabardast vakili hisoblanadi.

Bobur keng dunyoqarashi va mukammal aql-zakovati bilan Hindistonda Boburiylar sulolasiga asos solib, bu mamlakat tarixida davlat arbobi sifatida nom qozongan bo’lsa, serjilo o’zbek tilida yozilgan “Boburnoma” asari bilan jahonning mashhur tarixnavis olimlari qatoridan ham joy oldi.

O’rta asr Sharq madaniyati va adabiyotining buyuk namoyandasi Zahriddin Muhammad Bobur 1483 yil 14-fevralda Andijonda tug’ildi. Otasi Umarshayx Mirzo temuriy avlodidan bo’lib, Zahriddin Muhammad Bobur o’z davrining taniqli muallim va murabbiylari rahbarligida ta’lim va tarbiya olgan. Barcha temuriy shohzodalar singari otasi saroyida tahsil oldi.

Otasi Umarshayx Mirzo 1495 yilda vafot etgach, 12 yoshida uning o’rniga taxtga o’tirdi. Boburning otasi — Umarshayx Mirzo Farg’ona viloyati hokimi, onasi — Qutlug’ Nigorxonim Mo’g’uliston xoni va Toshkent hokimi Yunusxonning qizi edi. Boburning onasi o’qimishli bo’lgan va oqila ayol bo’lib, Boburga hokimiyatni boshqarish ishlarida faol ko’mak bergan, harbiy yurishlarida unga hamroxlilik qilgan. Umarshayx Mirzo xonadoni poytaxt Andijonning arki ichida yashar edi. Boburning yoshligi Andijonda o’tgan. Bobur barcha temuriy shahzodalar kabi maxsus tarbiyachilar, yirik fozilu ulamolar ustozligida harbiy ta’lim, fiqh ilmi, arab va fors tillarini o’rganadi, ko’plab tarixiy va adabiy asarlar mutolaa qiladi, ilm-fanga, she’riyatga qiziqqa boshlaydi. Dovyurakligi va jasurligi uchun u yoshligidan „Bobur“ („Sher“) laqabini oladi. Bobur otasi yo’lidan borib, mashhur sufiy — Xoja Ahrorga ixlos qo’yadi va uning tariqati ruhida voyaga yetadi, umrining oxiriga qadar shu e’tiqodga sodiq qoladi. Keyinchalik, „Boburnoma“ asarida Bobur Xoja Ahror ruhi bir necha bor uni muqarrar halokatdan, xastalik va chorasizlikdan xalos etganini, eng og’ir sharoitlarda rahnamolik qilganligini ta’kidlaydi. Otasi Axsida bevaqt, 39 yoshida fojiali halok bo’lgach, oilaning katta farzandi, 12 yoshli Bobur valiahd sifatida taxtga o’tirdi. Movarounnahr XV asr oxirida temuriy shahzodalar nizolashayotgan o’zaro taxt talashayotgan bir paytda Movarounnahr viloyatlarga bo’linib, taxt uchun kurash avjga chiqqan, turli siyosiy fitnalar uyushtirilmogda edi.

⁸⁹ O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Andijon viloyatiga tashrifidagi so’zlagan nutqi. 2017 y.

Buning ustiga Umarshayx Mirzoga tobe bir necha bek va hokimlar yosh hukmdorga Boburga bo'ysunishdan bosh tortadilar. Boburning dastlabki siyosiy maqsadi Amir Temur davlatining poytaxti, strategik va geografik jihatdan muhim bo'lgan Samarqandni egallash va Movarounnahrda markazlashgan kuchli davlatni saqlash, mustahkamlash hamda Amir Temur saltanatini qayta tiklashdan iborat edi. Shuning uchun ham Bobur diqqatini eng avval bobosi Amur Temurning poytaxti Samarqand o'ziga jalb qiladi.

Bobur Samarqandni 1498 yilda, 15 yoshida egallab oladi. Uning ixtiyoriga o'tgan bu ulkan shahar dunyoning eng boy va mashhur shaharlaridan edi. Temur davlatining markazi bo'lgan bu shaharning masjid va madrasalarini, saroy va maqbaralarini hayrat bilan kuzatgan Bobur Samarqandning tarixda tutgan o'rni va o'sha davrdagi salohiyatini g'urur bilan ta'riflaydi.

Samarqandning ichki vaziyati Boburning kutganicha bo'lib chiqmadi. O'zaro ichki urushlar, haddan ziyod soliqlar shahar ahlini nihoyatda qashshoq ahvolga keltirgan edi. Buning ustiga Farg'onada qolgan ayrim beklar fitna va xiyonat yo'liga o'tgan edilar. Samarqandda atigi 100 kun hukmronlik qilgan Bobur Andijondan mahrum bo'lmaslik uchun qaytib kelayotganda, Xo'jandga yetganda Andijonni Jahongir Mirzo qo'liga o'tganini eshitadi. Bu orada Samarqandni Boburning amakivachchasi Sulton Ali Mirzo egallab olgan edi.

Shundan ikki yilga yaqin vaqt o'tgandan keyingina Bobur Andijonni qo'lga kiritdi, so'ngra u butun e'tiborini yangidan Samarqandga qaratib, qo'shin bilan Shahrizabzga yetganida Shayboniy ham Samarqandga yaqinlashib qolganini va Samarqand hokimi Sulton Ali mirzo tang ahvolda qolib Shayboniyga taslim bo'lganini eshitadi. Biroq, Shayboniyning bu yerga hokim tayinlab, o'zi urushni davom ettirayotgani sababli Bobur Samarqandni ortiqcha qarshiliksiz qo'lga kiritadi. 1501 yilning aprel oyida Shayboniy Samarqandni qamal qiladi, to'rt oy davom etgan qamal shaharni qiyin ahvolga keltiradi va Bobur uchun Samarqandda qolish xavfli bo'lib qoladi. Shayboniyning sulh sharti bahonasi bilan Bobur shaharni tashlab chiqib ketadi va Andijonga kirolmay O'ratepa, Mastchoh, Dahkat, Ohangaron, Piskentda bo'ladi va nihoyat mo'g'ul xonlaridan bo'lgan tog'asi, Toshkentning hokimi - Mahmudxonning oldiga boradi. Uzoq vaqtlar sarson-sargardon yurgan Bobur 1504 yilda 300 dan ziyodroq yigiti bilan Afg'onistonga qarab yuradi. Afg'onistonning katta qismini egallagan Bobur Shayboniyga qattiq zarba bergan Eron shohi Shox Ismoil dan yordam so'raydi va uning yordami bilan 1512 yilda Samarqandni qayta qo'lga kiritdi. Uning bu sa'i-harakatlari yuqorida aytilganidek, Movarounnahrda markazlashgan, farovon davlat tuzishdan iborat edi. Ammo, o'z kuchlarini yana mustahkamlab olgan Shayboniyxon, Bobur bilan hamkorlikda jang olib borayotgan Najmi soniyning xalqni parokanda qilganidan foydalanib, Samarqandni qo'lga kiritishga muvaffaq bo'ldi.

Afg'onistonda o'z hokimiyatini mustahkamlab olgan Bobur u yerning xo'jalik va madaniy hayotiga katta e'tibor berdi. Afg'onistonga Bobur o'z yurti kabi qaradi, qurilish, obodonlashtirish, kasbu hunar va qishloq xo'jaligini rivojlantirish ishlarini boshlab yuboradi. „Bog'i Shaxroro“, „Bog'i Jahonoro“, „O'rtabog'“, „Bog'i vafo“ va „Bog'i Bobur“ kabi oromgohlar tashkil etdi. Shahar ichidagi Bolo Hisor qal'asini o'z qarorgohiga aylantirib, uni qayta ta'mirlatdi, yangi imoratlar qurdirdi va oilasi bilan shu qal'ada yashadi. Mahalliy aholining urf-odatlarini, diniy e'tiqodlariga erkinlik berdi va amaldorlarini izzat-hurmat qildi. Bularning barchasi Boburning shon-shuhratini oshiradi.

Bobur o'z davlatini janub tomonga kengaytirish, Hindistonni egallab olish harakatini boshlab yuboradi. 1526-yil 21-aprelda Panipatda asosiy raqibi, Dehli sultoni Ibrohim Lo'diyning yuz ming kishilik qo'shinini 12 minglik askari bilan tormor qiladi hamda 1527 yilning 16 martida Dehlini egallaydi. Oradan ko'p o'tmay, ikkinchi yirik hind sarkardasi Rano Sango ustidan ham zafar qozonib, Shimoliy Hindistonning Bengaliyagacha bo'lgan qismini o'ziga bo'ysundiradi. Agrani

o'ziga poytaxt sifatida tanlagan Bobur katta qurilish va obodonchilik ishlarini boshlab yuboradi. Shu tariqa Bobur Hindistonda uch yarim asrga yaqin hukm surgan qudratli boburiylar sulolasiga asos soladi.

Bobur Hindistonda ham, xuddi Afg'onistonda bo'lganidek, ko'plab ijtimoiy xayrli ishlarni amalga oshirdi, mamlakat taraqqiyotiga jiddiy ta'sir ko'rsatdi. Tarqoqlik va parokandalikka, o'zaro ichki nizo, qirg'inlarga barham berib, viloyatlarni birlashtirdi, markazlashgan davlatni mustahkamlash va yurtni obodonlashtirishga, ilmu hunar va dehqonchilikni rivojlantirishga katta e'tibor qaratdi. Qurilish ishlariga o'zi boshchilik qildi". Bobur Hindistonga kelgandan keyin katga siljishlar yuz berdi va yangi rag'batlantirishlar hayotga, san'atga, arxitekturaga toza havo baxsh etdi, madaniyatning boshqa sohalari esa bir-birlariga tutashib ketdi"⁹⁰ deb yozadi hind jamoat arbobi Javaharlal Neru.

Bobur shoir sifatida ijodiy faoliyati Samarqandni ikkinchi marta egallagan vaqtda boshlangan. Bobur Samarqanddaligining ilk oylarida Alisher Navoiy tashabbusi bilan ular o'rtasida yozishma boshlanadi. Bobur atrofida ijodkorlar to'plana boshlashi ham shu yillarga to'g'ri keladi. Jumladan, Binoiy, Abulbaraka va Bobur o'rtasidagi ruboiy mushoirasi Samarqanddagi qizg'in adabiy hayotdan darak beradi. Umuman, davlat arbobi va ko'p vaqti jangu jadallarda o'tgan sarkarda sifatida ijtimoiy faoliyatining eng qizg'in davrida ham, shaxsiy hayoti va davlati nihoyatda murakkab va xatarli sharoitda qolgan chog'larida ham Bobur ijodiy ishga vaqt topa bilgan, ilm, san'at va ijod ahlini o'z atrofiga to'plab, homiylik qilgan, ularni rag'batlantirgan. O'tmish adabiyot va tarix, musiqa va san'atdan yaxshi xabardor bo'lgan, diniy ta'limotga chin ixlos qo'ygan Bobur har doim olimu fozillar davrasida bo'ldi, xususan ijod ahliga, kasbu hunar sohiblariga samimiy ehtirom ko'rgazib homiylik qildi, ularni moddiy va ma'naviy rag'batlantirib turdi. Ijod va san'at ahliga bunday mehrlil munosabat aslo bejiz bo'lmagan. Bobur tabiatan ijodkor edi. Yigitlik yillaridan boshlab to umrining oxirigacha samarali ijodiy ish bilan shug'ullandi, har qanday sharoit va vaziyatlarda ham ijoddan to'xtamadi, natijada, har jihatdan muhim boy ilmiy va adabiy meros qoldirdi.

Boburnoma - qomusiy asar. «Boburnoma» memuar, qomusiy to'plamdir. Bu tarixiy-badiiy asar 1494-1529 yillarda Movarounnahr, Xuroson, Afg'oniston, Hindistonda ro'y bergan voqealarni va ko'pida bevosita Boburning o'zi ham ishtirok etgan harbiy yurishlarni va tarixiy jarayonni o'z ichiga oladi. «Boburnoma» asari o'z qimmatini bilan eng nodir asar hisoblanadi. Unda XV asrning oxiridan XVI asrning 30-yillarigacha ro'y bergan tarixiy voqealar aks ettirilgan.

«Boburnoma» asarini o'qir ekanmiz, uning qanchalik tarixiy qimmatga ekanligini baholashga aql ojizlik qiladi. Chunki, iloji boricha aniq sanalar, joy va odamlar, tabiat mo'jizalari, hayvonot va o'simlik dunyosi, tabiiy boyliklar haqida mufassal ma'lumotlar berilgan. Bu asarni bitishning o'zi uning katta sabr-toqat sohibi ekanligini ko'rsatib turibdi. Shu bilan birga e'tibor berilsa, asarda Bobur ruhi naqadar pok, zehni yuksak darjada ekanligi sezilib turadi.

«Boburnoma» asarining yana bir eng asosiy xususiyati shundaki, asarning oxiridagi voqealar, Xumoyun xastalik paytida Boburning o'z jonini sadqa qilishi inson e'tiqodi, butun borlig'i bilan biror narsaga astoydil bel bog'lasa, unga erishishi borasidagi ilohiy quvvatning belgisini bildiradi.

Bobur O'zbekiston mustaqillikka erishgandan so'ng o'z yurtida haqiqiy qadr-qimmat topdi. O'zbekiston Respublikasining birinchi prezidenti I.A.Karimovning farmoniga ko'ra 1993-yilda Bobur tavalludining 510 yilligi tantanali nishonlandi. Andijon shahrida Bobur nomida, teatr,

⁹⁰ Javaharlal Neru "Hindistonning ochilishi"(The discovery of India 1946 y.) asari;

kutubxona, milliy bog‘ („Bog‘i Bobur“) barpo etildi. Bobur milliy bog‘i majmuasida „Bobur va jahon madaniyati“ muzeyi, shoirning ramziy qabr maqbarasi bunyod etilgan. Shahar markazida va Bobur bog‘idagi yodgorlik majmuida shoirga haykal o‘rnatildi. Andijondagi markaziy ko‘chalardan biriga, shuningdek Toshkentdagi istirohat bog‘i va ko‘chaga, Andijon viloyati, Xonobod shahridagi istirohat bog‘iga Bobur nomi berildi. O‘zbekiston Fanlar akademiyasining Bobur nomidagi medali ta‘sis etildi.

Xulosa qilib aytganda, shoh va shoir Bobur yoshlarimiz ongida haqiqiy vatanparvarlik timsolining asl namunasi qanday bo‘lishi kerakligini ko‘rsata olganligiga guvoh bo‘ldik. Hatto o‘zga yurtda yurganda ham ona Vatan sog‘inchi va ishqida yongani, o‘zga yurtda ham o‘z ona Vataniga mehr qo‘ygani kabi, ilm-ma‘rifat, madaniyat, san‘at, harbiy sohalarni rivojlantirib, o‘zining davlatini gullab-yashnashi, xalqining farovon hayoti uchun hayotining eng gullagan davrlarini bag‘ishladi. Bularning hammasini asarlarda yoritib o‘rganini guvohiga aylandik.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Andijon viloyatiga tashrifidagi so‘zlagan nutqi. 2017 y
2. Milliy istiqlol g‘oyasi: Asosiy tushuncha va tamoyillar. T.: “O‘zbekiston”, 2001;
3. Bobur. Muxtasar. T., Fan, 1972;
4. Bobur Zahiriddin Muhammad. Boburnoma. T. Sharq, 2007;
5. Javaharlal Neru “Hindistonning ochilishi”(The discovery of India 1946 y.) asari;

МЕСТО ДУХОВНОГО НАСЛЕДИЯ БАБУРА В ВОСПИТАНИИ МОЛОДЕЖИ В ДУХЕ ПАТРИОТИЗМА

Мадаминов А.А.

старший преподаватель Ферганского политехнического института

Сегодня проблемы образования молодежи - это мировая проблема которая актуальна практически для всех стран мира. Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев о воспитании молодежи в своём выступлении на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН отметил: “Сегодняшняя мировая молодежь является самой большой в истории человечества по количеству поколений, потому что они составляют 2 миллиарда человек. Завтра процветание нашей планеты зависит от того, каким человеком вырастут наши дети. Наша главная задача-создать необходимые условия для того, чтобы молодежь проявила свой потенциал, не допустить распространения "вируса" идеи насилия. Для этого мы считаем необходимым развивать многостороннее сотрудничество в области социальной поддержки подрастающего поколения, защиты его прав и интересов”[2].

В выдвинутых Президентом Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёевым пяти инициативах, касательно государственной молодежной политики, особое значение отводится созданию условий для воспитания и получения образования молодежи, а также реализации их потенциала и повышения занятости как ключевым факторам в обеспечении целей развития Узбекистана.

По инициативе Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева 2017 год в Андижане был назван годом Захириддина Мухаммада Бабура. Это стало поводом для начала праздничных торжеств на земле Бабуридов. В настоящее время на основе предложений организаций, учреждений и творческих коллективов утверждена областная программа мероприятий, посвящённых З.М.Бобуру.

Основная цель – пропаганда наследия Бабура государственного деятеля, учёного и поэта, его использование в воспитании подрастающего поколения в духе патриотизма, самоотверженности, уважения к великим предкам, пробуждение чувства национальной гордости и почитания нравственных ценностей.

За короткую жизнь Бабур оставил человечеству богатейшее литературное и научное наследие, творчество несущее воспитательную миссию для молодого поколения и являющееся бесценным достоянием. Это наследие служит для нас своеобразной школой в изучении истории, осознании чувства патриотизма. Идеи добра и гуманизма, воспетые в произведениях Бабура, не утратили своей ценности и значимости и в настоящее время.

В узбекском литературоведении личность Бабура описывается в качестве «правителя с достойными качествами».

Он является одним из последних представителей династии Тимуридов, который внес огромный вклад в науку и литературу и оставил своей плодотворной деятельностью неизгладимый след в истории человечества. Он – литератор, деятель культуры, полководец, благочестивый правитель и правдивый литературовед, представитель судьбы со сложными противоречиями.

Мирза Бабур оставил после себя бесценное духовное наследие. Интересовался наукой и искусством, всеми сферами человеческой жизни. Усердие, инициативность и талант превратили Бабура в великий образ мыслителей с мировым именем. Здравомыслящий Бабур в свои 9 лет обучился грамоте, начал писать и истолковывать стихи. До последнего вздоха высоко держал знамя благодетелей. Всепрощаемость была одной из редких ценностей, дарованной Бабуру.

Бабур в 12 лет, как представитель высокого таланта, после смерти отца занял трон правителя. Бабур до последних дней своей жизни в мемуаре «Бабур-наме» излагал боевые сражения, свидетелем которых был сам, скитания в чужой стране, тоску по Родине, отношения к детям, семье, родственникам. Захириддин Мухаммад Бабур создал при жизни своеобразную школу. Бабур заложил основу школе написания мемуаров посредством произведения «Бабур-наме». Важной особенностью Бабура в теории образования является передача знаний будущим поколениям. Это поспособствовало ему оставить несметное духовное богатство для человечества. Его лирические стихотворные произведения «Мухтасар», «Мубаййин», «Волидия» заняли особое место в мировом литературоведении, особенно в законах народного образования. Сведения, представленные в «Бабур-наме», и на сегодняшний день имеют важное значение в истории, географии, литературоведении.

Как говорится в «Бабур-наме», Бабур как великий государственный деятель всегда заботился о воспитании и образовании своих детей, призывал их чтению и исследованию. Он в произведении «Мубаййин» пишет, как Хумаюн и Камрон обучались исламскому каламу, т.е. чтению карана.

Как видно, Бабур считал своим отцовским долгом писать книги с целью пробудить любовь к чтению, воспитать их справедливыми, образованными. Призывал их говорить складно, писать грамотно.

В творчестве Бабура неповторимо нашли свое отражение чувство любви к Родине и идеи просветительства. Мы, в свою очередь, неоднократно читая его произведения, должны обращать внимание на уместное использование их в обучении и воспитании молодежи. Именно в качестве отца глубокое осознание ответственности Бабуром является для нас поучительным примером. Он уделяет большое внимание воспитанию детей. Этому свидетельствуют отрывки из «Бабур-наме», где говорится о заботе к сыну Мирзе Хумаюну в

качестве отца и наставника, а также об указаниях вплоть до исправления орфографических ошибок в письмах и поведении. Подобные редкие шедевры литературы внесли большой вклад в процветание узбекского литературного языка.

Действительно, в каждой им написанной строке можно увидеть, что Бабур является милостивым человеком с большой душой, безмерной любовью к Отчизне.

Он прощал грехи людей, предавших его, но честно признавших свою порочность. Мирза Бабур иногда доверял им высокие посты. Великий полководец, переживший мучения и страдания, занявшись творчеством в своем саду, хотел провести оставшуюся жизнь в Агре. Огорченное сердце великого поэта и в последние дни желало благих дел.

Изучение духовного наследия Захириддина Мухаммада Бабура формирует у молодежи такие чувства, как трудолюбие, благородство, пробуждение любви к науке, культуре, искусству и просвещению. Творчество Бабура в качестве совершенного творческого продукта передается из поколения в поколение.

«Мы уделяем особое внимание изучению истории каждого региона нашей страны. Бабур Мирзо - великий сын нашего народа. Имя его живет в литературе, науке, просвещении. Необходимо еще более благоустроить этот парковый комплекс, превратить его в центр воспитания. Работа по повышению национального самосознания, пропаганде нашей великой истории среди молодежи, развитию науки и просветительства даст высокие результаты», - отметил Шавкат Мирзиёев[5].

Сегодня методическая, педагогическая и психологическая подготовленность преподавателя при совершенствовании содержания образования превратилась в требование времени. Так как совершенствование содержания образования, являясь многозначным понятием, должно быть инновационным при эффективном его осуществлении, участии воспитателей-педагогов, родителей, а также молодёжь в образовательном процессе.

В заключении следует отметить, если мы сможем применить вышеперечисленные чувства сострадания к молодёжи в личности Захириддина Мухаммада Бабура в познавательном и образовательном процессе подрастающего поколения, то в каком-то смысле выполним свой долг перед молодёжью.

Изучая творческое наследие великих предков, молодое поколение не только обретёт массу нравственных достоинств, но и познает истинное счастье наслаждения литературным искусством, что непременно отразится на том, каким будет наше с вами будущее.

Литературы

1. Пять важных инициатив Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева. – Т., 2018.
2. Выступления Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева на 72 сессии Главной Ассамблеи ООН. 2017г. 19 сентября.
3. Бабур З. М. Бобурнома. – Т., 2011.
4. Мўминова С. Захириддин Мухаммад Бобур – Шарқ ва Ғарб нигоҳида. – Қарши, 2012.
5. Маърифат газетаси, 3 июня 2017г. №44(9005).

БОБУР ФАЛСАФИЙ МЕРОСИДА ВАТАН ИШҚИ, ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ

Тешаев Н.Н.

БухДУ доценти, фалсафа фанлари номзоди

Захириддин Муҳаммад Бобур – бутун Осиё тамаддунига улкан таъсир кўрсатган таниқли давлат арбоби, иқтидорли лашкарбоши, ажойиб лирик шоир ва адабиёт назарийчиси, ўз даврининг буюк тарихчиси, ҳамда наср устаси эди.

Бобур Мирзо барча темурийзодалар сингари ўта ақилли, ғоявий-сиёсий етук ва хушёр инсон бўлган. Ўн икки яшарлик пайтидаёқ қўлига қилич олиб, жанг қилишга, халқ, миллат ва Ватан тақдири учун курашишга тўғри келган. Отаси Умаршайх Мирзо вафотидан сўнг, у Фарғона тахтига ўтирганда жаҳонда энг қудратли Темурийлар давлати парчалана бошланганди. Катта-кичик темурийзодаларнинг тахт учун ўзаро қонли тўқнашувлари, сиёсий бошбошдоқликлар марказлашган давлат миллий бирлиги ва қудратига кучли сиёсий таъсир кўрсатган эди. Ана шундай алғов-далғовли, қонли, курашлар даврида Фарғонанинг хоқими сифатида тарих саҳнасида пайдо бўлган Захириддин Муҳаммад Бобур олдида Амир Темури салтанатини сақлаб қолиш, темурийзодалар орасида нифок, тож - тахт талашишлар ўрнига биродарлик, дўстлик, ҳамкорликни, миллий ҳамжиҳатликни кучайтириш, мамлакатни ташқи душманлар ҳамласидан сақлаб қолишдек буюк мақсадлар турар эди. Бу масалада у имкон доирасида қўлидан келадиган ҳамма ишни қилди. Бироқ тарихий шароит бунга йўл бермади.

Надоматлар бўлғайким, тақдир Бобурни Мовароуннахрни тарк этишга мажбур этди. У аввал Афғонистонни, сўнгра Ҳиндистонни қўлга киритиб, уч асрдан кўпроқ давом этган Буюк Бобурийлар салтанатига асос солди. Ҳиндистонда Бобур асос солган давлат 332 йил давом этди. Бобур авлодидан олти шахс, яъни унинг ўзи Хумоюн, Акбар, Жаҳонгир, Шох Жаҳон, Аврангзеб каби давомчилари Ҳиндистонда узоқ давр подшоҳлик қилди. Бу йиллар Ҳиндистон учун катта ижобий ўзгаришлар даври бўлди.

Буюк бобурийлар довуғи бутун Осиё ва Европага тарқалди. Ҳиндистон шимолида Бобурнинг хукмронлик қилишидан бошлаб, бу мамлакатда янги давр, янги давлат – Бобурийлар салтанати бошланди. Бу эса мамлакатда ўзаро низолар ва қонли урушлар рўй бериб турган майда мустақил рожаликларга (хонликлар) барҳам берди. Аста-секин марказлашган давлат пайдо бўлди.

Бобур Ҳиндистонга ўзи билан янгича маданий-маънавий ҳаёт тарзини, исломий цивилизацияни олиб келди. Бу даврда ижтимоий – иқтисодий ҳаёт, маориф, илм-фан, адабиёт, умуман маданият ва маърифат ривожланди. Шу боисдан ҳам унга Европанинг денгиз орқали хавф солишибир неча асрлар кейинга сурилди.

Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби Жавохарлаъа Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида Бобурийлар давлатидаги маданият маънавий-руҳий муҳитнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида шундай ёзган эди: «Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга ва архитектурага тоза хаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир бирига тутушиб кетди. Бобур – дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик хукмдори, мард ва тадбиркор бўлган. У санъатни ва адабиётни севган...»⁹¹. (3, 272)

Бобурда одамларни умумий мақсадлар йўлида бирлаштириш, якдил-яктан қилиш, сафарбар этиш, руҳлантириш маҳорати, қобилияти ва истеъдоди ғоят даражада устун

⁹¹ Неру Дж. Открытие Индии. М., 1955, с-272.

бўлган. У ўзининг ватанпарварлиқ ва халқпарварлик ҳақидаги оташин нутқлари, мурожаатлари, сеҳрли, жозибали сўзлари одамлар қалбини ром этган, каттаю кичикни оёққа турғизган.

Буни Бобурнинг Читор рожаси Рано Санго билан бўлган ҳаёт-мамот жанги олдида бўлган амирлари, беклари ва сарбозларига қарата мурожаат қилиб сўзлаган жушкин нутқи мисолида кўриш мумкин: «Беклар ва йигитлар! Ҳар ким бу жаҳонга келаркан охирида йўқликка кетади. Абадий қолувчи ёлғиз худодир. Ҳар кимки ҳаёт мажлисига кирибдур, оқибат ажал поймонасидан ичкусидир ва ҳар кишиким, тириклик манзилига келибтур, охир дунё ғамхонасидан кечкусидур. Ёмон от билан тирик юришдан яхши от билан ўлган яхшироқдир. Тангри Таоло бу нав саодатни бизга насиб қилибтур ва бундоқ давлатни бизга раво айлабтур. Ўлган шахид, ўлдирган ғози. Барча сарбозлар тангрининг каломи билан онт ичмоқ керакким, ҳеч ким бу қитолдан юз ёндиру ҳаёл қилмағай, то бадандин жони айрилмоғунча бу муҳараба ва муқоталадан айрилмоғай».⁹² (4, 240)

Бобурнинг бу мурожаати қутилган натижани берган. Ўртадан саросима кўтарилган. Мирзо Бобур лашкарлари ўзларидан, етти-саккиз баробар ортиқ бўлган, жуда кўплаб ҳарбий синовлардан ўтган, ҳаёти давомида бир неча ўнлаб жангларда қатнашган, шу жангларда бири кўзи, бири қўли ва оёғидан ажралган, танасида эса саккизта жароҳати билан тажрибали Рано Санго жанговар кўшинини 1527 йил 17 мартда тор-мор этишади. Бу жанг тарихда «Қанва жанги» деб шухрат топди.⁹³ (5, 15-17)

Бобур умри бўйи халқи, сафдошлари, жангчилари, ҳарбий саркардалардан ажралмаган, ўзи учун алоҳида шароит яратиб яшамаган, ёзнинг жазирама иссиғи, қаҳратон қиш совуғини, тоғу тошлардаги довулларни, очлиғу тўқликларни, зафарлару мағлубият аламларини яқин кишилари ватандошлари билан баҳам кўрган.

Бобур илмий-фалсафий меросида ватан ишки, ватанпарварлик ғоялар қонуний ҳолда етакчи ўрин тутди. Унинг асарлари лирик шеърлари ва рубоийларида инсон учун Ватандан азиз ва муқаддас, Ватандек олий илоҳий неъмат йўқлиги, одам учун неки муқаддас бўлса, барчаси ватан билан муътабарлиги айтиб ўтилади. Зотан, Ватан сўнгсиз маънавий мўъжиза. Ҳеч ким Ватандан ўз ихтиёри ила воз кечган эмас. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк фалсафий таълимоти Ватанга иймон эътиқод билан боғлиқ.

Ўзга юртлар бойлиги қанчалик кўп ва беҳисоб бўлмасин, уларнинг ҳеч бири, на дуру гавҳарларию, на кўҳи нурлари она юртнинг бир сиқим тупроғига, бир қултум сувига, бир шингил узумию, бир карч қовунига тенг кела олмайди Бобур учун.

Бобурни юртидан йироқлик қаттиқ эзади. Ота юртидан қувилиб, мусофирликда ҳаёт кечириш, туғилиб ўсган, киндик қони тўқилган, эл-юртидан, яқин дўсти биродарларидан беҳад олислик уни қайғуга солади. Бобур Ватанини, Фарғона ва унинг меваларини, табиат манзараларини, булоқларию сайроқи қушларини қўмсарди, ёр дўстларини соғинарди.

Кунлардан бир кун Бобурга Фарғона сувию тупроғида униб ўсган ва ўша саҳий водий куёшида пишган қовун келтирганларида, у қовунни суятириб, аччиқ-аччиқ йиғлаган экан.⁹⁴ (6, 574) Бу бир карч қовун, бир шингил узумга муҳтожлик эмас, балки юрт меҳрига бўлган чексиз соғинчи, беадад меҳр-муҳаббати ва дардидир.

Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглимда ғам ҳар су,
Оқар сувнинг фироқидан кўзимдан ҳар дам оқар сув.

⁹² Харольд Ламб. «Бобур-Йулбарс». Т., «O`zbekiston» 2015, 240-б

⁹³ Л. П. Шарма. Бобурийлар салтанати. Т., «Маънавият», 1998, 15-17 бетлар.

⁹⁴ Н. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Т., «Ўқитувчи». 1976, 574-бет.

Ўз юртини тарк этиб, Афғонистон ва Ҳиндистонга юз тутганда, Бобур шеърлятида Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, унга қайтиш умиди мавж ура бошлади.

Толе йўкки, жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишниким айладим, хатолиғ бўлди,
Ўз ерини қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Бобур ўз юртини қолдириб, ғайри элларга кетишни ўзи учун бир «хатолик», «юз қаролик», деб билди. Ғарибликда юрган кишининг кўнгли шод бўлмаслигини қайта-қайта уқтирди. Буюк мутафаккирнинг:

«Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнглини меҳнатда киши.
Кўнглим, бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,

Ғурбатда севинмас эмиш, албатта киши» деган ўтли рубойиси бунга мисол булади.

Маълум сабабларга кўра, ўз юртини ташлаб, ўзга мамлакатларда ғурбатда, икки жаҳон овораси булиб юрганлар сингари, Бобур ҳам Ватанининг Оллоҳ берган неъматларнинг энг улуғи, энг аълоси ва муқаддаси, деб таърифлайди. Бегона юртларда иши бароридан келиб, шоҳу султон бўлиб, кам-кўстлик нелигини билмасдан юрган бўлса ҳам, лекин ўз юрти, диёри йўклиги, Ватанидан олисдалигидан ўксинади, дили шод-хуррам бўлмади. Ватан меҳригиёси уни ўзига ҳар дақиқа ва ҳар сония тортиб туради.

Бобур Мирзо Афғонистон, Ҳиндистонни эгаллаб, катта империя қурган эл-юртда юксак мартаба ва обрўга эга бўлган бўлсада, лекин ўзини асло дили шод бўлган, муродига етган киши, деб билмади. Шунинг учун ҳам у умрининг охирига қадар туғилиб ўсган юртидан - диёридан кўнгил узолмади. Ватанга қайтиш фикридан воз кечолмади. Бироқ ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, юртига қайта олмади. Бу ҳақда у:

Кўпдан бериким ёру диёрим йўқдир,
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқдир,
Келдим бул сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шавкат Мирзиёев “Миллий тикланишдан –миллий юксалиш сари” -Т., “Ўзбекистон” 2020.
2. Ислом Каримов “Юксак маънавият- енгилмас куч” Т., “Маънавият” 2008 й
3. Неру Дж. Открытие Индии. М., 1955.
4. Харольд Ламб. «Бобур-Йўлбарс». Т., «Ўзбекистон», 2015.
5. Л.П.Шарма. Бобурийлар салтанати. Т., «Маънавият», 1998.
6. Н.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Т., «Ўқитувчи». 1976

БОБУР МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

Тураева Д.Р.

Низомий номидаги ТДПУ, катта ўқитувчиси, PhD

Саидвалиева М.Ф.

Низомий номидаги ТДПУ, магистранти

Мутафаккирларимизнинг доно фикрлари маданиятимиз ривожда, ёшларнинг маънавий дунёсини янада бойитишда, уларни юксак инсоний ва ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга моликдир.

Захириддин Муҳаммад Бобур ўзбек халқининг йирик мутафаккири, давлат арбоби, тарихчи, шоир ва таржимон. У Темурийлар авлодидан эканлиги ва Ҳиндистонда Бобурийлар салтанатига асос солганини барчамиз биламиз. Бобур ўзбек адабиёти, тарих, география, фалсафа, мусиқашуносликка катта ҳисса қўшган алломадир. Уни жаҳонга машҳур қилган асари “Бобурнома” ҳисобланади. Унда XV аср охири ва XVI асрнинг 30- йилларида Моварауннаҳр, Афғонистон, Хуросон, ва Ҳиндистонда бўлиб ўтган мураккаб тарихий воқеалар баён қилинган. Бу асарда мазкур худудлар географияси, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган. Бу асардан ташқари Бобур аруз вазни ва қофияга бағишланган “Мусиқий илм” асарини ёзган ва Хўжа Ахрорнинг “Волидия” асарини форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган [1; 61].

Бобур илм ва фаннинг, санъатнинг, умуман ҳаётнинг ҳамма соҳалари билан яқиндан қизиққан. Ғайрат ва ташаббус, синчковлик ва истеъдод Бобурни у яшаган даврининг улуғ намояндаларидан бирига айлантди. У ҳар бир соҳани аниқ билишга интиланган, ундаги нуқсонларни кўра билган ва масаланинг моҳиятини тезда тушуниб етган. Жаҳон шарқшунослари томонидан олим сифатида эътироф этилган. Бобур фаннинг кўпгина соҳалари бўйича қимматли ишларни амалга оширган. Яқин ҳамда Ўрта Шарқ халқлари маданияти тарихи учун катта хизмат қилган. Масалаи; ўзбек олими, география фанлари доктори, профессор Ҳ. Ҳасанов уни фақат давлат арбоби эмас, балки машҳур лашкарбоши, тарихчи, географ, биолог, мусиқачи ва меъмор ҳам бўлганини таъкидлайди. Бобур ижодиёти асосан унинг лирик шеърлари ва адабий тарихий асари—«Бобурнома» билан яққол кўзга ташланади. Бобурнинг хотираларидан ташкил топган ва темурийлар давлатининг таназзулга кетиш даврини ўзида ифодалаган, комусий характердаги «Бобурнома» китоби илмий-тарихий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда тарих, география, ботаника ва фаннинг бошқа соҳаларига тааллуқли қимматли маълумотлар бор. Бундан ташқари, мазкур асар эски ўзбек тилидаги прозанинг илк намунаси ва нодир ёдгорлиги ҳамдир. Бобур ана шу солномасида ўзи бўлган жойларнинг, жумладан Ҳиндистоннинг табиий манзараларини ҳам, маҳаллий аҳолининг кийиниши ва урф-одатларини ҳам, ҳайвонлари, қушлари ҳамда уларнинг қилиқларини ҳам тасвирлайди. Узи тилга олган нарсаларни теран фикрли, ўткир кўзли рассом сингари жозибали баён қилади [3; 217].

Бобур инсоний ҳис-туйғулар, жумладан, дўстлик, ҳар бир фурсатни кадрлаш, қайғу-хасрат билан эмас, балқи оқилона, хушчакчаклик билан яшашга чорловчи, ёшларга ибрат бўладиган кўплаб байтлар битган. Бобурнинг фикрича, ёшлар шахсини ҳаётнинг ўзи шакллантиради, лекин бунда меҳнат ва меҳнатда тобланиш муҳим рол ўйнайди. Меҳнат қилган ва машаққат чеккан кишилардагина чинакам инсоний фазилатлар шаклланади.

Бобур ижодида инсон ҳаётида зарур бўлган, унинг камолоти учун омил бўлувчи ахлоқ-одоб, тарбия, маънавият, маданият, мафкура масалалари кенг, таъсирчан, содда тарзда ёритилган. Айниқса, инсоннинг маънавий гўзалликка эришувида яхши тарбия муҳим аҳамият касб этишини чуқур ифодалаб берди [2; 118].

Бобур 18—19 ёшларида рубоий ва ғазаллар ёза бошлаган. Унинг «Топмадим» радифли ғазали ва «Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши» мисраси билан бошланувчи рубоийси ўша йиллардаги ҳаёти билан боғлиқ.

Бобурнинг улкан санъаткорлиги шундаки, шахсий кечинмаларини жиддий умумлашма даражасига кўтара олади ва натижада асарларида олға сурилган ғоялар умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилади. Бобур ижодида, хусусан, шеърлятида киндик қони тўкилган она юртини дилдилдан қўмсаш, унинг тупроғига талпиниш, ғариблик азобларидан

ўтли ҳасрат, ёру диёр согинчи ва висол илинжи, тақдир зарбалари ва турмуш уқубатлари, замона носозликларидан нола бадий таҳлил этилади.

Бобур ижодида ишқ-муҳаббат, севги-садоқат, висол ва ҳижрон мавзуи ҳам салмоқли ўрин тутди. Унинг ғазал ва рубоийларида, туюқ ва маснавийларида маъшуканинг мафтункор гўзаллиги, бекиёс хусну латофати, шарқона одобу ахлоқи, нозу карашмаси енгил ва ўйноқи, мусиқий ва равон мисраларда катта маҳорат билан тараннум этилади

Бобур ўз фарзандларининг таълим-тарбияси ҳақида ҳамиша ўйлаб, уларни ўқиш ва ўрганишга тарғиб қилган экан. У «Мубаййин» рисоласини Ҳумоюн ва Комронга диний масалаларни ўргатиш учун назмда ёзади. Бобурнинг Ҳумоюн ва Комронга ёзган мактублари ҳам шу мавзуга қаратилган. У Комронга ёзган мактубида: «Фарзанди аршад ва аржуманди саодатнишон Муҳаммад Комрон Мирзо баҳодирга саломи муҳаббат анжомидан сўнг улким, кўкалтош ва ичкиларинг била сабақ ўқурға ружуъ келтуруб эрмишсен. Бу жиҳаттин кўнгулга сурур ва хотирга хузур етиб на бисёр хушҳоллик юз берди. Тангри таоло даргоҳидин умидим борким, жамиъи қобилият ва салоҳият бобида комил ва мукамал бўлуб камолға етгайсен» деб,

Ҳумоюнга ёзган мактуби: «Яна мен дегандек бу хатларингни битибсен ва ўқумайсен, не учунким, агар ўқур хаёл қилсанг эди, ўқий олмас эдинг. Ўқий олмагандин сўнг албатта тағир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқиса бўладур, вале асру муғлактур... Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўлодур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур. Голибан хат битурда қоҳиллигинг ҳам ушбу жиҳаттиндур. Такаллуф қилай дейсен, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била битий. Ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқувғучиға...» каби сатрларни битган [5].

Мактуб мазмунидан, Бобур фарзандларининг диёнатли, илм-фазилатли бўлиб ўсиши учун уларга китоб танлаб юбориш, уларнинг ўрганиши учун китоблар ёзишни оталик ва подшоҳлик бурчи деб ҳисоблаган, уларни ўқиш-ўрганишга тарғиб қилиб, имло ва иншо хатоларини тўғрилаб бехато, содда, равон ва бетакаллуф ёзишга чорлаганини англаш мумкин.

Бобурнинг бундай саъй-ҳаракатлари зое кетмаган албатта. Унинг тўртала ўғли, қизи, набиралари ва уларнинг фарзандлари илму санъат, шеър адабиётда ном қозондилар. Бобурийлар сулоласидан кўп соҳибдевон шоирлар, тарихчилар, фақиҳлар, диний ва дунёвий олимларнинг исмини тазкиралардан келтириш мумкин. Уларнинг ҳаммасини тилга олиб ўтиш ё улар ҳақида бир-икки оғиз сўз айтиш анча вақт талаб қилади. Бу ҳақда ҳаттоки китоблар ёзиш ҳам мумкин.

Улуғ шоир таълим-тарбия мазмунини сингдиришда таъсир кучи юқори бўлган мақолалар, ҳикматли сўзлар, ибораларни ёзма ва оғзаки нутқда ўринли қўллаш, ибрат бўлиш, намуна кўрсатиш, насиҳат қилиш усуллари яхши билган ва уларни асарларида самарали қўллаган. Маълумки, қайси хонадонда ота улуғланса, эъзозланса, унинг гапи икки бўлмаса, ўша уйда фарзандлар тарбияси рисолада кечади.

Дунё илм аҳли хайрат билан қарайдиган буюк бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг кичик фард рубоийларидан тортиб, йирик «Бобурнома»гача бўлган асарларида бугунги кунда ҳам ёшларининг ақлий, маънавий, ахлоқий, жисмоний, инсоний камолоти учун зарур бўлган, намуна бўлғуси жиҳатлар исталганча топилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Буюк сиймолар алломалар. Т.: «Мерос», 3-китоб- 1997 йил.
2. Воҳидов Ҳ.Ф. Ўзбек маърифатпарварларининг социологик қарашлари. Т.:1996.

3. Педагогика тарихи: (Педагогика олий ўқув юртлари ва дорилфунунлар талабалари учун ўқув қўлланма) / К. Ҳошимов, С.Нишонова, М. Иномова ва бошқ.— Т.: Уқитувчи, 1996.— 488 б

4. Ш.Ёрқин. Бобур оиласида фарзанд тарбияси. <http://e-tarix.uz/maqolalar/691-maqola.html>.

YOSHLAR TOMONIDAN ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ILMIY VA MA'NAVIY MEROSINI (RUBOIY VA TUYUQLARI TAHLILI) O'RGANILISHI

Qodirov O.S.

SamDU dotsenti v/b, psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Muxammadiyeva K.

SamDU magistranti

Bobur (taxallusi; to'liq ismi Zahiriddin Muhammad ibn Umarshayx Mirzo) (1483.14.2, Andijon 1530.26.12, Agra) — o'zbek mumtoz adabiyotining yirik vakili, buyuk shoir, tarixchi, geograf, davlat arbobi, iste'dodli sarkarda; boburiylar sulolasi asoschisi, temuriy shahzoda.

Zahiriddin Muhammad Bobur she'riyatida ruboiy janrida bitilgan asarlar ham alohida ahamiyatga molik. Sharq mumtoz adabiyotida asosan ilohiy-irfoniy, ijtimoiy-siyosiy mohiyat kasb etgan ruboiy janrining mavzu doirasi keyinchalik ancha kengayib bordi.

Turkiy adabiyotda Alisher Navoiy o'zining ruboiylari bilan bu janrda rang-barang mavzuda ijod qilish mumkinligini amalda isbotlagan bo'lsa, Bobur Mirzo shu an'anani yanada ravnaq topishida o'z hissasini qo'shdi. Shoirning ruboiylari g'azallarida kuzatilgani kabi sodda va ravon uslubda ijod etilgan. Ijodkor g'azallarining aksariyati oshiqona mavzuda bitilgan va ularda o'rni bilan shoirning hasbi holiga murojaat etilgan bo'lsa, ruboiylarida shoirning ko'rgan-kechirganlari, tarjimai holi, vatan sog'inchi va hijron iztiroblari mavzui yetakchilik qiladi. Shuningdek, shoir orifona, oshiqona, axloqiy-talimiy mohiyat kasb etuvchi ruboiylarning ham muallifidir.

Bobur Mirzo she'riyatida Allohga sohh banda bo'lish umidi balqib turgan, uning rizoligiga erishishdek ulug' saodatga musharraf bo'lish orzusi ururgan hamda ulug' Tangrining buyukligini vasf etuvchi ruboiylar mavjud. Jumladan, quyidagi ruboiy Bobur Mirzoning hayot sinovlaridan o'tgan bukilmaz irodasi Allohning rizoligiga erishish yo'lida ham benazir ekanligini dalilaydi:

Yo qahr-u g'azab birla meni tufroq qil,

Yo bahri inoyatingda mustag'raq qil.

Yo rab, sengadur yuzum qaro, xoh oq qil,

Har nav'e sening rizong erur, andoq qil.

Shoir Allohga murojaat qilib, Yaratgan istagiga ko'ra, uning qahr-u g'azabiga uchrab tuproq, ya'ni xor-u zor bo'lishga ham yoki Uning lutf-u karamidan bahra olib, inoyat dengizida cho'mishga ham tayyor ekanligini e'tirof etadi. She'r qahramoni bir banda sifatida Tangri oldida gunohkor ekanligini «sengadur yuzum qaro» jumlasida badiiylashtiradi. So'nggi misrada esa Allohning rizoligiga erishish istagida har narsaga tayyor turganligi o'z aksini topgan. XV asrda Movaroumiahr-u Xurosonni idora qilayotgan temuriy hukmdorlar orasida naqshbandiya tariqatining ulug' peshvolariga e'tiqod qo'yish odat tusini olgan edi. Temuriy shahzodalar ulug' shayxlarga yuksak hurmat ko'rsatish ruhida tarbiyalanib, ularning komil inson haqidagi yuksak axloqiy-talimiy qarashlaridan juda erta bahra olishga ulgurardilar. Bobur Mirzo ham Farg'ona viloyatida dong taratgan naqshbandiya tariqatining ko'zga ko'ringan vakillaridan biri Xoja Abdullo Mavlono qoziy hamda Movarounnahr-u Xurosonda buyuk ma'naviy arbob sifatida tanilgan Xoja Ahror Valiyga ulkan ixlos qo'ygan edi. «Boburnoma»da bu ikki ulug' zotdan birining sharofatli duolari, birining

esa ruhiy madadi bois yosh shahzoda tang ahvoldan omon qolganligiga dalolat beruvchi lavhalar keltirilgan. Ulardan ba'zilarini yuqorida ko'rib o'tdik. Bobur Mirzo she'riyatida naqshbandiya tariqatining o'lmas g'oyalari badiiy ifodasini topganligiga shubha yo'q. Shoir ruboiylarida ilohiy va majoziy ishqni bir o'zanga solingan holda ravon uslubda vasf etilishining sababi ham uning qalbi botiniy ma'rifat nurlari bilan yoritilganidir. Mana bu ruboiylarga e'tibor qiling:

Ey yor sening vaslingga yetmak mushkil,
Farxunda hadisingni eshitmak mushkil.
Ishqingni dag'i bartaraf etmak mushkil,
Boshni olibon har sari ketmak mushkil.

Yoki:

Keldim sanga yuz umid bila, ey moh,
Lekin yondim yuzingni ko'rmay, yuz oh.
Hamsuhbat-u hamrohni netay u yo'lda,
Darding manga hamsuhbat-u ishqing hamroh.

Zakovatli shoirning mazkur she'rlaridagi mazmuni istang samoga ulang, xohlang yerga olib tushing. Har ikki holatda ham bosh mohiyat-ishq va sidq, ishq va dard, ishq va sadoqat, ishq va ishonch kabi tuyg'ularning ohori saqlanadi. Oshiqning ma'shuqa dardi va vasliga yetmoq ilinjidan o'zga tashvish va taraddudi yo'q, bo'lishi ham mumkin emas. Bobur Mirzoning qalbida yongan ishq alangasi uni sira tark etmagan. To'g'ri, u komil muslim bo'lgani holda shariatning barcha talablariga rioya qila olmadi. Sharobga ruju qo'ygan paytlari, ma'jun kayfi bilan diliga taskin bergan damlari bo'ldi. Lekin shu bilan bir qatorda u o'sha gunohlaridan komil sadoqat bilan tavba ham qildi.

Bobur Mirzo yuksak nazokatli inson sifatida ko'ngilchan, mehr-shafqatli shaxs edi. Qizi Gulbadanbegimning «Humoyunnoma» asaridagi juda ko'p lavhalar shunday xulosaga kelish uchun asos beradi. Aytilganlarga qanoat hosil qilish uchun asardan bir lavha ko'chirish foydadan xoli emas: «Rano Sango bilan jang bo'ldi. Xudoning inoyati bilan podsho g'alaba qozondilar va g'oziy bo'ldilar. Rano Sangoning fathidan bir yil o'tgach, onam-Mohimbegim (Humoyun Mirzoning onasi) Kobuldan Hindistonga jo'nadilar. Men ham podsho dadamni ko'rgani u kishi bilan birga bordim. Onam ko'lga yetganlarida podsho hazratlari uch otliq mahofa yubordilar... Podsho dadam hazratlari to ot kelturgunlaricha sabr qilmay, piyoda yo'lga tushib, Nincha Mohim uylari oldida biz bilan uchrashdilar. Onam otdan tushmoqchi bo'ldilar, lekin podsho dadam qo'ymasdan o'zlari onamning otlari jilovidan ushlab, o'z uylariga yetguncha piyoda ketdilar...» (Humoyunnoma. Toshkent: «Fan», 1959, 35-b.) Bobur Mirzo ruboiylaridan birida ifodalangan lavhani xotirga keltiradi:

Sen gulsen-u men haqir bulbuldurmen,
Sen shu'lasen-u men ul shu'lag'a quldurmen.
Nisbat yo'qtur deb ijtinob aylamakim,
Shahmen elga, vale sanga quldurmen, –

deb yozgan edi. Ruboiydagi Gul-u Bulbul, Shu'la-yu Parvona, Shoh-u Gadolarga yuzaki qarab, hayotiy oshiq-u ma'shuqalarning o'xshatilmishlari sifatida sharhlash mumkin. Aslida mazkur majoziy timsollartasawuf mulkidir. Masalaning zaminiyjilosini inobatga oladigan bo'lsak, Bobur Mirzo faqat yozmagan, balki naqshbandiyaning ilm va amal, ishq va amal xususidagi qat'iy talablarini ado etishga ham harakat qilgan.

Bobur Mirzo she'riyatida, jumladan, ruboiylarida Vatan sog'inchi va hijron iztiroblari eng ko'p nazarga tashlanadigan tuyg'ulardir. Shundan boisa kerak ayrim tadqiqotchilar «Hajriy» Boburning ikkinchi taxallusi degan fikrga urg'u berdilar. Vatanni unda turib ardoqlash bilan uni yo'qotib sevishtirishda yer-u osmoncha tafovut borligi ayon. Bobur Mirzo qalb nidolari mag'zini teranroq chaqmoq uchun ikkinchi holatni loaqal tasavur qilib ko'rmoq lozim bo'ladi. Bobur Mirzo jisman

Vatandan uzilgan bo'lsa-da, u ruhan Vatan bilan yashab o'tdi. Qachonlardir ona yurtga qaytish uchquni uning qalbida so'nish bilgan emas. Fikrimizga daho shoirning mana bu satrlari guvohdir:

Beqaydmen-u xarobi siym ermasmen,
Ham mol yig'ishtirur laim ermasmen.
Kobulda iqomat yetti Bobur, dersiz,
Andoq demangizlarki, muqim ermasmen.

Fikrimizcha, ushbu ruboiy Bobur Mirzo ijodining 1512-yilga qadar bo'lgan davriga taalluqli. Chunki u hali bu yillarda Movarounnahrda butkul ko'ngul uzmagani edi. Uchinchi yurishning muvaffaqiyatsizligi uning shirin orzularini chil-parchin qildi. Shundan keyin uning yuragida o'z sarhadlarini Hindistonga qarab kengaytirish orzusi makon tutdi. Ba'zan shoir misralarida umidsizlikning ko'zga tashlanishi ham o'sha murakkab ruhiy isyonlarning mevasidir.

Tuz oh, Zahiriddin Muhammad Bobur,
Yuz oh, Zahiriddin Muhammad Bobur.
Sarrishtayi ayshdin ko'ngulni zinhor
Uz, oh, Zahiriddin Muhammad Bobur.

Barcha urinishlari zoye ketgan shoir o'lim to'shagidagi so'nggi nafasida ham yurtning bir tilim qovunini qo'msab, ochiq ko'z bilan foniy dunyo bilan vidolashgan. Yurt va yurtdoshlari diydori bu jahongashta Vatan fidoyisi uchun hamon qiyomat qarzdir.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 24 avgustidagi "Atoqli adiblar va mutafakkirlarimiz ijodiy merosini yoshlar o'rtasida targ'ib qilish hamda Adiblar xiyobonidan samarali foydalanish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 502-sonli qarorida belgilangan vazifalar ijrosi yuzasidan Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti va faoliyati, harbiy mahoratini o'rganish va keng miqyosda targ'ib etish maqsadida Bobur hayoti va ijodi, o'lmas asarlari, boburiylarning Hindiston taraqqiyotidagi o'rni va roli nihoyatda katta ekanligi yoshlar o'rtasida keng targ'ib etilmoqda. Andijonda uning mahobatli haykali o'rnatilgan. Yuksakda, ot ustida o'tirgan bu zoti mukarram ona yurt jamoliga suqlanib, to'yib-to'yib boqish sharafiga erishdi. Yurtdoshlari azim bir bog' barpo qilib, uning bir go'shasida Bobur Mirzoning ramziy qabrini o'rnatdilar. Asliga qaytgan (tuproqdan bunyod bo'lib, tuproqqa aylangan) shoir muqaddas Vatan bag'rida erkalanib orom olmoqda. Suronli hayotini ezgulikka baxshida etgan insonga uning nashidasi ikki chandon bo'lib qaytdi.

Umuman olganda, shoirning ruboiy va tuyuqlari o'zbek mumtoz adabiyotida ravnaq topishiga munosib hissa qo'shdi. O'zbek mumtoz adabiyotining zabardast vakili, buyuk davlat arbobi, mohir sarkarda, olim va shoir Zahiriddin Muhammad Bobur tavalludining 538 yilligiga bag'ishlangan tantanali tadbirlar Respublikamizning barcha viloyatlarida bo'lib o'tmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Abdug'afurov A. Bobur she'riyati. Bobur. Devon. –T.: Fan, 1994, 3-14 –betlar.
2. Adizova I. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. (XVI-XIX asr I yarmi) -Toshkent, Fan, 2006. - 240 b.
3. Zahiriddin Muhammad Bobur, "Boburnoma". Toshkent, 1989, 271-bet.
4. U.Erskin. Bobur Hindistonda. Toshkent. Cho'lpon nashriyoti. 1995-yil. 6-bet.
5. Valixojayev B., Tohirov Q. O'zbek adabiyoti tarixi. XVI asr. – Sam.: SamDU nashri, 2002.
6. Vohidov R., Eshonqulov H. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. -Toshkent: Yangi asr, 2006.
7. Yulduzli tunlar (roman). Pirmqul Qodirov www.ziyouz.com kutubxonasi 192.

ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ТАРБИЯЛАШ- ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУХИМ ОМИЛИДИР

Қулматов Н.Э.

СВМИ декан ўринбосари

Халимметова Р.Д.

катта ўқитувчи, СВМИ ТФ.

Ўқувчи ёшларни иймон-эътиқодли, миллий ғояга садоқат, бир-бирларига меҳрли оқибатли, ўз Ватанига, миллати, дини, тили, тарихи, маданияти урф-одатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг энг долзаб вазифаларидан биридир. Зеро, янги Ўзбекистон ёшларини янгича тафаккур асосида тарбиялаш орқали миллий ғоянинг ҳаётбахш инсонпарварлик томоилларига, умумбашарий қадриятларга мос келадиган хулқ-атвори шакллантириш ва камолга етказиш, яъни жамиятда меҳр-мурувват маданиятини қарор топтириш мумкин. Шу боисдан миллий ғояга ҳам ихлос билан муносабатда бўлиш, унинг тарихий, фалсафий, диний, ахлоқий илдизларини мунтазам ўрганиб бориш, аждодларимиз меросини таълимнинг ҳар бир бўғинида ўқувчи ёшларимиз онги ва тафаккурига сингдириш муҳимдир. Маълумки тарбия ўз моҳиятига кўра, кенг ва тор маъноларда талқин этилади ҳамда ижтимоий ҳаётда амал қилади. Кенг маънода оладиган бўлсак, тарбия - ижтимоий-маданий тажрибаларни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда авлоддан-авлодга ўтказадиган ва шахснинг камол топиши учун шарт-шароитлар яратадиган алоҳида жараёндир.

Тор маънода эса, маънавий маданиятни тарбиялаш - ёшларни ижтимоий турмушнинг мураккаб вазиятларига мослаштириш йўлида катталарнинг биргаликдаги аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятини, яъни баркамол етук шахсни камол топтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш жараёнини англатади.

Ушбу жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Худди шунинг учун ҳам ўқувчи ёшлар маънавий маданиятини шакллантиришнинг самарали ташкилий ва педагогик услублари, воситалари ишлаб чиқилиши ҳамда амалиётга жорий этилиши зарур. Миллий таълим-тарбия тизимининг турли шакл ва воситалари миллий ғояни рўёбга чиқариш, баркамол авлодни шакллантиришдан иборат бош мақсадга эришишни таъминловчи ҳалқимизнинг миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатларига ва умуминсоний қадриятларига асосланган бўлиши лозим.

Таълим-тарбия барча замонларда ҳам инсоният олдида ҳал этилиши зарур бўлган энг муҳим долзарб вазифа бўлиб турган. Шунингдек, у одамларнинг амал қилиб келаётган тажрибалари, ютуқлари, урф-одатлари ва анъаналари асосида ташкил қилинган. Яъни, таълим-тарбияга доир шаклланган урф-одатларимиз, боқий анъаналаримиз кўп. Бугунги кунда ҳам улардан ўқувчи ёшларни тарбиялашда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир ривожланаётган мустақил давлат ўз аҳолисини, айниқса билим ва янгиликка чанқоқ ўқувчи ёшларини илмий билимлар, маънавий - маърифий озуқ бўладиган ахборотлар билан таъминланишидан манфаатдордир. Ўзбекистонда ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган, принципиал “Ахборот сиёсати” шакллантирилди ва ҳаётга жорий этилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг биринчи компоненти шахсдир. Чин маънодаги шахс ўзини-ўзи қайта тарбиялаш салоҳиятига эга бўлади. Ўзи ва миллат учун бефойда, зарарли одатларидан воз кечади. Миллат манфаатларини ўз манфаати, ўз манфаатини эса

миллат манфаатига эришиш шарт деб тушунади. Ўз вазифасини миллатнинг кунига яраш, оғирини енгил қилишда кўради. Шу сабабли у ўз шахсий қобиғидан чиқиб кўтарилади ва миллат манфаати учун, миллат фаровонлиги орқали ўзини камолотга эриштириш учун бошқалардан кўпроқ, самаралироқ меҳнат қилади. Умуммиллий ғоя, мақсадга ишонади, уни ҳимоя қилади. Ёшларда бу фазилатлар бирданига пайдо бўлиб қолмайди. У, аввало, оилада ота-она, оиладан ташқарида қариндош-уруғ, қўни- қўшни, маҳалладошлар орасидаги тарбиявий муҳитни рағбатлантириб бориш, сўнгра олий ўқув юртида - замонавий билимларни эгаллаш орқали тарбияланади. Шу сабабли бу жараёнга ижтимоий педагогиканинг устувор йўналишларидан бири сифатида қараш лозим.

Маълумки, ёшлар тарбияси ҳамма замонларда ҳам долзарб ва муҳим вазифалардан бири бўлиб, муҳим аҳамият касб этиб келган. Янги Ўзбекистон тарақиётида бу масала янада долзарб, янада муҳим, ҳаёт-мамот масалаларидан бирига айланиб қолди. - Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” [1] деган фикри ўтган йигирманчи асрнинг бошларида айtilган бўлсада, бугунги янги Ўзбекистон тарақиётининг ривожланишида миллатимиз учун, ўқувчи ёшларимиз учун ҳам шунчалик муҳим ва долзардир Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ (маънавий бўшлиқ) пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бугунги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама – қаршилиқлар ва зиддиятлар кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, фоҳишабозлик, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” ва шу каби бошқа хавф – хатарлар тобора кучайиб, инсоният минг йиллар давомида амал қилиб келган миллий, диний ва оилавий кадриятлар, эътиқодларга путур етмоқда. Мана шундай ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида, айниқса ўқувчи ёшлар тарбиясида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани – айна ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Ўқувчи ёшлар тарбияси – бу бир кишининг иши эмас. Агар ҳаммамиз биргалашиб ҳаракат қилсак, ёшларимиз Ватан ва эл – юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб улғаядилар. Яхши тарбия инсонга маънавият каби она сути, ота намунаси ва аждодлар ўғити билан бирга сингади. “Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг ҳақиқий жонқуярини тарбиялаш мумкин эмас”[2]. Мустақил Республикаимизнинг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг ушбу сўзлари, тарбия бобида ҳар бир ота – она, ҳар бир фуқарога дастурил амал бўлмоғи лозим.

Зеро, жаҳон ҳамжамиятида тобора муносиб ўрнини топаётган, барча соҳаларда барқарор тараққий этаётган янги Ўзбекистон мамлакат тарақиётини бугунги давр воқелигини тўғри англайдиган етук ўқувчи ёшлар тимсолида кўради. Дарҳақиқат, 1991 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари” тўғрисидаги қонунда, 2017 йил 15 сентябрда эълон қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғриси”даги қонунда ва 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб – қувватлаш тўғрисида”ги фармонда ҳам ана шу эзгу мақсадлар кўзланган бўлиб, унда ёшлар сиёсатининг асосий тамойиллари белгилаб берилган. Жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг еттинчи устувор йўналишида шундай дейилади: “ёшларни, айниқса, улар уюлмаган қисмининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўғараклар ва турли, жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиш ёшларга оид фаолиятни ташкил этишда ғоявий – услубий

жиҳатдан кўмак беради”[3] Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Меҳнатга жалб этилган аҳолининг асосий қисми ёшлардир. Келажакда бу кўрсаткичлар янада ортиб боради. Ёшларга хос бўлган ижтимоий хусусиятлар – уларнинг дунёқараши, билим доираси, мутахассислик даражаси, маънавияти, инсоний фазилатлари, жамиятнинг умумий даражаси ва тараққиётига ўз таъсирини ўтказиши, шубҳасиз. Маънавиятли халқнинг маданияти юксалган, истиқболи порлоқ бўлишига шакл шубҳа йўқ албатта. Бу жиҳатдан ўзбек халқи ўзининг бой мероси, миллий ва диний қадриятлари билан ҳар томонлама фахрланса арзийди. Мамлакатимизда маънавий ва жисмоний баркамол ёш авлодни тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, улар бугунги давр талаблари даражасида кенг қамровли эмаслиги ҳам сир эмас. Шунинг учун ҳам бу борадаги саъйи-ҳаракатларни янада кучайтириш зарур. Ўз даврида биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: -Ўзбекистон XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шундай экан, айти пайтда бу соҳада йўл қўйилган ҳар қандай сусткашлик, камчилик келажакка берилган зарбага тенг, дейиш мумкин. Бунинг устига XXI аср вабосига айланган терроризмнинг турли-туман кўринишлари хуруж қилиб турган бир пайтда огоҳлик ва ҳушёрлик, қатъиятлилик ва мардлик талаб этилади. Сўнгги йилларда ғоявий душманларимиз ўзларининг манфур ниятларини амалга ошириш учун энг замонавий телекоммуникация ютуқларидан, жумладан, интернет тармоғидан ҳам фойдаланишга ҳаракат қиляпти. Шу сабабли маънавиятимизда бўшлиқ ҳосил бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов – бундай бўшлиқ юзага келган тақдирда уни ёшларнинг илмга, касб-хунарга, соғлом турмуш тарзига, бунёдкорлик ишларига қизиқишлари билан ҳамоҳанг бўлган янгича ҳаёт мазмуни, янгича қадриятлар билан тўлдириш лозимлигини қайта-қайта уқтириб ўтган эдилар ўз даврида. Ёшларни турли қинғир йўлларга кириб кетишдан, номақбул оқимлар таъсирига тушиб қолишдан қандай ҳимоя қилиш мумкин? Болалик-инсон ҳаётининг ниҳоятда масъулиятли, гултожи даври. Ана шу паллада йигит-қизларнинг ҳар жиҳатдан гармонал ривожланиши кузатилади. Халқаро тил билан айтганда, уларнинг қатъий мақоми юзага келади. Бу фаслда уларнинг қалби ва онги фаол ривожланиб, дунёқараши шаклланади, унинг босқичлари - оила, боғча, маҳалла, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртида ривож топади. Бирок, минг афсуслар бўлсинки- инсон ҳаётининг айнан шу босқичида, баъзан турли салбий одатларга, хусусан ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик домига тушиб қолиш мумкинлиги ҳам аччиқ бўлса ҳақиқатдан йироқ эмас?! Хўш бундай ҳолатларда қандай чора-тадбирларни қўллаш мумкин. Энг аввало, таълим-тарбия асосларини пухта эгаллашлари, оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш, фалсафий-ҳуқуқий қарашлар, адабиёт ва санъат аҳли ҳамда ижодкор зиёлилар фаолиятини ёшлар тарбиясига янада кўпроқ йўналтириш лозим. Шу ўринда Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг “Буюк давлат, буюк келажакимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айти пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган инсонларни, келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак” [4] деган сўзларини эслаш кифоядир. Ҳозирги даврда юртимиз ёшлари-баркамол авлод сифатида қандай бўлиши керак? Ҳар бир ёш авлод аввало, чет тилини мукаммал билиши, компьютер билан тиллашиб, Интернетдан фойдалана олиши, миллий ва диний қадриятларга амал қилиши шарт. Ватан тарихи, оила ва маҳалла талабларини мукаммал билган йигит-қиз XXI аср талабига жавоб бера олади. Шу билан бирга у юрт қорига ярайдиган, доимо ҳушёр, зийрак, фаросатли, фасоҳатли инсон бўлиб етишига ишонамиз. Бундай ёшлар юртимиз тинчлигини, осойишталигини таъминлай оладиган инсонлар бўлиб,

истикболни белгилашади. Ватанимизнинг буюк келажagini куриш, олдимизда турган катта-катта муаммоларни ечиш, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш, ҳаётда миллий ва умумбашарий кадриятлар уйғунлиги тамойилига амал қилиб яшашдек муҳим вазифаларни ёшларимиз ўзининг муқаддас бурчи деб билаётгани, айниқса, эътиборга сазовордир. Баркамол ёшларни тарбиялашдек порлоқ ниятимиз учун бизда маънавий асос бор.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон фармони

2. Ш.Мирзиёев “Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси” –Т: 2020 й. 29 декабрь

3. А. Авлоний. Туркий Гулистон -ёхуд ахлоқ-Т.: Ўқитувчи. 2012 й.

2. И. Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2005 йил 29 январь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон фармони “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлари иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Тошкент шаҳри, 2017 йил 5 июль

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR –MA’NAVIYATIMIZ SARVARI

Qarshiyeva D.E.

Chirchiq OTQMBYU o`qituvchisi

Qarshiyeva G.E.

Chirchiq shahar 20-maktab o`qituvchisi

Madaniyatning, ilm-fan, me'morchilik va san'atning rivojlangan, taraqqiy etgan davri hisoblangan XV asr, Movorounnahr tarixida o'ziga xos yorqin va ahamiyatli iz qoldirdi. Mumtoz inson, tariximizning eng murakkab, eng jozibador, eng dramatik siymolaridan biri Zahiriddin Muhammad Bobur Mirzo ayni mana shu davrda yashab, ijod etdi. U qisqa umr ko'rdi – bor – yo'g'i qirq etti yil hayot kechirdi. Lekin shu suronli umri mobaynida u jahon tarixidan shavkatli o'rin olib ulgurdi. Hali murg'ak gudak ekan, ota bobolari uni suyub – erkalab, yaxshi niyatlar bilan zalvorli nom berib atadilar.

Aytish joizki, bu benazir siymo – Bobur Mirzo timsolida olmos iste'dodini sinab ko'rmagan insoniy faoliyat sohasi juda kam topiladi. Aslida, uning umr yo'li boshdan – oyoq taqdir imtihonlaridan iborat edi, desak yanglishmaymiz. U o'n ikki yoshida otadan etim qodi. Hali ayriliq alamlari, ko'z yoshlari tinmay turib, qismat uning boshiga toju -taxt, saltanat minnatini soldi. Shu tariqa taqdir kutilmaganda, uni bolalikning zavqli, suronli damlaridan benasib etdi. Shu yoshdan umri mudom ot ustida, jangu jadallarda, siyosat girdoblarida o'tdi. Garchand ma'rifatga tashna qalb ilmu ziyo sari talpinib tursa – da, taqdir unga na Buxorai sharif madrasalarida va na Bog'dod baytulhikmalarida tahsil ko'rmoqlikni nasib etdi. Ammo daho zakovati va ilohiy payg'omi bilan u olamning tengsiz adabiy va ilmiy mo'jizalarini yaratishga musharraf bo'ldi.

Qismat uni, bir tomondan, o'n to'qqiz yoshida tug'ilagan diyorini tark etishga, ikkinchi tomondan, yigirma besh yoshida Afg'oniston, Pokiston, Hindiston, Bangladesh kabi qator mamlakatlarning aksar qismini zabt etishga, shu bilan buyuk boburiylar saltanatiga asos solishga musharraf qildi. Demak, bir vaqtning o'zida, Vatandan ham, saltanatdan ham judolik yuz berdi. Uning mamlakatdorlik siyosati, harbiy ilmi asrlar davomida jahon hukmdorlari uchun ibrat maktabi bo'lib xizmat qildi. Shu sababli uning bu boradagi noyob tajribalari Yuliy Sezar, Bonapart

Napoleon, Amir Temur singari mumtoz davlat arboblarning nomlari bilan bir qatorga qo'yib o'rganiladi.

Bugun, biz, ajdodlarimiz haqida xorijda yaratilgan ilmiy-tarixiy va adabiy asarlari bilan bevosita tinishish imkoniga ega bo'ldik. Ular orasida birinchi Prezidentimiz Islom Karimov ta'kidlaganidek: "Buyuk ma'naviyat va sharqona odob-axloq timsoli" bo'lgan bobokolonimiz Zahiriddin Muhammad Bobur va u asos solgan sulola vakillari saltanati tarix oldida buyuk ahamiyat kasb etadi. Kimki o'zbek nomini, o'zbek millatining kuch qudratini, adolatparvarligini, cheksiz imkoniyatlarini, uning ummubashariyat rivojiga qo'shgan hissasini, shu asosda kelajaka ishonchini anglamoqchi bo'lsa, Zahiriddin Muhammad Bobur siymosini eslashi kerak. Mustaqil O'zbekistonning kuch qudrati, manbai – xalqimizning umuminsoniy qadriyatlarini sodiqligidair, - deb ta'kidlaydi. Umr bobida Bobur Mirzoni "qisgan" Parvardigori karim unga saxiy qalb, ulkan yurak, sehring qalamu keskir qilich ato etdi. Ayni inoyatlar uning hayot saxifalarini nurlantirdi, teran mohiyat va ma'no bag'ishladi. Bobur Mirzo shoir, adib, she'rshunos – adabiyotshunos, donishmand faqih, tilshunos, tabiatshunos, mantiq va riyoziyot ilmlaridan puxta xabardor jamoat arbobi sifatida o'zidan bebaho ma'naviy meros qoldirdi. Boshqa odamlarnikidan deyarli farq qilmaydigan mo'jazzgina ko'ksida she'rning yuragi va jur'atini ko'tarib o'tgan bu mukarram zot aql bovar qilmaydigan kashfiyotlar bilan yuzma – yuz yashab o'tdi, o'zidan sara ma'naviy xazina va nom qoldirish uchun ko'rashdi. U yaxshilik shaydosi edi. Oxirgi nafasigacha ezgulik yalovini baland tutdi.

Kechiruvchanlik Bobur Mirzoga ato etilgan noyob ne'matlardan edi. U o'ziga jabr o'tkazgan, hatto xoinlik qilgan, ammo vaqti kelib o'sha ro'yi – rost tanolib, afv etishni utingan musohiblarining gunohini kechib yuborgan. O'lmas "Boburnoma" va Gulbadanbegimning "Humoyunnoma"sidagi behisob lavhalar shunday qat'iy mulohaza uchun asos beradi. Bobur Mirzo, hatto, o'shanday nokas bandalarini rag'batlantirgan, ularga ba'zan katta lavozimlarni ishonib topshirgan. Uning tarix qavatlarida muhrlanib qolgan so'nngi nidoasi ham yaxshilik haqida edi. Zahiriddin Muhammad Bobur o'z davrining farzandi, murakkab davrdagi ijtimoiy- iqtisodiy sharoitlarning, ziddiyatlarning g'oyaviy mafkuraviy qarashlar hukmron bo'lgan zamonning mahsuli. Shuni alohida ta'kidlash lozimki, Zahiriddin Muhammad Bobur hurfikrli inson, ilog'or g'oyali ijodkor sifatida madaniyatning, ma'rifat va ma'naviyatning taraqqiyoti uchun, ezgu maqsadlarining tantanasi uchun kurashdi. Shu maqsadda umr bo'yi ibratli ishlarni amalga oshirdi, El ulusga naf, davlat – saltanatga foyda keltirdi.

Uning birdan bir maqsadi inqirozga yuz tutgan temuriylar davlatini parchalanib ketishidan saqlab qolish va mustahkamlash, markaziy Osiyoda markazlashgan yirik davlat barpo etish edi. Ushbu niyati yo'lida u o'zoq va shiddatli kurashlar olib bordi, ammo muhit bunga imkon bermadi. O'zaro jangu jadallar, omonsiz to'qnashuvlar tufayli, yuz bergan omadsizliklar, ketma-ket mag'lubiyatlar uning o'z ona diyoridan bosh olib ketishga sabab bo'ldi. Endi u janub sari yurish boshladi. Afg'oniston va Hindistonni egallab, katta imperiya vujudga keltirdi. Bu tarixdagi Yangi bir saltanat – boburiylar satanati edi. Ta'kidlash joizki, u asos solgan imperiya Afg'oniston va Hindistonning madaniyati, iqtisodiy – mafkuraviy hayotida, umuman bu mamlakatlarning tarixiy taraqqiyotida o'chmas iz qoldirdi. Bugina emas, Zahiriddin Muhammad Bobur har tomonlama etuk barkamol shaxs sifatida dunyo xalqlari ma'naviy olamida ham sezilarli iz qoldirgan siymolardan biridir.

Zahiriddin Muhammad Boburni, biz, haqli ravishda jahoniy siymo deymiz. Buning yana bir dalili shuki, bobokolonimizning hayotiy chog'laridayoq boy adabiy meroslari va serqirra faoliyatlarini teran tadqiq etish, atroflicha o'rganish uchun ko'plab mamlakatlarning atoqli olimlari ilmiy izlanishlar olib borganlar. Zahiriddin Muhammad Bobur o'zining favqulodda nodir iste'dodi,

beqiyos insoniy salohiyati bilan haqli ravishda jahon ahlining hayrat va ehtiromiga musharraf bo'ldi. Ayni fazilatlarini bilan u millatimizni, xalqimizni butun olamga tanitdi. Va shu bois u millatimizning, xalqimizning iftixor bayroqlaridan biriga aylandi. Dunyodagi ne-ne fozil insonlar uning haqida to hanz hayrat va e'tirofga to'la hikoyalar so'zlaydilar. Va, u tarixda kamdan kam uchraydigshan favqulodda hodisa deganlar. Erskin, Eduard Xalden kabi Yevropa olimlari Boburni tarixdagi o'sha vaqtlarga qadar bo'lgan lashkarboshi, diplomat, davlat arboblarning eng atoqlilaridan biri deb ataganlar. Ular Bobur tomonidan adabiyotga, fanga kiritilgan buyuk hissasini hayajon bilan qayd qiladilar. Boburning "Boburnoma"sini ingliz tiliga tarjima qilgan Erskin Bobur haqida shunday deydi: "Bobur xarakterining eng mislsiz belgisi uning boshqa mulkdorlarnikiga mos kelmasligidadir".[1-56]

Bobur taxtaga o'tirganiga qaramay oddiy turmushning eng yaxshi tuyg'ularini va ishtiyoqini o'zida saqlab qolgan. U bevafo taqdirning nayranglariga qaramay, ruhining tetikligi, podshohlar orasida kamdan-kam uchraydigshan saxiyligi, mardligi, talantliligi, fanga, san'atga muhabbati va ular bilan muvofaqqiyatli shug'ullanishi jihatidan olib qaralganda, "Osiyodagi podshohlar ichidan Boburga teng keladigan bironta ham podshoh topolmaymiz".[2-89]

Harbiy san'at jihatidan Boburni g'arblik sharqshunos olimlar Yuliy Sezar bilan taqqoslaydilar, hatto uni Yuliy Sezardan ham yuqori qo'yib, 19 asrgacha lashkarboshilik san'atining mo'jizasi deb hisoblaydilar. Boshqa bir olim Eduard Xolden shunday degan edi: "Bobur sof jentelmen va jangchi bo'lgan. U oliyjanobdlikda qanday xosiyatlar bor bo'lsa, ularning barchasini egallagan, uning manglayiga yuksak fazilat bitib qo'yilgan". Zero, Bobur Mirzoning o'zi: "Donishmandlar sharaflil bo'lishni ikkinchi hayot deb bilganlar", - degan edi.

Javoharlal Neru Bobur haqida o'zining "Hindistonning kashf etilishi" kitobida bahoni keltiradi: "Bobur dilbar shaxs, uyg'onish davrining tipik hukmdori, mard va tadbirkor odam bo'lgan. U san'atni adabiyotni sevardi, hayotdan huzur qilishni yaxshi ko'rardi".[3-45] Boburning fikr doirasi, nihoyatda keng xotirasi esa, "Boburnoma"da ko'zga tashlanishicha, g'oyatda kuchli, haqiqatdan ham kishini hayratda qoldiradigan darajada o'tkir bo'lgan. Uni nafaqat tabiat, balki, uning barcha siru sinoatlari, bemisil guzalliklari va ularning asl mohiyati, ayni chog'da, hayvonotlar dunyosi, yana muhimi, ularning o'ziga xos xususiyatlari, shuningdek, ijtimoiy – mafkuraviy hayot, harbiyat, demakki, olam – borliq, undagi jamiki katta – kichik masalalar, ularning manba va man'shalalari qiziqtirgan. Shu tariqa u hamisha yangilikka va kamolotga intilgan.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki Bobur Mirzo uning buyuk shoh va shoirlidagi tabiiy iste'dod, har tomonlama rivojlangan va qomusiy bilimlarni o'zida mujassamlashtirgan shaxsiyati, aql – zakovati, ochiq ko'ngiligi, nozik tabiatliligi bizni doimo hayratga solib keladi. Hech shubha yo'qki Bobur Mirzo va boshqa tarixiy shaxslarni boy merosidan davrimizning muhim vazifalarini bajarishda foydalanishimiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Boburnoma. "O'qituvchi" NMIU. 2008.
2. История Востока, Лекции Курс 3 1888-89 год.

YOSHLARDA LIDERLIK MAHORATINI SHAKLLANTIRISHDA “BOBUR SHAXSIDAGI LIDERLIK XUSUSIYATLARI”NI O‘RGANISHNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

Qodirov O.S.

SamDU dotsenti v/b, Psixologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Xukumova D.X.

SamDU magistranti

Shiddat bilan rivojlanib borayotgan bir davrda hayot, xususan ta’lim-tarbiya jarayoni oldiga qo‘yiladigan talablarning tobora oshib borishi rahbarlar, talabalar va ta’lim tarbiya beruvchilar faoliyatini samarali tashkil etish, aniq maqsad qo‘yib unga erishish yo‘lini to‘g‘ri belgilagan holda guruh a‘zolarini o‘z ortidan ergashtirib borish, bosqaruv stilini to‘g‘ri tanlash menejment ilmi qatorida liderlik mahoratiga ega bo‘lishni talab qiladi.

Psixologiya fanida shaxs kamolotini belgilovchi mahoratlar qatorida liderlik xususiyati o‘zining alohida o‘rniga ega. Psixologik manbalarda keltirilishicha, liderlik quyidagi fazilatlar asosida namoyon bo‘ladi:

- 1) O‘ziga ishonch;
- 2) Qat’iyatli, lekin mehribon bo‘lish;
- 3) Mutaxassis bo‘lish;
- 4) Notiqlik;
- 5) O‘z izdoshlariga g‘amxo‘rlik qilish;
- 6) Hal qiluvchi bo‘lish;
- 7) Boshqalarni o‘ziga ishontira olish;
- 8) Dushmaniga ham samimiy munosabatda bo‘la olish;
- 9) Hammaga birdek bag‘rikeng bo‘la olish.

Har bir buyuk tarixiy voqealar asosida shaxs liderlik xusuiyatining namoyon bo‘lishi yotadi, ya’ni tamaddunning yuzaga kelishi ham bevosita, ham bilvosita muayyan shaxsga, uning liderlik qobiliyatiga bog‘liq. Shonli tariximizda bunday qobiliyatga ega bo‘lgan ajdodlarimiz juda ko‘plab topiladi. Shulardan biri temuriylar xonadoniga mansub bo‘lib, Hindistonda boburiylar sulolasiga asos solgan Zahiriddin Muhammad Bobur sanaladi.

Zahiriddin Muhammad Bobur 1483-yil 14-fevralda (hijriy 888-yil muharram oyining 2-kuni) Farg‘ona viloyatini idora qilayotgan temuriy hukmdor Umarshayx Mirzo xonadonida dunyoga keldi. Ma’lumotlarga ko‘ra, Zahiriddin Muhammad ismini yosh shahzoda uchun o‘sha davrdagi Movarounnahrning atoqli ulamolaridan bo‘lgan Xoja Nosiriddin Ubaydulloh Ahror Valiy tanlagan. Keyinchalik chig‘atoylar arabcha «Zahiriddin» so‘zini talaffuz etishga qiynalganliklari bois otanasi uni Bobur deb ataydigan bo‘lib qolishgan. Shunday qilib, rasmiy hujjatlarda ulug‘ shoir, adib va hukmdor nomi Zahiriddin Muhammad Bobur tarzida qo‘llana boshlangan (Erskin U.Bobur Hindistonda. Toshkent, 1995, 8-9-betlar). Umarshayx Mirzo Sulton Sohibqiron Amir Temurga to‘rtinchi avlod-evara sanaladi. Uning shajarasi: Umarshayx Mirzo-Abusaid Mirzo-Mironshoh Mirzo-Sohibqiron Amir Temur. Boburning onasi Qutlug‘ Nigorxonim o‘zbeklashgan mo‘g‘ul turklariga mansub bo‘lgan Toshkent hokimi Yunusxonning qizidir.

Zahiriddin Muhammad Bobur tarixda shoh, shoir, sarkarda, davlat arbobi sifatida iz qoldirgan. Unda liderlik xususiyatlari qay darajada ekanligini ko‘rib chiqamiz.

Boburning haqiqiy lider ekanligini uning maslakdoshlari, askarlari bilan Hindikush tog‘ini oshib o‘tishdagi qiyinchiliklardagi harakatlarida ham ko‘rishimiz mumkin.

Atoqli yozuvchi P.Qodirov o'zining "Yulduzli tunlar" romanida "Boburnoma"dagi ma'lumotlarga tayangan holda buni shunday tasvirlaydi: Bobur shaxsiyatidagi olijanoblik fazilatini asardagi to'qima obraz – Boburni o'z otasi va akasining o'limiga sababchi deb o'ylagan Sulton timsoli orqali ishonarli tasvirlaydi. Sulton Bobur va uning askarlarini Hindikush tog'ining eng xavfli hududidan olib o'tishga, qulay paytni topib, uni mahv etishga qaror qiladi, u shu yo'l bilan Boburdan qasos olmoqchi edi. Ishboshi bo'lib turgan Sulton har zamonda Bobur tomonga ko'z tashlab qo'yardi. «Qor qamalida qolayotgan bu temuriyzoda endi ne qilarkin?» deb uni zimdan kuzatardi. Sulton Boburning sovuqotib asabiylashishini, yo'l juda sekinlab qolganidan tajang bo'lishini, odamlariga baqirib-so'kinib ish buyurishini, aytganini qilmaganlar bo'lsa qamchi bilan savalashini kutmoqda edi. Otasi va akasini o'limga buyurgan hukmdorlar qiyofasida Sulton ana shunaqa zolimlarni ko'rgan, bugun esa ulardan birining talvasaga tushishiga guvoh bo'lib, bir alamdan chiqqisi kelar edi.⁹⁵ Lekin Bobur xotirjamligini yo'qotmagan holda qorni tepib yo'lni ochishga askarlariga yordam beradi. Boburning indamay ko'p qatori ishga tushib ketgani orqadagilarga zug'um qilib buyruq bergandan ko'ra kuchliroq ta'sir qildi. Yigitlardan yigirma-o'ttiztasi apil-tapil otlaridan tushib, Bobur tomonga shoshildilar⁹⁶ Qor bo'roni ostida diydirdab turgan askarlariga dalda bo'ladi. Shu sovuqda tahorat olib, qorga joynamoz tushab, namoz o'qiydi va Allohdan o'zi va navkarlari salomat tog'ni oshib o'tishligini so'raydi:

– Qosimbek o'ltirgan kamarga siz nechun kirmaysiz? Axir shohlar doim to'rda o'ltirishi kerak-ku!

– Hayot-mamot oldida shohu gado barobar, janob Sulton. Qosimbek keksa odam, menga otadek aziz. Men tashqarida qolgan bu yigitlarim bilan hayotning barcha achchiq-chuchuklarini birga tatib kelmoqdamen. Qancha xavfu xatarlarni birga boshdan kechirganmiz. Bugun ham biz o'lim bilan yuzma-yuz turibmiz. Shunday paytda men eng qadrdon odamlarimni tashqaridagi xatar ichiga tashlab, o'zim qaysi yuz bilan ichkarida jon saqlagaymen?

– Hazrat, men sizni faqat podshoh deb o'ylagan edim. Lekin sizda darvishlik ham bor ekan.⁹⁷

Boburning izdoshlariga g'amxo'r, haqiqiy yetakchi ekanligiga guvoh bo'lgan Sulton uni o'ldirish fikridan qaytib, ularga katta g'orni topib beradi va Hindikush tog'idan salomat o'tib olishlariga yordam beradi.

Bu voqea orqali biz Boburdagi liderlarga xos bo'lgan g'amxo'rlik, bag'rikenglik, olijanoblik fazilatlarini ko'rishimiz mumkin.

Dushmanga ham samimiy munosabatda bo'la olish fazilatini Boburning Ibrohim Lodining onasi Malika Baydaga nisbatan zaharlanishidan oldingi va keyingi munosabatida ko'rishimiz mumkin. Bobur Malika Baydaga o'z onasiga bo'lgandek munosabatda bo'ladi. Zaharlanganidan so'ng ham uni kechirib, tirik qoldiradi. Zero, u davrda shohlar joniga qasd qilgan kishilar tirik qoldirilmasdi. Bunda Boburning lider sifatida adolati, bag'rikengligi, dushmanga bo'lgan samimiyati ko'zga tashlanadi.

Boburning mulozimlaridan biri Xo'ja Kalonbek Hindiston issig'iga chiday olmasdan, u yerdan ketishga harakat qiladi. Boburdan G'aznaga ketish ijozatini olgan Xo'ja Kalonbek o'zi yashagan uyining devoriga:

Agar bayxayri salomat guzar zi Sind kunam,
Siyoro'y shavam, gar havoyi Hind kunam⁹⁸,

⁹⁵ Yulduzli tunlar (roman). Pirimqul Qodirov www.ziyouz.com kutubxonasi 192

⁹⁶ Yulduzli tunlar (roman). Pirimqul Qodirov www.ziyouz.com kutubxonasi, 192

⁹⁷ Ko'rsatilgan asar, www.ziyouz.com kutubxonasi, 194

⁹⁸ Zahriddin Muhammad Bobur, "Boburnoma". Toshkent, 1989, 271-bet.

ya'ni agar sog'-salomat Sinddan o'tib ketsam, Hindistonni yana havas qilsam, yuzim qaro bo'lsin, deb yozadi.

Buni eshitgan Bobur darhol:

Yuz shukr de Boburki, karimu g'affor

Berdi senga Sindu Hindu mulki bisyor.

Issiqlig'iga gar senda yo'qdur toqat.

Sovuq yuzin ko'ray desang G'azni bor⁹⁹, –

degan satrlarini bitadi. Bunda biz Boburning hozirjavobligini ko'ramiz.

Boburning ruboiylarida ham uning liderlik qobiliyatiga xos xususiyatlar aks etgan.

Chunonchi:

Ko'ngli tilagan murodig'a yetsa kishi,

Yo barcha murodlarni tark etsa kishi.

Bu ikki ish muyassar bo'lmasa olamda

Boshni olib bir sorig'a ketsa kishi.

Ushbu ruboiy yozilgan paytdagi Boburning ruhiy holatini ko'z oldimizga keltiraylik. U 19-20 yoshlarda, g'ayrati dunyolarga sig'mayotgan yigitlik payti. Shu yoshida Bobur Samarqandni ikki marta olib, ikki marta ham tashlab chiqib ketishga majbur bo'ldi. Andijon xiyonatchilar qo'liga o'tgan, o'zi esa bir qancha maslakdoshlari bilan 2-3 yil tog'-u toshlarda sarson-sargardon. Hamma yaxshi narsadan umidi so'nib borayotgan, hammasi joniga tekkan, umidsiz holga tushgan... Yuqoridagi satrlarni qog'ozga tushirib, to tirik ekan, dilidagi ezgu niyati – bobosi Sohibqiron Temur davlatini qayta tiklash yo'lidan borishga qat'iy qaror qiladi. Bu qat'iy qaror uning taqdiriga tub burilish yasaydi, ya'ni Kobul va G'aznaga borib, u yerlarni jangsiz egallaydi. O'rni kelganda to'g'ri qaror qilish ham haqiqiy yetakchining fazilatidir.

Xulosa qilib aytish mumkinki, atoqli hind faylasufi Javoharla'l Neru tomonidan “dilbar shaxs” deb ulug'langan Bobur o'z faoliyati bilan mayda-mayda davlatchalardan iborat bo'lgan ko'hna Hindistonni bir bayroq ostida yaxlit bir mamlakat sifatida birlashtirdi. Bir mamlakatni bosib olib, o'sha mamlakat xalqlari qalbidan chuqur joy olish har qanday fotihning qo'lidan kelavermaydi. Albatta, bu ishlarning barchasi Bobur shaxsiyatidagi liderlik qobiliyatining mahsuli sifatida yuzaga kelgan, deb hisoblashga to'la haqlimiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Abdug'afurov A. Bobur she'riyati. Bobur. Devon. –T.: Fan, 1994, 3-14 –betlar.
2. Adizova I. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. (XVI-XIXasr I yarmi) -Toshkent, Fan, 2006. - 240 b.
3. Zahiriddin Muhammad Bobur, “Boburnoma”. Toshkent, 1989, 271-bet.
4. U.Erskin. Bobur Hindistonda.Toshkent. Cho'lpon nashriyoti.1995-yil. 6-bet.
5. Valixo'jaev B., Tohirov Q. O'zbek adabiyoti tarixi. XVI asr. – Sam.: SamDU nashri, 2002.
6. Vohidov R., Eshonqulov H. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. -Toshkent: Yangi asr, 2006.
7. Yulduzli tunlar (roman). Pirimqul Qodirov www.ziyouz.com kutubxonasi 192;

⁹⁹ Ko'rsatilgan asar, 272-bet.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ БУНЁДКОРЛИК ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ - ИБРАТ ВА ТАРБИЯ МАНБАИ

Қурбонова Д.Ш.

Бухоро вилоят ХТХҚТ ва УМО ҳудудий маркази катта ўқитувчиси

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Бобур кенг дунёқарашли ва мукамал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеърлятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, «Мубаййин» («Баён этилган»), «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши», Аруз ҳақидаги рисолалари эса ислом қонуншунослиги, шеърлят ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Бобур таҳаллуси, тўлиқ исми Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо — ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, буюк шоир, тарихчи, географ, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, бобурийлар сулоласи асосчиси, теурий шахзода.

«...У турли фазилатлар билан безанган ва мақтовли хислатларга эга бўлган бир подшоҳ эди. Ушбу барча фазилатларидан шижоат ва муруввати устун турарди. Туркий шеърли Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур ёзган даражада ёзган эмас». Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. «Тарихи Рашидий»дан.

«Бобур дилбар шахс эди. Уйғониш даврининг ажойиб султони, кучли, тадбиркор киши бўлиб, санъатни, адабиётни, гўзалликни севарди». Жавоҳарлаъл Неру. «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобидан.

«Бобур феъли-сажиясига кўра Цезарга қараганда севишга арзигуликдир. Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб кўйилган». Эдуард Холден, инглиз тарихчиси.

«Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди». Уильям Эрскин, «Бобурнома» таржимони.

Ҳар бир инсон ўзлигини англашга, ажодлари ҳақида кўпроқ билишга, улар ҳаётини ўрганишга интилади. Бу борада эса тарихий асарлар беқиёс аҳамиятга эга. Кўплаб буюк бобоқалонларимиз асарлари сингари Бобур ижодида ҳам ёшларимиз учун иборатомуз жиҳатлар кўп. Унинг Ватанни севиш, ота-онага ҳурмат, дўстга садоқат кўрсатиш хусусидаги фикрлари кишига юксак маънавий сабоқ беради. Ўзбек классик адабиётининг улкан намоёндаларидан бири, ўзбек адабий тили ва адабиётининг ривожига бебаҳо ҳисса қўшган истеъдодли олим ва ўта зиёли инсон, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур мураккаб ижтимоий-тарихий даврда яшаб ижод қилган. Бобур Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Миллий истиқлол туфайли моддий ва маънавий қадриятлар ардоқланиб, маданий меросга янгича муносабат шаклланди. Бу муносабат миллат тарихига дахлдор бўлган улуғ аллома ва ижодкорлар меросини ўрганиш ва қайта нигоҳдан ўтказишга имконият яратди. Ҳар бир халқнинг тарихий, маданий-миллий қиёфасини аниқ белгиловчи улуғ шоҳлари, буюк олимлари, йирик адиб ва шоирлари бўлади. Инсониятнинг абадиятга мансуб ана шундай буюк фарзандлари сафида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўз

ўрнига эга. Кишилиқ тарихида Бобурчалиқ шахсий имкон, иқтидор ва фазилатлари бекиёс кишилар жуда кам учрайди. Бобур - буюқ подшоҳ, мумтоз шоир, назариётчи адабиётшунос, фақиҳ, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони сифатида кўп қиррали фаолият ва ижод соҳиби эди. У қисқа умр кўрган бўлсада, сержило шеърларидан ташқари, жаҳонга машҳур “Бобурнома”, “Мубаййин”, “Ҳарб иши”, “Хатти Бобурий”, “Аруз рисоласи” каби асарлар яратиб, келажак авлодлар учун катта мерос қолдирди. Биргина “Бобурнома”да 30 яқин фан соҳалари бўйича аниқ илмий маълумотлар жамлангани фикримиз далилидир. Унда муаллифнинг ҳаёти, дунёқараши, яшаш тарзи ҳам чиройли далил ва бўёқларда берилган. Шоҳ ва шоирнинг кузатувчанлиги, атрофдаги барча ўзгаришлар, табиатнинг нодир воқеалари, жумбоқ ва мўъжизаларини ўрганмагунга қадар изланавергани кишини ҳайратга солади. Ана шу кейинги хусусият шоирнинг ватанпарварлик туйғуларига жон бағишлайди. У она шахри, Ватани соғинчларини шеърда ифодалар экан, Ҳиндистон шаҳаншоҳи беихтиёр ўзининг андижонлик ғариблигига кишининг эътиборини тортади. Шоирона юртсеварлик, ватанфидойилиқ Бобур шахсида шунчалиқ тантана қиладики, буюқ император Бобур энди Андижондан йироқликни, гарчи бу мартаба Ҳиндистон тахти бўлса ҳам, қисматдаги юз қаролиғ, деб ҳисоблайди.

Бобур ўзбек адабиётида ўзининг нозик лирик асарлари билан ҳам машҳурдир. Унинг ҳаёти ва адабий фаолияти Мовароуннаҳрда сиёсий ҳаёт ниҳоят мураккаблашган феодализм гуруҳларнинг бошбошдоқлик ҳаракатлари авжига чиққан ва Темурийлар давлатининг инқирози давом этаётган бир даврга тўғри келган эди. Бундай мураккаблиқлар инъикосини «Бобурнома»да кўрган бўлсак, шоир руҳиятида қандай акс этгани эса, унинг шеърларида намоён бўлади. Мовароуннаҳрни бирлаштиришга уринишлари натижа бермагач, Бобур руҳан қийиналган, амалдорларнинг хиёнатлари таъсирида умидсизликка тушган кезлардаги кайфияти шеърларида акс этган. Кейинчалиқ ўз юртини тарқ этиб, Афғонистон ва Ҳиндистонга юз тутганда Бобур шеърлятида Ватан туйғуси, соғинчи, унга қайтиш умиди мавж ура бошлади.

Толеъ йўқки жонимға балолиғ бўлди,
 Ҳар ишниким, айладим хатолиғ бўлди,
 Ўз ерин кўйиб Ҳинд сори юландим,
 Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Бобур ўз лирик шеърларида ҳар доим одамларни яхшилиқка, адолат, инсонпарварликка, юксак инсоний туйғуларни қадрлашга чақирди:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
 Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
 Яхши киши кўрмағай ёмонлиғ ҳаргиз,
 Ҳар кимки ямон бўлса, жазо топқусидур.

Бобур фарзандларининг диёнатли, илм-фазилатли бўлиб ўсиши учун уларга китоб танлаб юбориш, уларнинг ўрганиши учун китоблар ёзишни оталиқ ва подшоҳлик бурчи деб ҳисоблаган, уларни ўқиш-ўрганишга тарғиб қилиб, имло ва иншо хатоларини тўғрилаб бехато, содда, равон ва бетакаллуф ёзишга чорлаган. Албатта, Бобурнинг бундай саъй-ҳаракатлари зое кетмади. Унинг тўртала ўғли, қизи, набиралари ва уларнинг фарзандлари илму санъат, шеър адабиётда ном қозондилар. Кўрагонийлар ё бобурийлар сулоласидан кўп соҳибдевон шоирлар, тарихчилар, фақиҳлар, диний ва дунёвий олимларнинг исмини тазкиралардан келтириш мумкин. Уларнинг ҳаммасини тилга олиб ўтиш ё улар ҳақида бир-икки оғиз сўз айтиш анча вақт талаб қилади. Бу ҳақда хаттоки китоблар ёзиш ҳам мумкин.

Биз бу ўринда Бобурнинг фақат шоир ва тарихчи фарзандлари ҳақида сўз юритиб, улар асарларидан бир-икки мисол келтириб ўтамыз.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Бобурнинг шахсияти ранг-баранглиги туфайли унинг асарини астойдил ва чуқур ўрганиш керак. Тарихимизда энг йирик таъсир Бобур ва Бобурийлардан қолган. Бобурни тилга олар экансиз, унинг шахсияти шу қадар жозибадор, унинг ўзи ўз амаллари ва саъй-ҳаракатлари борасида шу қадар очик сўзлаганини эътиборсиз қолдиришмайсиз. “Бобурнома”ни ўрганиш, таъбир жоиз бўлса, руҳни жуда тетиклаштиради.

Адабиётлар

1. Воҳидов Р., Биз билган ва билмаган Бобур, Тошкент, 2000.
2. Сотимов Ғ., Бобурийзодалар, Тошкент, 2003
3. Бобурнома (табдил), Тошкент, 2008.

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА БОБУР ИЛМИЙ - МАЪНАВИЙ МЕРОСИНING МИЛЛИЙ ВА ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТИ

Қурбонова П.

Давлат Божхона Қўмитаси Божхона институти курсанти

Аждодларимизнинг дунёқарашини, уларнинг тафаккур услуби ва ахлоқий идеаллари, давлатчилик ғояларини ўрганиш, ўтмиш маданиятимизнинг ўзига хос хусусиятларини билиш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Жаҳонда илм ва фаннинг юксалиши, юқори имкониятларга эга бўлган технологик тараққиётнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Юқори технологик тараққиёт нафақат инсонлар ҳаётини енгиллаштирди, шунингдек, дунё миқёсида турли кўринишдаги глобал муаммоларни ҳам вужудга келтирди. Глобал муаммолар турли кўринишда, хусусан экологик, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, мафкуравий соҳаларда айниқса кўпроқ намоён бўлмоқда. Мазкур муаммолар қаторига бутун дунёда тобора оммалашиб бораётган Космополитизм муаммосини ҳам киритиш мумкин.

Космополитизм (юн.kosmopolites — космополит, жаҳон фуқароси) — «жаҳон фуқаролиги» деб аталган ғояни тарғиб қилувчи мафкура¹⁰⁰. Космополитизм миллий [анъана](#) ва маданиятдан, ватанпарварликдан воз кечишга — беватанликка даъват этади.

Глобаллашув жараёнларининг тезлашуви оқибатида юқорида санаб ўтилган турли глобал муаммолар қатори Космополитизм муаммоси айрим бошқа халқлар сингари бизнинг Ўзбек миллати ёшларига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Кузатишлар, сўровнамалар натижасида гувоҳи бўлишимиз мумкинки, бугунги аксарият ёшларимиз ўзларининг ёрқин келажagini ривожланган Ғарб давлатларида ёки Америка қитасида кўришади. Бунга асосий сабаб сифатида ушбу давлатларда инсон эркинликларининг кафолатланганлиги, юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги, энг асосийсиси ижтимоий таъминотнинг юқори даражада таъминланганлигани рўқач қилишади. Энг ачинарли ҳолат, замонамизнинг энг билимли ёшлари ҳам космополитизм таъсирига тушиб яхши ҳаёт учун ватанпарварлик тушунчасидан воз кечиб ўз юрти, киндик қони тўкилган ватанини ташлаб бошқа юртларга кетмоқда.

¹⁰⁰ Қиёмиддин Назаров. Фалсафа қомусий луғат “Шарқ” нашриёт-матбааакциядорлик компанияси Бош таҳририяти. – Тошкент 2004 й, 207 бет

Хўш, шундай муаммолар мавжуд экан, ўсиб келаётган ёшларда қандай ватанпарварлик туйғусини ошириш мумкин? Маълумки, инсоннинг энг асосий хусусияти, унинг бошқа турларда мавжуд бўлмаган онги ҳисобланади. Мавжуд муаммоларни ҳат қилиш учун, биз Ўзбекистон ёшлари онгли мушоҳада юритишимиз керак. Яъни инсон эркинликларини кафолатлаш, юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш, ижтимоий таъминотнинг юқори даражасига эришиш учун интеллектуал билимларимизни янада такомиллаштиришимиз керак деб ўйлайман. Шунингдек, халқимиз бой илмий-миллий маънавий меросига эга бўлган халқдир. Ўзининг бой тарихи, узоқ ўтмиши, илмий ва маънавий мероси, ватанпарвар халқ қахрамонлари билан бутун дунёга машхурдир. Шундай ватанпарвар қахрамонлар сиймосини ўсиб келаётган ёшлар онгига сингдириш уларни идеал сифатида ёшлар онгида говдалантириш, мавжуд муаммоларнинг барҳам топишига хизмат қилади. Мана шундай халқнинг ватанпарвар қахрамон ўғлонларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобирдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобир атоқли давлат арбоби, кўркув билмас саркарда, шу билан бирга, истедодли шоир, донишманд тарихчи, заковатли олим ва таржимон бўлган.

Бобир жуда мураккаб ҳаёт, кураш ва ижодий фаолият йўлини кечиб ўтди. У ирқирозга юз тутган темурийлар давлатини сақлаб қолиш ва мустақкамлаш, Ўрта Осиёда марказлашган йирик давлат вужудга келтириш учун узоқ ва қаттиқ кураш олиб борган. Бироқ тарихий шароит бунга имкон бермаган.

Бобирнинг фаолияти ҳамда илмий меъросини ўрганганимизда унинг ҳаёти жангу жадалларда ўтсада у ёзган “Бобирнома” асари ва лирикаси орқали болалик чоғларидаёқ форс ва араб тилларини мукаммал билганлиги, тарих, адабиёт ва тилшуносликни мукаммал ўрганган ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган Лашкарбоши бўлганлигини билишимиз мумкин.

Бобирнинг “Бобирнома” асари ва кўпгина шеърларида ўз она тилига бўлган муҳаббатини қуйидагича камтарлик билан алоҳида қайд этилади.

Эрурман турк ошиқ, кош билсам форсий қони.

Десам ҳолимни билса, форсийдан дилбарим они,-

Заҳириддин Муҳаммад Бобир илм-маърифатни кадрлаган ва унга ҳомийлик қилган. Илм ўз-ўзидан бунёд бўлмайди, киши фақат ҳавас ва иштиёқ билангина илмга эга бўла олади, дейди:

Ким ёр анга илм толиби илм керак,

Ўргангали илм толиби илм керак.

Мен толиби илму толиби илм йўқ,

Мен бормен илм, толиби илм керак.

Бобир Афғонистон ва Ҳиндистонни эгаллаб, катта марказлашган империя тузсада, умрининг охирига қадар туғулиб ўсган юридан кўнглини уза олмади. Давлат ва салтанат, бойлик ва ҳашамат Бобир қалбидаги ватан иштиёқини енгаолмади. Бобир юртини қолдириб чет элга кетишини бир “хатолик”, “юз қаролик” деб билади.

Толеъ йўқки, жонимға балолиғ бўлди,

Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.

Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,

Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида хулоса қиладиган бўлсак, шу юртнинг бир ватанпарвар ўғлони сифатидаги Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг ижоди ва ҳаёт йўли, биз ёшлар учун наъмуна бўла олади. Айтишимиз мумкинки, ижтимоий таъминотнинг юқори даражасига эришиш орқали инсон бахли бўла олмас экан. Бунга ёрқин мисол сифатида

Бобирнинг ҳаётини кўрсата олишимиз мумкин. Бобир ҳаётининг охириги вақтлари бир империянинг подшоҳи сифатида барча ижтимоий таъминотнинг юқори даражаси билан таъминланган эди. Лекин, шунга қарамай у ўзини, ёр-диёридан жудо бўлган бир ғариб мусофир киши деб ҳис қилди. Унинг ҳаёт йўли ўз юртида оғирроқ меҳнат қилишдан қочиб бахтини ўзга юртларда кўраётган, ўзга юртга ошиқаётган ёшларга сабоқ бўла олади. Шундай ёшларга, Космополитизм муаммосининг мазмун-моҳиятини ёрқин наъмоён қилади. Биз ёшлар Захириддин Муҳаммад Бобирнинг ўз бошидан кечирган саргузаштлари асосида ёзиб қолдирган маънавий меъросидан хулоса чиқаришимиз керак.

YOSHLARNI TARBIYALASHDA BOBURNING ILMIY VA MA'NAVIY ME'ROSI

Rasulov N.F.

Chirchiq oliy tank qo'mondalik muhandislik bilim yurti o'qituvchi

Rasulova M.F.

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti magistranti

“Zahiriddin Muhammad Bobur nomi bilan har qancha faxrlansak arziydi. O'zbek xalqining dovrug'uni dunyoga taratgan ulug' ajdodlarimizdan biri o'laroq, ul zot bizning tariximizni qadrlashga, kelajakka buyuk ishonch bilan qarashga o'rgatadi” degan edi birinchi prezidentimiz I.A.Karimov.

Milliy istiqloq tufayli moddiy va ma'naviy qadriyatlar ardoqlanib, madaniy merosga yangicha munosabat shakllandi. Bu munosabat millat tarixiga daxldor bo'lgan ulug' allomalarimiz merosini o'rganish va qayta nigohdan o'tkazishga imkoniyat yaratildi. Har bir inson o'zligini anglashga, ajdodlari haqida ko'proq bilishga, ular hayotini o'rganishga intiladi. Bu borada esa tarixiy asarlar beqiyos ahamiyatga ega. Istiqloq tufayli tariximizni haqqoniy o'rganish imkoniga ega bo'ldik. Ko'plab buyuk bobokalonlarimiz asarlari singari Bobur ijodida ham yoshlarimiz uchun ibratomuz jihatlari ko'p. Uning Vatanni sevish, ota-onaga hurmat, do'stga sadoqat ko'rsatish xususidagi fikrlari kishiga yuksak ma'naviy saboq beradi [2].

O'zbek klassik adabiyotining ulkan nomoyondalaridan biri, o'zbek adabiy tili va adabiyotining rivojiga bebaxo hissa qo'shgan iste'dodli olim, mashhur davlat arbobi Zaxiriddin Muhammad Bobur murakkab ijtimoiy davrda yashib ijod qilgan.

Markazlashgan davlat va boburiylar saltanati asoschisi Zahiriddin Muhammad Bobur Andijonda tug'ulgan Amir Temurning beshinchi avlodi, Farg'ona hukumdori Umarshayxning farzandi. Bobur 12 yoshda (1494) taxtga chiqdi. 1503-1504 yillarda Afg'onistonni egalladi. 1519-1525yillarda Hindistonga 5 marta yurush qildi. Uch asrdan ortiq davom etgan (1526-1858) boburiylar saltanatiga asos soldi. Agra (1530 y 26 dekabr)da vafot etdi. Qabri keyinchalik vasiyatiga ko'ra Qobulga ko'chirilgan.

Bobur nomida xalqaro ilmiy ekspiditsiya mavjud bo'lib, uning a'zolari Bobur qadamjolari bo'ylab 5 marta safar uyishtirdilar. Ekspiditsiya materiallari asosida “Bobur va uning jahon svilizatsiyasida tutgan o'rni” memorial muzeyi tashkil qilinib, uning jamg'armasida Bobur nomi bilan bog'liq 500 yuzdan ortiq kitob va manbalar bor. Andijonda Bog'i Bobur tashkil qilinib, buyuk shoirning hoki keltirilgan ramziy qabr bor. Ark ichi memorial kompleksi Bobur yashagan davr haqida ma'lumot beradi.

Boburning ulug' asari “Boburnoma” bo'lib, uni “Vaqoe” deb ham nomlaydilar. Buyuk memorial asarda 1494-1529 yillari Markaziy va Kichik Osiyoda, Yaqin va O'rta sharq mamlakatlarida kechgan voqealar bayon etilgan. “Boburnoma” ning o'ndan ortiq qo'lyozma

nusxalari bor. Asarni Qozonda N.I.Ilminskiy(1857), Londonda Beverij xonim nashr (1905) etgan . O‘zbekistonda dastlab professor Fitrat 1928 yilda asrdan parchalar e‘lon qilindi. “Boburnoma” ning 1948-1949 yillarda ikki jildi; 1960 , 1989 yillarda tuzatilgan, 2002 yilda to‘ldirilgan qayta nashri amalga oshirildi.

Asar asosan uch qismdan iborat bo‘lib, uning birinchi qismi – XV asrning ikkinchi yarmida Markaziy Osiyoda ro‘y bergan voqealarni;

Ikkinchi qismi – XV asrning oxiri va XVI asrning birinchi yarmida Qobul ulusi, ya’ni Afg‘onistonda ro‘y bergan voqealarni; uchinchi qismi – XVI asrning birinchi choragidagi Shimoliy Hindiston xalqlari tarixiga bag‘ishlangan.

“Boburnoma” ni Abdurahim xonon (1586) fors tiliga, Vitsen (1705) golland tiliga , J Leyden (1826) va V Erskin Ingiliz tiliga , Pavel de Kuteyel (1871) fransuz tiliga , Rashid Rahmati Arat (1940) turkchaga , Mixall Sale (1943) rus tilga tarjima qilganlar 1826-1985 yillar davomida “Boburnoma” 4 marta ingiliz, 3marta fransuz , 1marta nemis tiliga o‘g‘irilgan.

“Boburnoma” ensklopedik asar. Uning orginalligi shundaki asarda muallif asosan o‘zi ko‘rgan-kechirgan bilgan narsalarni yozadi. “Boburnoma”dan siyosatchilar, etnograflar, aholishunoslar, geobataniklar, zoografiklar, iqlimshunoslar, o‘zlari uchun kerakli bo‘lgan juda ko‘p faktik materialni ajratib olishlari mumkin. U tom ma‘noda aholi geografyasiga va uni ajralmas qismi bo‘lgan shaharshunoslikka bag‘ishlangan asar hamdir.

Asarda rahbar shaxsi va faoliyati, u yurt boshlig‘i bo‘ladimi, oddiy bek yoki yuqori bo‘g‘indagi mansabdormi, uning xarakterini umumlashma tarzda bayon etmasdan, har bir detalga e‘tiborini qaratadi, mantiqiy, mushohada orqali shaxsning eng muhim, xarakterli xususiyatlarini ochib beradi. Boburning bu uslubi baholanayotgan shaxs haqida tasavvur hosil qilish va u xususida xulosaga kelishi, sodir bo‘layotgan voqea-hodisalarga aniq baxo berishida kitobxonga juda qo‘l keladi. Bunda xarakterlanuvchi shaxsning tabiati, jumladan eng asosiy mezon sifatida axloqi, harbiy qobiliyati, qo‘l ostidagilarga munosabati, saxiyligi yoki ochko‘zligi, islom aqidalariga munosabati va unga amal qilishi, savodi, ilm, she‘riyatga ixlosi, ko‘ngilochar ishlarga munosabatiga alohida e‘tibor qaratiladi, shaxsga baxo berishda davlat boshqaruvi bilan bog‘liq strategik masalalarni hal qila olishi yoki bunga uquvsizligi, harbiy mahorati, ayniqsa jangu jadallardagi sarkardalik salohiyati, mohir jangchi sifatidagi fazilatlarini, saltanat ishlarini yechishda maslahat va kengash tamoyillariga nechog‘li amal qilishi, bunyodkorlik ishlaridagi ko‘lami singari muhim nuqtalar “Boburnoma”ning asosi hisoblanadi. [3]

Xulosa: Movarounnahr tarixida chuqur iz qoldirgan, Afg‘oniston va Hindiston tarixida esa asrlarga tatigulik ulkan burilish yasagan davlat arbobi, buyuk sarkarda Zaxiriddin Muhammad Boburning hayoti va u qoldirgan noyob asarlari, mustaqil O‘zbekistonning ma’naviy merosini yuksalishiga, yoshlarni ona vatanga sadoqat, burch, vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda o‘z hissasini qo‘shadi.

Адабиётлар

- 1.Zahiriddin Muhammad Bobur “Har kimki vafo qilsa”, T. Yangi asr avlodi, 2018.
- 2.Sayfiddin Jalolov “Bobur haqida o‘ylar”, T. Sharq, 2006.
- 3.Hasan Qudratullayev “Boburning davlatchilik siyosati va diplomatiyasi”, T. Sharq, 2011.

ЧУВСТВО РОДИНЫ В КОНТЕКСТЕ ВОСПИТАННОСТИ ЧЕЛОВЕКА НА ПРИМЕРЕ ТВОРЧЕСКОГО НАСЛЕДИЯ БАБУРА

Саидова К.У.

Филиал ФГБОУ ВО «АГТУ», ст. преподаватель

Историческое и социокультурное значение научно-философского наследия наших великих предков сегодня может служить методологическим источником в процессе совершенствования жизнедеятельности человека, играя важнейшую роль в образовании и воспитании молодежи.

И одним из выдающихся, всемирно известных исторических деятелей, является Захириддин Мухаммад Бабур (1483-1530), который, несмотря на то, что существенную часть своей жизни провёл в военных походах, создал бесценные литературные и научные труды. Президент Республики Узбекистан, Ш.М.Мирзиёев подчёркивал: «Бабур Мирзо – великий сын нашего народа. Имя его живёт в литературе, науке, просвещении» [1], что, безусловно, является характерной основой для глубокого изучения творческого наследия мыслителя.

В бессмертном труде Бабура, именуемом «Бабур-намэ», красной линией обозначается забота о воспитании и образовании подрастающего поколения, с побуждением к справедливости, доброте, гуманности и патриотизму [3]. В соответствии с чем, серьёзное значение в лирике Бабура занимают мотивы преданности и тоски по Родине, сопряжённые с тяжкими душевными переживаниями:

«Ты на чужбине — и забыт, конечно, человек!

Жалеет только сам себя сердечно человек.

В своих скитаньях ни на час я радости не знал!

По милой родине скорбит извечно человек» [4, 47].

Радость жизнь становится неведомым чувством, поскольку стремление к «душевному полёту» затмевает грусть:

«Чужбина — клетка, в ней постыло всё, немилы,

Давно моя душа, как птица, загрустила.

Что претерпел я здесь, мне трудно описать:

Смывают слёзы глаз с лица письма чернила» [4, 2].

Тем самым, душевная боль и страдания полностью обессиливают жизненные порывы человека:

«Нет Родины и счастья боле нет,

И ничего уж, кроме боли, нет.

Я в этот край пришёл своею волей,

Его оставить силы воли нет» [4, 62].

Таким образом, в творчестве Бабура находит своё подтверждение чувства любви к Родине, которое оставляет неизгладимый отпечаток в жизни каждого человека, покинувшего свои родные края.

Лирическое творчество Бабура воспекает и имя настоящего человека, возвеличивая его. И чтобы по праву называться человеком, по мнению Бабура, «необходимо быть достойным его высшего назначения. Быть правдивым, справедливым - есть главный признак высокой нравственности. Где бы ты ни был, будь правдивым и справедливым. Вспомнят люди: вот такой - ты был счастливым» [4, 2]. И в результате, Бабур в своём творчестве высоко

оценивает, помимо счастья, и чувство сопутствующей ей свободы, возвеличивая её, призывая высоко ценить веру к высоким стремлениям:

*«Счастье познав истиннейшей сути свобод,
Освобождён был я от всех низких забот»* [4, 80].

Согласно мнению Бабура, на интересы простого народа важно всегда обращать пристальное внимание:

*«Страною правя, чти людей труда,
От них не отделяясь никогда.
Забудь свои пристрастья и обиды,
Внимай их бедам, а не то — беда»* [4, 2].

И в одном из посланий поэта, «раскрывается мировоззрение Бабура как государственного деятеля, который предостерегает своего сына от поспешности в выводах, советуя прислушиваться к мнению как «больших», так и «малых» людей, быть более внимательным «к нуждам народа» и воинов, больше полагаться на опытных эмиров и т.п.» [2, 20], что является критерием совершенства в творчестве мыслителя.

Кроме того, для человека ничто не должно являться преградой, ведь именно он сам и есть жизнь:

*«Бродягой стань, но не рабом домашнего хламья,
Отдам и этот мир и тот за нищий угол я.
Бродяжничество — не позор, и нищенство — не срам,
Уйти куда глаза глядят — давно мечта моя!»* [4, 46].

Таким образом, лирика Бабура исполнена ярким подтверждением самых сложных жизненных испытаний, где происходит борьба между добром и злом, с указанием на то, что наша жизнь может состоять не только из светлых и мирных дней.

Поэтические произведения Бабура пронизаны различными душевными состояниями человека, где именно любовь обладает благородным чувством:

*«Храни любовь возвышенной и чистой
И обходи измены путь тернистый»* [4, 79].

И, как мы можем понимать, лирика Бабура является бесценным источником в духовно-нравственном, культурном и патриотическом воспитании людей, способствуя прививанию у них чувства не только любви к Родине, уважению к национальным традициям, обычаям и ценностям, но и взаимной, уважительной привязанности.

В заключении важно отметить, что творческое наследие Бабура является отражением его собственной жизни в зеркале исторической хроники народов. В своих произведениях, наполненных чувственными испытаниями, Бабура демонстрирует свои искренние переживания, страдания, беспредельную любовь и серую тоску по своей Родине.

Таким образом, ознакомление подрастающих личностей с великолепными произведениями Бабура, несомненно, должно оказать позитивное влияние на их отношение к жизни, обществу, природе, формируя чувство ответственности за сохранение красоты родного края для будущих поколений.

Мы видели в поэтической лирике Бабура ценнейшие мысли о роли дружественных отношений между расами и народами, ведь почитая дружбу одной из важнейших сторон человеческих качеств, общество добьётся значительных успехов не только в торгово-экономических отношениях, но и в едином противостоянии с неприятелями.

Человек обязан заниматься и самовоспитанием, ведь лицеизрев свои собственные недостатки, он будет стараться непременно их устранить. И если человек, ощущая эти свои

недостатки, никоим образом не будет стремиться в их устранении, - то он не сможет достигнуть своего совершенства.

Многогранная деятельность Бабура сегодня способна выполнять воспитательную задачу в жизни подрастающих поколений, ведь идеи доброты и гуманизма, выдвинутые в его трудах, никогда не утратят своего значения на протяжении столетий, продолжая оказывать наиважнейшее влияние на современное общество Республики Узбекистан.

Список использованной литературы

1. Мирзиёев Ш. Развитие науки и просветительства даст высокие результаты: <http://uza.uz/posts/120863> (дата обращения – 05.02.2021)
2. Азимджанова С.А. Государство Бабура в Кабуле и Индии. – М.: Издательство «Наука», 1977. – 176 с.
3. Бабур З. Бабур-намэ. – Баку: Нагыл Еви, 2011. – 272 с.
4. Бабур З.М. Избранная лирика Востока / Пер. с узб. – Ташкент: Главная редакция ИПАК «Шарк», 2006. – 85 с.

ТАЛАБАЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ, БОСҚИЧЛАРИ, УСУЛЛАРИ

Узоқов А.М.

Бухоро давлат университети Ҳарбий таълим факультети Махсус тайёргарлик цикл бошлиғи, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

Саидов О.Б.

Ҳарбий таълим факультети талабаси

Талабаларнинг ватанпарварлик даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш масалалари бугунги куннинг энг долзарб масалалари сирасига кирар экан, бу жараёнда ижтимоий-педагогик, ғоявий-мафкуравий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий педагогик ишларнинг бир-бирига боғлиқ бўлган тузилмаси моҳияти равшанлашади, яъни таҳсил олувчилар орасида олиб борилаётган тарбиявий тадбирлар негизида ижтимоий-маънавий аҳамиятга молик кадрятлар йўналишларида Ватанга муҳаббат ва садоқатлилик даражаси баҳоланади.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг ватанпарварлигини ривожлантириш ишлари “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Қуролли Кучларнинг умумҳарбий низомлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади”[1].

Бугунги глобаллашув жараёнида олий таълим муассасаларида талабаларнинг ватанпарварлигини ривожлантириш ишларини мунтазам равишда тизимли ва илмий асосда ташкил этиш зарурати ошмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сон қарорига асосан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий принциплари этиб қуйидагилар белгиланган:

илмийлик;

тарихийлик;

аниқлик ва тезкорлик;
мунтазамлилик;
фаоллик;
таълим ва тарбия ишларининг уйғунлиги;
тарбия жараёнининг изчиллиги;

ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида эришилган ижобий натижа ва ютуқларга таяниш[2]. Дарҳақиқат, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг келгусида нафақат етук мутахассис, балки ўз она юртини севувчи фаол фуқаро сифатида тайёрлаш, уларнинг ватанпарварлигини ривожлантириш жамиятимиз, миллатимизнинг ҳар қандай хавф ва таҳдидларга бардош бера олишини таъминлаш демакдир. Бу ишга таълим ва тарбия ишларининг уйғунлиги, илмийлик ва тарихийлик принциплари асосида ёндашиш муҳим аҳамият касб этади. Талабаларнинг ижтимоий ҳаёт жабҳаларидаги фаоллигини ривожлантириш, ватанпарварлик руҳиятида эса, “Бу-менинг уйим!”, “Менинг маҳаллам!”, “Менинг она юртим!” қабилида дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, уларнинг ирода сафарбарлигини элу юрт хизматига фидо қилишга ундаш — буларнинг барчаси тарбия жараёнининг изчиллиги принципи асосида амалга оширилади.

Талабаларда ватанпарварлик фазилатларини ривожлантиришда халқимизнинг Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зебо Ғаниева, Жамила Қодирова каби алп ўғлонлари-ю, шижоаткор қизларининг мардлиги-ю, жасурлигини ибрат қилиш асносида ҳамда халқимизнинг шонли тарихига таянган ҳолда, тарихийлик ва мунтазамлилик принциплари асосида маънавий-маърифий ишлар ташкил қилинади.

Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларда ватанпарварлик даражасини ўстириш, миллий ва умумбашарий қадриятларга садоқатлилик ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида эришилган ижобий натижа ва ютуқларга таяниш принципи асосида олиб борилади.

Ижтимоий инфраструктураларда ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ривожлантириш, талабаларда ватанпарварлик даражасини ривожлантириш аниқлик ва тезкорлик принципи асосида амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларда ватанпарварлик даражасини ривожлантиришда уларда ватанпарварликка янгича қарашни шакллантириш, ватанпарварлик феноменологиясини ривожлантириш, шахснинг ватанпарварлик даражаси сифатини таҳлил қилиш ва баҳолашга юқорида таъкидлаб ўтилган принциплар асосида амалга оширилади.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш усуллари ёшларда зарур ҳаётий билим, кўникма, маҳорат ва мустақкам иродани, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга қаратилган, уларнинг онги, руҳияти ва фаолиятига таъсир кўрсатадиган омиллардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сон қарорига асосан, қуйидагилар талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг усуллари ҳисобланади:

ишонтириш;
машқ қилдириш ва мустақил ишлаш;
кузатиш;
рағбатлантириш;

ўрнатилган кўрсатиш ва шахсий намуна[2] . Биз буларга кўшилган ҳолатда, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларда ватанпарварлик даражасини ривожлантиришда бир қатор педагогик метод, усул, воситаларни қуйидаги туркумлаш асосида фойдаланилганда самарали методик натижаларга олиб келишини таъкидламоқчимиз .

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сон қарорида кўрсатилишича, “ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш турли шаклларда, жумладан, илмий-амалий анжуманлар, савол-жавоб кечалари, китобхонлик, ўйинлар, машҳур кишилар билан учрашувлар тарзида ва бошқа шаклларда ташкил этилади. Улар маънавий-маърифий ишларнинг ранг-баранглигини таъминлайди, пировард натижада жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади” [2].

Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларда ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолашни амалга ошириш учун ушбу жараённинг яхлитлигини таъминловчи тизимни яққол тасаввур этиш лозим.

Маълумки, “давлат ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини ташкил этиш, унинг натижалари мониторингини юритишни таъминлайдиган асосий институт ҳисобланади. Давлат ёш авлоднинг тарбия жараёнини оилада, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасаларида, ҳарбий хизмат давомида, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, турли давлат ва нодавлат ноижорат ташкилотлари доирасида ташкил этади”[1].

Юқорида акс эттирилган меъёрий ҳужжатларда келтирилган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш шакллари ва босқичлари таълим муассасаларида мунтазам олиб борилганида, самарали натижалар бериши, маънавий-маърифий ишларнинг салмоғини ошириши муқаррар. Бинобарин, “маънавият ва мафкура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслиги, шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган маънавий ва мафкуравий бўшлиқ майдонида бизга бегона, орзу-интилишимизга мутлақо ёт фикрлар ва ғоялар ўрин эгаллашга уриниши шубҳасиз. Бу ҳаётий ҳақиқат халқимиз ҳамisha амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланиб, ўзида яхлит бир тизимни мужассам этиб, унинг марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас кадриятлар турмоғи керак”[3] . Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг ҳамма жабҳаларидаги сингари таълим тизимининг барча босқичларида, хусусан олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларимизнинг етук ва рақобатбардош мутахассис ҳамда ўз Ватанини севувчи фидойи инсонлар қилиб тайёрлаш, улар салоҳиятини юрт равнақи учун сафарбар қилишларига имконият яратиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 сентябрдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори// -Т.; Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари миллий баъзаси. 2015.2426.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сонқарори асосида шакллантирилган “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш” Концепцияси -Т.; 2018.www.lex.uz; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.02.2018 м., 09/18/140/0816-сон.

3. Абдуллаева Ш.А., Узоқов А.М. Узлуксиз таълим тизими таҳсил олувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш: принциплар, босқичлар, усуллар, тажриба // Ж.: Узлуксиз таълим, 2020й. № 6. -Б.-12-19.

4. Узоқов А.М. Талабаларда ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолаш// - Бухоро.; Дурдона.2019й.

Шодиев Н. Янги педагогик технологиялар// -Самарқанд.; СамДУ. 2005. -23 б.

НАУЧНОЕ И ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ БАБУРА В ВОСПИТАНИИ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ В ДУХЕ ПАТРИОТИЗМА

Улжаева Д.А.

Ташкентский военно-академический лицей «Темурбеклар мактаби» Национальной гвардии

Республики Узбекистан старший преподаватель русского языка и литературы

«Литература - душа народа, зеркало его духовности. В современном сложном мире необходимо использовать влия-тельную силу прозы и поэзии, чтобы проникнуть в сердца людей, вдохновить их на благородные цели. Мы создадим все условия для изучения наследия наших предков, создания великой литературы, достойной нашей славной культуры».

Шавкат Мирзиёев.¹⁰¹

XXI век изобилует источниками информации и образованными людьми, которые через эти же источники информации описывают явления, происходящие в жизни того или иного региона. Во времена великого Бабур-а таких возможностей было мало, так как носителем информации являлась дорогостоящая бумага, а образование, как инструмент управления реальностью не имело ценности. Соответственно, такого вида информацию как «Бабур-наме» можно отнести к классу описательной прозы, хотя она несет в себе отчет о текущем состоянии дел в государстве, в современном ему мире. Бабур являлся основателем Империи Великих Моголов, потомком Амира Темура, поэтому ему, как никому другому, была дарована возможность освящать текущие события того времени.

Изучая «Бабур-наме» мы понимаем, что это, отчасти биографическое произведение, однако, общеизвестно, что это суть информация о состоянии дел в государстве, о бесконечных распрях между родными и сводными братьями Бабур-а, соседними завоевателями за земельные уделы; географические особенности, хвалебные строки о богатой флоре и фауне таких стран и поселений как – Фергана, Андижан, Самарканд, Ходжанд, Ош, Маргилан, Хорасан и прочие, обозреваемые Бабуром.

Важно заметить, Захириддин Мухаммад Бабур, будучи сыном Умаршайх Мирзы (Умаршайх Мирза был праправнуком Темура), и являясь одним из рода чингизидов, с 12-ти лет сел на трон. Но, к несчастью, положение в государстве было шаткое и ему в 23 года пришлось начать войну со своим давним противником Мухаммадом Шейбаниханом, а впоследствии проиграть ему в сражении, а далее, быть изгнанным из своей Родины, что сподвигло Бабур-а, в свою очередь, в конце 1525 года во главе 12-тысячного войска отправиться завоевывать государство Индостан по течению реки Кабул, где правил в то

¹⁰¹ ogahiy.tsuos.uz>adiblar-xiyoboni

время Султан Ибрахим. Крупнейшим сражением за время похода стала победоносная Панипатская битва против местного султана Ибрахима. Выиграв битву и свергнув Султана Ибрахима с трона, Бабур начал в первую очередь обустроить страну. В мае 1526 года Бабур был уже в Агре, где приобрел знаменитый алмаз и поселился во дворце султана Ибрахима.

Бабур, следует отметить, в своих мемуарах предстает как скромный, одинокий, простой в быту человек, в то же время он в своем повествовании допускает изображения себя в самом дурном свете. Без сомнения, Бабур был высокообразованным носителем среднеазиатской культуры. Его записки отражают его интерес к истории, быту, природе и растительности, животному миру посещенных им стран, имеют огромную историческую и литературную ценность.

Учащиеся академического лица с большим удовольствием читают произведения Бабура. Изучают биографию мыслителя и полководца, с живостью воспринимая военные навыки и тактики. Сеятель зерен духовности, морально-нравственных качеств, Бабур, непререкаемо входит в золотой фонд мировой литературы и культуры, является достоянием и национальной гордостью народа Узбекистана.

С целью укрепления нравственности, а также, предотвращения социальной дифференциации общества, сохранения памятников литературы и искусства для следующего созидания и творчества была построена Аллея литераторов.

Аллея литераторов, созданная по инициативе главы государства - самый что ни на есть культурно-образовательный центр в столице, - райский уголок для молодежи, где проводятся поэтические вечера, презентации книг, выставки и просветительские мероприятия.

Лидер страны с первых дней своей деятельности особое внимание уделяет развитию духовности, в том числе и усовершенствованию литературы. Ряд инициатив по увековечению памяти выдающихся мастеров слова, оставивших яркий след в жизни и истории нашего народа, по повышению культурно-просветительского уровня молодежи изменил восприятие мира сограждан, укрепил позиции благородных и светлых идей.

Ведь наследие Алишера Навои, Бабура, Зульфийи, Бердаха, Абдуллы Кадыри, Чулпана, Эркина Вахидова, Абдуллы Арипова и многих других весьма многогранно, и является неиссякаемым кладом духовности. Эти великие творцы, несмотря на разделяющие наши поколения века, способны научить современных юношей и девушек гуманизму, человеколюбию, любви к Родине и народу. Исходя из этого, глава государства дал ценные указания, которые способствуют приобщению и изучению духовного наследия великих предков молодежью.

Поставлены конкретные задачи и перед руководителями вузов. Так, теперь в каждом таком учебном заведении проводится углубленное изучение биографии и трудов определенной личности, вошедшей в историю Узбекистана. Например, в Военно-техническом институте (ВТИ) Национальной гвардии республики ведется фундаментальная работа по пропаганде наследия несравненного поэта, выдающегося государственного деятеля и великого полководца Захириддина Мухаммада Бабура.

21 мая текущего года командование ВТИ оперативно разработало «дорожную карту» мероприятий по исполнению указаний Президента, рассчитанную на один календарный год. Тщательно и скрупулезно рассмотрены, учтены все предложения, никто не остался в стороне. В этом важном деле участвовали все кафедры и отделы. Именно они выступили с инициативой проводить открытые занятия на Аллее литераторов у памятника Бабура. И уже

24 мая кафедра общественно-гуманитарных дисциплин провела первое открытое занятие «Жизнь и творчество Захириддина Мухаммада Бабура».¹⁰² Ученики ташкентской «Школы Темурбеков» соразмерно со своими возможностями овладевают гуманитарными и точными науками, участвуют на олимпиадах, соревнованиях по спорту и получают призовые места. Стоит заметить, на сегодняшний момент, - время непрерывного развития духовной культуры, формирования национальной модели Республики Узбекистан, - участились мероприятия, куда ученики «Темурбеклар мактаби» активно вносят свой вклад. Нельзя отрицать, такое обстоятельство благоприятствует ходу развития нравственной культуры молодого поколения.

В ходе обучения можно заметить, перед нами дети бывших и нынешних военных; выходцы из обычных семей, приехавшие, в большинстве случаев, из дальних областей и регионов, - они, следует признать, будучи вовлечены в прерии учебных предметов, проявляют сугубо активную позицию по отношению к образованию в лицее. Хотя в учебном заведении преференции отдаются точным наукам, ученики стремятся получать не менее важные информации и по другим предметам. Чрезвычайно интересуются русским языком.

Нельзя не ощутить важность знания русского языка как иностранного для учащихся военно-академического лицея. В военной сфере особенно значимо и необходимо понимание и говорение, т.е. в 21 век при бурном росте интеллектуальных и морально-духовных отношений и начала третьего Ренессанса знание русского языка это большой приоритет, так как во всех высших учебных заведениях незнание языка приводит к казусам. Естественно, быть во всем безупречным свойство святого, но не получать знания, имея возможность – вот урон. Незнание – не порок, нежелание знать – большой порок. Несомненно, русский язык не только в Узбекистане, но и во всем мире, был и остается инфинитезимальным явлением для изучения, прежде всего обладающий имманентными свойствами и, в бесконечной мере расширяющий свои пределы формирования.

Нелишне будет заметить, что особенную привязанность к изучению узбекской классической поэзии питают русскоязычные ученики 1-2-х курсов; на вечерах узбекской поэзии, на мероприятиях они блистают в цитировании газелей и маснави тюркских и персидских поэтов. Присуждение фундаментальной работы по пропаганде духовного наследия кумира Востока Захириддина Мухаммада Бабура явилось атрибутом всемерного познания как для Военно-технического института Национальной гвардии Республики Узбекистан, так и для военно-академического лицея «Темурбеклар мактаби». Радует то, что учащиеся русских групп проявляют не менее большой интерес к восточной прозе, чем ученики узбекских групп. На фоне этого, некоторые заинтересованные начали регулярно писать стихи, воодушевляемые веяниями той эпохи, когда процветало искусство.

Большинство учащихся интересуются физической подготовкой, кроме того, есть любители естественных наук как география и биология. Вместе с тем, имеют место необходимые, дополнительные кружковые занятия, относящиеся к витальным факторам, к примеру, кружки хореографии, рукопашного боя, вольной борьбы, тира. Учитывая тип учеников, свойства их характера, со стороны педагогов преподается тот метод обучения, который наиболее приемлем в том или ином случае, в той или иной ситуации.

Надо отметить, что в науке обязателен некий мотив, пробуждающий в душах учеников интерес к науке, некая волшебная палочка, сподвигающая обучаемого по амплитуде познания. Без релевантности в учении не добиться нужных результатов. Каждый педагог

¹⁰² <https://yuz.uz/ru/news/privivaya-lyubov-k-rodine>

должен находиться в постоянном поиске наиболее оптимальных методов обучения молодого поколения. Молодое поколение схоже с зеленым ростком, которое денно и нощно впитывает в себя, как в губку, знания и навыки. Необходимо вовремя уделять должное внимание и пищу для их юных умов. Ибо – Время – скрупулезно движется, нещадно проходит, и оно небезвозмездно. И нельзя упускать ценностность и существенность педагогической профессии, благо она является импликацией двух сугубо необходимых аспектов образования – духовного и научного. В таком темпе, конечно, не обойтись без познаний в узбекской литературе.

Узбекская тюркская и персидская литература – кладезь жемчужины Востока. Уместно вспомнить таких исполинов науки и поэзии как Алишер Навои, Мирзо Улугбек, Абдурахмана Джамии, Абу Рейхан Беруни, Ал Харезми, Накшбанди, Омар Хайям, Бабур. Их очень много, и каждый из них достоин восхищения и почестей.

Газели и рубаи, сочиненные ими, и тогда ценились на вес золота, и сейчас не утратили своей свежести и яркости. Чего стоит «Хамса» Алишера Навои, основоположника национального литературного языка! Каждая из пятнадцати поэма – бирюза в коралле. Это поистине драгоценное наследие для тюркоязычного населения. На фоне чарующей природы и феерии сказочных чувств, облик возлюбленной пера вдохновлял поэтов на великие достижения, как в поэзии, так и в искусстве.

В «Смятении праведных» Навои восхваляет трех поэтов: Низами, Хосрова и Джамии. Сравнивает книгу с распускающимся бутонем розы. Вот чародейство познания в миропонимании великого мыслителя, который являлся объектом уважения Бабура, более чем, последний отдавал дань его таланту, всячески облагораживая в своих записях!

Нелишне заметить, Захириддин Мухаммад Бабур весьма гордился переписке с Алишером Навои.

Тема любви и невозможность соединения, а затем боязнь возможной утраты возлюбленной, описываемой Навои во второй части поэмы «Хамсы», «Фархад и Ширин» приводила к потере покоя, ума, страданиям и невзгодам, к скитальческому образу жизни героя.

Невозможно остаться равнодушным и к поэзии персидского философа, математика, астронома и поэта Омара Хайяма. Его рубаи подчас предвосхищают чаяния и переживания сегодняшнего поколения. Овеянные красотой природы, тщетностью бытия, строки рубаи Хайяма навевают грусть, разочарование в бытии, толкают к винам. Но, вместе с тем, рубаи имеют наставительный характер, призывают не падать духом, восставать из пепла и воскрешать заново как птица Феникс и обретать мудрость жизни и красоту окружающей Вселенной. Сопереживания поэта создают поле для духовной насыщенности учащихся и побуждают к более чистым поступкам в современной жизни. Но, современное поколение, к сожалению, не может обладать полноценными сведениями, ввиду того, что в программе учебного плана для учащихся русских и узбекских групп в академических лицеях по преподаванию русского языка и литературы, можно сказать, отведено мало часов на изучение национальной поэзии. Всего лишь одно два занятия.

Мы, учителя-словесники - русисты, за одно занятие не успеваем донести до душ учащихся весь биографический и поэтический цикл отдельного национального поэта и прозаика. Считаем, что надо увеличить количество часов, предназначенных для изучения поэтики национальной культуры на уроках русского языка. Разумеется, проводятся множество мероприятий по направлению формирования и развития национальной культуры, но то, что воспроизводится впопыхах, не отвечает реальному требованию времени.

Поистине, они исполняют свои роли блистательно, заучат и расскажут стихотворения, однако, что за явление такое суть без проникновенного анализа биографии и творчества отдельного индивида?

Следует изменить программу учебного плана по гуманитарным наукам:

1. Увеличить количество часов на изучение творчества владык пера национальной поэзии.

2. Привить учащимся трепетное отношение к духовно-просветительской идеологии Востока.

Несмотря на малое временное пространство, учащиеся лица с особым рвением постигают ценные учения о биографии великих мастеров слова, цитируют газели, рубаи и туюги. Это влияет положительным образом на них, отчасти, можно сказать, вдохновляет учеников на благие намерения. Прививаемые знания, ложась бальзамом на душу, пробуждают чувство доброты, чистоты души и сердца.

XXI век – время начала третьего Ренессанса и обновления страны, обретение духовно-нравственных идеологий вкупе с истинными моральными устоями, берушими ход со Средневековья. Истинный патриотизм берет истоки от школ, лицеев и колледжей. Соответственно, обучение в общеобразовательных школах, академических лицеях и колледжах должно быть на высоком уровне. Как писал турецкий поэт Назим Хикмет Ран,

Ведь если я гореть не буду,
и если ты гореть не будешь,
и если мы гореть не будем,
так кто же здесь рассеет тьму?

и как был прав...

Использованная литература

1. [ogahiy.tsuos.uz>adiblar-xiyoboni](http://ogahiy.tsuos.uz/adiblar-xiyoboni)
2. <https://yuz.uz/ru/news/privivaya-lyubov-k-rodine>
3. Большой словарь иностранных слов. Москва. Дом славянской книги. 2012.

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА БОБУР ИЛМИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Низомжонович Н.

Фарғона политехника институти ўқитувчиси

Хамдамовна Ж.

Фарғона политехника институти магистранти

Ҳозирги вақтда, мамлакатимизда, ёшлар тарбияси ва уларнинг сифатли таълим олиш сиёсати энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада Ватанимиз тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирган тарихий шахслар ҳаётини ибрат сифатида олиш энг яхши воситадир. Тарихда шундай шахслар борки, улар ўз ҳаётлари давомида бутун инсоният ҳаётига ижобий таъсир ўтказадиган, машғала бўлиб йўл кўрсатадиган улкан маънавий мерос қолдиради. Ватанимиз тарихида ана шундай улкан маънавий мерос қолдирган шахслардан бири буюк бобомиз, шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир.

Миллат номини улуғлаган алломалар ҳақида гап борганда, ўзининг иқтидори, ақл-заковати, мураккаб тақдири ҳамда очик руҳий олами билан шоир Заҳириддин Муҳаммад

Бобур киши эътиборини ўзига кўпроқ тортади. У давлат арбоби, шоир, саркарда, олим, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос ва айна пайтда хушхулк инсон сифатида кўплаб ажойиб фазилатларга эга бўлган [1]

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шоир сифатида кўплаб ғазал ва рубоийлар ёзди, улар туркий шеърятининг энг нодир дурдоналари сифатида қолди. Бу рубоийларни ўқиган китобхон муаллифнинг Ватан соғинчи ва унга бўлган муҳаббатини ҳис этади.

Таъкидлаш жоиз Бобурнинг ғазал, маснавий рубоийларида Ватан, ёр-диёр мавзуси салмоқли ўрин тутди. У ўз она юртидан йироқда бўлса ҳам туғилиб-ўсган диёрига, ватанига бўлган соғинчли муҳаббат, унга етишиш орзуси доимо қалбини изробли туйғуларга чулғаб туради. Шунинг учун ҳам шоир ижодининг асосий мавзуси она Ватан соғинчи бўлиб қолади. Шу жиҳатдан, бу йўналишдаги шеърлар ватанпарварлик тарбиясининг муҳим манбалари сифатида қимматлидир.

Бобомизнинг «Мубаййин», «Хатти Бобурий» номли янги алифбо, «Ҳарб иши», Аруз ҳақидаги рисоалари эса ислом қонуншунослиги, шеърят ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб кўшилди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур илмий меросининг бу қисми ёшларда ижтимоий фаолликни ривожлантириш соҳасида катта манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоиз ёшларни ватанпарлик руҳида тарбиялашда ота-боболаримиз ҳаётдан ҳикоялар айтиб бериш яхши самара беради. Ёшларни илм-фан билан ошно этишда буюк бобомизнинг доимий сарсон саргардонлик ва ҳарбий юришларда юриб ҳам араб алифбосини таҳрир этиб, ёзувни соддалаштириш ва осонлаштириш мақсадида уни туркий тил ва талаффуз мезонларига мослаштирган ҳолда «Хатти Бобурий»ни кашф этганлиги мисол сифатида келтирсак бўлади.

Тилларни ўрганиш ва шу аснода ватанга муҳаббатни жўш урдириш мисолида ҳам Бобурга тенг келадигани кам. Бобур Хожа Аҳрор Валий руҳидан нажот тилаб, ихлос билан унинг насрда битилган «Волидия» асарини шеърый таржима қилади. Бобур бу билан ёшларга тилларни ўрганиш ва таржима санъати орқали ватанпарварликнинг ёрқин намунасини кўрсатди.

Бобур туркий (ўзбек) тилида биринчи мемуар асар — “Бобурнома”ни ёзиб, келажак авлодлар учун бебаҳо маънавий мерос қолдирди. Унда асар муаллифининг ҳаёти билан боғлиқ воқеаларнинг изчилликда берилиши уни ўқиган китобхонни ёзувчига бўлган ҳурматни ошириш билан бирга ватанпарварлик хисларини янада жўш уришига сабаб бўлади.

Таъкидлаш жоизки, Бобурнинг хотираномаси сифатида деярли беш юз йил олдин ёзилган машҳур Бобурнома асари муаллифнинг душман ортидан қувиб, ёхуд душман таъқибидан қочиб чарчаган онларда эгардан тушиб, чодир ёнидаги гулхан атрофида сўйлаб берилаётган ҳикоядек таассурот қолдиради. Асар шу қадар содда ва равон ёзилганлиги билан ҳар қандай ўқувчида унга бўлган қизиқишни орттиради.

Асар асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми — XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда рўй берган воқеаларни; иккинчи қисми — XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Кобул улуси, яъни Афғонистонда рўй берган воқеаларни; учинчи қисми — XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихига бағишланган. Шундан маълумки асардаги ватанимиз тарихи бўйича ёзилган маълумотлар ёш авлодимизда Ватанга бўлган муҳаббат ва ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Мемуар асар ҳисобланмиш Бобурнома — умр дафтари, армонлар китоби десак муболаға бўлмайди. Асарни мутолаа қилиб, кўп илмдан хабардор бўлибгина қолмай,

Бобурнинг инсоф-диёнат тарафдори, тартибга ўта риоя этувчи одил ҳукмдор сифатида ҳамда шахс сифатидаги хислатларини билиб оламиз. Бу эса келажагимиз эгаларига диёнат ва шахс сифатида энгилмас ирода ва матонат соҳиби сифатида тарбия топишларида ўрناق вазифасин ўтайди.

Бобурномада муаллифнинг шох, шоир, буюк адиб сифатидагина эмас, табиат ва гўзаллик ошуфтаси, гул ўстириш, боғ-роғлар барпо этиш, бунёдкорлик ишларига ҳавасманд инсон эканлиги ҳақидаги сатрлар ҳам учрайди. Бу билан инсон ҳар соҳани яхши эгаллаши зарурлиги ва маънавий баркамол инсон сифатида ҳаёт кечириши зарурлиги ва бу ватан олдидаги бурчи эканлиги кўрсатилади.

Буюк бобомиз кўлга киритилган ҳудудларини обод қилиш, сув чиқариш, боғ яратиш каби ишларни амалга оширгани туфайли эл-юртда “Боғбон подшо”, оддий, самимий ва одил ҳукмдор бўлгани боис “Қаландар подшо” деган номлар билан машҳур бўлди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади. Буни у ўз асарлари билан ўзбек адабиёти ва тили ривожига, юксалишига, соддалаштиришга ва жонли сўзлашув тилига яқинлаштиришга, фуқароларда ватанпарварлик хиссини уйғотиш ишига муносиб ҳисса қўшганлиги билан исбот этиб кетди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аждодларга буюк мухаббат - <http://LibBobur.Uz/index.php?name=news&op=view&id=96> 12.02.2010
2. Бобур ижодининг маърифий аҳамияти! <http://marifat-ziyo.uz/news/boburijodining> 11.02.2020
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 86 б.

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ҲАЁТИНИНГ ЁШЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ВА РУҲИЙ СОҒЛОМ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШДАГИ ЎРНИ

Ходиев Р.Х.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти катта ўқитувчи – методист

Қадимда аждодларимиз жисмоний қувват эгаси бўлиш инсонга беқиёс даражада жисмоний руҳий мадад беришини чуқур ҳис қилишган катта жанглар ва курашлардан олдин турли хил мусобақалар ўтказишган. Ўзбекистон ҳудудидаги илк давлатлар - Сўғдиёна ва Бактрия давлатларида яшаган халқлар орасида эпчил, жисмоний ва руҳий жиҳатдан яхши чиникқанларигина узоқ мамлакатларга ҳарбий юришларда қатнашганлар ва ўша жойларда ўз маҳоратларини намоиш қилиб, ўз халқи ва миллий ҳарбий санъати шухратини дунёга ёйганлар. Ушбу фикрларни тасдиғи, Паҳлавон Маҳмуднинг жисмоний кучи ички руҳий-маънавий кудрати, истеъдоди ва тафаккурида намоён бўлган. Паҳлавон Маҳмуд жисмоний жиҳатдан жуда бақувват бўлиши билан бирга, ўз халқини жуда севган. Паҳлавон Маҳмуд Хоразмнинг кўп шаҳарларида, курашган ҳатто, Ҳиндистонга бориб курашга тушган. Аммо унинг кураги ерга тегмайди ва Ўрта Осиёдаги биринчи паҳлавон бўлиб қолади. Бир ўзи Хоразм аскарларини озод қилиши, Ватан учун курашда жон фидо қилиши Паҳлавон Маҳмуднинг ички руҳияти ва маънавий дунёқарашининг нақадар кучли эканлигини, жисмонан юқори даражада камолотга етганлигидан далолат беради. Паҳлавон Маҳмуд ўз

рухияти ва жисмига яшириниб ётган кучли ички имкониятлардан тўла фойдаланиш хусусиятига ҳам эга бўлган шахс ҳисобланган.

Шарқнинг етук файласуфи, шоир, ботир инсон, халқпарвар, руҳан тетик, авлиё, тариқат муршиди Аҳмад ибн Умар Хивакӣ ал-Хоразмий эди. Бу хотири шариф Шайх Нажмиддин диннинг юлдузи, Кубро улуғлар (бирлиги Кабир) буюклар деган маънони билдиради. Ҳазрат Аҳмад ибн Умарнинг Кубро дейилишига сабаб шуки, Ҳазрат йигитликда ким билан илм юзасидан бахсу-мунозара қилса, албатта енгаркан. Шу сабаб Нажмиддин Кубро, яъни буюк деган ном олган. Шайхнинг яна бир лақаби Шайх Валийтарошдир. У кишининг назари кимга тушса, ул зот валийлик даражасига етаркан.

Хоразмшоҳ мўғул босқинчиларидан кўрқиб қочган пайтида Шайх Хоразмликларни душманга қарши жангга бошлади. Нажмиддин Кубро шаҳид бўлаётган пайтда ёв қўлидан байроғини тортиб олди ва шу даражада маҳкам ушлайдики, ҳатто, байроқни ўн кишилаб ҳам унинг қўлидан тортиб ололмади. Охир-оқибат байроқни қўлидаги бармоқларини кесиб олишади.

Нажмиддин Кубро асос солган “Кубровия” тариқати Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифдаги таълимот асосида шаклланган. Комил инсонни тарбиялаш бу тариқатнинг асосий вазифаси бўлган. Шайх Нажмиддин Кубронинг ҳаёти биз ёшларга катта сабоқ, улкан мактабдир. Тариқат пирларининг тарбияси боис ўтмиш аجدодларимиз хуш хислат, улуғ фазилат эгаси бўлганлар. Араб сайёҳи ибн Батута “Сафарнома” китобида шундай ёзади: “Мен дунёни кезиб, бундай мардлардан кўра эзгу нияти ва эзгу хулқли кишиларни кўрмадим. Шероз ва Исфохон аҳолиси гарчи ўзларини жувонмардларга ўхшатсаларда, аммо Хоразм ва Мовароуннаҳр жувонмардлари мусофирларни сийлаш ва меҳмондорликда улардан баланд турадилар. Уларни Ироқда шотлар, Хуросонда сарбадорлар, Мағрибда суқра дейдилар”[1, 215].

Халқимиз юксак маданиятини юзага келтиргунча, оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтган. Тарихий зарурат ниҳоятда онгли, ақлли, билимли, жисмоний, рухий жиҳатдан баркамол, матонатли, кўркмас, ботир шахсларни тарбиялашни талаб қилар эди. Халқ анъаналари асосида тарбияланган, босқинчиларга қарши курашда тобланган қахрамонлардан бири Жалолоддин Мангубердидир. У 300 кишилик суворийси билан Хоразмдан Хуросонга боради ва ўзини таъқиб қилиб борган муғул аскарлари билан Нисо шаҳрида жанг қилиб, улар устидан ғалаба қозонди. Бу ғалабадан сўнг Жалолоддин Мангуберди Нишопурга келади ва у ердан Ўрта Осиё ва Эронга элчилар ва чопарлар юбориб, халқни муғул босқинчиларига қарши курашга чақирди. Жалолоддин Мангуберди суворийлар билан мўғуллар ўртасида Ҳинд дарёсининг соҳилида бўлган жангда (1221 йил. 24 ноябрь) Чингизхон қўшинларини барчасини урушга ташлади ва жангни шахсан ўзи бошқаради. Ушбу жангда Чингизхон қўшини ғалаба қилган бўлсада, мўғуллар тарихда мисли кўрилмаган даражада талофат кўрган. Жалолоддин Мангуберди Озарбайжонни, унинг шимолидаги ерларни, Ганжани ва 1226 йилда Гуржистонни ва унинг пойтахти Тифлисни босиб олган.

Жалолоддин Мангуберди 1231 йил Шимолий Озарбайжондаги Моёфориқин қишлоғида беҳосдан курд жангчиси томонидан ўлдирилади. Жалолоддин Мангубердининг ҳарбий юришлари ҳақида унинг ҳамроҳи ва тарихчиси бўлган тарихчи олим Абдулфайз ан-Насавийни “Сийрат ас-султон Жалолоддин Мангуберди” (“Султон Жалолоддин Мангубердининг ҳаёти”) номли асарини яратган. Мақсуд Шайхзода эса “Жалолоддин” (1943) драмасини ёзган. Ўзбек халқининг Мангуберди мағлубиятидан сўнг мўғулларга қарши кураши қарийб бир ярим аср давом этди. XII асрга келиб Олтин Ўрда узил-кесил емирилади. Ўрта Осиёда мўғуллар ҳукмронлигига барҳам берилди.

Темурийлар ҳукмронлиги даврида (1370-1570) ўзбек феодал давлати ҳаётида ҳарбий санъат ҳамда жисмоний машқларнинг хилма-хил турлари янада ривож топди, халқнинг ўзлигини англаш даражаси ўсди. Темур ва унинг лашкарбошилари ҳарбий юришларида жангчиларнинг жисмоний чиниққан, бакуват ва эпчил бўлиши, уларнинг маҳорати ва жасорати ҳал қилишини чуқур англаган. Шу боис ҳар бир лашкар ҳарбий санъатни ҳам руҳан, ҳам жисмонан пухта эгаллашларига асосий эътиборни қаратишган.

Темур саройига келган испан сайёҳи Руи Гонсалес де Клавихо Ўрта Осиёлик икки полвон курашини мана бундай тасвирлаган.

“Эгнига енгсиз калта камзулга ўхшатиб тикилган чармлибос кийиб олган 2 полвон тик туриб олишар, бир-бирини йиқита олмас эди, ниҳоят улардан бири устун чиқиб, рақибини ерга ағдарди ва анча вақтгача унинг туриб олишига йўл қўймай, босиб ётди, агар у ўрнидан туриб кетса, йиқилган ҳисобланмас эди” [2, 56].

Бу қисқа маълумот ўзбекча спорт курашининг яна бир тури ҳозирги эркин кураш услубига жуда ўхшаш Бухороча кураш тўғрисида қимматли маълумот беради. Уруш бошланишидан аввал оқибатини кўпинча икки жангчи-пахлавоннинг бевосита олишуви ҳал этгани тўғрисидаги маълумотлар ҳам тарихдан бизга маълум. Тарих бизга бу ҳақида бир қатор қимматли маълумотлар етказиб берган. Масалан, Шарафиддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома” асарида Темурнинг Хоразм хони Ҳусайн Сўфийга икки ўртадаги низони уруш билан эмас, балки яккама – якка олишув йўли билан ҳал этишни таклиф қилганлиги тўғрисида маълумотлар ҳам бор.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз хотираларида муштлашиш мусобақаларини ҳам тилга олади ва бир жойда ўшлик “урушқоқлар” биринчиликни олганини ёзади. “Бобурнома”да келтирилган далиллар шунини тасдиқлайдики, бу даврда спорт жанговар характерга эга бўлган. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ёзишича” [3, 87-89], унинг замондошлари орасида бир зарб билан отни қулата оладиган пахловонлар ҳам бўлган. Бу эса ҳозирги бокс жанги узоқ ўтмишдаги муштлашиш жанглардан келиб чиққанини кўрсатадиган яна бир далилдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур замонида шахмат ўйини ҳам кенг тарқалган ва ривожланган спорт тури ҳисобланган. Зуннун деган бир шахс шатранжга шундай қизиқар экан: “Агар одамлар бир қўл билан ўйнасалар, у икки қўли билан ўйнар эди”, дейди Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Мир Муртоз исмли бошқа бир одам эса шахматга шу даражада қизиқар эканки, агар у икки муҳолиф билан учрашгудек бўлса, бири билан ўйнаб, иккинчисининг кетиб қолмаслиги учун этагидан ушлаб турар экан.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзи ҳам ёшлигидан мерганлик, муштлашиш, қиличбозликни кўп машқ қилган, учар қушнинг кўзидан урадиган даражада мерган бўлиб етишган. Шу сабабли Бобурнинг отаси Умар Шайх Мирзо қачон овга отланса, Мирзо Бобурни ҳам бирга олиб кетар экан. Бобур ботир ва жасур бўлиб ўсиш билан бирга, борлиқни табиатни ҳаётни ҳам жуда севган. Бир кун овда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг отаси ўтирган жойида туриб кийикни нишонга олади. Мирзо Бобур шошиб, камонга ёпишиб, отасининг кийикни отишга йўл қўймайди. Ота ўғлиги қараб дейди: Мирзо, нега бундай қилдингиз? Шунда Мирзо Бобур: - Сиз камон билан нишонга олган жониворнинг ёнида ёш боласи бор эди. Отасини отсангиз боласи етим қолиб, холи не кечади. Ўзингиз ўйланг: борди-ю сизга ўқ отиб шикастласалар, мен не кунларга қолган бўлур эдим? - деб жавоб беради.

Мирзо Бобурнинг сўзи Умар шайхга таъсир қилиб, овни тўхтатибди. Шикорга чиқиб безабон жониворларни отавермайдиган бўлибди. Шундан маълум бўладики, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёшлигидан ақлли, фаросатли шахс бўлиб ўсган, ботирликни, кучни қаерда, қайси маҳалда ишлатиш кераклигини яхши билган.

Отаси вафотидан кейин, Заҳириддин Муҳаммад Бобур 12 ёшида тахтга ўтиради. У ёш бўлишига қарамасдан чорбоғ ичида чавандозликни машқ қиларди. Бўз отни чоптириб бирдан жиловни кўйиб юборар, камонга чаптастлик билан ўқ ўрнатиб, чопиб бораётган от устидан нишонга олар, ёй ўқи ёғочга тақ этиб урилгани баралла эшитилиб турарди. Мазадбек зарб билан отилган ёй ўқини нишондан аввайлаб суғуриб олди ва қанчалик чуқур ботганини бармоғи билан ўлчаб кўрди:

Билагингизда куч кўп, амирзодам-шерпанжасиз. Довюраклиги ва жасурлиги учун у ёшлигидан “Бобур” (“Шер”) лақабини олган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур мақтовни ўзига олгиси келмади. Шерпанжа деб отамни айтинглар. Мен кўрганмен, зарблари бундан ўн ҳисса ортик. Мушт урсалар, энг зўр йигитни ҳам йиқитадилар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёшлигидан куч-қувватли бўлган. У чарчаш нима эканлигини билмас, бир машқдан чиқиб, иккинчи машқни бошлаб кетаверар эди. Бобур от устида ҳар хил ҳаракатли машқларни ҳам яхши бажара олган. Бобур бўз отни чоптириб бориб, навқарга етганда оёқларини узангидан бўшатиб, қамчини тишига олди. Бўз от жийрон қашқа билан жипс келган заҳоти Заҳириддин Муҳаммад Бобур бўй чўзиб, нариги отнинг эгаридан икки қўллаб ушлади-ю, бор кучи билан эгардан-эгарга сакради. Бироқ навқарнинг оти сакраш зарбидан чўчиб, хуркиб кетди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг хипча гавдаси бир лаҳза ҳавода муаллақ бўлиб қолди, кейин пастга тушиб кетди, оёқлари ерга “тап” этиб урилди. Аммо у қўлларини эгардан бўшатмади. Бўшатса ёмон йиқилишини сезиб, жон-жаҳди билан ёпишди. Билаклари чиндан ҳам кучли экан, шундай оғирликка бардош берди. Фақат навқар отини тўхтатиб олгунча Бобурнинг оёқлари ерни тирнаб судралиб борди-ю, бежирим ипак салласи бошидан учиб кетди. Аммо Нўён Кўкалдош ёрдамига етиб келганида, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзини ўнглаб оёқда турган эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг бундай ботирлиги ва кўрқмаслиги билан ўз атрофидиги бошқа кишиларга ҳам намуна кўрсатар эди.

Бунга бир неча ибратли мисол:

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳарбий юриш бошлаган пайтда қаттиқ совуқ эди. Совуқ шундай зўр эдики, ҳатто Заҳириддин Муҳаммад Бобур қўшнидан бир неча киши совуқдан котиб ўлади. Шунда Бобур анҳорнинг музини синдириб, 16 марта шўнғийди. Бобур бу билан инсон организмни бардоши чексиз эканлигини ўз жангчиларининг кўзи ўнгида исботлайди. Натижада қўшин орасидаги умидсизлик ўрнини ўз саркардаларига бўлган ишонч эгаллайдики, бу Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳарбий юришларидаги эришган ғалабаларнинг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур моҳир чавандоз бўлганлиги сабабли ўзининг икки-уч одами билан душманнинг бутун бир тўдасига қарши жанг қилиб, ғалаба қозонган вақти кўп бўлган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёшлигидан ҳар томонлама машқ қилганлиги учун бақувват, жасур ва истеъдодли бўлган. Ҳарбий санъатга ҳам жуда қизиққан. Яна унда ҳарбий санъатга табиий истеъдод бўлган. У табиатдан кўрқув ва саросима нималигини билмаган. Инглиз олими Эдуард Холдин (XIX аср) Бобурга баҳо бериб: “Бобур инсонлар ичида энг ботиридир”, - дейди. Бошқа бир рус олими Петерберг университетининг профессори Н.И.Веселовский (XIX аср) шундай дейди: “Айтиш мумкинки, Бобур ботирлигининг чеки

бўлмаган: унинг бутун ҳаёти жасорат намуналари билан тўлиб-тошиб ётибди. Фақат угина ўзининг икки юз кишилиқ саркардалари ёрдамида Шайбонийхоннинг 15 минглиқ аскарлари мустақамланиб олган Бухорога ҳужум қилишга журъат эта олади; фақат журъат этибгина қолмади, балки қалъадан ҳайдаб юборади. Унинг империясининг асосланиши олайликчи, Бобур Иброҳим Лудий кўлидан қудратли Ҳиндистонни ҳеч нарсага арзимайдиган қурол ёрдамида тортиб олган” [4, 408].

Заҳириддин Муҳаммад Бобур куч-қувватли ва иродали бўлган. Чўлу биёбонларни, тоғу-тошларни кўп кезган, кизик-кизик воқеаларни бошдан кечирган. Масалан, Даҳкатдаги тоғларни қандай сайр қилгани ҳақида: “Аскар яланг оёқ юрур эдим. Яланг оёқ кўп юргандин оёқларим андоқ бўлиб эдиким, тоғ ва тош тафовут қилмас эдим”, - деб ёзади. Шунингдек, у ов қилишни яхши кўрган, аъло даражада мерган бўлган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг лашкарбошилари жисмоний спорт мусобақалари жангчиларнинг маҳорати ва жасорати ҳал қилар эди.

Ўрта Осиё халқлари ўртасида от мусобақалари жуда кенг тарқалган эди. Илк болалиқ чоғиданоқ от миниб бу ерда яшовчи деярли ҳар бир кишининг туғма, одатий иши ҳисобланган. Наврўз байрамларида полвонларнинг курашлари, шунингдек, анъанавий якка олишувлар ўтказиларди.

Ўрта Осиёда яшаган халқлар ўзининг тарихий тараққиётида оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтган. Жумладан, бу халқлар ҳаётидан мустақил ўрин олган жисмоний маданият ва спорт ҳам қонли воқеалар бўронида, ташқи душманларнинг жуда кўп маданий бойликларни яқсон этувчи ўзаро урушлар ва қирғинлар, меҳнатқашларнинг ажнабийлар зулмига ва маҳаллий эксплуататорларга қарши курашлар алангаларида тобланган. Ҳукмдорларнинг бири келиб бири кетган. Халқ эса қолаверган: халқнинг Бобурга ўхшаган энг яхши фарзандлари ўз ўтмиш анъаналарини давом эттирган, янгидан янги, моддий ва маданий бойликларни ярата берганлар, ҳарбий санъатини, жисмоний маданиятини тараққиёти учун қайғурган. Бобурнинг кўп қиррали фаолиятидаги ижобий томонларини учун ота-боболаримиз доим кадрлаб келганлар.

Хулоса қилиб айтганда, аждодларимиз руҳий олами ва қаҳрамонликлари ёш авлодни руҳан етук ва маънан баркамол этиб тарбиялашда муҳим ўринга эга. Қайта-қайта бу буюқ зотлар ҳаёти ва ижодий фаолиятига мурожаат этар эканмиз ўзимизда руҳан куч ва ғайрат топаверамиз.

Биз ҳам уларни инсоният маданиятининг маънавий соҳаларигагина эмас, жисмоний маданиятига ҳам теран кўз билан қараган инсон сифатида ҳамиша кадрлаймиз. Зеро, Ўзбекистонда мустақилликдан сўнг тараққий этаётган кураш, футбол, чавандозлик, мерганлик, чимли хоккей каби спорт ўйинлари тарихини аждодларимиздан ўрганишимиз керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбек педагогикаси антологияси. 1 жилд// Тузувчи-муаллифлар: К.Ҳошимов, С.Очил. –Т.: “Ўқитувчи”, 1995й. –Б.215.
2. Ўзбек педагогикаси антологияси. 2 жилд// Тузувчи-муаллифлар: К.Ҳошимов, С.Очил. –Т.: “Ўқитувчи”, 1999 й. –Б.56.
3. Х.Аликулов “Ўрта Осиё ва Хуросон маърифатпарварларининг ахлоқий этник фикрлари” Т.: 1992 й. 87-89 б.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т.: “Фан”, 2019. –Б.408.

YOSHLARNI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHDA BOBUR MIRZO SHE'RIYATI VA G'AZALLARIDAN FOYDALANISH

Hotamov Sh.N.

O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy texnik instituti dotsenti

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 24 avgustidagi "Atoqli adiblar va mutafakkirlarimiz ijodiy merosini yoshlar o'rtasida targ'ib qilish hamda Adiblar xiyobonidan samarali foydalanish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 502-sonli qarorida belgilangan vazifalar ijrosi yuzasidan Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti va faoliyati, harbiy mahoratini o'rganish va keng miqyosda targ'ib etish maqsadida Bobur hayoti va ijodi, o'lmas asarlari, boburiylarning Hindiston taraqqiyotidagi o'rni va roli nihoyatda katta ekanligi yoshlar o'rtasida keng targ'ib etilmoqda.

Bobur Mirzo she'riyati uning ko'nglida nihon saqlangan tuyg'ularining salohiyatli shoir qalamida sayqallashtirilgan badiiy in'ikosidir. Bu she'riyat Sharq mumtoz adabiyotining Nizomiy Ganjaviy, Amir Xusrav Dehlaviy, Mavlono Lutfiy, Alisher Navoiy singari yetuk shoirlari nazmiy an'alarining o'ziga xos davomi hamda boburona uslubdagi takomili bo'lishi bilan nihoyatda qimmatlidir. Bu ulug' so'z san'atkorining nazmiy yaratmalari XVI asrning yirik muarrixlari Mirzo Haydarning «Tarixi Rashidiy» asari hamda shu davrda yashab ijod etgan adabiyotshunos Hasanxo'ja Nisoriyning «Muzakkirul ahhob» tazkirasida nihoyatda yuksak bahoga munosib ko'riladi. Zamondoshlari turkiy she'riyatda Alisher Navoiydan so'ng biror shoir Bobur Mirzochalik go'zal badiiy durdonalar ijod etolmaganligini e'tirof etishadi. Bizningcha, ulug' shoirning she'riy merosi quyida keltirilgan faxriya baytidagi fikrga uzukka ko'z qo'ygandek mosdir:

Iroq-u forsga gar etsa sening bu shearing, ey Bobur,
Oni hifz etkusi Hofiz, musallam tutqusi Salmon.

Bobur Mirzoning manzum asarlari lirik turning turli janrlarida ijod etilgan devoni, shuningdek, «Mubayyin», «Volidiya» singari masnaviylaridan iboratdir. Manbalarda qayd etilishicha, shoirning she'riy merosi jamlanib, ikki devon holida tartib berilgan. Ularning bin 1519-yilda Kobulda tuzilib, o'sha vaqtning o'zida Samarqandga yuborilgan Kobul devoni, ikkinchisi esa 1528- 1529-yillarda tartib berilgan Hindiston devonidir. Bu ikki devon keyinchalik bir devon holiga keltirilgan bo'lishi mumkin. «Bobumoma»ga ilovayozgan noma'lum kotibning quyidagi qaydlari shunday xulosaga kelishga imkon hosil qiladi: «... nazm va nasr va turkiy va forsiyni bebadal aytur erdi. Alalxusus turkiy devoni bordurkim, anda toza mazmunlar topib aytibtur...» (460-bet). Bobur Mirzo devoiilarining qo'lyozma nusxalari Parij Milliy kutubxonasida, Hindistonning Rampur shahridagi «Rizo» kutubxonasida, Haydarobodidagi «Salarjang» muzeyi xazinasida, Erondagi «Saltanat» kutubxonasida va Turkiyada mavjud. Mazkur qo'lyozma nusxalar asosida ingliz olimi Renison Ros (1910 yil), turk olimi Fuot Ko'pruluzoda (1912-1913-yillar), rus sharqshunosi A.N.Samoylovich (1917-yil), o'zbek olimlari S.Azimjonova va A.Qayumov (1958, 1965-yil), Saidbek Hasanov (1982-yil) A.Abdug'afurov (1994-yil)lar shoirning she'riy merosini nashr etishdi. 1993-yilda S.Hasanov Bobur Mirzoning Parij devoni nusxasini «Mahrami asror topmadim...» nomi bilan chop etdi. Olimning ta'kidlashicha, ushbu devon nusxasida shoir hayotining O'rta Osiyo davrida ijod etilgan she'rlari o'rin olgan. Shuningdek, 1983-yilda afg'onistonlik olimi Shafiqa Yorqin tashabbusi bilan ulug' shoirning she'rlari Kobulda «Devoni Zahiriddin Muhammad Bobur» nomi bilan ham nashr etildi. Keyinchalik adabiyotshunos A.Abdug'afurov ana shu nashr asosida «Zahiriddin Muhammad Bobur. Devon» (Toshkent: «Fan», 1994) asarini e'lon qildi.

Bobur Mirzo devonida Sharq she'riyatining g'azal, ruboiy, tuyuq, masnaviy, qit'a, fard, muammo kabi janrlarida ijod etilgan she'rlar jamlangan. Ular orasida g'azal, ruboiy, tuyuq janrida ijod etilgan she'rlar alohida ahamiyat kasb etadi. Shoirning nazmiy asarlari, jumladan, g'azallarida

an'anaviy ishq mavzui yetakchilik qiladi. Ijodkorning ma'shuqa ta'rif-tavsifi, hijron iztiroblari, visol umidi, she'r qahramonining turli ruhiy holatlari tasviriga bag'ishlangan oshiqona g'azallarida muallif sohir musawir yanglig' she'rxon ko'z o'ngida turli manzaralarni namoyon eta oladi. Undagi so'z sehri, misralarning quyma va ravonligi, uslubning soddaligi, o'quvchiga badiiy zavq bag'ishlaydi. Jumladan, Bobur Mirzo ishq balosining har dam jafo keltirishini ta'kidlagani holda, undan ayri tusholmasligini quyidagicha badiiylashtiradi:

Baloi ishqki, har dam manga jafoyedur,

Bu ishqdin kecha olmon ajab baloyedur.

«Ajab baloye» tarzida ta'riflangan ishq she'r qahramonining taqdirida bitilgani bois uni hijron iztiroblari bilan qarshilantiradi. Bu iztiroblarning nihoyatda mubolag'ali tasviri ma'shuqa ishqida o'rtanayotgan oshiqning ruhiy holatini yanada teranroq idrok etishga imkon yaratadi:

Hajr o'turdi meni, anglasam erdi muncha,

Do'stlar, yordin ayrilmas edim oiguncha.

Zohido, do'zax o'tindin meni ne qo'rqutasen,

Hajr o'ti qoshinda ko'rmasmen ani uchquncha,

Ul Quyosh mehrini bir zarra manga ko'rguzmas,

Kavkabi ashk to'kub boisam garduncha.

Husnda ortuq agar boisa yuzi Laylidin,

Men taqi bormen aning ishqida yuz Majnuncha.

Bobur Mirzo she'riyatida yorqin namoyon bo'lib turuvchi fazilatlardan biri shundaki, shoir so'zlarning turli ma'no qirralaridan mahorat bilan foydalanadi. Yuqoridagi g'azalning matlaidayoq shunday holat ko'zga tashlanadi. Ijodkor «Hajr o'ti o'turdi meni» deganda, she'r qahramonining ayriliq azobidan afgor bo'lishi, tanining majruhlanib tamomila holdan toyishini nazarda tutadi. Zero, o'lgan odamning o'z qotili hajr ekanligini «anglashi» mantiqqa zid, shuningdek, hajr o'tidan nolib do'stlariga «o'limi» sababini bayon qilishi ham o'sha hayotiy tamoyilga mos emas. Aksincha, ikkinchi baytda hajr va do'zax o'tining o'zaro muqoyasasi asosida oshiq ruhiy holatidagi aftodalik tasvirining she'rxon ko'z o'ngida yorqin gavdalanishiga erishish shoir mahoratining yana bir olmos qirrasidir. Mazkur baytda zohidga murojaat etilishidan ayonlashadiki, Bobur Mirzo she'riyatidagi asosiy qahramon hisoblangan oshiqning himmati baland. Uning nazarida hajr o'ti oldida do'zax o'ti bir uchquncha ham emas. Zohid do'zax azobidan qo'rqqani bois jannat tamaida toat-ibodat bilan mashg'ul bo'lsa, she'r qahramoni hajr azobidan zaiflashib nochor bir ahvolga tushgan bo'lsa ham, ma'shuqa diydoridan bahra olishdan umidini uzmaydi. Gardun ma'shuqasi Quyoshning mehrini (jamolini) ko'ra olmagan bois tunda kavkabmisol yoshlarini to'ksa, oshiq shunday iztirobni ma'shuqasi hajrida boshidan kechiradi. Quyoshni ma'shuqa ma'nosida qo'llash shoirga istiora asosida hayotiy tamsilni she'r qahramoni holatiga tashbeh qilish imkonini yaratadi. Natijada baytda hosil qilingan hajrning mubolag'ali tasviri she'rxon tuyg'ularini jumbushga keltiradi. To'rtinchi baytda yor go'zalligi Laylidan ortiq darajada ko'rsatilsa, uning ishqida yongan oshig'i ham yuz Majnun bilan raqobat qila olishga qodir timsol maqomida ishqda sobit bo'la olishi badiiylashtirilgan. Keltirilgan talmeh ishq yo'lida Majnun bilan hammaslak boigan she'r qahramonining o'rni kelganda hajr iztiroblarini nazaiga ilmay maslakdoshini ham ortga qoldira olish fazilatiga ega ekanligini badiiy ifodalashga xizmat qildirilgan. Beshinchi baytda qo'llanilgan Rind va Xizr timsollari ishqning muqaddasligini she'rxonga yanada teranroq anglatishga imkon paydo qiladi. Undagi «mayi gulgun» majozan – ishq, Xizr alayhis-salom rindlarga maqtagan «hayvon suyi» esa mangulik, abadiy hayot ramzidir. Yashirin inkor ma'nosini ifodalovchi ikkinchi misradagi savolning o'zidan ayonki, mangulik suvining qadr-qimmatini ishqdagi shavq-u zavqqa teng bo'lolmaydi. Mumtoz badiiy adabiyotning faol timsollaridan biri bo'lgan rindda ishq iztiroblaridan

zavqlanish hissi baland. Uning tabiatidagi o'sha ko'tarinkilik ishqni may timsolida qo'llash bilan ifoda etiladi. G'azalning maqtai Bobur Mirzoning o'ziga xos faxriya baytidir. Shoir bu she'rni eshitgan shoh – ma'shuqa uning qadrini yashiringan durga loyiq ko'rishini ishonch bilan e'tirof etadi. Sharq mumtoz adabiyoti an'analari uslubida ijod etilgan mazkur g'azalda shoir zohid, rind, Xizr singari badiiy timsollardan sohir so'z san'atkori sifatida foydalanib, hajr iztiroblaridan o'rtanayotgan, ayni choqda, ma'shuqa visolidan noumid bo'lmagan she'r qahramonining ruhiy holatini katta mahorat bilan tasvirlay olgan.

Alisher Navoiy g'azalida ma'shuqaning ko'zi, yuzi tilga olinib, vasf etilsa, Bobur Mirzo tasvir nuqtalarini ma'shuqaning sochiga qaratadi. She'r qahramoni ko'ngliga «balo» bo'lgan «qora soch» o'zining «ajoyib»hgi bilan ajralib turadi. Agar unga shunday sifat bo'lmasa edi, «balo» so'zi o'zida ijobiy ma'no mujassamlashtirmasdi. Natijada siniq, majruh holda bo'lgan ko'ngulda «qaro» bo'lgan «balo soch» ma'shuqaning jafakorligini she'rxon ko'z o'ngida gavdalantirgan bo'lardi. Holbuki, she'r qahramoni har ikkala misrada ham ma'shuqaga tushgan ishqining sababkori sifatida uning qop-qora sochlarini nazarda tutadi. Baytda qo'llangan tardi aks badiiy san'ati unga o'zgacha joziba baxsh etgan. Birinchi misradagi «balo, qaro» so'zlari keyingi satrda «qaro balo» tarzida takrorlanib, ishq iztiroblarining ma'shuqa sochlari yanglig' «balo» va «qaro» ekanhgi o'z ifodasini topgan. Sochning qorahgi uning maftunkorligiga ishora bo'lsa, ishq iztiroblarining qoraligi oshiqning qismatida ulardan jabr ko'rish bitilganligidan darak beradi. Baytda dastlab ishq iztiroblarining istiorasi bo'lib kelgan «balo» so'zi oshiq ko'ngliga qanchalik ozor yetkazmasin, undan ayri tushishning o'zi falokat boiganligi bois undagi «ajoyib»likka urg'u berilgan. Keyingi misradagi «balo» esa «qoyil qolarh» ma'nosini o'zida mujassamlashtirib turibdi. Zero, ko'ngli qattiq ozor ko'rgan kishining qalbida ishq iztiroblarini sola olgan maftunkor sochga qoyil qolmasdan iloj yo'q. Bobur Mirzo g'azaliyotida tez-tez murojaat etilgan badiiy timsollardan biri-sochdir. Shoir ko'pincha she'r qahramonining ruhiy holati bilan sochning sifatleri orasida uyg'unlik topishga intiladi:

Sochining savdosi tushti boshima boshdin yana, Tiyra bo'ldi ro'zg'orim id qaro qoshdin yana. Baytda ko'p ma'noli so'zlarning turli ma'no qirralaridan mahorat bilan foydalanilganligi «sochining savdosi», «boshima boshdin» birikmalarida yaqqol namoyon bo'lgan. «Sochining savdosi», shubhasizki, ma'shuqaning ishqidir. «Boshima» so'zida sevikli ishqining oshiq taqdirida uchragani nazarda tutilgan bo'lsa, «boshdin» so'zida esa «qaytadan, takror» ma'nosi o'z ifodasini topgan. Ishtiyoq badiiy san'ati vositasida qo'llaniladigan o'zakdosh so'zlarning matnda alohida-alohida yangi ma'no anglatishi, «sochining savdosi» birikmasining ko'chma ma'noda qo'llanishi she'rxonga o'zgacha zavq bag'ishlaydi. O'sha ma'shuqasining ishq oshiq ko'nglida qayta alangalanganligi bois she'r qahramonining hayoti «ul qaro qoshdin yana» tiyra bo'ladi. Ma'shuqaning «soch»i va «qosh»idagi maftunkorlik ulaming qoraligida namoyon bo'lgan bo'lsa, oshiq hayotining tiyraligi uning boshiga tushgan musibatlarda o'z aksini topgan. Ko'rinadiki, shoir qora rangni ham go'zallik, ham musibat ma'nosida qo'llab baytda tazod badiiy san'atining o'ziga xos namunasini vujudga keltirgan.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkunki, Zahiriddin Muhammad Bobur o'rta asr Sharq madaniyati, adabiyoti va she'riyatida o'ziga xos o'rin egallagan adib, shoir, olim bo'lish bilan birga yirik davlat arbobi va sarkarda hamdir. Bobur keng dunyoqarashi va mukammal aql-zakovati bilan Hindistonda Boburiylar sulolasiga asos solib, bu mamlakat tarixida davlat arbobi sifatida nomi qolgan bo'lsa, serjilo o'zbek tilida yozilgan “Boburnoma” asari bilan jahonning mashhur tarixnavis olimlari qatoridan ham joy oldi. Uning nafis g'azal va ruboiylari turkiy she'riyatining eng nodir durdonalari bo'lib, “Mubayyin” (“Bayon etilgan”), “Xatti Boburiy”, “Harb ishi”, Aruz haqidagi risolalasi esa islom qonunshunosligi, she'riyat va til nazariyasi sohalariga munosib hissa bo'lib qo'shildi.

“Boburnoma” – adabiy va tarixiy ahamiyatga molik asar. Unda o‘z davridagi ko‘plab kishilarning turli vaziyatlardagi kechinmalari, Osiyoning ko‘plab tog‘lari, daryolari, o‘rmon va cho‘llari, iqlimi, aholisi, ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy ahvoli haqidagi ma’lumotlar jamlangan “Boburnoma” – o‘zbek nasrining go‘zal namunasi. Ungacha Yusuf xos Hojibning “Qutadg‘u bilig” asari muqaddimasida, Rabg‘uziy ijodida nasr namunalari uchrar edi. Alisher Navoiy uni yuqori pog‘onaga olib chiqdi. Biroq “Boburnoma” bu borada o‘zbek nasrining o‘ziga xos kashfiyoti sifatida yuz ko‘rsatdi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Abdug‘afurov A. Bobur she‘riyati. Bobur. Devon. –T.: Fan, 1994, 3-14 –betlar.
2. Adizova I. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi. (XVI-XIXasr I yarmi) -Toshkent, Fan, 2006. - 240 b.
3. Zahriddin Muhammad Bobur, “Boburnoma”. Toshkent, 1989, 271-bet.
4. Zahiriddin Muhammad Bobur. Devon. -T.: Fan, 1994.
5. U.Erskin. Bobur Hindistonda.Toshkent. Cho‘lpon nashriyoti.1995-yil. 6-bet.
6. Valixo‘jaev B., Tohirov Q. O‘zbek adabiyoti tarixi. XVI asr. – Sam.: SamDU nashri, 2002.
7. Vohidov R., Eshonqulov H. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. -Toshkent: Yangi asr, 2006.
8. Yulduzli tunlar (roman). Pirimqul Qodirov www.ziyouz.com kutubxonasi 192.
9. O‘zbek adabiyoti tarixi. 5 tomlik. 3-tom. - T.: Fan, 1978.

ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР – БУЮК МАДАНИЯТ, ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ШАРҚОНА ОДОБ ВА АҲЛОҚ ТИМСОЛИ

Ходжаева Н.И.

Бухоро шаҳар 1-мактаб ўқитувчиси

Адабиёт, нафис санъат, табиат гўзаллигига ёшлигидан меҳр қўйган Заҳириддин, барча Темурий шаҳзодалар каби бу илмларнинг Ҳар бир халқнинг тарихий, маданий-миллий кифасини аниқ белгиловчи улуғ шоҳлари, буюк олимлари, йирик адиб ва шоирлари бўлади. Инсониятнинг абадиятга мансуб ана шундай буюк фарзандлари сафида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўз ўрнига эга. Кишилиқ тарихида Бобурчалиқ шахсий имкон, иқтидор ва фазилатлари бекиёс кишилар жуда кам учрайди. Бобур — буюк подшоҳ, мумтоз шоир, назариётчи адабиётшунос, фақиҳ, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони сифатида кўп қиррали фаолият ва ижод соҳиби эди. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов улуғ бобомиз, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур хақида фикр билдирар экан, “Бобур биз учун том маънодаги буюк маданият, олий даражадаги шарқона одоб ва аҳлоқ тимсолидир”, - деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, Бобур – буюк подшоҳ, мумтоз шоир, назариётчи адабиётшунос, фақиҳ, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони сифатида кўп қиррали фаолият ва ижод соҳиби бўлган. У қисқа умр кўрган бўлсада, сержило шеърларидан ташқари, жаҳонга машҳур “Бобурнома”, “Мубаййин”, “Ҳарб иши”, “Хатти Бобурий”, “Аруз рисоласи” каби асарлар яратиб, келажак авлодлар учун катта мерос қолдирди. Биргина “Бобурнома”да 30 яқин фан соҳалари бўйича аниқ илмий маълумотлар жамлангани фикримиз далилидир. Унда муаллифнинг ҳаёти, дунёқараши, яшаш тарзи ҳам чиройли далил ва бўёқларда берилган. Шоҳ ва шоирнинг кузатувчанлиги, атрофдаги барча ўзгаришлар, табиатнинг нодир воқеалари, жумбоқ ва мўъжизаларини ўрганмагунга қадар изланавергани

кишини ҳайратга солади. Эҳтимол, Бобурнинг ана шу хислати ва қарашлари “Бобурнома”га шуҳрат келтирган ва бу асар ҳозир ҳам олимлар диққат-марказида бўлиб келмоқда.

Бобурнинг улкан санъаткорлиги шундаки, шахсий кечинмаларини жиддий умумлашма даражасига кўтара олади ва натижада асарларида олға сурилган ғоялар, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилади. Бобур ижодида, хусусан, шеъриятида киндик қони тўкилган она юртини дил-дилдан қўмсаш, унинг тупроғига талпиниш, ғариблик азобларидан ўтли ҳасрат, ёру диёр соғинчи ва висол илинжи, тақдир зарбалари ва турмуш уқубатлари, замона носозликларидан нола, бадий таҳлил этилади. Толёй йўқки жонимға балолоғ бўлди, Ҳар ишниким, айладим хатолиғ бўлди, Ўз ерин қўйиб Ҳинд сори юзландим, Ёраб, нетайин, не юз қоролиғ бўлди. Бобур ижодида ишқ-муҳаббат, севги-садоқат, висол ва хижрон мавзуи ҳам салмоқли ўрин тутади. Унинг ғазал ва рубоийларида, туюқ ва маснавийларида маъшуканинг мафтункор гўзаллиги, бекиёс ҳусну-латофати, шарқона одобу-ахлоқи, нозу-қарашмаси енгил ва ўйноқи, мусиқий ва равон мисраларда катта маҳорат билан тараннум этилади. Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим, Кўруб раҳм айлагил, эй лола рух, бу чехраи зардим. Сен эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек харгиз, Аёғингга тушуб барги хазондек мунча ёлвордим. Бобурнинг ўз шеърий асарларини тўплаб, девон ҳолига келтирган санани кўрсатувчи аниқ тарихий маълумотлар маълум эмас. Аммо “Бобурнома”нинг 1518—19 йиллар воқеалари баёнига бағишланган фаслида Бобур девонини Кобулдан Самарқандга юборганлиги тўғрисида сўз боради. Демак, шу йилларда унинг девонига тартиб берилган ва мазкур девон Мовароуннаҳрда ҳам тарқалган.

«Бобурнома»нинг котиби Бобурнинг улуғ подшоҳларга хос саккиз шахсий фазилатини қайд этган:

«Ва маҳолдурким, ул подшоҳи қобилнинг яхшилиғларини айтган билан ва битиган билан тугангай.

Лекин мужаммал буким, секкиз сифати асил анинг зотиға муттассил эди: бириси буким, нажҳати баланд эди;

иккимчиси, ҳиммати аржуманд эди; учимчиси, вилоят олмоғ; тўртумчиси, вилоят сахламоғ;

бешумчиси, маъмурлуғ; олтимчиси, рафоҳият нияти Тенгри таоло бандалариға; еттимчиси, черикни кўнгли(ни) қўлға олмоқ; секкизимчиси, адолат қилмоқ».

(Матн табдили: «У қудратли подшоҳнинг яхшиликларини айтган билан ва ёзган билан тугатиш маҳолдир. Лекин қисқаси буки, саккиз асл сифат унинг зотиға хос эди: бири буким — иқболи баланд эди; иккинчиси — ҳиммати юксак эди; учинчиси — вилоят олмоқ; тўртинчиси — вилоят сақламоқ; бешинчиси — маъмурлик; олтинчиси — Оллоҳ бандаларига фаровонлик нияти; еттинчиси — лашкар кўнглини қўлға олмоқ; саккизинчиси — адолат қилмоқ».) [3; 98]

Буюк тарихий сиймо сифатида Бобур шахси Европа ва АҚШ шарқшунос-тарихчи олимлари диққат-еътиборини ўзига жалб этган. Инглиз тарихчиси Эдуард Ҳолден, аввало, Бобурни машҳур Юлий Сезар билан қиёслашни лозим топади: «Бобур феъл-атвориға кўра Сезарга қараганда севишга арзигуликдир. Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган».

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг болалик ва ўсмирлик йиллари ҳақида роман ёзган «Бобурнома»нинг инглиз таржимони Уилям Эрскин Бобурни Осиё подшоҳларига қиёсан шундай баҳолайди: «Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли муғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди».

Бобурнинг улкан санъаткорлиги шундаки, шахсий кечинмаларини жиддий умумлашма даражасига кўтара олади ва натижада асарларида олға сурилган ғоялар умуминсоний кадриятлар даражасига кўтарилади. Бобур ижодида, хусусан, шеъриятида киндик қони тўкилган она юртини дилдилдан кўмсаш, унинг тупроғига талпиниш, ғариблик азобларидан ўтли ҳасрат, ёру диёр согинчи ва висол илинжи, тақдир зарбалари ва турмуш уқубатлари, замона носозликларидан нола бадий таҳлил этилади.

Бобур ижодида ишқ муҳаббат, севги садоқат, висол ва ҳижрон мавзуи ҳам салмоқли ўрин тутди. Унинг газал ва рубоийларида, туюқ ва маснавийларида маъшуканинг мафтункор гўзаллиги, беқиёс хусну латофати, шарқона одобу ахлоқи, нозу карашмаси енгил ва ўйноқи, мусикий ва равон мисраларда катта маҳорат билан тараннум этилади.

Ҳиндистон юришлари даври (1521)да Бобур «Мубаййин» асарини яратди. Маснавий тарзида ёзилган, ислом ҳуқуқшунослиги ва шариат акидаларига бағишланган бу асарда Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонга оид ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳаёти бўйича қизиқарли маълумотлар ҳам жамланган. Валиаҳд Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга дастуруламал сифатида мўлжалланган «Мубаййин»да, айна замонда, намоз, закот ва ҳаж зиёрати тўғрисида ҳам шаръий мезонлар баён қилинган. Шу йилларда Бобур Шарқ шеърятининг асосий масалаларидан бири аруз вазни, унинг назарияси ва амалиётига оид илмий рисоласини яқунлайди. Бобур номини дунёга машҳур қилган шоҳ асари «Бобурнома» устидаги ижодий ишини 1518—19 йларда бошлаган (қ. «Бобурнома»).

Бобурнинг уз шеърий асарларини тўплаб, девон ҳолига келтирган санани кўрсатувчи аниқтарихий маълумотлар маълум эмас. Аммо «Бобурнома»нинг 1518—19 йиллар воқеалари баёнига бағишланган фаслида Бобур девонини Кобулдан Самарқандга юборганлиги тўғрисида сўз боради. Демак, шу йилларда унинг девонига тартиб берилган ва мазкур девон Мовароуннаҳрда ҳам тарқалган. Ҳозирда унинг 119 ғазали, бир масну шеъри, 209 рубоийси, 10 дан оптик туюқ ва қитъалари, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фардлари аниқланган. Девони таркибида умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган.[1; 93]

«Бобурнома» — Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон халқларининг XV аср охири — XVI асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўзида акс эггирган бўлса ҳам, шу билан бирга жуда кўп долзарб иқтисодий, ижтимоий масалалар, юқорида номлари келтирилган вилоятларнинг ўзаро сиёсий-иқтисодий ва савдо муносабатлари, жуғрофий мавқеи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғлари, дарёлари, халқлари, қабила ва элатлари ва уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, муҳим тарихий иншоотлари — хиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дафн маросимлари ҳақида ниҳоятда нодир маълумотларни ўзида қамраб олган шоҳ асардир. Шу боис «Бобурнома» тарихий ва адабий мерос сифатида дунё олимларини ҳайратда қолдириб келмоқда.

Узоқ йиллар давомида Ғарб ва Шарқнинг машҳур шарқшунос олимлари «Бобурнома» мазмунини жаҳон жамоатчилигига етказиш борасида катта фаолият кўрсатдилар. Масалан, голландиялик олим Витсен, англиялик олимлар Ж. Лейден, В. Эрскин, Р. Колдекот, А. Беверез, Т. Албот, германиялик Ю. Клайнрат ва А. Кейзер, франциялик Паве де Куртейл, ҳиндистонлик Мирзо Насриддин Ҳайдар Ризви, туркиялик Р. Р. Арт ва Н. И. Баюр ва бизнинг давримиздаги франциялик олим Бакке Громон, афғонистонлик олим Абулхай Ҳабибий, покгонлик олимлар Рашид Ахтар, Надви ва Шоҳ Олам Мавлиёт шулар жумласидандир. «Бобурнома»ни ўрганиш соҳасида жаҳоннинг машҳур шарқшунослари қаторидан япониялик олимлар ҳам жой олмоқдалар.

Маълумки, Бобурнинг тарихий, илмий ва адабий меросини ўрганиш ва оммалаштиришда Ўзбекистон, Тожикистон, Россия олимларининг фаолиятлари ҳам диққатга

сазovorдир. XIX-XX асрлар давомида Георг Кер, Н. Ильминский, О. Сенковский, М. Салье, Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев, В. Зоҳидов, Я. Ғуломов, Р. Набиев, С. Азимжонова, А. Қаюмов каби олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан «Бобурнома» бир неча бор рус ва ўзбек тилларида чоп этилди, уларга сўзбоши ёзилди ва кенг китобхонлар оммасининг маънавий мулкига айлантирилди, унинг шеърлари ҳам бир неча бор нашр этилди. [2; 25-29]

Бобур ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан тарихнавис адиб, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимига ўз ҳиссасини қўшган олим сифатида халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллайди. Унинг назми таърифида тил тутилиб, баён ожиз қолади. Бобурнинг юқорида келтирилган асарларидан ташқари, «Хатти Бобурий», шунингдек мусиқа санъати ва ҳарб ишларига махсус бағишланган қатор рисолалари ҳам бўлган. Аммо кейинги икки асар матни ҳануз топилган эмас. «Хагти Бобурий»да муаллиф араб алифбосини таҳрир этиб, ёзувни соддалаштириш ва осонлаштириш мақсадида уни туркий тил ва талаффуз мезонларига мослаштирган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Исҳоқов Ё. Ўзбек адабиёти ва нақшбандия таълимоти. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2010.
2. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2000.
2. Ҳусайн Бойқаро. Рисола / Нашрга тайёрловчилар А.Рустам, К.Ҳасан. – Тошкент: Шарқ, 1991. – Б. 12

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR MA'NAVIY MEROSINING YOSHLAR TA'LIM-TARBIYASIDAGI O'RNI

Yusupov O.Y.

O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti

Zahiriddin Muhammad Boburning yoshligidanoq ilm-fanga qiziqishi va shoir sifatida kamol topishi kelajakda buyuk inson bo'lib kamol topishida muhim ahamiyat kasb etdi. Uning hokimiyat tepasiga kelishidayoq o'z vatanida, Farg'onada viloyatida maxsus kutubxona tashkil qilishni orzu qilganligini ingliz tadqiqotchisi Vilyam Erskin ham ta'kidlaydi. Bobur butun safarlari davomida, jangu jadallar vaqtida ham ko'plab kitoblarni o'zi bilan olib yurganligi [3, 82] haqida qimmatli ma'lumotlarni keltirib o'tadi.

Bobur Hindistonda hukmronligi boshlanganidanoq ilm-fanning manbai hisoblangan kutubxonalar tashkil etish va kitobdorlik ishlarini yo'lga qo'yishga alohida e'tibor qaratadi. Hindiston shaharlari bo'yab maxsus jarchilar orqali kitoblar sotib olish haqida e'lon qildirdi. Bobur amriga binoan, Amristarda kutubxona uchun birinchi marta maxsus bino qurildi. Sharq tarixida o'sha damgacha kutubxona uchun bino qurilgani ma'lum emas edi. Boburgacha o'tgan podshohlar o'z saroylarida ma'lum xonani kutubxona uchun moslashtirganlar, xolos. Keyincha, Amristardan Dehliga ko'chilgach, ushbu poytaxt shaharda ham kutubxona uchun Bobur maxsus imorat qurdirdi. Bu yangi binoda kutubxona tashkil qilish ishlariga ko'plab miqdorda oltin sarflangan va bu ishlarni tashkil qilishni sevimli ahliylaridan Navbahor begimga topshirgan.

Boburning Dehli va Amristarda tashkil qildirgan kutubxonasidagi barcha to'plangan kitoblar ilmiy yo'nalishi va tili jihatidan maxsus javonlarga joylashtirilgan. Har bir tildagi kitoblar o'z navbatida fanlar bo'yicha ajratilib, maxsus joylarga terilgan. Vilyam Erskinning xabar berishicha, kutubxonada katta bir ro'yxat – daftar bo'lib, jami kitoblar unga alifbo tartibida qayd etilgan. Ushbu

ro'yxat shunday tuzilganki, ma'lum tildagi va fanning biror sohasiga doir kitobni tezlik bilan topish imkoniyati yaratilgan. Bunday tartib Sharqning o'rta asr kutubxonachiligi tajribasida yangilik edi.

Yana bir yangilik shundan iborat bo'ldiki, kitoblar tili va fan sohasi bo'yicha joylashtirilishidan tashqari yana ensiklopedik jihatdan ham alohida ro'yxat tuzilgan edi. Masalan, Iskandar, yoki Buqrot (Gippokrat) nomlari zikr qilingan kitoblarni izlagan kishi uni tezlik bilan topa oladigan bo'lgan.

Ma'lumotlarga qaraganda, bunday uslub ba'zi markaziy kutubxonalarda hanuzgacha ham qo'llanilgan emas [3, 83]. Dehli kutubxonasida Bobur yaratgan yangiliklardan yana biri – maxsus tarjima bo'limining tashkil qilingani edi. Humoyun Mirzo davridan boshlab ilmiy kitoblar tarjimasiga katta e'tibor berildi.

Ayniqsa, Akbar, Jahongir, Shoh Jahon va Avrangzeblar davrida Bobur yaratgan kutubxonaning tarjima bo'limi shunday kengaydiki, ko'zga ko'ringan turli soha olimlaridan mingga yaqin kishi maxsus davlat topshirig'i bo'yicha ilmiy asarlar tarjimasini bilan shug'ullangan. Ularga muttasil ravishda davlatdan maosh to'lab turilgan. Keyincha, Dehlida Bobur asos solgan kutubxona "Hindiston saltanati kutubxonasi" deb atalib, dunyodagi eng yirik kutubxonalardan biri deb hisoblangan.

Ming afsuski, boburiylar sulolasining hukmronligi tugatilib, Hindiston Buyuk Britaniya mustamlakasiga aylangach, "Hindiston saltanati kutubxonasi" talon-taroj qilindi, eng ko'p qismi Londonga tashib ketildi.

Ilgari Bobur kutubxonasida saqlangan bir necha yuz jild kitob hozir Hindistonning Patna shahridagi "Xudobaxsh" nomli xususiy kutubxonada saqlanadi. Bu yerdagi noyob kitoblardan biri Hindistonda o'tgan mashhur xattot Mir Ali tomonidan ko'chirilgan "Yusuf va Zulayxo" kitobi bo'lib, uning bugungi bahosi 100 ming Angliya funt sterlingiga tengdir. Yana bir noyob asar Shayx Muslihiddin Sa'diyning mashhur "Guliston"i bo'lib, bu - muallif dastxati bor nusxadir, shuning uchun ham jahonda eng qimmatbaho kitoblardan sanaladi.

Bobur zurriyotlaridan bo'lgan sultonlar va hukmdorlarning barchasi ilm-fan, adabiyot, she'riyat va musiqa shaydolari bo'lishgan. Shuning uchun bobosi asos solgan kutubxonani o'z navbatida turli fanlarga ajratib, sharq falsafasi va ta'limiga, shuningdek, she'riyatga bag'ishlangan kitoblar bilan boyitishgan. Boburiylar sulolasi davrida ilm-fanning rivojiga bunchalik katta e'tibor berilishi bizning zamonami nuqtai nazaridan go'yo afsonaga o'xshab ketadi. Boburiylar imperiyasining butun jahon miqyosida mashhur bo'lganiga sabablardan biri ham kutubxonachilik ishlarining yaxshi yo'lga qo'yilganligidir [3, 84]. Ma'lumki, o'tgan asrlarda umuman Sharqla hozirgi tushunchadagi kitob chop etish urf emas edi. Barcha kitoblar qulyozmalardan iborat bo'lib, ko'p nusxada san'atkorona ko'chirilar, oralariga turli tasvirlar chizish, rangli bezaklar berish keng tarqalgan edi. Bu ishlarning barchasi qo'lda bajarilardi. Shuning uchun bu ishlarga ko'p vaqt va mehnat sarflanar, bunday qo'lyozma kitoblarning narxlari ham qimmat bo'lar edi. Bobur qayerda o'shanday tasvirli va bezakli ilmiy qo'lyozma kitob ko'rsa va bu haqda eshitsu, har qancha qimmat bo'lsa ham uni sotib olgan va shu tarzda o'z kutubxonasini muttasil ravishda boyitgan.

Masalan, Bobur hayotlik chog'ida Firdavsiyning tasvirli ishlangan mashhur "Shohnoma" asaridan o'n ikkita nusxasini oltinga sotib olgan va kutubxonasiga keltirgan. Keyingi boburiylar davrida ham "Shohnoma"ning noyob nusxalari to'planib, ular adadi 70 taga yetgan. Firdavsiy asarining eng ko'p nusxasi jahon bo'yicha Bobur kutubxonasida saqlanar edi.

Boburdan so'ng taxtga o'tirgan Humoyun Mirzo otasining kutubxonasini ancha boyitgan. U Sharqqa mashhur miniatyurachi va naqqosh Kamoliddin Behzoddan "Tarixi Temuriy" va "Riyoz ul adviya" kitoblariga surat ishlab berishini so'rab kitoblarni Xurosonga yuborgan. Humoyun Mirzo,

xususan, geografiya va ilmi nujum (astronomiya) fanlariga qiziqardi. Shuning uchun o'sha sohaga oid kitoblarni, har qancha qimmat bo'lsa ham albatta sotib olardi.

Xususan, hind muarrixii R.P.Tripathiy "Boburiylar imperiyasi tantanasini uning harbiy qudratida emas, balki o'z siyosatida diniy e'tiqod erkinligini amalga oshirgani hamda madaniy hayotga hissa qo'shganligida", deb biladi [1, 94].

Bobur o'z diniy e'tiqodini e'zozlab, mashoyix va dindorlarni izzatu ehtirom qilsa-da, boshqa din vakillariga ham yuksak hurmat ko'rsatgan va do'stona munosabatda bo'lgan.

Bobur o'z zamonasining zabardast adibi va olimi bo'lganligi samarasi edi, chunki: "U turkiy she'riyatida faqatgina Alisher Navoiydan keyingi o'rinda edi. U sof va nafosatli turkiyda devon tartib etdi. U nazm yo'lida "Mubayyin" atalmish asarni yaratib, shu yo'l bilan ko'pchilik tomonidan foydali deb topilgan islomiy huquqshunoslikka doir ta'limotning muallifi bo'ldi. U shuningdek, Turkiyadagi aruz vazni haqida benazir risola yozdi" [1, 97].

Qolaversa, saroydagi muloqotlar, yig'inlar va bayramlar munosabati bilan o'tkaziladigan marosimlar tasviri o'z davridagi podsholik faoliyatiga doir an'analarning yorqin ifodasi hamdir. Ana shu nuqtai nazardan qilqalam sohiblari chizgan miniaturalar hatto tarixiy hujjatlar sirasiga ham kiradi.

O'tmish adabiyot va tarix, musiqa va san'atdan yaxshi xabardor bo'lgan, diniy ta'limotga chin ixlos qo'ygan Bobur har doim olimu fozillar davrasida bo'ldi, xususan ijod ahliga, kasbu hunar sohiblariga samimiy ehtirom ko'rgazib homiylik qildi, ularni moddiy va ma'naviy rag'batlantirib turdi. Ijod va san'at ahliga bunday mehrlil munosabat aslo bejiz bo'lmagan. Bobur tabiatan ijodkor edi. Yigitlik yillaridan boshlab to umrining oxirigacha samarali ijodiy ish bilan shug'ullandi, har qanday sharoit va vaziyatlarda ham ijoddan to'xtamadi, natijada, har jihatdan muhim boy ilmiy va adabiy meros qoldirdi.

Bobur 18-19 yoshlarida ruboiy va g'azallar yoza boshlagan. Uning "Topmadim" radifli g'azali va "Yod etmas emish kishini g'urbatda kishi" misrasi bilan boshlanuvchi ruboiysi o'sha yillardagi hayoti bilan bog'liq.

Boburning ulkan san'atkorligi shundaki, shaxsiy kechinmalarini jiddiy umumlashma darajasiga ko'tara oladi va natijada asarlarida olg'a surilgan g'oyalar umuminsoniy qadriyatlar darajasiga ko'tariladi. Bobur ijodida, xususan, she'riyatida kindik qoni to'kilgan ona yurtini dildildan qo'msash, uning tuprog'iga talpinish, g'ariblik azoblaridan o'tli hasrat, yoru diyor soginchi va visol ilinji, taqdir zarbalari va turmush uqubatlari, zamona nosozliklaridan nola badiiy tahlil etiladi.

Bobur ijodida ishq-muhabbat, sevgi-sadoqat, visol va hijron mavzui ham salmoqli o'rin tutadi. Uning g'azal va ruboiylarida, tuyuq va masnaviylarida ma'shuqaning maftunkor go'zalligi, beqiyos husnu latofati, sharqona odobu axloqi, nozu karashmasi yengil va o'ynoqi, musiqiy va ravon misralarda katta mahorat bilan tarannum etiladi.

Boburning o'z she'riy asarlarini to'plab, devon holiga keltirgan sanani ko'rsatuvchi aniq tarixiy ma'lumotlar ma'lum emas. Ammo "Boburnoma"ning 1518-1519 yillar voqealari bayoniga bag'ishlangan faslida Bobur devonini Kobuldan Samarqandga yuborganligi to'g'risida so'z boradi. Demak, shu yillarda uning devoniga tartib berilgan va mazkur devon Movarounnahrda ham tarqalgan.

Hozirda uning 119 g'azali, bir masnu she'ri, 209 ruboiysi, 10 dan optik tuyuq va qit'alari, 50 dan ortiq muammo va 60 dan ziyod fardlari aniqlangan. Devoni tarkibida umumiy hajmi 270 baytdan iborat 8 masnaviy ham o'rin olgan.

Hindiston yurishlari davri (1521)da Bobur "Mubayyin" asarini yaratdi. Masnaviy tarzida yozilgan, islom huquqshunosligi va shariat aqidalariga bag'ishlangan bu asarda Movarounnahr va

Hindistonga oid o‘sha davr ijtimoiy-iqtisodiy hayoti bo‘yicha qiziqarli ma’lumotlar ham jamlangan [2,106].

Xulosa qilib aytganda, Zahiriddin Muhammad Boburning ma’naviy merosining yoshlar ta’lim-tarbiyasidagi o‘rni beqiyosdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Nizomiddinov N.G‘. Buyuk boburiylar tarixi (XVI-XIX asr). Monografiya. – Toshkent: “Fan va texnologiya”, 2012. 516 b.

2. Zahiriddin Muhammad Bobur ensiklopediyasi (qaytaishlangan ikkinchi nashr) /Tahrir hay’ati: 3. A.Qayumov va boshq. Bosh muharrir: A.A’zamov. – Toshkent.: “Sharq” NMAK Bosh tahririyati, 2017. – 688 bet.

3. Жалилов С. Бобур хақида ўйлар. Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 82-88.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ВА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ИЖОДИДАГИ ТАСАВВУФИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ЎХШАШЛИКЛАРИ

Умарова И.А.

Тошкент давлат шарқишунослик университети тадқиқотчиси

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур буюк давлат арбоби бўлиши билан бир қаторда, ўзига хос ижод қалами соҳиби саналган ва бир қанча асарлар ёзиб қолдирган. Ўз вақтида “Бобурнома”ни кўчирган котиб, Бобурнинг яхши сифатларидан саккизтасини санаб, улар жумласидан олийҳимматлилик, бунёдкорлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик эканлигини айтиб, мазкур сифатлар мусулмон кишининг, мўмин банданинг сифатларидан ҳисобланади, дейди. Ҳамда: “У назм ва наср ва туркий ва форсийни бебадал айтур эди... мусикий илмидин ҳам хабари бор; бир неча аҳли таъким – улар: олим, ҳаким, уламо, шуаро, табиб, муаррих, умароларким, аларни ушбу Подшоҳ доим–авқот суҳбатдин айру қўймас эрди” [1:267], - деб таъкидлаб ўтган.

Бобур ўзидан илгари ўтган илм аҳли, тарихчи ва шоирларнинг асарларини мутолаа қилган, билимини мунтазам ошириб борган. Тасаввуф аҳлига ҳурмати баланд бўлган ва улар хақида форс тилида ушбу рубоийни битган:

Дарвешонро агар на аз хешонем,

Лек аз дилу жон мўътақиди эшонем.

Дур аст мағўй шоҳи зи дарвеши,

Шоҳем, вале бандаи дарвешонем [1:267].

Мазмуни: Биз дарвешлардан бўлмасак-да,

Лекин жону дил била уларга эътиқод қиламиз.

Шоҳлик дарвешликдан узоқ демагил,

Шоҳмиз, бироқ дарвешларнинг қулимиз.

Бу ерда дарвешлар деганда тасаввуф шайхлари назарда тутилган.

Заҳириддин Бобур шунингдек, йирик тасаввуф намояндаларидан нақшбандия тариқати пири хожа Аҳрор Валийнинг мухлиси бўлган. Анча оғир касал бўлиб қолганида қаттиқ ишонч билан у киши томонидан хожагон-нақшбандия тариқатининг таълимотига бағишлаб ёзилган “Волидия” рисоласини форс тилидан туркий тилга назмда таржима қилади ва тарихда “Қасидаи Бурда” ёзилган пайтда унинг муаллифи фалаж касалидан тузалганини мисол қилиб кўрсатади.

“Ҳазрат Хожа Аҳрорнинг “Волидия” рисоласини назм қилмоқ хотиримға кечди. Ҳазратнинг руҳиға илтижо қилиб, кўнглумга кечурдумким, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, худ нечукким, соҳиби “Қасидаи Бурда”нинг қасидаси мақбул тушуб, ўзи афлаж маразидин халос бўлди, мен доғи бу оризадин қутулуб, назмининг қабулиға далиле бўлғусидур...”[1:346а]

Бобур қисқа муддатда ҳар куни ўн байтдан таржима қилиб, ўн кун ўтгач, яқунлайди ва тез орада касалликдан шифо топади [1:346б].

Тасаввуф шайхларидан Бобур ўзининг тасаввуфдаги пири сифатида Нажмиддин Кубро тасаввуф мактабининг йирик намојандаси хоразмлик Ҳожи Муҳаммад Хабушонийни кўрсатади. Шайх 1517 йил Самарқандга кўчиб келади ва Бобур унга ихлос билан ғойибона кўл бериб ўзининг пири деб ҳисоблайди. Бобур Кобулга келгач, ўзининг махсус, хос кишисини Ҳожи Муҳаммад Хабушонийнинг ҳузурига бўлажак жанглари олдида руҳий мадад ва фатҳ сўраб йўқлаб юборади. Шайхга махсус хат ва ҳадялар ҳам жўнатади. Ҳожи Муҳаммад Хабушоний Бобурнинг хати ва нишонларини олиб уни ўзига шогирд-мурид деб атайди, дуолар қилиб ўз ҳассасини унга бериб юборади. 1527 йили 13 март шанба куни бостириб келаётган Рона Санго қўшинларига қарши юриш олдида Бобур пирининг ҳассасини жойнамоз ёнига қўйиб намоз ўқийди ҳамда астойидил ундан мадад сўрайди [2:100-101].

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадики, Бобурнинг тасаввуфий билими жуда юқори бўлган ва у ҳаётида кўп амалларни тасаввуф қоидаларига амал қилган ҳолда бажарган.

Тарихда Заҳириддин Бобур билан Жалолиддин Румий ҳаёт тарзи ва ижодига назар ташланса, унда тасаввуф анъаналарида ўзаро ўхшашликлар борлигини кузатиш мумкин. Бобур ўзининг туркий аруз назарияси бойитилган муҳим илмий қийматга эга “Аруз рисоласи” (бошқа номлари “Мухтасар” ва “Муфассал”) асарида Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асарида ҳам мисол келтиради ва “Яна Мавлоно Румийнинг “Маснавий”сидаги бу (*ҳажазии мусаддаси маҳзуф*) вазндадур” [3:138а],- деб ёзган. Унинг ушбу фикридан “Маснавий”ни нафақат тасаввуфий жиҳатига эътибор қаратиб ўқиганини, балки унинг адабий таҳлил қилиниши ҳам Бобур томонидан асар тўлиқ ўқиб, ўрганиб чиқилганлигини кўрсатади.

Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асарида “Подшолар кўрар кўзлар равшан бўлсин учун ориф сўфийларни ўзларига ўтру ўтқишигани” номли ҳикояда шоҳлар паҳлавонларни чап тарафга, муншию аҳли қаламни ўнг тарафга ва суфий, шайхларни қаршисига ўтқишигани ҳақида қуйидаги байтлар битилган:

Қаршида-суфий сафолар равзаси,
Чун улар сиймоси-жон ойинаси.
Сийнага сайқал берур зикру фикр,
То кўрунгай кўзгуда нақши бикр.
Ким азалдин бу жаҳоннинг нақшидир,
Олдида ойина бўлса, яхшидир.
Ойина истар гўзалнинг чеҳраси,
Жонга сайқалдир кўнгилнинг нашъаси. [4:1:289]

Мавлоно Румий ушбу байтлар орқали шоҳлар – суфий, шайх ва авлиёларни қанчалик даражада ҳурмат қилганликларини айтиб ўтади ва тасаввуф аҳлининг бу тариқа шоҳлар тарафидан улуғланиши инъикоси Бобурнинг ҳаёти давомидаги амалларда (юқорида кўрсатилган мисолларда) кўринади.

Румийнинг ижодидан яна шоҳларга нисбатан катта талаб қўйилган кўплаб мисолларни келтириш мумкин:

Шоҳ бўлса, юртга огоҳ бўлсин ул,
Хос бўлсин, хоси Оллоҳ бўлсин ул. [4:1:44]

Ушбу байт мазмунидан келиб чиққан ҳолда, унинг амалдаги ижроси Бобурнинг ҳаёти ва ижодида яққол намоён бўлади ва бу ҳақда “Бобурнома”ни кўчирган котиб Бобурнинг подшо сифатида саккизта ҳислатини санаб ўтганида улар орасида олийҳимматлилик, халқпарварлик ва адолатпарварлик ҳислатларини қайд этгани бевосита тасаввуф коидаларига дахлдор ва бунга “Бобурнома”да талайгина мисоллар бор. Бобур унинг қариндошлари, яқин одамлари томонидан унга нисбатан кўрсатилган ноҳақликларни, сотқинликларни кечиради ва уларга ҳеч нарса бўлмагандек, юмшоқ муомала қилади. У ўзининг ҳукмронлик даврида доимо адолатни бош мезон қилиб олган подшо сифатида танилган. Хусусан, Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида ҳам барча бўлган воқеа-ҳодисаларни қандай бўлса шундай, ҳеч нарсани яширмай, очиғича баён этганлигини айтади.

Юқорида келтирилган мўъжаз таҳлил ва мисоллар тарихдаги иккита йирик сиймо – буюк мутасаввуф Мавлоно Жалолиддин Румий ва атоқли подшоҳ, тарихчи, шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётларидаги амалларда ҳамда уларнинг ижодида ўз аксини топган тасаввуфий қарашларда ўхшашлик борлигини англатиш билан бирга, Шарқ маънавий дунёсида ворисийлик анъанаси мавжудлигининг ҳам далилидир. Бугунги кунда, мамлакатимиз илдам тараккий этаётган бир паллада, аждодларимиз маънавий меросидан унумли фойдаланиш жамиятда соғлом ривожланишнинг гарови саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Порсо Шамсиев, Содик Мирзоев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов. Т: “Шарқ” нашриёти, 2002.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси (қайта ишланган иккинчи нашр) / Таҳрир хайъати: А. Қаямов ва бошқ. Бош муҳаррир: А. Аъзамов. – Т.: «Sharq» НМАК Бош таҳририяти, 2017.
3. Захир ад-Дин Муҳаммад Бабур. Трактат об арузе (Факсимиле рукописи) М., «Наука», 1972.
4. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи Маънавий. Биринчи китоб. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 2001.

MUSTAHKAM OILA SHAKILLANISHIDA TEMURIY MALIKALAR IBRATLI HAYOTINI O‘RGANISHNING AHAMIYATI

Zokirjonova S.U.

Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Respublikasi Milliy Universiteti magistranti

Ko‘hna moziydan xabar beruvchi tarix zarvaqalarini varaqlar ekanmiz, ijtimoiy hayotning barcah sohalarida erkaklar bilan bir qatorda buyuk jasorat sohibalarining nomlari ham tarannum etib kelinganligining guvohi bo‘lamiz.

Ayollar orasidan shavkatli hukmdorlar, oqila maslahatgo‘ylar, yetuk donishmandlar, zabardast olimalar, suxandon shoirlalar va zukko san‘atshunoslar yetishib chiqan. Chunonchi,

massagetlar hukmdori To‘maris, qadimiy Palmiraning hukmdori Zinoviya, ispan qirolichasi Izabella, arman malikasi Tamaralar o‘z davrining yetuk siyosatdon hukmdorlari bo‘lganlar.

Garchi bunday hukmdor olim, shoira va donishmand ayollar G‘arbda barmaq bilan sanalsada- Sharq mamlakatlarida ularni ko‘plab uchratish mumkin. Birgina Temur va Temuriylar sulolasiga mansub xotin-qizlardan ayrimlarini sanab o‘taylik: buyuk Sohibqiron Amir Temurning rafiqasi - Saroymulk xonim, Hirotda Shohrux Mirzoning rafiqasi-Gavharshod begim, Xalil Sulton Mirzoning suyukli xotini- Shodimulk og‘o, Sulton Husayn Boyqaroning xotini- Xadicha begim, Umarshays Mirxoning to‘ng‘ich qizi-Xonzoda begim, Zaxiriddin Muhammad Boburning qizi- Gulbadan begim va boshqalar shular jumlasidandirⁱ

Bu asarlarda asl manbalar bilan birga malikalar hayotiga aralashgan rivoyat va xalq og‘zaki ijodi bilan boyitilgan namunalar ham uchraydi. Negaki mashhur shaxslar xoh ular erkak yoxud ayollar bo‘lsin ularning hayotlari, kechinmalari, sevgi sarguzashtlari bo‘lsin manbalardan tashqari albatta rivoyatlarga o‘xshash xalq og‘zaki ijodi ishtirok etadi. Xalq ular faoliyatidagi ulug‘vor tahsinga loyiq ishlarni badiiy to‘qimalar vositasida avlodlardan avlodlarga yetkazadi. Xalqning ma‘naviy-madaniy ehtiyoji shunday bo‘lishini taqozo qiladi. Shu tariqa ular faoliyatining tarbiyaviy-axloqiy jihati kuchaytiriladiⁱⁱ.

Saroy Mulk Xonim Temuriylar davrining malikalari orasida birinchilik mavqeini mustahkam egallagan, Sohibqiron Amir Temurning suyukli malikasidir.

Saroy Mulk Xonim Chingiziylar shajarasiga mansub Chig‘atoy ulusining xonlaridan Qozonxonning nabirasi edi. Qozonxon 1346 yilda o‘zaro taxt talashuvlar tufayli suiqasd oqibatida o‘ldirildi. Saroy Mulk Xonim bu payt endigina besh yoshga qadam qo‘ygan bo‘lib, hukmdor bobosining qanday o‘lim topganligining asl mohiyatini hali anglay olmagan payti edi. Bobosi o‘rniga taxtni egallagan Movarounnahr hukmdori Amir Qazag‘an Qozonxon haramidagi ayollar va qizlarni o‘z qaramog‘iga oladi. Ular orasida yosh qizaloq Bibixonim (Saroy Mulk Xonim) bor edi.

Manbalarda G‘arb olamidan kelgan elchilarni qabul qilganida Saroy Mulk Xonim Amir Temurning yonida boshqa ayollari undan keyin joy olib o‘tirganlari qayd etiladi. Manbalarda shunday bir rivoyatlar keltiriladi. Saroy Mulk xonim xalqining madaniy-ma‘rifiy ravnaqiga o‘z ulushini qo‘shish maqsadida shaxsiy mablag‘i hisobidan oliy madrasa qurdirishini rejalab, bu fikrni Amir Temur mashhur me‘mor va ustalarni bu ishga jalb qiladi. Yirik madrasa qurilishi xom ashyolarni, qurilishga zarur barcha harajatlarni xazinadan emas, balki o‘z hisobidan qoplash maqsadida bobosi Qozonxon sovg‘a qilgan qimmatbaho olmos baldog‘idan bir juftini sotuvga qo‘yadi. Bu baldoq shu tarzda qiymati baland bo‘lganki, madrasa qurilishidan ortib qolgan mablag‘ni o‘zi mudarrislarga maosh tarzida berishga ham yetgan. Madrasa qurilishi boshlanib bir necha oylar o‘tar ekan, Amir Temur bu paytda Hindiston harbiy yurishlarini davom qildirar edi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Turg‘un Fayziyev Temuriy Malikalar (3-4betlar). Toshkent-2018 “O‘qituvchi”
2. Jumaboy Rahimov Buyuk Sarkardalarimizning jahon harbiy san‘atida tutgan o‘rni. VI bo‘lim.

“БОБУРНОМА” АСАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ МАЪНАВИЙ ВА ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Ядгарова Г.Т.

Бухоро вилояти ХТХҚТМОҲМ кафедра мудири, п.ф.н., PhD.

“Бобурнома” энциклопедик асардир. Унда тарихий воқеалар билан бирга табиёт, география, топография, адабиётшунослик, тилшунослик, этнография, педагогика ва фаннинг бошқа соҳаларига доир жуда қимматли факт ва маълумотлар берилган. Бобур мероси ҳар томонлама ва чуқур илмий текширишни талаб этади. Албатта, бу борада бирмунча ишлар қилинган, лекин буларнинг ҳаммаси ҳам бобуршуносликнинг ибтидосидир. “Бобурнома”ни ўрганишнинг илмий-маърифий ва тарбиявий аҳамияти ҳам каттадир.

“Бобурнома” – жаҳон адабиёти манбашунослигидаги муҳим ва ноёб ёдгорлик. Заҳриддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб “Бобурнома” асари ўзбек адабиётида дастлабки насрий мемуар ва тарихий-илмий асардир. “Бобурнома” эски ўзбек (чиғатой) тилида тахминан 1518/19-1530 йилларда ёзилган бўлиб, асар “Бобурия”, “Воқеоти”, “Бобур”, “Воқеанома”, “Тузуки Бобурия”, “Табақоти Бобурий”, “Таворихи Бобурия” каби номлар билан ҳам маълум. Бобурнинг ўзи эса “Вақоъ” ва “Тарих” деган номларни ишлатганлиги манбаларда келтириб ўтилган.

“Бобурнома” бебаҳо асардир. Бу асар Ўрта Осиё, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларининг тарихи, маданияти, этнографияси, турмуш тарзи ҳақида ғоят муҳим маълумотлар беради. Шунингдек, шарқ ҳукмдорларининг давлатни бошқариш усули ва сиёсати ҳақида китобхон аниқ тасаввурга эга бўлади. “Бобурнома” фаннинг бир қанча соҳалари бўйича қимматли материалларга бой шарқ халқлари тарихини, адабиёт ва санъат тарихини ўрганишга ёрдам беради. “Бобурнома”да келтирилган барча маълумотлар, хусусан Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Ҳисор, Чағониён ва Шимолий Афғонистоннинг XV асрнинг 80-90 йиллари ва XVI асрнинг 1-чорагидаги сиёсий аҳволига доир хабарлар ўзининг батафсиллиги билан шу хусусдаги бошқа адабиётлардан тубдан фарқ қилади. Шумладан, маскур асарда 1494-1529 йилларда Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда содир бўлган тарихий сиёсий воқеалар йилма-йил ўта аниқлик билан баён қилинган бўлиб, улар муаллиф ҳаёти ва сиёсий фаолияти билан бевосита боғлиқдир. “Бобурнома” нинг бунчалик эътибор қозонишига сабаб унда реал турмуш муносабатлари ниҳоятда қизиқарли тасвирланганлигидир. Бу машҳур асарга бўлган қизиқиш вақт ўтиши билан сусаймасдан, балки тобора ортиб бормоқда. Ана шу қизиқиш фақатгина асарнинг юксак илмий қиймати билангина эмас, балки юқори савиядаги бадиий қиймати орқали ҳам белгиланади. Асар узок вақт давомида ўзбек ва бир қатор туркий халқлар адабиётида проза жанрининг равнақида жуда катта таъсир кўрсатди. Академик В. Бартольд таъкидлаганидек: «Бобурнома» XVI асрадаёқ ҳаққоний равишда турк прозасининг классик асари» бўлиб тан олингандир[1].

“Бобурнома”да баён қилинган воқеалар жараёнига кўра 3 қисмга: Бобурнинг Мовароуннаҳр (1494-1504), Афғонистон (1504-1524) ва Ҳиндистон (1524-1530) даги ҳукумронлик даврига бўлинади. Биринчи қисмда Бобурнинг отаси темурийларнинг Фарғона улуси ҳокими Умаршайх Мирзо (1461- 1494) хусусида ҳамда Бобурнинг Фарғона тахтига ўтириши (1494, июн), аммо темурийлар давлатида авж олган тахт учун кураш оқибатида ўз улусидан маҳрум бўлиши (XV аср 90 йиллар). Самарқанд учун Шайбонийхонга қарши олиб борган жангу-жадалларининг (1497-1501) беҳуда кетиши ва ниҳоят, тожу тахтдан бутунлай ажраб, Ҳисор тоғлари орқали тахминан 250 навар билан Афғонистонга юз тутиши (1504) ҳақидаги воқеалар батафсил зикр этилган. Иккинчи қисмида Бобурнинг Қобулни забт

этгани, сўнг у ерда мустақил давлат тузгани (1508) Эрон шохи Исмоил Сафавийнинг ҳарбий ерда иш билан Самарқандни яна ишғол қилгани (1511), лекин шайбонийлар (Убайдулло Султон, Муҳаммад Темур Султон ва Жонибек Султон)дан енгилиб (1512), Қобулга қайтгани, кейин эса Ҳиндистонни забт этишда ҳозирлик кўра бошлагани ҳақидаги воқеалар баён этилган. Учинчи қисм эса Бобурнинг Деҳли Султони Иброҳим Лўдийни Панипат жангида мағлуб этиб, Шимолий Ҳиндистонни босиб олгани (1526) ва Бобурийлар давлатини барпо қилгани ҳақидаги маълумотлардан иборат.

Шунингдек, асар муаллифнинг муайян тарихий воқеа ҳақида ҳамда ўзаро душманлик қилган темурийлар – Умаршайх Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд, Бойсунғур Мирзо, Султон Ҳусаин ва бошқаларнинг хулқ-атвори, табиати хусусида билдирган фикр-мулоҳазалари билан ҳам аҳамиятлидир. Ёш китобхон бу асарни мутолаа этар экан навқирон тахт вориси Бобурнинг бошдан кечирганларини тасаввур оламида гавдалантириб, темурийлар сулоласи вакилларининг нақадар унга нисбатан ноҳақликлари ва ўз манфаатлари йўлида кабиҳликларини кўриши мумкин. Муаллиф ўз асарида ҳар бир деталнинг тасвирида ҳолисона муносабатда бўлади. У ҳар бир шахснинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонларини рўйи рост, ҳар томонлама баҳолади. Темурийларнинг қаҳрамонлиги, мардлиги, ижодий ва поэтик қобилиятлари ҳақида гапириб, уларнинг салбий сифатларини ҳам ошқора ёзди. Ёш подшоҳнинг эса мардлиги, жасурлиги ва қолаверса унинг виждони олдида поклиги эвазига чеккан азоблари ўтмишдаги амалдорларнинг тожу тахт учун қавм-қариндошларнинг унга нисбатан меҳрсизлиги натижалари ифодаланган. Асарда юқорида келтириб ўтилган воқеа ходисаларнинг акс этириши жараёни Бобурга хос хулқ-атворидаги сабр бардош, оғир вазминлик, сермулоҳазалик каби хислатлар ёш китобхоннинг тарбиясига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши табиийдир.

Бобир учун ҳам бу учала маҳкама характериладир. Ўз давлати ва армияси эҳтиёжини кондириш учун кишлоқлардан мол-мулк ундириш, Афғонистон ва Ҳиндистон вилоятларига солинган солиқлар, турли шаҳар ва ўлкаларга уюштирилган ҳарбий юришлар ҳамда ўзи забт этган маламкатларда ободончилик учун суғориш тизимини қуриш, кўмилиб кетган ариқ ва зовурларни таъминлаш, боғ-роғлар яратиш ва бошқа ҳар хил қурилиш ишлари бунга мисол бўла олади. Бобур тадбиркор ва фаол давлат арбоби сифатида ўз фикрларининг мустақиллиги ва ҳаққонийлигига интилди. Бу, айниқса, унинг «Бобурнома» сида яққол ўз ифодасини топди.

“Бобурнома” XV аср ўзбек бадиий насрининг ёрқин намунаси сифатида соф бадиий лавҳалар, жонли тасвирлар, анъанавий лирик чекинмаларга бой. Асарда воқеа-ходисалар, сюжет ва қатор образлар аниқ бир қаҳрамон, яъни Бобирнинг ўз образи атрофида мужассамлашган. Асарнинг бадиийлигини ошириш учун муаллиф мақол, матал ва ҳикматли сўзларга жиддий эътибор берган ҳолда, фақатгина уларнинг бадиийлиги эмас, балки ижтимоий аҳамиятига кўра ҳаётдан олиб ишлатади. Муаллифнинг ўз шахсий турмушини ва ҳаётини бир меъёردа ўлчаб, уни тарихий воқеалар билан уйғун ҳолда ёритишдаги тажрибаси нафақат ўзбек, балки ўша давр жаҳон адабиётида ҳақиқатан ҳам улуғвор иш эди. Адабиёт мавзуида бу масалаларни муаллиф янги бадиий-услубий усуллардан фойдаланиб ҳал қилди ва ўзбек адабиётини беқиёс бойитди. Насрий матн ичида келтирилган халқ мақол-маталлари, иборалари, ибратли ўғитлари, шеърий парчалар унинг бадиийлигини янада оширади, ўзида хос жозоба бағишлайди. Бу эса ўз ўрнида асарнинг тарбиявий аҳамиятини янада оширади. Биргина келтирилган ибратли ўғитларнинг ўзида инсон ҳаётида учрайдиган бир қанча муаммоли вазиятларларнинг ечимини топишга ундайди ёки тўғри йўналтиришга хизмат қилади десак муболаға бўлмайди. Айни дамда ёшлар маънавий ахлоқий тарбиясига,

уларнинг шахс сифатида шаклланишида халқ матал мақоллари ўринли қўлланилиб асардаги воқеа ҳодисаларнинг туб моҳиятини англашда замин яратади.

“Бобурнома”нинг инглиз таржимони У. Эрскин асар муаллифи ҳақидаги фикрини шундай баён қилади: «Бобур характерининг энг мислсиз белгиси унинг бошқа ҳукмдорларникига мос келмаслигидадир. Осиё тождорларидаги маҳобатли, сунъий характер ўрнига бизнинг кўз олдимизда Бобирнинг характери табиий, ҳаётий, севувчи, самимий бўлиб гавдаланади. Бобур тахтга ўтирганига қарамай, оддий турмушнинг энг яхши туйғуларини ва иштиёқини ўзида сақлаб қолди. Биз Осиёдаги ҳукмдорлар ичидан Бобур сингари даҳо ва талантли кишиларни камдан-кам учратамиз. Ақлининг фаоллиги ва теранлиги, хушчақчақ совуққонлик ва бевафо тақдирнинг найрангларини писанд қилмай, руҳини тетик тутиши, подшоҳлар орасида камдан-кам учрайдиган саховатлилиги, мардлиги, талантлилиги; фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан олиб қараганда, Осиёдаги подшоҳлар орасидан Бобурга тенг келадиган биронта ҳам подшоҳ тополмаймиз»[1].

“Бобурнома” нинг илмий қийматини юқори баҳолаб, немис таржимони А. Кайзер шундай дейди: «Подшоҳ Бобирнинг «Бобирнома» асари шубҳасиз Осиёиинг тарихи, маданияти ва географияси ҳақидаги энг муҳим асарлардан биридир. Унинг муаллифн шарқ ҳукмдорлари орасида жуда кам учрайдиган билимдон ҳоким ва шоирдир. “Бобирнома” нинг муаллифи ҳар томонлама етук билимдон ва ўта тадбиркордир»[1].

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, воқеийлик ва бадийликни узвий боғланиш зарурати реалистик тарзда Бобир услубининг ривожига имкон берди. Шунингдек, у услуб рационаллиги билан ҳам фарқланади. Бобир умуман, жимжимадор, баланднарвоз ва ҳавойи сўзлардан қочиб, биринчи ўринда мазмунга эътибор берган. У ўз фикрини мухтасар, лўнда, содда ва образли тарзда беришга ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам у жуда аниқ ва қулай сўзларни топиб қўллади.

Бадий-услубий усуллар таҳлили ёрдамида ҳар томонлама воқеийлик ва бадийликнинг диалектик бирлигига эришилгани «Бобирнома»ни ўрганишнинг муҳим ва мураккаб томонларидан биридир. Бу таҳлил фақат назарий эмас, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир, чунки давримиз мемуар жанрининг раванқ топган давридир. Йилдан-йилга ўсаётган фактларга бўлган қизиқиш адабиётнинг бу соҳасининг ҳам ривожига имкон яратди.

“Бобурнома”ни ўрганиш эса фактларни бадий-эстетик фикрлаш манбаига ва мемуар жанрининг негизи ва аҳамиятини чуқурроқ тушунишга ундайди. Шунинг учун ҳам “Бобирнома” асарини тадқиқ қилиш том маънода долзарб масаладир. Фикримизча, даставвал «Бобирнома» да муаллиф аниқ тарихий да лилларни бадий-эстетик чўққига кўтара олди ҳамда поэтик жонли тасвир, илмий аниқ тасвир ва фактлар йиғиндисининг узвий бирлигига эришди. Ўзбек адабиётида “Бобурнома” нинг тарихий аҳамияти юқорида айтилганлар билан чегараланмайди, албатта. Унинг ўзбек адабиётининг кейинги тараққиётига ва қолаверса, ёш авлоднинг маънавий-маърифий тарбиясига ҳам таъсири ҳақида ҳали кўп илмий изланишлар қилинишига ишончимиз комил.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. Т. Шарқ, 2007.
2. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Девон. Т. Фан, 1994.
3. Бобур. Сочининг савдоси тушти. Т. Шарқ, 2007.
4. Бобур. Ғарибинг андижонийдур. Т. Шарқ, 2008.
5. uzedu.uz

YOSHLARNI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHDA BOBUR ILMIY VA MA'NAVIY MEROSINI TUTGAN O'RNI

Suyundikov L.A., Usmonov U.A.

O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti

Zahiriddin Muhammad Bobur haqida juda ko'p gapirish mumkin. Z.M.Bobur o'n ikki ming askar bilan yuz ming kishilik askarni yenggan. O'sha paytda shunday qilish mumkinmidi? Yo'q. Bobomizga nima yordam berdi? Vatanparvarlik, g'urur, iftixor, aql-zakovat.

Sh.M.Mirziyoyev

Turkiy adabiyotning eng mashhur vakillaridan biri, o'zining ijobiy faoliyati va kuchli siyosati bilan dunyo tarixida o'chmas nom qoldirgan buyuk shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Bobur Amir Temurning munosib vorislaridan bo'ldi. Uning avlodlari esa, ko'p yillar davomida dunyo siyosatiga katta ta'sir ko'rsata oldilar. Shu tariqa Bobur ulkan sulola asoschisi sifatida tarixda qoldi. U temuriylar saltanatini saqlab qolish uchun harakat qildi.

Bugungi kunda avlodlarimiz kamoloti yo'lida xizmat qiladigan mumtoz adabiyotimizning muqaddas namunalari chuqur ilmiy talqin etish, jamiyat ongiga singdirishning naqadar muhimligi ayni haqiqatdir. O'zbek xalqi o'tmishda o'tgan ko'plab buyuk daholari bilan haqli ravishda faxrlansa arziydi. Ularning ko'plari nafaqat, o'z diyorida, balki dunyoning ko'plab mamlakatlarida ma'lum va mashhurdir. Ana shunday mo'tabar zotlardan biri Zahiriddin Muhammad Boburdir. Bobur xalqimizga, butun dunyoda qo'rquv bilmas sarkarda, tadbirkor podshoh, mohir davlat arbobi, ayni paytda iste'dodli shoir, adib, donishmand, tarixchi, zukko olim va tarjimonidir. Bobur tarixda umri kurashlar, urush-u g'alayonlar, notinchliklar bilan kechgan shaxs sifatida ham taniqli.

Bobur-lirik san'atkor. Turli-tuman she'riy san'atlardan badiiylikka erishishda, tasvirning real va jonli bo'lishini ta'minlashda ustalik bilan keng foydalandi. U inson qalbidagi hayajon va quvonchlari, iztirob va orzularini butun ko'lami va nozikliklari bilan his etadi, ayniqsa, mo'jaz badiiy lavhalar, jonli sanalar yaratishda shoir katta mahorat namoyish qiladi. Umuman olganda, she'rda g'oyaviy butunlikka erishishni Bobur badiiylkning asosiy shartlaridan biri deb hisoblagan. "Bobur ruboiylari, - degan edi Oybek, -uning poeziyasining cho'qqisidir. Umar Xayyomning ruboiylari kabi uning ruboiylari ham falsafiy fikrlarga boy, shaklan mukammaldir"¹⁰³.

Zahiriddin Muhammad Bobur zabardast shoir bo'lib, u har jihatdan barkamol she'riy meros qoldirgan. Uning badiiy nasrning yetuk namunasi hisoblangan "Boburnoma" asari millat ma'naviy-intellektual hayoti rivojini belgilovchi badiiy barkamol asarlardan hisoblanadi. Bobur yaratgan she'riyatsiz millat ma'naviy-madaniy hayotini tasavvur qilish qiyin. Zero, jamiyat ma'naviyatini yuksaltirish har doim ham badiiy so'z san'atining zimmasida bo'lgan. Shu o'rinda mamlakatimiz birinchi Prezidenti I.A.Karimovning quyidagi gaplarini eslash o'rindidir: "Ma'naviyat haqida gap ketar ekan, men avvalo, insonni ruhiy poklanish va yuksalishga da'vat etadigan, inson ichki olamini boyitadigan, uning iymon irodasini, e'tiqodini mustahkamlaydigan, vijdonini uyg'otadigan qudratli botiniy kuchni tasavvur qilaman". Shu ma'noda, Zahiriddin Muhammad Bobur badiiy merosini o'rganish tadqiqotning dolzarbligini belgilaydi.¹⁰⁴

Umri chet ellarda kechdi. Hayoti Afg'oniston, Hindiston kabi davlatlar bilan bog'liq bo'ldi. Bobur yirik madaniyat arbobi sifatida ma'lum. U yoshligidan ilm bilan shug'ullangani, fors, arab tillarini o'rganishi, adabiyot, tarix, tilshunoslik, adabiyotshunoslik, musiqa va boshqa sohalar bilan shug'ullangani bois ham ma'rifatni anglaydigan, madaniyatli kishi bo'lib yetishdi. U fanning turli sohalariga doir ko'plab asarlar yozdi. Boburning lirik devonlari, "Boburnoma", "Mufassal", "Xatti

¹⁰³ Oybek. Asarlar. X tomlik, 9-tom. Toshkent, 1974. B-174.

¹⁰⁴ Karimov I.A. O'zbekiston XXI asrga intilmoqda. - T.: O'zbekiston, 2000. - B. 14.

Boburiy”, “Harb ishi”, “Musiqiy ilmi” islom dini asoslarining bayoni bo‘lgan “Mubayyin”, “Volidiya” tarjimasi va boshqa asarlari uning shuhratini yanada oshirdi. Boburning nozik ta’bi, musiqaga bo‘lgan qiziqishini barcha juda yaxshi bilardi. U farzandlarini ham ilm olishga undar, ular uchun eng yaxshi ustozlardan homiylik qilishni so‘rardi.

Zahriddin Muhammad Bobur o‘z davrining taniqli muallim va murabbiylari rahbarligida ta’lim va tarbiya olgan. Barcha temuriy shohzodalar singari otasi Umarshayx Mirzo saroyida tahsil oldi. Otasi Umarshayx Mirzo 1495 yilda vafot etgach, 12 yoshida uning o‘rniga taxtga o‘tirdi, shiddatli saroy kurashlari girdobida qolib, biron-bir madrasani ham tugatishga imkon va fursati bo‘lmasada, adabiyot, nafis san’atining chinakam shaydosi bo‘lib yetishdi. Andijon taxti uchun ukasi Jaxongir Mirzo, amakasi Sulton Ahmad Mirzo, tog‘asi Sulton Mahmudxon va boshqa raqiblarga qarshi kurashadi. Samarqand taxti uchun bir necha yil shiddatli janglar olib boradi, ammo samarasiz kechgan bu janglardan keyin Bobur janubga qarab yo‘l oladi. Andijonni Shayboniyxon egallagach, Zahriddin Muhammad Bobur Afg‘onistonga ketishga majbur bo‘ladi. 1503-yilda Qobul va G‘aznani jangsiz qo‘lga kiritadi. 1505-1515-yillarda bir necha bor Markaziy Osiyoga qaytishga urinib ko‘radi, ammo hech qanday natijaga erisha olmaydi. 1519-1525-yillarda Hindistonni qo‘lga kiritish uchun jang olib boradi. 1526-yilning aprel oyida Ponopatda Hindiston sultoni Ibrohim Lo‘di bilan va 1527-yili mart oyida Chitora hokimi Rano Sango bilan bo‘lgan janglarda Boburning qo‘li baland keladi. Tarixiy ma’lumotlarning bayon qilishicha, Boburning Hindistonga yurishida Dehli hukmdori Ibrohim Sulton siyosatidan norozi bo‘lgan Panjob hokimlari ham Boburni qo‘llaganlar va Sikri jangidagi bu g‘alaba Boburga Hindistonga o‘z hukmronligini uzil-kesil o‘rnatish va Boburiylar sulolasini barpo etish imkoniyatini berdi. Yangi mustahkam davlat “Boburiylar” nomini oladi va 300 yildan ortiq hukmronlik qiladi.

Bobur jahonga mashhur “Boburnoma” asarini yaratdi. Unda Movarounnahr, Xuroson, Hindiston xalqlari tarixi, urf-odat va an‘analarini, tarixiy shaxslarini, mamlakat tabiiy lavhalarini aks ettirdi. Bobur Xo‘ja Ubaydullo Ahrorning “Volidiya” risolasini fors tilidan o‘zbek tiliga tarjima qildi, aruz vazni va qofiya masalalariga “Mufassal” asarini yozdi.

Bobur qisqa vaqt ichida Hindistonda siyosiy muhitini barqarorlashtirish, Hindiston yerlarini obodonlashtirib, birlashtirish, savdo-sotiq ishlarini to‘g‘ri yo‘lga qo‘yish, bog‘u-rog‘lar yaratish ishlariga rahbarlik qildi. Madaniy yodgorliklar qurish, karvonsaroylar barpo qilish, kutubxonalar qurish Bobur va uning o‘g‘illari davrida keng miqyosda yoyildi. Hindiston me‘morchiligiga Markaziy Osiyo uslubi kirib kela boshladi. Bobur va uning hukmron avlodlari huzurida o‘sha davrning ilg‘or va zehni o‘tkir olimlari, shoirlari, musiqashunoslarini mujassam etgan mukammal bir ma’naviy-ruhiy muhit vujudga keldi.

Boburning ilm-ma’rifat haqidagi g‘oyalarini ilgari suradi. Bobur o‘z ma’rifiy, madaniy, ijtimoiy faoliyatida ilmi kishi (ustoz), ilmni o‘rganish uchun ilm talabgori bo‘lish g‘oyasini oldinga surdi.

Bobur deydi:

*Kim yor anga ilm tolibi ilm kerak,
O‘rgangali ilm tolibi ilm kerak.
Men tolibi ilm tolibi ilm yo‘q,
Men borman ilm tolibi, ilm kerak.*

Bobur ilmi bo‘lishni istaganlarni ilmni zo‘r havas, ishtiyoq bilan egallashga da’vat etdi. Bobur axloq-odob insonparvarlik haqidagi qarashlariga yaxshilik, vafodorlikni eng go‘zal fazilat sifatida ulug‘laydi, yomonlikni jafo keltiruvchi illat sifatida qaradi. Zahriddin Muhammad Boburning ilm-ma’rifat haqidagi g‘oyalari, axloq-odob, yaxshilik, vafo, insonni xalqqa yaxshilik, qiladigan qilib tarbiyalash, mehnat ahlini qadrlash, insonparvarlik, Vatandan judolik g‘am, alam

ekanligi, adolat haqidagi qarashlari, axloqiy-ta'limiy fikrlari hozirgi davr yoshlar tarbiyasida ham g'oyat ahamiyatlidir.

Bobur ikki tilda o'zbek va forsiy tillarida erkin ijod qilgan bo'lsada, faqat o'zbekcha she'rlarini to'plab 2 ta devon tuzgan. 1519 yilda Qobulda, 1529 yilda Hindistonda tuzilgan bu devonlar o'sha joylar nomi bilan yuritiladi. Qobul devoni topilmagan. Hind devonidagi she'rlarining umumiy miqdori 400 dan ortiq. 119 tasi g'azal, 231 tasi ruboiy, boshqalari turli janrdagi she'rlardir. Bobur she'rlarining ma'lum bir qismi hasbi hol xususiyatiga ega bo'lgan g'azaldir. Bobur g'azallari orasida hayotga qaynoq mehr aks etgan, jo'shqin g'azallar, afsusnadomat ohanglari bilan to'lgan g'azallarni ham uchratish mumkin. Bobur - podshoh, shoir va olim.

Bobur butun umri jangu jadallarda kechishiga qaramasdan tabiatan nihoyatda ziyrak va sinchkov, g'oyat fahmli va idrokli, hamma narsaga qiziquvchan bir zot edi. U qayerga bormasin, o'sha yerning geografik tuzilishi, joylashishi o'rindan tortib, o'simlik va hayvonot dunyosigacha, qish-u yozning ob-havosidan, elining tili-yu, urf-odatlarigacha hamma-hammasi bilan qiziqadi va yozib qoldiradi. "Boburnoma" da Boburning ilk she'riy mashqlaridan tortib yirik asarlarigacha yozilish tarixi, ular bilan bog'liq voqealar haqida ma'lumot berilgan. Alisher Navoiy bilan xatlashgani, "Boburiy xat" ni ixtiro etgani, musiqa bilan shug'ullangani, turkiy tilning sofligi va ravnaqi uchun kurashganlari haqida ham batafsil ma'lumot beradi. "Boburnoma" Bobur kezman yurtlar haqida o'ziga xos qomusdir. Lekin, bu faqat sinchkov emas, badiiy zavqi ham baland bo'lgan ijodkor tomonidan yozilgan. Asarda turli fanlarga oid ma'lumotlar bilan bir qatorda go'zal ijodiy kuzatishlar, chiroyli badiiy lavhalar ham bor. Ayniqsa, Xuroson va Hindiston manzaralarini chizganda, xususan, o'zbek o'quvchisiga notanish urf-odatlar, o'simlik va hayvonlar haqida hikoya qilganda Boburning badiiy iste'dodi ish beradi.

Biz yuqorida Zahiriddin Muhammad Bobur harbiy mahoratining ayrim qirralarini aytib o'tdik. Buyuk sarkardaning harbiy iste'dodiga oid sinchiklab o'rganiladigan jihatlar ko'p. Urushning salbiy oqibati, bek va zobitlarning xiyonatkorligi, maqsadsiz urush — umr zavoli ekanligi, harbiy safarbarlik sirlari, oddiy askar jasorati va unga Boburning munosabati, qal'a qurish san'ati va uni berkitish muammosi, qo'rg'onning joyini tanlash sirlari, muhoraba olib borishda joyning strategik ahamiyati, armiya va oziqa zaxirasi, asirga munosabat, harbiy hiylalar va uni o'rnida qo'llash, razvedka va parol, muhorabani boshqarishda shaxsning mavqei, davlat boshlig'ining yurt boshqarish layoqati va boshqa masalalar shular jumlasidan. Bular orasida eng diqqatga loyiq jihat — bu Zahiriddin Muhammad Boburning jang maydonidagi shaxsiy jasorati hisoblanadi.

O'zbek xalqining mard va jasur farzandi Zahiriddin Muhammad Bobur garchi olis yurtlarda yashab o'tgan bo'lsada, o'z yurti uchun beqiyos xizmat qildi, o'zbek degan nomni dunyoga tanitdi, temuriy degan yuksak nomni oqladi, vatanga muhabbatini samimiy bir tarzda izhor etdiki, uning o'lmas asarlari buning isbotidir. Muhtaram Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev yuksak ma'naviyatli avlod uchun jon kuydirayotgan bir davrda Boburning hayoti va ijodi yuksak namuna maktabi bo'la oladi, desak also mubolag'a qilmagan bo'lamiz. Boburning asarlari o'zining butun malohati, nafosati, tarovati bilan yurtdoshlarini vatanga muhabbat ruhida, go'zallikka, ezgulikka da'vat ruhida tarbiyalaydi. Bobur asarlarining tarbiyaviy ahamiyati asrlar o'tsa ham also pasaymaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Xavfsizlik kengashining kengaytirilgan tarkibidagi majlisidagi nutqi;
2. I.A Karimov. O'zbekiston XXI asrga intilmoqda. - T.: O'zbekiston, 2000. – B. 14;
3. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. T.: "Ma'naviyat", 2008;

4. Milliy istiqlol g'oyasi: Asosiy tushuncha va tamoyillar. T.: "O'zbekiston", 2001;
5. Bobur. Muxtasar. T., Fan, 1972;
6. Bobur Zahiriddin Muhammad. Boburnoma. T. Sharq, 2007;
7. Internet ma'lumotlari: www.literature.uz.

БОБУР ШАХСИЯТИНИНГ ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ

Шомуродова Н.

пс.ф.н., доцент, ТДИУ.

Инсоният тараққиёти давомида руҳий озуқага, маънавий тарбияга эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёжни аввало оиладаги ижтимоий муҳит таъминласа, кейинроқ оиладан ташқари бўлган ижтимоий муҳит давом эттиради. Ана шундай маънавий озиқланиш манбаи бўлиб адабиёт, китобхонлик хизмат қилади. Ҳар бир даврда ҳам китоб мутоаласидан олинган завқ, адабиётдан хосил қилинган тўйиниш кадрланган. Адабиётга, илмга ошнолик жамиятни маънан ривожланишига, таълим ва тарбияни ролини кучайишига хизмат қилган. Жорий йилни Ўзбекистонда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш" йили деб эълон қилинган ҳам илмга эътиборнинг жамият сиёсати доирасида юксалаётганлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 12 январь куни "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"[1.1] фармойиш берди. Бу ўз навбатида, юртимизда китобхонлик маданиятини ошишига, янги сермазмун китоблар чоп этилишига хизмат қилади. "Болаларимизни боғча ёшидан, бошланғич синфлардан кичик-кичик китобларга ўргатиш, шу орқали уларни китобсевар этиб улғайтириш зарур. Шундагина жамиятимизда китобхонлик муҳити шаклланади, бошқалар ҳам китоб ўқишга қайтади" [2.1], - дея Президентимиз китобхонлик маданиятига урғу берган эдилар. Юртимизда ёшларнинг китобхонлик маданиятини ошириш учун амалга оширилаётган ислохотлар бежизга эмас, бинобарин, келажак авлоднинг камолоти илм олиш, билимли бўлиш билан белгиланади. Миллатимиз ғурури, фаҳри бўлган сиймоларни ҳаёти ва ижодини ўрганиш, уларни ватанпарварлик, инсонийлик илмидаги хазиналарини ўрганиш, ҳар бир инсонга миллатни англашни, ҳаётни тушунишни, ватанни асрашни, илм билан яшашни моҳиятини тушунтиради.

Ҳар йили мамлакатимизда нишонланадиган Бобурхонлик шеърият тадбирлари орқали Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси, унинг ҳаёти ва фаолияти, шоҳ ва шоир сифатидаги сиймоси ёдга олинади, ўрганилади. Ёшлар тарбияси ва илмини, ватанни севиш намунасини Бобур тимсолида ёритиш ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Бобур шахсиятини ўрганиш орқали уни шоир, нозик қалб эгаси сифатида намоён бўлишини кузатамиз. Ўзи яшаган, туғилган ватанини тупроғини, ўсимликларини, табиатини шу қадар суйиб мисраларида ифодалаши орқали туғилган юртига бўлган меҳрни, уни бошқа юртларда шоҳ бўлсада қўмсаши юртига бўлган юксак муҳаббатини борлигини кўрсатади. Шу билан бир қаторда ҳар қандай обрў ва зар ҳам Ватан соғинчига тенг келолмаслигини англаш мумкин бўлади.

Заҳириддин Бобур шахсияти жуда кўплаб дунё олимлари томонидан ҳам қизиқиш билан ўрганилган. Жумладан, англиялик адиб Маргарет Румер Годден[5.87] «Гулбадан» асарида Бобур сиймоси ва ижодиётининг алоҳида жиҳатларига тўхталиб ўтади. У Бобур характерида хос бўлган жиҳатлар хусусида шундай фикр билдиради: «Бобур иродаси мустаҳкам, қатъиятли шахс бўлиб, ўз олдига бир мақсад қўйса, уни рўёбга чиқармай қўймас

эди. Бобур юришлари қанчалик оғир ва узоқ бўлмасин, бир неча ноёб китоблар ҳамиша унинг ҳамроҳи эди».

Бобур шахсияти, ҳаёти ва ижодини ўрганиш ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, ватанга садоқат, миллий кадриятларимизга эҳтиром, юрт таракқиётига даҳлдорлик ҳисси ва мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантиришда чексиз аҳамиятга эга. Бобур тимсолида шижоат, ғурур, ор, олдинга қараб интилиш, нозик табиатлилик, кенг тасаввур ва ҳаёлот дунёси, ўзига нисбатан талабчанлик, яқинларига фидойилик каби характерологик сифатларни унинг ижоди, ҳаёти ва фаолиятини кузатиш орқали кўриш мумкин. Шу билан биргаликда бугунги кунда ёшларимизни лидерлик сифатларини ривожлантиришда, фаол бўлишларини таъминланишида ҳам сиёсатда, ҳам маданиятда, ҳам ватанпарварликда етакчилик қилишларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсини келтириш жоиз бўлади. Бобур қисматида жуда кўплаб хатолик ва мағлубиятларга учраб, хиёнат ва сотқинликлар гувоҳи бўлганига қарамай, у ҳар бир аламли мағлубият ва муваффақиятсизликдан кейин мустаҳкам ирода ва кучли мотивацияларни ўзида шакллантириб, мақсад сари интилиб яшади. Бундай қийин қисмат йўлини «Бу олам аро ажаб аламлар кўрдим», деб битилган мисраларида ҳам акс эттирган. Ҳар бир битган мисраларидан кейин ўзидаги курашувчанлик руҳиятини, яшовчанлик қувватини тиклашга, мувозанатини сақлашга имкон топа олган.

Бобурнинг тарих саҳифасида шоҳ ва шоир сифатида битилиши боиси унинг бетакрор шахсиятида. «Бобурнома»ни, Бобурнинг рубобий, ғазалларини ўқиган, англаган киши инсонлар учун кўнгил хотиржамлиги бир-бирларига бўлган ишонч, садоқат, меҳр ва содиқ дўстликда эканлигини тушунади. Бобур тарихий шахсларга, ҳатто ўзига душман кишиларга ҳам беғараз муносабатда бўлади, улар ҳақида холис маълумот беради, фаолиятлари ва фел-атворидаги камчиликларни тўғри кўрсатади. Муҳими шундаки, у тарихий шахсларга мамлакат таракқиёти, ободончилик ишларида, фан, адабиёт ва санъатни янада ривожлантиришда кўрсатган хизматларига қараб баҳо беради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурни синчков кузатувчанлигини, табиатга бўлган эътиборини, кучли хотирасини, бардош ва иродасини, инсоний муносабатларни, фазилатларни кадрлашини, нозик кўнглини бир сўз билан айтганда психопортретини “Бобурнома” мемуар асари орқали кўришимиз мумкин. Унда Бобурнинг ички руҳий ҳолатлари ва ташқи қиёфасига хос чизгиларни яққол тасаввур орқали кўриш мумкин бўлади. “Бобурнома” XV асрнинг сўнгги XIV асрнинг биринчи чорагида мазкур уч минтақада кечган воқеаларни ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Тадқиқотчи М.Абдуллаеванинг маълумотида кўра “Бобурнома”да ҳаммаси бўлиб 1540 нафар киши номлари тилга олинган бўлиб, шундан 357 нафари Мовароуннаҳрлик тарихий шахсларнинг номларидир. Қолган қисми эса турли даврда, турли мамлакатларда яшаган тарихий шахслар номидир [3.68]. Асарда Бобур тарихий воқеаларни баён этиш билангина чекланмайди, балки воқеалар содир бўлаётган шароит манзарасини, тарихий шахсларнинг қиёфаси ва хулқини, табиат лавҳаларини батафсил тасвирлайди.

Тарихий шахслар орасида Бобурчалик эрта ёшдан давлат ишлари ва ижод билан машғул бўлган, иқтидор ва фазилатлари беқиёс кишилар жуда кам учрайди. Бобур адолатли подшоҳ, истеъдодли шоир, назарийчи адабиётшунос, фақих, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони сифатида кўпқиррали фаолият ва ижод соҳиби эди. “Бобурнома” асари унинг йигирмадан ортиқ соҳаларга қизиққанлигини яққол ифодалайди.

Ўз оиласига, юртига бўлган муҳаббатни, мақсади сари интилувчанликни, ҳар қандай шароитда ҳам ўзидаги лидерлик, етакчилик сифатини тарбиялашни, кўрсата олишни, бошқа миллатларни, уларнинг кадриятларини ҳурмат қилишни, адабиётни руҳият озукаси сифатида қабул қилишни, қийин кечинмаларини адабиёт билан бўлишиш санъатини ёшлар тарбиясига жорий этиш орқали аجدодлардан ғурурланиш, улардаги муваффақиятни улашиш, ўзлари учун мотиватор сифатида тан олишларини таъминлаш ўзларига бўлган ишончни, ички шижоатни ривожланишига кучли таъсир этади.

Бобур ўзи ҳаёти давомида яхшилик билан яшашга интилди ва бу фалсафани ҳар доим уқтиришга интилди. Бугунги ҳаётимизда учраб тураётган хунрезликларга, зиддият ва тўқнашувларга ёшларимизни иштирокчи бўлишини олдини олишда шох Бобур чақириғини улар онгига, руҳиятига сингдирмоғимиз зарур.

*Бори элга яхшилиг қилгилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар, даҳр аро қолди фалондин яхшилиг.*

Бунда таъсирчан шаклда ташкил этиладиган маърифий кечалар, шеърият тадбирларини мунтазам ўтказишни таъминлаш зарур.

Ҳам жисмоний куч билан, ҳам қалам кучи-ижодий мисралар, маънавий бойлик билан Ватанни қўриқлаш, севиш, унга муносиб бўлиш, ҳимоячи бўлиш ҳиссини ҳар бир эр йигит қалбига Бобур сиймоси, шахсияти орқали сингдириш лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши. N Ф-4789 12.01.2017 й.

Sh.Mirziyoev.<https://sputniknews-uz.com/society>

2. Абдуллаева М. “Бобурнома” ва “Шажараи турк”нинг қиёсий поэтикаси. –Т., 2002. 68-б.

Бобур ва бобурийлар библиографияси. Нашрга тайёрловчи, жамлаб тузувчи ва муаллиф Шокирхон Шодмонхўжа ўғли Рустамхўжаев. – Т.: “Mumtoz so'z”, 2013.

3. Margaret Rumer Godden. Gulbadan New Delhi : Tara Press, 2007. 87 p

4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. –Т.: “Шарқ” НМАК, 2002.

YOSHLARNI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHDA BOBUR ILMIIY VA MA`NAVIY MEROSINING O`RNI

Inoyatov N.

O`zResMGHTI kursanti

Mustaqillik xalqimizga o`zligini anglash, o`z tarixini tiklash va o`rganish, milliy merosimizdan bahramand bo`lish kabi cheksiz imkoniyatlarni tuxfa qilganligi bugungi kunning tarixiy voqeligi bo`ldi.

Har bir davlat va millat avvalo o`z farzandlari qiyofasida shu xalqqa xos xususiyat va fazilatlarini namoyon etadigan, uning azaliy orzu intilishlarini ro`yobga chiqaradigan buyuk kuchni ko`radi. Mamlakatimizda istiqloq yillarida mustaqil fikrlaydigan, o`z-o`zini anglaydigan, jamiyatga daxldorlik hissini tuyib yashaydigan, har tomonlama yetuk barkamol avlodni tarbiyalash vazifasi davlat siyosatining ustuvor yo`nalishi sifatida namoyon bo`lmoqda. Uni amalga oshirishda esa, eng

avvalo yoshlarning ichki ruhiy ma'naviy dunyosini boyitish va mustaqil dunyoqarashini shakllantirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Ma'naviy-ma'rifiy, g'oyaviy-tarbiyaviy ishlarimizning pirovard maqsadini barkamol avlod, vatanparvar inson shaxsi bilan bog'lar ekanmiz, so'zsiz o'tmish milliy-ma'naviy merosimizni, boy ma'naviy qadriyatlarimizni tarbiyaviy faoliyatimizning poydevori deb bilmog'imiz lozim bo'ladi.

Yoshlar ma'naviyatini yuksaltirishda eng muhim omillardan yana biri – tarixiy xotira – ajdodlarga yuksak hurmat va ehtirom ifodasi bo'lib, o'tganlar xotirasini yodda saqlagan holda, e'zozlab yashash demakdir. Bundan tashqari yoshlarimiz qalbida yurtga, vatanga sodiqlik, harbiy vatanparvarlik tuyg'ularini kamol toptirish ham bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Yurtimiz manfaatlarini nafaqat harbiy sohada, balki hayotning barcha jabhalarida, har bir qadamda himoya qilishga tayyor turish, yurt uchun fidoiy bo'lish – bu bugungi kun talabi ekanini hayotiy misollar va ta'sirchan vositalar bilan yoshlar ongiga singdirib borishimiz zarur. Bugungi kunda yoshlarni harbiy vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Ayniqsa bu borada yoshlarni harbiy vatanparvarlik ruhida tarbiyalash konsepsiyasining qabul qilinishi katta ahamiyatga ega bo'ldi.

Yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash Konsepsiyasi – mamlakatda amalga oshirilayotgan yoshlarga oid davlat siyosatining asosiy tamoyil va ustuvor yo'nalishlari asosida ishlab chiqilgan bo'lib, hozirgi murakkab globallashuv davrida, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari shiddat bilan rivojlanib borayotgan bir sharoitda yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash bilan bog'liq dolzarb vazifalar va ularni hal etish yo'llari, davlat va nodavlat tashkilotlar, oila, mahalla, ta'lim-tarbiya institutlarining bu boradagi roli va ahamiyatini, o'zaro hamkorligini milliy va xalqaro huquqiy normalarni hisobga olgan holda belgilab beradi. Bundan tashqari yoshlarimizni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda o'tmishda yashab o'tgan buyuk bobokalonlarimizning ilmiy merosini o'rgatish ham katta ahamiyatga ega bo'lmoqda.

Xalqimiz o'zining buyuk tarixi va ajdodlari bilan hamisha g'ururlanib keladi. Dunyoning qaysi burchiga bormang, ajdodlarimiz merosiga ro'baro' kelasiz. Ayniqsa, XIV-XV asrlarda Markaziy Osiyoda vujudga kelgan ijtimoiy-siyosiy muhit, jahon tamaddunida alohida sahifa bo'lib qoldi. Sohibqiron Amir Temur barpo etgan buyuk saltanatda ilm-ma'rifat, riyoziyot, astronomiya, adabiy muhit yanada ravnaq topdi. Temuriy shahzodalarning ilm-ma'rifatga katta e'tibor qaratgani tarixdan ma'lum. Astronomiya va falakiyotshunoslikda Mirzo Ulug'bek o'zidan katta meros qoldirgan bo'lsa, Temuriyzoda Zahiriddin Muhammad Bobur o'zbek mumtoz adabiyoti, jug'rofiya, tarix voqeligini muhrlashda katta mavqega erishdi. Zahiriddin Muhammad Bobur ham shoh, ham shoirdir. —Bobur so'zi arab tilida —sher degani. Chindan ham u bu nomga munosib shaxsiyat edi. U tariximizning murakkab bir davrida yashadi. Qudratli temuriylar saltanati yemirilib, o'rniga shayboniylar kelayotgan davr edi. Yurt jang-u jadallar ichida qolgandi. Shunday bir paytda o'z yurtiga sig'magan temuriyzoda Bobur Hindistonga bosh olib ketdi. U yerda buyuk saltanat o'rnatdi. O'z jasorati va adolati bilan olis hind xalqi qalbidan joy oldi, uning mehrini qozondi. Boburning avlodlari hind diyorida uch yuz yildan ortiqroq hukmronlik qildilar.

Bobur Hindistondagi din-mazhab janjallarini oldini olishga, mamlakatda osoyishtalik qaror toptirishga urindi. Adolatli qonunlar chiqardi, g'ayridinlik solig'i (juz'ya)ni bekor qildi. Mamlakatda obodonchilik ishlarini yo'lga qo'ydi. Shuningdek, hind yerida hali hech bo'lmagan bog'lar bino qildi. Bobur hamisha o'z vatanini sevgan uning himoyasi uchun jonini ham ayamagan. Buni uning ruboiylari orqali ham bilib olishimiz mumkin:

Beqaydmen-u xarobi siym ermasmen,
Ham mol yig'ishtirur laim ermasmen.
Kobulda iqomat etti Bobur, dersiz,

Andoq demangizlarki, muqim ermasmen.

Vatan haqidagi qarashlari, asarlaridagi vatanparvarlik g'oyalari o'zining ta'sirchanligi, mazmunning chuqurligi bilan o'quvchilarda Vatanga muhabbat, uning bemisl boyliklariga, insonlarga mehr-oqibat tuyg'ularini tarbiyalashda katta xizmat qiladi. Oshufta shoir ona yurtidan yiroqda bo'lsa ham, o'zi tug'ilib o'sgan yurtiga, ona Vataniga bo'lgan muhabbat, unga yetishish orzusi doim uning qalbidan iztirob tuyg'ularini o'chirmaydi

Bobur adabiy merosining bugungi ma'naviy hayot va adabiyot uchun ibratli jihatlari juda ham ko'p. Bobur merosi bizga millatparvarlikni, vatanparvarlikni, ona yurt uchun fidoiylilikni, insonparvarlikni o'rgatishga da'vat etadi. Hozirgi yoshlar uchun Bobur shaxsi o'sib kelayotgan yosh avlodni ajdodlarga munosib avlod bo'lishga da'vat etadi. Yuksak bilim – malakaga ega, tarixni puxta o'zlashtirgan, milliy qadriyat, an'ana va urf-odatlariga chuqur hurmat ruhida ulg'aygan avlodgina yurtning ertasi, taraqqiyotiga munosib hissa qo'sha oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash-yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi.-Toshkent: O'zbekiston, 2017.
2. Vohidov R.J., Eshonqulov H.P.O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. – T.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti. 2006.
3. Vohidov R. Biz bilgan va bilmagan Bobur. – T.:Sharq.2007.

МУНДАРИЖА

Миракулов Мирафзал Миродилович Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти бошлиғи ўринбосарининг кириш сўзи	3
ЯЛПИ МАЖЛИС МАЪРУЗАЛАРИ	
Munevver Tekjan (Turkey) The books on the life of Babur from 19th century to present	5
Рамиз Аскер (Азербайджан) Бесконечная любовь к великому художнику слова	8
Янник Линц (Франция) Бобур буюклигининг турли қирралари	10
Фредерик Брессанд (Франция) Темурийлар давлатининг муносиб вориси	11
Syed Naqi Abbas, Khatib-ur-Rahman (India) Literary and cultural of Uzbekistan in India	12
Rasulova Nadira (Uzbekistan) Zakhiriddin Muhammad Babur - a great statesman and commander	13
Khaknazarov Khudoyberdi (Uzbekistan) The importance of Bobur's works in educating young military personnel in the patriotic spirit	15
I-ШЎБА. БОБУР ҲАЁТИ ВА МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР	
Рахимов Ж. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк саркардалиқ салоҳияти	18
Машрабов З., Мамасолиев Р. Бобуршунослиқ ва Бобур номли халқаро жамоат фонди	24
Бўриев О. Заҳириддин Бобурнинг темурийлар тахти учун кураши (1510-1512)	29
Рахимов Н.Т. Уратюбинский период борьбы Захириддина Бабура за Тимуридский престол	32
Ҳайитов Ш.А. Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодлари кашмирда	35
Шарипов Ш., Абдукаримов Дж. Каменные книги» Мирзо Бабура	38
Саидов Ё.С., Салимова Д.Ф. Бобур лирикасидаги антономазияларнинг семантик хусусиятлари	44
Маҳмудов И.А. Ўзбекистонда бобуршунослиқ соҳасидаги тадқиқотлар эволюцияси	47
Убайдуллаев Н. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёт йўлини ўрганишда тарихий манбаларнинг роли	50
Жабборов Р. “Бўлса юз Наврўзу байрамлар...”	53
Abdullayev H.G‘. Bobur buyuk sarkarda	55
Boltaboyev M., Yusupova X. Boburiylar davlati boshqaruvida dinning ahamiyati	58
Muqimova G.R. Bobur she'riy asarlaridagi fitomorf metaforalarning semantik xususiyatlari	61
Karimov I.Y. Tarixiy shaxslar va vorislik an'analari	64
Vokhidova S.H. Zahiriddin Muhammad Babur - warlord, politician and poet	66
Ubaydullayeva Sh.A. Boburshunoslik yo'nalishlarini ilmiy va tarixiy tadqiq etish masalalari	68
Yunusov B.A., Ro'ziyev Sh.Sh.	

Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti, ijodi va adabiy merosi	70
Alimova G. A., Burxonov A. S.	
Zahiriddin Muhammad Bobur asarlarida tabiiy yashash muhitlarning tahlili	73
Икрамов А. А., Нематов Ж.А.	
Внутренняя и внешняя политика Бабура и бобуридов в Индии	76
Ogipova M.Q.	
Bobur - o'zbek adabiyotining yorqin namoyondasi	77
Ахмедова Ш.Н.	
Бобуршуносликдаги йирик тадқиқот хусусида	81
Азимов У., Рафиқова Д.	
Бобур ва унинг маънавий меъроси	83
Холиқулова Г.Ё.	
Бобур ижодида тарбия масаласи	84
Kandaxarov A.X.	
Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti va shaxsiy fazilatlarining e'tirofi	86
Холиқов Ш.А.	
Бобур ҳаёти ва ижодини тарғиб этишда ижтимоий тармоқ каналлари ва гуруҳларининг роли	90
Тўраева Д.Р.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг давлат бошқаруви	93
Амонова З.Қ., Ахророва З.Р.	
Бобур ижоди ва китобат санъати	96
Жуманиёзова Д.	
Бобур ва тасаввуф масаласи	98
Мамаюсупов М.А.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва меросини ўрганишининг зарурияти	101
Бойбутаев Ж.Ж.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобур - ўрта аср шарқининг геродоти	105
Kamalova Z.O.	
Bobur mening qalbidadir	107
Мухитдинов Б.Р., Темиров Б.Б.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 538 йиллигига	109
Ғаниев А. С.	
Бобур Мирзонинг саркардалик шижоати ва шоирликдаги ижобий фаолияти	113
Дедаханова М.А.	
Шеърининг матндаги ботиний семаларнинг лингвопозитик тадқиқи	117
Худойқулов Й.А., Мамараҳимов Қ.Х.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобур - табиатшунос олим	120
Karimova B.N., To'raboyev B.N.	
Bobur - yuksak insoniy fazilatlarini shakllangan buyuk shaxs	122
Атамирзаев И.Х., Эргашев Б.	
Биз билган ва билмаган Бобур...	125
Xolmurodov D.B.	
Zahiriddin Muhammad Bobur she'riyatida hijron timsoli	127
Махкамов Қ., Вахабова Т.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қисқача тарихи	133
Fayziyev Z.	
Millatlararo munosabatlarni mustahkamlashda davlat va nodavlat tashkilotlarining o'rni	136
Акрамова Ш.А., Гаипов Р.А.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг диний эътиқоди ва тасаввуфий қарашлари	139
Қодирова Н. С.	
Бобур ижодининг янги таҳлиллари хусусида (И.Ҳаққул тадқиқотлари мисолида)	141
Носиров Ф.	
Бобур Мирзо ижодида туркий тилнинг ўзига хос ўрни	143
Исаева М.Р.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобур туркий адабиётнинг забардаст вакили	146

Эватов С.С.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари	150
Содиқова Д.Р.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг педагогик қарашлари	154
Сувонов Л.Х.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг туркий тил ривожига кўшган ҳиссаси	155
Комилова М.М.	
Значение творчества Захириддина Мухаммада Бабура в процессе воспитания молодежи	159
Abdullayeva F.Sh.	
Zahiriddin Muhammad Bobur yuksak ma'naviyat va jasorat sohibi	163
Тўраев Б.Ф.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобур- маънавиятимиз сарвари	165
Жўраева С.Н., Турсунов Б.С.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳарбий саркарда ва беназир санъат арбоби сифатида	167
Шамсиева Х.	
Бобурий бегимлар қурдирган иморатлар	173
Ҳакимов А.М.	
Шоҳ ва шоир, олим ва саркарда	174
Хасанбоев Б., Тураев М.	
Ўзбек халқининг буюк шоири	177
Шадманов Э.Ш., Мансуралиев К.Ш.	
Бобурийлар даврида солиқ ва пул муомаласи масалаларининг ҳал этилиши	179
Шарипов А.А.	
Заҳириддин Бобур салтанатида зарб қилинган тангалар хусусида баъзи маълумотлар	181
Vozorov A., Muxtorov O.A.	
Boburiylar davrida moliya-soliq munosabatlarining taraqqiyoti va uning bugungi kundagi ahamiyati	186
II-ШЎЪБА: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА БОБУРШУНОС ЙЎНАЛИШИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ	
Мирзаев Ғ.Р.	
Бобурийлар давлатининг моҳир саркардаси ва дипломати	191
Ҳайитов Ш.	
Хорижда бобуршунослик	194
Толипов А.А.	
Европа мамлакатларида бобуршунослик соҳасидаги тадқиқотлар	197
Девяткин А.В.	
Ҳиндистонда бобуршунослик йўналишидаги тадқиқотлар ва уларнинг аҳамияти	200
Хайруллоева К.Р.	
Bobur hayoti va ijodi ingliz adiblari nigohida	202
Nazarov T.T., Meliqov J.G.	
Boburnoma asari dunyo olimlari tadqiqotlarida	205
Азизов Р.М.	
Осиё мамлакатларида Бобур ҳаёти ва меросини ўрганиш соҳасидаги тадқиқотлар	208
Ҳакназарова З.А.	
“Бобурнома”нинг хорижий тиллардаги таржималарининг қиёсий таҳлили	212
Polvonov J.A.	
“Boburnoma” – dunyo olimlari tadqiqotlarida	215
Abdulhayrov D.P.	
Die arabismen in der deutschen gegenwartsprache	217
Абдуллаев Д.Н.	
Отмеченная наградами спонсорская инициатива Захириддина Мухаммеда Бабура	221
Гадаев Ҳ.У.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобур дунё олимлари нигоҳида	223
Одинаева Н.Л., Ҳамитова С.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари дунё олимлари назарида	227

Исматуллаев Ф.О.	
Европада бобуршуносликни шаклланиши ва ривожланишига оид айрим мулоҳазалар	229
Раҳматжонова К.А.	
Ҳинд олимларининг Заҳириддин Муҳаммад Бобур тарихий-маданий меросига оид қарашлари	233
Kamolov I.N.	
Rus boburshunosligi tarixi	235
Сайдуллаева Г.С.	
Бобурийлар даврида Ҳиндистон ва Туркистон алоқалари	268
Ҳайдаров С.А., Ҳайдаров У.А.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобур хорижлик тадқиқотчилар нигоҳида: подшоҳлик мўйқалами	242
Abdullayeva M.I.	
“Boburnoma” dunyo olimlari nazdidagi qomusiy asar	246
Атажанов А.Ю., Халмуратова Д.Б.	
Значение и роль Захир-ад-дина Мухаммеда Бабура и династии бабуридов в развитии и становлении отношений между Центральной и Южной Азией	249
Хусанова Дж.К., Амирова З.Ф.	
Бабурнома и другие произведения в исследовании ученых мира	253
III-ШЎБА. ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА БОБУР ИЛМИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИ	
Мусаев Ф.А.	
Ценное научно-творческое наследие Бабура	257
Khursandov A.S.	
The factors for strengthening the sense of patriotism at youth through the Babur’s creativity	261
Хотамов Ш.	
Бобур ижоди ва фаолияти ёшлар учун ғурур ҳамда ибрат мактабидир	264
Ҳайдаров А.У.	
Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Бобур адабий меросининг аҳамияти	267
Абдурахмонова З.А.	
Ёшларни саноген тафаккур хусусиятларини ривожлантиришда Бобур илмий ва маънавий мероси	271
Маматқобилов Т.Д.	
Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш омиллари	273
Абдурахманов Ш.Н.	
Военно-патриотическое воспитание молодежи в современных условиях	277
Абдуллаева М., Туракулова М.	
Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Бобурнинг илмий ва маънавий мероси	281
Алижонов А.Т., Тураева Д.Р.	
Патриотизм в личности и творчестве Захириддина Мухаммада Бабура	283
Babadjanova Sh.Sh., Yusupova D.D.	
Bobur ijodida vatanparvarlik gʻoyalarining maʼnaviy-tarbiyaviy ahamiyati	285
Vakiyev M.G.	
Boburning “Mubayyin” asari tarbiyaviy ahamiyati	289
Исроилов Б., Жумаев Ш.	
Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросининг ўрни	291
Бурханов Т.М.	
Ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда “Бобурнома” асарининг ўрни	294
Бердалиев Н.	
Бобур ижоди ва фаолиятининг тарбиявий аҳамияти	297
Эргашова Г.М.	
Ёш авлодлар қалбида Бобур сиймоси	299
Ибрагимов А.Ж.	
Ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик туйғусини юксалтиришда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маънавий меросининг аҳамияти	302

Икрамов А.А., Насриддинов Ж.А.	
Красота природы глазами Бабура	304
Жўраева М., Юсуфжонова О.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосида ватанпарварлик туйғуси	305
Nurulloyev L.L., Jo'rabayev K.K.	
Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda Bobur asarlarining ahamiyati	307
Мамаджонова М.Қ., Эшпўлатов Д.О.	
Бобур маънавий меросининг ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрни	310
Мўминов М.	
Бобурдаги ватанпарварлик фазилатининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти	312
Муродов Адҳам Илҳомович	
Бобур ижодида таълим-тарбия масалалари ва унинг жадидлар асарларидаги талқини	314
Omargova G.S., Bozorgbayeva M.R.	
Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda Bobur ilmiy va ma'naviy merosi	317
Очилов Ў.Б.	
Бобур Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзонинг ҳаёти ва ижоди бугунги кун ёшларининг тарбиясида муҳим ўрни хусусида	319
Олтмишева Н.Ғ.	
Маънавий баркамол ёшларни тарбиялашда Бобур маънавий меросининг аҳамияти	323
Турсунов Ш.Р.	
Ватанпарварлик тамойиллари ва шартлари ҳақида	325
Mamatqulov N.I.	
Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda Bobur ilmiy va ma'naviy merosini tutgan o'rni	328
Мадаминов А.А.	
Место духовного наследия Бабура в воспитании молодежи в духе патриотизма	331
Тешасев Н.Н.	
Бобур фалсафий меросида ватан ишқи, ватанпарварлик ғоялари	334
Тураева Д.Р., Саидвалиева М.Ф.	
Бобур маънавий меросида ёшлар тарбияси масалалари	336
Qodirov O.S., Muxammadiyeva K.	
Yoshlar tomonidan Zahiriddin Muhammad Bobur ilmiy va ma'naviy merosini (ruboiy va tuyuqlari tahlili) o'rganilishi	339
Қулматов Н.Э., Х.Р.Д.	
Ўқувчи ёшларни ватанпарварлик ва миллий қадриятлар асосида тарбиялаш- янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омилдир	342
Qarshiyeva D.E., Qarshiyeva G.E.	
Zahiriddin Muhammad Bobur –ma'naviyatimiz sarvari	345
Qodirov O.S., Xukumova D.X.	
Yoshlarda liderlik mahoratini shakllantirishda "Bobur shaxsidagi liderlik xususiyatlari"ni o'rganishning psixologik xususiyatlari	348
Қурбонова Д.Ш.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик фазилатлари - ибрат ва тарбия манбаи	351
Қурбонова П.	
Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Бобур илмий - маънавий меросининг миллий ва ижтимоий аҳамияти	353
Rasulov N.F., Rasulova M.F.	
Yoshlarni tarbiyalashda Boburning ilmiy va ma'naviy me'rosi	355
Саидова К.У.	
Чувство родины в контексте воспитанности человека на примере творческого наследия Бабура	357
Узоқов А.М., Саидов О.Б.	
Талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш принциплари, босқичлари, усуллари	359
Улжаева Д.А.	
Научное и духовное наследие Бабура в воспитании молодого поколения в духе патриотизма	362
Холмирзаев Н.Н., Холмирзаева Ж.Х.	
Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Бобур илмий ва маънавий меросининг аҳамияти	366

Ходиев Р.Х.	
Буюк аждодларимиз ҳаётининг ёшларни жисмоний ва руҳий соғлом этиб тарбиялашдаги ўрни	368
Hotamov Sh.N.	
Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda Bobur Mirzo she'riyati va g'azallaridan foydalanish	373
Ходжаева Н.И.	
Заҳириддин Муҳаммад Бобур – буюк маданият, олий даражадаги шарқона одоб ва ахлоқ тимсоли	376
Yusupov O.Y.	
Zahiriddin Muhammad Bobur ma'naviy merosining yoshlar ta'lim-tarbiyasidagi o'rni	379
Умарова И.А.	
Жалолиддин Румий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодидаги тасаввуфий қарашларнинг ўхшашликлари	382
Zokirjonova S.U.	
Mustahkam oila shakillanishida temuriy malikalar ibratli hayotini o'rganishning ahamiyati	384
Ядгарова Г.Т.	
“Бобурнома” асарини ўрганишнинг маънавий ва тарбиявий аҳамияти	386
Suyundikov L.A., Usmonov U.A.	
Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda Bobur ilmiy va ma'naviy merosini tutgan o'rni	389
Шомуродова Н.	
Бобур шахсиятининг ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти	392
Inoyatov N.	
Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda Bobur ilmiy va ma'naviy merosining o'rni	394

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**



**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАЁТИ ВА МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ
ДУНЁ ТАЛҚИНИДА
халқаро илмий-амалий конференцияси тўплами
2021 йил 12 феврал**

I-ҚИСМ

**ИЗУЧЕНИЕ ЖИЗНИ И НАСЛЕДИЯ ЗАХИРИДДИНА МУХАММАДА БАБУРА В
МИРОВОЙ ИНТЕРПРЕТАЦИИ
сборник международной научно-практической конференции
12 февраля 2021 года**

ЧАСТЬ I

**STUDYING THE LIFE AND LEGACY OF ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BABUR IN
THE WORLD INTERPRETATION
book of international scientific-practical conference
February 12, 2021**

PART I

Техник муҳаррир: Н.Абдуллаева

Босишга рухсат этилди. Буюртма: №
Формат 60x90/16 Times New Roman гарнитураси билан рақамли босма усулида босилади.
Ҳажми: 25,25 ш.б.т.; 34,4 т.-х. т. Адади:

© Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2021